Tadqiqotlarimiz bug'doydan bo'shagan maydonlarda olib borildi. Mosh urug'lari 05 iyulda 4 xil variantda moshga bakterial ishlov berib, 3-4 sm chuqurlikda 60 sm qator oralig'ida ekildi. Tadqiqot variantlari sifatida I – nazorat varianti inokulatsiya qilinmasdan boshqa variantlarni taqqoslash uchun tanlandi. II – variantda mosh urug'lariga 2% li bakterial preparat bilan ishlov berib ekildi. III – variantda urug'larga 0,2% li preparat inokulatsiya qilindi va IV – variantda urug'lar 0,02% li bakterial o'g'it bilan ishlov berib ekildi. Boshqa dukkakli o'simliklarniki kabi moshning quyidagi o'sish fazalari qayd etiladi: unib chiqish, poyaning shoxlanish, g'unchalash, gullash, pishish. Tajribamizda yuqoridagi o'sish fazalarida mosh o'simligining o'sish – rivojlanishi, suv rejimi, quruq massa hosil qilishi kabi xususiyatlariga bakterial preparatning ta'siri o'rganildi.

Tadqiqot natijalari va ularning tahlili. Mosh biologik xususiyatlariga ko'ra issiqsevar o'simlik bo'lgani sababli urug'larni unib chiqishi uchun optimal harorat $+20 + 25^{\circ}\text{C}$ ni tashkil etadi. Urug'lar unib chiqishi uchun o'z og'irligiga nisbatan 85-92% namlikni talab qiladi. Mosh urug'lari ekilganidan keyin juda tez unib chiqadi. Bizning tadqiqotlarimizda dala sharoitida urug'lar 5 – 10 kunda to'liq unib chiqdi. Shuningdek, laboratoriya sharoitida termostatda 25°C haroratda mosh urug'lariga turlicha bakterial preparat inokulyatsiya qilib, undirib ko'rilganda amalda urug'larning unuvchanligiga bakterial preparat ta'sir qilmaganligi aniqlandi. O'rganilgan barcha variantlarda laboratoriya sharoitida urug'lar ikkinchi kundan boshlab unib chiqishi kuzatildi. Inokulyatsiya qilinmagan nazorat variantida urug'larning unuvchanligi ikkinchi kuni 41% ni, beshinchi kuni 100% ni tashkil qilgan bo'lsa, 2%, 0,2% va 0,02% li bakterial preparat bilan inokulyatsiya qilingan variantlarda mos ravishda unuvchanlik ikkinchi kuni 39%, 35%, 45% ni tashkil qildi. Tajribalarimizning oxirgi beshinchi kuniga kelib, urug'larning unuvchanligi variantlarga mos ravishda 99%, 96% va 98% ekanligi qayd etildi. Natijalar jadvalda keltirilgan.

Jadval

Bakterial preparat bilan ishlov berilgan mosh urug'larning laboratoriya sharoitida unuvchanligi, %

Kunlari	Variantlar	I	II	III	IV
2-kun		41	39	35	45
5-kun		100	99	96	98


Tadqiqot davomida dala sharoitida bakterial preparat bilan ishlov berilgan ekinlarda bakterial preparatning ijobiy ta'sir etishi aniqlandi. Urug'lar dalada ekib o'stirilganda bakterial ishlov berilgan o'simliklar ildizida tugunaklari hosil bo'lishi tezlashganini va bu o'z o'rnida mosh o'simligining o'sish va rivojlanishiga ijobiy ta'sir etgani aniqlandi. Preparat bilan ishlov berilgan ekinlarning nazorat variantiga nisbatan o'sishi tezlashgani, umumiy barg sathining oshganligi qayd etildi. Ma'lumki, o'simliklarda fotosintez jarayoni yashil organlari, asosan barglarida sodir bo'ladi. O'simliklarda barg sathining oshishi fotosintez va nafas olish yuzalarining kengayishiga sabab bo'ladi. Ayni jarayon tajribamiz davomida ham kuzatildi. Barg sathi nazorat variantida uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 15 sm^2 , shoxlanish fazasida 25 sm^2 , shonalash fazasida $96,4\text{ sm}^2$, gullash davrida 222 sm^2 , dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 423 sm^2 , pishish fazasiga kelib esa 495 sm^2 bo'lganligi qayd etildi (1-rasm).

Barg sathi nazorat variantiga nisbatan 2% li bakterial preparat bilan ishlov berilgan variantda uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 33 sm^2 bo'lib, nazorat variantga nisbatan 18 sm^2 ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib $76,9\text{ sm}^2$ bo'lib, nazorat variantga nisbatan $51,9\text{ sm}^2$ katta ekanligi, shonalash fazasida $392,3\text{ sm}^2$ bo'lib, barg sathi nazorat variantga nisbatan $295,9\text{ sm}^2$ katta ekanligi, barglar yuzasi gullash fazasida 615 sm^2 ekanligi va nazorat variantga nisbatan 393 sm^2 kattaroqligi aniqlandi. Dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 701 sm^2 bo'lib, nazorat variantidan 278 sm^2 ko'proq ekanligi, pishish fazasiga kelib esa 724 sm^2 hosil bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 229 sm^2 ko'proq hosil bo'lganligi aniqlandi. Barg sathi nazorat variantiga nisbatan 0,2% li bakterial o'g'it bilan ishlov berilgan variantda uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 24 sm^2 bo'lib, nazorat variantga nisbatan 9 sm^2 ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib 39 sm^2 bo'lib, nazorat variantga nisbatan 14 sm^2 ko'proq hosil bo'lishi, shonalash fazasida $259,7\text{ sm}^2$ bo'lib, barg sathi nazorat variantga nisbatan $163,3\text{ sm}^2$ katta ekanligi, barglar yuzasi gullash fazasida 437 sm^2 ekanligi va nazorat variantdan 215 sm^2 ko'proq hosil bo'lganligi dukkaklarning hosil bo'lishi fazasida esa 585 sm^2 bo'lib, nazorat variantiga nisbatan 162 sm^2 kattaligi, pishish fazasida esa 638 sm^2 bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 143 sm^2 ko'proq hosil bo'lganligi aniqlandi. O'simliklarda nazorat variantiga nisbatan barg sathi shakllanishi 0,02% li bakterial preparat bilan ishlov berilgan variantdan uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 18 sm^2 bo'lib nazorat variantga nisbatan 3 sm^2 ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib 34 sm^2 bo'lib, nazorat variantga nisbatan 9 sm^2 ko'proq hosil bo'lishi, shonalash fazasida $188,4\text{ sm}^2$ bo'lib, barg sathi nazorat variantiga nisbatan 92 sm^2 katta ekanligi, barglar yuzasi gullash fazasida 371 sm^2 ekanligi va nazorat variantdan 149 sm^2 ko'proq hosil bo'lganligi, dukkaklarning hosil bo'lishi fazasida esa 481 sm^2 bo'lib, nazorat variantiga nisbatan

58 sm² kattaligi, pishish fazasida esa 560 sm² hosil bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 65 sm² ko'proq hosil bo'lganligi aniqlandi (1-rasm).

Bakterial ishlov berilmagan o'simliklar ildizida tugunak hosil bo'lishi sust kechishi kuzatildi. Bunda nazorat variantining biopreparat bilan ishlov berilgan ekinlarga nisbatan barg sathining shakllanish ko'rsatkichlari pastroq bo'lishi aniqlandi.

Yuqoridagi ma'lumotlarni tahlil qiladigan bo'lsak vegetatsiyaning dastlabki unib chiqish, chin barg hosil qilish davrida variantlar orasida unchalik katta farq kuzatilmadi. Ammo shoxlanish fazasiga kelib, inokulatsiya qilib ekilgan o'simliklarda tugunak bakteriyalarining nazorat variantiga qaraganda tezroq hosil bo'lishi hisobiga o'simliklarning yaxshi o'sishi aniqlandi. Shoxlanish fazasiga kelib o'simliklarga variantlarga mos ravishda bakterial suspenziya bargi orqali berilib, sug'orish o'tkazilganda o'simliklarning o'sishi jadallashgani va barg sathi jadal oshib borganligi kuzatildi. Barg hosil bo'lish ko'rsatkichi 2% li va 0,2% li bakterial preparat bilan ishlov berilgan o'simliklarda nisbatan yuqoriligi aniqlandi.



1-rasm. Mosh barg sathining shakllanishiga bakterial o'g'itlarning ta'siri, sm²


Nazorat varianti va 0,02% li preparat bilan ishlov berilgan ekinlarda tugunaklar hosil bo'lishi sekin borishi va nisbatan kam hosil bo'lganligi sababli barg sathi hosil bo'lishi yuqoridagi variantlarga nisbatan sustroq kechganligi aniqlandi. O'simliklarni gullashga kirishi oldidan ikkinchi marta qayta sug'orildi. Har safar sug'orish o'tkazilganda o'simliklarning jadal o'sishi, barg yuzasining jadal kengayishi kuzatildi. Vegetatsiya davomida barg sathining kengayishi shoxlanish fazasidan dukkaklashgacha bo'lgan davrda eng jadal borishi aniqlandi. Pishish fazasiga kelib barcha tadqiqot variantlarimizda barg sathi hosil bo'lishining susayishi kuzatildi.

Tadqiqotlar davomida moshning quruq massa hosil qilish davomiyligiga bakterial o'g'itlarning ta'siri ham aniqlandi (2-rasm). Quruq massaning hosil bo'lishi nazorat variantida uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 0,81 g, shoxlanish fazasida 2,90 g, shonalash fazasida 14,68 g, gullash davrida 29,12 g, dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 48,14 g, pishish fazasiga kelib esa 58,6 g bo'lganligi qayd etildi.

Bu ko'rsatkichlar nazorat variantiga nisbatan 2% li bakterial preparat bilan ishlov berilgan variantda uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 1,71 g bo'lib, nazorat variantga nisbatan 0,9 g ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib 6,14 g bo'lib, nazorat variantga nisbatan 3,24 g ortiqchaligi, shonalash fazasida 22,31 g bo'lib, quruq massa nazorat variantga nisbatan 7,63 g ko'proq ekanligi, quruq massa hosil bo'lishi gullash fazasida 43,65 g ekanligi va nazorat variantga nisbatan 14,53 g ortiqcha miqdorda hosil bo'lganligi aniqlandi. Quruq massa dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 64,98 g bo'lib, nazorat variantdan 16,84 g ko'proq ekanligi, pishish fazasiga kelib esa 75,87 g quruq massa hosil bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 17,27 g ko'p hosil bo'lganligi aniqlandi. Tajribamizda quruq massaning to'planishi 0,2% li bakterial preparat bilan ishlov berilgan variantda uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 1,04 g bo'lib, nazorat variantga nisbatan 0,23 g ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib 3,92 g bo'lib, nazorat variantga qaraganda 1,02 g ortiqchaligi, shonalash fazasida 19,92 g bo'lib, quruq massa nazorat variantiga nisbatan 5,24 g ko'proq ekanligi, quruq massa hosil bo'lishi gullash fazasida 37,04 g ligi va nazorat variantdan 7,92 g ko'proq miqdorda hosil bo'lganligi aniqlandi. Bu variantimizda quruq massa hosil bo'lishi dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 57,8 g teng bo'lib, nazorat variantdan 9,66 g ko'proq ekanligi, pishish fazasiga kelib esa 66,04 g quruq massa hosil bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 7,44 g ko'p hosil bo'lganligi aniqlandi (2-rasm).

Mosh o'simligida quruq massa to'planishi nazorat variantiga nisbatan 0,02% li bakterial preparat bilan inokulatsiya qilib ekilgan variantda uchtdan chinbarg hosil qilgan fazasida 0,86 g bo'lib, nazorat variantga nisbatan 0,05 g ko'p ekanligi, shoxlanish fazasiga kelib 3,31 g bo'lib, nazorat variantga nisbatan 0,41 g ortiqchaligi, shonalash fazasida 16,5 g bo'lib, quruq massa nazorat variantga nisbatan 1,82 g ko'proq ekanligi, quruq massa hosil bo'lishi gullash fazasida 30,93 g ekanligi va nazorat variantga nisbatan 1,805 g ortiqcha miqdorda hosil bo'lganligi aniqlandi. Quruq massa dukkaklarning hosil bo'lishi davrida 50,4 g bo'lib, nazorat

variantidan 2,26g ko'proq ekanligi, pishish fazasiga kelib esa 61,2 g quruq massa hosil bo'lib, nazorat variantiga qaraganda 2,6 g miqdorda ortiqcha hosil bo'lganligi kuzatildi.



2-rasm. Moshda quruq massa hosil bo'lishiga bakterial o'g'itlarning ta'siri, gr

Yuqoridagi ma'lumotlardan o'simliklarda barg sathining jadal o'sib borishi bilan quruq massaning hosil bo'lishi oshgani ham kelib - chiqadi. Ayniqsa, sug'orishdan 3-4 kun o'tgach olingan har ikkala safargi natijalarga ko'ra quruq massaning oshib borishi jadallashgani kuzatildi. Quruq massa hosil bo'lishi unib chiqishdan boshlab shoxlanish fazasigacha sekinroq kechgani, eng yuqori jadalligi gullash fazasida bo'lishi va quruq massaning to'planib borishi pishish fazasida ham jadal davom etganligi aniqlandi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra mosh urug'larining unib chiqishi faqat ularning unuvchanligiga, namligining yetarli darajada mavjudligiga bog'liq ekanligi aniqlandi. Tajriba variantlarida vegetatsiyaning dastlabki bosqichlarida o'simliklarda barg sathining shakllanishi va ququq massaning to'planib borishi sustroq kechdi. Keyinchalik shoxlanish fazasidan bu ko'rsatkichlar jadal o'sib borishi aniqlandi.

Xulosa. Respublikamiz sharoitida mosh o'simligini asosiy va takroriy ekin sifatida yetishtirib, ikki marta hosil olish imkonini mavjud. Shuningdek, tadqiqotlarimiz natijasida mosh urug'lari 2%li bakterial o'g'itlar bilan ishlov berilganda o'simliklarning barg sathi va quruq massa hosil qilish ko'rsatkichlarining ortishi aniqlandi. Sug'oriladigan yerlardan bir yilda kuzgi bug'doydan gektaridan 60- 70 s don hosili olinsa, shu maydonga takroriy ekin sifatida yetishtirilgan mosh ekinidan esa o'rtacha gektaridan 15 – 20 s don hosili olish mumkin. Bu o'z navbatida bir mavsumda gektaridan 85 – 90 s don mahsulotlari yetish imkonini beradi. Bunday maydonlarda biopreparatlar bilan dukkakli ekinlarga ishlov berib ekish, ichki bozorni arzon mahsulot bilan ta'minlash hamda mamlakatimizning eksport salohiyatini oshirish bilan oziq – ovqat sanoatimiz va iqtisodiyotimizning rivojiga hissa qo'shadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. R. I. Xolmuradov, X. O. Keldiyorov. Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash – davr talabi. Xalq so'zi, 5 Oktyabr 2019-yil
2. X. N. Atabaeva, X. A. Idrisov. Sug'oriladigan yer maydonlarda mosh yetishtirishning intensiv texnologiyasi. Agro-olam.uz, 16 aprel 2020-yil
3. M.T. Kubayeva. Molibden mikroo'g'itini turli usullarda qo'llashning ang'izda ekilgan mosh xosildorligiga ta'siri. Proceedings of Global Technovation-An International Multidisciplinary Conference, Turkiya, 31 oktabr 2020-y.
4. R.O. Oripov, N.X. Xalilov. O'simlikshunoslik. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent – 2007-yil
5. A. L. Sanaqulov, M.T. Kubayeva. Molibden mikroo'g'itini turli usullarda qo'llashning ang'izda ekilgan mosh xosildorligiga ta'siri. Bepul.ru. 12 yanvar 2021-yil.

UO'K: 581.4:582.291

ZARAFSHON MILLIY TABIAT BOG'IDA TARQALGAN LISHAYNIKLARNING TAKSONOMIYASI VA MORFOLOGIYASI

M.M. Norqulov, doktorant, Samarqand davlat universiteti, Samarqand
X.Q. Haydarov, professor, Samarqand davlat universiteti, Samarqand

Annotatsiya. Maqolada Zarafshon milliy tabiat bog'ida tarqalgan ayrim lishayniklar haqida ma'lumotlar keltiriladi. Olib borilgan ilmiy izlanishlarga ko'ra *Lecanoromycetes* sinfiga mansub bo'lgan *Parmeliaceae*, *Physciaceae* va *Teloschistaceae* oilalariga tegishli 8 (*Hypogymnia physodes*, *Xanthoparmelia conspersa*, *Flavopunctelia soredica*, *Phaeophyscia orbicularis*, *Xanthomendoza poeltii*, *Caloplaca cerina*, *Caloplaca pyracea* va *Calogaya ferrugineoides*) turlar uchrab, ularni keng tarqalganligi qayd etildi. Aniqlangan turlarning taksonomik tahlili va geografik tarqalishi yoritildi.

Калит сўзлар: *lishaynik, oomikota, zigomikota, gomeomer, geteromer, apotetsiy, tallom, fotobiont, mikobiont*

Аннотация. В статье представлена информация о некоторых лишайниках, которые встречаются в Зарафшанском национальном природном парке. Согласно научным исследованиям, 8 видов, принадлежащих к семейству Parmeliaceae, Physciaceae и Teloschistaceae, относятся к классу Lecanoromycetes (*Hypogymnia physodes, Xanthoparmelia conspersa, Flavopunctelia soledica, Phaeophyscia orbicularis, Xanthomendoza poeltii, Caloplaca cerina, Caloplaca pyracea* и *Calogaya ferrugineoides*) и широко распространены. Проведен таксономический анализ идентифицированных видов и определено их географическое распространение.

Ключевые слова: лишайник, оомикота, зигомикота, гомомер, гетеромер, апотеции, слоевище, фотобионт, микобионт

Annotation. The article provides information about some lichens that occur in the Zarafshan National Nature Park. According to scientific research, 8 species belonging to the family Parmeliaceae, Physciaceae and Teloschistaceae belong to the class Lecanoromycetes (*Hypogymnia physodes, Xanthoparmelia conspersa, Flavopunctelia soledica, Phaeophyscia orbicularis, Xanthomendoza poeltii, Caloplaca cerina, Caloplaca pyracea* and *Calogaya ferrugineoides*) that they were widespread. A taxonomic analysis of the identified species and their geographical distribution was carried out.

Keywords: lichen, oomycota, zygomycota, homomer, heteromer, apothecia, stratum, photobiont, mycobiont

Kirish. Lishayniklar yer sayyorasidagi eng ko'p tarqalgan va shu bilan birga eng kam o'rganilgan organizmlardan biridir. Ma'lumotlarga ko'ra, dunyo florasida, 13500 dan 26000 gacha lishaynik turlari mavjud [1,2,14] (O'zbekistonda lishaynik turlari soni haqida malumotlar qayd etilmagan). Bu suv o'tlari va zamburug'lar ishtirokidagi murakkab simbiotik organizmlar bo'lib, ular atrof-muhitning turli xil noqulay sharoitlarida yashash qobiliyatiga ega organizmlar hisoblanadi. Ularning metabolizmi atrof-muhitning noqulay tasirlariga noyob tarzda moslashgan va o'ziga xos qarshilik tizimini ishlab chiqargan [1,5].

Lishayniklar hayotchanligining siri uzoq muddatli suvsizlikka qarshi turish qobiliyatidadir. Ular tog'larda, dengiz sathidan 2400 m balandlikda, hatto Antarktidada harorat -60 °C gacha bo'lgan sharoitda ham o'sadi. Antarktidada aynan lishayniklar mahalliy biogeosenozlarning asosiy biomassasini hosil qiladi. Manbalarda qayd etilishicha taxminan 400 million yil oldin, ko'k-yashil suv o'tlari hujayrasini "biriktirib olgan" qadimgi zamburug'larning mitseliy iplari bilan birlashishi natijasida zamonaviy lishayniklarning ajdodi paydo bo'lgan [1,2,11,12].

Ular sayyoradagi eng sekin rivojlanayotgan organizmlardir. Lishayniklar tallomining o'sish sur'ati odatda yiliga 2-3 mm, ba'zi turlar nisbatan yuqori tezlikda (yiliga 2 sm dan ortiq) o'sadi va Dermatokarpon turkumining ba'zi toshda o'suvchi turlari 300 yil davomida taxminan 1,2 sm o'sishi aniqlangan. Ammo shuni e'tiborga olish kerakki, lishaynik tallomining o'sish darajasi bir vaqtning o'zida bir nechta omillarga bog'liq bo'lishi mumkin. Masalan, epifitlar uchun bu tallomning substratda joylashgan joyi, ozuqa muhiti, tarqalish hududining ekologik omillari, o'sish darajasiga ta'sir qilishi mumkin. Shuningdek, lishayniklarning o'zaro va turlararo raqobatini ham hisobga olish kerak [1,2,11].

Zamburug' komponenti mikobiontga xos zamburug'larning 2 ta bo'limi uchraydi: askomitsetlar (lishaynik turlarining 98% dan ko'prog'ida), basidiomitsetlar, shuningdek ba'zi ma'lumotlarga ko'ra miksomikota, oomikota va zigomikota bo'limlari vakillari ham uchraydi. Lishayniklarning tanasini tashkil etadigan gifalar oddiy yoki tarvaqaylab ketgan iplardir, odatda hujayralar bo'linish yo'li bilan ko'payadi [1,2,5,11,12].

Lishaynik gifalarining tuzilishi zamburug' gifalarining tuzilishidan bir qator sezilarli farqlarga ega. Quruqroq sharoitda hayot kechirishga o'tish bilan bog'liq holda, zamburug'larga qaraganda, lishayniklar gifalarining hujayra devorlari sezilarli darajada qalinroq [14].

Suvo'tlar komponenti (fotobiont). "Fotobiont" atamasi lishayniklarga bag'ishlangan adabiyotlarga nisbatan yaqinda paydo bo'ldi. Ilgari lishaynik tallomining suv o'tlari fikobiont deb atalgan, lotincha tarjimada "suvo'tlari yashovchisi" degan ma'noni anglatadi, ammo ba'zi olimlar ko'k-yashil suv o'tlarini sianobakteriyalarga qo'sha boshlaganlaridan so'ng, lixenologlar "fotobiont" ("fotobiont"-fotosintez qiluvchi simbiotik organizm) nomi yanada aniqroq bo'ladi, deb hisoblashadi [1,2,14].

Lishayniklarning katta qismida fotobiont sifatida ko'k-yashil (*Cyanophyta*) yoki yashil (*Chlorophyta*) bir hujayrali va ipsimon suv o'tlari mavjud. Faqatgina lishayniklar bo'limidan *Verrucaria* turkumining bir nechta vakillari sariq-yashil (*Xanthophyta, Heterococcus*) va jigarrang (*Phaeophyta, Petroderma*) suvo'tlariga ega. Barcha lishaynik turlarining yarmiga yaqini fotobiont sifatida yashil suvo'tlardan *Trebouxia* o'z ichiga oladi deb taxmin qilinadi. Shuningdek *Trentepohlia, Chlorococcum, Chlorella, Coccomyxa* va *Gloeocystis* turkumlari ham keng tarqalgan. Ko'k-yashil suv o'tlari orasida eng keng tarqalgan suv o'tlari *Nostoc* turkum turlari hisoblanadi. Bundan tashqari: *Gloeocapsa, Chroococcus, Hyella, Rivularia, Scytonema* va boshqa turkum tuplari ham bor [1,2,5,10].

Lishayniklar tallomi tarkibiga kiruvchi suvo'plarining ko'p turlari tabiiy ravishda erkin tirik organizmlar shaklida yashashi mumkin bo'ladi. Lishayniklar tallomi hosil bo'lganda, suvo'plari, odatda, tashqi tuzilishi katta o'zgarishga uchraydi. Suvo'plarning ko'payishi hujayralar bo'linishi va aplanosporalar orqali sodir bo'ladi. Biroq, monokulturada suvo'plari asl qiyofasini tiklaydi, ammo ba'zi o'zgarishlar saqlanib qoladi. Masalan, ayrim suvo'plarning yuqori haroratga va suvsizlanishga chidamlilik darajasi yuqori (kladoniya turlaridan birining fotobionti 90 °C gacha qizishga bardosh bera oladi) [1,2,12].

Lishayniklar tallomining morfologik tuzilishiga ko'ra uch xil hayotiy shakli mavjud: yopishqoq, bargsimon va butasimon. Shuni ta'kidlash kerakki, ular o'rtasida aniq farqlar yo'q. Lishayniklar anatomik tuzilishiga ko'ra gomeomer va geteromer tallomga ajratiladi.

Gomeomer tallomi alohida suvo'plar va mitseliy qatlamlarida farqlanishning yo'qligi bilan tavsiflanadi. Suvo'p hujayralari lishaynik tallomi bo'ylab zamburug' gifalari orasida tartibsiz ravishda taqsimlanadi. Ushbu xildagi tuzilish yopishqoq lishayniklar deb ataladigan, masalan, *Collema* va *Leptogium* turkum vakillari uchun xosdir [1,2].

Geteromer tallomda aniq farqlangan tuzilmalarni ajratish mumkin va bunday tuzilmalar soni tallomning morfologik xiliga bog'liq. Yopishqoq lishayniklarda qattiq qatlam, suvo'plar qatlami va markaziy yoki zamburug' qatlami ajratilgan. Xuddi shu tuzilish ba'zi butasimon lishayniklar uchun ham xosdir, masalan, *Peltigera* turkumining vakillari uchun [1,2,5,14].

Adabiyotlarda hozirgi kunda O'zbekiston va Zarafshon milliy tabiat bog'ida tarqalgan lishayniklar haqida ma'lumotlar keltirilmaganligini inobatga olib, ushbu hududlarda tarqalgan lishayniklarning taksonomiyasini va geografik tarqalishini o'rganish maqsad qilib olindi.

Tadqiqot manbai va uslublari. Zarafshon milliy tabiat bog'i Samarqand viloyatining janubi-sharqiy qismida joylashgan bo'lib, 1975-yilda tashkil etilgan. Zarafshon daryosi bo'yida joylashgan ikkita alohida (yuqori va quyi) bo'limlardan iborat. Bo'limlar orasidagi masofa 300 m, bo'limlarning kengligi 100 m dan 1400 m gacha, umumiy uzunligi esa 47 km. Zarafshon milliy tabiat bog'i umumiy yer maydoni 2426,4 gektarni tashkil etadi. Zarafshon milliy tabiat bog'ining asosiy qismida turang'ilzorlar, chakanda, yovvoyi do'lana va quyuq to'qayzorlardan iborat to'qay o'simliklari mavjud.

Tadqiqotlar 2019-2020-yillar davomida olib borildi. Ushbu hududda tarqalgan lishayniklardan gerbariy namunalari yig'ilib, SamDU biologiya fakulteti Botanika kafedrasida laboratoriyasida tahlil qilindi. Gerbariy materiallarini makro va mikromorfologik tekshirish ishlarini bajarishda M-15295, Optika microscopes rusumli monokulyar va Biolam mikroskoplaridan foydalanildi. Lishayniklarni morfologik va kasallik belgilarini aniqlash ishlari qator ilmiy adabiyotlar va atlas aniqlagichlar asosida amalga oshirildi; A.G. Цуриков, O.M. Храменкова [1], A.G. Цуриков, E.S. Корчиков [2], L.I. Бредкина, I.I. Макарова [4], A.B. Исмаилов, Z.M. Асадулаев [3] va boshqalarning ilmiy manbalaridan, monografiyalar hamda ilmiy manbalardan foydalanildi.

1-jadval

Ascomycota bo'limiga mansub turlarning sistematikasi

№	Sinf	Tartib	Oila	Turkum	Tur
1.	Lecanoromycetes O.E. Erikss. et Winka	Lecanorales Nannf.	Parmeliaceae Zenker	<i>Hypogymnia</i> (Nyl.) Nyl.	<i>physodes</i> (L.) Nyl.
2.				<i>Xanthoparmelia</i> (Vain.) Hale.	<i>conspersa</i> (Ehrh. ex Ach.) Hale
3.				<i>Flavopunctelia</i> (Krog) Hale.	<i>soredica</i> (Nyl.) Hale
4.		Caliciales Bessey.	Physciaceae Zahlbr.	<i>Phaeophyscia</i> Moberg.	<i>orbicularis</i> (Neck.) Moberg
5.		Teloschistales D. Hawksw. et O. E. Erikss.	Teloschistaceae Zahlbr.	<i>Xanthomendoza</i> S. Y. Kondr. et Kärnefelt.	<i>poeltii</i> (S. Y. Kondr. et Kärnefelt) Søchting, Kärnefelt et S. Y. Kondr.
6.				<i>Caloplaca</i> Th. Fr.	<i>pyracea</i> (Ach.) Th. Fr.
7.					<i>cerina</i> (Ehrh. ex Hedw.) Th. Fr.
8.				<i>Calogaya</i> Arup, Frödén et Søchting	<i>ferrugineoides</i> (H. Magn.) Arup, Frödén & Søchting
J.		3	3	7	8

Sistematik guruhlarni qayta ishlashda lishayniklarning taksonomiyasi plantarium.ru [8], waysofenlichenment.net [9], lichensmaritimes.org [10], lichenology.info [11], lichenportal.org [12], afl-lichenologie.fr [14] va gbif.org [13] internet aniqlagich saytlari va "A Cumulative Checklist for the Lichen-Forming, Lichenicolous and Allied Fungi of the Continental United States and Canada, Version 22-23" (Theodore L. Esslinger 2018-2019.) [6,7] tomonidan ishlab chiqilgan tizim asosida qayta tahlildan o'tkazildi.

Tadqiqot natijalari. Zarafshon milliy tabiat bog'ida olib borilgan tadqiqotlar va ilmiy izlanishlar natijasida, lishayniklar (*Ascomycota*) bo'limiga mansub 8 tur aniqlandi (1-jadval).

Ushbu turlar taksonomik jihatdan taxlil etilganda 1 ta bo'lim, 1 ta sinf, 3 ta tartib, 3 ta oila va 7 ta turkumga mansubdir. Quyida ular haqida batafsil to'xtalib o'tamiz.

Hypogymnia physodes - tallom bo'lakchalari dixatomik, substrat ustiga yoyilgan, markazda juda mahkam yopishgan, odatda chetki tomonlari ko'tarilib turadi (1-rasm). Chetlari parakli bo'rtib chiqqan,

ko'pincha uchlari kengaygan, labsimon qayrilgan, ichi bo'sh. Tallomning yuqori tomoni och kulrang yoki kulrang-yashil rangga ega, silliq, asosan yaltiramaydigan, ba'zida qora dog'lar mavjud. Pastki qismi qora, xira yaltiramaydigan, qirralari bo'ylab jigarrang, yorqin. Tallomning yuqori va pastki chegaralaridagi to'qimalarning yorilishi natijasida oq un shudringsimon shaklidagi sorediyalar paydo bo'ladi. Bu ushbu turni boshqa turlardan alohida ajratib turadigan juda xarakterli va doimiy xususiyatidir. Havosi toza bo'lgan hududlarda apotetsiyalar hosil bo'lishi mumkin. Tallom yuzasi KOH (kaliy gidrooksid) dan sarg'ayadi, so'ngra jigarrang-qizil rangga aylanadi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 10.02.2019 yilda terildi.



1-rasm. *Hypogymnia physodes* ning tashqi ko'rinishi

Xanthoparmelia conspersa – tallomi bargsimon, diametri 15 sm gacha, substratga mahkam yopishgan. Bargsimon bo'lakchalar kengligi 2 mm gacha, yuqorisida sariq-yashil, ba'zida markaz tomonida qorayadi, qirralari bo'ylab yaltiroq, silindrsimon yoki marjon shaklidagi izidiyalar bilan, pastki qismi qora, yaltiroq, qora rizoidlar bilan qoplangan (2-rasm). Tallom KOH dan sarg'ayadi, P va C dan tallom rangi o'zgarmaydi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 10.02.2019 yilda terildi.

Tadqiqotlar natijasida bu turning morfologiyasi juda o'zgaruvchan va ba'zida deyarli izidiyalar hosil bo'lmasligi aniqlandi (faqatgina bir nechta bargsimon qirralarda rivojlanadi). Bunday namunalarda *Xanthoparmelia angustiphylla* tur sifatida noto'g'ri aniqlanishi mumkin, bu kimyoviy jihatdan bir xil, ammo hech qachon izidiyalar hosil qilmaydi. Xuddi shunday kimyoviy tarkibga ega bo'lgan izidiya hosil qiluvchi *Xanthoparmelia plittii* tallomining pastki yuzasi jigarrang (quyuq jigarranggacha, ammo qora emas) tusga ega. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 13.02.2019 yilda terildi.



2-rasm. *Xanthoparmelia conspersa* ning tashqi ko'rinishi 3-rasm. *Flavopunctelia soredica* ning tashqi ko'rinishi

Flavopunctelia soredica – tallomi bargsimon, diametri 10 sm gacha, substratga markazi yopishgan, ammo chetlari bo'ylab tallom bo'lakchalari ko'tarilgan (3-rasm). Yuqori yuzasi sarg'ish-yashil, pastki qismi jigarrang. Sporalar tallom bo'lakchalari qirralari bo'ylab kulrang-sarg'ish rangda uzluksiz chegara shaklida rivojlanadi. Tallom rangi K va P dan o'zgarmaydi, C dan esa qizil rangga aylanadi.

Bu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ining to'qay daraxtlarning po'stlog'ida yashashi aniqlandi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 19.02.2019 yilda terildi.



4-rasm. *Phaeophyscia orbicularis* ning tashqi ko'rinishi; 5-rasm. *Xanthomendoza poeltii* ning tashqi ko'rinishi

Phaeophyscia orbicularis- tallomi bargsimon, diametri 3 sm gacha, dixatomik shaklda, substratga mahkam yopishgan. Ba'zida ko'plab tallom to'planishi tufayli umumiy qoplam paydo bo'lishi mumkin. Yuqori

yuzasi to'q kulrang, kulrang-yashil yoki kulrang-jigarrang (4-rasm). Pastki qismi qora, ba'zida chiqib turgan ildizpoyalari bor. Sporalari yumaloq, tallom bo'lakchalari yuzasida hosil bo'lgan, odatda yashil rangga ega. Apotetsiyalari tallom yuzasida keng tarqalgan, ba'zida qirralar bo'ylab ildizpoyalar mavjud. K, P va C dan tallom rangi o'zgarmaydi. Bu tur Zarafshon milliy tabiat bog'i butasimon o'simliklar jamoalarida, shuningdek temir-beton va shiferlar sirtida, chirigan yog'och, bargli daraxtlar va butalar qobig'ida yashaydi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 9.03.2019 yilda terildi.

Xanthomendoza poeltii - Tallom 30 mm gacha, yuqoriga ko'tarilgan bargsimon qirralardan iborat bo'lib, katta to'plamlar (tuplar) hosil qiladi. Tallom bargsimon shoxlanish o'rniga, bargsimon baland bo'lyi jingalaklar hosil qiladi. Ustki yuzasi och sariqdan to'q sariq ranggacha, silliq yoki ba'zan biroz burishgan. Rizoidlari tarqoq, bo'shashgan yoki substratga birikkan (5-rasm). Soridiyalari noaniq shaklda. Sorridiya (tallom rangi) to'q sariq. Apotetsiy bizning kolleksiyalarda uchramadi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 10.03.2019 yilda terildi.

Caloplaca cerina -tallom yopishqoq po'stloqsimon, yupqa, ba'zida ko'rinmas, yuzasi silliq yoki kamdan-kam hollarda so'galli, xira rangdan to'q kul ranggacha, kulrang-ko'k yoki ko'k rangga ega, tallom cheti (qirg'og'i) bo'ylab ozmuncha quyuc halqa aniqlangan. Apotetsiyalari xuddi *Lecanora* turkumidagi kabi ko'p sonli, tallom bo'ylab tarqalgan, guruh-guruh emas, yopishgan, disksimon tekis, rangi juda xilma-xil, lekin ko'pincha yorqin, sariq, to'q sariq, jigarrang, mumsimon sariq (o'z nomiga ishora qiladi), ba'zan sariq-limon rang, nam bo'lganda sariq-yashil rangda, tallomning qirrasini doimiy, sezilarli, ancha qalin, bir tekisda, shishgan, ko'tarilgan, moslashuvchan kulrangdan bir xillikga qadar (6-rasm). Askosporalari ellipssimon, rangsiz, polarilokulyar, devorlari keng, ascosporalarining uzunligi 1,3-12mkm atrofida, 10-15 x 6-8 mkm. Fotobiont: xlorokokkoid. Tallom va tallom chetlari K dan binafsha rangga o'zgardi. Daraxtlarning po'stlog'i va bargida, qisman, *Acer* va *Populus* daraxtlarining ishqoriy qobig'ida tarqalgan. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 10.03.2019 yilda terildi.



6-rasm. *Caloplaca cerina* ning tashqi ko'rinishi

Caloplaca pyracea - tallomi yopishqoq po'stloqsimon ba'zida biroz ko'tarilib turadi, oddiy holatda oqish yoki kukunli kulrang qatlam, tallomning ostki tomoni chetlari ingichka oqish-kulrang chegara hosil qilgan. Apotetsiyalari ko'p sonli, diametri 0.3-0.5 mm, KOH tomizilganda qirmizi-qizil rangga kiradi. Apotetsiy diskleri mumli yoki to'q sariq rangda, tallom cheti kulrang –sarg'ish rangga ega bo'lib tez-tez yo'qoladi va chegarasi yaxshi saqlangan bir xil rangdagi disklar qoladi (7-rasm). Tallomi KOH dan biroz qizarib, apotetsiyalari esa qirmizi-qizil rangga aylanadi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 15.03.2019 yilda terildi.



7-rasm. *Caloplaca pyracea* ning tashqi ko'rinishi

Calogaya ferrugineoides – tallomi yopishqoq, kulrang, ingichka, mayda yorilgan, epifit va har doim aniq ko'rinadigan, ko'pincha tallomining chetlari qora chiziq bilan chegaralangan. Fikobiont: xlorokokk suv o'tlari. K tomizilganda apotetsiy binafsha rangga o'zgaradi. Apotetsiyalari tarqoq, diametri 0,5-2 mm, qizil-jigarrang diskli, gardishi toza, biroz yengilroq (8-rasm). Yashash joyi: turli xil bargli daraxtlarning novdalari va tanalarida, ochiq o'rmonlarda yoki alohida daraxtlarda, kamdan-kam hollarda juda keksa daraxtlarda uchraydi.



8-rasm. *Calogaya ferrugineoides* ning tashqi ko'inishi

Caloplaca crenularia (With.) J. R. Laundon ga juda o'xshash, ammo boshqa-boshqa substratlarda o'sadi. Ushbu tur Zarafshon milliy tabiat bog'ida daraxt po'stlog'ida tarqalgan va 18.03.2019 yilda terildi.

Xulosa. 2020-2021 yillar davomida olib borilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra, Zarafshon milliy tabiat bog'ida tarqalgan ayrim lishayniklar oilalar bo'yicha tahlil etilganda quyidagi holat aniqlandi: Lishayniklarning *Parmeliaceae* oilasiga 3 ta turkumga mansub 3 ta tur (*Hypogymnia physodes*, *Xanthoparmelia conspersa* va *Flavopunctelia soledica*), *Physciaceae* oilasiga 1 ta turkumga mansub 1 tur (*Phaeophyscia orbicularis*) *Teloschistaceae* oilasiga 3 ta turkumga mansub 4 tur (*Xanthomendoza poeltii*, *Caloplaca cerina*, *Caloplaca pyracea* *Calogaya ferrugineoides*) tarqalganligi ma'lum bo'ldi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. А.Г. Цуриков, Е.С. Корчиков Определитель лишайников Самарской области. Ч. 1. Листоватые, кустистые и слизистые виды: Самара: Изд-во Самарского университета, 2018. – С. 35-108.
2. А.Г. Цуриков, О.М. Храменкова Листоватые и кустистые городские лишайники: атлас-определитель: учебное пособие для студентов биологических специальностей вузов; Скорины, 2009. – С. 123-125.
3. А.Б. Исмаилов, З.М. Асадулаев Атлас лишайников Дагестана// Махачкала. Изд-ство ДГУ 2016. 199 С.
4. Л.И. Бредкина, И.И. Макарова Аннотированный список лишайников центрального Тянь-Шаня (Киргизия)// Новости систематики низших растений. Том 39. С.-Петербург 2005. – С. 199-218.
5. И. Кудратов Анализ лишенофлоры Таджикистана /И. Кудратов //- Автореф. дис... док. биол. наук: 03.00.21-микология / Институт ботаники им. Н.Г.Холодного национальной академии наук Украины – Киев, 2004. – 22 с.
6. Theodore L. Esslinger “A Cumulative Checklist for the Lichen-Forming, Lichenicolous and Allied Fungi of the Continental United States and Canada, Version 23” // Opuscula Philolichenum, 18: 102-378. 2019. (<http://sweetgum.nybg.org/philolichenum/>)
7. Theodore L. Esslinger “A Cumulative Checklist for the Lichen-Forming, Lichenicolous and Allied Fungi of the Continental United States and Canada, Version 22”// Opuscula Philolichenum, 17: 6-268. 2018. (<http://sweetgum.nybg.org/philolichenum/>)
8. plantarium.ru
9. waysofenlichenment.net
10. lichensmaritimes.org
11. lichenology.info
12. lichenportal.org
13. gbif.org
14. afl-lichenologie.fr

УЎК 633.11:631

**КУЗГИ БУГДОЙ МИҚДОРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО
БОҒЛАНИШЛАР ДАРАЖАСИГА ГЛИЦЕРРИЗИН КИСЛОТАСИ АСОСИДАГИ
СТИМУЛЯТОРНИНГ ТАЪСИРИ**

С.С. Абдурашитов, талаба, Гулистон давлат университети, Гулистон
Р.П. Бозорова, талаба, Гулистон давлат университети, Гулистон
С.Х. Ҳожибобоева, талаба, Гулистон давлат университети, Гулистон
Ш.Б. Каримова, магистрант, Гулистон давлат университети, Гулистон
К.М. Исмоилова, PhD, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқда кузги бугдойнинг ўсиш-ривожланишига глицирризин кислотасининг моноаммонийли (ГКМАТ) тузи таъсири ўрганилди. Композициянинг паст концентрацияси кузги бугдой ўсимлигининг ўсиш-ривожланишига ижобий таъсир этиб, ташиқи муҳитнинг стресс омиллар таъсирида ўсимликнинг миқдорий белгилари ўртасидаги коррелятив боғланиш даражасини пасайтириши аниқланди.

Калит сўзлар: глицирризин кислотанинг моноаммонийли тузи, бугдой, корреляция, шўрланган тупроқ, ҳосилдорлик

Аннотация: Изучено влияние моноаммониевой соли глицирризиновой кислоты (ГКМАТ) на рост и развитие озимой пшеницы в слабых и умеренно засоленных почвах. Установлено, что низкая концентрация состава положительно влияет на рост и развитие озимой пшеницы, снижая уровень

корреляции между количественными характеристиками растения под влиянием стрессовых факторов внешней среды.

Ключевые слова: моноаммониевая соль глицирризиновой кислоты, пшеница, корреляция, засоленная почва, урожайность

Abstract: it was investigated the impact of monoammonium salt of glycyrrhizic acid (MASGA) on growth of winter wheat in weak and middle salinized soil. It was determined that low concentration of specimens affects positively to winter wheat and reduces the degree of correlative connection of overall indicators of plants at the effect of external environment stress factors.

Keywords: monoammonium salt of glycyrrhizic acid, wheat, correlation, salinized soil, fertility

Кириш. Бугунги кунда жахон бўйича кишлок хўжалигида қўлланиладиган ёки синалаётган кимёвий препаратларнинг жуда катта миқдори (стимуляторлар, гербицидлар, ретардантлар ва бошқалар) мавжудки, уларни ўсимликларга (генотиплар) таъсир даражасини билиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё бўйича тадқиқот олиб бораётган кўпчилик олимлар ўсимликларнинг ўсиш-ривожланишига экзоген омиллар таъсирини бошқариш билан боғлиқ ҳолда табиий бирикмалардан фойдаланиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Шунга кўра уларни ўсимликларнинг ўсиш-ривожланишига таъсири кенг ўрганилмоқда [1-4]. Лекин, бундай тадқиқотлар шўрланишга мойил бўлган тупроқ иқлим шароитида донли экинлар билан кам ўтказилган. Тадқиқотни ўтказишдан асосий мақсад табиатли бирикмаларнинг кузги буғдой навлари миқдорий белгилари ва улар ўртасидаги ўзаро боғланишлар даражасига таъсирини аниқлашдан иборат бўлди.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ

Тадқиқотнинг объекти сифатида кузги буғдойнинг Дўстлик, Чиллаки, Восторг, Таня, Боёвут-1 навлари ҳамда глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи (ГКМАТ), техник глицирризин кислотаси ҳамда ГКМАТ асосида яратилган композиция (ГКМАТ10⁻⁶М: ТГК 0,5 %) олинган. Кузатувлар кучсиз ва ўрта даражада шўрланган дала тажриба майдонида олиб борилди. Барча фенологик кузатувлар ва ҳисоблаш ишлари ЎзПТИ томонидан чиқарилган услубий кўрсатма асосида бажарилди [5]. Ўрганилган белгилар ўртасидаги корреляция (r), детерминация (r²) ва вариация (cv,%) коэффицентларини ҳисоблашда SPSS-14 статистика дастуридан фойдаланилди. Кўрсаткичларнинг детерминацияланганлигини аниқлашда R²ch, R²m, улар орасидаги масофани d=1-r формулалардан фойдаланилди [6].

НАТИЖА ВА ТАҲЛИЛЛАР

Ҳосилдорлик кишлок хўжалик экинларини баҳолаш ва танлаш учун муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ўз навбатида ҳосилдорлик ўта мураккаб ва кўп омилли (полигенли) кўрсаткичлардан ҳисобланади. Унинг мураккаблиги ташқи ва ирсий омилларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Тупроқ шўрланиш даражаси ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Илмий манбаларда қайд этилишича кучли шўрланган тупроқ шароитида ҳосилдорлик 70-80% га кам бўлиши аниқланган. Ҳосилдорликка таъсир этувчи омиллардан бири бу навларнинг биологик хусусиятларидир. Ушбу маълумотлар куйидаги 1-жадвалда ўз аксини топган. Жадвалдаги маълумотлардан Чиллаки нави кучсиз шўрланган (назоратда) шароитда ҳосилдорлиги 50.1 ц /га тенг бўлган бўлса, ГКМАТ10⁻⁶ М - 54.6 ц/га ва ГКМАТ 10⁻⁶ М:ТГК 0,5 %: таъсирида - 55.1 ц/га ни ташкил этди. Ушбу маълумотлар стероид табиатли бирикмалар таъсирида ҳосилдорлик 5 ц/га кўп бўлганлигини кўрсатмоқда. Табиий бирикмалар таъсирида кузги буғдой навларидан ҳақиқий кўшимча ҳосил олинганлиги статистик кўрсаткичлардан бўлиш КХФ_{0,5} (НСР₀₅) ёрдамида аниқланди. Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, кичик ҳақиқий фарқ (КХФ) 1.10 ц/га тенг бўлди. *Эслатиб ўтамиз вариантлар ўртасидаги фарқ 1.10 катта бўлса ушбу фарқ ҳақиқий ҳисобланади.* Кузги буғдойнинг бошқа навларида ҳам айнан шундай натижа қайд этилди. Демак, табиий бирикмалар таъсирида кузги буғдой навларининг ҳосилдорлиги ортди.

Ўртача даражада шўрланган тупроқ шароитида назоратда ҳосилдорлик ўртача 45.4 ц/га, стероид табиатли бирикмалар таъсирида кўшимча 2-4.3 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, стероид табиатли бирикмалар ёрдамида шўрланган тупроқ шароитида кузги буғдой навларидан кўшимча ўртача 4-5.5 ц /га ҳосил олинди.

Тадқиқот натижалари табиий стимуляторларнинг кузги буғдой навларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири турли даражада бўлди. Бу стероид табиатли бирикмаларнинг хусусиятига боғлиқ бўлиб, улардан ГКМАТ10⁻⁶М: ТГК 0,5% бирикмаси энг яхши самара берувчи бирикма эканлиги қайд этилди. Шу сабабдан ушбу бирикманинг кузги буғдой навларининг ҳосилдорлиги, ҳосил элементларига таъсири чуқурроқ таҳлил қилинди (2-жадвал). Жадвалдаги маълумотлардан кучсиз шўрланган тупроқда (назоратда) тупланишлар сони 2.56 тани ташкил этган бўлса, табиий бирикма (ТГКнинг 0,5%оли ГКМАТ нинг эса 10⁻⁶ М) таъсирида ушбу кўрсаткич- 3.64 та га тенг бўлди. Ушбу маълумотлардан табиий бирикманинг кузги буғдой навларининг ривожланишига ижобий

таъсир этиб, туллар сонини 1.08 га кўпайтирганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида ҳосилдорликни ва ҳосил элементлари миқдорини оширишга сабаб бўлди. Натижада кучсиз шўрланган тупроқда назоратда ўртача 51.05 ц/га ҳосил олинган бўлса табиий бирикма таъсирида 56.17 ц/га тенг бўлиб назоратга нисбатан 5.12 ц/га кўп ҳосил олинганлиги аниқланди.

1-жадвал

ГКМАТ (10⁻⁶М), ГК МАТ 10⁻⁶ М:ТГК 0,5 % табиий стимуляторларнинг бугдой ҳосилдорлигига таъсири

Таъриба вариантлари (навлар)	Ҳосилдорлик, ц/га / назоратга нисбатан кўшимча ҳосил									
	Чиллаки	Кўшимча ҳосил	Дўстлик	Кўшимча ҳосил	Восторг	Кўшимча ҳосил	Таня	Кўшимча ҳосил	Боёвут-1-1	Кўшимча ҳосил
Кучсиз шўрланган										
Назорат	50,1±2,2	-	52,4±2,1	-	49,2±1,4	-	50,0±2,3	-	53,5±1,0	-
ГКМАТ10 ⁻⁶ М	54,6±2,6	4,5	57,4±2,3	5,0	53,7±1,6	4,5	54,6±1,2	4,6	57,7±1,3	4,2
ГКМАТ10 ⁻⁶ М: ТГК 0,5 %	55,1±1,3	5,0	57,9±2,1	5,5	54,3±2,3	5,1	54,9±2,3	4,9	58,6±2,5	5,1
КХФ_{0,5} (НСР_{0,5})=1,10										
Ўрта шўрланган										
Назорат	45,4±1,2	-	47,8±1,7	-	44,2±1,5	-	44,0±1,2	-	46,4±1,2	-
ГКМАТ10 ⁻⁶ М	49,1±1,6	3,7	52,1±1,3	4,3	48,7±1,8	4,5	48,5±1,2	4,5	50,3±2,1	3,9
ГКМАТ10 ⁻⁶ М: ТГК 0,5 %	49,7±1,7	4,3	52,4±2,2	4,6	48,8±1,7	4,6	48,2±2,7	4,2	50,9±2,9	4,5
КХФ _{0,5} =1,14										

2-жадвал

Тупроқ шўрланиш даражаси ТГК(0,5%):ГКМАТ(10⁻⁶М)нинг кузги бугдойни ҳосил элементларига таъсири (навлар бўйича ўртача кўрсаткич)

Статистик кўрсаткичлар	Тупланиши	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқ оғирлиги, г	Бошоқдаги дон оғирлиги, г	Унувчанлиги, %	Ҳосилдорлиги, ц/га
Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида (назорат)						
Ўртача кўрсаткич	2,56 ±0.06	9,18 ±0.11	0,89 ±0.03	0,61 ±0.02	66,60 ±0.41	51,05±0.39
Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида ТГКнинг 0,5% ли эритмаси						
Ўртача кўрсаткич	3,64 ±0.07	9,77 ±0.16	0,62 ±0.02	0,39 ±0.01	78,81 ±0.53	56,17±0.34
Ўртача шўрланган тупроқ шароитида (назорат)						
Ўртача кўрсаткич	2,22 ±0.06	8,82 ±0.12	1,04 ±0.03	0,71 ±0.02	60,03 ±0.82	45,56±0.29
Ўртача шўрланган тупроқ шароитида ТГКнинг 0,5% ли эритмаси						
Ўртача кўрсаткич	3,08 ±0.06	9,32 ±0.14	0,68 ±0.02	0,46 ±0.01	69,82 ±0.81	49,96±0.33


Ўрта даража шўрланган тупроқ шароитида назоратда тулпаниш 2.22, стероид табиатли бирикма билан ишлов берилганида - 3.08 га га тенг бўлди. Ҳосилдорлик назоратда 45.56 ц/га, табиий бирикманинг таъсиридан -49.96 ц/га тенг бўлди. Демак, ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида стимуляторнинг таъсирида кўшимча 4,4 ц/га ҳосил олинди.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, бошоқ ва бошоқдаги дон оғирлиги назоратда 0.89 г ни ташкил этган бўлса стимулятор эритмасида 0.62 га тенг бўлди. Айнан шундай натижа ўрта шўрланган дала майдонида ҳам қайд этилди. Бундай ҳолатнинг қайд этилиши табиий. Чунки табиий стимуляторнинг таъсирида тулпаниш сони, яъни бошоқ миқдори кўп бўлди. Маълумки, бошоқ сонини ортиши ўз навбатида унинг массасини камайишига сабаб бўлади. Шу сабабдан ўсимлик миқдорини ортиши ҳисобига бошоқ ва ундаги дон оғирлиги кам бўлишига олиб келди.

Тупроқ шўрланиш даражаси бошоқ узунлигига ҳам таъсир кўрсатди. Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида (назоратда) бошоқ узунлиги 9.18 см ни ташкил этган бўлса, ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида 8.82 см га тенг бўлди. Демак тупроқ шўрланиш даражаси бошоқ узунлигини 0.36 см га калта бўлишига олиб келди. Табиий стимулятор билан ишлов берилган вариантларда кучсиз шўрланган тупроқда 9.77 см га тенг бўлган бўлса ўрта даражада шўрланган тупроқда 9.32 см га тенг бўлди. Бу табиий стимулятор таъсирида бошоқ 0.45 см га узун бўлганлигини кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда ҳаётимизда ахборот технологияларининг кириб келиши биологик тадқиқотларга замонавий статистик усулларини қўллаш имкониятини янада кенгайтди. Муҳими, мураккаб ҳисоблаш ишларини тез ва сифатли бажариш имкониятлари янада ортди. Натижада, организм миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланиш даражаси ва тузилишлари аниқланди. Маълум бўлдики, ноқулай шароитда организм миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси ортар экан [6]. Ушбу ҳолат тадқиқотимизда ҳам ўз аксини топди. Кучсиз шўрланган шароитда (назоратда) ўрганилган миқдорий белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси ортанлиги аниқланди. Бунда ўртача детерминация (*детерминация бу корреляция коэффициентининг квадрати бўлиб, миқдорий белгиларнинг чегаранганлигини аниқлайди*)

коэффициенти 0.11 га тенг бўлган бўлса стероид табиатли бирикма таъсирда -0.03 га тенг бўлди. Демак, табиий стимуляторлар қўлланилган вариантда белгилар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғланишлар даражаси паст бўлар экан. Бу табиий стимулятор кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб қулай шароитни юзага келтирди. Бу организм белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасини пасайишига олиб келди. Тупланиш (1) (рақамлар белгиларни улар ўртасидаги чизиқлар корреляцион боғланишлар даражасини англатади) ва бошоқ узунлиги (2) ўртасида кучсиз корреляцион боғланиш қайд этилди. Бу ерда корреляция коэффициенти 0.3 дан кичик бўлди. Тупланиш (1) билан бошоқ оғирлиги (3) ва бошоқдаги дон оғирлиги(4) ўртасида тескари корреляция қайд этилди. Бу тупланиш сонини ортиши бошоқ миқдорини ортишига сабаб бўлиб, ундаги дон оғирлигини кам бўлишига олиб келди. Шу сабабдан ушбу белгилар ўртасида тескари корреляция қайд этилди. Бошоқ оғирлиги (3) ва бошоқдаги дон оғирлиги (4) ўртасида кучли корреляция қайд этилди. Бундай ҳолатнинг қайд этилиши табиий. Дон миқдори кўп бўлса бошоқ оғирлиги ҳам ортади. Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида стероид табиатли бирикма таъсирида белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасини паст бўлганлиги юқорида қайд этган эдик. Расмдаги маълумотлардан ҳосилдорлик (6) бошоқдаги дон оғирлиги (4) га ва бошоқ узунлиги(2) га кўпроқ боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар ўртасида кучсиз корреляцион боғланиш қайд этилди. Назоратда тупланиш сони (1) билан бошоқдаги дон оғирлиги (4) ўртасида ўрта даражада корреляцион боғланиш қайд этилган бўлса стимулятор таъсирида - кучсиз корреляция қайд этилди.



Расм. Кузги буғдой миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасига стероид табиатли бирикмаларнинг таъсири

*Изоҳ: Рақамлар белгиларни англатади, бунда 1-тупланиши, 2-бошоқ узунлиги, см. 3-бошоқ оғирлиги, г. 4-бошоқдаги дон оғирлиги, г. 5-унувчанлиги, %. 6-ҳосилдорлик, ц/га.
 $r < 0.3$: $r = 0.3-0.5$: $r > 0.7$: $r = -0.3-0.5$*

Ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитда (назоратда) бошоқ узунлиги (2) ва ҳосилдорлик (6) ўртасида кучли тескари корреляция қайд этилди. Ўрта даражада шўрланган тупроқ шароитида ҳосилдорлик (6) унувчанликка (5), унувчанлик эса бошоқдаги дон оғирлигига (4) боғлиқ эканлиги қайд этилди (расм).

Олинган натижаларга асосланиб шуни қайд этиш керакки, шўрланган тупроқ шароитда кузги буғдой миқдорий белгиларининг детерминацияланганлик даражасини ортанлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич шўрланган тупроқда 0.8-0.11 га тенг бўлган бўлса, стимулятор таъсирида - 0.03-0.04 га тенг бўлди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатдики, тупроқ шўрланиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада кузги буғдой навлари миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасини ортишига сабаб бўлди. Ўз навбатида табиий

стимуляторлар таъсирида кузги буғдой навларини шўрланган тупроқ шароитида ўсиши ва ривожланиши учун кулай шароитни юзга келтирди. Бу кузги буғдой микдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасини паст бўлишига олиб келди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Табиий стимуляторлар кузги буғдой навларининг ҳосилдорлигига ва ҳосил элементларига таъсир кўрсатди. Кучсиз шўрланган тупроқ шароитида кузги буғдой навларидан назоратга нисбатан 5.12 ц/га, ўртача шўрланган тупроқ шароитида 4.40 ц/га ҳосил олинди.

2. Табиий стимуляторнинг ТГК(0,5%):ГКМАТ(10⁻⁶М)ли эритмаси кузги буғдой навларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи концентрация эканлиги қайд этилди.

3. Табиий стимуляторлар кузги буғдой навлари микдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасига таъсир кўрсатди. ТГК(0,5%):ГКМАТ(10⁻⁶М) таъсирида кузги буғдой навлари микдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражасининг паст бўлганлиги аниқланди. Бу мазкур стимуляторнинг буғдой навларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шакирова Ф.М. Неспецифическая устойчивость растения к стрессовым факторам и её регуляция. Уфа. Гилем. 2001. -С. 160.
2. Ismailova K. M., Ablakulova N. A., Kushiev Kh. H. Fungitoxic and growth-promoting properties of the complex copper component and glycyrrhizin acid // European Science review. Vienna, 2016. May-June, – No.–6. – P. 3–6 (03.00.00., No. 6).
3. Khidirova N. K., Mamatkulova N. M., Kurbanova E., Ismailova K., Zakirova R. P., Khodjanizov Kh. U. Influence of Uchkun Preparation to some Agricultural Crops which are Grown under Unfavorable Conditions // International journal of Environmental / Agriculture Research ISSN No. – Vol.–2. – Issue–1, 2016. – January. – P. 102–108.
4. Лукьянова С.В., Тойчиев А.А., Далимов Д.Н. Действие глицирризиновой кислоты на растения // Химия природных соединений. 2001. Спец выпуск – С. 14–15.
5. Дала тажрибалари ўтказиш услублари. ЎЗПИТИ. – Toshkent. 2007. – Б. 147.
6. Кулиев Т. Изменчивость и детерминированность признаков подсолнечника в условиях засоления. Научный журнал. №. 1(3). Россия. 2015. – С. 84–90.

УДК 581.9.14

РОСТ И РАЗВИТИЕ *CAPPARIS SPINOSA* L. (CAPPARACEAE) В УСЛОВИЯХ г. ТАШКЕНТА

Г.Б. Ваисова, докторант, Национальный университет Узбекистана, Ташкент

Т. Рахимова, в.н.с., Институт ботаники АН РУз, Ташкент

Аннотация. *Ilk bor Toshkent shahri sharoitida Capparis spinosa L. (Capparaceae) ning o'sishi va rivojlanishi o'rganildi. Urug' qobig'i juda zich va qattiq. Shuning uchun, laboratoriya va dala sharoitida urug'larning unuvchanligi juda past. Tabiiy sharoitda yetuk mevalarining urug'lari uzoq vaqt davomida (4-5 yil) unib chiqmaydi. Sovuq stratifikatsiyadan keyin o'simlik urug'lari ijobiy natijalar berdi (70-80%).*

Калит со'злар: *o'sish, rivojlanish, urug', ildiz, gul, meva, Capparis spinosa L., Toshkent, O'zbekiston*

Аннотация. *Впервые изучено рост и развитие Capparis spinosa L. (Capparaceae) в условиях г. Ташкента. Семенная кожура очень плотная и твердая. Поэтому в лабораторных и полевых условиях всхожесть семян очень низкая. В естественных условиях семена зрелых плодов долго (4-5 лет) не прорастают. Семена после прохождения холодной стратификации дали положительные результаты (70-80%).*

Ключевые слова: *рост, развитие, семена, корень, цветок, плод, Capparis spinosa L., Ташкент, Узбекистан*

Андижон, Асака, Полвонтош адирларида тупроқ қатлами қалинлиги 0,5-1 м ва ундан ортиқ бўлиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятлари бошқа худудларга нисбатан юқори. Шунга кўра бу худуд ерларини ўзлаштириш эртароқ бошланган. Ўтган асрнинг 80-йилларида олиб борган тадқиқотларимиз давомида, адир тепаларини текислаш ишларида 3-5 м қалинликда кесилган жойларнинг гувоҳи бўлганмиз. Аслида гипслашган тупроқли худудларни текислашда замин қатламларини кесишга йўл қўймаслик керак [6]. Қатламларни кесиш натижасида шўрланган унумсиз туб жинслар, гипс, тош-шағал ётқизиклари, баъзи жойларда конгломератлар очилиб қолган. Кесилган гипсли жинслар эса текисланган майдон бўйлаб қайти ётқизилган.

Қува адирлари тизимида юзасининг нисбатан яссилиги, нишоблик даражасининг кичиклиги билан фарқ қилувчи адирлар кўпчиликини ташкил қилади. Тупроқ қатлами қалинлиги кўпинча 30-50-

70 см га тенг, 1 м қалинликдаги ерлар кам учрайди. Тупроқ қатлами остида қалинлиги ўртача 20-40 см бўлган гипсли қатлам жойлашган. Ундан қуйида бўшлиқлари гипс ва кум билан тўлган шағал ётқизиқлари ётади. Кува адирлари тупроқларида Асака-Полвонтош адирлари тупроқларига қараганда гипсли қатлам кенг тарқалган. Миқдори ҳам юқори.

Арсиф-Қашқарчи кўтарилмаларида тупроқ қоплами скелетли. Тошлилик даражаси юқори. Тупроқ кесмасида гипсли қатлам қалинлиги ва миқдорига кўра катта амплитудада тебраниб туради.

Қапчуғай – Чимён адирлари тизимида тупроқ қоплами қалинлиги кенг доирада тебранади. 30 см қалинликдаги майдонлар устувор, 70-100 см қалинликдаги ерлар жуда кам. Гипсли қатлам бу ҳудуднинг деярли ҳамма қисмида учрайди.

Қапчуғайдан Риштон йўналишида майда жинсли қатлам қалинлиги камая боради. Тупроқ қалинлиги 10-15 см билан чекланган ва юзасида шағалли бўлган майдонлар орта боради. Гипс деярли ҳамма жойда учрайди, аммо унинг яхлит қатлами кичик майдонларда, кўпинча “ўчок” кўринишида тарқалган.

Риштон-Сўх-Исфара тоғ олди баландликларида (адир-қирларда) тош-шағалли юзалар, майда жинсли-скелетли тупроқлар кенг тарқалган. Майда жинсли тупроқ қатламига эга бўлган майдонлар кам. Бу ҳудудда рельефнинг бедленд типига ўхшаш юзалар, чўққили ва ҳамма томони тик нишобли бўлган баландликлар, сув айирғич қисми энсиз чўзилган ва икки ёнбағри тик нишобли бўлган тепа қаторлари кўп учрайди. Ҳудуднинг Исфара дарёсидан сув оладиган Бешариқ туманига кирувчи ғарбий қисми боғлар, айниқса, ўрикзорлар учун кенг ўзлаштирилган. Аччиқсув дарёчаси атрофида сув ресурслари ниҳоятда чекланган, тупроқлари скелетли, гипсли, шўрланган ва шу сабабдан деярли ўзлаштирилмаган.

Сўх-Риштон адирларининг Сўх дарёсидан бошланган каналлардан сув олиши мумкин бўлган ерлари юпқа майда жинсли-скелетли тош-шағалли тупроқлардан иборат бўлишига қарамай кўпроқ ўзлаштирилган ва уларда мевали боғлар ташкил қилинган ҳамда бошоқли-дон, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади.

Тадқиқ этилаётган ҳудуд учун энг катта геозкологик муаммо, бу сув эрозиясидир. Эрозия жараёнлари ҳудуднинг барча ерларида ривожланган. Фақат унинг фаоллиги ва ифодаланганлик даражаси нишобликнинг катта-кичиклигига боғлиқ ҳолда турличадир. Адирли ҳудудларда сув эрозиясининг икки тури ажратилади. Майдоний эрозия, ёмғир ва эриган қор сувларининг майдон юзаси бўйлаб оқими тупроқ юзасидаги заррачаларни оқизади. Ёғин сувларининг жилғачалар ҳосил қилиб оқишидан чизикли эрозия юзага келади ва жарлар пайдо бўлади. Натижада ерлар бузилиб экин айланмасидан чиқиб кетади. Суғориладиган майдонларда, суғоришни қиялик бўйича ташкил этиш натижасида, пайкалнинг бош қисми ювилиб, тупроғининг механик таркиби энгиллашиб қолади. Пайкалнинг куйи қисмида, тупроқ, оқизиб келинган чанг ва лойқа заррачаларининг ётқизилишидан оғирлашади. Пайкалнинг ташлама қисмида эса ўйилган марзаларни ва чуқур ариқчаларни кузатиш мумкин. Айтилганлар тупроқ унумдорлигининг пайкал бўйлаб нотекислинишига сабаб бўлади.

Эрозиянинг тупроқ унумдорлигига қанчалик таъсир этишини тасаввур қилиш учун эрозияга учраган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини қиёслаб кўрамиз (жадвал).

57- кесма Қапчуғай-Чимён адирларининг гипсли оч бўз тупроқларини тавсифлайди. Кесма сув айирғичнинг ясси юзасида жойлаштирилган. Ювилмаган, тупроқ юзаси чим билан қопланган, унда гумус миқдори 1,3%, фосфор ва калийнинг миқдорлари ҳам юқори қийматларга эга. Қийматлар чим ости қатламларда камайганда камайган, айниқса, ҳаракатчан фосфор миқдори кескин озайган. Буни ҳаракатчан фосфорнинг гипс таъсирида эримайдиган уч фосфатга айланиши билан тушунтириш мумкин.

32 см чуқурдан гипсли қатлам ётади. Гипс ари уясини эслатувчи ғовак шестоват типига бўлиб, қатламнинг юқори қисми ковакларида устки тупроқ қатламидан ювилиб тушган заррачалар тўпланган. Бу қатлам учун гумус ва озуқа элементларининг жуда оз бўлиши характерли. Сув айирғичнинг юзаси шарққа томон пасая боради ва ювилиш аломатлари кўзга ташланади. Тупроқ юзасида чим йўк, чағир тошлар кўпайган. Гумусли қатламнинг анча қисми ювилиб кетган (57-а кесма). Агрокимёвий кўрсаткичларини ювилмаган тупроқнинг (57- кесма) чим ости қатламлари кўрсаткичлари билан қиёслаш уларнинг корреляцияланишини кўрсатади.

Ўртача ювилган тупроқларда (17- кесма) гумусли қатлам тўла ва ўтувчи қатламнинг катта қисми ювилиб кетган, натижада тупроқнинг агрономик сифати кескин бузилган. Кучли ювилган тупроқда эса (18- кесма) унумсиз гипсли қатлам тўла очилиб қолган.

Суғориладиган майдонларда эрозияга қарши кураш талабларига риоя қилмаслик, хусусан марзаларни қиялик бўйлаб узунасига олиш бир картанинг турли қисмларида тупроқ унумдорлигининг нотекис бўлиб қолишига сабаб бўлади. Сўх конус ёйилмаси юқори қисмининг бошланишида жойлаштирилган 25- ва 26- кесмалар бўйича жадвалда келтирилган агрокимёвий кўрсаткичлар унумдорлик фарқлари картанинг юқори ва куйи қисмларида қанчалик жиддий эканлигини кўрсатиб турибди.

Тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари

Кесма т.р.	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи микдори, %			Ҳаракатчан шакллари, мг/кг	
			Азот	P ₂ O ₃	K ₂ O	P ₂ O ₃	K ₂ O
Капчуғай-Чимён адирларида шакланган оч бўз тупроқлар							
57	0-4	1,30	0,194	0,172	1,14	27,0	300
	4-32	1,15	0,121	0,133	0,72	3,4	300
	32-76	0,61	-	0,100	0,33	2,3	215
37	0-2	1,47	-	0,146	1,95	30,0	400
	2-9	0,79	-	0,142	1,77	11,8	340
	9-13	0,51	-	0,095	1,80	4,6	377
	13-32	0,34	-	0,090	1,22	1,9	229
	32-82	0,01	-	0,065	0,82	излари	-
Кучсиз ювилган оч бўз тупроқлар							
57-а	0-13	0,75	-	0,105	1,04	11,9	250
	13-35	0,37	-	0,068	0,70	2,8	190
	35-65	0,19	-	0,060	0,48	0,8	-
Ўртача ювилган оч бўз тупроқлар							
17	0-10	0,37	-	0,080	0,34	4,4	-
	10-45	0,05	-	0,047	0,27	0,2	-
	45-70	0	-	-	-	-	-
Кучли ювилган бўз тупроқлар							
18	0-25	0,10	-	-	-	-	-
	25-65	0	-	-	-	-	-
Адир олди қия текисликларининг суғориладиган кальмотаж тупроқлари (Ўзбекистон тумани, “Мелихон-Назиржон” ф.х.)							
25	0-20	0,74	-	-	-	10,5	170
	20-45	0,49	-	-	-	7,2	145
	45-70	0,22	-	-	-	3,5	114
	70-100	0,05	-	-	-	-	-
26	0-30	1,15	-	-	-	18,7	250
	30-47	0,85	-	-	-	14,0	205
	47-65	0,59	-	-	-	9,9	155
	65-92	0,33	-	-	-	-	-

Ғ.Юлдашев ва М.Исағалиевларнинг [7] маълумотларига кўра, Сўх дарёси сувларида эриган тузлар ва лойқа оқизикларининг йиғинди миқдори 1204 мг/л га тенг. Агар дарё сувида эриган тузлар миқдорининг жуда озлиги инобатга олинса, у ҳолда юқоридаги қиймат дарё сувларининг кальмотажлаш қобилияти жуда юқорилигини кўрсатади. Бундай шароитларда суғориш ишлари эрозиянинг олдини олиш тадбирларига амал қилган ҳолда ташкил этилса агроирригацион қатлам қалинлашади ва тупроқ унумдорлиги ортади [8].

Тадқиқот ҳудудида, албатта, экологияси яхшиланган ҳолатларни намуна қилиб кўрсатса арзийдиган, тупроқ муҳофазаси, табиатни химоя қилиш юқори даражада ташкил қилиниб, деҳқончилик юритилаётган жойлар ҳам бор. Марҳамат гидромелиорация ўқув юрти ҳудудида тик ёнбағирлар узунасига террасаланган, ярим ой шаклида супаланиб боғлар ташкил қилинган. Бу ҳудудда нишоблик катта бўлишига қарамай, эрозия деярли тўхтаган. Шундай террасалар ёрдамида яратилган мевали боғлар, ўрмонзорлар, дам олиш зоналарини Полвонтош ва Андижон гуруҳи адирларида кўйлаб учратиш мумкин.

Адирли дашт ерларда тупроқ қатламининг юпқа бўлиши, гипсли ва тош-шағалли жинсларнинг ер юзасига яқин ётиши, рельефнинг мураккаблиги ҳамда машина каналлар воситасида олиб чиқилган сувнинг етарли эмаслиги суғоришнинг тежамкор инновацион технологияларини жорий этишни тақозо қилади. Ўзбекистон туманининг бир қатор фермер хўжалиги боғларида томчилатиб суғориш жорий этилган. Кузатишларга кўра, бу усул янги ёш боғларда, айниқса интенсив боғларда яхши самара бермоқда. Аммо тўла вояга етган йирик дарахтлар томчидан қониқмаётир, баъзи-баъзида жўяклар орқали ҳам суғорилмоқда. Бу муаммони ҳозирча очик қолдирамиз, уни ўрганиш даркор.

Кува туманида Мастураҳон бошлиқ машҳур қирқ кизлар бригадаси адир ерларини анор ва мевали дарахтлар учун ўзлаштиришнинг ажойиб намунасини кўрсатишган. Кейинроқ Мастураҳон хўжаликка раҳбар бўлиб, мураккаб рельефли адир ерларини ўзлаштириш бўйича катта тажриба орттирди. Ҳозирги кунда Мастураҳон бошчилигидаги фермер хўжалигининг 300 гектар анорзорлари ёмғирлатиб суғорилмоқда. Суғоришнинг бу усули сувни икки марта иқтисод қилиш ва тупроқ ювилишининг олдини олиш имконини беради.

Айни шу ҳудудда юза жойлашган кучли гипсли қатламларни ўра ва ҳандаклар бўйлаб озуқа моддаларига бойитилган унумдор тупроққа алмаштириш ижобий самаралар берди [3]. Капчуғай

адирларида, Бешариқ туманининг адирли ерларида ажойиб ўрикзорлар яратилган. Бу тажрибаларни ўрганиш ва тарғибот қилиш адирларда деҳқончилик юритувчилар учун фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Адирларни ўзлаштириш ва суғориш билан боғлиқ энг катта муаммолардан яна бири гипсометрик куйи ландшафт ерларида, тоғ ёнбағирларининг Бешариқ, Риштон, Қува, Тошлоқ ва бошқа туманларга қарашли куйи қисмларида ер ости сизот сувларининг кўтарилиши, ботқоқланиш ва шўрланишнинг кучайишидир.

Адир минтақаси водийнинг энг таъсирчан ҳудудларидан бўлиб, бу ерларда амалга оширилган тадбирлар таъсири нафақат уларнинг ўзида акс этади, балки куйи ҳудудларга ҳам тарқалади. Шунинг учун адирларни ўзлаштириш ва фойдаланиш эҳтиёткорона муносабатни тақозо қилади. Жанубий Фарғона адир тизимлари ерларининг умумий экомелиоратив ҳолатини мўтадил сақлаш ва ижобий ўзгаришлари, энг аввало, суғориш тартиботини қатъий назоратга олишни, суғориш тўрини антифилтратция қопламали бўлишини, сув беришни ҳар бир адир ёки адир гуруҳининг замин литологияси хусусиятларини, тупроқ қоплами қалинлигини, қияликлар даражасини инобатга олган ҳолда ташламаларсиз табақалантиришни, марзаларни горизонталлар бўйлаб энг кичик қиялик бўйича олишни, жарларнинг ўсишига йўл қўймаслик учун ёнбағирларни террасалаш орқали ўсимликлар билан мустаҳкамлаш кабиларни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуганиев И. Опыт классификации гипсовых пустынь Южной Ферганы в связи с их освоением// «Проблемы освоения пустынь». Изд. «Билым», Ашхабад, 1974, №4, с.77-78.
2. Вебер В.Н. Миграция сухих дельт в Фергане//Геологический вестник, 1929, № 7, стр.33-42.
3. Жалолов С.М. Свойства и мелиоративные особенности гипсоносных почв Южной Ферганы. Автореф. канд. дисс. с/х наук. –Т., 1993
4. Исаков В.Ю. Гипсоносные почвы Ферганской долины и проблемы, связанные с их освоением// Почвоведение, № 3, 1990.
5. Исаков В.Ю., Юсупова М.А., Тобиров О.К. Эколого- мелиоративное состояние земель Ферганской долины и пути их улучшения. В кн. Innovations in technical and natural sciences.-Vienna, 2017. –С. 15-30
6. Технологические свойства и использование гипсоносных почв под орошение. Методические рекомендации. М., 1988. -76 с.
7. Юлдашев Г., Исагалиев М. Геохимия почв конусов выноса. –Т.: “Фан”, 2012. -160 с.
8. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. – Т.: “Navro’z”, 2017. -328 бет.

УЎК 58.009

ЭФЕМЕРЛАР УСТИДА ЎЗБЕКИСТОН, МДХ ВА ҲОРИЖДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Х.А. Кадирова, ўқитувчи, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада ҳозирги кунда эфемер ва эфемероидлар устида ҳамда Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотларга шарҳ, эфемерлар устида Ўзбекистон, МДХ ва ҳорижда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, тадқиқот объекти ва методлари мавжуд гербарий фондларда ҳамда адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тур таркиби ҳамда тарқалган ҳудудларлари тўғрисида қисқача маълумотлар баён қилинган. Шу билан бирга водий флорасида тарқалган эфемер ва эфемероидлар устида мақсадли тадқиқотлар олиб бориш борасида айрим мунозаралар келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, эфемер, эфемероид, вегетация, таҳлил, ҳудуд, тур, туркум, ареал, флора, фонд, экология

Аннотация. В статье рассматриваются современные исследования эфемеров и эфемероидов и Ферганской долины, анализ исследований эфемеров в Узбекистане, в странах СНГ и за рубежом, приводятся сведения об объекте и методах исследований в гербарных фондах и литературные данные. Вместе с тем, была некоторая дискуссия о целевых исследованиях эфемерных и эфемероидов, распространенных во флоре долины.

Ключевые слова: Ферганская долина, эфемер, эфемероид, вегетация, анализ, регион, вид, род, ареал, флора, фонд, экология

Abstract. The article discusses modern studies of ephemerals and ephemerooids and the Fergana Valley, analysis of studies of ephemerals in Uzbekistan, analysis of studies in the CIS countries and abroad, provides information about the object and methods of research in herbarium funds and literature data. However, there has been some discussion about targeted research on ephemeral and ephemerooids common in the flora of the valley.

Key words: Fergana valley, ephemeral, ephemerooid, vegetation, analysis, region, species, genus, area, flora, fund, ecology.

Кириш. Флора қопламидаги ҳар бир ўсимлик оиласи ботаниканинг муҳим бўлаги сифатида алоҳида эътиборга олинishi муҳим. Табиий ҳудудлардаги ўсимлик оиласини классификациялаш, юксак гулли ўсимликларнинг тури ва таркибини аниқлаш, табиий муҳитга мослашуви ҳамда мавсумий ўзгаришларни баҳолаш, гуллаш, уруғлаш ва географиясини аниқлаш тадқиқотлар заминиди амалга оширилади. Айниқса, антропоген омиллар (техноген, чорва молларининг кўп боқилиши, ерларнинг ўзлаштирилиши) таъсирида ҳудудлардаги маълум бир гуруҳга мансуб бўлган ўсимлик оилалари устида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Фарғона водийси Ўзбекистон Республикасидаги аҳоли энг зич яшайдиган ва урбанизация даражаси юқори бўлган минтақалардан саналиб, флорасининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Сўнгги йилларда водий вилоятларида ерларни ўзлаштириш, саноатлашган зоналарни барпо қилиш, транспорт ва темир йулларнинг қурилиши ва чорва молларнинг кўп боқилиши натижасида табиий ҳудудлардаги флора қоплами ва унинг тур таркибида ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Тадқиқот объекти ва методлари

Ҳозирга қадар Фарғона водийси бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган флористик тадқиқотлар мавжуд эмас, балки фақатгина кичик локал ўсимликлар ўрганилган холос (Халқўзиев, 1971; Газыбаев, 1994;). Лекин флора қопламига бағишланган изланишлар нисбатан кўпроқ: З.А. Минквиц, О.Э.Кнорринг (1912), З.А. Минквиц (1917), В.П. Дробов (1925), О.Н. Бондаренко (1950), М.М. Арифханова (1967), Р.С. Верник, Т.Рахимова (1982). Мазкур тадқиқотларда маълум бир гуруҳга мансуб, жумладан эфемер ва эфемероидли ўсимликлар оиласи тўлиқ очиб берилмаган [1-4]. Фақатгина, Р.Ш. Шоназаров (1967) Олой тизмасининг ғарбий қисми флорасидаги эфемерлар устида тадқиқот ишини олиб борган. У асосан Олой тизмасида эфемер ва эфемероидларни тарқалиши, флора қопламидаги ўрни, баландлик минтақалари бўйлаб тарқалиши сингари томонларга кўпроқ урғу берган. Мазкур тадқиқот иши Фарғона водийси флорасидаги эфемерлар устида тадқиқотлар олиб бориш учун асосий туртки бўлган ишлардан бири сифатида баҳоланди [6]. Бундан ташқари, М.М.Арифханова томонидан келтирилган маълумотларга кўра (1967), Ўрта Осиё эфемерлари чўл ва ўтлоқ гуруҳида жой эгалламайди. Фарғона водийсининг эфемерлари Ўрта Осиё ҳудудида формация қаторида учрайди деб таъкидлайди [9].

Ўрта Осиёда эфемер турлар устида аниқ мақсадли маълум бир йўналишдаги илмий тадқиқотлар нисбатан камроқ олиб борилган, лекин таърифлар кўпгина олимлар томонидан берилган. Эфемер турларни ўрганишда, флора қоплами билан ишлаган олимларнинг ўзига хос бўлган ўрни бор. Булардан бири Е.В. Коровин (1934) "...эфемер ўсимликлар шундай ўсимликларки, нозик ўт пояга, энсиз барг япроғига эга бўлган мезофит ўсимликлар" деб таърифлаган. Шундай типдаги ўсимликларни эфемерлар деб таърифлайди, эфемероидларни эса вегетация даврини кеч кузгача амалга оширадиган, ўсиш куртаклари тупроқ остида қишлайдиган кўп йиллик ўсимликлар деб билган. Эфемерлар кузги-қишки-бахорги бир йиллик ўсимликлар, эфемероидларни эса кўп йиллик ўсимликлар деган тушунчани илгари сурган. Олим Ўрта Осиёдаги чўлларда тарқалган эфемер турларни Ўрта ер денгизи яқинидаги ороллардан миграция бўлган деган назарияни ҳам илгари суради. Бунинг асосий сабабаларидан бири сифатида Ўрта ер денгизи яқинидаги оролларнинг иқлими ва тупроғи Ўрта Осиёдаги айрим ҳудудларга анча яқинлиги билан изоҳлайди. Ундан ташқари олим Ўрта Осиёнинг текислик минтақалари эфемер ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради деб таъкидлайди, улар асосан шувоқзор ўсимлик қопламида макон топганлиги кўп бор мисоллар билан келтирган. Бу турлар *Strigosella L.*, *Alyssum L.*, *Bromus L.* *Poa L.* ва бошқа шу каби бир йиллик турларга бой бўлган туркумларни келтириб ўтган [5].

Ҳозирга қадар Е.В. Коровин, М.Г. Попов, Н.Ф. Ганчаров, П.Н. Овчанников, А.И. Шенпикова, А.А. Гройсгейм, В.Р. Заленский, Б.А. Келлер, Г.И. Попловская, Е.И. Проскоряков, М.В. Марков, К.З. Зокиров, В.В. Алехин, З.А.Минквиц, В.П. Дробов, И.И. Гранитов ва шу каби олимлар эфемерларни экология, яшаш шароитига мосланиши, классификацияси ва бошқа хоссалари тўғрисида қисқача маълумотлар келтириб ўтишган бўлсада, алоҳида минтақадаги эфемер турлар устида мақсадли тадқиқотлар олиб боришмаган [7,8,10].

Юқорида номлари келтирилган тадқиқот ишларида, минтақанинг қайси ҳудудларида эфемеретумларнинг нисбатан кенгроқ тарқалганлиги, унинг таркибидаги юксак гулли ўсимликларнинг тур таркиби, флора қопламини табиий муҳитга мослашуви, турлар фенологияси ва уларда содир бўладиган мавсумий ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ маълумотларнинг йўқлиги мавзунинг асосий долзарблигини англатади. Фарғона водийси флорасидаги эфемеретумлари биологик хилма-хилликни сақлаб турувчи банк сифатида ўсимлик таркибини инвентаризация қилиш, тарқалган минтақаларни аниқлаш, турларнинг фенологияси ва уларда содир бўладиган мавсумий ўзгаришларни очиб бериш ва таҳлил қилиш асосий долзарб масалалар қаторида ҳисобга олинди.

Мунозара ва олинган натижалар

Фарғона водийси флорасида (Ўзбекистон қисмида) *Brassicaceae* оиласига мансуб бўлган 100 дан ортиқ тур ўсиши маълум бўлди. Булардан 38 тур эфемерлар қаторида қайд этилди. Булар қуйидагилар:

Alliaria petiolata (M.Bieb.) Cavara et Grande in Bull. Orto Bot. Regia Univ.; *Sisymbrium orientale* L. in Cent. Pl. II.; *Sisymbrium irio* L. in Sp. Pl.; *Olimarabidopsis pumila* (Steph.) Al-Shehbaz, O'Kane & Price in Novon; *Litwinowia tenuissima* (Pall.) Woronov ex Pavlov in Fl. Centr. Kazakh.; *Crucihimalaya wallichii* (Hook.f. et Thomson) Al-Shehbaz, O'Kane et R.A.Price in Novon; *Descurainia sophia* (L.) Webb et Prantl in H.G.A.Engler & K.A.E.Prantl, Nat. Pflanzenfam.; *Erysimum andrzejkowskianum* Bess. ex DC. in Syst. Nat.; *Erysimum sisymbrioides* C.A. Mey. in C.F.von Ledebour, Fl. Altaic.; *Barbarea vulgaris* W.T. Aiton in W.T.Aiton, Hortus Kew.; *Cardamine impatiens* L. in Sp. Pl.; *Turritis glabra* L. in Sp. P. *Isatis brevipes* (Bunge) Jafri in Fl. W. Pakistan; *Isatis gymnocarpa* (Fisch. ex DC.) Al-Shehbaz, Moazzeni et Mummenhoff in Taxon 61; *Goldbachia laevigata* (M.Bieb.) DC. in Syst. Nat.; *Goldbachia torulosa* DC. in Syst. Nat.; *Parrya mollissima* (Lipsky) D.A. German & Al-Shehbaz in Kew Bull. *Strigosella africana* (L.) Botsch. in Bot. Zhurn. (Moscow & Leningrad) 57; *Strigosella hispida* (Litv.) Botsch. in Bot. Zhurn. (Moscow & Leningrad) 57; *Strigosella trichocarpa* (Boiss. & Buhse) Botsch. in Bot. Zhurn. (Moscow & Leningrad); *Strigosella turkestanica* (Litv.) Botsch. in Bot. Zhurn. (Moscow & Leningrad); *Tetracme quadricornis* (Willd.) Bunge in Index Seminum (TU, Dorpatensis) *Tetracme recurvata* Bunge in Arbeiten Naturf. Vereins Riga; *Euclidium syriacum* (L.) R.Br. in W.T.Aiton, Hortus Kew.; *Lachnoloma lehmannii* Bunge in Index Seminum (TU, Dorpatensis); *Alyssum simplex* Rudolphi in J. Bot.; *Meniocus linifolius* (Steph.) DC. in Syst. Nat.; *Clypeola jonthlaspi* L. in Sp. Pl.; *Cymatocarpus heterophyllus* (Popov) N.Busch in Vestn. Tiflissk. Bot. Sada, n.s.; *Draba huetii* Boiss. in Diagn. Pl. Orient., ser.; *Draba verna* L. in Sp. Pl.; *Brassica rapa* L. in Sp. Pl.; *Sinapis arvensis* L. in Sp. Pl.; *Thlaspi arvense* L. in Sp. Pl.; *Noccaea perfoliata* (L.) Al-Shehbaz in Harvard Pap. Bot.; *Camelina microcarpa* Andr. ex DC. in Syst. Nat.; *Neslia apiculata* Fisch., C.A.Mey. & Ave-Lall. in Index Seminum (LE, Petropolitanus); *Capsella bursa-pastoris* (L.) Medik. in Pfl.-Gatt. [12-14].

Олиб борилган дала тадқиқотларимиз ҳамда адабиёт манбаларни таҳлил қилиш натижасида Фарғона водийси флорасида (Ўзбекистон қисмида) *Fabaceae* оиласига мансуб бўлган 80 дан ортиқ тур ўсиши маълум бўлди. Булардан 25 тур эфемерлар қаторида қайд этилди ва тарқалиш нуқтаси аниқланилди. Булар куйидагилар:

Trigonella geminiflora Bunge, *Trigonella verae* Širj., *Medicago denticulata* Willd., *Medicago lupulina* L., *Medicago meyeri* Gruner, *Medicago monantha* (C.A.Mey.) Trautv., *Medicago orbicularis* (L.) Bartal., *Medicago radiata* L., *Astragalus campylorhynchus* Fisch. & C.A.Mey., *Astragalus campylotrichus* Bunge, *Astragalus compositus* Pavlov, *Astragalus contortuplicatus* L., *Astragalus dipelta* Bunge, *Astragalus filicaulis* Fisch. & C.A.Mey. ex Kar., *Astragalus harpilobus* Boiss., *Astragalus sesamoides* Boiss., *Vicia angustifolia* L., *Vicia cinerea* M. Bieb., *Vicia michauxii* Spreng., *Vicia narbonensis* L., *Vicia peregrina* L., *Vicia tetrasperma* (L.), Schreb. *Lathyrus aphaca* L. [12-14].

Шу билан биргаликда олиб борилган дала тадқиқотларимиз ҳамда адабиёт манбаларни таҳлил қилиш натижасида Фарғона водийси флорасида (Ўзбекистон қисмида) *Poaceae* оиласига мансуб бўлган 120 дан ортиқ тур ўсиши маълум бўлди. Булардан 36 тур эфемерлар қаторида қайд этилди ва тарқалиш нуқтаси аниқланилди. Булар куйидагилар: *Apluda inermis* Regel, *Arthraxon centrasiaticus* (Gris.) Gamajun., *Digitaria ischaemum* (Schreb.) Muehl., *Digitaria sanguinalis* (L.) Scop. , *Brachiaria eruciformis* (Sm.) Griseb. , *Echinochloa crus-galli* (L.) Beauv. , *Echinochloa oryzoides* (Ard.) Fritsch, *Setaria lutescens* (Weig.) F.T. Hubb. , *Setaria verticillata* (L.) Beauv. , *Setaria viridis* (L.) Beauv., *Crypsis aculeata* (L.) Ait. , *Crypsis schoenoides* (L.) Lam. , *Crypsis turkestanica* Eig., *Phleum graecum* Boiss. & Heldr., *Polypogon maritimus* Willd., *Apera interrupta* (L.) Beauv. , *Trisetaria cavanillesii* (Trin.) Maire., *Avena barbata* Pott ex Link., *Avena fatua* L., *Avena meridionalis* (Malzev) Roshev., *Schismus arabicus* Nees. , *Poa annua* L., *Poa diaphora* Trin., *Poa supina* Schrad., *Vulpia ciliata* Dumort., *Vulpia myuros* (L.) C.C. Gmel., *Bromus danthoniae* Trin. ex C.A. Mey., *Bromus japonicus* Thung., *Bromus scoparius* L., *Bromus tectorum* L., *Eremopyrum bonaepartis* (Spreng.) Nevski., *Eremopyrum distans* (Koch) Nevski., *Eremopyrum orientale* (L.) Jaub. & Spach., *Eremopyrum triticeum* (Gaertn.) Nevski., *Aegilops triuncialis* L., *Heteranthelium piliferum* (Banks & Soland.) Hochst., *Hordeum leporinum* Link., *Hordeum spontaneum* C. Koch. [12-14].

Хулоса. Фарғона водийсида ҳозирга қадар кўпгина ботаник изланишлар олиб борилганлигига қарамадан, флоранинг тур таркиби тўғрисидаги аниқ рўйхати мавжуд эмаслиги, минтақада аниқ мақсадли флористик тадқиқотлар олиб бориш кераклигини кўрсатади. Ўрганишларимиз натижасида водий флорасида эфемерларнинг асосини нисбатан кенгроқ тарқалиш ареалига эга бўлган турлар ташкил этиши маълум бўлди. Бу каби турлар водийдаги бошқа полиморф саналган оилаларга нисбатан *Poaceae*, *Brassicaceae* ва *Fabaceae* оиласи вакиллари орасида кўпчиликти ташкил этади. Оила вакилларининг ўзига хослиги шундан иборатки, бу турлар дээрли барча баландлик минтақаларидаги ўсимлик жамоаларида иштирок этади. Эфемерларни ўрганиш уларнинг тур таркибини аниқлаш ва биологик хилма-хилликни асрашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Deil, Ulrich A review on habitats, plant traits and vegetation of ephemeral wetlands -a global perspective // *Fitocenology* 2005, Vol. 35 (2-3) 533-559 pp.

2. Buhailiqiemu Abudureheman, Huiliang Liu, Daoyuan Zhang, Kaiyun Guan, and Yongkuan Zhang The Responses of the Quantitative Characteristics of a Ramet Population of the Ephemeroïd Rhizomatous Sedge *Carex physodes* to the Moisture Content of the Soil in Various Locations on Sand Dunes // *ScientificWorldJournal*. 2014;120186. doi:10.1155/2014/120186
3. Sufen Yuan, Haiping Tang, Lihong Meng The Nutrient Content of Ephemeral Plants and the Response of Chlorophyll Fluorescence to Light in Desert // *International Journal of Ecology* 2017, 6(1), 6-15 pp. doi.org/10.12677/ije.2017.61002
4. Fan Lianlian, DING Junxiang, MA Xuexi, LI Yaoming Ecological biomass allocation strategies in plant species with different life forms in a cold desert, China // *Journal Arid Land* 2019, 37(3): 803-812 pp. doi.org/10.1007/s40333-019-0062-1.
5. Рейм Таганов. Закономерности распространения эфемеров и эфемероидов флоры Турана (Средней Азии и Южного Казахстана) Автореферат дис. ... канд.биол. наук. — Ленинград, 1965. 20 с.
6. Р.Шоназаров Эфемеретум западной части Алайского хребта Автореферат дис.... канд. биол. наук. — Ташкент, 1967. 32 с.
7. А.А. Иващенко Эфемероиды заповедника Аксу-Джабаглы Алма-ата, 1987, 87 с.
8. В.В. Кричфалуший, В.И. Комендар Биоэкология редких видов растений на примера эфемероидов Карпат, Свит, 1990 160 с.
9. М.М.Арифханова Эфемеретум Ферганской долины // Ташкентский государственный университет, Ташкент, 1964. Вып. 241. сс. 122-128.
10. Ф.И. Каримов Фаргона водйиси бир уруғ паллали геофитлари дисс. док. биол. наук., Ташкент, 2016. 250 с.
11. М.М.Арифханова Растительность Ферганской долины Ташкент, 1967 250 с.
12. International Plant Names Index [Электронный ресурс]. - URL: www.ipni.org
13. The Plant List [Электронный ресурс]. - URL: www.theplantlist.org
14. R.K. Brummit, C.E. Powell "Authors of Plant Names" (1992)

УЎК 597.0/5

СУДОЧЬЕ КЎЛИНИНГ БАЛИҚ ПАРАЗИТЛАРИ

А.И.Курбанова, б.ф.н., доцент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус
А.Ж. Хабибуллаев, ассистент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада антропоген омиллар таъсири остида балиқ паразитлари фаунасининг ўзгариши акс эттирилади, паразитларнинг патоген шакллари ва кўлининг эпизоотик ҳолатини ўзгартиришидаги аҳамиятини кўрсатади, бошқа сув ҳавзаларига тарқалишининг олдини олиш йўллари тавсия қилинди.

Калт сўзлар: фауна, паразитлар, эпизоотик, зоопланктон, фитопланктон, кўл, патоген, инвазион

Аннотация. В статье приведен список обнаруженных видов и паразитов с указанием хозяев, локализации, места обнаружения, степени их зараженности, показано изменение паразитофауны рыб под влиянием антропогенных факторов, указаны патогенные формы паразитов и их значение в изменении эпизоотического состояния озера, рекомендованы пути предупреждения распространения их в другие водоемы.

Ключевые слова: фауна, паразиты, эпизоотия, зоопланктон, фитопланктон, озер, патоген, инвазии

Abstract. The article contains a list of detected species and parasites, indicating the hosts, localization, location of detection, the degree of their infection, shows the change in the parasite fauna of fish under the influence of anthropogenic factors, indicates the pathogenic forms of parasites and their significance in changing the epizootic state of the lake, recommends ways to prevent their spread to other reservoirs..

Key words: fauna, parasites, epizootic, zooplankton, phytoplankton, lake, pathogen, invasion

Мавзунинг долзарблиги. Амударё ва Сирдарё сув оқимининг камайиши Орол денгизи сатҳининг ҳалокатли пасайишига олиб келди ва Жанубий Орол денгизининг сув экотизимлари деградациясига учради. Бу эса гидрофауна ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Амударё дельтасининг ифлосланган сув ҳавзаларидаги балиқлар ҳолати ёмонлашди. Ушбу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, уларнинг шароитини янада яхшилаш ва сунъий балиқчиликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Шу жиҳатдан Судочье кўлидан унумли фойдаланиш талаб этилади. У Амударё дельтасининг Шимоли-Ғарбий қисмининг чап соҳилида жойлашган. Кўл кўп ўзгаришларга учраган. У 1968 йил иккинчи марта қуриди ва бир йил ўтгач, денгизнинг Аджибаи кўрфазига қўшилади. Асосий чап ёқа коллектор, Устюрт коллектори ва унга Қораўзак канали тушади.

Судочье кўлининг гидрологияси, гидрокимёси ва гидробиологияси кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган (Николский ва Панкратова, 1934; Акатова, 1950; Дарибаев, 1969), охири гидробиологик тадқиқотлар С. Казахбаев томонидан 1988 йилда ўтказилади. Унга кўра, кўл майдони тахминан 15,7 минг гектар, 1,2-1,7 м чуқурлиги, сув бироз ишқорий (рН 7,8-8,2), қулай газ режимига эга, эриган кислород 7,5 дан 12,2 мг/л гача (1970), минераллашув 2,5 дан 5,5% гача ўзгариб туради [6].

1980 йилларда зоопланктонларнинг таркиби 17 турдан иборат бўлиб, улардан 3 тури қориноёқли қисқичбақасимонлар ҳисобланган.

Зообентослар хириноидлар (15 тур), ниначилар (8 тур), бедапоярлар, қўнғизлар, тўғноғичлар, капалаклар, ёнсузарлар, мизитлар, ўргимчаксимонлар, мокрица, чивинлар билан ифодаланади. Фитопланктондан диатомлар, яшил ва кўк яшил сувўтлар топилган. Озуқа умуртқасиз ҳайвонлардан буғимоёқлилар, хириноидлар, ёнсузарлар ва айрим турдаги моллюскалар балиқ гельминтларининг алоҳида турларининг ривожланиш циклида иштираётган. Кўл ҳудудида кўплаб гельминтларнинг охириги хўжайинлари, сув бўйи кушлари (қашқолдоқ, ўрдак, чайка, турна) мавжуд.

Кўлда 15 дан ортиқ балиқ турлари, шу жумладан 12 та озуқабоп (3 та олиб келинган) мавжуд. 1989 йилларидаги овларда илонбош балиғи устунлик қилган, кейинги йилларда ҳам илонбошлар 57% га етди, бу эса унинг сонининг ошганлигини кўрсатади.

Сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишда балиқ касалликларига қарши кураш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун балиқ, сув умурқасизлари ва яқин сув кушларининг паразитларини диққат билан ўрганиш керак. Шу асосида уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилади. Куйида ўз тадқиқотларимиз натижалари келтирилган.

Материал ва методика. Иш учун материал 2017 (июль-август), 2018 (май) ва 2019 (май-июнь) Судочье кўлида амалга оширилган балиқ паразитларини йиғиш эди. Кўлда ҳарорат 22.1-25.6⁰С дан ўзгарган.

5 турга мансуб 128 та балиқда тўлиқ паразитологик тадқиқот ўтказилди (Орол қизилкўзи-16 та, кумуш зоғора-18 та, сазан 57 та, илонбош-22 та).

Бундан ташқари, паразитлар алоҳида турлари сифатида балиқ инфекция тезлигини аниқлаш учун тўлиқ таҳлил натижаларини балиқларнинг 300 дан ортиқ намуналари синовдан ўтказилди, жами текширилаётган 428 балиқ нусхалари ташкил этади.

Балиқни паразитологик ёриш, умум қабул қилинган фиксация ва қайта ишлаш методи билан ўтказилиб (Догел, 1933; Быхковская-Павловская, 1985) шулар бўйича ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштиришни (Шигин, 1968,1976; Донец ва Шульман, 1973); Хотеновский, 1974; Гусев, 1983, ва ҳоказо олиб борган [1,2,4-7].

Материаллар Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети Биология факультети лабораториясида қайта ишланди.

Паразитларнинг таксономияси. Илмий ишда ўрганган балиқларда 8 синфга мансуб 31 тур паразитлар аниқланди (жадвал 1), тегишли: кокцидия-1, миксоспориция-4, киприклиялар-2, моногенея-9, цестодлар-4, трематодлар-6 нематодлар-3, қисқичбақасимонлар-2.

Ўрганилган балиқларнинг умумий юктириш даражаси 96,1%, шу жумладан, протозоа-34,8%, полиплар-57,4%, цестодлар-5,4%, трематодлар-51,2%, нематодлар-48,0, қисқичбақасимонлар-4,6% ни ташкил этди.

Жадвал 1

Судочье кўлида сазанининг паразитофаунаси

Паразит турлари	Зарарланиш, % да	Инвазия жадаллиги	
		Минимал ва максимал паразитлар сони	Индекс кўрсаткичлари
1	2	3	4
<i>Eimeria carpelli</i>	64,9	0,2-1,1	0,9
<i>Myxidium pteifferi</i>	1,7	спора	-
<i>Myxobolus dispar</i>	1,7	циста	-
<i>Tricodinella subtilis</i>	35,1	0,1-1,4	0,9
<i>Dactylogyrus anchoratus</i>	26,3	1-6	3,6
<i>D. vastator</i>	3,5	1 ва 4	2,5
<i>D. Extensus</i>	86,0	2-248	69,5
<i>Cyrodactylus mudius</i>	21,0	1-84	6,2
<i>Eudiplo oon nipponicum</i>	10,5	2-8	4,6
<i>Bothrio ephalus opsariichydis</i>	3,7	1ва 2	1,5
<i>Diplostomum spathaseum</i>	57,9	1-3	6,2
<i>Tylodelphys Clavata</i>	17,5	3-16	1,8
<i>Posthodiplostomum cuticola</i>	8,8	1-2	2
<i>Contracaecum spiculigerum</i>	7,0	1-21	1,2
<i>C microcephalum</i>	38,6	1 ва 3	2,7
<i>Ergasilus sieboldi</i>	3,5	2-12	2
<i>Lernaea elegans</i>	5,3		2,6

Балиқларнинг паразитофаунаси. Орол қизилкўзи (*Rutilus aralensis* Berg) Судочье кўлида қизилкўз етакчи балиқлардан бири эди. Орол денгизининг суви энг яхши йилларида 75 минг тоннагача

ишлаб чиқарилган бўлиб, умумий тутишнинг 20% ни ташкил этган (Фортунатов ва бошқ., 1950). Амударё дельтасининг сув ҳавзаларида денгиз сатҳи тушгандан кейин қизилкўз жуда кам учрайди.

Тадқиқотлар 16 донга балиқда ўтказилди. Қизилкўзнинг умумий инфекцияси 100% бўлди. Унда 4 турдаги паразитлар рўйхатга олинган, шу жумладан мураккаб ривожланиш циклига эга бўлган 3 тур ва бевосита ривожланишга эга бўлган 4 тур мавжуд. Биринчи гуруҳи вакили томонидан диплостоматид турлари *D.spathaceum* (ЭИ-50,0%, ИИ-1-13, ИО – 2,1 экз), *T. Clavata* (ЭИ-50%, ИИ-7-52, ИО-9,8 экз), нематода *C.microcephalum* (ЭИ -18,7%. ИИ -1-2 экз.). Иккинчи гуруҳ ўз ичига олади моногенеае *D.Crucifer* (ЭИ-87,5% ,ИИ-5-178, ИО- 37,7 экз), *D. Nanus* (ЭИ- 18,7%,ИИ-2-8 экз. *P.homoion* (ЭИ-6,8% ИИ-1 экз). ва *crustacean E.sieboldi* (ЭИ-6,8, ИИ-1 экз). Жабрала сўрғичларнинг дастлабки уч тури специфик ўзига хос паразитлари бўлиб, улардан биринчиси энг кўп тарқалган. Қизилкўзда цестод йўқ эди, бу эҳтимол уни озиклантиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан изоҳланади. Уларнинг оралик (умуртқасиз ҳайвонлар) ва охиргиси хўжайинлари (кушлар) нинг камлигидир.

Орол ҳавзасида илгари қизилкўзда 54 тур паразитлари аниқланган [13,14].

Узоқ Шарқдаги кумушранг карась (*Carassis auratus qibelio Bloch*) Москва яқинидаги Савинский балиқ хўжалигидан бу ерга келтирилган. Амударё дельтасининг сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Ҳаёт шакли билан бу одатий тур. *Crucian* карпнинг озик-овқат аҳамиятига эга тури.

Ушбу тадқиқот даврида кўлда 2,500 ц га яқин сазан ушланган. Бизнинг тадқиқотда 57 нусхаси ўрганилиб, биз кўриб чиққан умумий инфекцияси 100% ни ташкил этган. Унда паразитларнинг 17 тури топилди (жадвал 1)

Сазан паразитларининг 11 тури (64,7%) тўғридан - тўғри ривожланиши, қолганлари ўзгариши билан характерланади. Зарарланишнинг юқори фоизини *G.medius* эгаллайди. Кенг тарқалган шакллардан метацеркарии-*D.spathaceum* ва нематода - *C.microcephalum* аниқланди.

Илгари Жанубий Оролбўйи минтақасидаги сув ҳавзаларида сазан балиғида паразитларнинг 40 тури кузатилган (Османов, 1971; Юсупов, 1980).

Илонбош (*Channa argus Warpachowski Bred*). Бу йирткич балиқнинг келиб чиқиш жойи Амур дарёси ҳавзасидир. 1961 йилда Ўзбекистон Республикасининг Қалган-Чирчиқ балиқчилик хўжалигига (Сирдарё дарёси)га олиб келинган, ундан тасодифан Орол денгизи ҳавзасига кириб қолди ва ҳозир ҳамма жойда учрайди. Илонбош Амударё дельтасининг сув ҳавзаларида нисбатан кўп. 1988 йилнинг бошларида Судочье кўлида у биринчи ўринни эгаллади. Биз санаган 22 илонбош балиғи намуналари 100% бўлган. Илонбош балиғи жуда юқори даражада трематодалар тарафидан инвазион (54,5%) ва нематодалар (72,7%) томонидан зарарланган. Биз паразитларнинг 10 турини рўйхатга олдик (3-жадвал), уларнинг ярмидан кўпроғи (7 тур) унинг озикланиши билан боғлиқ бўлган оралик хўжайинлар иштирокида ривожланади. Улар орасида трематода *C.microcephalum* ва нематода *D.spathaceum* юқори зарарланишини кўрсатди. Уларнинг личинкалари қизилкўз, сазанда топилган. Кўришиб турибдики, илонбош бу балиқларнинг ёшларини истеъмол қилганда улар билан юқади [8, 10,11].

Биз томонимиздан топилган паразитлар рўйхати шуни кўрсатадики, Жанубий Оролбўйи минтақасининг янги экологик шароитида илонбош олдинги тадқиқотларимиз (Юсупов ва Уразбаев, 1993) бўйича паразитларнинг учдан бир қисмини йўқотган, унинг учун 27 та паразит тури кўрсатилган.

Жадвал 2

Судочье кўлидаги илонбошнинг паразитофаунаси

Паразит турлари	Зарарланиши %	Инвазион интенсивлик	
		Минимал ва максимал паразитлар сони	Индекс кўрсаткичи
1	2	3	4
<i>Myxidium pfeifferi</i>	9,1	Спора	
<i>Myxobolus muelleri</i>	4,5	Циста	
<i>Trichodina mutabilis</i>	9,1	Ягона	
<i>Proteocephalus cernuae</i>	4,5	18	
<i>Gyrorhynchus pussillum</i>	13,6	1-5	2
<i>Diplostomum spathaceum</i>	54,5	1-109	9,33
<i>Tylodelphys clavata</i>	18,2	1-2	
<i>Contracaecum spiculigerum</i>	22,7	1-3	
<i>C. microcephalum</i>	72,7	1-16	6,76
<i>Raphidascaris acus</i>	4,5	2	

Балиқ касалликлари. Кўлнинг эпизоотик ҳолатини тасвирлаб, *E.carpelli*, *D.exten us*, *D.Vastator*, *G.medius*, *B.opsarichthidus*, *D.spathaceum*, *T.clavatum*, *P. Cuticola*, *R.acus*, *E.sieboldi* каби балиқлар учун жуда хавфли паразитлар мавжудлигини таъкидлаш керак. *D.spathaceum*, *T.clavatum*, *P. Cuticola* бўлса, гидрологик ва гидрокимёвий режими ҳам ўзгарган бўлса, эпизоотик касалликларни олиб келиши мумкин бўлган, *R.acus*, *E.sieboldi* ва бошқалар. С.О.Османов (1957) маълумотларига кўра, бу кўлда

Рафидаскаридоз касаллигидан катта подалар ўлган. Ушбу тадқиқотда унинг қўзғатувчиси *R.acus* ҳам қайд этилган.

Юқумли касалликлардан қизилча ўрганилган сазанларда 40-60% ида кузатилган. Кўпинча касалликнинг яра шакли бор эди, камдан-кам ҳолларда-томчи. Турли шакл ва катталиқдаги яралар (диаметри 2 дан 8 см гача) узунлиги 23-52 см бўлган балиқларнинг тана юзасининг турли жойларини эгаллаган.

Сазан (*E.carpelli*) миксоболуса (*M.pfeifferi*) ва жабра сўргичлар учун хос бундан мустасно, Судочье кўлида қайд этилган паразитларнинг барчаси патоген шакллари кенг бўлиб ва турли авлод вакиллари ва ҳатто балиқ оилаларда ҳам паразитлар бўлади.

Шунинг учун Судочье кўлида янги балиқ турларини киритишда бу паразитларнинг бегона ўтларга ўтиш имкониятини ҳисобга олиш керак. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, бу кўлдан балиқ ташишда бу паразитлар бошқа сув ҳавзаларига киритилиши ва аборигенларга жойлашиши мумкин. Ушбу кўл асосида балиқ фермасини яратишда потенциал хавфли паразитларнинг мавжудлиги ҳисобга олиниши керак.

Хулоса. Шунинг таъкидлаш керакки, сув омборининг паразитологик ҳолати тез ўзгариб туради. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам мунтазам паразитлар назорати зарур.

Балиқлар орасида эпизоотик назорат қилиш ва олдини олиш учун сув оқимини яхшилаш, табиий озик-овқат таъминотини бойитиш мумкин. Касал балиқларни ўз вақтида сув омборидан тозалаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Быховская-Павловская И.Е. Паразиты рыб (руководство по изучению)-Л.Наука, 1985 123 с.
2. Гусев А.В. Методика сбора и обработки материалов по моногенным, паразитирующим у рыб. Наука Л., 1983, 47 с.
3. Дарибаев А.К. Зоопланктон озера Судочье и Каратерень//Гидробиологический журнал т.5. №4 1969 с.
4. Догель В.А. Проблемы исследования паразитофауны рыб. Тр. Ленинградское об-во естествоиспытателей, 1933.
5. Казахбаев С.К. Современное состояние зоопланктона оз. Судочье Сб.Структура сообщества гидробионтов в низовьях Амударьи.Ташкент ФАН,1988.
6. Никольский Г.В., Панкратова В.Я. Некоторые данные по гидрологии, гидробиологии и ихтиологии Айбугирской котловины (Судочье озеро)Тр Аральск научрыбохоз. Ст.Ш 1934.
7. Османов С.О. Рафидаскаридов леща в дельте Амударьи. Рыбное хозяйство 193. №8 С 53-56
8. Османов С.О., Уразбаев А.Н., Юсупов О. Паразитарное состояние карпа и растительной рыбы в прудах рыбоводческих хозяйств Каракалпакии//Вестник КК ФАН УзССР, 1966 №2С 31-36.
9. Юсупов О. Паразиты рыб промысловых водоемов Каракалпакии. Авто реф. Канд. Дисс. Ташкент 1980 25 с.
10. Юсупов О. Новые материалы о паразитах серебряного карася в водоемах Южного Приаралья//Вестник КК отделения АН РУ 1992 №4 С 39-43.
11. А.И. Курбанова (2002) «Влияние антропогенных факторов на паразитов рыб водоемов Южного Приаралья». Авто реф. Канд. Дисс. Ташкент 2002 25 с.

УЎК: 631;631.8;633;633.1;633.19

ТРИТИКАЛЕ “САРДОР” НАВИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА 1000 ДОНА ДОН ВАЗНИ ВА ДОН НАТУРАСИНING ТАЪСИРИ

Б.С. Кушматов, таянч докторант, Лалмикор дехқончилик ИТИ, Тошкент

Б.М. Ҳоликов, к/х.ф.д., ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Э.Қ. Тўхтамишов, мустақил тадқиқотчи, Лалмикор дехқончилик ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада нам билан ярим таъминланган текислик, қир-адирлик минтақалар учун яратилган тритикале “Сардор” навининг ҳосилдорлигига 1000 дона дон вазни ва дон натурасининг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: тритикале, 1000 дона дон вазни, дон натураси, ҳосилдорлик, экиш меъёри, уруғ, маъданли ўғитлар

Аннотация. В статье собраны данные о влиянии массы 1000 зерна и характера зерна на урожайность сорта тритикале “Сардор”, созданного для полупосушливых равнин регионов страны.

Ключевые слова: тритикале, масса тысячи зерен, природа зерна, урожайность, норма высева, семена, минеральные удобрения

Abstract. The article contains data on the influence of 1000 units of grain weight and grain character on the yield of the triticale “Sardor” variety, created for a semi-underground plain with moisture, by the regions of the country.

Key words: tritikale, thousand carnel weight, grain nature, productivity, planting norm, seed, mineral fertilizers

Қишлоқ хўжалиқда бугунги кунда бошоқли дон экинларининг атроф муҳитнинг негатив омилларига чидамли, турли тупроқ –иклим шароитларга мос, дон сифати ва ҳосилдорлиги юқори бўлган навларини яратиш ҳамда уларнинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда.

Бу борада тритикале экини алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз ҳудудий жойлашуви ва минтақаларига кўра ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитига эга. Шу сабабли, тритикаленинг янги ва истиқболли, хориждан келтирилган ва районлаштирилган навларини жойларда илмий -амалий тажрибаларда синовдан ўтиши керак. Шунингдек тритикале учун қўлланиладиган янги агротехнологик тадбирлар мажмуи шу жойнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш жараёнига тавсия этилиши керак [1].

Ўзбекистон шароитида тритикаледан асосан чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади. Лалми ерларда тритикале экинини етиштириш чорва молларига ширали ва юқори оқсилли озуқалар етказиб бериш билан бирга тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларини ва унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш имкониятини яратиш, бу орқали экологик соф озиқ-овқат маҳсулотларини олиш мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг мақсади: Нам билан ярим таъминланган текислик, қир- адирлик минтақалар учун яратилган тритикале ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш муддати, уруғ ва маъданли ўғитлар меъёрини таъсирини ўрганиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотни ўтказиш услублари ва шароити: Дала тажрибалари Ғаллаорол тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси марказий тажриба участкасида олиб борилди. Тажриба даласининг тупроқлари типик бўз тупроқлар бўлиб, тупроқнинг агрокимёвий таркиби гумус миқдори 1,313-0,128% ни, ялпи азот миқдори 0,112-0,143% ни, фосфор 0,293-0,220% ни ва калий 2,01-1,83% ни ташкил этади.

Дала тажрибаларини жойлаштириш ва математик таҳлил қилиш Б. А. Доспехов бўйича (1985 й).

Дон хажми донларнинг гектолитрда жойлашуви орқали ПХ-1 ГОСТ 7861-74 бўйича аниқланди.

Тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов услуби бўйича бажарилган.

Тадқиқот натижалари: Ўсимликда дон ҳосил бўлиш даврида юқори харорат, тупроқда нам етишмаслик, пояларнинг ётиб қолиши, заркунандалар ва касалликлар билан зарарланиши натижасида 1000 дон вазни кескин камаяди [2].

Олинган икки йиллик тажриба натижаларига кўра 1000 дон дон вазни бўйича энг юқори натижа тажрибанинг кузги муддатда экиш меъёри 3,0 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 8-вариантида ўртача 43,6 гр, назорат 6-вариантида ўртача 39,6 гр, назоратга нисбатан 4 гр юқори бўлди.

Тажрибанинг иккинчи муддатида экилган вариантида 1000 дон дон вазни бўйича энг юқори натижа экиш меъёри 3,5 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 27-вариантида ўртача 37,9 гр, назорат вариантида ўртача 33,4 гр, назорат 26- вариантга нисбатан 4,5 гр юқори бўлгани аниқланди.

Тажрибада тритикале “Сардор” навининг дон натурасига экиш муддати, меъёри ва минерал озиқлантириш сезиларли таъсир кўрсатганлиги кузатилди.

Лалмикорликнинг нам билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида экиш меъёрининг 2,0-3,5 млн ортиши бошоқли дон экинларида 1000 дон дон вазни ва дон натурасининг камайишига олиб келади [3].

Дон натураси бўйича олинган икки йиллик натижага кўра тажрибанинг кузги муддатда экилган экиш меъёри 3,0 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 8-вариантида ўртача 752,7 г/л, назорат 6-вариантида ўртача 739,7 г/л, назорат нисбатан 13 г/л юқори бўлди. Баҳорги муддатда экилган тажрибада экиш меъёри 3,5 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-вариантида ўртача 755,1 г/л, назорат 26-вариантида ўртача 731,9 г/л, назорат вариантга нисбатан 23,2 г/л юқори бўлди.

Тритикале “Сардор” нави ҳосилдорлигига 1000 дон дон вазни ва дон натурасининг таъсири, Ғаллаорол 2019-2020 й

№	Экиш муддати	Экиш меъёри, млн дон	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/г (т,э,м,х)	1000 дон дон вазни, г			Дон натураси, г/л			Ҳосилдорлик, ц/га
				2019 йил	2020 йил	Ўртача	2019 йил	2020 йил	Ўртача	
1	1-10.11 (Кузги муддат)	2,5 млн	Назорат (ўғитсиз)	40,8	39,8	40,3	733,5	734,3	733,9	20,0
2			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	44,8	41,4	43,1	751,8	752,1	751,0	22,2
3			(фон) N ₃₀	42,6	43,6	43,1	749,7	748,6	749,2	25,0
4			(фон) N ₄₀	40,4	40,4	40,4	747,3	748,2	747,8	20,0
5			(фон) N ₅₀	42,4	42,4	42,4	750,6	751,4	751,0	24,5

Дунё мамлакатлари аграр соҳасида ўтказилаётган ислохотлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом-ашё, чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашга қаратилган. Бу борада ғаллачилик асосий тармоқлардан бири бўлиб, тритикале - Triticale L. экини муҳим ўрин эгаллайди [2].

2020 йил 29 январь куни давлатимиз раҳбарининг ПҚ-4576 сонли “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [3].

Тадқиқотнинг мақсади: Нам билан ярим таъминланган текислик, қир- адирлик минтақалар учун яратилган тритикале ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига экиш муддати, уруғ ва маъданли ўғитлар меъёрини таъсирини ўрганиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотни ўтказиш услублари ва шароити: Дала тажрибалари Ғаллаорол тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси марказий тажриба участкасининг олиб борилди. Тажриба даласининг тупроқлари типик бўз тупроқлар бўлиб, тупроқнинг агорокимёвий таркиби гумус миқдори 1,313-0,128% ни, ялпи азот миқдори 0,112-0,143% ни, фосфор 0,293-0,220% ни ва калий 2,01-1,83% ни ташкил этади. Дала тажрибаларини жойлаштириш ва математик таҳлил қилиш Б. А. Доспехов бўйича (1985 й). Тажриба 30 та вариантдан иборат бўлиб, икки ярусда 4 қайтариқда 25 м² узунликда кузги ва баҳорги муддатларда экилган. Тажриба даласининг умумий ер майдони 1 гектарни ташкил қилади.

Лалмикорликнинг нам билан ярим таъминланган қир адирлик минтақасида маҳаллий ва минерал ўғитларнинг самарадорлиги йиллик ёғин сочин миқдорига боғлиқ. Об-ҳаво шароитлари қурғоқчил келган йиллари минерал ўғитлар ҳисобига олинган қўшимча ҳосилдорлик 1-2 центнер бўлса, об-ҳаво қулай, ёғингарчилик кўп бўлган йиллари қўшимча ҳосилдорлик 3,8-8,7 центнерни ташкил қилади [4].

Экиш муддати уруғ ва маъданли ўғитлар меъёрининг тритикале “Сардор” нави ҳосилдорлигига таъсири, Ғаллаорол 2019-2020 й

№	Экиш муддати	Экиш меъёри, млн дона	Маъданли ўғитлар меъёри, кг/г (т,э,м,х)	Ҳосилдорлик, (ц/га)			Ўртача ҳосилдорлик (ц/га)	Ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, ц/га	
				2019-йил	2020-йил	± ц/га		± ц/га	%
1	1-10.11 (Кузги муддат)	2,5 млн	Назорат (ўғитсиз)	21,4	18,6	40,0	20,0	0	100,0
2			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	22,2	22,3	44,5	22,2	2,2	111,0
3			(фон) N ₃₀	23,2	26,8	50,0	25,0	5,0	125,0
4			(фон) N ₄₀	22,2	21,9	44,1	20,0	0	100,0
5			(фон) N ₅₀	19,1	24,6	43,7	24,5	4,5	122,5
6		3,0 млн	Назорат (ўғитсиз)	21,2	20,7	41,9	20,9	0	100,0
7			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	25,4	25,0	50,4	25,2	4,3	120,5
8			(фон) N ₃₀	26,3	28,2	54,5	27,2	6,3	130,1
9			(фон) N ₄₀	25,4	24,6	50,0	25,0	4,1	119,6
10		3,5 млн	(фон) N ₅₀	23,0	24,6	47,6	23,8	2,9	113,8
11			Назорат (ўғитсиз)	19,4	21,5	40,9	20,4	0	100,0
12			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	21,4	18,6	40,0	20,0	0	100,0
13			(фон) N ₃₀	22,2	22,3	44,5	22,2	2,2	111,0
14			(фон) N ₄₀	23,2	26,8	50,0	25,0	4,6	125,0
15		(фон) N ₅₀	22,2	21,9	44,1	20,0	0	100,0	
16	20-28.02 (Баҳорги муддат)	2,5 млн	Назорат (ўғитсиз)	19,4	5,6	25,0	12,5	0	100,0
17			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	21,7	9,7	31,4	15,7	3,2	125,6
18			(фон) N ₃₀	23,2	11,9	35,1	17,5	5,0	140,0
19			(фон) N ₄₀	22,2	10,3	32,5	16,2	3,7	129,6
20			(фон) N ₅₀	22,6	9,9	32,5	16,2	3,7	129,6
21		3,0 млн	Назорат (ўғитсиз)	19,7	8,2	27,9	13,9	0	100,0
22			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	23,0	10,4	33,4	16,7	3,3	120,1
23			(фон) N ₃₀	23,4	10,7	34,1	17,0	3,1	122,3
24			(фон) N ₄₀	22,5	8,8	31,3	15,6	2,8	112,2
25		(фон) N ₅₀	22,7	7,8	30,5	15,2	3,0	109,3	
26		3,5 млн	Назорат (ўғитсиз)	18,5	8,4	26,9	13,4	0	100,0
27			Р ₃₀ К ₃₀ (фон)	23,4	12,3	35,7	17,8	3,9	132,8
28			(фон) N ₃₀	23,8	13,5	37,3	18,6	5,2	138,8
29			(фон) N ₄₀	22,8	10,3	33,1	16,5	3,3	123,1
30	(фон) N ₅₀		22,7	8,9	31,6	15,8	3,2	117,9	

Тадқиқот натижалар: Икки йиллик ўртача маълумотларга асосан тритикале “Сардор” навининг ҳосилдорлиги кузги муддатда экиш меъёри гектарига 2,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда энг юқори кўрсаткични ўртача 25,0 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 20,0 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига олинган қўшимча дон ҳосили 5,0 ц/га ташкил қилди.

Бу муддатда, экиш меъёри гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) вариантда энг юқори кўрсаткични ўртача 27,2 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 20,9 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига олинган қўшимча дон ҳосили 6,3 ц/га юқори бўлди.

Экиш меъёри гектарига 3,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган, ўғитлаш меъёри (Фон) N₄₀ (т,э,м,х) вариантда энг юқори ҳосил кўрсаткични 25,0 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 20,4 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига 4,6 ц/га юқори ҳосил олинди.

Баҳорги муддатда экилганда экиш меъёри 2,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда энг юқори кўрсаткични ўртача 17,5 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 12,5 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосилдорлик 5,0 ц/га ташкил қилди.

Бу муддатда, экиш меъёри гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда энг юқори кўрсаткични ўртача 17,0 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 13,9 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига олинган қўшимча дон ҳосили 3,1 ц/га бўлди.

Экиш меъёри гектарига 3,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда энг юқори ҳосил кўрсаткични 18,6 ц/га, назорат ўғитсиз вариантда эса ўртача 13,4 ц/га, назоратга нисбатан ўғит ҳисобига 5,2 ц/га юқори бўлиши аниқланди.

Шундай қилиб, олинган икки йиллик тажриба натижаларига асосан тритикале “Сардор” навининг ҳосилдорлиги экиш муддати, экиш меъёри ва минерал ўғитлар билан озиклантириш режимига боғлиқ ҳолда кузги муддатда экилганда баҳорги муддатга нисбатан юқори ҳосил бериши маълум бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки икки йиллик тажриба натижаларига асосланиб Жиззах вилоятининг нам билан ярим таъминланган текислик, қир-адирлик минтақалар шароитида тритикале “Сардор” навини кузги муддатда экилганда экиш меъёри 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда 27,2 ц/га, баҳорги муддатда экилганда эса экиш меъёри 3,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида, ўғитлаш меъёри (Фон) N₃₀ (т,э,м,х) берилган вариантда 18,6 ц/га ҳосил берганлигини ҳисобга олиб ушбу вариантларда экиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рустамов С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №7, 2016 йил.
2. Jorg L. Crean and fodder crops. Conferens material. Kaleforniya 2013.
3. <http://Lex.uz>.
4. А. Аманов, Р. Сиддиқов, Х. Юсупов, ва бошқалар. Иқлим ва об-ҳаво шароитлари ўзгаришининг лалмикор экинлар ҳосилдорлигига таъсири. Ғаллаорол 2012 йил

УЎК:581.9

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИНИНГ ЭНДЕМ ТУРЛАРИ

У.Х. Қодиров, катта илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Ф.А. Азизова, кичик илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

З.З. Қосимов, кичик илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Ф.М. Мадаминов, кичик илмий ходим, ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Ургут ботаник-географик райони флорасида тарқалган 6 оила 11 туркумга мансуб 16 эндем турлари тўғрисида маълумотлар жамланган. Ўзбекистон Миллий гербарий фондида сақланаётган ва олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган намуналарга асосланган ҳолда келтирилган.

Калим сўзлар: Ургут ботаник-географик райони флораси, флора, туркум, тур, TASH, LE, MW

Аннотация. В статье анализируются эндемичные виды растений, распространенные во флоре ботанико-географического района Ургут. Во флоре региона обнаружено 16 эндемичных видов из 11 семейств из 6 семейств и 20 субэндемичных видов из 20 семейств из 11 семейств.

Ключевые слова: Флора Ургутского ботанико-географического района, флора, род, вид, TASH, LE, MW

Abstract. The article analyzes the endemic plant species common in the flora of the Urgut botanical-geographical region. The flora of the region contains 16 endemic species from 11 families from 6 families and 20 subendemic species from 20 families from 11 families.

Keywords: Flora of Urgut botanical-geographical region, flora, genus, species, TASH, LE, MW.

Кириш. Ургут ботаник-географик райони флораси Кўхистон округида ўзига хос ўрин тутиб, эндем ва камёб турларнинг кўп тарқалганлиги билан ажралиб туради. Худуд флорасида *Korshinskya Lipsky*, *Komarovia Korovin*, *Schrenkia Fisch.* et C.A. Mey. *Cryptocodon* Al.Fed. ва *Sergia* Al.Fed. каби тор тарқалиш ареалига эга бўлган туркумлар учраши билан алоҳида эътиборни тортади [1]. Кўхистон округида мазкур район флорасининг асосий хусусиятларидан бири, эндемизм кўрсаткичларининг юқориликни алоҳида эътироф этиш лозим. Бу эса, Р.В. Камелин томонидан айтилган назарияни яна бир бор тасдиқлайди [2]. Яъни бир округ таркибига кирувчи ботаник-географик районларнинг флоралари 75-80% умумийликга эга бўлиши мумкин ва юқори бўлмаган эндемизм кўрсаткичларига эга бўлади (2-2,5% гача). Турли округлар таркибидаги маҳаллий флораларнинг умумийлик даражаси 60-72% гача бўлиб, бироқ эндемизм фракцияси 5-9% гача кўтарилиши мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Кўхистон округи флораси учун 38 эндем тур борлиги қайд этилган, шунингдек УБГР флораси субэндем турларга бойлиги билан Тоғли Ўрта Осиё провинциядаги (Фарғона Олой, Нурота, Ғарбий-Ҳисор, Ҳисор-Дарвоз) округлар ичида етакчилик қилади [4]. 2017-2020 йилларда олиб борган тадқиқотларимиз натижасига кўра, 6 оила 11 туркумга мансуб 16 эндем тур ва 11 оила 20 туркумга мансуб 20 субэндем турлари тарқалганлиги аниқланди.

Ургут ботаник-географик райони флорасида кўплаб ботаник тадқиқотларнинг олиб борилганлигига қарамай, эндемизмига бағишланган тадқиқотлар йўқ.

Камелин томонидан “Кухиستانский округ горной Средней Азии” номли монографиясида Кўхистон округи учун 128 эндем тур келтирилган.

Ургут БГР ни географик жиҳатдан Зарафшон тизмаси ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Зарафшон ва Жиннидарё дарёлари оралиғига тўғри келади.

Методлар: Ургут БГР флорасида олиб борган дала тадқиқотларимиз давомида флористика қўлланилган классик ва замонавий маршрутли (Майорова, 2006) методлардан асосида олиб борилди. Туркум ва турларнинг номларини аниқлашда 11 жилдли “Определитель растений Средней Азии 1968-2016” [3], 6 жилдли “Флора Узбекистана 1941-1963” [9], 10 жилдли “Флора Таджикской ССР 1957-1991” [8], 30 жилдли “Флора СССР 1934-1964” [7] асарларидан фойдаланилди. Камёблик даражасини аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобидан ва International Plants Names Index [17, 18], The Plant List [15, 19], Таксонларнинг муаллифлари “*Authors of Plant Names*” R.K. Brummit, C.E. Powell [10] сўнгги номенклатурадаги номларини асосида амалга оширилди.

Олинган натижалар. 2017-2020 йиллар давомида Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флораларида олиб борган тадқиқотларимиз, Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) ва Россия Фанлар Академиясининг Комаров номидаги Россия ботаника институтининг гербарийси (LE), Москва ботаника институтининг гербарийси (MW) ҳамда Самарқанд Давлат университети фондларида сақланаётган гербарий намуналар ҳисобланади. Шунингдек, 2017-2020 йиллар давомида йиғилган гербарий намуналари, мазкур худуддан терилган гербарий намуналарини ҳамда FLORUZ электрон маълумотлар базасини таҳлил қилиш асосида, УБГР флорасида 89 оила, 475 туркумга мансуб 1281 тур тарқалганлиги маълум бўлди. Сўнгги йилларда олиб борилган таҳлилларимиз натижасида, УБГР флорасида 6 оила, 11 туркумга мансуб 15 та эндем тур аниқланди. Булар куйидагилар:

Apiaceae

Elaeosticta paniculata (Korovin) Kljuykov & Pimenov – Sosud. Rast. SSSR 19 (1981) [19, 20].

Мазкур тур кўп йиллик, монокарп ўсимлик бўлиб, тоғ олди ва ўрта тоғ минтақасида қумли, тошли ва шағалли тупроқларда ўсади. Турни илк бор Дробов томонидан терилган намунаси “Зерафшанский хребет, северный склон, окр. кишлак Ургут, 26.05.1929, Дробов 61 (N 39.343828, E 67.14585); jugum Zeravschanicum in valle fl. Langar, in Agropyretis, 04.07.1938, Кудряшев 753 (N 39.387843, E 66.665452)” асосида 1985 йилда Е.П.Коровин томонидан *Hyalolaena paniculata* Korovin, ном билан янги тур сифатида фанга киритилган. Кейинчалик Kljuykov & Pimenovлар мазкур турни *Hyalolaena paniculata* Korovin номдан *Elaeosticta paniculata* (Korovin) Kljuykov & Pimenov номига ўзгартирилди. Мазкур тур систематик жиҳатдан *Elaeosticta vvedenskyi* (Kamelin) Kljuykov, Pimenov & V.N.Tikhom. турига яқин бўлиб, мевасидаги қовурғаларининг қалин бироз бўртганлиги билан фарқ қилади. Москва давлат Университетининг гербарий (MW) фондидаги сақланаётган намуналари ўрганилди [16], между киш. Канакагач и Аякчи, 30.04.1979, М.Г. Пименов, Е.В.Клюйков, К.И.Боряев, Ю.В.Баранова, М.Г.Васильева 221; западнее киш. Аксай, 10.06.1990, М.Г. Пименов, Е.В.Клюйков, И.Мукумов 93; верхнее течение р. Джиндыдарья, р. Ходжакурбан, 19.07.2010, М.Г. Пименов, Е.В.Клюйков 19 (N 39.11, E 67.17).

Elaeosticta seravschanica Kljuykov & Pimenov – Bot. Zhurn. 64, 1312 (1979) [11, 19].

Ушбу тур кўп йиллик, монокарп ўсимлик. Тоғолди ва қўйи тоғ минтақасида, қоя ёриқларида, шағалли майда тупроқларида тарқалган. Мазкур тур систематик жиҳатдан *Elaeostictae transitoriae* (Korov.) Kljuykov, M. Pimen. et V. Tichom. турига ташки томонидан ўхшаш бўлиб, фарқли белгилари

куйидагилардан иборат: меваси калта-тухумсимон, меванинг қовурғалари кенгроқ (ипсимон эмас), барг япроқларида ўтказувчи най толали бойламлар бўртиб чиқмаган, барг сегментлари кенг, ланцетсимон ёки овалсимон шаклда бўлади. Турнинг илк гербарий намуналари Пименов, Пименова, Баранова ва Сдобнина томонидан Омонкутон қишлоғи атрофидан терилган. “Зарафшанский хр., между Терсак и Аманкутан, 23.05.1971, Пименов, Пименова, Баранова, 347 (N 39.325924, E 66.972319); окр. Ургута, 26.06.1974, Баранова 327 (N 39.418914, E 67.200339); окр. Ургута, 30.05.1978, Пименов, Клюйков 175 (N 39.377278, E 67.272337)”.

Komarovia angiosperma Korovin – Commem. Vol. 70 th Ann. V. L. Komarov 430 (1939) [19, 20].

Бу тур кўп йиллик бўлиб, қуйи ва ўрта тоғ минтақасида, қоялар, тик қияликларда, жарликларда учрайди.

Бу турнинг илк гербарий намуналари Зокиров томонидан терилган: “окрестности Самарканда, Агалыкские горы, влажное место в сая, 20.06.1937, Закиров”. Кейинчалик тадқиқотчилар томонидан Зарафшон тизмасининг бошқа худудларидан гербарий намуналари теришган: “бассейн р. Зеравшан, горы Кыртау, восточные перевала Тахтакарача, в 8 км на Ю-В от киш. Каратепа, ущелье киш. Зинак каменные склоны с пятнами пестроцветные пород, высота 1400-1500 м., 30.06.1937, Гранитов, Долгих 287, 288 (N 39.390083, E 67.045427); киш. Каратепа, окр. пос. Агалык, 01.06.1986, Казакбаев, Левичев 24 (N 39.491145, E 66.860988); Самаркандская обл., горы Агалык, окр. киш., примерно 2-3 км в горы, 29.06.2010, Шомуродов, Ходжиматов (N 39.530197, E 66.880696); верховье реки Кашкадарьи выше киш. Хазрат-Башир, около 500 м от домика лесника, долина сая и склон северной экспозиции, 20.06.2018, Тожибаев, Бешко, Кодиров (N 39.273271, E 67.147844)!; Китоб Қўриқхонаси, Хўжақўрғонсой, 1530 м. 14.07.2018, Қодиров, Махмуджонов (N 39.177808, E 67.289022)!”.

Мазкур тур камёб ва эндем тур сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Fabaceae

Astragalus chrysomallus Bunge – Mém. Acad. Imp. Sci. St.-Petersbourg, Sér. 7. 26, 2: 310 (1880).

Кўп йиллик ўсимлик. Ўрта тоғ минтақасида, арчалар тагида тошлок, шағалли ва майда тупроқли қияликларда тарқалган. Ушбу турнинг илк гербарий намунаси М.Г.Попов томонидан “Китаб, у перевала Тахта-Карача, 14.05.1916, Попов 662 (N 39.261759, E 66.940924) йиғилган. Кейинчалик тадқиқотчилар томонидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилиб Зарафшон тизмасининг қуйидаги худудларидан “Китаб, у перевала Тахта-Карача, 15.05.1916, Попов 663; Зеравшанский хребет, Аманкутан, 06.1930, Нуканоров (N 39.270047, E 66.951759); Самаркандские горы, окрестности киш. Аксай, склоны гор близ кишлака, 15-20.05.1931, Бутков 98, 191; Зеравшанский хребет, перевал Аманкутан, 22.07.1960, Сагатов, Абдухамидов, Ходжиматов (N 39.300785, E 66.933779); Зеравшанский хребет, перевал Аманкутан, южный склон близ вершины у серпантина, 20.06.1961, Абдухамидов (N 39.315670, E 66.927543)” гербарий намуналар йиғилган.

Тур систематик жихатдан *Astragalus pseudomegalomerus* Попов турига ухшаш бўлиб, бу турдан дуккагининг катталиги 17-20 мм, оқ ва сариқ паҳмоқ сертукли билан қоплангалиги, гулпояси 9-18 см узунликда ва тўпгули 7-10 см узунликда бўлиши билан фарқланади.

Hedysarum amankutanicum B. Fedtsch. – Bot. Mater. Gerb. Bot. Inst. Kom. Akad. Nauk SSSR 11: 115 (1949).

Кўп йиллик ўсимлик. Ўрта тоғ минтақасида, шағалли қияликларнинг майин тупроқларда тарқалган. Бу турни илк бор 1913 йилда А.Т. Михельсон томонидан Тахтақорача доводидан терилган намунаси билан фойдаланиб, Б.А. Федченко томонидан 1949 йилда янги тур сифатида фанга киритилган. “Самаркандские горы, Аманкутан, 25.04.1913, Михельсон 1071 (N 39.294907, E 66.941805)”. Бу турнинг йиғилган ягона нухаси ҳозирда TASH фондида сақланмоқда. Сўнгги йилларда бу турни топиш учун уюштирилган илмий сафарлар натижасиз тугаган.

Бу тур *Multicaulia* Boiss. секциясига тегишли бўлиб, энг яқин турлари *Hedysarum songoricum* Bong. ва *Hedysarum mogianicum* B.Fedtsch ҳисобланади. Бу турлардан косачабаргларидagi тишчаларининг узунлиги билан фарқ қилади [14].

Мазкур тур Зарафшон тизмасидаги камёб ва эндем тур сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган [6].

Caryophyllaceae

Cerastium borisii Zakirov – Bot. Mater. Gerb. Bot. Inst. Komarova Akad. Nauk S.S.S.R. 13: 40 (1950).

Бир йиллик ўсимлик. Тоғ олди минтақаларда, майин тупроқларда ўсади. Ургут БГР флорасининг Оҳайлик қишлоғи атрофида тарқалган. Мазкур турнинг илк гербарий намуналари М.Г. Попов ва К.З. Закиров томонидан терилган. “Окрестности Самарканда, Агалык, на адыре с глинистой почвой, 05.04.1940, Попов, Закиров (N 39.502668, E 66.884776)”. 1950 йилда К.З. Закиров томонидан фанга киритилган. Сўнгги йилларда бу турни топиш учун уюштирилган илмий сафарлар натижасиз тугаган. Бу тур *Perennia* Fenzl секциясига мансуб *Cerastium Glomeratum* Thuill. турига систематик жихатдан яқин ҳисобланади. Бу турдан поядаги барглари узунчоқ ёки чўзинчоқ-ланцетсимонлиги, 3-5 мм узунликда бўлади, косачабарглари мева тугган пайтда пушти рангда, кучли бўртиб чиққан ўрта

томирланганлиги, қутичаси сал конуссимон шаклга эга бўлиб, гул косачасидан 3 барабар узунроқлиги билан фарқланади. Ўзбекистон флорасида тарқалган *Silene L.* туркуми 44 турдан 10 тур Ўзбекистон флорасининг эндемлари ҳисобланади [5]. Туркум турлари эндемларининг Эрон ва Туркия флораларидаги улуши анча юқори. Туркумнинг Туркия флораси учун эндемлари 43% ташкил этади [12]. Эрон флорасида туркумнинг 98 тури тарқалган бўлиб, шулардан 35 тур (26 тур Эрон Ислом Республикаси эндеми) худуднинг эндем турлари ҳисобланади. Ўзбекистон флорасида тарқалган 44 турдан 14 тур Ўрта Осиёнинг тоғли қисми учун эндем, 9 тур Ғарбий Тиёншон, 10 тур Помир Олой эндеми, 5 тур Жанубий Ҳисор тизмаси, 2 тур Зарафшон ва Туркистон тизмалари, 2 тур Қизилқум ва ундаги қолдиқ тоғларда ва 1 тур бутун Ўрта Осиё бўйлаб тарқалган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, умумий 44 турдан 34 тур умумий Помир Олойдаги тизмаларда учрайди, шулардан 18 тур Помир Олойнинг эндемлари, 7 тур тарқалишига кўра, Помир Олой тизмасининг Ўзбекистон қисми билан чегараланади. Бундан ҳулоса қилинса, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турлари мустақил алоҳидалашган Ғарбий Тиёншон ва Помир Олойдаги тур ҳосил бўлиш марказларига эга эканлигидан далолат беради [4].

Silene oreina Schischk. – Trudy Bot. Inst. Akad. Nauk S.S.S.R., Ser. 1, Fl. Sist. Vyssh. Rast. 2: 142 (1936).

Odontopetalae Schischk. секциясига мансуб. Ушбу секцияга мансуб икки тур *S. oreina* ва *S. popovii* Зарафшон тизмасининг эндеми ҳисобланади [7].

S. oreina тури кўп йиллик ўсимлик. Қуйи ва ўрта тоғ минтақаларида, қоя ёриқларида учрайди. Ушбу тур систематик жиҳатдан *S. czopandagense* Bond. турига ўхшаш бўлиб, илдизолди барглари туклар билан қопланган, гултожибаргларининг пластинкаси ўз узунлигига кўра ½ қисми кесилган бўлиши билан фарқланади.

Бу тур Ургут ботаник-географик районининг Оҳайлик қишлоғи атрофида қояларда учрайди. Бу турнинг илк гербарий намунаси Рейников томонидан УБГР дан Оҳайлик қишлоғи атрофидан терилган: Самарқандские горы, около Агалыка, 01.06.1925, *Рейников 66874* (N 39.507785, E 66.888394); кейинчалик Зарафшон тизмасининг шимолий қисмидан ҳам гербарий намунаси терилган; окрестности Самарканда, Агалык склон горы, скалы, 23.06.1937, *Атаев* (N 39.483540, E 66.829977).

Ушбу тур Зарафшон тизмасидаги камёб ва эндем тур сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган [6].

Silene popovii Schischk. – Fl. URSS 6: 659 (1936).

Silene L. туркумидан навбатдаги эндем тур, кўп йиллик ўсимлик. Қуйи ва ўрта тоғ минтақаларида, тошлок, шағалли қояларда учрайди.

Бу тур *S. crispans* Litv. турига систематик томондан яқин ҳисобланиб, бу турдан тўпгулининг зинчилиги 2-5-(7) гулли, карпофори ингичка тукли, косачаси қутича тагида зичлашмагани билан фарқ қилади.

Мазкур тур Зарафшон тизмасининг Тахтақорача доवони, Омонқўтон ва Оқсой қишлоқлар атрофларида тарқалган. Ушбу турни илк бор Ургут ботаник-географик районидан А.Бутков Оқсой қишлоғи атрофидан топган. “Самарқандские горы, окр. киш. Аксай. верховья реки Аксай, 01.05.1931, *Бутков 49* (N 39.507065, E 66.637922); Зеравшанский хр., Аманкутан, 1730 м., 17.05.1931, *Никаноров* (N 39.303146, E 66.956072); Западный Памиро-Алай, Зеравшанский хр. Аманкутанская лесная дача, верховье Душдасая, 28.05.1933, *Дробов, Сахабутдинов 88* (N 39.289596, E 66.959592); перевал Тахта-Карача, 10.05.1948, *Короткова 1707* (N 39.280134, E 66.941407); Аманкутан, Тахта-Карача, 24.05.1941, *Попов* (N 39.280133, E 66.920827); Аманкутан, вершины гор близ пер. Тахта-Карача, между известковых скал., 26.05.1941, *Королькова* (N 39.280143, E 66.923950); Тракт Ташкент-Термез спуск с перевала Тахта-Карача в долину Кашкадарьи, мелькоземисто-щебнистый склон, 11.04.1958, *Введенский, Ковалевская 47* (N 39.276997, E 66.912292)”.

Asteraceae

Chondrilla maracandica Bunge – Mém. Acad. Imp. Sci. St.-Petersbourg Divers Savans VII: 380 (1851).

Бу тур *Chondrilla* туркумининг *Arthrorhynchus* Fisch. секциясининг *Phaeocephalae* Leonova секциясига мансуб [6]. Мазкур тур систематик жиҳатидан энг яқин бўлган, *Chondrilla tenuiramosa* Prato et Тагаев туридан уруғ бурунчасининг ёгон ва калта бўлиши билан фарқланади, 0,75-1 мм ташкил қилади. *Ch. tenuiramosa* турининг уруғ бурни ингичка ва узун бўлиб, 2-3 мм ташкил этади.

Кўп йиллик ўсимлик. Тоғолди ва қуйи тоғ минтақасида, дарё ёқаларида тошли, тўқилма ва шағалли тупроқларда учрайди. Бу турни илк бор, Б.Федченко томонидан 1910 йилда терилган намунаси асосида, Бунге фанга киритган “Тузар, на гальк и пески у Зеравшана, 25.09.1910, Б. Федченко (39.461807, 67.437371)”. Мазкур тур Зарафшон тизмасининг Зарафшон дарёси ҳавзасида тарқалган. Сўнги йилларда олиб борилган дала тадқиқотлар давомида мазкур турнинг популяциялари мавжуд бўлган экологик маконлар аниқланмади. Аввалги ўсимлик терилган нуқталарида кузатув олиб борилганда, ушбу эндем тур мавжуд ўсимликлар жамоасида учрамаслигига аниқлик киритилди.

Асосий сабаб сифатида антропоген, зооген ва техноген таъсирларини кучайганлигини кўрсатиш мумкин.

***Chondrilla tenuiramosa* U.P. Prатов & Tagaev** – Uzbekist. Biol. Zhurn. (3): 70 (1990).

Кўп йиллик ўсимлик бўлиб, тоғ олди худудларида, гилли, майда тупроқли, тошли ёнбағирларда тарқалган. Бу турнинг илк намунаси Вальнева томонидан Самарқанд шахрининг Дарғом канали атрофидан терилган: “Окрестности Самарқанд, Даргом, 28.09.1929 Вальнева (39.515742, 67.334568)”, тип намунаси Тожикистон Фанлар академияси Ботаника институтининг гербарий фондида (ТАЖ) сақланмоқда. Бу намуна асосида У.П. Пратов ва Тоғаевлар томонидан янги тур сифатида фанга киритган. Олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида ушбу турнинг тарқалиши ҳақида маълумот йўқ.

***Cousinia adenophora* Juz.** – Trudy Bot. Inst. Akad. Nauk S.S.S.R., Ser. 1, Fl. Sist. Vyssh. Rast. 3: 320 (1937).

О.В. Чернева Жанубий Помир-Олойдаги айрим локал флораларида *Cousinia* туркумининг флора таркибида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. TASH фондида сақланаётган намуналарини ўрганиш, дала тадқиқотлари давомида йиғилган гербарий материалларини таҳлил қилиш асосида УБГР флорасида туркумининг 31 тури тарқалганлиги аниқланди. Аниқланган турларнинг 3 таси Зарафшон тизмасининг эндеми ҳисобланиб, улардан *C. dissectifolia* тури субэндем мақомига эга.

C. adenophora тури *Cousinia* туркумининг *Alpinae* Vge секциясига мансуб бўлиб, бу тур систематик жиҳатдан *Cousinia sarawschanica* C. Winkl. турига ўхшаш. Бу турдан уруғлари 3-қиррали, ён томондан ингичка қанотли, юқори қисми тишчали, ўрамининг ташқи гулбарглари ўртадагиларига караганда 2 марта калтароқ бўлиб, тепага диккайган, ўткир учли бўлади. *C. sarawschanica* тури уруғлари силлиқ, юқори қисми думалок, ўрамининг ташқи гулбарглари ўртадагиларига караганда одатда, узунроқ бўлиб, горизонтал эгилган, ўткир учли.

Мазкур тур *Alpinae* Vge. секцияга мансуб, кўп йиллик ўсимлик. Юқори тоғ минтақасида, тошли, тош-шағалли тўқилмали тупроқларда ўсади. Биринчи марта бу турни Толос Олатоғи тизмасининг Манас тоғидан терилган деб келтирилган, лекин бу турнинг илк гербарий намунаси Самарқанд тоғининг Манас доводидан терилган эканлиги аниқланган [7]. Турнинг тип намунаси Ленинград (LE) гербарий фондида сақланади. Бу турни илк гербарий намунаси 1981 йилда Зарафшон тизмасидан терилган бўлиб, лекин коллектори аниқ эмас (Hab. Am steinigén Ufer des Sarafschan 4. Sept. 1841 (*flor. et frutificans*). TASH фондини текшириш натижасида бу тур Зарафшон тизмасида Ургут ва Хизалак қишлоқлари атрофларида тарқалганлиги аниқланди: “у перевала киш. Камангарон, 08.08.1934, Закиров (39.341285, 66.763181); Зеравшанский хр. северн. скл. в верховья ущелья от Ургута, на каменистых местах, 20.08.1936, Кудряшев 21 (39.356919, 67.236194); басс. р. Кашкадарья, зап. часть Зеравшанский хр. южн. скл. в верхов. р. Хазаяк, близ перевала, 12.07.1938, Кудряшев, Сумневич 90б (39.341285, 66.763181)”.

***Cousinia litvinovii* Kult.** – Trudy Tadzhikistansk. Bazy 8: 522 (1940).

Ушбу тур *Homalochaete* Jus. секцияга мансуб бўлиб, *Cousinia proxima* Juz. турига ўхшаш, лекин бу турдан гулпояси калта, 2-2,5 см узунликда, ҳар иккала томондан ҳам оқ наматсимон, четдаги илдизолди барглари йирик бўлмалли, бўлмалари зичлашган, саватчалари тухумсимон, гулўрамининг ўрта барглари 15 мм узунликкача бўлиши билан фарқланади.

Кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ўрта тоғ минтақасида, майда тошли ёнбағирларида тарқалган. УБГР дан турни илк намунаси 1901 йилда Литвинов томонидан терилган: “Аманкутана около 1500 м., 14.07.1901, Литвинов (39.296752, 66.945599). Тип намунаси Ленинград (LE) гербарий фондида сақланмоқда. TASH фондидаги намуналарини текшириш натижасида ушбу тур Зарафшон тизмасининг Миронкул, Охайлик, Омонкутон ва Аёкчи қишлоқлари атрофларидаги адирларнинг тошли қияликларда тарқалганлиги аниқланди: “Западный Памир-Алай, отроги Зеравшанский и Гиссарский, хр. водораздел между р. Агалык и р. Миранкул, в 10 км на Ю-В от киш. Миранкул, мелкозем, 24.VI.1937, Гранитов и Долгих 237 (39.461303, 66.844637); верховье р. Аякчи, 12.07.1938, Кудряшев и Сумневич (39.290809, 66.796483); Самаркандские горы, Агалык, 24.04.1940, Попов и Закиров (39.496003, 66.870389); Зеравшанский хр. подъем на перевал Санг-туда. h=1500 м. (к Ю от Агалыка), 03.05.1955, Пуш и Эрнazarов (39.42834, 66.798355)”.

***Tanacetopsis urgutensis* (Popov ex Tzvelev)** – Kovalevsk. Fl. Uzbekist. vi. 145 (1962).

Tanacetopsis Tzvcl. секцияга мансуб бўлган ушбу тур систематик жиҳатдан *Tanacetopsis botschantzevii* (Kovalevsk.) Kovalevsk. турига ўхшайди. *T. urgutensis* уруғининг кокилчаси тенг ёнли тож кўринишида бўлиб, кенг кесилган плёнка-қобик, юқори қисми эса деярли бутун қобикка эга. Баъзан битта саватчанинги ўзида уруғлари кокилча билан ёки кокилчасиз бўлади.

Кўп йиллик ўсимлик. Юқори тоғ минтақасида, қоялар ёриқларида тарқалган. Ушбу тур Зарафшон тизмасида тарқалган бўлиб, турнинг илк гербарий намунаси К.З. Закиров томонидан Зарафшон тизмасининг Қирқарча тоғидан терилган: “за перевалом Кырк-Арча близ к Фарабу, на щебнистом почва Зеравшанский хребть, 18.07.1934, К.З.Закиров (39.346737, 67.148715)”. Ҳозирда

ушбу намуна ЎзР ФА Ботаника институтининг Миллий гербарий фондида сақланмоқда. Ҳозирда *Tanacetopsis urgutensis* турнинг бошқа популяцияси тўғрисида маълумотлар йўқ.

Valerianaceae

Valerianella aksaensis M.N. Abdull. – Opređ. Rast. Sred. Azii 10: 627 (1993).

Valerianella Mill. туркумнинг турлари асосан Жанубий Америка, Евроосиёнинг ҳамма минтақаларида ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистон флорасида эса 16 тури тарқалган [9], шулардан УБГР ҳудудида 10 тури учрайди. Булар орасида *Valerianella aksaensis* алоҳида эътибор қасб этади. Бу тур систематик жиҳатдан *Valerianella anodon* турига ўхшайди. Лекин мазкур турдан мевалари эгилган, орқа томони пуфаксимон сўрғичлардан иборат қалин бўртмачалар билан қопланганлиги билан фарқланади.

Бу тур бир йиллик ўсимлик. Зарафшон тизмаси учун эндем ўсимлик тури. Ўрта тоғ минтақасида тошли, шағалли қияликларда ўсади. Мазкур тур илк бор УБГР ҳудудидан терилган: “Самарқандские горы окрестности кишлак Аксай, склоны гор у кишлака, 20.05.1931, А. Бутков 248 (39.493231, 66.657437)”. Бу тур Оксой кишлоғи атрофидан йиғилган ягона нусхаси бўйича фанга киритилган. Айни пайтда бу нусха Ўзбекистон Фанлар академиси Ботаника институтининг TASH сақланмоқда. Сўнги йилларда бу турни топиш учун уюштирилган экспедициялар натижасиз тугамоқда.

Iridaceae

Iris magnifica Vved. – Fl. URSS 4: 571 (1935).

Кўп йиллик ўсимлик. Зарафшон тизмасидаги жуда камёб, эндем ўсимлик. Тоғолди ва ўрта тоғ минтақасида, қумли, шағалли нам тўпроқларда тарқалган. Мазкур турни илк гербарий намунаси Райкова томонидан терилган: “Агалык, Хазрат-Султан, близ берега реки Агалыка, 11.04.1923, И. Райкова (39.458379, 66.802727)”. Кейинчалик тадқиқотчилар томонидан Зарафшон тизмасининг бошқа ҳудудларидан гербарий намуналари йиғилган: “Самарқандские горы, около Агалыка, 05.06.1925, Репников (39.474776, 66.816034); Самарқандский у., у села Алла-Иришан, горы гранита, 10.05.1925, М.Г. Попов 115 (39.340479, 67.267564); Самарқандская обл., Агалык, 19.04.1929, Вальнев (39.484254, 66.860072); Самарқандские горы, окр. киш. Аксай, подножье гор близ киш., 05.05.1931, А.Бутков 39. 66 (39.467082, 66.752865); Зарафшанский хр., горы Кыртау, г. Кугисурх, на щебнистой почве в ущелье Балты-давана, 19.05.1937, А.Гнездило (39.313595, 67.221249); окр. Самарқанда, Ургут, 19.04.1940, М.Г. Попов (39.353432, 67.209354); Зарафшанский хр. перевал Тахта-Карача, 16.04.2008, К.Ш.Тожибаев (39.282705, 66.948143); Зарафшанский хр. перевал Тахта-Карача северный склон, 10.05.2017, У.Х. Кодиров (39.27977, 66.918575)!”. Бу тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган [6] бўлиб, ҳозирга қадар ушбу тур устида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра турнинг популяцияси антропоген омиллар натижасида йилдан йилга қисқариб бораётганлиги маълум бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Alexander n. Sennikov, Komiljon Sh. Tojibaev, Furkat O. Khassanov & Natalya Yu. Beshko. The Flora of Uzbekistan Project // Phytotaxa – 2016. – №282 (2): – P. 107-118.
- Камелин Р.В. Кухи́станский округ горной Средней Азии. Ботанико-географический анализ. – Л.: Наука, 1979. – 166 с
- Определитель растений Средней Азии. В 11 т. Ташкент: Фан, 1963-2015.
- Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. – Санкт Петербург: Наука, 2016. – №10 (101). – С. 1105-1132.
- Тургинов О.Т., Кодиров У.Х. Ўзбекистон флораси учун эндем бўлган *Silene* L. (Caryophyllaceae) турлари // Ёш олимлар ахборотнома № 3-4 (12) 2018. – Б. 106-112.
- Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-жилдли – Тошкент: Chinor ENK, 2019. Т.1. – 360 б.
- Флора СССР. В 29 т. М., Л.: изд. АН СССР, 1934-1964.
- Флора Таджикистана. В 10 т. – М., Л.: изд. АН СССР, 1957-1988
- Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
- Brummit R.K. & Powell C.E. Authors of plants names. – Kew: Royal
- Botanic Gardens (U.K.), 1992. – P. 25-732.
- Mehmet K., Kemal Y., Ersin M. A taxonomic study of the *Silene* sections *Behenantha* and *Dichotomae* (Caryophyllaceae) in Turkey based on the micromorphology of their seed and pollen // Turkish Journal of Botany, 2017. 41: – P. 493-504.
- <https://www.botany.uz/>
- https://www.bot_mat.1949
- <https://www.inaturalist.org/>
- <https://www.plant.depo.msu.ru/>
- <https://www.plantlife.org.u>
- International Plant Names Index – URL: www.ipni.org.
- The Plant List – URL: www.theplantlist.org.
- World Flora Online: An online Flora of all known plants – <http://www.worldfloraonline.org/>

ЎЗНИНГ КОНВЕРГЕНТ ОИЛАЛАРИДА БЕЛГИЛАРНИНГ ЎЗАРО КОРРЕЛЯЦИЯСИ

*Н.А. Мирхомулова, Андижон қишлоқ хўжалиги ва технологиялар институти, Андижон
Г.Р. Холмуродова, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

Ш.Э. Намазов, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Б.И. Ниятов, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Ф.Ф. Турсунбаев, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада ўзанинг конвергент оилаларида тола узунлигининг маҳсулдорлик, тола чиқими, тола индекси, бир дона қўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тезпишарлик ва вилтга бардошлилик орасидаги коррелятив боғлиқликлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: ўза, конвергент, коррелятив боғлиқлик, ген, плейтрон, оила, тола узунлиги, маҳсулдорлик, тола чиқими, тола индекси, бир дона қўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тезпишарлик, вилтга бардошлилик

Аннотация. В статье представлены результаты исследования корреляции в конвергентных семьях хлопчатника между длиной волокна - урожайностью, выходом волокна, индексом волокна, весом хлопка-сырца одной коробочки, весом 1000 семян, скороспелостью, устойчивостью к вильту.

Ключевые слова: хлопок, конвергент, корреляционная взаимосвязь, ген, плейтрон, семья, длина волокна, продуктивность, выход волокна, индекс волокна, вес хлопка-сырца одной коробочки, вес 1000 штук семян, скороспелость, устойчивостью к вильту

Annotation. The article presents the results of a study of the correlation in convergent cotton families between fiber length - yield, fiber yield, fiber index, weight of raw cotton per boll, weight of 1000 seeds, early maturity, resistance to wilt.

Key words: cotton, convergent, correlation relationship, gene, pleutrope, family, fiber length, productivity, fiber yield, fiber index, weight of raw cotton per boll, weight of 1000 seeds, early maturity, resistance to wilt

Кириш. Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларининг миқдорий белгилари ирсийлигининг асосий хусусияти уларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Ҳозирги вақтда белгиларнинг боғлиқлиги генетик жиҳатдан икки тарзда бир геннинг ўзгариши туфайли бир неча белгилар ўзгаришига сабаб бўладиган плейотроп таъсири ва генларнинг бирикиши билан тушунтирилади. Миқдорий белгиларни тартибловчи полигенлар бир неча гуруҳларда бириккан ёки аксарият, тарқоқ ҳолда жойлашган бўлиши мумкин. Бунда битта бирикиш гуруҳида мусбат ва манфий белгиларнинг ривожланишини тартибловчи генлар бўлиши мумкин. Белгиларнинг ўзаро боғланиш коэффициентини r билан кўрсатилади, -1 дан $+1$ гача ўзгариб туради. Агар боғланиш суут бўлса, 0 дан $0,33$ гача, ўртача бўлса $0,33$ дан $0,66$ гача, кучли бўлса $0,66$ дан 1 гача ўзгаради. Боғланиш коэффициентини мусбат (+) ва манфий (-) белги билан кўрсатилади. Ўзанинг хўжалик жиҳатдан қимматли бўлган кўпчилик миқдорий белгилари мусбат коррелятив боғланишда бўлади. Шунинг учун ҳам, селекционерлар ва уруғшуносларга яхши маълум бўлганидек, бошқа белгиларга эътибор бермасдан, фақат бир белгига қараб танлаш ёмон натижа беради ва деярли ҳар доим бошқа белгиларнинг ёмонлашиб кетиб, танланаётган белгига боғлиқ манфий белгилар келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар селекция системали олиб борилса ва дурагай популяцияларининг жуда кўпи текширилса, кроссингверга хос типларни бемалол танлаш мумкин [1].

Турли чатиштиришлардан олинган дурагайларнинг коррелятив боғлиқлиги билан қатор олимлар шуғулланишган. Тер-Аванесян [2], Попов, Даминова [3], Симонгулян [4], Намозов, Холмуродова [5], Бобоев, Ким, Амантурдиев [6] шулар жумласидандир.

Юқоридаги адабиётларни ўрганиб чиқиб, тадқиқотларимизда ўзада қимматли хўжалик белгилар ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратилди.

Ўза селекциясининг асосий мақсади бир генотипда қимматли хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларини мужассамлашдан иборатдир. Ўсимликларда белгилар орасида коррелятив боғланишлар турли даражада бўлади ва генетика нуқтаи назари бўйича бу ҳолат генларнинг бир локусдаги жипсланиши ёки генларнинг плейотроп самараси билан изоҳланади. Навлар фақат бир ёки иккита белгилари билан ажралиб туриши мумкин. Дурагайлаш орқали ижобий белгиларнинг юқори кўрсаткичларини жамлаш учун турли хил чатиштиришлар олиб борилади.

Тадқиқот натижалари. Жадвал маълумотларига кўра, тола узунлиги белгисининг маҳсулдорлик билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинганда бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилаларда ижобий натижалар кузатилиб, $O-521/25$ ($r=0,35$) оиласида ўрта даражадаги ижобий боғлиқлик, $O-630/32$ ($r=0,20$) оиласида эса кучсиз даражада бўлса ҳам ижобий боғлиқлик қайд этилди. Қолган оилаларнинг барчасида ўрта даражадаги салбий боғлиқликлар намоён бўлди (жадвалга қаранг). Трансгрессив рекомбинациялаш

принципи асосидаги конвергент оилаларда ушбу белгилар ўртасидаги боғлиқликларнинг ўртача салбий даражада бўлганлиги қайд этилди. Андоза С-6524 ($r=-0.55$) навида ўртача салбий даражадаги боғлиқлик намоён бўлди.

Жадвал

Тола узунлигининг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан коррелятив боғлиқлиги, 2018 й.

№	Оилалар	Маҳсулдорлик		Тола чиқими		Тола индекси		Бир дона кўсақдаги пахта вазни		1000 дона чигит вазни		Тезпишарлик		Вилт билан зарарланиши	
		r	t	r	t	r	t	r	t	r	t	r	t	r	t
Трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилалар															
1	О-32/35	-0.43	1.1	0.33	1.4	-0.31	1.3	-0.30	2.5	0.20	1.7	0.08	1.9	0.33	2.2
2	О-85/90	-0.55	2.0	0.20	1.8	0.30	1.2	-0.35	1.5	0.30	1.4	0.15	1.7	0.20	1.6
3	О-325/26	-0.50	1.8	0.45	2.0	-0.29	1.1	0.22	1.7	0.19	1.7	0.22	2.1	0.19	1.5
4	О-329/30	-0.42	1.8	0.31	2.3	-0.31	1.0	0.30	1.8	-0.17	1.8	-0.06	1.4	-0.15	1.7
Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилалар															
5	О-388/91	-0.50	2.0	0.24	1.5	-0.20	1.2	0.34	2.5	-0.15	1.5	0.18	1.5	0.25	2.5
6	О-521/25	0.35	2.0	0.20	1.7	0.31	1.0	0.33	1.5	-0.20	1.3	0.10	1.8	0.20	2.8
7	О-630/32	0.20	1.8	0.30	2.0	0.30	1.8	-0.15	1.7	-0.10	1.5	0.20	2.1	0.25	1.5
8	О-634/35	-0.52	1.5	0.35	2.5	0.33	0.7	-0.33	1.8	0.25	1.5	-0.17	1.6	-0.36	1.8
С-6524 андоза нав		-0.55	1.7	0.25	1.6	-0.23	1.7	-0.26	1.7	0.22	1.7	-0.19	1.5	-0.42	1.7

Тола узунлигининг тола чиқими орасидаги коррелятив боғлиқлари ҳар иккала блок конвергент оилаларда нисбатан ижобий натижалар намоён қилди. Трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилаларда $r=0,20$ (О-85/90) дан $r=0,45$ (О-325/26) гача, бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилаларда эса $r=0,20$ (О-521/25) дан $r=0,35$ (О-634/35) гача бўлган ўртача ижобий боғлиқликлар кузатилди. Тадқиқотларимизда ушбу белгилар ўртасида С-6524 ($r=0,25$) андоза навида кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик қайд этилди.

Тола узунлиги ва тола индекси бўйича трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилалардан фақатгина О-85/90 ($r=0,30$) оиласида ўртача ижобий боғлиқлик, қолган оилаларда ўртача салбий боғлиқликлар намоён бўлди. Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилалар О-388/91 ($r=-0,20$) оиласидан ташқари барча оилаларда ўртача ижобий боғлиқликлар кузатилди, тегишли равишда О-521/25 ($r=0,31$), О-630/32 ($r=0,30$) ва О-634/35 ($r=0,33$) оилаларида кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик, қолган оилаларнинг барчасида салбий кучсиз коррелятив боғлиқликлар қайд этилди. Андоза С-6524 навида $r=-0,23$ га тенг бўлиб, белгилар бўйича кучсиз даражадаги салбий боғлиқлик намоён бўлди.

Тола узунлиги ва бир дона кўсақдаги пахта вазни орасидаги коррелятив боғлиқлик трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилалардан иккитасида суст даражадаги ижобий тегишли равишда О-325/26 ($r=0,22$) ва О-329/30 ($r=-0,30$) оилаларида, О-85/90 оиласида эса салбий даражадаги ўрта ($r=-0,35$), 1 таси даражадаги боғлиқликлар қайд этилди. О-388/91 ($r=0,34$) ўрта даражадаги, О-32/35 ($r=-0,30$) оиласида кучсиз даражадаги салбий боғлиқликлар намоён бўлди. Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилаларда О-388/91 ($r=0,34$) оиласида ўртача ижобий боғлиқлик, О-521/25 ($r=0,33$) оиласида эса кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик, қолган оилаларда кучсиз даражадаги салбий боғлиқликлар кузатилди.

Тола узунлиги ва 1000 дона чигит вазни орасидаги ўзаро боғлиқлик трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент О-329/30 ($r=-0,17$) оиласидан ташқари барча оилаларда кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик қайд этилди. Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилалар орасидан фақатгина О-634/35 ($r=0,25$) оиласида ижобий кучсиз даражадаги боғлиқлик, қолган оилаларда эса салбий кучсиз даражадаги боғлиқлик кузатилди. Андоза навда ушбу кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик бизнинг тажрибаларимизда $r=0,22$ га тенг бўлиб, кучсиз даражадаги ижобий боғлиқлик намоён бўлди.

Тола узунлигининг тезпишарлик билан ўзаро боғлиқлиги трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилалар орасида фақатгина О-329/30 ($r=-0,06$) оиласида салбий кучсиз, қолган оилаларда эса ижобий кучсиз боғлиқликлар қайд этилди. Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилалар орасидан О-634/35 оиласида ($r=-0,17$) кучсиз салбий, қолган оилаларда кучсиз ижобий боғлиқликлар кузатилди. Ушбу белгилар орасидаги боғлиқлик бўйича ҳар иккала вариант конвергент оилаларда деярли бир хил ҳолат намоён бўлди, яъни аксарият оилаларда кучсиз даражадаги ижобий боғлиқликлар намоён бўлди. Андоза С-6524 навида $r=-0,19$ га тенг бўлиб, кучсиз салбий боғлиқлик қайд этилди.

Тола узунлиги ва вертициллёз вилтга бардошлилик ўртасидаги коррелятив боғлиқлик бўйича трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосидаги конвергент оилалар ҳамда бирлашган

трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш асосидаги конвергент оилаларнинг аксариятида кучсиз даражадаги ижобий боғлиқликлар намоён бўлди. Фақатгина 2 та оилада (О-329/30 ($r=-0,15$) ва О-634/35($r=-0,36$)) кучсиз даражадаги салбий боғлиқликлар қайд этилди. Андоза С-6524 навида эса ушбу белгилар ўртасидаги боғлиқлик ўртача салбий даражада бўлганлиги намоён бўлди.

Хулоса тарзида таъкидлаб ўтиш жоизки, олинган натижаларга кўра, О-521/25 оиласида тола узунлиги билан маҳсулдорлик, тола чиқими, тола индекси ва бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасида, О-630/32 тола узунлиги билан маҳсулдорлик, тола чиқими, тола индекси ўртасида, О-634/35 тола узунлиги билан тола чиқими, тола индекси ўртасида, О-85/90 тола чиқими тола индекси, О-325/26 тола чиқими, бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасида, О-329/30 оиласида тола узунлиги билан тола чиқими, бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасидаги кучсиз даражада бўлса ҳам ижобий коррелятив боғлиқликларнинг мавжудлиги, ушбу оилалардан тола узунлиги билан бир пайтнинг ўзида юқоридаги белгиларни яхшилаш имконияти мавжудлигини эътироф этиб ўтиш лозим.

Ўрганилган оилаларда барча белгилар бўйича ўзгарувчанлик кенг миқёсда кечганлиги ва белгилар бўйича трансгрессия ҳолати кузатилганлиги, яқка танловлар самараси юқори бўлганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Симонгулян Н.Г., С.Р.Мухамедханов, А.Н.Шафрин. Ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент, Ўқитувчи нашриёти, 1974 й. 48-49- б.
2. Тер-Аванесян Д.В. Генетика и селекция хлопчатника (обзор). - Москва: ВНИИТЭИСХ, 1969. – 100 с.
3. Попов П.В., Даминова Д.М. Сопряженность устойчивости к вилту и длины вегетационного периода на разных фонах заражения // Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур: Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2005. – С.120-121.
4. Симонгулян Н.Г. Генетика, селекция и семеноводства хлопчатника. Ташкент: «Меҳнат», 1980.- С.65-67.
5. Намазов Ш. Э., Г.Р.Холмуродова. Ғўза селекциясида конвергент дурагайлашнинг самарадорлиги. – Тошкент:“NAVRO’Z”, 2015. -160 б.
6. Бобоев Я. А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Г. Ғўзанинг F₂ авлодида тезпишарлик белгиларининг бошқа хўжалик учун қимматли белгилар билан ўзаро боғланиши. // Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик тўплами. – Тошкент, 2000 й.- Б 50-56.

УДК 635.657

ЦВЕТЕНИЕ И ФОРМИРОВАНИЕ ГЕНЕРАТИВНЫХ ОРГАНОВ У СОРТОВ МАША (PHASEOLUS AUREUS) В ЗАВИСИМОСТИ ОТ АГРОТЕХНИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ

Н.А. Равшанова, докторант, НИИССАХ, Самарканд

Г.У. Отаярова, старший преподаватель, СамИВМ, Самарканд

Annotatsiya. Maqolada ekish usularning mosh (*Phaseolus aureus* L.) navlarining gullash dinamikasiga ta'siri o'rganilgan. Ekish usullarini o'zgarishi bilan gullash davri davomiyligi uzayib yoki qisqarib borishi kuzatildi hamda har bir o'simlikda gullar sonini shakllanishiga ta'siri aniqlangan. Ekish me'yori oshishi bilan gullar soni kamayib bordi va vegetatsiya davri qisqardi. Ekish me'yori qisqarishi ma'lum bir sonigacha gullar soni oshib borishi va vegetatsiya davri davomiyligini uzayishi aniqlangan.

Kalit suzlar: mosh, ekish me'yori, usullar va sxema, rivojlanish fazasi, gullash

Аннотация. В данной статье рассмотрены влияние способов посева на формирование цветков и динамику цветения сортов маша (*Phaseolus aureus* L.). В зависимости от способов высевы период цветения маша удлинялось или сокращалось, а также повлияло на формирование количества цветков на одном растении. С увеличением нормы высевы количество цветков снижалось и сократилась длительность фазы цветения. Снижение нормы высевы до определённой нормы удлинило продолжительность цветения и увеличило количество цветков на одном растении.

Ключевые слова: маш, норма, способы и схема посева, фаза развития, цветение

Annotation: This article examines the influence of sowing methods on the formation of flowers and the dynamics of flowering varieties of mung bean (*Phaseolus aureus* L.). Depending on the methods of sowing, the flowering period of mung bean was lengthened or reduced, and also influenced the formation of the number of flowers on one plant. With an increase in the seeding rate, the number of flowers decreased and the duration of the flowering phase decreased. Reducing the seeding rate to a certain rate lengthened the flowering time and increased the number of flowers per plant.

Key words: mung bean, rate, methods and scheme of sowing, development phase, flowering

Введение. На сегодняшний день в решении проблем продовольственной безопасности, всё больше уделяют вниманию зернобобовым культурам. Эти культуры могут решить три основные проблемы в народном хозяйстве: проблему белка, зерна и плодородия почв. Зернобобовые, принадлежащие к семейству бобовых, тысячелетиями использовались в пищу. Они имеют высокое

содержание белка и легко усваиваются [2]. Говорят, что зернобобовые являются мясом бедняков и выращиваются во всем мире для потребления из-за их высокой питательности и низкой стоимости, помогающей преодолеть белковую недостаточность в развивающихся странах [12]. *Vigna radiata* или *Phaseolus aureus* культивируется в Индии, Китае, Пакистане, Таиланде, Индонезии, Бирме, Филиппинах, Бангладеш, Вьетнаме, Лаосе, Камбодже, а также в жарких и засушливых районах Южной Европы и США [11].

Одна из самых распространённых и широко возделываемых культур в Азии, а также в Центральной, в том числе в Узбекистане, является такая зернобобовая культура, как маш (***Phaseolus aureus* L.**). Маш имеет неповторимый кулинарный вкус, из которого готовятся такие национальные блюда, как мош кечери, мошово. А также её используют при приготовлении пирожков, вместо мяса, из проросших семян готовят салаты, богатые не только белком, но витаминами и минералами. В составе маша содержится 51% углеводов, 24–26% белка, минералы 4%, витамины 3% и 1% масла [1,9,15,18].

Сорта маша имеют короткий вегетационный период (60-100 дней) и её можно возделывать как основную культуру, так и повторную, что даёт возможность получить два урожая в год. Как предшественник, маш повышает урожайность зерновых культур. Эта культура, в зависимости от условий возделывания, может фиксировать из атмосферы, в симбиозе с азотобактерами, от 80 до 120 кг/га азота. Что даёт возможность получить экологически чистый урожай с минимальными затратами, повышая рентабельность фермерских хозяйств [7,8,10,14,16,19,20].

Согласно новому отчету Expert Market Research [17], мировой рынок зернобобовых достиг объема 90,48 млн. тонн в 2020 году и, как ожидается, к 2026 году достигнет 114,49 млн. тонн. За десять месяцев 2020 года экспорт маша из Узбекистана составил 48,4 тыс. тонн, что на 44% больше, чем по сравнению с другими годами. Объем экспорта в денежном выражении составил \$42,9 млн. Крупнейшими покупателями агропродукта стали Китай (46% всего экспорта), Пакистан (32%) и Афганистан (8%). Поставки маша в Нидерланды выросли в 18 раз, в Германию – в 14 раз, а в Таджикистан – в 11 раз. В текущем году узбекский маш впервые экспортирован в такие страны как Бельгия, Катар, Тайвань, Азербайджан, Австралия и Южная Корея. Узбекистан экспортируя сельскохозяйственную продукцию и обеспечивая потребности своего населения, обладает большим потенциалом в этой сфере.

Цель исследования: Несмотря на свои достоинства, имеется целый ряд объективных факторов, которые в значительной степени сдерживают распространение маша. Прежде всего, это отсутствие сортов, адаптированных к механизированной уборке урожая, приспособленных к конкретным почвенно-климатическим условиям, незначительные объемы производства семян и несовершенство агротехники вследствие недостаточной изученности биологии и морфологии этой культуры.

В настоящее время в Узбекистане мало изучены влияние агротехнических приёмов на формирование, динамику формирования генеративных органов и на продолжительность цветения маша. Изучение этих показателей даст возможность подбирать сорта для возделывания в определённых агроклиматических условиях и проводить агротехнологические мероприятия с использованием механизированных агрегатов.

Целью исследования является определение оптимальных способов посева, схем и норм высева для формирования высоких урожаев маша (*Phaseolus aureus*).

Объектом исследований являются типичные серозёмы и луговые почвы Самаркандской области, маш «Победа - 104», «Радость», различные способы, схемы и нормы посева.

Результаты исследований. Исследования по изучению возделывания маша проведены полевыми и лабораторными методами. Опыты проводились в 2003 – 2005 гг в Ургутском районе на опытных участках «УЗБАТ» и в 2010 – 2012 гг. в учебно-опытном хозяйстве Самаркандского института ветеринарной медицины. Полевые опыты проведены в четырёхкратной повторности. Расположение вариантов 4 – х ярусное, расположение делянок – рендомизированное. Делянки четырёх рядковые, их них два средних рядка учётные, а крайние – защитные.

Таблица 1

Схема опыта. Изучение способов, схем и норм посева семян сортов маша

№	Способ посева	Норма высева семян, тысяч штук на 1 га	Способ посева	Норма высева семян, тысяч штук на 1 га
1	45x3-1	740	60x3-1	555
2	45x6-1	370	60x6-1	277.6
3	45x9-1	247	69x9-1	185.1
4	45x12-1	185.2	60x12-1	139
5	45x15-1	148.1	60x15-1	110.6
6	45x18-1	123.4	60x18-1	92.2

В опыте участвовали сорта «Победа - 104» и «Радость»

В опыте по изучению способов посева и норм высева площадь делянок составила на первом опыте 50 м² (длина 25 м., ширина 2 м.), на втором и третьем 100 м². Число учётных растений – 20 штук с каждой делянки. Общее число вариантов опыта 24, число делянок 96 (с учётом 4 – х кратной повторности) [4, 5;] (таблица 1).

На опытных участках проводились наблюдения над особенностями формирования цветков и интенсивностью цветения. Характер и динамика цветения и семяобразование специфичны для каждого вида фасоли [20].

У сортов маша бутоны появляются в то время, когда растения достаточно окрепли, стадийно созрели и образовали несколько настоящих тройчатых листьев [3, 6].

Методическое определение интенсивности роста бутонов проводилось ежедневными промерами 25 бутонов, специально отмеченных для этого на растениях каждого сорта маша. Бутоны для наблюдения были взяты в молодом возрасте, едва достигающие в длину 1 мм.

Результаты исследований показали (рис.1), что у сортов маша цветки закладываются на цветоносах и образуют цветочную кисть. У маша цветочные кисти плотные. У сортов маша количество цветков на одном цветоносе 10 – 14 пар, а иногда и больше. Цветение начинается с нижних узлов главного стебля и боковых ответвлений, цветение распространяется на более высоко расположенные междоузлия и ярусы. У сортов маша от главного стебля отходят ветви первого, которые могут разветвляться и давать ветви второго порядка. Цветение начинается на ветвях первого порядка. Продолжительность цветения зависит от сорта и способов, схем и норм посева.

Исследования по изучению динамики цветения сортов маша в зависимости от способов, схем и норм посева дали следующие результаты.

У маша сорта «Победа» при плотной густоте стояния продолжительность цветения сократилась и составила в среднем 12 дней, а это в свою очередь привело к увеличению количества не раскрывшихся цветков в цветочной кисти.

Исследования показали, что самое большое количество раскрывшихся цветков наблюдали на 7, 8, 9 дни цветения, при схеме посева 45х3 количество ежедневно раскрывающихся цветков на растении составило от 1 до 19 шт, всего распустившихся цветков на одном растении составило 91 шт. С увеличением площади питания и уменьшением нормы посева длина фазы цветения увеличилось от 1 до 4 дней, что в свою очередь давало возможность расцвести большему количеству цветков. При схеме посева 45х18 у этого сорта длина фазы цветения составила 16 дней, количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении составило 106 шт.




Рис. 1

Дивизиона цветочная масса
(средний показатель при урожайном (45 см) способе посева)

Дата ш.	День ш.	Цветоносы в кисти																Раскрыт. ш. в день							
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	XIII	XIV	XV	XVI		XVII	XVIII	XIX	XX	XXI	XXII	XXIII
1/VI	1	1, 1a																							2
2/VI	2	2, 2a																							2
3/VI	3																								
4/VI	4																								0
5/VI	5		1	1																					2
6/VI	6	3, 3a	2, 2a	1, 1a	1, 1a	1, 1a																		13	
7/VI	7		3, 3a, 36									1												5	
8/VI	8	4, 4a, 46		2	2, 2a	2	1	1, 1a	1, 1a	16	1													15	
9/VI	9		4	2a	3, 3a, 36	2a	2a		2	1a	1a	2	1, 1a	1	1, 1a				1					17	
10/VI	10				4, 4a	3, 3a, 36	4a	2, 2a	2	2a		2	1a	16, 2	1a	1	1, 1a, 2	2	1, 1a, 16					19	
11/VI	11										3	3		2	3, 3a	2, 3	2a			1				10	
12/VI	12									3				2a	4	3a	2a			1				6	
13/VI	13			3				3			4		2a	4	1a, 3		3	2	1a	1a	1			12	
14/VI	14																			2				1	
15/VI	15														4a				2a	2				3	
16/VI	16																		4	3	3	2a	1a	5	
Всего ш. на вквд. кисти		9	6	4	5	4	9	6	4	4	6	2	5	3	4	5	6	5	5	5	5	5	4	2	
Всего ш. на растении																									112

Изучая количество раскрываемых цветков по годам, мы получили следующие показатели, в 2004 году среднее количество цветков, при высокой густоте стояния составило, 45x3, 88 шт, что на 3

шт меньше, чем в 2003 году, а в 2005 году количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении было больше на 4 шт, чем в 2003 году и на 7 шт больше, чем в 2004 году. Количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в 2005 году в этом варианте составило 95 шт.

При увеличении площади питания в 2004 и в 2005 годах продолжительность фазы цветения составила 16 дней.

Удлинение фазы цветения и большее количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении по годам по всем вариантам зависело также от даты посева и климатических условий этого года. В 2003 году дата посева 20.04, в 2004 году 26.04 и 2005 году 29.04. У сорта «Радость», продолжительность фазы цветения составила от 13 до 16 дней, но количество цветков на одном растении было больше, чем у сорта «Победа - 104», большее количество цветков у сорта «Радость» зависит от сортовых особенностей этого сорта.

У сорта «Радость» количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении варьировало от 1 до 25 шт. Всего ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении при схеме посева 45х3 составило 92 шт, по мере увеличения площади питания, количество цветков на одном растении увеличивалось.

Так при схеме посева 45х15 и 45х18 количество всего ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в среднем по годам составило 106 шт.

Количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в 2004 году, в варианте 45х3 составило 90 шт, что на 2 шт меньше чем в 2003 году и 94 шт в 2005 году.

У сорта «Победа - 104» при схеме посева 60х3 продолжительность фазы цветения составило 16 - 17 дней, что 4 – 5 дней длиннее, чем при узкорядных способах посева с междурядьями 45 см. Количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в варианте 60х3 составило от 1 до 25 шт. Всего цветков на одном растении составило 102 шт. С увеличением площади питания и уменьшением нормы посева, длина фазы цветения увеличилась от 1 до 2 дней, что в свою очередь давало возможность расцвести большему количеству цветков. Так при схеме посева 60х15 длина фазы цветения увеличилось на 2 дня, количество цветков составило 110 шт.

Среднее количество раскрываемых цветков в 2004 году при схеме посева 60х3 составило 100 шт, что на 2 шт меньше чем в 2003 году, а в 2005 году количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении было больше на 3 шт, чем в 2003 году и на 5 шт больше, чем в 2004 году. Количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в 2005 году в этом варианте составило 105 шт. При увеличении площади питания в 2004 и в 2005 годах продолжительность фазы цветения составила 15 – 16 дней. Удлинение фазы цветения и большее количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении по годам по всем вариантам зависело также и от даты посева.

У маша сорта «Радость» продолжительность фазы цветения составила 17 – 19 дней, что на 3 – 4 дня длиннее, чем с междурядьями 45 см, а по сравнению с сортом «Победа - 104» длина фазы цветения была на 1 – 2 дня длиннее. Количество цветков на одном растении было больше, чем у сорта «Победа - 104».

У сорта «Радость» в 2003 году количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении варьировало от 1 до 18 шт. Всего ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении при схеме посева 60х3 составило 103 шт, по мере увеличения площади питания, количество цветков на одном растении увеличивалось. Так при схеме посева 60х12 и 45х15 количество всего ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в среднем по годам составило 111 - 115 шт. Количество ежедневно раскрывающихся цветков на одном растении в 2004 году, в варианте 60х3 составило 101 шт, что на 2 шт меньше чем в 2003 году и 106 шт в 2005 году.

Выводы. Возможность эффективного возделывания сортов маша в конкретном районе зависит от погодных условий, сортовых особенностей, от способов, схем и норм посева. Также установлено, что:

- увеличение нормы посева в вариантах с междурядьями 45 см приводило к сокращению длины прохождения периода фазы цветения;
- уменьшение нормы высева и увеличение площади питания продлевает период прохождения фазы цветения;
- дальнейшее увеличение площади питания при ширококорядных способах посева приводило к угнетению растений, наблюдалось увядание и опадание цветков.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Атабаева Х.Н, З.У. Умаров, Х.Ч. Бўриев ва бошқалар. «Ўсимликшунослик». «Мехнат» нашриёти, 2000 й. С. 241 – 243.
2. Атабаева Х.Н, З.У. Умаров «Ўсимликшунослик» «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Тошкент – 2004. С. 260 – 263.
3. Безлер Н. В., Щеглов Д. И. Растениеводство: учеб. пособие / Воронеж: ВГУ, 2011. С 31 – 32.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари ЎзПТИ, Т. 2007. С.131

5. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта» Москва «Колос» -1973. С – 227-248]
6. Каварский А.Е. Биология оплодотворения и гетерозис культурных растений «Карта молдовеняскэ»1965. – С – 140.
7. Afzal A. and Bano, A. 2008. Rhizobium and phosphate solubilizing bacteria improve the yield and phosphorous uptake in wheat (*Triticum aestivum*). *Int. J. Agri. Biol.* 10: pp – 85-88.
8. Afzal, M. A., Murshad, A. N. M.M., Bakar, M. M. A., Hamid, A. and Salahuddin, A. B. M. 2008. Mungbean Cultivation in Bangladesh, Pulse Research Station, Bangladesh Agricultural Research Institute, Gazipur, Bangladesh, 13.
9. Bellucci, E. et al. (2014), “Genomics of origin, domestication and evolution of *Phaseolus vulgaris*”, in: Tuberosa, R., A. Graner and E. Frison (eds.), *Genomics of Plant Genetic Resources*, Springer Netherlands, Dordrecht, Netherlands, C – 483-507
10. Imran, Hussain, I., Khattak, I., Rrehman, A. U., Ahamd, F., Zada, H., & Naveed, S. (2015). Roots nodulation, yield and yield contributing parameters of mungbean cultivars 236-242
11. Verma, G., Kumawat, N. and Morya, J. 2017. Nutrient Management in Mungbean [*Vigna radiata*(L.) Wilczek] for higher production and productivity under semi-arid tract of central India. *Int. J. Curr. Microbiol. App. Sci.* 6 (7): 488-493.
12. (Manay and Shadaksharaswamy, 2001). Manay, N. S., and Shadaksharaswamy, M. 2001. *Foods: facts and principles*. New Delhi : New Age. pp: 286.
13. Munoz, G.E., Barlow, P.W. and Palma, B. 1996. Effects of sea water on roots of *Prosopis alb* (Leguminosae) seedling. *Phyton Buenos Aires.* 59: 55-63.
14. Nasrin Begum, Mahfuza Begum, Parvez Anwar, Abdul Shukur Juraimi. Optimizing seed rate for summer mungbean varieties // *Journal of agriculture & social sciences.* Vol. 5, № 4, 2009. P 113 – 118
15. Oad, F.C., A.N. Shah, G.H. Jamro and S.H. Ghaloo, (2003). Phosphorus and potassium requirements of mungbean (*Vigna radiata*). *Pak. J. Applied Sci.*, 3 (6): 428-431
16. <https://avrdc.org/intl-mungbean-network>].
17. (<https://uzreport.news.economy.eksport.uz>),
18. <https://www.lifeextension.com/Magazine/2014>
19. Эргашев М. Пахта ва бошоқли экинлар экилган дала атрофларида экилган мош ва ловия экинларни етиштириш. 2018 <https://agro-olam.uz/mosh-va-loviya-ekinlarini-etishtirish>
20. <https://avrdc.org/intl-mungbean-network>].

УЎК 581.9

ҚАРНОБЧЎЛ ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ҲОЗИРГИ ФЛОРИСТИК ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Т.Ф.Ражабов, Самарқанд давлат университети, Самарқанд
Б.К.Мардонов, Самарқанд давлат университети, Самарқанд
Т.Рахимова, ЎЗР ФА Ботаника институти, Тошкент
Ш.А.Валиев, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мақолада Қарнобчўл ярим чўли яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги флористик хилма-хиллигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра, ҳудуд флорасининг ҳозирги хилма-хиллиги қурғоқчилик ва турли антропоген омиллар таъсирида тарихан шаклланган флорага нисбатан 40-50 фоизга камайган.

Калит сўзлар: ўсимликлар қоплами, яйлов, флористик таркиб, антропоген омиллар, чорва молларининг боқилиши, Қарнобчўл

Аннотация. В статье проанализированы результаты исследований по изучению современного флористического разнообразия пастбищной растительности полупустыни Карнабчуль. По результатам исследований установлено, что под влиянием засухи и различных антропогенных факторов современное флористическое разнообразие изучаемого региона снизилось на 40-50% по сравнению с исторически сформированной флорой.

Калит сўзлар: растительность, пастбище, флористический состав, антропогенные факторы, выпас скота, Карнабчуль

Abstract. The article analyzed the research results on investigating the current floristic diversity of rangeland vegetation of Karnabchul semi desert. According to the research results, it was established that under the influence of drought and various anthropogenic factors, the current floristic diversity of the studied region decreased by 40-50% compared to its historically formed flora.

Keywords: vegetation, rangelands, floristic composition, anthropogenic factors, livestock grazing, Karnabchul

Қириш. Қарнобчўл ярим чўли Ўзбекистон жануби-ғарбий қисмида жойлашган ва узок йиллардан бери доимий равишда яйлов сифатида фойдаланилиб келинаётган қурғоқчил минтақалардан бири саналади. Қарнобчўл ўсимликлар қоплами ўтган асрнинг 35-йилларидан бошлаб то 90-йилларгача яйлов фитомелиорацияси йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар диққат марказида бўлган. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади сунъий агрофитоценозлар яратиш орқали яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, ем-хашак захирасини мустаҳкамлаш ва яйловлардан алмашлаб фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган [1, 2]. Шу сабабли алоҳида ботаник-

географик ҳудуд сифатида ўсимликлар қопламнинг тўлиқ флористик таркибини тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилмаган, адабиётларда ушбу чўл флораси тўғрисидаги маълумотлар кам сонни ташкил этади.

Қарнобчўл табиий флораси ва унинг турлар хилма-хиллиги тўғрисидаги илк маълумотлар М.Г. Попов [3] томонидан Самарқанд вилояти ўсимликлар қопламини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда келтирилган. Ваҳоланки, ҳудуд флораси ва унинг тўлиқ таркибига алоҳида равишда тўхталмаган. Қарнобчўлда локал характерга эга бўлган флористик тадқиқотлар собиқ Бутунитифок қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти (ҳозирги Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти) геоботаник олимлари томонидан олиб борилган ва улар томонидан Қарнобчўл учун хос бўлган 117 та турлар қайд этилган [4]. Кейинчалик С.Мавлянов [4] томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида чўл флораси сезиларли даражада тўлдирилиб, 33 та оила ва 138 та туркумга мансуб 238 тур ўсимликлар тарқалганлиги кўрсатилган.

Сўнгги йилларда Тошкент Ботаника институти олимлари томонидан олиб борилган кенг камровли флористик изланишлар, шунингдек мавжуд тарихий адабиётлар, геоботаник тадқиқот натижалари ва гербарий маълумотларининг чуқур таҳлиллари асосида Самарқанд вилояти флорасининг кадастри ишлаб чиқилган [5]. Мазкур кадастр маълумотлари Қарнобчўл ярим чўлининг тарихий флористик хилма-хиллигини ўзида акс эттирувчи ягона ва энг сўнгги илмий манба саналади.

Қарнобчўл ўсимликлар қопламини бугунги кунга келиб кучли антропоген таъсирга учраганлиги сабабли чўлнинг ҳозирги флористик таркиби асл табиий-тарихий флористик хилма-хилликни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада ўрганилаётган ҳудуд флорасининг яқин ўтмишдаги тарихий таркиби адабиётлар асосидаги маълумотлар ва ҳозирги флористик-фитоценотик шароити тадқиқотларимиз давомида олинган натижалар асосида қиёсий солиштирилган ҳолда таҳлил қилинади.

Тадқиқот ҳудуди ва услублари. Тадқиқотлар олиб борилган Қарнобчўл ҳудуди Турон чўл провинциясининг Қарши-Қарнобчўл ботаник-географик туманига киради [5,6]. Мазкур чўл Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий давоми саналган Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг жанубий этагида жойлашган. Қарнобчўлнинг иқлими кескин континентал бўлиб, Ўртаер денгизи иқлим шароитларига мос келади. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 16,2°C га тенг. Январь ва февраль ойларида ўртача ҳаво ҳарорати 1,7-4,1°C, июнь ва июль ойларида эса 29,2-31,8°C ни ташкил этади. Йиллик ёғин миқдори жуда кам бўлиб, ўртача 172,8 мм ни ташкил этади.

Ййлов ўсимликлар қопламнинг ҳозирги флористик хилма-хиллигини ўрганишга қаратилган дала тадқиқотлари 2012-2021 йилларда ўтказилди. Ҳудуднинг тарихий флористик хилма-хиллигини аниқлаш ва уни таҳлил қилишда К.Ш.Тожибаев ва бошқаларнинг [5] “Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область” асари асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳудуднинг ҳозирги флористик хилма-хиллиги дала шароитида олиб борилган кузатувлар ва турли мавсумларда йиғилган гербарий намуналари асосида аниқланди. Бунда геоботаник тадқиқотлар давомида 200 дан ортик ўсимлик намуналари йиғилди. Ушбу ўсимлик намуналарининг систематик ҳолатини аниқлашда “Флора Узбекистана” [7], “Определитель растений Средней Азии” [8] классик аниқлагичларидан фойдаланилди. Юқоридагиларга қўшимча равишда Плантариум [9], The Plant List [10] каби халқаро маълумотлар базаларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Самарқанд вилояти флорасининг кадастри [5] таҳлилларига кўра, Қарши-Қарнобчўл ботаник-географик райони флорасида 42 та оила ва 182 та туркумга мансуб 348 тур ўсимликлар тарқалганлиги қайд этилган. Ушбу рўйхатга кўра, Қарнобчўл ҳудуди флорасининг асосий қисмини, яъни 73,9% ини 9 та етакчи оила (10 та ва ундан ортик турларга эга оилалар) турлари ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қарнобчўл флораси етакчи оилаларининг туркум ва турлари

Етакчи оилалар	Сони			
	Туркумлар	%	Турлар	%
<i>Asteraceae</i>	30	16,5	65	18,7
<i>Amaranthaceae</i>	23	12,6	34	9,8
<i>Brassicaceae</i>	22	12,1	35	10,1
<i>Fabaceae</i>	11	6,0	19	5,5
<i>Poaceae</i>	12	6,6	60	17,2
<i>Boraginaceae</i>	7	3,8	14	4,0
<i>Caryophyllaceae</i>	7	3,8	10	2,9
<i>Lamiaceae</i>	7	3,8	10	2,9
<i>Apiaceae</i>	10	5,5	10	2,9
Жами	129	70,9	257	73,9

Қолган 33 та оила умумий флоранинг 26,1% ини эгаллаган. Турларга бойлиги жиҳатидан *Astragalus* (17 тур), *Cousinia* (13 тур), *Salsola* (12 тур), *Strigosella* (7 тур), *Suaeda* (7 тур) ва *Climacoptera*

(6 та) каби туркумлар флорада етакчи ўринни эгаллаган. 118 та туркум (жами туркумларнинг 65%) фақат 1 тадан турларни ўз ичига олган.

Қарнобчўл худуди флораси ҳаётий шакллари таҳлилига кўра, чўлда асосан ўт ўсимликлар (бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар) кенг тарқалган ва флоранинг 85% ини эгаллаган. Бунинг 213 тури (61%) бир йиллик ва 83 тури (24%) кўп йиллик ўт ўсимликлар улушига тўғри келади. Буталар 9 тур ва ярим буталар 28 турдан иборат бўлиб, флоранинг 11% улушини эгаллаган. Қарнобчўл флорасида бир йиллик ўтларнинг хилма-хиллигининг юқорилиги эфемеризация жараёнининг жадаллигидан далолат беради [11]. Ўсимликлар қопламанинг ривожланиш тарихида бундай жараённинг кескин тус олиши чорвачиликнинг жадал юксалиши [11,12] ва ўз навбатида чорва моллари боқилиш даражасининг ортиши билан чамбарчас боғлиқ [13].

Сўнгги йилларга келиб турли антропоген омилар таъсирининг кучайиши Қарнобчўл ярим чўли табиий-тарихий флорасининг янада камбағаллашишига олиб келган. Қуйида ўрганилаётган худуд флорасининг бугунги юқори антропоген таъсирлар шароитида ҳозирги замонавий ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлилларига тўхталамиз.

Об-ҳаво шароитига кўра турли йилларда олиб борилган изланишлар ва антропоген таъсир даражаси турлича бўлган худудларда ўтказилган кузатувлар асосида Қарнобчўл ярим чўлида ҳозирги даврда 35 оила ва 122 туркумга мансуб 152 турлар тарқалганлиги аниқланди. Мазкур турлар худудда тарихан шаклланган жами 348 тур ўсимликларнинг атиги 44% ини ташкил этади. Тарихий флорада 10 та ва ундан ортиқ турга эга бўлган оилалар 9 тага етган бўлса, ҳозирги даврда бундай оилалар 5 тани ташкил қилди. Ушбу оила турларининг флорадаги улуши 59,2% бўлиб, 90 та турдан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

Қарнобчўл флорасининг ҳозирги даврдаги оилаларининг туркум ва турлар сони


Оилалар	Сони			
	Туркумлар	%	Турлар	%
<i>Amaranthaceae</i>	15	12,3	24	15,8
<i>Poaceae</i>	17	13,9	19	12,5
<i>Asteraceae</i>	12	9,8	19	12,5
<i>Brassicaceae</i>	13	10,7	16	10,5
<i>Fabaceae</i>	8	6,6	12	7,9
<i>Boraginaceae</i>	6	4,9	6	3,9
<i>Lamiaceae</i>	5	4,1	5	3,3
<i>Caryophyllaceae</i>	5	4,1	5	3,3
<i>Apiaceae</i>	5	4,1	5	3,3
<i>Ranunculaceae</i>	4	3,3	4	2,6
<i>Papaveraceae</i>	4	3,3	4	2,6
<i>Cyperaceae</i>	2	1,6	2	1,3
<i>Malvaceae</i>	2	1,6	2	1,3
<i>Tamaricaceae</i>	2	1,6	3	2,0
<i>Zygophyllaceae</i>	2	1,6	2	1,3
<i>Convolvulaceae</i>	1	0,8	3	2,0
<i>Rutaceae</i>	1	0,8	2	1,3
<i>Liliaceae</i>	1	0,8	2	1,3
<i>Alliaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Thymelaeaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Capparaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Crassulaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Caprifoliaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Euphorbiaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Frankeniaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Gentianaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Geraniaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Iridaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Ixioliriaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Colchicaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Nitrariaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Plantaginaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Plumbaginaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Scrophulariaceae</i>	1	0,8	1	0,7
<i>Solanaceae</i>	1	0,8	1	0,7
Жами	122	100	152	100

Туркумларнинг турларга бойлик кўрсаткичи паст бўлиб, энг катта туркумлар 4 тагача турни ўз ичига олган. Булар *Astragalus*, *Cousinia* ва *Salsola* туркумларидир. Кейинги ўринларда *Artemisia*,

Strigosella, *Convolvulus*, *Climacoptera*, *Suaeda* каби туркумлар 3 тадан турларга эга. Қолган 11 та туркум 2 тадан ва 103 туркум эса 1 тадан турдан таркиб топган.

Тарқалган турларнинг ҳаётий шакллар бўйича тақсимланиши қуйидагича кўринишга эга бўлди: дарахтлар 1 тур (0,7%), буталар 4 тур (2,6%), бутача 1 тур (0,7%), ярим бута 14 тур (9,2%), кўп йиллик ўт 34 тур (22,4%), икки йиллик ўт 5 тур (3,3%), бир йиллик ўт 93 тур (61,2%). Ушбу таҳлиллардан кўриш мумкинки, ҳозирги даврда ҳам Қарнобчўл флорасининг асосий қисми, яъни 86,8% ўт ўсимликлардан таркиб топган.

Қарнобчўлда чорвачилик асосий хўжалик фаолиятларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан ҳудудда тарқалган турларнинг озукабоплик даражаси муҳим амалий аҳамият касб этади. Таҳлилларга кўра, Қарнобчўлда тарқалган турлар озукабоплик даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: хуш кўриб ейиладиган 11 тур, яхши ейиладиган 10 тур, қониқарли ейиладиган 36 тур, ёмон ейиладиган 61 тур, ейилмайдиган 15 тур ва заҳарли ўсимликлар 19 тур.



1-расм. Флорадаги турларнинг озукабоплик даражасига кўра тақсимланиши

Юқоридаги биринчи учта гуруҳга кирувчи турлар бирмунча яхши озукабоплик хусусиятига эга бўлиб, улар умумий флоранинг 37,5% ини ташкил этди. Флоранинг қолган катта қисмини, яъни 63,5% ини ем-хашаклик аҳамияти паст бўлган ва ейилмайдиган турлар эгаллаган. Бундан кўринадики, ушбу ҳудуд ўсимликлар қопламанинг озукабоплик даражаси паст бўлиб, антропоген таъсирлар натижасида, шунингдек сўнгги йилларда кучайиб бораётган қурғоқчилик шароитида вужудга келган. Мазкур салбий омиллар жадаллигининг ортиб бораётганлигини эътиборга олсак, яйловлар ем-хашаклик аҳамиятининг янада пасайиб кетиш эҳтимоли юқори саналади.

Флора таркибида бугунги интенсив антропоген таъсирлар шароитида кескин қисқариб бораётган турлар мавжуд. Бундай турларга ем-хашаклик аҳамияти юқори бўлган *Stipa hohenackeriana* яққол мисол бўлиб, ушбу тур яйлов фитоценозлари таркибида деярли учрамайди. *Poaceae* оиласига мансуб *Eremopyrum bonaepartis* ва *E. orientale* турлари ҳам кескин камайиб кетган. Ҳудуд учун фитоценотик ва ем-хашаклик жиҳатдан жуда муҳим бўлган ва ландшафт ҳосил килувчи шувок турлари (*Artemisia diffusa*, *A. turanica*) нинг табиий ареаллари ҳам чорва молларининг муттасил боқилиши оқибатида қисқариб бормоқда. Шунингдек, тарихий флора таркибида кўрсатилган ем-хашаклик даражаси юқори бўлган *Fabaceae* оиласининг қатор турлари (*Astragalus stalinskyi*, *A. ammophilus*, *A. turbinatus*, *A. oxyglottis*, *Sphaerophysa salsula*) тадқиқотлар давомида қайд этилмади. Шўрланган ҳудудларда ўсувчи галофитлардан *Salsola orientalis* ва *Salsola gemmascens* каби турлар ҳам тадқиқотлар давомида учрамади. Ушбу турлар антропоген босимнинг ва қурғоқчилик даражасининг кучайиб бораётганлиги натажасида кескин камайиб кетган ёки флора таркибидан умуман йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Қарнобчўл ярим чўлининг тарихан шаклланган флористик хилма-хиллиги сўнгги йилларда кузатилаётган қурғоқчилик ва турли антропоген омиллар таъсирида сезиларли даражада камбағаллашган. Кўпгина абориген турларнинг ўсимликлар қопламидаги барқарорлиги катта хавф остида қолган. Чорва молларининг сурункали ва режасиз боқилиши яйлов ўсимликлар қоплами табиий шароитининг издан чиқиши ва турлар хилма-хиллигининг кескин қисқаришига олиб келаётган асосий омиллардан бирига айланган. Яйловлардан фойдаланишнинг амалдаги тизими бугунги кунда флора таркибида сақланиб қолган кам сонли табиий турларнинг йўқолиб кетиши ва уларнинг ўрнини миқдор жиҳатдан кўпайиб бораётган бегона эврибионт турлар эгаллашини янада жадаллаштиради.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гаевская Л.С., Сальманов Н.С. Пастбища пустынь и полупустынь Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1975. – 141 с.
2. Шамсутдинов З.Ш. Введение в культуру пустынных кормовых растений. – Ташкент: Мехнат, 1987. – С. 47-

3. Попов М.Г. Растительность Самаркандской области // Труды Института каракулеводства. – Т. X. – Самарканд, 1960. – С. 85-141.
4. Мавлянов С. Эколого-фитоценологическая характеристика эфемероидного полыньника Карнабчуля в связи с производительностью пастбищ: Автореф. дисс. ... канд. биол. наук. – Самарканд, 1972. – 27 с.
5. Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х., Батошов А.Р., Мирзалиева Д.У. – Ташкент: Издательство «FAN» АН РУз., 2018. – 220 с.
6. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. 2016. №10 (11). – С.1105-1131.
7. Флора Узбекистана. – Т.: АН УзССР, 1941-1962. – Т. I-VI. – 3745 с.
8. Определитель растений Средней Азии. – Т: Фан, 1968-1993. – Т. I-X.
9. Плантариум. Растения и лишайники России и сопредельных стран: открытый онлайн атлас и определитель растений. 2007—2021. <https://www.plantarium.ru/>
10. The Plant List. 2013. Version 1.1. Published on the Internet; <http://www.theplantlist.org/>.
11. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. Книга 1. – Ташкент: АН Узбекской ССР, 1961. – 452 с.
12. Шарашова В.С. Устойчивость пастбищных экосистем. – М: Агропромиздат, 1989. – 240 с.
13. Синьковский Л.П., Мадаминов А.А. Пастбища низкотравных полусаванн Средней Азии. – Душанбе: Дониш, 1989. – 268 с.

УДК 581.5.14

ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НЕКОТОРЫХ ИНТРОДУЦИРОВАННЫХ В ТАШКЕНТСКИЙ БОТАНИЧЕСКИЙ САД ВИДОВ ДЕРЕВЬЕВ В УСЛОВИЯХ СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Н.К. Рахимова, к.б.н., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент
Э.Э. Темиров, к.б.н., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент
С.Х. Абдиназаров, к.б.н., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент
Б.З. Тухтаев, м.н.с., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент
М.А. Бахши, м.н.с., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент
И.Н. Самадов, м.н.с., Ташкентский Ботанический сад, Ташкент

Annotatsiya. O'zR FA Botanika instituti huzuridagi akad. F.N. Rusanov nomidagi Toshkent Botanika bog'i xodimlari tomonidan 23-25 mart kunlari Sirdaryo viloyatining Sardoba suv ombori to'g'onida yuzaga kelgan tabiiy ofat ta'siriga uchragan hududlarga Respublikamiz iqlim sharoitiga moslashgan manzarali, qurg'oqchilikka va sho'rga chidamli bo'lgan istiqbolli, introdutsent daraxt ko'chatlari ekildi. Olingan natijalarga ko'ra, agrotexnik chora-tadbirlar to'g'ri olib borilganda, ekilgan daraxt turlarining yashovchanlik darajasi 84 dan 98% gacha tashkil etdi. Bu esa, o'z navbatida, Sirdaryo viloyatining ayrim o'rganilgan hududlariga ekilgan turlardan yanada samarali foydalanish imkoniyati mavjudligidan dalolat beradi.

Kalit so'zlar: Sardoba suv ombori, *Fraxinus pennsylvanica*, *Catalpa speciosa*, *Ropulus bolleana*, *Acer semenovii*, *Broussonetia papyrifera*, Toshkent Botanika bog'i, introduksiya, O'zbekiston

Аннотация. Сотрудниками Ташкентского ботанического сада им. акад. Ф.Н. Русанова 23-25 марта высажены саженцы в регионах, пострадавших от стихийных бедствий, вызванных плотной Сардобинского водохранилища Сырдарьинской области, интродуцированных перспективных деревьев, адаптированных к климатическим условиям республики, устойчивых к засухе и засолению. Согласно полученным результатам, выживаемость саженцев деревьев при правильном применении агротехнических мер составили от 84 до 98%. Это, в свою очередь, свидетельствует о наличии возможностей дальнейшего эффективного использования высаженных видов в обследованных регионах Сырдарьинской области.

Ключевые слова: Сардобинское водохранилище, *Fraxinus pennsylvanica*, *Catalpa speciosa*, *Populus bolleana*, *Acer semenovii*, *Broussonetia papyrifera*, Ташкентский Ботанический сад, интродукция, Узбекистан

Abstract. On March 23-25, the staff of the Tashkent Botanical Garden named after Academician F.N. Rusanov planted seedlings of introduced promising trees adapted to the climatic conditions of the republic, resistant to drought and salinization in the regions affected by natural disasters caused by the dam of the Sardoba water reservoir in the Syrdarya region. According to the results obtained, the survival rate of tree seedlings with the correct application of agrotechnical measures ranged from 84 to 98%. This, in turn, indicates the availability of opportunities for further effective use of planted tree species in the surveyed regions of the Syrdarya region.

Key words: Sardoba water reservoir, *Fraxinus pennsylvanica*, *Catalpa speciosa*, *Populus bolleana*, *Acer semenovii*, *Broussonetia papyrifera*, Tashkent Botanical Garden, introduction, Uzbekistan

Известно, что из-за сильных ветров и дождей 1 мая 2020 года в Сырдарьинской области произошло стихийное бедствие. В результате была затоплена плотина Сардобинского водохранилища Сырдарьинской области, также был нанесен серьезный ущерб ряду населенных пунктов, социальным

объектам, сельскохозяйственным культурам, в том числе зерновым, хлопчатобумажным и другим культурам в Сардобинском, Околтинском и Мирзаабадском районах. По дальнейшему использованию Сардобинского водохранилища необходима тщательная оценка ученых с научно-практическими рекомендациями по быстрому перемещению и посадке солеустойчивых, защищающих от почвенной и ветровой эрозии, также декоративных культур, улучшению почвенно-климатических условий региона сразу же после стихийных бедствий и смягчению экологической обстановки.

В связи с этим Министерством инновационного развития Республики Узбекистан с целью предотвращения последствий стихийного бедствия на плотине «Сардобинское водохранилище» в Сырдарьинской области был одобрен проект, подготовленный сотрудниками Ташкентского ботанического сада им. акад. Ф.Н. Русанова на тему: «Эффективное использование ассортимента растений вблизи водоемов Сырдарьинской области и разработка мер по их размножению».

Нами были отобраны некоторые устойчивые к климатическим условиям Республики, также болезням и вредителям виды интродуцированных и адаптированных деревьев и кустарников, которые считаются эффективными при озеленении для улучшения микроклимата в обследованных районах. Выделены всего 18 устойчивых декоративных видов и подготовлены их саженцы к отправке в обследованные районы.

Было посажено более 1120 саженцев следующих видов деревьев и кустарников, как *Acer semenovii*, *Fraxinus pennsylvanica*, *Catalpa speciosa*, *Broussonetia papyrifera*, *Sambucus nigra*, *Rhus coriaria*, *Hibiscus syriacus*, *Cornus sanguinea*, *Salix nigra*, *Populus bolleana* и др.

Посадка этих деревьев производилась в соответствии с порядком установления защитных зон. Деревья были высажены в 3-х ярусах: кустарники, средние и высокие деревья.

Отобранные сорта были представлены Ташкентскому Ботаническому саду, ниже приводится краткое ботаническое их описание:

***Fraxinus pennsylvanica* Marsh.** (Ясень пенсильванский) – дерево, вид рода Ясень (*Fraxinus*) семейства Маслиновые (Oleaceae). Родиной является Северная Америка. Дерево высотой 16-48 м. У старых растений кора серого или темно-серого цвета. Молодые побеги имеют желтовато-сероватый или серый окрас. Почки бурого цвета. Главный стержень листа и нижняя часть листочков войлочно-опушенные или голые. Листья имеют 5-9 листочков, длина 10-40 см. Листочки сильно различаются по форме, длиной 4-13 см и шириной 2-8 см, расположены на коротких черешочках или сидячие, форма овальная или продолговатая, верхушка чаще всего вытянутая, края цельные либо с небольшими зубчиками. Цветки опыляются ветром, однополые. Соцветие – метелка длиной 5-20 см. Чашечка колокольчатая, с правильными зубчиками, неплотно прижатая к плоду. Тычинок 2 [1] (рис. 1).



Рис.1. Общий вид *Fraxinus pennsylvanica*

Этот вид ясеня, в основном, размножается семенами. Осенью семена высевают в свежем виде, весной стратифицируют. Всхожесть семян до 90%, и при правильных агрономических мероприятиях они достигают стандартного состояния саженцев через 3-4 года. Интродуцирован в Ташкентский Ботанический сад.

***Catalpa speciosa* (Warder) Warder ex Engelm.** (Катальпа прекрасная) вид рода Катальпа (*Catalpa*) семейства Бигнониевые (Bignoniaceae). Родиной является Северная Америка, Восточная Азия и Карибский бассейн. Это листопадное дерево с пирамидальной формой кроны. Сорт растет в виде низкого ветвистого дерева. Вырастает до 10-12 м высотой.

Прирост за сезон - 0,7-1 м. Катальпа образует широкую, фигурную крону в форме слегка сплюснутого шара. Красивые большие листья появляются чуть раньше, чем во всех других видов. Ширина листьев – 60 см, напоминающие уши слона (откуда и происходит еще одно распространенное название), они светло-зеленые, в форме сердца, слегка мохнатые. Цветет в июне-июле белыми соцветиями [2] (рис. 2). Интродуцирован в Ташкентский Ботанический сад.

Рис.2. Общий вид *Catalpa speciosa*

***Populus bolleana* Louche.** (Тополь Болле) – входит в род Тополь (*Populus*) семейства Ивовые (*Salicaceae*), в диком виде произрастает в Северной Африке (Алжир, Марокко, Тунис, Канарские острова), практически на всей территории Европы (за исключением Скандинавии), Малой, Средней и Восточной Азии. Стройное дерево высотой до 30 м, с колонновидной или узкоовальной кроной и гладкой, зеленовато-серой корой, у старых деревьев – серой и трещиноватой. Листья 3-5-7-лопастные, крупные, сверху темно-зеленые, блестящие, снизу беловойлочные. Мужские сережки до 4 см длиной, с ярко-красными тычинками. Легко переносит сухость воздуха. Дымо- и газоустойчив. Светолюбив. Теплолюбив, один из наиболее жароустойчивых видов тополей. Ветроустойчив. Требователен к плодородию и влажности почвы. Растет очень быстро. Размножается семенами, корневыми отпрысками и черенками. В условиях культуры устойчивее и долговечнее тополя пирамидального. Весьма декоративное и ценное дерево для озеленения южных городов России, с давних пор используемое в культуре. Рекомендуется для аллей, небольших групп, садово-парковых композиций [3] (рис. 3). Интродуцирован в Ташкентский Ботанический сад.

Рис.3. Общий вид *Populus bolleana*

Этот вид тополя размножается вегетативным путем. При правильном проведении агротехнических мероприятий в течение 1 года наступает в стандартное посадочное положение.

Acer L. (Клён) – род древесных и кустарниковых растений семейства Сапиндовые (*Sapindaceae*). Широко распространён в Европе, Азии и Северной Америке. Насчитывает приблизительно 120 видов и 40 подвидов, распространенных очень широко в северном полушарии – от субарктических районов в Европе и на Аляске до тропиков Центральной Америки (горы Гватемалы) и Южной Азии. Это листопадные (как исключение, вечнозеленые) деревья. Листья супротивные, простые или иногда сложные.

Кленовые породы деревьев можно встретить в любом уголке нашей планеты. Все они отличаются разнообразием форм кроны и необычной окраской резных листьев. Эти деревья украшают своим видом городские парки, аллеи, школьные дворы и скверы. Прекрасно смотрятся во дворах частных домов и на садовых участках.

Устойчивость к загазованности и задымлению, высокая декоративность, неприхотливость выдвигают многие виды семейства *Aceraceae* на первое место среди перспективных древесных

интродуцентов. Известно, что местные древесные породы часто не могут успешно противостоять ядовитым промышленным выбросам. Они болеют и даже погибают.

Все виды кленов являются прекрасными декоративными деревьями и кустарниками, которые ценятся за разнообразие формы листьев и кроны и особенно осенней окраски листьев, принимающей разнообразные оттенки желтого, оранжевого, бронзового и красного цветов. Хорошие медоносы.

Древесина кленов обладает всеми качествами хорошей поделочной древесины, плотностью, равномерным строением, прочностью, хорошо полируется, равномерно колется, отличается красивым рисунком и цветом. Поэтому она находит широкое применение в токарном и столярном производствах, а древесина некоторых видов употребляется и на постройки.

Acer semenovii Regel & Herder (Клен Семенова) – вид клёна, широко распространённый в Средней Азии, Казахстане, Афганистане и Иране. Был назван в честь русского путешественника Семенова-Тян-Шанского, впервые найден в горах Средней Азии. Дерево до 5 м высотой. Низковетвящееся дерево, в 10 лет высота 1,3 м, диаметр кроны 0,9. Кустарник или небольшое деревцо с серой продольно морщинистой корой и голыми бурыми или коричневыми годовалыми побегами. Листья тонкие, но плотные, тусклые, сизо-зеленые, с более светлой нижней стороной, 1,2 – 4,5 см длиной и 1 – 3,2 см шириной, яйцевидные. На плодущих побегах верхние листья 3-х лопатные, с большой средней долей и гораздо более мелкими, косо-вверх направленными, редко горизонтальными боковыми, нижние листья нередко цельные, даже иногда цельнокрайние. Лопастия яйцевидные, постепенно заостренные, средняя в верхней части с парой крупных лопастевидных зубцов. Края просто или частью двоякозубчатые; зубцы туповатые, реже острые. На стерильных побегах листья до 9-10 см глубоко рассечённые, у основания часто с добавочной парой направленных вниз небольших лопастей и 2 парами крупных зубцов на вершине средней лопасти. Основание листьев почти всегда округлое, на стерильных – сердцевидное или реже усеченное. Соцветие – густая щитковидная метелка с осями и цветоножками, довольно густо усаженными коротко стебельчатыми железками. Цветки желтоватые. Крылатки 2,8 – 3,5 см длиной, с орешками в молодости шерстисто опушенными и усаженными железками, зрелыми – обычно голыми. Их крылья наверху расширенные и закругленные, в молодости ярко-розовые, зрелые светло-желтые, расходящиеся под очень острым углом, часто почти параллельные, с внутренними краями нередко соприкасающимися или частично налегающими друг на друга. Распространен по горным речным долинам, по ущельям и склонам гор, преимущественно в лесах и кустарниковых зарослях, но также и на открытых луговинах, на высоте до 3000 м над уровнем моря. В первые три года скорость роста средняя. Декоративен. Рекомендуются для озеленения городов. Клён Семёнова используется в живых изгородях, бордюрах и групповой посадке. Рекомендован для облесения горных склонов. Засухо- и морозостойчив [4] (рис. 4).



Рис.4. Общий вид *Acer semenovii*

Интродуцирован в Ташкентский Ботанический сад. Размножают этот сорт клена, в основном, семенами. Осенью семена высевают в свежем виде, весной стратифицируют. Всхожесть семян составляет 80-85%, и при правильной агрономической практике они достигают стандартного состояния саженцев через 4-5 лет.

Broussonetia papyrifera (Бруссонетия бумажная) вид тропических растений рода Бруссонетия (*Broussonetia*) семейства Тутовые (Moraceae).

Дерево, высотой до 16 м, или кустарники с яйцевидной кроной. Веточки толстые, опушённые. Кора молодых ветвей серо-зелёная или оливковая, позже бурая. Листья яйцевидные или трёхлопастные, длиной 7–20 см, шириной 5 см, с оттянутой вершиной и сердцевидным основанием, по краю мелкозубчатые, иногда двоякопильчатые, волосистые, сверху жёстко-шершавые, снизу сплошь или только по жилкам длинно-мягковолосистые, на черешках длиной 3-10 см. Тычиночные серёжки длиной 6-8 см; пестичные головки диаметром 2 см. Плодоножки длиной 2-5 см; плоды диаметром 2-3 см. Цветение в мае. Плодоношение в сентябре [5] (рис. 5).



Рис. 5. Общий вид *Broussonetia papyrifera*

Интродуцирован в Ташкентский Ботанический сад. Размножается этот вид семенами и корневищами. Спустя 3-4 года они достигают стандартного состояния саженцев. Это выносливое дерево с очень сильными корнями.

Первые 6 месяцев после посадки саженцев деревьев полученный результат был следующим: по адаптированности к условиям произрастания самый высокий показатель отмечен *Broussonetia papyrifera* (98%) и *Acer semenovii* (97%), последующие места занимают *Catalpa speciosa* (96%) и *Populus bolleana* (96%). Самый низкий показатель отмечен у *Fraxinus pennsylvanica* (84%), а зеленое состояние рассады составило 84%.

Было также отмечено, что показатели роста деревьев отличаются по их адаптации к условиям. Так например, самый высокий показатель роста был зафиксирован у *Broussonetia papyrifera* (6,2-48,4 см), *Acer semenovii* (4-19,8 см), *Catalpa speciosa* и *Populus bolleana* (3-19 см), а самый низкий – у *Fraxinus pennsylvanica* (0,5-5,3 см).

В результате наблюдений стало известно, что годичный прирост высокоадаптированных деревьев также был высоким, как и показатели роста низкоадаптированных деревьев, которые, естественно, были непосредственно низкими. Это, в свою очередь, показало быструю адаптацию устойчивых деревьев к суровым условиям и высокий процент выживаемости, годичный темп роста побегов также отмечен на высоком уровне.

Таким образом, первоначальные результаты исследования по выживаемости саженцев деревьев при правильном применении агротехнических мер составили от 84 до 98%. Это, в свою очередь, свидетельствует о наличии возможностей дальнейшего эффективного использования высаженных видов в обследованных регионах Сырдарьинской области.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/ясенепенсильванский>
2. <https://landshaft.info/ru/katalpa-catalpa/1096-catalpa-speciosa>
3. <http://flower.onego.ru/kustar/populus.html>
4. www.ru.wikipedia.org.кленсеменова
5. Род *Broussonetia* L'Hér. Бруссонетия // Деревья и кустарники СССР. Дикорастущие, культивируемые и перспективные для интродукции. / Ред. тома С.Я. Соколов. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1951. – Т. II. Покрытосеменные. – С. 534-535.

УЎК 576:895.3

ПАРАЗИТ НЕМАТОДАЛАР *MARSHALLAGIA DENTISPICULARIS* VA *M. SOGDIANA*

ТУРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ МОРФОЛОГИК ТАВСИФИ

Х.Ф. Собирова, ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент

А.Э. Кучбоев, б.ф.д., проф., ЎЗР ФА Зоология институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада *Marshallagia dentispicularis* тури билан унинг минор шакли бўлган *M. sogdiana* ни морфологик хусусиятлари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида кўра, бу морфотиплар эркаларининг жинсий бурсаси, спикулацининг ўлчамлари тафовутлари ва айрим белгиларидаги ўлчов бирликларида сезиларли ўхшашлик аниқланди. Шу билан бирга ушбу турларнинг нематода синфи тизимидаги таксономик ўрни келтирилди.

Калит сўзлар: морфология, нематода, *Marshallagia dentispicularis*, *M. sogdiana*

Аннотация. В статье представлены данные о видах нематод *Marshallagia dentispicularis* и *M. sogdiana*, которые предположительно являются разными морфологическими формами одного и того же вида. Проведено сравнительное морфологическое и морфометрическое исследование этих видов на бурсах и спикулах самцов. Кроме того, указывается текущее таксономическое положение в классовой системе нематод.

Ключевые слова: морфология, нематоды, *Marshallagia dentispicularis*, *M. sogdiana*

Abstract. The article presents data on the species of nematode of the *Marshallagia dentispicularis* and *M. sogdiana*, which are presumably different morphological forms of the same species. A comparative morphological and morphometric study of these species was carried out by bursas and spicules of male. In addition, the current taxonomic position in the class system of nematode is indicated.

Key words: morphology, nematode, *Marshallagia dentispicularis*, *M. sogdiana*

Ҳозирги вақтда дунё фаунасида *Marshallagia* (Nematoda: Trichostrongylidae) авлодининг 28 га яқин турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 12 таси полиморф (кўп шаклли) турлар эканлиги аниқланган [7-9]. Шулардан 5 таси - *Marshallagia marshalli/M. occidentalis*, *M. mongolica/ M. grossospiculum*, *M. schumakovitschi/M. trifida* ва *M. lichtenfelsi/ M. lichtenfelsi* учун мажор ва минор турлар эканлиги морфологик ва молекуляр-генетик тадқиқотларда исботланган [5, 6, 8].

Marshallagia авлоди нематодалари кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ширдони ва ингичка ичагида паразитлик қилади ва ҳайвонлар маршаллагияозини келтириб чиқаради. Натижада, уларнинг организмдаги моддалар алмашинуви жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда тадқиқотларимиз ва адабиёт маълумотлари натижасига кўра маршаллагияларнинг 9 та (*Marshallagia marshalli/M. occidentalis*, *M. schumakovitschi/M. trifida*, *M. dentispicularis*, *M. schikhobalovi*, *M. uzbekistanica*, *M. mongolica* ва *M. sogdiana*) [1,5] мажор ва минор турлари қайд қилинган. Улардан, *M. dentispicularis* Assadov, 1954 тури биринчи марта С.М.Асадов томонидан [2] Озарбайжонда уй эчкисида қайд этилган. Муаллифнинг фикрича маршаллагиянинг бу тури яримчўл ва дашт минтақалардаги кавш қайтарувчи ҳайвонларга хос турлар деб ҳисобланади. *M. sogdiana* (Pulatov, 1985) турини эса Г.С. Пулатов 1985 йили Ўзбекистонда уй эчкиларидан топган ва янги тур сифатида эътироф этган [3]. Бу турни *M. occidentalis* Ransom, 1907 ва *M. trifida* Guella, Marotel et Panisset, 1911 ўхшашлиги, бироқ айрим таксономик белгилари билан фарқ қилиниши келтирилади. Шу билан бирга айрим адабиёт манбаларида *M. sogdiana* (Pulatov, 1985) турини *M. belockani* Assadov, 1954 турига ўхшашлиги тўғрисида фикр билдирилади [4]. Шу жумладан, *Marshallagia dentispicularis* Assadov, 1954 турини минор шакли ҳам ҳозирда аниқланмаган. Демак, *Marshallagia* авлодининг айрим турларининг мустақиллиги, мажор ва минор шакллари тўғрисида тўлиқ бир тўхтамга келинмаган.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда қўй ва эчкилар паразити бўлган маршаллагия авлодини *M. dentispicularis* ва *M. sogdiana* турларини морфо-таксономик тавсифлашдан иборатдир.

Материал ва методика. Ушбу ишда фойдаланилган материал сифатида 2019-2020 йилларда Андижон, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри қушхоналаридан йиғилган 165 бош қўйларнинг ширдони гельминтологик ёриш усули орқали текширилди. Ишда *M. dentispicularis* ва *M. sogdiana* турлари эркак индивидлари, жами 46 таси ажратилди. Вояга етган маршаллагия нематодаларини аниқлаш учун эркакларининг бош ва дум қисмларидан вақтинчалик препаратлар тайёрланди. Нематодаларнинг морфологиясини ўрганишда бир неча гельминтологик ишлардан [2-4] фойдаланилди ва ML 2000 (Meiji Япония) микроскопларида расмга олинди. Ҳар бир турга мансуб бўлган эркак индивидининг дум қисмидан тайёрланган препаратлар эталон (ваучер) сифатида қолдирилди. Ушбу нематодаларнинг морфологик ўлчамлари аниқлангандан сўнг, молекуляр таҳлиллар учун паст ҳароратдаги -20°C ва 70% спиртда алоҳида пробиркаларда сақланди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Маршаллагияларнинг тур таркиби ва таксономик ўрнини аниқлашда уларнинг морфологик белгилари асосида адабиётлар таҳлили ва олиб борилган тадқиқотлардан фойдаланилди. Қуйида ўрганилган ҳар икки турнинг таксономик жойлашуви ва морфологик тавсифи келтирилади.

Strongylida Railliet et Henry, 1913 туркуми
Trichostrongylidae Leiper, 1912 оиласи
Ostertagiinae Lopez-Neyra, 1947 кенжа оиласи
Marshallagia Orloff, 1933 авлоди

Marshallagia dentispicularis Assadov, 1954 (1 расм, жадвал)

Хўжайини: Қўй, эчки.

Локализацияси: ширдон.

Топилган жойи: Бухоро ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри.


Эркаги (асл материаллар асосида, n-12). Тана узунлиги 13,0-16,0 мм, кенглиги (қизилўнғач тугаш жойдан) 0,07-0,09 мм. Бўйин сўргичи бошнинг юқори қисмигача 0,35-0,45 мм, нерв тугунидан бошнинг юқори қисмигача 0,25-0,30 мм. Жинсий бурсаси жуда катта, бўлинмаган. Дорзал қовурғанинг узунлиги 0,26-0,36 мм, оралиғи 0,19-0,25 мм масофада у икки шоҳга бўлинади, улар охирида битта ташки ва битта ички шоҳча ҳосил қилади, унинг иккинчиси каттароқ ва охири бўлинган. Спикулаларининг узунлиги 0,26-0,30 мм, эни проксимал учидан 0,03-0,04 мм, орасидаги масофа проксимал четидан 0,19-0,21 мм, улар учта шоҳга бўлинади: латерал, медиовентрал ва дорсал; улардан биринчиси узунроқ, аста-секин ингичка бўлиб, унинг учи медиан томонга йўналтирилган; иккинчиси унинг узунлигининг ярмига тенг, қиррали, қалинлашган охири тишли; учинчиси – энг калта, бироз

қалинроқ, у заиф хитинлашган, охирида қўзиқоринга ўхшаш қалинлашган ва латерал томонга йўналтирилган. Рулеги мавжуд бўлиб, конуссимон ва кўндаланг пластинкасимон кўринишда бўлади. Рулек 0.05-0.065 мм узунликда.

Ўрганилаётган мазкур намуналар *Marshallagia dentispicularis* Assadov, 1954 тури сифатида аниқланди. Ушбу тахминда спикуланинг характерли шакли – ингичка латерал қисми ўрта томонга эгилиб бошқа қисмларининг учларини қоплайди. Биринчисидегидек ўхшашликни дорзал қовурга тузилишида кўриш мумкин - иккита шоҳга бўлиниб, медиан қисми яна иккига бўлинади ва қисқа шоҳни ҳосил қилади.



Расм 1. *Marshallagia dentispicularis* эркагининг дум қисми. а- спикулеси; б-бурса; с–дорзал қовурга; d-рулек



Расм 2. *Marshallagia sogdiana* эркагининг дум қисми. а - спикулеси; б-бурса; с-дорзал қовурга; d-рулек

Жадвал

Marshallagia dentispicularis ва *Marshallagia sogdiana* турлари морфометрияси (мм)

Белгилари	<i>M. dentispicularis</i> , (n-12)		<i>M. sogdiana</i> (n-10)	
	lim	M±m	lim	M±m
Эркаги				
Тананинг узунлиги	13-16	13.9±0.276	11-18	14.5±1
Тананинг максимал эни	0.1-0.2	0.173±0.008	0.4-0.24	0.24±0.01
Бош юқори қисмининг диаметри	0.02-0.04	0.03±0.001	0.034-0.075	0.053±0.004
Бошнинг юқори қисмидан бўйин гудчасигача	0.35-0.61	0.43±0.02	0.29-0.54	0.41±0.02
Бошнинг юқори қисмидан нерв тугунигача	0.27-0.42	0.35±0.01	0.23-0.41	0.31±0.01
Қизилўнгач узунлиги	0.2-0.3	0.25±0.011	0.61-0.95	0.78±0.03
Қизилўнгачнинг максимал кенглиги	0.08-0.042	0.11±0.05	0.033-0.083	0.066±0.005
Чап спикула узунлиги	0.19-0.33	0.24±0.02	0.23-0.41	0.32±0.01
Ўнг спикула узунлиги	0.18-0.32	0.23±0.01	0.22-0.39	0.30±0.01
Дорзал қовурганинг узунлиги	0.1-0.3	0.22±0.02	0.19-0.38	0.29±0.02
Жинсий бурсанинг узунлиги	0.2-0.3	0.31±0.005	0.67-0.84	0.71±0.01
Рулекнинг узунлиги	0.5-0.065	0.08±0.04	0.1-0.13	0.12±0.007
Ургочиси				
Тананинг узунлиги	13-22	16.3±0.88	10.2-18.7	13.61±0.8
Тананинг максимал эни	0.2-0.3	0.281±0.009	0.55-0.98	0.71±0.04
Бош юқори қисмининг диаметри	0.024-0.040	0.028±0.001	0.088-0.064	0.040±0.004
Бошнинг юқори қисмидан бўйин гудчасигача	0.29-0.42	0.27±0.04	0.28-0.63	0.53±0.03
Бошнинг юқори қисмидан нерв тугунигача	0.21-0.37	0.25±0.01	0.23-0.59	0.31±0.04
Қизилўнгач узунлиги	0.70-0.87	0.74±0.01	0.54-1	0.80±0.04
Қизилўнгачнинг максимал кенглиги	0.077-0.095	0.087±0.002	0.061-0.093	0.085±0.003
Вульвасининг узунлиги	1.7-1.9	1.797±0.04	0.49-0.88	0.66±0.03
Вульвадан дум қисми учигача	2.8-5.3	3.7±0.2	0.23-0.59	0.31±0.04
Тухумининг узунлиги	0.10-0.17	0.143±0.007	0.62-0.98	0.72±0.04
Тухумининг кенглиги	0.06-0.07	0.071±0.001	0.054-0.093	0.071±0.004

Изоҳ: n – ўрганилган намуналарнинг сон миқдори; lim – белгининг вариабеллик чегараси; M –ўртача арифметик киймат; m –ўртача арифметик киймат хатолиги; Cv–вариация коэффициенти. Ишончлилик даражаси P>0,05.

Marshallagia sogdiana Пулатов, 1985 (2 расм, жадвал)

Хўжайини: кўй.

Локализацияси: ширдон.

Топилган жойи: Бухоро вилояти.

Эркаги (асл материаллар асосида, n-10). Тана узунлиги 11-18 мм, эни бурсал сўрғичлар соҳасидан 0,17-0,20 мм. Бўйин сўрғичи бошининг юқори қисмидан 0,35-0,45 мм. Қизилўнғачнинг узунлиги 0,75-0,80 мм.

Иккита парракли бурса иккита бурсал пардалар билан таъминланган: дорсал ва қўшимча.

Тенг бўлмаган қалинликдаги қовурға: кучли постровентрал антеро-латерал, ўрталатерал, пост-латералдан иборат. Антеро-латерал қовурғанинг учи постровентрал ва ўрта-латерал қовурғаларнинг учларидан деярли тенг масофада жойлашган. Ушбу учта қовурғалар орасидаги масофа ташқи-дорсал, постерон-латерал ва ўрта-латерал қовурғалар орасидаги умумий масофадан икки баравар катта. Ташқи-дорсал ва антеро-латерал қовурғалар бироз бурса четига етиб бормайди. Бурса узунлиги 0,05 мм, эни 0,06 мм. Дорсал қовурға 0,25-0,30 мм, оралиғи 0,18-0,22 мм, шохланган. Дорсал қовурғанинг ҳар бири иккига ажралади ва қўшимча латерал тармоқларни ҳосил қилади. Спикуларларнинг узунлиги 0,27-0,33 мм, максимал кенлиги 0,04-0,05 мм. Спикуларларнинг проксимал учлари ўзига хос шаклланиш билан таъминланган. Спикуларнинг ўртасидан учга бўлинади: иккита вентрал ва дорсал. Ташқи вентрал ички қисмдан узунроқ бўлиб, охирида кўндаланг кесилиб, қопқоқсиз зич шаклланиш билан тугайди; ички қисми қисқарок, бироз эгри ва жуда нозик. Дорсал қовурға кучли шаклланган; унинг дистал учи ҳам кучли шаклланган. Спикуларнинг дистал охириги қисмида ғилофсимон мембранага эга ва ўртаси бўртиқсимон бўлади. Рулекнинг узунлиги 0,1-0,13 мм ва эни 0,01-0,02 мм.

Мазкур намуна *Marshallagia sogdiana* (Pulatov, 1985) тури сифатида идентификация этилди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, *M. dentispicularis* билан *M. sogdiana* эркак индивидлари киёсий солиштирилганда, айрим кўринишдаги таксономик белгиларида фарқлар кузатилади. *M. dentispicularis* спикуласини дистал томони тишчали хитинсимон ҳосилга эга, ингичка латерал ўсимтаси медиан тарафга эгилади, *M. sogdiana* эса спикуласи йирик, қалин, проксимал томони шляпасимон юмалоқ тузилишга эга бўлиб, ўзига хос ўсимта билан таъминланган. *M. dentispicularis* дорсал ўсимтаси - кам хитинланган, охириги томони кўзиқоринсимон йўғонлашган ва латерал томонга йўналган, у *M. sogdiana* дорсал ўсимтаси ўзига хос қанот ва ўйик ҳосил қилади, *M. dentispicularis* дорсал қовурғаси охирига бориб битта ташқи ва ички шохчалар ҳосил қилади, ичкиси қалин ва охирида кенгайган, у *M. sogdiana* дорсал қовурғасининг ҳар бири эгилган ва охирига ташқи томонга бир оз эгилади.

Бироқ, ўлчов белгилари: узунлиги, спикуласи кенлиги, рулёги ва танасининг узунлиги (жадвалга қаранг) ўлчов ўзгаришлари меъёридан ошмаган. Шу билан бирга, ҳар икки нематода ҳам жинсий бурсаси анчагина йирик. Уларда рулёги мавжуд бўлиб, *M. dentispicularis* рулеги конусимон ва кўндаланг пластинка шаклида, *M. sogdiana* – найзасимон кўринишда намоён бўлади. *M. dentispicularis* рулеги *M. sogdiana* рулегидан калталиги ва конусимонлиги билан фарқ қилиб туради.

Хулоса. Мазкур турларни спикуларлари тузилишидаги фарқи ва айрим турга хос белгилардаги мавжуд ўхшашликлар ҳамда қавш қайтарувчи ҳайвонларни ёриш пайтида эркак индивидларни тез-тез бирга учрашини ҳисобга олган ҳолда, уларни турли хил морфологик белгиларга эга бўлган жуфтлик нематодалар, яъни битта тур - *M. dentispicularis* деб тахмин қилишимиз мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мажор ва минок морфаларнинг ўзига хослигини тасдиқлаш учун келажакда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амиров О.О., Каримова Р.Р., Шакарбоев Э.Б., Кучбоев А.Э., Кузнецов Д.Н. Нематоды пищеварительной системы домашних жвачных Узбекистана // Российский паразитологический журнал. – М., 2016. – Т.38. – Вып. 4. – С. 439-446.
2. Асадов С.М. Гельминтофауна жвачных животных СССР и ее эколого-географический анализ // Баку, 1960. – С. 205-205.
3. Пулатов Г.С. Новый вид *Ostertagia sogdiana* sp. n. (Nematoda, Trichostrongylidae) от домашней козы в Узбекистане // Узбекский научно-исследовательский ветеринарный институт им. академика К. И. Скрябина, 1985. С. 330-332.
4. Ивашкин В.М., Орипов А.О., Сонин М.Д. Определитель гельминтов мелкого рогатого скота. - М.: Наука, 1989. - С. 211-217.
5. Kuchboev, A. E., Amirov, O.O., Karimova, R. R., Sobirova Kh.G., G.Samson-Himmelstjerna, Jurgen Krucken. Molecular analysis of polymorphic species of the genus *Marshallagia* (Nematoda: Ostertagiinae) // Parasite & Vectors, 2020, 13:411
6. Kuchboev, A. E., Amirov, O.O., Karimova, R. R., Asakawa, M. Nematodes in the digestive tract of domestic ruminants in Uzbekistan // Jpn. J. Vet. Parasitol., 2016, 15 (2). P.124-129.
7. Drozd J. Polymorphism in the Ostertagiinae Lopez-Neyra, 1947 and comments on the systematics of these nematodes // Syst. Parasitol. 1995. V.32. - N2. - P. 91-99.
8. Hoberg E.H., Abrams A., Pilitt P.A., Jenkins E.J. Discovery and description of a new Trichostrongyloid species (Nematoda: Ostertagiinae), abomasal parasites in Mountain goat, *Oreamnos americanus*, from the Western Cordillera of North America // J. Parasitol., 2012. V98. - №4. - P.817-846.
9. Wyrobisz A, Kowal J, Nosal P. Insight into species diversity of the Trichostrongylidae Leiper, 1912 (Nematoda: Strongylida) in ruminants // J Helminthol. 2016. 90: 639-64.

10. Dallas J.F., Irvine R.J., Halvorsen O. DNA evidence that *Marshallagia marshalli* Ransom, 1907 and *M. occidentalis* Ransom, 1907 (Nematoda: Ostertagiinae) from Svalbard reindeer are conspecific // Syst. Parasitol. 2001. V. 50. № 2. P. 101–103.

УЎК 61.616-002.23.547

ТЕТРАГИДРОИЗОХИНОЛИНЛАРНИНГ АЛКИЛЛИ ҲОСИЛАЛАРИНИ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

У.Б. Хамидова, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент
 Е.О. Терентьева, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент
 М.Р. Умарова, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент
 В.И. Виноградова, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент
 Ш.С. Азимова, ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент

Аннотация. Тетрагидроизохинолиннинг алкилли ҳосилаларини яллиғланишга қарши фаоллиги, уларнинг оқсил денатурациясини пасайтириши ва протеиназа ферментини ингибирлаш хусусиятига кўра тадқиқ этилди. $n=10$ ҳосиласи солиштирма препарат диклофенак даражасида яллиғланишга қарши фаоллики намоён этиши аниқланди. Шу билан бирга ўрганилган ҳосилалар ўртасида структур-функционал ўзаро боғлиқлик кузатилмади.

Калим сўзлар: протеиназа, яллиғланишга қарши фаоллик, изохинолин ҳосилалари, оқсил денатурацияси

Аннотация. Противовоспалительная активность алкильных производных тетрагидроизохинолинов была изучена по их способности подавлять денатурацию белка и ингибировать фермент протеиназу. Выявлено, что производное $n=10$ проявляет противовоспалительную активность на уровне препарата сравнения диклофенака. При этом структурно-функциональной взаимосвязи у исследуемых производных не наблюдалось.

Ключевые слова: протеиназа, противовоспалительная активность, производные изохинолинов, денатурация белка

Abstract. The anti-inflammatory activity of alkyl derivatives of tetrahydroisoquinolines has been studied for their ability to suppress protein denaturation and inhibit the enzyme proteinase. It was revealed that the derivative $n = 10$ exhibits anti-inflammatory activity at the level of the reference drug diclofenac. However, no structure-functional relationship was observed for the studied derivatives.

Key words: proteinase, anti-inflammatory activity, isoquinoline derivatives, protein denaturation

Кириш. Яллиғланиш жараёни ҳар қандай касалликнинг юзага келишини билдирувчи белгидир [1]. Яллиғланиш кўпинча оғриқ билан кечадиган мураккаб жараён бўлиб, бунда қон томирлар ўтказувчанлигининг ошиши, организмдаги муҳим оқсиллар (ферментлар, структура оқсиллари ва б.) денатурацияси ва мембрана ўтказувчанлигининг бузилиши кузатилади. Кўпгина биологик оқсиллар денатурацияга учраганда, ўзларининг бажарадиган вазифаларини йўқотадилар [2,3]. Яллиғланиш жараёнининг давом этиши эса протеиназалар фаоллиги ортишига олиб келади, бу эса жараённинг янада оғир кечишини келтириб чиқаради [4].


Ҳозирги кунда протеиназа ингибиторлари ҳисобланувчи, оқсил денатурациясини пасайтирувчи яллиғланишга қарши турли дори воситалари (нимесил, диклофенак, кетонал ва б.) мавжуд. Аммо, шу билан бирга, улар ёндош зарарли таъсирлар билан кузатилишдан ҳам ҳоли эмас (ошқозон фаолияти бузилади, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яра, ошқозон-ичакда қон кетиш, диария, ўткир буйрак етишмовчилиги, қон-томир тизимидаги эндотелий қавати ва қон ивишининг нормал функцияси бузилиши). Шу сабабли, зарарли таъсири кам бўлган, ўсимликлар асосида олинадиган, табиий дори воситаларни излаб топиш муҳим масаладир. Бу каби ўсимликлар асосида олинадиган бирикмалар сирасига кирувчилар изохинолинлар ҳисобланиб, жуда ҳам оммалашган, кенг миқёсдаги биологик фаолликка эга [5] алкалоидлар гуруҳи ҳисобланади [6,7]. Изохинолин алкалоидларининг биологик фаоллиги старлича кенг кўламли спектрга эга бўлиб, микробларга қарши, оғриқ қолдирувчи [8], титрашга қарши таъсир этувчи [9], яллиғланишга қарши таъсирларни ўз ичига олади. Шунга асосан, олинган изохинолин ҳосилаларининг яллиғланишга қарши таъсирини ўрганиш тадқиқотимизнинг асосий мақсади бўлиб ҳизмат қилди.

Бир-биридан метил занжири сони орқали фарқ қилувчи ўрганилаётган изохинолинларни алкилли ҳосилаларининг келажакда фармакология ва тиббиётда қўллаш учун уларнинг яллиғланишга қарши хусусиятини ўрганиш ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Материал ва методлар:

Мазкур ишда изохинолинларнинг ўхшаш тузилишга эга бўлган алкилли ҳосилаларини яллиғланишга қарши фаоллиги, оқсил денатурациясини ва протеиназани ингибирланишига бўлган таъсирга асосан ўрганилди.

Изохинолин алкалоидларининг ҳосилалари куйидагича умумий формула билан ифодаланади:



$n=6; n=7; n=8; n=10; n=12; n=14; n=15; n=16.$

1-расм. Изохинолин алкалоидларининг ҳосилаларининг умумий формуласи

Бирикмалар Саидов А.Ш. томонидан ЎзР ФА Ўсимлик моддалар кимёси институтида синтезланди [10].

Ўрганилган барча бирикмалар тажрибадан олдин бевосита ДМСО да эритилди ва 500 мкМ концентрацияда текширилди.

Тадқиқот ишимизда буқа зардоби альбуминидан (BSA, Himedia) фойдаланилди. Протеин денатурациясини текширишга оид усул, реакция аралашманинг сувли ҳаммомда 70°C да 10 дақиқа ушлаб, оксилнинг денатурациясини келтириб чиқаришга асосланди.


Протеиназа ингибирланишини ўрганиш учун 1 мл 20 мМ Tris HCl буфер (pH 7,4) га 1 мл ўрганилаётган модданинг маълум концентрацияли эритмаси қўшилди. 37°C ҳароратда 5 дақиқа инкубация қилинди ва 1мл 4% ли BSA эритмаси солинди. Суспензия 3000 ай/дақ тезликда 10 дақиқа центрифугаланди [11]. Супернатант 210 нм тўлқин узунлигида «EnSpire 2600» спектрофотометрида («PerkinElmer», АҚШ) текширилди.

Солиштирма препарат сифатида кенг миқёсда қўлланиладиган диклофенак натрийдан (OZON, РФ) фойдаланилди.

Статистик таҳлил «Origin Pro 8,6» дастури ёрдамида амалга оширилди. Натижалар $p \leq 0,05$ аниқликда ҳисобланди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Оксилларнинг денатурацияси оксил молекулаларининг биологик хусусиятларини йўқотишига олиб келади. Оксиллар денатурацияси ревматоид артрит, диабет ва саратон каби яллиғланиш касалликларининг шаклланиши билан ўзаро боғлиқ. Шунинг учун модданинг оксил денатурациясини олдини олиш қобилияти яллиғланиш касалликларини олдини олишга ёрдам беради [12]. Шу каби протеиназалар ҳам нейтрофилларнинг лизосомал гранулаларида жуда кўп учрайди. Шунинг учун протеиназ ингибиторларини ишлаб чиқаралиши, яллиғланиш жараёнининг муҳим даражасини таъминлайди [13].

Юқоридагиларга асосланиб, текширилган моддаларнинг оксил денатурациясининг ингибирланишига бўлган таъсирини 2-расмда кўришимиз мумкин:




2-расм. Тетрагидроизохинолиннинг алкилли ҳосилаларини протеин денатурацияси ингибирланиши таъсири (%)

2-расмда кўришиб турганидек, ўрганилаётган моддаларнинг кимёвий занжирида 500 мкМ концентрация таъсирида, солиштирма препарат 11,9% оксил денатурациясининг ингибирланишини намоён этган бўлса, $n=10$ бирикма (1-расм) эса 13,1% оксил денатурациясининг ингибирланишига таъсир қилган. Бошқа бирикмалар солиштирма препаратга нисбатан кам фаоллик кўрсатган.

Олдинги тажрибадан фарқли ўлароқ, у ерда битта бирикма фаоллик кўрсатган бўлса, протениаза ингибирланиши кузатилганда солиштирма препаратга нисбатан 4 та бирикма фаоллик намоён этган (3-расм).

Улар ичидан $n=10$ метил гуруҳини тутувчи бирикма, протеиназанинг ингибирланишига, солиштирма препаратга қараганда деярли 2 баравар кўпроқ таъсир кўрсатган. Шунингдек, ўзида $n=14$, $n=15$ ва $n=16$ метил занжирини тутувчи ўрганилаётган бирикмалар солиштирма препарат диклофенакка нисбатан мос равишда 73%, 47% ва 39,6% кўпроқ протеиназа ингибирланишига таъсир

кўрсатган (3-расм). Аналогик шароитда $n=6$ ва $n=12$ ҳосилалари умуман фаоллик кўрсатмади. 1- ва 3-расмда кўришиб турганидек, ҳосилаларнинг яллиғланишга қарши фаоллигининг намоён бўлиши, изохинолинолин молекуласидаги метилен (-CH-) занжири узунлигининг ўзгаришига боғлиқ эмас.



3-расм. Тетрагидроизохинолинининг алкилли ҳосилаларини протеиназа ингибирланиши таъсири (%)

Хулосалар. Олинган натижаларга кўра, $n=10$ метил гуруҳини тутувчи тетрагидроизохинолинларнинг алкилли ҳосиласи солиштирма препаратга нисбатан протеин денатурациясига қарши ва протеиназа ингибирланишига қарши фаолроқ таъсир кўрсатган. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрганилган бирикмаларни, яллиғланишга қарши хусусиятни намоён этадиган, яллиғланиш механизмининг очиб берувчи бошқа критерийларда ҳам синаш учун кейинги тадқиқотларга тавсия этиш, ёндош зарарли таъсирларини ўрганиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Dewanjee S., Dua T.K., Sahu R. Potential anti-inflammatory effect of *Leea macrophylla* Roxb. leaves: A wild edible plant. // Food and Chemical Toxicology. 2013;59:514–520.
2. Leelaprakash G, Mohan Dass S. In vitro antiinflammatory activity of methanol extract of *Encostemma axillare* // International Journal of Drug Development & Research. 2010; 3:189-196.
3. Ingle PV, Patel DM. C-reactive protein in various disease condition – an overview // Asian journal of pharmaceutical and clinical research. 2011; 4(1):9-13.
4. Ю. С. Свєрдлов, Н. Л. Богущ, Ж. М. Салмаси «Медиаторы воспаления», - Москва, 2006, 6.6-7
5. Wanner K. T., Beer H., Höfner G., Ludwig M., Eur.// The Journal of Organic chemistry. 9, 2009 (1998)
6. Пароникян Е.Г., Норабян А.С., Акопян Ш.Ф. и др. Синтез и противоопухолевая активность производных пирано [4',3':4,5] пиридо [2,3-b]тиено[3,2-d]-1,2,3-тиразинов и 1,2,3-тиразино [4',5':4,5] тиено [2,3-c] изохинолинов// Химико -фармацевтический журнал: научно-технический и производственный журнал. —40-Том, N 6.
7. Патентта тавсиф EP № 1487800, 2005г
8. Патент Uz IAP 04590. 1-(4'-метоксифенил)-2β-гидроксиэтил-6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин гидрохлорид(1), проявляющий местноанестезирующее и анальгетическое действие//– Турсунходжаева Ф.М., Рахимов Ш.Б., Джахангиров Ф.Н., Виноградова В.И., Режепов Ж., Сагдуллаев Ш.Ш., IAP 2010 0136; 2012 г
9. Shamma M., Moniot J.L. The isoquinoline alkaloids research 1972-1977// N.Y., 1978. C.X. Маех., p. 84-88
10. A.Sh. Saidov, M.G. Levkovich, V.I.Vinogradova, Synthesis of 1-Alkyltetrahydroisoquinolines // Chemistry of Natural compounds 2013; 49:897-901.
11. Sarveswaran R., Jayasuriya W. J. A., Suresh T.S. In vitro assays to investigate the anti-inflammatory Activity of herbal extracts: a review // World Journal of Pharmaceutical Research, Volume 6, Issue 17, 131-141.
12. Sangeetha G, Vidhya R. In vitro anti-inflammatory activity of different parts of *Pedaliium murex* (L.). // International Journal of Herbal Medicine, 2016; 4(3): 31-36
13. Thakur R et al. Study of antioxidant, antibacterial and anti-inflammatory activity of cinnamon (*Cinamomum tamala*), ginger (*Zingiber officinale*) and turmeric (*Curcuma longa*). // American Journal of Life Sciences, 2013; 1(6): 273-277

УЎК 664-4

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИДА АНТИБИОТИКЛАР ҚОЛДИҚ МИҚДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Х. Хошимов, қ.ф.н., доцент, Наманган муҳандис-технология институти, Наманган
Н.Х. Хошимова, ассистент, Наманган муҳандис-технология институти, Наманган
Г.Х. Рахимова, ассистент, Наманган муҳандис-технология институти, Наманган

Аннотация. Ушбу мақолада сут ва сут маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлган антибиотиклар қолдиқ миқдорларини аниқлашнинг замонавий усуллари ёритиб берилган. Сут маҳсулотлари таркибида учрайдиган антибиотиклар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши технологик жараёнларида алоҳида ўрин тутуди. Сутдан тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришида сифатли хом ашёдан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Истеъмолчилар

дастурхонидан ўрин олган сут маҳсулотлари ўзининг барча кўрсаткичлари, яъни ҳиди, таъми, ташқи кўриниши бўйича эътиборни тортадиган даражада бўлиши лозим.

Калит сўзлар: сутдаги антибиотик, микрофлора, фермент левомецетин, пенициллин, стрептомицином, хлорамфеникол, тетрациклин гуруҳи, ниасин, ичак микрофлораси, дисбактериоз, аллергия касалликлар, замбуругли инфекция

Аннотация. В данной статье приведены сведения о современных методов определения остаточных количеств антибиотиков, содержащихся в молоке и молочных продуктах. Антибиотики, содержащиеся в молочных продуктах занимают особое место в технологических процессах производства пищевых продуктов. При производстве высококачественных изделий из молока большое значение имеет использование качественного сырья. Молочные продукты, которые занимают место на потребительском столе, должны быть привлекательными по всем своим показателям-запаху, вкусу, внешнему виду.

Ключевые слова: антибиотик в молоке, микрофлора, фермент левомецетин, пенициллин, стрептомицин, левомецетин, тетрациклиновая группа, ниацин, микрофлора кишечника, дисбактериоз, аллергические заболевания, грибковая инфекция

Annotation. This article provides information about modern methods for determining the residual amounts of antibiotics contained in milk and dairy products. Antibiotics contained in dairy products occupy a special place in the technological processes of food production. In the production of high-quality products from milk, the use of high-quality raw materials is of great importance. Dairy products that occupy a place on the consumer table should be attractive in all its indicators-smell, taste, appearance.

Keywords: antibiotic in milk, microflora, enzyme levomycetin, penicillin, streptomycin, levomycetin, tetracycline group, niacin, intestinal microflora, dysbiosis, allergic diseases, fungal infection

Илм-фан жадал суръатлар билан ривожланиб борган сари мамлакатлар аҳолиси эҳтиёжлари ҳам шунга монанд равишда таркибан такомиллашиб, юксалиб боради. Эҳтиёжларни қондириш эса тақрор ишлаб чиқаришни доимий равишда кенгайтиришни талаб қилади. Аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари қаторига кирувчи сут ва сут маҳсулотлари инсон озиқ-овқат рационининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлганлиги боис сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш уни тайёрлаш технологиясини доимий равишда такомиллаштиришни талаб этади. Сутдан тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сифатли хом ашёдан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Истеъмолчилар дастурхонидан ўрин олган сут маҳсулотлари ўзининг барча кўрсаткичлари, яъни ҳиди, таъми, ташқи кўриниши бўйича эътиборни тортадиган даражада бўлиши лозим. Акс ҳолда ушбу маҳсулотларнинг сифати пасайиб, истеъмол қилиш даражасининг камайишига олиб келиши мумкин. Демак, сутдан маҳсулотлар тайёрлашда унинг сифатига алоҳида аҳамият қаратилиши лозим. Бундан ташқари, сут инсон организми учун жуда фойдали эканлигини ҳам унутмаслик керак.

“Сифатли сут хом ашёси” деганда унинг сифатига қўйилган маълум бир талабларни ифода этади. У куйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: 1) сут таркиби; 2) бактериялар сони; 3) эстетик хусусиятлари; 4) мастит назорати (у соматик тўқималар сони билан ўлчанади); 5) аралашмалар [1].

Дастлабки сифатли сут хомашёсини олиш фермадан бошланади. Кенг яйловда, тоза хавода, қуёш нурлари остида ўтлаб, асосий емиши яшил ўтлар, қишда эса сомон билан боқиладиган сигирлардан олинadиган сут хом ашёси микроэлементларга жуда бой бўлади.

Бироқ, аксинча тор ва ифлос жойда, бир-бирининг аҳлати устида ётиб, деярли ёки умуман қуёш нурини кўрмайдиган, яшил ўтлар ўрнига сунъий емлар, сут миқдори кўпайиши учун гормонлар билан боқиладиган ҳайвонларда зарарли патогенлар ривожланади ва кўпаяди. Бундай ҳайвонлар тез касалланади. Улар ичак микрофлорасининг салбий томонга ўзгаришига олиб келади. Маълумотларга кўра, бундай шароитда боқиладиган ҳайвонларнинг ичак микрофлорасида табиий шароитда боқиладиган ҳайвонларга нисбатан касаллик қўзғатувчи патогенлар 300 баробар кўпроқ бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, ҳайвонларга берилadиган гормон ва антибиотиклар сут таркибига қўшилиб, унинг фойдалилик хусусиятини камайтиради [2].

Маълумки, ҳар қандай хом сут ўзининг антибактериал хусусиятига эга, аммо юқорида тасвирланган шароитда боқилadиган ҳайвон сутини хом ҳолда ичиш жуда хавфли ҳисобланади. Ҳайвон организмнинг жуда толиққанлиги унинг сутидаги ҳимоя тизимини заифлаштиради. Шу сабабли бундай сутлар озиқ-овқат саноатида пастеризация қилинади. Пастеризациялаш сутнинг сифатини оширмайди, аксинча унинг сифатини туширади. Демак, бундай турдаги сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилишдан чекланиш жуда муҳимдир.

Сут маҳсулотлари таркибида учрайдиган антибиотиклар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнларида алоҳида ўрин тутadi. Сут маҳсулотлари таркибида антибиотикларнинг пайдо бўлиши ҳайвонларда мастит касаллигини даволаш жараёнига боғлиқ [2].

Сигирларда ривожланадиган айрим касалликларни даволашда антибиотиклардан (хлорамфеникол, тетрациклин гуруҳи, стрептомицин, пенициллин, ниасин ва бошқалар) кенг

фойдаланилади. Уларнинг қолдиқлари сут ва сут маҳсулотларида учрайди. Шунинг учун таркибида антибиотиклар миқдори юқори бўлган сут хом ашёсини ҳам ҳолатда истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли ҳисобланиб, улардан турли сут маҳсулотлари тайёрлаш мумкин эмас [3].

Фермерлар сут берадиган сигирларни левомецетин, пенициллин, стрептомицин, тетрациклин каби антибиотиклар билан даволашади. Нопок ишлаб чиқарувчилар антибиотикларни ўз маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтириш учун ҳам сут хом ашёсига қўшиб юборадилар. Сут ва гўшт маҳсулотлари билан антибиотик қолдиқлари инсон организмига тушади. Бундай маҳсулотни истеъмол қилиш инсон организмни антибиотикларга сезувчанлигини йўқотади, иммунитетни заифлаштиради ва аллергия касалликлар ривожланади [3].

Бугунги кунда аллергия касалликлари энг кенг тарқалган касаллик тури ҳисобланади. Ҳар 30 йилда аллергия кассаллиги билан касалланиш 2 баробарга ошмоқда. Аллергия касаллигининг энг жиддий асоратлари бронхиал астма ҳисобланади. Ҳар қандай инсон сут маҳсулотларини истеъмол қилишда бундай касалликларни орттириб олиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Сут сифатининг технологик регламентига кўра антибиотикларнинг маълум бир қисми расмий равишда рухсат этилади.

Керакли норма қодаларига амал қилинганлигини ва сутни хавфсизлигини қандай билиш мумкин. Буни уйда жуда оддий усулда текшириш мумкин. Маълум миқдордаги сутни совутгичга қўймасдан хона хароратида кечкурун тонга қадар қолдириш лозим. Агар сут нордон бўлиб қолса унда сут таркибидаги дори воситалари миқдори жуда кўп бўлади. Яна бир усул стерилланган идишга 100 мл таркибида антибиотик йўқ табиий сут қўйиб унга бир чой қошиқда янги сметана қўшилади. 3-4 соатдан сўнг натижа текширилади, агар антибиотиклар йўқ бўлса простокваша ҳосил бўлади. Сут таркибида антибиотиклар аниқ миқдорини кўз билан аниқлаш мумкин эмас. Бу ҳолатда маҳсус лаборатория тест текширувлари керак бўлади.

Бироқ шунини тушуниб етиш керакки сут таркибидаги бегона бактерияларни иссиқлик ишлови бериш билан ўлдирилса, сут таркибидаги антибиотикларни ҳеч қандай иссиқлик ишлови бартараф эта олмайди. Афсуски сутда антибиотикларнинг нормаси ошиб кетган бўлса, бундай сутдан уй шароитида сутнинг нордон муҳсулотларини тайёрлаш мумкин бўлмайди ва ферментацион жараён бошланмасдан туриб фойдали бактериялар нобуд бўлади. Агар сиз уй шароитида қатик тайёрлай олмаган бўлсангиз бунинг сабаби сут таркибидаги антибиотикларнинг мавжудлигидир [4].

Антибиотикларни организмдан чиқиб кетишининг ўз муддатлари мавжуд. Сут ишлаб чиқарувчи хўжаликлар антибиотик тайёрловчи заводларнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилишлари керак. Чунки, сигирларда антибиотикларни чиқиб кетиш муддати турлича бўлади. Шу сабабли соғиб олинган сут умумий цистернага қуюлишидан олдин дори қолдиқлари мавжудлигини аниқлаш мақсадида улардан намуналар олинади. Баъзи сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар сигирларда касалликларни тезроқ бартараф этиш учун рецептда кўрсатилган меъёрдан кўра кўпроқ миқдорда антибиотикларни юборадилар. Бундай ҳолатларда дори қолдиқларининг чиқиб кетиш муддатларини аниқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бундан ташқари инъекция йўли билан мускулларга ёки венага, оғиз орқали киритиладиган дорилар ҳам сутга тушиши мумкин. Шу сабабли уларнинг сигир организмдан чиқиб кетишига ҳам катта эътибор бериш керак. Туғишдан олдинги даврнинг бошида антибиотиклар олган сигирлар сутида ҳам болалагандан кейин дорилар қолдиқлари учраши мумкин. Бундай сигирлар гуруҳига алоҳида эътибор бериш лозим. Сутдаги дори излари бутунлай йўқотилиши керак, чунки баъзи дориларнинг оз қолдиқлари ҳам инсон соғлигига жуда ёмон таъсир қилиши мумкин бўлиб, улар баъзи кишиларда анафилактик шок ҳолатини туғдириши ёки ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин [4].

Антибиотикларнинг оз миқдори ҳам сут хўжаликларида бактериялар ўсишини секинлаштиради. Бу – сут етиштирувчилар дори қолдиқларининг энг оз миқдорларини ҳам аниқлаш учун мураккаб текширувлар ўтказишларининг асосий сабаби ҳисобланади.

Шунингдек, сут сифатини пасайтирувчи бошқа аралашмалар ҳам мавжуд бўлиб, буларга елинларни нотўғри ювиш, ем-хашак, тозалаш воситаларининг ифлос бўлиши ва ҳ.к.лар киради. Соғиш олдида бирмунча сутни соғиб ташлаш кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳам қўшимча ифлосланиш пайдо бўлишидаги ҳиссасини айтиб ўтиш зарур. Тартиб билан тўғри амалга ошириладиган тозалаш тадбирлари соғишдан олдин албатта бажарилиши зарур. Бу ҳол сутга дезинфекция қилувчи воситалар, масалан, йод тушишининг олдини олади [4].

Сутни қайта ишлаш корхоналар лабораториясида сут таркибида антибиотиклар бор-йўқлиги пухталиқ билан текширилади. Агар сутдан озгина миқдорда бўлса ҳам антиботик топилса, сут қайтариб юборилади. Антибиотиклар инсон организмига тушар экан, одамдаги микрофлорани ушбу турдаги антибиотик гуруҳларига нисбатан бетаъсир қилиб қўяди. Агар антибиотиклар кўп бўлса, улар организмдаги мувозанатни бузади – бу дисбактериоз ва аллергияга сабаб бўлади. Таркибида антибиотиклар мавжуд бўлган сутдан сут-қатик маҳсулотларини тайёрлаб бўлмайди — сутни ачитадиган бактериялар антибиотикларга жуда таъсирчан.

Сут таркибидаги микрофлора ва ферментлар пишлоқ, йогурт ва творог ишлаб чиқариш жараёнида жуда ахамиятли бўлиб, сут таркибидаги антибиотиклар сут микрофлораси ва ферментлар фаолиятини сустрлаштиради. Сут маҳсулотларини таркибида антибиотик қолдиқлар миқдорининг мавжудлиги сутни қайта ишлаш технологиясининг бузилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат эса сутни қайта ишлаш саноатида катта иқтисодий зарарларни юзага келтириши мумкин [5].

Бундан ташқари антибиотиклар қолдиқ миқдорларини озик-овқат маҳсулотларига ҳамда улар орқали инсон организмига келиб тушиши, ичак микрофлорасининг бузилишига, дисбактериоз, аллергия касалликлар, замбуруғли инфекцияларни келтириб чиқаради. Организмнинг курашувчанлик хусусиятини камайтириб ички органлар функцияларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда сут маҳсулотлари таркибида антибиотиклар мавжудлиги микробиологик, биокимёвий ва физик-кимёвий усуллар асосида аниқланади. Сут маҳсулотларини назорат қилиш лабораторияларида сут маҳсулотларини таҳлил қилиш учун микробиологик, иммунофермент ва физик-кимёвий усулларида комплекс фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Имунофермент усули, асосан, чорвачилик фермаларида сут таркибидаги антибиотик қолдиқларини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

Микробиологик усулидан сутни йиғиш пунктларида кенг фойдаланилади. Микробиологик усулдан сут маҳсулотлари таркибидаги кенг спектрли антибиотиклар ва бошқа ингибитор моддаларни сут маҳсулотлари сифатига салбий таъсирини чеклаш учун қўлланилади. Сутни қайта ишлаш корхонасида сут қабул қилишда иммунофермент усули – сут хомашёсининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади. Тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун физик – кимёвий усулдан фойдаланилади [4].

Сутдаги антибиотиклар миқдорини назорат қилишнинг оптимал ва самарали усулларини танлаш хомашёни қайта ишлаш корхоналари учун долзарб муаммолардан биридир.

Антибиотикларни қолдиқ миқдорини аниқлаш оксидланиш-қайтарилиш реакциясига асосланган. Микробиологик методлардан фойдаланишда тест культураларини метаболик активлигига таъсир қилиш билан боғлиқдир. Тест культуралар тутувчи сут намуналарида оксидланиши ва кислоталикнинг ўзгариши кузатилади. Кислоталик кўрсаткичи индикатори сифатида бром крезол туркумидан фойдаланилади.

Антибиотик қолдиқлари бўлмаган сутдаги тест культураларни нормал ривожланишида намуналарни оксидланиш потенциалини камайиши ҳисобига рангини ўзгариши кузатилади. Намунани сариқ рангга кириши антибиотиклар йўқлигини билдиради. Намунада сафсар рангини мавжудлиги антибиотиклар борлигини кўрсатади.

Озик-овқат маҳсулотлари таркибида хлорамфеникол борлигини билиш учун антибиотиклар қолдиқини органик эритувчилар ёрдамида ажратиб олиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда левомисин силикагелнинг юпқа қатламига томизиб, экстрактив моддаларнинг п-диметиламинобензальдегидни қайтарилишига қараб аниқланади. Намунадаги антибиотик концентрацияси белгиланган стандартлар асосида аниқланади.

Озик-овқат технологиясида визуал таҳлил қилиш орқали маҳсулот таркибида пенициллинни мавжудлигини аниқлаиб хроматографик қоғоз қизил рангга кириши билан характерланади. Ўтказилган тест чизигининг юқори қисмидаги бўлагини назорат қисми ҳисобланади. Агар таҳлилдан кейин у бўялган бўлмаса, таҳлилни такрорлаш керак. Пенициллинни аниқлаш чизиги тестни юқори, яъни назорат қисмида жойлашган [2].

Соҳанинг интенсивлиги билан солиштирганда антибиотикни аниқлаш қисмининг катта ёки тенг ранг интенсивлиги β-лактам типдаги антибиотикларнинг йўқлигини, антибиотикларни аниқлаш зонасининг камроқ интенсивлигини ва унинг бўялмаслиги таҳлил қилинган сут намунасида β-лактам типдаги антибиотикларнинг мавжудлигини кўрсатади. Маҳсулотлар ва етказиб берувчилар тармоғининг янада аниқроқ ташкиллаштириш антибиотиклар гуруҳларини аниқлаш учун турли усулларни, қиёсий баҳолашни амалга оширишда, энг аниқ ва такрорланувчи-қаттиқ фазали иммуноэнзимли таҳлил усули қўлланилади. Шундай қилиб, сутда антибиотиклар таркибини аниқлаш бўйича кейинги иш учун хом ашё ва технологик жараёнларнинг антибиотиклар концентрациясига таъсири қаттиқ фазали иммуноэнзимни таҳлил қилиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу усулдан фойдаланганда технологик омиллар ва жараёнларнинг таъсир динамикасини ўрганиш мумкин.

Амалиётда сут таркибидаги антибиотикларнинг аниқлашнинг бир неча усуллари қўлланилади: 1) Экспресс тестлар; 2) Микробиологик усуллар; 3) Иммуноферментли тест тизими; 4) Аналитик усулда текшириш.

Ҳар бир усулларнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд. Улар ўзаро солиштирилганда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: 1) Текширув вақти; 2) Қўшимча қурималарга бўлган эҳтиёж; 3) Намуна тайёрлашнинг мураккаблиги; 4) Белгиланган антибиотиклар спектри; 5) Қиймати [2].

Фермер хўжаликларда энг кенг тарқалган сут ва сутни қайта ишлаш заводларини қабул қилиш пунктлари экспресс тестлар ва ингибитор микробиологик тестларни ишлатадилар. Уларни ишлатишдан асосий мақсад тестларни ишлаш принципларини соддалиги, таҳлил вақтини камлиги ва нархини арзонлигидадир.

Қуйида турли тестларни ижобий ва салбий томонларини кўриб чиқамиз ва уларни бир-бирини ўринини боса олишлик даражаларини таққослаймиз.

Экспресс тестлар антигенини (антибиотик) боғлаш учун ўзига хос антителалардан фойдаланади. Натижада тест чизиқларида бўёқлар ҳосил бўлади, бу эса натижаларни ижобий ёки салбий эканлигини билдиради.

Ушбу тестларнинг ўзига хос хусусиятли: улар бир вақтнинг ўзида фақат бир ёки бир нечта антибиотиклар гуруҳини аниқлай олишади. Ўзбекистонда энг кенг тарқалган тест турлари: 1) хлорамфениколга текшириш; 2) β-лактамлилар ва тетрациклинларга текшириш; 3) Тестлар бир вақтнинг ўзида 4 турдаги антибиотик группалари: β-лактамлилар, тетрациклинлар, стрептомицин и хлорамфениколларга текширишдир.

Экспресс тестларнинг асосий афзалликлари натижаларни юқори тезликда аниқлашидир: тест ўтказишга сарф бўладиган вақт 2-10 дақиқани ташкил этади. Бундан ташқари натижаларини инкубация қилмасдан (қўшимча ускуналар талаб қилинмайди) аниқласа бўлади, бу эса тестларни лабораториядан ташқарида ҳам ишлатишни осонлаштиради.

Экспресс тестларни камчиликлари β-лактамлилар, тетрациклин, макролидлар, сульфаниламидлар, аминокликозид ва шу каби антибиотикларнинг барча асосий гуруҳлари учун бир вақтнинг ўзида битта сут намунасини таҳлил қилиш учун бир нечта экспресс тестлардан фойдаланишни талаб қилади, бу эса таҳлил қийматини сезиларли даражада оширади.

Ингибиторли микробиологик тестларни ишлаш принциплари жуда оддий. Сут олдиндан тайёрланган тест виалаларига жойлаштирилади ва маълум бир вақтда 64°C оптимал хароратда инкубация қилинади (кўпинча 3 соат, шунинг учун бу тестлар баъзан уч соатлик тест деб юритилади).

Виала тести рН ўзгарганда ўз рангини ўзгартиради. Бу ранг ўзгариши ва сутда антибиотикларнинг мавжудлиги (ёки йўқлигини) аниқлайди:

- агар сутда антибиотиклар ёки бошқа ингибитор моддалар мавжуд бўлмаса, виалага сут қўшилса ва харорат кўтарилса, бактериялар фаол ривожлана бошлайди. Натижада ранги ва кислоталик муҳити ўзгаради;
- агар сутда антибиотиклар мавжуд бўлса улар бактерияларнинг ўсишини олдини олади ва рангини ўзгариши кузатилмайди [5].

1-жадвал

Сут таркибидаги антибиотикларнинг қолдик миқдорини аниқловчи асосий тест кўрсаткичлари таҳлили		
Параметр	Экспресс-тестлар	Ингибитор тестлар
Таҳлил вақти	2-10 минут	2,5-3,5 соат
Инкубатордан фойдаланиш зарурати	Хаммаси учун эмас	Мажбурий
Ингибиторларни бир вақтнинг ўзида кенг доирадаги аниқлаш имконияти (ювиш воситаларни ва бошқаларни ўз ичига олади)	Йўқ	Мавжуд
Битта тест нархи	1,2-6,5 дол./тест	1,0-1,45 дол./тест



1-расм. Сут таркибидаги антибиотикларни аниқлаш тест тўпламлари

Ингибитор тестларнинг афзалликлари шундаки, битта тест ёрдамида битта ёки бир неча антибиотиклар гуруҳини аниқлай оладиган тезкор тестлардан фарқли ўлароқ микробиологик тестлар антибиотиклардан β-лактамлилар, тетрациклинлар, сульфаниламидлар, макролидлар, азалидлар, аминокликозидлар, хиноллар, амфениколлар ва шу каби ингибитор моддаларни аниқлаш имконини беради.

Ингибитор тестларнинг камчилиги текширув ўтказиш вақтининг кўплигидадир. Шу билан бирга ингибитор тестнинг нархи экспресс тестларга нисбатан кам бўлади албатта, бу камчилик деб ҳисобланмайди.

Кўришиб турибдики экспресс тестлар ва микробиологик (ингибитор) тестлар сутдаги антибиотикларни қолдиқ миқдорини аниқлаш учун бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб, сут маҳсулотларини хавфсизлигини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун максимал даражада таъминлайдилар [4].



2-расм. Сут таркибидаги антибиотикларнинг таҳлил натижалари намуналари

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, Республикамиз аҳолисининг соғлом овқатланишини ташкил этишда юқори озуқавий қийматга эга бўлган сут маҳсулотларини ахамияти жуда катта. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бошланғич хомашё сут озуқавий қиймати юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Сутда одам организмни меъёрда ривожланиши учун зарур бўлган барча ҳаётий муҳим моддалар мавжуд: оксиллар, ёғлар, сут углеводлари, минерал тузлар ва сув, органик кислоталар, витаминлар, ферментлар, гормонлар, иммун таналари, газлар, пигментлар ва бошқалар. Компонентларни оптимал биргалиги сутни барча ёшдаги одамлар учун қимматли, алмаштирилмайдиган овқатланиш маҳсулотига айлантиради. Сут бошқа физиологик суякликлар каби ҳам ички (ферментлар ва бошқалар) ва ҳам ташқи омиллар таъсирида доимий ўзгаришларга мойил бўлади. Бунда микробиологик жараёнлар жуда муҳим роль ўйнайди, чунки сут бир вақтни ўзида ҳам сапрофит ва ҳам касаллик туғдирувчи бактерияларни ривожланиши учун ўта қулай муҳит ҳисобланади. Юқоридаги мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда энг асосий вазифа аввало хомашёни барча қимматли табиий хусусиятларини уни сут фермаларида олинишидан бошлаб савдо тармоғига берилгунигача қадар вақт мобайнида сақлаб қолиш ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этилишига сутни қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилиши, ишлов берилиши, саноатда уни сут маҳсулотларига қайта ишланиши технологик жараёнларини яхлит, узлуксиз занжирини яратиш йўли билан эришилади. Сут маҳсулотларини саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши сут хомашёсига кимёвий, физикавий, микробиологик ва бошқа таъсир усулларига ёки уларни комбинациясига асосланган алоҳида технологик жараёнлардан иборат бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликлардаги моллар касалликлардан тузалгандан кейин камдан-кам ҳолатда сут таркибидаги антибиотиклар қолдиғи текширилади. Гигиена қоидаларига кўра қора мол касалликдан тузалгандан кейин ундан соғиб олинган сут 5-10 кун давомида истеъмолга яроқсиз ҳисобланади. Бундай сут маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнига жўнатиш мумкин эмас. Бироқ сут хомашёсининг етишмовчилиги вужудга келса айрим ишлаб чиқарувчилар таркибидан антибиотик тутувчи сут маҳсулотларини тоза сут маҳсулотларига аралаштириб юборадилар. Натижада антибиотик концентрацияси суялади, лекин сут таркибидан чиқиб кетмайди. Афсуски, уй шароитида сут таркибидан айнан қандай дори воситаси мавжудлигини аниқлаш мумкин эмас. Бироқ нейтраллаш усулини ҳам танлаш мумкин эмас, тирик организмларга зарар етказиши мумкин. Агар юқоридаги усуллардан бири сут таркибидан антибиотиклар мавжудлигини аниқласа, ушбу ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларидан воз кечиш яхшироқдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Ж.С. Файзиев, Ж.М. Қурбонов. Озиқ-овқат маҳсулотлари тадқиқотининг физик-кимёвий услублари. Ўқув қўлланма. "Илм-зиё", Тошкент, 2009. -240 б.
2. Файзиев Ж.С., Кенжаев Ю.Ч., Файзиев Ш.Ж. Сутни механик ва иссиқлик қайта ишлаш технологияси. Ўқув қўлланма. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан берилган № 274-010 сонли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси).
3. Атаханов Ш.Н., Файзиев Ж.С., Атамирзаева С., Ақромбоев Р., Кенжаев Ю.Ч. Бринза ва пишлоқ тайёрлаш технологияси. Ўқув қўлланма. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан берилган № 274-007 сонли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси).
4. Файзиев Ш.Ж., Атаханов Ш.Н., Кенжаев Ю.Ч., Файзиев Ж.С., Қаноатов Х.М., Маллабоев О.Т. Сут ва сут маҳсулотларининг техник-кимёвий назорати. Дарслик. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан берилган № 274-008 сонли ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси).
5. Общая технология молока и молочных продуктов: учебник для вузов / А. М. Шалыгина, Л.В. Калинина. - М.: Колос С, 2006. - 199 с.

УЎК:682.635.632:632.3:912

БОДРИНГ ЭКИНИДА ОҚҚАНОТ (*TRIALEURODES VAPORARLORUM WEST*)НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚўЛЛАНИЛГАН КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

А.Х.Юсунов, профессор, к/х.ф.д., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
Д.С.Нуралиева, илмий ходим, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада, Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган иссиқхонада бодринг ўсимлигида учровчи иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporarlorum West*)нинг биоэкологик хусусиятлари, зарари ҳамда уларга қарши кимёвий препаратларни қўллашдаги биологик самарадорлиги келтирилган.

Калим сўзлар: иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporarlorum West*), иссиқхона, зараркунанда, зарар келтириши, ҳарорат, бодринг, сабзавот, кимёвий препарат, самарадорлик

Аннотация. В данной статье приведена вредоносность и биоэкологические особенности, а также биологическая эффективность при применения химических препаратов в теплицах Кибрайского района Ташкентской области против тепличной белокрылки (*Trialeurodes vaporarlorum West*).

Ключевые слова: тепличная белокрылка (*Trialeurodes vaporarlorum West*), теплица, вредитель, вредоносность, температура, огурец, овощ, химический препарат, эффективность

Abstract. This article examines the bioecological development and damage of *Trialeurodes vaporarlorum West*, a sucking pest found in cucumber plants in a greenhouse in Qibray district of Tashkent region, and the biological effectiveness of chemical preparations against them.

Keywords: *trialeurodes vaporarlorum West*, greenhouse, pest, damage, cucumber plant, vegetable, drug, effectiveness

Кириш. Республикамизда аҳоли сони муттасил ошиб бориши натижасида озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш шу куннинг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аҳолини витаминларга бой бўлган ҳўл ва резавор мевалар ҳамда сабзавот экинларини етиштириш, парваришлаш ва уларда учрайдиган касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш эвазига ҳосилдорликни ошириш ва уларни сақлаб қолиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалигида озик-овқат маҳсулотларини ҳосилдорликни ошириш ва улардан сифатли, юқори ҳосил олишда, айниқса зарарли организмлардан сақлашда кимёвий воситалардан тўғри ва унумли фойдаланиш нафақат муҳимдир, чунки ҳозирги кунда пестицидларнинг турлари жуда бой бўлиб, уларнинг қўлланиш технологияси, ҳоссалари ва таъсир қилиш механизми инсонлар, иссиққонли ҳайвонлар ва фойдали жонзотларга турлича таъсир қилиши табиатдаги ҳолатига кўра турличадир. Иссиқхоналарда бодринг экинида учрайдиган айрим зараркунандалар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

Иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporarlorum West*). Тошкент вилоятининг Кибрай туманида бодринг экилган иссиқхоналарида 2020 йилда тадқиқотлар олиб борилди. Иссиқхоналарда сўрувчи зараркунандаларнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, асосан иссиқхона оққаноти билан кузатув ишлари олиб борилди. Иссиқхона оққаноти етиштирилаётган ҳосилнинг сифати ва миқдорига кучли зарар етказаётганлиги, уларнинг тарқалиш ареали қай даражада (кучли ёки кучсиз) учраши ўрганиб, уларга қарши кимёвий препаратлар синаб кўрилди.

Иссиқхонада етиштириладиган бодринг ўсимлигида хашарот зараркунандаларнинг ҳосилдорликка салбий таъсири жуда юқори. Бу зараркунандаларнинг бутун вегетация давомида зарар келтириши, ривожланиши учун доимий равишда ҳаво ҳарорати оптимал даражада бўлганлиги, кимёвий препаратларга чидамлик даражаси юқорилиги уларга қарши курашда бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Иссиқхона оққаноти асосан баргнинг ёритилмаган пастки қисмига ёпишади. Етук зотлари эса умуман ўсимликларни бевосита зарарламайдилар. Уларнинг вояга етганлари 2-3 кун ичида қўшилиб тезлик билан бир ўсимликдан бошқа ўсимликка учиб ўтади. Ҳосилдорликнинг пасайиши ва бошқа зараркунандаларнинг ривожланишига замин яратиши натижасида оққанот зараркунандасига кураш чораларини ўрганиш катта аҳамияти эга.

Иссиқхонада бодринг экинида оққанотнинг урғочилари 20 кундан 29 кунгача яшайди ва ҳаёти давомида жами 150-250 тагача тухум қўяди. Тухумларни ёш баргнинг пастки қисмига 10 тадан 20 тагача қўядилар. Урғочилари тўда-тўда, эркаклари эса алоҳида яшаш тарзига эга. Вояга етган хашарот ва уларнинг тухумлари қисқа муддатли ҳарорат пасайишига (-13°C) чидамсиз бўлади. Ҳаво ҳарорати 30°C бўлганда урғочилари 9-11 кун яшаса, эркаклари улардан 2-3 марта кам муддат яшайдилар. Ўсимликни барча ёшидаги личинкалари зарарлаши кузатилди. Бодринг барги ва меваларини ифлосланишига личинкаларидан ажралиб чиққан шира "ёпишқоқ модда" сабаб бўлиши ва баргларидаги шираларда сапрофит замбуруғлар ривожланиб, барг ва меваларнинг усти қора қурум

билан қопланиши кузатилди. Натижада ўсимликнинг баргида содир бўлаётган фотосинтез жараёни сустрлашиб, ҳосилдорликка салбий таъсир этиш ҳолатлари қайд этилди. Тошкент вилояти шароитида очик майдонда ҳам тарқалиб итузумдошлар ва қовокдошлар оиласи вакиллари кучли зарарлайди. Иссиқхона оққаноти тропик тур бўлиб, асосан ҳимояланган майдонда эрта баҳордан кеч кузгача ривожланади [1,2].

1-жадвал

Бодрингни иссиқхона оққанотидан ҳимоя қилиш учун синалган препаратларнинг биологик самарадорлиги "Шомурод ўғли Дилмурод" Тошкент в. Кибрай т. 2020 й.

№	Вариантлар	Препаратнинг таъсир этувчи моддаси	Препарат сарф миқдори кг, л/га	Самарадорлик, %					
				Ишловдан сўнг, кунлар бўйича					
				1	3	7	14	21	
1.	Mostar, 20 % н.кук.	ацетамиприд	0,3	75,6	79,9	84,8	89,6	89,5	
2.	Intermec, 20% н.кук.		0,2	75,6	79,9	84,8	89,6	89,5	
			0,3	69,3	76,2	89,3	91,5	94,3	
3.	Успилан, 20% н.кук.		0,2	74,4	78,6	89,5	90,4	90,7	
			0,3	72,3	77,9	90,5	91,2	92,5	
4.	Виоспиан 20 % н.кук.		0,2	61,4	75,5	81,8	88,0	90,1	
			0,3	64,7	78,6	85,3	90,4	94,5	
5.	Моспиан, 20% н.кук. (андоза)		0,3	71,2	72,4	75,9	80,4	90,2	
6.	Назорат (ишлов берилмаган)			-	1 баргдаги зараркунданнинг сони, дон				
					41,2	45,3	56,7	69,8	77,9

НСР₀₅ 2,5

Тошкент вилояти иссиқхона шароитида етиштирилаётган бодринг ўсимлигида оққанотга қарши курашда етарлича самарадорликка эришилмаганлиги сабабли зараркунданга қарши 2020 йилда кимёвий препаратларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу зараркунданга қарши Mostar, 20 % н.кук.- 0,2-0,3 кг/га., Intermec, 20% н.кук.- 0,2-0,3 кг/га., Успилан, 20% н.кук.- 0,2-0,3 кг/га., Виоспиан 20% н.кук.- 0,2-0,3 кг/га ва Моспиан, 20% н.кук.-0,3кг/га (андоза) препаратларини турли муддатларда синовдан ўтказилди ва биологик самарадорлик аниқланди (1-жадвал).

Таҷрибалар Ш.Т.Хўжаев таҳририяти остида чоп этилган "Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар" [4] асосида Тошкент вилояти Кибрай туманидаги "Шомурод ўғли Ортиқов Дилмурод" МЧЖ иссиқхонасида олиб борилди. Бунда, оққанот миқдорини ҳисоблаш учун ҳар бир вариантдаги 3 тадан такрорийликнинг ўрта қисмидан 10 та дан намуна олинди. Ҳар бир намунада учтадан зарарланган новда кўрилиб, ҳашаротнинг 1 та ўсимликга тўғри келадиган ўртача миқдори аниқланди. Кузатувлар препарат сепилиши олдида ва ундан кейин 3; 7; 14 ва 21 кунлари ўтказилди. Ишчи суяқлик 600 л ҳисобида олинди. Препаратларнинг биологик самарадорлиги эса Аббот [5] формуласи асосида ҳисобланди.

2020 йилларда Тошкент вилояти Кибрай туманидаги "Шомурод ўғли Дилмурод" иссиқхонасида ацетамиприд асосли 20% Mostar, Intermec, Успилан, Виоспиан препаратлари синовдан ўтказилганда 14-кун биологик самарадорлик 88,0-91,5% га эришилганлиги аниқланди. Ҳисоб кунининг 21-кунда эса 89,5-94,5% самарадорлик олинганлиги маълум бўлди (1-жадвалга қаранг).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Mostar, 20 % н.кук. 0,3кг/га, Intermec, 20% н.кук.0,3 кг/га, Успилан, 20% н.кук.0,3 кг/га, Виоспиан 20% н.кук. 0,3 кг/га иссиқхона шароитида бодринг экинида иссиқхона оққанотига қарши курашда юқори самарадорликка эришилган кимёвий препаратлар кўрсатилган сарф-меъёрларда қўллаш учун тавсия этилди.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Тошкент вилояти шароитида иссиқхона оққаноти бодринг экинида урғочилари 20 кундан 29 кунгача яшайди ва ҳаёт давомида жами 150-250 тагача тухум қўяди. Тухумларни ёш баргнинг пастки қисмига 10 тадан 20 тагача қўядилар. Урғочилари тўда-тўда, эркаклари эса алоҳида яшаш тарзига эга. Вояга етган ҳашарот ва уларнинг тухумлари қисқа муддатли ҳарорат пасайишига (-13°C) чидамсиз бўлади. Ҳаво ҳарорати 30°C бўлганда урғочилари 9-11 кун, эркаклари эса улардан 2-3 марта кам муддат яшайдилар.

Зараркунданга қарши кимёвий препаратлардан Mostar 20% н.кук. 0,3кг/га, Intermec 20% н.кук.0,3 кг/га Успилан 20% н.кук.0,3 кг/га, Виоспиан 20% н.кук. 0,3 кг/га сарф-меъёрларда қўллаш юқори самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кимсанбоев Х.Х., Рашидов М.И., Қодиров А., Сулаймонов Б.А., Зоҳидов Ф.М. Энкарзияни қўпайтириш ва қўллаш. Услубий қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи, 1999.- 8 бет.
2. Кимсанбоев Х.Х. Эргашев С.Ф., Сулаймонов Б.А. ва б. Энтомология. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007. –Б. 202-215.
3. Мярцева С.Н. Тепличная белокрылка. // Защита плодовых и овощных культур от вредителей. Ашгабат, 1989. - С. 56-61.

4 . Хўжаев Ш.Т., Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент. КО'НИ-NUR. 2004,-104бет.

5 . Abbots W.S. A method of computing the effectiveness of insecticide, 1925.- V.18. - №3. -P.265-267 бет.

УДК 579.695 + 628.35

СКРИНИНГ МИКРООРГАНИЗМОВ-НЕФТЕДЕСТРУКТОРОВ ПРОДУЦЕНТОВ БИОСУРФАКТАНТОВ

М.Р. Шарифов, м.н.с., Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
Б.Х. Алимова, докторант (DSc), Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
О.М. Пулатова, PhD, с.н.с., Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
Н.Ю. Зухридинова, PhD, с.н.с., Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
Т.Ш. Мирзаев, к.б.н., с.н.с., Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
А.А. Махсумханов, PhD, Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент
К.Д. Давранов, д.б.н., проф., Институт Микробиологии АН РУз, Ташкент

Аннотация. Микроорганизмлар ўртасида нефтни парчалаш ва биологик сирт фаол моддаларини (био-СФМ) ҳосил қилиши бўйича скрининг ўтказилган. Турли авлодларга мансуб бўлган 12 та микроорганизм штамлари нефтни юқори даражада парчалаши ва био-СФМ синтезлаши аниқланган, яъни нефтни парчалаши даражаси 65% дан ва эмульгирлаш индекси 50% дан юқори бўлган кўрсаткичларни намоён қилганлар.

Калит сўзлар: микроорганизмлар, скрининг, гликолипидлар, сирт фаол моддалар (СФМ), био-СФМ, оқова сувлар, парчалаш, нефть парчаловчи микроорганизмлар, эмульгирлаш индекси

Аннотация. Проведен скрининг микроорганизмов по способности деструктировать нефть и продуцировать био-ПАВ. Показано, что 12 штаммов, относящихся к различным родам, проявляли высокую степень деструкции нефти и способность синтезировать био-ПАВ: степень деструкции нефти составила более 65% с индексом эмульгирования более 50%.

Ключевые слова: микроорганизмы-нефтедеструкторы, скрининг, гликолипиды, био-ПАВ, деградация, индекс эмульгирования

Abstract. Microorganisms were screened for their ability to degrade oil and produce bio-surfactants. It was shown that 12 strains belonging to different genera showed a high degree of oil degradation and the ability to synthesize bio-surfactants: the degree of oil destruction for them was more than 65% with an emulsification index of more than 50%.

Key words: microorganisms, screening, glycolipids, surfactants, biosurfactants, waste water, oil degrading microorganisms, emulsification index

Введение. Нефть и нефтепродукты относятся к числу наиболее распространённых загрязнителей биосферы. Для очистки от загрязнённых нефтью и её продуктами природных объектов широкое применение получили биологические методы, основанные на использовании микроорганизмов, способных вовлекать нефтепродукты в свой метаболизм, используя в качестве основного источника углерода и энергии [1,2]. Одним из важнейших механизмов утилизации компонентов нефти является образование микроорганизмами биосурфактантов или биоэмульгаторов, способствующих солюбилизации углеводородов и образованию мелкодисперсной эмульсии, в результате чего облегчается контакт микробных клеток с гидрофобным субстратом [3]. Микроорганизмы разных таксономических групп способны синтезировать био-ПАВ. Так, низкомолекулярные био-ПАВ гликолипидной природы (рамнолипиды, трегалолипиды, софоролипиды, липопептиды) способны синтезировать бактерии, относящиеся к роду *Pseudomonas* [4], *Acinetobacter* [5], *Rhodococcus* [6], *Candida* [7] и *Bacillus* [8]. Тогда как, биосинтез высокомолекулярных био-ПАВ (гликопротеины, полисахариды, липопротеины) характерны для бактерий, относящихся к роду *Acinetobacter* [9].

кўпроқ, яъни ҳайдалма қатламда 254-321 мг/кг, ҳайдалма қатлам ости горизонтида 200-231 мг/кг ни ташкил этади. Ўрганилаётган тупроқларда CO₂ карбонатлар миқдори профил бўйича бир текис тақсимланмаган. Айрим ҳолатларда CO₂ карбонатлар миқдорининг қуйи қатламларга томон ошганини кўриш мумкин. Ушбу тупроқларда CO₂ карбонатлар ўртача 7,28-9,87% ни ташкил этади.

3-жадвал

Тупроқ кимёвий таркибининг таҳлил натижалари										
Кесма №	Чуқурлик, см	Гумус, %	N, %	P ₂ O ₅		K ₂ O		CO ₂ карбонатлар,%	SO ₄ гипс,%	C:N
				%	мг/кг	%	мг/кг			
Суғориладиган аллювиал-ўтлоқи тупроқлар										
5	0-32	1,12	0,108	0,134	20,0	2,03	254	9,08		6,01
	32-74	0,82	0,056	0,102	14,0	1,84	200	9,87		8,49
	74-108	0,53	0,028	0,086	11,5	1,31	220	9,45		10,98
Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар										
6	0-22	0,88	0,049	0,122	12,5	1,85	321	8,60	0,093	10,42
	22-55	0,84	0,044	0,237	10,0	1,60	294	8,76	0,093	11,07
	55-74	0,73	0,042	0,134	8,5	1,42	231	8,02	0,195	10,08
	74-101	0,70	0,035	0,144	7,6	1,30	210	7,28	0,123	11,60
	101-140	0,246						8,18		10,42

Демак, суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг агрокимёвий хусусиятлари тупроқдаги шўрланиш жараёни, унинг даражасига боғлиқ равишда ўзгаради. Шўрланиш даражаси ошган сари гумус ва озукка моддалар миқдори камаяди.

Суғориладиган тупроқларнинг сингдириш катионлари ҳажми чўл тупроқларининг бошқа типларига нисбатан катта эмас. Сингдирувчи комплекс асоси ишқорий ер металлари билан тўйинган (90%), улар орасида Ca⁺⁺ туради. Ўрганилаётган тупроқларнинг асосий хусусиятларидан бири, барча ўтлоқи тупроқлар сингдирувчи Mg⁺² кўпллиги билан характерланади, унинг миқдори қуйи горизонтлар томон 38% гача ошди. Шўрланишнинг ортиши билан Mg⁺⁺ ва Na⁺ юқори қатламларга томон ҳаракати ортади. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар сингдирувчи Na⁺ ва K⁺ миқдорлари кам учрайди. Шўрланмаган тупроқларда калий натрийдан устунлик қилади.

Сувли сўрим анализ натижаларига кўра куруқ қолдик миқдори, юқори горизонтларда унча кўп эмас. Ўртача шўрланган тупроқларда эса 1% гача бўлади. Кучсиз шўрланган тупроқлар эса оралик характерда. Шўрланиш типи асосан хлоридли-сульфатли. Ишқорлар миқдори унча кўп эмас. Шўрланмаган тупроқларда хлор миқдори 0,007-0,010% гача учраса, кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқларда эса мос равишда 0,021 ва 0,054% гача кузатилади. Профиль бўйича хлор миқдори бир текисда тақсимланмаган.

Хулоса. Хўжалик худуди суғориладиган тупроқлари асосан оғир ва ўртача механик таркибга эгадир. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати унинг ер ости сувлари, уларни минераллашганлиги билан чамбарчас боғлиқдир, ер ости сувлари тупроқ пайдо бўлиш жараёнига сезиларли таъсир этади. Шу сабабли хўжалик тупроқ қоплами турли даражада шўрланган ҳамда ер ости сувлари чуқурлиги турлича минераллашгандир. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари озукка элементлари билан паст даражада таъминланганлиги тадқиқотларда аниқланди. Бу худудлардаги тупроқларни озукка моддаларга эҳтиёжи кўпроқ фосфорли ва азотли ўғитларига нисбатан сезилади. Фосфор моддаларининг ялпи ва ҳаракатчан шакллари билан кам даражада таъминлангандир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ортиқова Х.Т. Бухоро воҳаси тупроқларининг экологик ҳолати // Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар: Респ.ил.амал.конф. матер. - Бухоро: 2006. - Б. 201-206.
2. Аллаёров И.Ш. Бухоро вилояти худудининг палеоэкологиясига оид маълумотлар // Қишлоқ хўжалигида экологик муаммолар: Респ. илм. амал. конф. матер. - Бухоро: 2006. -Б. 218-220.
3. Гафурова Л.А. ва бошқ. Некоторые агроботехнологии повышения плодородия орошаемых луговых аллювиальных почв пустынной зоны//Почвоведение- продовольственной и экологической безопасности страны//VII съезд Общества почвоведов им. В.В.Докучаева //Москва, 2016,с.110-112//Материалы докладов.

УЎК 631.4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Э.Қ. Каримов, катта ўқитувчи, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
С.Ў.Бобожонов, талаба, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро
Қ.М.Мухаммадов, талаба, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш тўғрисида тўлиқ маълумотлар ҳамда камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: шўрланиш, унумдор қатлам, емирилиш, чўлланиш, ер турлари, бўз ерлар, пичанзор, яйловлар, механик таркиб

Аннотация. В данной статье представлена подробная информация о состоянии и эффективном использовании земель сельскохозяйственного назначения в Республике Узбекистан, а также даны рекомендации по мерам по устранению недостатков.

Ключевые слова: засоление, плодородный слой, эрозия, опустынивание, типы почв, серые почвы, сенокосы, пастбища, механическое содержание

Abstract. This article provides detailed information on the condition and efficient use of agricultural land in the Republic of Uzbekistan, as well as recommendations on measures to address the shortcomings.

Keywords: salinity, fertile layer, erosion, desertification, soil types, gray soils, hayfields, pastures, mechanical content

Қириш. Охирги йилларда дунё микёсида унумдор тупроқ қатлами антропоген таъсир натижасида ифлосланаётгани, шўрланиш ва чўлланиш жараёнлари кучаяётгани, сув ва шамол эрозиясининг тупроқ унумдор қатламлари емирилишига олиб келаётгани, бир қанча ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг бош омили бўлишга сабаб бўлмоқда.

Тупроқдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масаласи иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан катта аҳамиятга молик. Чунки, бунда сўз инсонлар ҳаёти ва саломатлиги, шунингдек мамлакат миллий бойлигига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, бу масаланинг ечими келажак авлоднинг қандай шароитда яшашини белгилаб беради. Шундай экан, бу масаланинг ечими қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг ҳолатини доимий кузатиб бориш, аниқланган салбий ҳолатларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, муҳофаза этиш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан ҳал этилиши мумкин бўлади.

Тупроқларни деградацияга учраши, уни унумдорлигини пасайиши муаммолари дунё бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган глобал масалалар қаторига кирмоқда. Ҳозирда дунё бўйича қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерларнинг 70%, ўрмонларнинг 50, чучук дарё сувларининг 20, биологик ресурсларнинг эса 70% деярли ўзлаштириб бўлинган ва фойдаланилмоқда. Ушбу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирда мавжуд бўлган ҳар бир қарич ердан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Республика қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида қишлоқ хўжалик ер турлари алоҳида ўринни эгаллаб, улар экин (суғориладиган ва лалми) ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади. Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони 20761,6 минг гектарни, шундан экин ерлари жами 3998,5 минг гектар (суғориладиган экин ерлари 3238,8 минг га ва лалми экин ерлар 759,7 минг га) ни, кўп йиллик дарахтзорлар 388,7 минг гектарни, бўз ерлар 78,7 минг гектарни, табиий пичанзор ва яйловлар 11559,7 минг гектарни ташкил этади [1].


Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар объекти сифатида республикамизнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлари ҳизмат қилади. Тадқиқотлар услубиёти асосини ўрганилган ҳудудлар тупроқ хариталари маълумотларини таҳлил қилиш, қиёсий географик, тупроқ-картографик, лаборатория камерал-аналитик тадқиқотлар натижаларини умумийлаштириш услублари ташкил этади [2].

Тадқиқот натижалари. Республикамиз ҳудудида генетик жиҳатдан турли тупроқлар шаклланган бўлиб, улар механик таркиби, эрозияга учраганлиги, шўрланганлиги, тошлоқчилиги, гипслилиги, гумус ва озика элементлари билан таъминланганлиги каби бир қатор хосса ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади [3].

Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги механик таркибига бевосита боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик суғориладиган ерларининг 43,6% ўрта қумоқли, 23,9% енгил қумоқли, 20,3% оғир қумоқли, 8,0% қумлоқли, 2,5% қумли ва 1,7% лойли механик таркибга эга тупроқлардан иборатдир (1-расм). Лёсс ва лёссимон ётқизиклардан ташкил топган тупроқлар учун ўрта қумоқли механик таркиб яхшироқ ҳисобланади. Механик таркибнинг оғирлашиши ва енгиллашиши тупроқ сифатининг пасайишига олиб келади. Республикадаги ҳайдалма лалми тупроқларининг 71,0% ўрта қумоқли, 9,0% оғир қумоқли ва лойли, 19,0% енгил қумоқли ҳамда 1,0% қумлоқли ва қумли механик таркибга эга тупроқлар ҳисобланади [4].

Республика тупроқларининг механик таркиби бўйича ўрта қумоқ таркибли тупроқлар салмоғи юқори бўлиб, бундай тупроқларнинг сув-физик хусусиятлари мўътадил бўлади, улар етарли нам сақловчи ва сув ўтказувчан бўлиб, тузларнинг ювилиши ва ишлов берилиши осон. Механик таркиб оғирлашган сари бир қатор ноқулай сув-физик хоссалар юзага чиқиб, тупроқлар сувда осон эрувчан тузлардан ювилиши қийин, ерга ишлов бериш қуроқларига каттик қаршилиқ кўрсатади, қуриш жараёнида уларнинг юза қисмида қатқалоқ ҳосил бўлади. Енгил қумоқ таркибли тупроқлар ўзида кам

нам сақлайди, тез қурийд, шамол ва сув эрозиясига мойил, қатъий суғориш тартибини талаб қилса, қумлоқли ва қумли тупроқларнинг унумдорлиги паст бўлиб, ёмон сув-физик хоссаларга эга, шамол ва сув эрозиясига мойил бўлади.



Тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи ва улар унумдорлигининг пасайишига олиб келувчи омиллардан бири - сув эрозиясидир. Сув эрозияси тупроқ хусусиятини ёмонлаштирувчи ва унинг ишлаб чиқаришдаги хоссасини пасайтирувчи омиллар қаторига кириб, нишаблик даражасининг ортиб бориши билан эрозия жараёнлари кучаяди ва эрозия даражаси ортиб боради. Эрозияга учраган тупроқларнинг майдони оч тусли бўз тупроқлардан тоғ жигарранг тупроқларига томон кўпайиб боради. Ерни ҳайдаш эрозия жараёнини янада тезлаштиради.

Республикани суғориладиган ерларида турли даражада ирригация эрозиясига чалинган майдонлар 564,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 297,4 минг гектари кам, 200 минг гектари ўртача ва 66,9 минг гектари кучли ювилган тупроқлардир. Суғориш эрозияси жараёнлари эгатлар бўйича нотўғри суғориш оқибатида ёки текисланмаган ерларда бостириб суғориш натижасида ҳосил бўлади. Катта меъёрадаги сув билан суғоришда ҳамда эгатларни катта қияликлар йўналишлари бўйича олганда кузатилади. Сув эрозияси пайдо бўлишининг энг хавфли шакли, бу жарликларнинг ҳосил бўлишидир.

Суғориладиган ҳудудларда, айниқса Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги паст текисликлар ер ости сизот сувларининг табиий оқимларига эга эмас. Бу ердаги иқлимнинг қуруқлиги, атмосфера ёғингарчилигини камлиги ва буғланишининг юқорилиги сабабли тупроқларнинг устки қатламида сувда тез эрувчан тузлар йиғилиб қолади. Сульфат - хлорид тузларининг йиғилиши ва шўрланиш жараёнининг кескинлиги қадимдан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари чўл ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида ҳамда Марказий Фарғона ҳудуди тупроқларида кузатилади. Республикаимизда суғориладиган ерларнинг қарийб 47,5% турли даражада шўрланган бўлиб, шундан кам шўрланган ерлар 31,22% ни, ўртача шўрланган ерлар 13,63% ни ва кучли даражада шўрланган майдонлар эса 2,64% ни ташкил этади.

Республикаимизнинг чўл минтақасидаги суғориладиган ер майдонларининг асосий қисми шўрланишга мойил бўлиб, турли даражада шўрланган майдонлари Қорақалпоғистон Республикасида 75,8; Хоразм вилоятида 100; Бухорода - 86,2; Сирдарёда - 97,1; Навоийда - 83,1 ва Жиззахда 80,0% ни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларидаги суғориладиган ерларнинг қарийб 43-46% ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлардир.

Мамлакатимизнинг 70% дан ортиқ суғориладиган ерларида “гидроморф” сув режими шаклланган, бу ерларда грунт сувларининг сатҳи “критик чуқурлик”дан юқори кўтарилган (1 -2 м), ер ости оқими деярли таъминланмаган ёки кучсиз дренажлашган, асосий экин майдонларида шўрланиш, гипсланиш, айрим участкаларда ботқоқланиш жараёнлари жадаллашган, сув-туз баланси салбий томонга ўзгарган, устки қатламларда улкан тузлар захираси тўпланган.

Шамол эрозиясига сабаб бўлувчи кучли чанг-тўзонли шамоллар, гармсел оқимлар тез-тез такрорланиб турадиган, баъзан 3-4 кунлаб давом этадиган, тезлиги айрим вақтларда 35-45 м/с га етадиган, экинларни ҳимоялаш учун ихота дарахтзорларни барпо қилиш керак бўлган ҳудудлар Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Амударёнинг қуйи оқими ерларида кенг тарқалган.

Суғориладиган тупроқлар унумдорлигини чегараловчи омиллардан яна бири улар таркибидаги гумус ва озиқа моддалари миқдорларининг камайишидир. Республика турли минтақалари тупроқларида гумус миқдори турлича бўлиб, у шу тупроқларнинг келиб чиқиши, тупроқ-иқлим шароити, қўриқ ерларни ўзлаштирилиб лалмикорликда ёки суғориладиган дехқончиликда фойдаланиши, унинг муддати ҳамда қўлланиладиган агротехнологик усуллар, дехқончилик маданияти каби бир қатор омилларга боғлиқдир. Республикаимиз асосий тупроқларининг гумуси

микдори ва маълум қатламларидаги захираси хўжаликларда ердан қай даражада фойдаланганига боғлиқ ҳолда камайиши, кўпайиши ёки ўзгармай туриши мумкин. Бу эса ҳар бир алоҳида хўжаликда деҳқончилик тизимини ташкил қилинишига, органик ва минерал ўғитлар қўлланилишига, экинларни жойлаштириш ва алмашлаб экишга амал қилиш каби бир қатор омилларга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунда республика жами суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонларининг 76,6% да тупроқ ҳайдалма қатламида 0,5-1,0% оралғида гумус мавжуд бўлиб, 1,1-2,0% гача гумус бўлган ер майдонлар 22,3% ни, 2,1-3,0% гача гумус билан таъминланган майдонлар 1,0% ни ҳамда 3,0% дан юқори микдорда гумус бўлган ер майдонлари бор йўғи 0,02% ни ташкил этади.

Республикада худудлари бир-бирдан кескин фарқ қилувчи тупроқ-иклим шароитларига эга. Шу сабабли қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ривожланган тупроқларнинг ҳар бири ўзига хос хосса ва хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу тупроқларнинг унумдорлик даражаси уларнинг механик таркиби, шўрланганлиги, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги ва уларнинг минерализация, сув, шамол ва ирригация эрозиясига учраганлиги, тошлоқлилиги, гипс қатламларига эгалиги каби бир қатор табиий ва инсон таъсирида юзага келган хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Хулоса. Ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш учун энг аввало куйидаги агромелиоратив, агротехник ва агрохимёвий тадбирлар амалга оширилиши лозим:

-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида интенсив фойдаланиладиган суғориладиган ерларнинг меллиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, айниқса тупроқ шўрланишининг олдини олиш, коллектор-дренаж тармоқларининг тўла ишлашини таъминлаш, эрозияга учраган ерларда эса унинг олдини олиш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш, экинларни худудларнинг табиий-географик ўрни, сув билан таъминланганлиги даражаси, тупроқларнинг сифатига қараб табақалаштириб жойлаштириш ва бунда алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимига қатъий амал қилиш, унумдорлиги паст ерларда сувни кўп талаб қилмайдиган экинларни жойлаштириш, ерларга зарур органик ва минерал ўғитларни талаб этилган микдорда солиш;

- суғориладиган тупроқларнинг шамол ва сув (ирригацион) эрозиясидан, лалми тупроқларнинг рельеф шароитидан келиб чиқиб, сув (кучли ёғингарчилик, сел) эрозияси ва жарланишдан ҳимоялаш, суғориш усулларини такомиллаштириш, томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш усулларини жорий этиш ва ихота дарахтзорларини барпо этиш;

-маҳаллий ўғитлардан тўғри ва кенг фойдаланиш, минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш, минерал ўғитлар билан бир қаторда маъданларни (бентонит, глауконит, бентонитсимон лойлар, фосфорлар, дарё кўл ва сув омборлари ётқизиклари ва ҳоказолар) тупроқларнинг таркиби, хосса хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенг қўллаш тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади;

-суғориладиган экин ерларини самарали фойдаланиш, ер-кадастр маълумотлари билан юридик ва физик шахсларни, давлат ва маҳаллий ҳокимият раҳбарларини таъминлаш мақсадида барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачи фермерларнинг экин ерларининг йирик ва мукамал масштабда тупроқ хариталари тузилишини, суғориладиган ерларни ҳар беш йилда ва лалми ерларни ҳар ўн йилда унумдорлик даражаси (балл бонитетлари)ни аниқлаб борилишини таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. “Давергеодезкадастр” кўмитаси. Тошкент 2020 й. 10-б.
2. “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома” Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. Тошкент, 2013. 48 б.
3. Кузиев Р.К., Гафурова Л.А., Арабов С.А. Современное состояние почвенных ресурсов Узбекистана: рациональное использование и охрана почв. «Почвоведение продовольственной и экологической безопасности страны» Тезисы докладов VII съезд Общества почвоведов им. В.В. Докучаева и Всероссийской с зарубежным участием научной конференции. Москва-Белгород, 15-22 августа 2016 г. Часть II. -С. 183-184.
4. Кўзиев Р.К., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва унумдорлиги. Тошкент, “Navro‘z” нашрети, 2015. 212 б.

УЎТ: 633.511:575.127.2

ТУРЛАРАРО ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН F₁- F₄ ДУРАГАЙЛАРДА БИР ДОНА КЎСАК ВАЗНИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

С.К. Матёкубов, илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Ш.Э. Намазов, илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада интрогрессив тизмалар иштирокида чаптиштириб олинган дурагайлари бир донга кўсак вазни бўйича ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Шу жумладан, бир кўсакдаги пахта вазнини ирсийланиши полиген генларга боғлиқ бўлиб ота-она генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши ва ташиқи муҳит омилларига боғлиқ эканлиги хулоса қилинган.

Калим сўзлар: дурагай, ғўза, интрогрессив тизма, F₁- F₄ дурагай, бир дона кўсақдаги пахта вазни, ирсийланиш, ўзгарувчанлик, андоза нав, гетерозис

Аннотация. В статье представлены данные о наследственности и изменчивости смешанных гибридов при наличии интрогрессивных гребней на единицу веса. В частности, был сделан вывод, что наследование веса хлопка в коробочке зависит от полигенных генов, наследственность зависит от родительского генотипа и от факторов окружающей среды.

Ключевые слова: гибрид, хлопчатник, интрогрессивный гребень, гибрид F₁-F₄, одностержневой вес хлопчатника, наследственность, изменчивость, стандартный сорт, гетерозис

Abstract. The article presents data on the heredity and variability of hybrids mixed in the presence of introgressive ridges per unit weight. In particular, it was concluded that the inheritance of cotton weight in a cocoon depends on polygenic genes, on heredity depending on the parental genotype, and on environmental factors.

Keywords: hybrid, cotton, introgressive ridge, F₁- F₄ hybrid, single-stalk cotton weight, heredity, variability, standard variety, heterosis

Дунёдаги кўплаб пахта етиштирувчи давлатларда турли дурагайлаш тизимларидан фойдаланган холда, ғўза генофондидаги мавжуд ёввойи ва маданий турларга мансуб намуналарнинг донорлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда яратилган турлараро дурагайларнинг цитологик ва генетик хусусиятларини ўрганиш орқали улардан амалий селекцияда самарали фойдаланиш борасида кенг изланишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган изланишлар натижасида турлараро дурагайлаш услуги орқали ғўзанинг генетик жихатдан бойитилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ноёб дурагайлари ва янги навларини яратиш мумкинлиги исботланган. Жумладан, олимларнинг таъкидлашича, ғўза ирсиятини ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган белгилар билан бойитишда, бир-биридан генетик жихатдан узоқ бўлган ёввойи, ярим ёввойи турларнинг ўзига хос нодир белги хусусиятларини ҳисобга олган холда турлараро дурагайлаш, ҳозирги замон генетика ва селекция фанининг асосий омил услубларидан ҳисобланади [1]. Жумладан, мамлакатимиз олимлари тамонидан *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб маҳаллий ва Америка навлари генетик назоратда қимматли хўжалик белгиларини бошқарувчи генларнинг ўзаро таъсири бўйича сезиларли фарқ қилиши аниқланган ҳамда кўп миқдордаги навлар гуруҳи комбинатив қобилят бўйича ўрганилган ва бошланғич ашё сифатида селекция ишларига тавсия қилинган [2].

Тадқиқотнинг усуллари. Генетик-селекцион тадқиқотларда доминантлик даражаси M.G.Beil, E.R.Atkins [4] ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳамда Б.А.Доспехов [3] услубида статистик кўрсаткичларнинг катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган.

Ҳосилдорлик компоненти бўлган бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича ўрганилган тизмаларнинг кўрсаткичи ўртача 5,14 граммдан 6,3 граммга бўлиб, андоза навдан (5,2 грамм) сезиларли равишда устун бўлди.

1-жадвал

Ота-она ашёларида бир дона кўсақдаги пахта вазнини ирсийланиши

Материал	M±m	σ	V,%
Андоза С-6524	5,2±0,11	1,01	3,80
Султон	6,3±0,39	1,25	9,8
T-4672-73/16	5,73±0,24	1,04	8,2
T-4674-77/16	5,26±0,29	1,28	4,4
T-4679-81/16	5,95±0,15	0,72	2,1
T-4684-86/16	5,09±0,16	0,54	4,6
T-138/16	5,93±0,22	0,88	4,9
T-470/1/16	5,37±0,27	1,08	2,2
T-95/16	5,41±0,16	0,77	1,3
T-158/16	5,93±0,21	0,85	1,3
T-200/16	4,75±0,25	0,5	1,5
T-МВГ/16	5,71±0,28	1,07	1,7
T-58/16	5,35±0,24	0,99	1,6
T-1979/16	5,14±0,34	0,90	1,5
T-175/248/16	5,44±0,24	0,72	1,3
T-12/06/16	5,15±0,29	1,06	1,7
T-4747-48/16	5,27±0,19	0,64	1,2
T-БСГ/16	5,75±0,47	0,95	1,6
T-588/16	5,5±0,86	1,73	1,4

Жумладан, андоза нав сифатида олинган ўрта толали С-6524 ғўза навидан 0,20 граммдан 1,1 граммга юқори бўлганлиги тадқиқотларда ўз аксини топди. Масалан, T-95/16 0,2 грамм, T-4672-73/16 0,35 грамм, T-БСГ/16 0,55 грам ва Султон 1,1 грамм ва бир дона кўсақдаги пахта вазни ортиқчалиги билан бошқа дурагайларга қараганда ажралиб турди. Шу билан бир каторда ота-оналик сифатида

иштирок этган айрим линия ва тизмалар андоза навга нисбатан салбий натижаларни ҳам ўз тадқиқот натижаларида кўришимиз мумкин. Жумладан Т-200/16, Т-1979/16 ва Т-12/06/16 тизмалари андоза навга нисбатан паст натижаларни кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

F₁ дурагайларда бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда ўртача 5,2 граммдан (F₁Т-МВГ/16 х Султон) 6,35 граммгача (F₁Т-4679-81/16 х Султон) бўлганини кузатишимиз мумкин. Дурагайлар оталик сифатида иштирок этган ўрта толали Султон ғўза навига таққослаганда (6,3 грамм) фақатгина битта дурагай F₁Т-4679-81/16 х Султон (6,35 грамм) Султон навига нисбатан ижобий натижа олинди. Қолган дурагайларда Султон навига нисбатан салбий натижага эришилди. Дурагайларда (hp) гетерозис кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинганда F₁Т-4679-81/16 х Султон, F₁Т-470/1/16 х Султон, F₁Т-158/16 х Султон, F₁Т-58/16 х Султон, F₁Т-175/248/16 х Султон, F₁Т-12/06/16 х Султон, F₁Т-4747-48/16 х Султон дурагайларида ижобий гетерозис аниқланди. Қолган дурагайларда эса салбий гетерозис аниқланди.

Чатиштириб олинган F₂ дурагайларда бир дона кўсақдаги пахта вазни ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари 5 граммдан 6 граммгача бўлганини кўришимиз мумкин (2-жадвалга қаранг). F₂ дурагайлар бошланғич ашёлар оталик сифатида иштирок этаётган ўрта толали Султон ғўза навига таққосланганида деярли барча дурагайлар Султон ғўза навидан паст натижаларни кўрсатишди. Оналик сифатида иштирок этган дурагайларга таққосланганида F₂Т-4684-86/16 х Султон, F₂Т-470/1/16 х Султон, F₂Т-95/16 х Султон, F₂Т-200/16 х Султон, F₂Т-58/16 х Султон, F₂Т-175/248/16 х Султон, F₂Т-4747-48/16 х Султон дурагайлари оналик сифатида иштирок этган ашёлардан баланд кўрсаткичларни намоён қилди. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки бир дона кўсақдаги пахта вазнини намоён қиладиган генлар полиген генлар ҳисобланиб оралиқ ҳолда ирсийланади. Дурагайларнинг вариацион ўзгарувчанлик коэффицентининг ирсийланишига кўра 9,33% дан 20,1% гача бўлганлиги аниқланиб ўзгарувчанлик амплитудаси юқори даражада эканлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича стабил ҳолатга келмаганлигини тадқиқот натижаларида кўришимиз мумкин (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

F₁-F₄ авлод дурагайларида бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги

Комбинация	F ₁ дурагай			F ₂ дурагай			F ₃ дурагай			F ₄ дурагай		
	M±m	V%	hp	M±m	V%		M±m	V%		M±m	V%	
Т-4672-73/16 х Султон	5,66±1,09	14,3	-0,7	5,5±0,34	19,64		5,89±0,29	18,64		5,76±0,11	8,54	
Т-4674-77/16 х Султон	5,38±0,76	17,8	-1,1	5±0,26	20		5,86±0,20	13,11		5,66±0,20	11,02	
Т-4679-81/16 х Султон	6,35±1,80	27,6	4,5	5,5±0,13	9,33		6,48±0,30	17,48		6,61±0,10	7,54	
Т-4684-86/16 х Султон	5,71±1,18	15,6	-0,2	5,9±0,27	20,5		6,52±0,24	14,14		6,47±0,15	10,12	
Т-138/16 х Султон	5,36±0,59	15,2	-1,6	5,05±0,18	16,3		5,85±0,35	22,85		5,54±0,37	18,65	
Т-470/1/16 х Султон	5,60±2,64	17,2	0,1	5,5±0,25	20,8		6,03±0,30	19,19		5,90±0,13	9,44	
Т-95/16 х Султон	5,86±1,79	12,0	-0,4	5,6±0,24	19,2		5,71±0,29	18,99		5,75±0,12	9,12	
Т-158/16 х Султон	5,45±1,92	14,4	0,1	5,5±0,18	14,8		6,52±0,40	23,16		6,02±0,30	18,11	
Т-200/16 х Султон	5,69±2,63	19,1	-0,2	6,06±0,24	15,8		6,04±0,28	17,46		6,11±0,14	10,06	
Т-МВГ/16 х Султон	5,2±3,75	15,5	-7,0	5,7±0,18	14,3		6,44±0,27	16,13		6,35±0,17	12,19	
Т-58/16 х Султон	6,02±2,26	19,3	1,1	5,6±0,23	18,7		6,18±0,23	14,37		6,00±1,03	22,31	
Т-1979/16 х Султон	5,35±2,36	19,9	-3,3	5,3±0,18	15,1		6,23±0,16	9,92		5,96±0,16	11,72	
Т-175/248/16 х Султон	5,88±1,69	18,0	0,5	5,6±0,16	13,4		5,86±0,22	14,31		5,88±0,20	13,21	
Т-12/06/16 х Султон	5,52±2,84	19,5	0,2	5,3±0,25	21,2		5,78±0,25	16,41		5,90±0,18	14,42	
Т-4747-48/16 х Султон	5,57±2,49	19,9	0,5	5,6±0,28	17,8		6,32±0,18	11,06		6,28±0,15	10,09	
Т-БСГ/16 х Султон	5,54±1,04	15,3	-0,8	5,75±0,19	14,8		5,96±0,28	17,65		6,00±0,25	16,54	
Т-588/16 х Султон	5,5±3,03	19,2	-0,6	5,05±0,15	13,6		5,78±0,27	17,66		5,69±0,28	17,96	

F₃ дурагайларда бир дона кўсақдаги пахта вазни ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда дурагайларнинг кўрсаткичлари 5,71 граммдан 6,48 граммгача бўлганини кўришимиз мумкин. F₃ дурагайлар андоза навга таққосланганида деярли барча дурагайлар андоза С-6524 ғўза навидан юқори натижаларни кўрсатишди. Дурагайларнинг вариацион ўзгарувчанлик коэффицентининг ирсийланишига кўра 9,92% дан 23,16% гача бўлганлиги аниқланиб ўзгарувчанлик амплитудаси юқори даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Бу шундан далолат берадики, бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича стабил ҳолатга келмаган.

F₄ дурагайларда бир дона кўсақдаги пахта вазнининг ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики бир дона кўсақдаги пахта вазни 5,54 граммдан (Т-138/16 х Султон) 6,61 граммгача (Т-4679-81/16 х Султон) бўлади. Дурагай комбинациялар андоза навга ўрта толали С-6524 (5,2 грамм) навига таққослаганда деярли барча дурагайлар андоза навдан устунликни намоён қилди. Дурагайлар орасида Т-4679-81/16 х Султон, Т-4684-86/16 х Султон, Т-МВГ/16 х Султон ва Т-4747-48/16 х Султон дурагайлари бошқа дурагайлардан бир дона кўсақдаги пахта вазни юқорилиги билан фарқланиб турди.

Тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, бир кўсақдаги пахта вазнини ирсийланиши полиген генларга боғлиқ бўлиб ота-она генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши мумкин. Шу жумладан бир дона кўсақдаги пахта вазни ташқи муҳит омилларига, агротехник тадбирларга боғлиқдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев А.А. Эволюция и систематика полиплоидных видов хлопчатника.—Тошкент: ФАН, 1974. — 260 с.

2. Ахмедов Д.Х. Комбинационная способность сортов средневолокнистого и тонковолокнистого хлопчатника по урожаю и другим хозяйственноценным признакам.//Вестник аграрной науки Узбекистана. -Тошкент, 2003. - №3(13).-Б.47-49.

3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований. – Москва: Колос, 1985.– 416 с.

4. Beil G.M., Atkins R.E. Intermittent in quantitative characters in grain sorghum-Iowa state journal of science. – 1965.V.39.- 3 –p. 35-37.

УЎТ: 633.511:575.127.2

ИНТРОГРЕССИВ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИ ИШТИРОКИДА ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН F₁-F₄ ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА УЗУНЛИГИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Ш.Э. Намазов, илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

С.К. Матёкубов, илмий ходим, ПСУЕА ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада интрогрессив тизмаларни чапиштиришдан олинган F₁-F₄ дурагайларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: ғўза, дурагай, тола узунлиги, фенотип, генотип, ирсийланиш, ўзгарувчанлик, гетерозис, салбий ирсийланиш, оралиқ ирсийланиш, ижобий ирсийланиш

Аннотация. В статье представлены результаты научного исследования наследственности и изменчивости гибридов F₁-F₄, полученных от скрещивания интрогрессивных гребней.

Ключевые слова: хлопок, гибрид, длина волокна, фенотип, генотип, наследственность, изменчивость, гетерозис, отрицательное наследование, промежуточное наследование, положительное наследование

Abstract. The article presents the results of a scientific study on the heredity and variability of F₁-F₄ hybrids obtained from crossbreeding of introgressive ridges.

Keywords: cotton, hybrid, fiber length, phenotype, genotype, heredity, variability, heterosis, negative inheritance, intermediate inheritance, positive inheritance

Кириш. Бугунги кунда пахта етиштирувчи давлатларда мавжуд ғўза генофондидан фойдаланиш асосида пахтачиликни ривожлантириш, хусусан ҳосилдорликни ошириш ва тола сифатини яхшилашга доир илмий изланишлар долзарблигини йўқотмаган. «Маълумки, дунёдаги пахта етиштирувчи давлатлар 100 дан ортиқ бўлиб» [7], тола ҳосили бўйича юқори ўринларни Австралия (2,3 т/га), Бразилия (1,76 т/га) ва Хитой (1,72 т/га) каби давлатлар эгаллаб, Ўзбекистонда эса, тола ҳосилдорлиги 0,75 т/га ташкил этади [8]. Бу эса, республикамиз генофондидаги ёввойи ғўза намуналарини жалб этиш орқали хўжалик учун қимматли белгилар бўйича ноёб донорларни аниқлаш ва уларни селекция жараёнига жалб этиш борасидаги тадқиқотларни кучайтиришни талаб этади.

Республикамиздаги ғўза генофондида ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган кўплаб ёввойи турларга мансуб намуналар мавжуд. Масалан, диплоид ғўза турлари *G.thurberi* Tod. вертициллёз вилтга ва гоммозга, гуллаш ва етилиш даврида курғокчиликка, *G.davidsonii* Kell., *G.raimondii* Ulbr., *G.klotzschianum* Anders., санчиб-сўрувчи зараркундларга, *G.trilobum* Skovsted, *G.thurberi* Tod., *G.sturtianum* Will. - паст ҳароратга чидамлик каби хусусиятларига эга бошланғич ашёлардан ҳисобланади. Ушбу турларга хос ноёб белгиларни амалий селекция жараёнига жалб этиш ҳамда уларни дурагайларда ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Турлараро чапиштириб олинган F₂-F₃ дурагайларда тола узунлиги ва тола чиқими бўйича кенг трансгрессив ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда ушбу белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган рекомбинантларни танлаш имконияти ошиши мумкинлиги қайд этиб ўтилган [3].

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан турлараро дурагайлаш асосида ёввойи ғўза турларидаги ноёб белги-хусусиятларни маданий навларга ўтказиш ва генетик жиҳатдан бойитилган, ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда турли ноқулай шароитларга чидамли бўлган бошланғич ашёлар ажратиш олиш ва улардан амалий селекция жараёнида фойдаланиш, қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга янги навлар яратиш имкониятини ошириш мумкинлиги исботлаб берилган, шу жумладан кўпчилик ўзбек олимлари ҳам қимматли хўжалик белгилари бўйича ўз изланишларини олиб боришган [1,4,6].

Тадқиқотнинг объекти сифатида ПСУЕАИТИ нинг “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида турли йилларда яратилган ўрта толали ғўзанинг Султон нави, Т-4672-73/16, Т-4674-77/16, Т-4679-81/16, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-158/16, Т-200/16, Т-МВГ/16, Т-58/16, Т-1979/16, Т-175/248/16, Т-12/06/16, Т-4747-48/16, Т-БСГ/16, Т-588/16 интрогрессив тизмалари ҳамда андоза нав сифатида ўрта толали ғўзанинг С-6524 навидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Генетик-селекцион тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», топкросс услуби С.П.Яковлев, Б.Н.Болдырихина (1979) да, доминантлик даражаси

M.G.Beil, E.R.Atkins [5] ishlarida keltilirilgan S.Wright formulasi b'yyicha hamda B.A.Dospexov [2] uslubida statistik k'ursatkichlarining katta va kichik tanlanmalarida ishlovdan utkazilgan.

Toila uzunligining F₁ duraqaylarida irsilylaniishi b'yyicha olib borilgan tadqiqotlar asosida aksariyat kombinatsiyalarda belgi b'yyicha ijobiy va salbiiy heterozis yoz berishi aniqlandi. Y'ni, 8 ta kombinatsiyada (F₁T-4672-73/16 x Sul-ton, F₁T-4674-77/16 x Sul-ton, T-158/16 x Sul-ton, F₁T-MBG/16 x Sul-ton, F₁T-58/16 x Sul-ton, F₁T-1979/16 x Sul-ton, F₁T-175/248/16 x Sul-ton va F₁T-12/06/16 x Sul-ton) yuqori darajadaagi ijobiiy heterozis, 4 ta kombinatsiyada yuqori darajadaagi salbiiy heterozis (F₁T-4679-81/16 x Sul-ton, F₁T-4684-86/16 x Sul-ton, F₁T-95/16 x Sul-ton va F₁T-200/16x Sul-ton), 1 ta duraqayda t'ulik ijobiiy dominantlik (F₁T-470/1/16 x Sul-ton) hamda kolgan duraqaylarda salbiiy oralik irsilylaniish kuzatildi. F₁ duraqaylarda toila uzunligining urtach k'ursatkichi 33,8 mm dan (F₁T-4684-86/16 x Sul-ton) 37,2 mm gacha (F₁T-MBG/16 x Sul-ton) bulgani aniqlandi. Toila uzunligi b'yyicha F₁T-MBG/16 x Sul-ton, F₁T-4672-73/16 x Sul-ton, F₁T-58/16 x Sul-ton va F₁T-1979/16 x Sul-ton kabi kombinatsiyalari nisbatan yuqori natija (35,0 mm.dan yuqori) namo'en etishdi. Toila uzunligining F₂ duraqaylarida irsilylaniishi b'yyicha olib orilgan tajribalar belgining urtach k'ursatkichi 31,9±0,34 mm (F₂T-4679-81/16 x Sul-ton) dan 34,9±0,60 mm (F₂T-4672-73/16 x Sul-ton) gacha bulganini k'ursatdi. Duraqaylarda belgining variatsiya k'ursatkichlarini taxlili asosida keng diapozondaagi uzgaruvchanlikni guvoxi bulishimiz mumkin. Jumladan, uzgaruvchanlik dara-jasi 4,31% (F₂T-200/16 x Sul-ton) dan 9,15% (F₂T-4674-77/16 x Sul-ton) gacha bulganligi kuzatildi. Ushbu ma'umotlar asosida urganilgan introgressiv g'za tizmalari ish-tirokida olingan F₂ duraqaylarda toila uzunligi b'yyicha keng uzgaruvchanlik yuqori k'ursatkichga ega rekombinantlarni aniq-lash uchun kup mikdor-daagi usimliklarni tax-lil qiliish zarurligidan dalolat beradi. Introgressiv g'za tizmalari ish-tirokida olingan F₃ duraqaylarida toila uzunligining urtach k'ursatkichi 32,4±0,27 mm (F₃T-588/16 x Sul-ton) dan 35,7±0,21 mm (F₃T-58/16 x Sul-ton) gacha bulganini k'urishimiz mumkin (5-jadval). Toila uzunligi b'yyicha urganilgan aksariyat kombinatsiyalar andoza nav sifati-da olingan urta tolali C-6524 g'za naviga (33,1±0,33) nisbatan ijobiiy k'ursatkichlar-ga ega buldi. Jumladan, F₃T-MBG/16 x Sul-ton (35,6±0,32), F₃T-58/16 x Sul-ton (35,7±0,21), F₃T-4674-77/16 x Sul-ton (35,4±0,35) va bo-shqa duraqaylar andoza navga nisbatan toila uzunligi b'yyicha ustun bulishdi. Biroq, ayrim duraqaylar xusus-an, F₃T-588/16x Sul-ton (32,4±0,27) kombinatsiyasi andoza navga nisbatan past k'ursatkich-ga ega bulganligi aniqlandi.

F₁-F₄ duraqaylarda toila uzunligining irsilylaniishi va uzgaruvchanligi

Kombinatsiya	F ₁ duraqay			F ₂ duraqay			F ₃ duraqay			F ₄ duraqay		
	M±m	V%	hp	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	
T-4672-73/16 x Sul-ton	35,9±0,50	5,43	2,8	34,9±0,60	8,62	34,5±0,46	5,07	35,2±0,41	5,00			
T-4674-77/16 x Sul-ton	34,8±0,43	7,11	2,6	34,3±0,63	9,15	35,4±0,35	3,75	35,0±0,25	2,85			
T-4679-81/16 x Sul-ton	33,9±0,24	4,21	-1,4	31,9±0,34	5,20	33,9±0,24	2,75	33,6±0,28	3,05			
T-4684-86/16 x Sul-ton	33,8±0,55	5,35	-3,0	33,4±0,35	5,44	33,7±0,42	4,71	34,0±0,62	6,81			
T-138/16 x Sul-ton	34,6±0,41	6,13	1,0	33,2±0,40	6,06	34,2±0,42	4,62	34,6±0,40	4,41			
T-470/1/16 x Sul-ton	34,0±0,48	6,13	-1,0	33,7±0,44	6,61	34±0,31	3,41	33,8±0,21	3,05			
T-95/16 x Sul-ton	33,7±0,27	5,78	-7,0	32,7±0,37	5,84	33,7±0,46	5,19	34,1±0,26	3,10			
T-158/16 x Sul-ton	34,5±0,32	6,10	2,0	33,7±0,42	6,75	35,0±0,53	5,66	34,8±0,55	5,86			
T-200/16 x Sul-ton	33,9±0,18	2,36	-1,2	33±0,28	4,31	34,3±0,42	4,62	34,0±0,48	5,62			
T-MBG/16 x Sul-ton	37,2±0,41	4,25	33,0	32,2±0,41	6,15	35,6±0,32	3,38	35,2±0,22	2,28			
T-58/16 x Sul-ton	35,4±0,45	5,80	3,7	33,4±0,45	6,92	35,7±0,21	2,21	36,0±0,25	2,88			
T-1979/16 x Sul-ton	35,2±0,36	5,00	13,0	33,1±0,36	5,58	34,0±0,40	4,44	34,8±0,47	4,91			
T-175/248/16 x Sul-ton	34,8±0,40	5,13	2,6	32,6±0,40	6,18	34,7±0,58	6,25	33,8±0,58	5,95			
T-12/06/16 x Sul-ton	35,0±0,52	8,27	19,0	34,8±0,52	7,48	35,1±0,34	3,72	35,4±0,44	5,58			
T-4747-48/16 x Sul-ton	34,6±0,47	4,78	-0,1	33,9±0,46	7,08	33,7±0,37	4,18	34,1±0,57	6,02			
T-BCG/16 x Sul-ton	34,6±0,47	7,55	-0,6	33,6±0,40	6,17	34±0,38	4,18	34,2±0,46	5,48			
T-588/16x Sul-ton	34,6±0,44	4,76	-0,7	33,5±0,41	6,26	32,4±0,27	3,13	34,8±0,71	6,96			
Andoza C-6524								33,1±0,33	3,38			

F₄ duraqaylarda toila uzunligining irsilylaniishi b'yyicha olib borilgan ilmiy tadqiqotlar natijalari shuni k'urasatdiki, duraqaylarning toila uzunligi 33,8±0,21 (F₄ T-470/1/16 x Sul-ton) mm dan 35,4±0,44 (F₄ T-12/06/16 x Sul-ton) mm gachaligi aniqlandi. Duraqaylar andoza nav urta tolali C-6524 g'za naviga taqqoslaganda (33,1±0,33) deyarli barcha duraqaylar andoza navga nisbatan 0,7 mm dan 2,3 mm gacha tolasi uzun bulganligini kuzatishimiz mumkin. Duraqaylar orasida F₄ T-12/06/16 x Sul-ton, F₄ T-MBG/16 x Sul-ton va F₄ T-4672-73/16 x Sul-ton duraqaylari bo-shqa duraqaylar-ga qaraganda tolasi uzunroq buldi. Shunday qilib, izlaniishlarimiz davomida, toila uzunligining irsilylaniishi b'yyicha olib borilgan tadqiqotlar-ga k'ura T-4672-73/16 x Sul-ton, T-4674-77/16 x Sul-ton va T-12/06/16 x Sul-ton duraqaylari yillar davomida bir-biridan keskin farq qil-maydigan natijalar olin-di. Jumladan, T-4672-73/16 x Sul-ton duraqayi F₁ da 35,9±0,50, F₂ da 34,9±0,60, F₃ da 34,5±0,46 va F₄ da 35,2±0,41 kabi natijalar-ga erishilgan bulsa, T-4674-77/16 x Sul-ton duraqayi esa F₁ da 34,8±0,43, F₂ da 34,3±0,63, F₃ da 35,4±0,35 va F₄ da 35,0±0,25 kabi natijalar olin-di, T-12/06/16 x Sul-ton duraqayida esa yillar kesimida F₁ da 35,0±0,52, F₂ da 34,8±0,52 F₃ da 35,1±0,34 va F₄ da 35,4±0,44 kabi bir-biriga yaqin natijalar olin-di. Bu shundan dalolat beradiki, mazkur duraqaylar toila uzunligi b'yyicha bo-shlang'ich ash sifati-da keyingi seleksion izlaniishlarimizda ishlatishimiz mumkin.

Хулоса.

1. Дурагайларда йиллар давомида бир-биридан кескин фарқланувчи натижаларни пайдо бўлиши дурагайларни миқдорий белгилар билан ирсийланиши билан бир қаторда ташқи муҳит факторлари ҳам таъсир қилиши мумкин.

2. Тола узунлиги бўйича Т-4672-73/16 х Султон, Т-4674-77/16 х Султон ва Т-12/06/16 х Султон дурагайларида йиллар давомида бир-биридан кескин фарқ қилмайдиган натижалар олиниб, бу дурагайлар кейинги изланишларга бошланғич ашё сифатида танлаб олинди.

3. Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида яратилган F₂-F₃ дурагайлари орасидан тола узунлиги белгиларининг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни ажратиш имконияти юқори эканлиги тасдиқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев С.Ф., Муратов Ф.А. Ғўзанинг турлараро мураккаб дурагайлаш// Монография. Тошкент-2017. С. 126-127.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований. – Москва: Колос, 1985.– 416 с.
3. Матёкубов С. К., Намазов Ш. Э., Юлдашева Р. А., Ниятов Б. И. Турлараро ғўза дурагайларида тола чикими ва тола узунлигининг ўзгарувчанлиги ва ўзаро корреляцияси.// *Raxtachilik va donchilik* 2021 №1. 56-64.б.
4. Намазов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника-Ташкент: “Nishon-Noshir”, 2014. 56-179 с.
5. Beil G.M., Atkins R.E. Intermittent in quantitative characters in grain sorghum-Iowa state journal of science. – 1965.V.39.- 3 –p. 35-37.
6. Namazov Sh., Boboev S., Kholmurodova G. and y. Effectiveness of interspecific hybridization of cotton to improve some agronomic traits.//6th Meeting of the Asian Cotton Research and Development Network. -Dhaka, Bangladesh, June 18-20. - 2014. – 17-p
7. FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020
8. Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

УЎТ: 635.934.7: 931:937:934.

ЯПОН ТУХУМАГИ (SOPHORA JAPONICA L.) ДА APHIS CRASSIVORA ШИРАСИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

З.Н. Нафасов, к/х.ф.ф.д., к.и.х., Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Тошкент

Н.Ж. Аллаяров, докторант, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Тошкент

Д. Маминава, мустақил тадқиқотчи, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мақолада Ўзбекистондаги манзарали япон тухумаги дарахтларига зарар келтирувчи акация ширасига қарши самарали кимёвий кураш чоралари келтирилган.

Калим сўзлар: япон тухумаги, ҳашарот, дуккакдошлар, манзарали, препарат, дуккак, ширалар, зараркунанда

Аннотация. В данной статье приведены эффективные меры химической борьбы против акациевый тли на декоративных деревьях японской сафоры в Узбекистане.

Ключевые слова: японская сафора, насекомый, бобовые, декоративный, препарат, бобы, тли, вредитель

Abstract. This article describes effective chemical control measures against acacia aphids on ornamental Japanese safora trees in Uzbekistan.

Keywords: japanese saphora, insect, legumes, ornamental, drug, beans, aphids, pest

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларида аҳоли яшаш ҳудудларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда бир қанча илмий ташкилотлар, кўчатчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар фаолият кўрсатмоқда. Кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган манзарали дарахтлар ва буталар турларини кенгайтириш, ўлкамиз шароитларига мослаша оладиган нав ва шакллари излаб топиш, илмий даражада асосланган технология бўйича парваришлашни татбиқ этиш – бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Ўзбекистонда мавжуд кўкаламзорлаштириш материаллари ассортименти чекланган бўлиб, уни кўпайтириш ва яхшилаш муҳимдир. Кўчатхоналарда нобоп, Республикамиз иқлим шароитини ҳисобга олмасдан чет мамлакатлардан олиб келинган ўсимликларни экиш ва кўпайтириш ярамайди. Шаҳарларда экишга мос бўлган, чидамли ва кўп йиллик, қимматли манзарали дарахтлардан япон сафораси, ленькоран альбицияси, канада багрянниги, оқ акация, бундук, гледичия, жўка, каштан, эман, явор заранги, ўткир баргли заранг, лола дарахти, катальпа, рябина, граб, игна барглиларнинг бир неча турларини экишга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.

Манзарали дарахтлар биоценозида тоғли ва суғориладиган ҳудудларда турли зараркунандалар шира, қалқондор, қандала, уруғхўр, тунлам, симкурт, бузқош, қуйрукли бузқошларнинг кўплаб учраши аниқланган. Ўрмон хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалар ва касаллик

кўзгатувчилари, бегона ўтларнинг тарқалиши, ривожланиши, зарарлилик даражаси, тупроқ-иқлим шароитлари, агротехника усуллари ҳамда етиштирилаётган экин навига боғлиқ. Шу сабабли зараркунанда, касалликларга чидамли, серҳосил экин навлари алмашлаб экиш тизимини зарарли организмлардан (касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлар) ҳимоя қилишнинг илғор усулларини жорий қилиш зарур. Кўкаламзорлаштириш учун қўлланилаётган манзарали дарахт-бута турлари ассортиментини бойитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўкаламзорлаштириш мақсадида тавсия этилаётган дарахт-бута турлари манзарали кўринишга эга бўлиши билан бир пайтда шаҳарнинг тутунли-газли ва чангли муҳитига биологик чидамли бўлиши ва архитектуравий ҳамда санитар-гигиеник талабларга ҳам жавоб бериши лозим.

Сўнги йилларда манзарали дарахтлардан шаҳар ва қишлоқ хиёбонларини безаш, кўкаламзорлаштириш мақсадида кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилган. Улар орасида энг кўп тарқалган турлардан бири бу япон тухумаги *Sophora japonica* L. дир. Унинг бўйи 20 м дан ортади, шох-шаббаси ёйиқ, шарсимон, ниҳоятда гўзал. Барглари навбат билан жойлашади, тоқ патсимон тузилган бўлиб, 7-17 та тухумсимон баргчалардан иборат.

Тухумак май ойида гуллайди, гуллари оқ сариқ, капалаксимон бўлиб, новдасиннинг учида шингил рўпак ҳосил қилади. У нектар чиқариб турадиган ўсимлик. Уруғи қора бўлиб, ловияга ўхшаб кетади. У баҳорда сепилса, 10-15 кундан сўнг униб чиқади. Ўқ ва ён илдизлари бақувват бўлиб ривожланади, тўнкасидан кўкаради.

Аммо япон тухумагига сўрувчи зараркунандалар жиддий зарар етказиши ва бутун дарахт танасидаги суюқликни сўриб олиб, дарахтларнинг нимжонлашишига олиб келади. Зараркунандаларнинг миқдорини кескин ошириб бориш сабаблари, зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш ареали, зарар келтириш даражаси ва унга қарши кураш чоралари етарлича ўрганилмаган. Олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам зараркунандаларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши, зарар келтириши ва уларга қарши кураш чоралари ўрганилиб, бу зараркунандаларга қарши экологик хавфсиз ва самарали кураш чоралари тизими ишлаб чиқиши лозим.

Ширалар. Тенг қанотлилар - Homoptera туркуми ширалари—Aphidinea кенжа туркумига мансуб. Одатда ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида ва баргларида яшовчи майда (0.5-8 мм) ҳашаротлардир.



1 – расм. *Aphis crassivora* зарарлаётган япон тухумагининг мевалари

Танаси юмшоқ ва нозик, айримлари майин куқун ёки оқ момиқ билан қопланган. Танасининг туси кўкишдан кўнғир, ҳатто қорагача ўзгаради, айримлари қизғиш ёки оч сиеҳ рангда, одатда озикланаётган муҳит рангига ўхшайди. Тухумлари ялтироқ қора, чўзиқ овал шаклда.

Ҳашаротларни ҳисобга олиш ишлари кимёвий препаратлар билан ишлов берилгандан олдин ва ишловдан кейин 1, 3, 7, 14 21 ва 28 кунлари ўтказилди. Препаратларнинг биологик самарадорлиги W.S.Abbot (1925) формуласи ёрдамида ҳисобланди.

2019-2020 йилларда Япон тухумаги дарахтларида кузатув ишлари олиб борилди. Кузатув натижаларига кўра ширалар билан зарарланганлиги аниқланди. Шираларга қарши кимёвий препаратлардан Энтолучо, 20% сус.к., Би-58 (янги), 40% ли эм.к., Би-58 (янги), 40% ли эм.к., қўлланилди. Бу препаратларга андоза сифатида Багира, 20% с.э.к. препарати қўлланилди.

Энтолучо, 20% сус.к сарф меъёри 0,3 л/га миқдорида қўлланилганда ҳисоб кунининг 1-кунида 47%, 3-кунида 71%, 7-кунида 81%, 14-кунида 92% ва 21-28 кунларида 100% биологик самарадорликни кўрсатди. Би-58 (янги) 40% ли эм.к. 1,5 л/га сарф меъёрида қўлланилганда ҳисоб кунининг 1-кунида 45%, 3-кунида 75%, 7-кунида 84%, 14-кунида 90%, 21 ва 28- кунларида эса 96% биологик самарадорликни ташкил қилди. Би-58 (янги), 40% ли эм.к. 2,0 л/га сарф меъёрида қўлланилганда ҳисоб кунининг 1-кунида 43%, 3-кунида 75%, 7-кунида 84%, 14-кунида 100%, биологик самарадорликни ташкил этди.

Андоза сифатида қўлланилган Багира, 20% с.э.к. препарати 0,3 л/га сарф меъёрида

қўлланилганда ҳисоб кунининг 1-кунда 46%, 3-кунда 75%, 7-кунда 85%, 14-кунда 95% ва 21-28 кунларида 100% биологик самарадорликни ташкил этди (1-жадвал).

1- жадвал

Япон тухумагида шираларга қарши кимёвий препаратларнинг таъсири
(Тошкент шаҳри М.Улугбек, тумани, ишчи суюқлиги 1000 л/га, 2019-2020 йй.)

Вариантлар (препаратлар номи)	Дори сарфи, л(кг)/га	Япон тухумагининг бир бош мевасида зараркунандаларнинг ўртача сони, дона						Биологик самарадорлик кунлар бўйича, (%)				
		дори сепишдан олдин	Дори сепишдан кейин, кунлар бўйича					1	3	7	14	21
			1	3	7	14	21					
Назорат	-	178.7	179.9	178.3	174.2	181.6	188.7	-	-	-	-	-
Энтолучо, 20% сус.к.	0,3	181.7	96.4	52.1	32.7	14.5	0	47	71	81	92	100
Би-58 (янги), 40 % ли эм.к.	1,5	180.7	99.6	44.2	27.9	17	7.5	45	75	84	90	96
Би-58 (янги), 40 % ли эм.к.	2,0	177.9	100.7	44.9	27	0	0	43	75	84	100	
Багира, 20% с.э.к. (андоза)	0.3	177.5	95.2	44.1	24.6	8.4	0	46	75	85	95	100

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хужаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нчи нашр). «КОНИ-NUR» МЧЖ Тошкент, 2004. 103 б.
2. Хужаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалиги энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари. «Yangi Nashr Nashriyoti» МЧЖ Тошкент, 2019.203 б.
3. Abbot W.S. A method of computing the effectiveness of an insecticide //J. Econ. Entomol. – Vol. 18. – 1925. - N 3. – P. 265-267.
4. Nafasov Z.N. Controlling mealybug (*Planococcus vovae* Nas., Homoptera, Pseudococcidae) in Uzbekistan using mealybug ladybird (*Cryptolaemus montrouzieri* Muls., Coleoptera, Coccinellidae). Science and World // International scientific journal.– Volgograd, -№ 3 (31) 2016. Vol. 1. p.107-109 (IF – 0.325).

УЎТ:361.4.2/4(584.4).10

**ПОМИДОР ЭКИНИГА ТУРЛИ МЕЪЁРЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МАЪДАНЛИ
ЎҒИТЛАРНИНГ ТУПРОҚДАГИ АММОНИЙ ШАКЛИДАГИ АЗОТ (N-NH₄) МИҚДОРИГА
ТАЪСИРИ**

О.У.Нормуратов, мустақил тадқиқотчи, Термиз давлат университети, Термиз
Х.Х.Зокиров, к/х.ф.н., доц., Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Ушбу мақолада ҳар-хил меъёрларда помидор экинига маъданли ўғитларни қўллашнинг, экиннинг ўзлаштиришига боғлиқ ҳолда, тупроқдаги аммоний шаклидаги азот (N-NH₄) миқдорининг мавсум давомида ўзгариб туриши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: помидор, азотли, фосфорли, калийли ўғитлар, аммоний шаклидаги азот, озик элементлар

Аннотация. В этой статье представлена информация о изменении аммонийного азота (N-NH₄) в почве в течение сезона, в зависимости от количества внесенных минеральных удобрений в посевах томатов.

Ключевые слова: томаты, азот, фосфор, калийные удобрения, азот в аммонийной форме, питательные вещества

Abstract. This article provides information on the application of mineral fertilizers to tomato crops at different rates, since the amount of ammonium-shaped nitrogen (N-NH₄) in the soil changes during the season, depending on the assimilation of the crop.

Key words: tomatoes, nitrogen, phosphorus, potash fertilizers, nitrogen in ammonium form, nutrients

Кириш. Бугунги кунда дунёда энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавотлардан бири помидор бўлиб, бу экин дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида жами 5 млн. гектарга яқин майдонда экилиб, ҳар йили 160 млн. тоннадан ортиқ помидор ҳосили етиштирилади. Дунёда бўйича АҚШ, Хитой, Россия, Италия, Испания, Ҳиндистон, Туркия ва Миср давлатларининг сабзавот етиштиришдаги асосий экинларидан ҳисобланади. Помидор инсон организми учун энг фойдали бўлган органик кислоталар, минерал элементлар, витаминлар, қандларга бой сабзавот экини ҳисобланади.

Ерлардан тўғри фойдаланиш, яъни қўлланиладиган уруғлик, минерал ва маъданли ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа омилларидан самарали фойдаланиш, тупроқни эрозия жароёнларидан химоя қилиш, касаллик ҳамда зараркунандалардан химоя қилиш ва бошқа омиллар деҳқончиликнинг бош мезони ҳисобланади. Ҳозирда республикаимизда 194 минг гектардан ортиқ

майдонда сабзавот экинлари етиштирилади, шундан 32,8 фоизга помидор экилади, Республикамизда ўрғача помидор ҳосилдорлиги гектарига 240 центнерни ташкил этмоқда.

Тадқиқот ўтказиш услублари. “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” услубий қўлланмалар ҳамда “Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур” (томаты, перцы, баклажаны) Л.:1977, В.Ф.Белик “Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве”, 1992, Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимов “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси”, методические указания “Определение жаростойкости овощных культур по ростовой реакции проростков после прогревания их при высокой температуре (томаты)” каби услубий қўлланмаларидан, шу билан биргаликда “Дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида” (Б.А. Доспехов) услубий қўлланмалари асосида амалга оширилади.

Тадқиқот натижалари. Ҳозирги даврда республикамиз ер фондида муҳим ўринни эгаллайдиган суғориладиган ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки суғориладиган ерлар майдони республикамиз умумий ер майдонига нисбатан 9-10 фоиз атрофида бўлиб, бор-йўғи 4,2-4,3 млн гектар атрофида ташкил этади. Шунинг учун суғориладиган шароитда деҳқончилик юртишда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш унинг қатор физикавий, биологик ва кимёвий хоссаларини яхшилаш билан бир қаторда ундаги озиқ элементлар миқдорини, динамикасини, уларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини ўрганиб боришни ҳам тақозо этади. Чунки озиқа элементлари тупроқ унумдорлигининг таркибий қисми ҳисобланади ва тупроқнинг озиқ моддалар билан таъминланганлик даражаси юқори бўлмагунча, бундай тупроқлар унумдор ҳисобланмайди.

Маълумки, тупроқ таркибидаги азотнинг миқдори кўпроқ тупроқнинг органик қисмига боғлиқ бўлиб, республикамизнинг суғориладиган тупроқларида қуйидагича учрайди: оч тусли бўз тупроқ ҳайдалма қатламида 0,04-0,07, қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқларда 0,08-0,12, қадимдан суғориладиган ўтлоқ тупроқларда 0,10-0,15 ва тўқ тусли бўз тупроқларда 0,20-0,25 фоиз бўлади (И.Бобоҳўжаев, П.Узоқов, 1995).

Республикамиз шароитида тупроқ таркибидаги азот элементининг миқдори ва захираларини ўрганишда Х.Рисқиеванинг хизматлари катта. Унинг тупроқ таркибидаги азот элементини ўрганишга бағишланган ишлари ниҳоятда кўп бўлиб, тупроқни азот билан таъминланганлигини аниқлашда 0-50 см қатламдаги минерал азот миқдорини ҳисобга олиш керак деган хулосага келади. Минерал азот миқдори ушбу қатламда 60-65 мг/кг миқдорда бўлганда ўсимлик ўзлаштира оладиган азот билан етарли даражада таъминланган деб ҳисоблаш мумкин.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида академик Ж.Саттаров ва А.Каримбердиева (2005) ларнинг олиб борган тадқиқот ишлари натижаларига кўра Сирдарё ва Жиззах вилояти тупроқларида гумус ва азот ўртасида корреляцион боғлиқлик борлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳудуддаги тупроқлар таркибидаги умумий азот миқдори тупроқ гумуси миқдори ва унинг ўзгариши билан бир хил характерга эга. Сабаби, азотнинг 99% органик моддалар таркибида бўлади.

Ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, тупроқларнинг озиқа элементлар билан таъминланиши, уларнинг умумий миқдори билан эмас, балки ҳаракатчан шаклдаги миқдори билан аниқланади. Озиқа элементларининг ҳаракатчан шаклдаги миқдори жуда ҳам кам бўлади ва жуда тез ўзгариб туради. Чунки улар ювилиб кетиши мумкин, ўсимликлар ва микроорганизмлар томонидан жуда тез ўзлаштирилади.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш энг аввало тупроқ таркибидаги ҳаракатчан озиқ элементларининг миқдорига боғлиқ. Экин майдонлари тупроқининг таркибидаги бундай ҳаракатчан озиқ моддаларнинг йиғиндиси, тупроқ унумдорлигини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига киради. Тупроқнинг озиқ режими, асосан, ҳаракатчан озиқ моддалар миқдори ва бу миқдорнинг динамикаси билан баҳоланади. Чунки, ҳаракатчан озиқ моддалар ўсимлик озиқланишида бевосита иштирок этади ва ўсимликнинг минерал озиқланишини белгилайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ҳам ўз тажрибамизда ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар таркибидаги аммоний ва нитрат шаклдаги азот миқдорларига турли меъёрдаги азотли ўғитларни қўллашнинг таъсирини ўрганиб чиқдик. Тадқиқотда ўғитларнинг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан озиқ элементларга таъсири 20 апрелдан, яъни помидор ўсимлиги экилганидан бошлаб 1-октябрғача ҳар 15 кунда ўрганиб борилди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларига кўра, ўғитларни қўллаш тупроқ таркибидаги аммоний шаклдаги азот миқдорига сезиларли таъсир кўрсатди. Яъни ўғит қўлланилмаган назорат вариантыда тупроқ таркибидаги аммоний шаклдаги азот миқдори 1 кг тупроқда 20 апрелда 18,5 мг бўлган бўлса, 1-майда 19,3 мг; 15- майда 19,5; 1- июнда 20,6; 15-июнда 21,4; 1-июлда 22,1; 15- июлда 23,6; 1-августда 23,5; 15-августда 20,2; 1-сентябрда 19,7; 15 сентябрда 19,5; 1-октябрда эса 17,3 мг эканлиги кузатилди. Бу қонуният азотли ўғит қўлланилмаган, фақат (P₁₂₀ K₁₀₀) кг/га қўлланилган иккинчи фон вариантимида ҳам сақланиб қолди. Юқорида таъкидланганидек дала тажрибасида минерал ўғитларни қўллаш тупроқ

таркибидаги аммоний шаклидаги азот миқдорига сезиларли равишда ижобий таъсир кўрсатди. Масалан фосфорли ва калийли ўғитлар фониди азотли ўғитларни гектарига 100 кг/га меъёрида қўлланилган вариантда аммоний шаклидаги азот (N-NH₄) миқдорининг ошиши кузатилиб, 20 апрелда 18,5; 1-майда 21,8; 15 майда 25,6; 1 июнда 32,8; 15 июнда 35,8; 1 июлда 38,8; 15 июлда 39,4; 1 августда 40,5; 15 августда 37,6; 1 сентябрда 30,3; 15 сентябрда 27,5; 1 октябрда 18,4 мг ни ташкил этди. Олиб борилган тадқиқот ишларида тупроқ таркибидаги аммоний шаклидаги азот миқдори назорат, яъни ўғит қўлланилмаган вариантга нисбатан ўғит қўлланилган бошқа вариантларда ҳам кузатилди.

1-жадвал

Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги аммоний шаклидаги азот (N-NH₄) миқдорига таъсири, мг/кг тупроқда (2018-2020 й)

№	Йиллик меъёр, кг/га			Био-препарат	Анализ муддатлари											
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O		20.04	01.05	15.05	01.06	15.06	01.07	15.07	01.08	15.08	01.09	15.09	01.10
1	0	0	0		18,5	19,3	19,5	20,6	21,4	22,1	23,6	23,5	20,2	19,7	19,5	17,3
2	0	120	100		18,4	19,8	19,7	20,9	21,8	22,5	23,9	24,2	20,7	19,9	19,3	17,2
3	100	120	100		18,5	21,8	25,6	32,8	35,8	38,8	39,4	40,5	37,6	30,3	27,5	18,4
4	100	120	100	Эко-стим	18,7	21,9	25,8	32,9	35,9	38,9	39,6	40,7	37,8	30,5	27,6	18,5
5	200	120	100		18,0	24,5	30,6	33,8	38,7	40,8	42,1	44,0	38,2	34,2	28,2	18,7
6	200	120	100	Эко-стим	17,9	24,4	30,8	33,7	38,9	40,9	42,2	43,1	38,3	34,1	28,3	18,6
7	300	120	100		18,3	27,4	33,4	35,0	40,2	42,5	44,0	46,2	40,5	36,9	30,2	19,1
8	300	120	100	Эко-стим	18,5	27,3	33,5	35,1	40,3	42,4	44,1	46,3	40,4	36,8	30,3	19,2

Азотли ўғит меъёрини ошириш натижасида тупроқ таркибидаги аммоний шаклидаги азот миқдори янада ошди. Олиб борилган дала тажрибаси натижаларига кўра ўрганилган барча вариантларда аммонийли азотнинг ошиши 1 августгача кузатилди. Сўнгра унинг миқдори камайиб борди. Масалан, гектарига 200 кг азотли ўғитни 120 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар билан бирга қўлланилган учунчи ҳамда тўртинчи вариантларда ушбу санада аммоний шаклидаги азотнинг миқдори мос равишда 44,0-44,1 мг/кг ни ташкил этган бўлса, фосфорли ва калийли ўғитлар фониди азотли ўғитлар меъёрини икки баробарга ошириш, яъни 300 кг га оширилган, еттинчи ва саккизинчи вариантларда юқоридагиларга мос равишда биринчи август санасида 1 кг тупроқда 46,2-46,3 мг/кг эканлиги кузатилди (1-жадвал). Тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида помидор экини парваришида тупроққа фосфорли ва калийли ўғитлар фониди азотли ўғитларни турли меъёрларда қўллаш тупроқдаги нитрат шаклидаги азот миқдорга ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра тупроққа минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда тупроқнинг ҳайдов қатламида помидор экилган куни, яъни 20 апрелда тупроқ таркибидаги нитрат шаклидаги азот миқдори 1 кг тупроқда 19,2 мг ни ташкил этган бўлса, 100 кг азотли ўғитларни, 120 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитлар қўлланилган учунчи ва тўртинчи вариантларда мос равишда 19,4-19,5 мг; фосфорли ва калийли ўғитлар фониди азотли ўғитларни 200 кг оширилган бешинчи ва олтинчи вариантларда 19,1-19,2 мг ни ташкил этди, азотли ўғитлар меъёрини 300 кг га оширилган еттинчи ва саккизинчи вариантларда ҳам ушбу қонуният сақланиб қолди.

Хулоса. Турли меъёрдаги азотли ўғитларнинг тупроқдаги аммоний шаклидаги азот (N-NH₄) миқдорига таъсири, мг/кг тупроқда суғориладиган тақир ўтлоқи тупроқлар шароитида минерал ўғитларни қўллаш тупроқ таркибидаги нитрат ва аммоний шаклидаги азот миқдорини кескин оширди. Ўғитсиз назорат вариантыда август ойининг биринчи декадасида аммоний шаклидаги азотнинг энг кўп миқдори 1 кг тупроқда 23,5 мг бўлган бўлса, ўғитлар таъсирида унинг миқдори кескин ошди ва гектарига 300 кг азотли, 120 кг фосфорли ва 100 кг калийли ўғитларни қўллаш натижасида унинг миқдори 46,2-46,3 мг/кг ни ташкил этди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги «2016–2020 йилларда хом ашё базасини янада ривожлантириш, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспортини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2505-сон қарори.

2. Азимов Б.Д. Технология выращивания интенсивных сортов томатов в Узбекистане.//Применение гербицидов. Тошкент «ФАН» 1990. с.114-128.

3. Арамов М.Х., Хакимов Р.А., Азимов Б.Ж., Наджиев Ж.Н., Хасанов А.Р., Эргашев Г.А., Саитмуратов А.Н. Ўзбекистон жанубида сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш технологияси бўйича тавсиянома.// Помидор. Тошкент. “Yosh kuch matbuoti” 2012. 10 б.

4. Абдурахмонов Ю., Гусейнов Ю. Помидоры - безрассадным методом // Ж. Сельские зори. - Москва, 1987, - №4. - С.47.

5. Азимов Б.Д. Технология выращивания томата в условиях центральной зоны Узбекистана. автореф. дис. докт. с/х. наук. - Новосибирск. Новосибирский СХИ, 1990. - С. 14-16.

УЎТ 631:31.37

**КОГОН ТУМАНИ САЛОМОВ ШАҲОБИДДИН НОМИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
КАДИМДАН СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Ў. Шамсиева, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Р. Юнусов, к/х.ф.н., доцент, Бухоро давлат университети, Бухоро

Ф.А. Ганиева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

З.А. Атаева, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақолада Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги тупроқ-иқлим шароитини келиб чиқиши, жойлашиши, рельефи ва мелиоратив ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган ва тупроқни агромелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чоралар кўрсатилган.

Калим сўзлар: тупроқ, иқлим, рельеф, мелиоратив ҳолат, ийр ювиш, ўғитлаш меъёрлари, суғориш, ҳосилдорлик, кузги буғдой

Аннотация. В данном статье приведено происхождение, расположение, рельеф местности и улучшение мелиоративное состояние почвы фермерского хозяйства Ш.Саломова Каганского района.

Ключевые слова: почва, климат, рельеф, мелиоративное состояние, промывка засоленных почв, нормы удобрения, полив, урожайность, озимая пшеница

Annotation. In this article, the origin, location, terrain and improvement of the reclamation state of the soil of the Kagan region, the farm named after Sh.Salomov, are given.

Keywords: soil, climate, relief, land reclamation, leaching of saline soils, fertilization rates, watering, productivity, winter wheat

Кириш. Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги Бухоро вилоятининг шарқий қисмида жойлашган. Когон туманининг суғориладиган майдони 14127,0 гектар бўлиб, Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги ерларининг умумий майдони 47,0 гектарни, бундан ғўза 27 гектарни, кузги буғдой 20 гектарни ташкил этади. Бу майдонларда беда, ғўза, кузги бошоқли дон экинлари ва мевали дарахтлар парвариш қилинади. Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги ўзининг географик жойланиши бўйича субтропик иқлим минтақасининг Ўрта Осиё қуруқ континентал иқлим провинциясида жойлашган ва тоғ олди ярим чўл зонасига мансуб ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ҳудуд иқлим шароитларининг унинг жанубий океан ва денгизлардан узоқлиги, чўллар яқинлиги билан белгилайди. Когон тумани иқлим шароити асосан икки омил, яъни чўл ва чала чўллар иқлими таъсирида шаклланган ва ривожланган. Иқлимнинг умумий хусусиятлари текислик ҳудудларда унинг кескин континентал қуруқлиги, ҳаво ҳароратининг пасайиши, ёғинлар миқдорини ортиб бориши, куёш радиацияси, кунлик, ойлик ва фаслларда ҳароратнинг катта оралиғида тебраниб туриши ва атмосфера ёғинларининг йил давомида текис тақсимланишда ўз аксини топади.

Кўп йиллик ўртача температура +13⁰С бўлиб, илк совуқ уриш даври бу октябрь ойини ва охириги совуқ уриш даври март ойи охиригача, ҳатто апрель ойининг ўрталарига ҳам тўғри келиши мумкин. Июннинг ўртача температура +27⁰С, +10⁰С дан юқори давр эса 28 мартдан 28 октябргача 210 кунни ташкил этади, бу кўрсаткич фойдали ҳароратга эга кунлари ҳисобланади. Энг совуқ ой январларда, яъни -1⁰С ни ташкил қилади. Абсалют минимум ҳарорат эса 27-29⁰С гача пасаяди.

Шунингдек, йиллик ёғинларнинг ўртача миқдори катта оралиқда тебраниб 280-170 мм ни ташкил этади, унинг максимал миқдори киш, минимал эса баҳор ойларига тўғри келади. Бу ҳудудлар денгиз сатҳидан дарё терассаларида 300-500 м тоғолди ҳудудлари эса 500-600 м баландликда жойлашган.

Материал ва методика. Когон туманида жойлашган Ш.Саломов номидаги ф/х да тупроқларнинг устки қатламида гумус миқдорида ўрта 0,82-1,05% ни, ҳаракатчан фосфор эса ўртача 12,5-15,8 ва алмашинувчи калий 127-219 мг/кг ни ташкил қилади. Мазкур ўтлоқи аллювиал тупроқлари ўзини таркиби гумус билан кам, ҳаракатчан фосфор миқдорида кўра кам ва ўрта таъминланган, алмашинувчи калий кўрсаткичларига кўра эса кам, баъзан ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

Когон туманида жойлашган Ш. Саломов номидаги фермер хўжалиги кузги буғдой экиш учун 2020 йил август ойларида ер жорий тайёрланди. Туз миқдорида ва унинг қатламларида тарқалишига кўра шўр тупроқлар, шўрхок ва шўртоб тупроқларга бўлинади. Тупроқларни ортиқча шўрланиши ўсимликлар учун, айниқса қишлоқ хўжалиги экинларини ривожланишига икки томонлама зарар етказди. Биринчидан, тузнинг кўпайиши тупроқ эритмасининг осмотик босимини оширади ва илдизларни сувга шимиш тезлигига салбий таъсир қилади. Иккинчидан эса тупроқда эрувчан тузларнинг ортишига олиб келади ва ўсимликда илдиз тизимни ўсишига тўсқинлик қилади, оптимал ривожланишда қолади [1,2,3].

Тажриба натижалари. Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги кузги бошоқли донли экинларни йиғиштиришдан кейин ерлар 2019 йил июль-август ойларида текис шудгор қилинди. Шўр ювиш ўтказиш учун ер майдонларини 1200-1500 м³/га миқдорда шўри бир текисда ювилди. Шўр ювиш кичик ҳажмдаги ерларда, бўлиб (10-20 сотих) ўтказилиши катта агротехник аҳамиятга эга.

1-жадвал

Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигини суғориладиган аллювиал ўтлоқи тупроғини механик таркиби

Чуқурлиги, см	Фракциялар ўлчами, мм					
	0.25	0.10	0.05	0.01-0.05	0.001	физик лой
0-50	0.60	0.84	4.55	0.85	2.10	3.50
50-70	1.10	21.10	7.90	0.32	2.10	5.10
70-140	0.85	14.30	32.50	0.61	3.75	7.52
140-170	1.50	5.62	77.60	24.30	24.30	70.50

2020 йил октябрь ойини охирида тупроқ ишлов беришга тайёр бўлгандан кейин, яъни оптимал унумликка эга бўлгандан сўнг чизель ва бороналаб, сеялка орқали буғдойнинг “Старшина” нави уруғлари 220-250 кг/га меъёрда экилди. Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалиги буғдой экилган ерлардан турли ҳил чуқурликдан фракциялар олинди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан шу аниқ бўлдики, қадимдан суғориладиган аллювиал ўтлоқи тупроқларда тупроқнинг механик таркиби ўзининг ижобий кўрсаткичларига эга бўлганлиги кўриниб турибди. Бу майдонларда асосан донли экинлар, ғўза ва мевали дарахтлар парвариш қилинади ва мутгасил юқори сифатли ҳосил олинади.

Қишлоқ хўжалик экинларида юқори ҳосил олишнинг яна бир муҳим омили, бу олиндиған, режалаштирилган ҳосилдорликка мос равишда минерал ўғитларни ерга киритишга боғлиқдир ва пировард натижасида мўл ва сифатли ҳосил олишга олиб келади (2-жадвал).

2-жадвал

Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигини ўртача шўрланган тупроқларида парвариш қилинадиган кузги буғдойга ўғит қўллаш миқдори, кг/га

№	йиллик ўғит меъёри, кг/га			экиш даври			тупланиш даври			найчалаш даври			сут мум пишиш		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K
1.	200	100	50	40	60	30	60	40	20	80			20		
2.	250	50	50	50	60	30	75	40	20	100			25		
3.	250	50	50	50	30	30	75	20	20	100			25		

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бир центнер буғдой етиштириш учун 8.0 кг азот, 5.6 кг фосфор ва 4.0 кг калий ўғити ўзлаштириш қобилиятига эга. Буғдойзор майдони оптимал ўғит меъёри қўллаганида 58-65 ц/га сифатли буйдой ҳосили олиш имконияти тўлиқ мавжуд.

3-жадвал

Вегетация охирида кузги етиштириладиган экинларда тупроқдаги гумус ва озук элементларининг умумий миқдори, % ҳисобида

вариант	катлам чуқурлиги	гумус, %	азот умумий, %	фосфор умумий, %	калий, %
NPK	0-30	1.11	0.095	0.160	1.62
NPK	30-50	0.92	0.083	0.158	1.56
NPK	50-70	0.86	0.076	0.141	1.47

Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигида ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида кузги бошоқли дон экинлари йиғиб олингандан сўнг ер кузги буғдой экишга тайёрланади.

Пахтадан юқори ҳосил олиш учун мазкур фермер хўжалигини суғориладиган ер майдонларидан юқори ҳосил олиш учун энг аввало шўрланган майдонларда шўр ювиш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шўр ювишни январь-февраль ойларида ер ости сизот сувлари 1.5-2 м да жойлашган кучсиз шўрланган майдонларда ўтказиш лозим. Шўр ювиш ишларини олиб боришдан олдин зах қочириш тармоқларини яхшилашга эътибор бериш зарур. Айниқса, суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолатига табиий омиллар билан бир қаторда антропоген омиллар катта таъсир кўрсатади. Улар қаторига суғориш, тупроққа ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларни қўллаш ва алмашлаб экиш кабилар киради. Шу билан бирга тупроқнинг экологик ҳолатига туз режими, озик ва сув режими, тупроқнинг шўрланиши, оғир металллар ва пестицидлар билан ифлосланиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Когон тумани суғориладиган тупроқларнинг маҳсулдорлигининг нисбатан пастлиги сабабларидан бири бу уларнинг шўрланишидандир, уларнинг синдириш сифимида натрий катиони 5% дан кўпроқ бўлганда, тупроқ коллоидлари парчаланаяди, дондорлиги ёмонлашади ва унумдорлиги пасаяди [6].

Хулоса. Суғориладиган тупроқларни унумдорлигига тупроқнинг физикавий хусусиятларининг аҳамияти каттадир ва тупроқни оптимал зичлигида ўсимликлар минерализацияси учун қулай шароит яратилади ҳамда ҳаво яхши алмашиниб турадиган тупроқларда фойдали организмларни кўпайишига хизмат қилади [4,5].

Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигида кузги бугдой етиштиришда минерал ўғитларни қўллашни илмий асосланган парваришlash технологиялари асосида ерга киритиш ва ўсимликни ўғитга бўлган ўзлаштиришни оптимал меъёрини билиш зарурлиги таъкидланган.

Шунингдек, 2021 йилда Когон тумани Ш.Саломов номидаги фермер хўжалигида яхши парвариш қилинган кузги бугдойни ҳосилдорлиги 55-60 ц/га ни ташкил қилди ва пировард натижасида бу хўжаликка катта иқтисодий самара келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов А., Кўзиев Р., Парпиев Ф. Шўр ювишни илмий асосда ташкил этиш.//Агрономия журнали, №1-(45), 2017, 71-73 б.
2. Тоҳиров Б., Бегимқулова Н., Раҳмомов Р. Бухоро вилоятида тупроқларнинг экологик ҳолати.//Ўзбекистон тупроқларининг унумдорлик муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш. Республика илмий амалий анжумани материаллари. Тошкент-2013, 39-42 б.
3. Ҳамидов Г., Назаров О., Назаров М. Тупроқларнинг шўрланишига сабаб бўлувчи экологик жараёнларни камайтириш тадбирлари.//Агрономия журнали, №5, 2017, 85 б.
4. Қурвонтоев Р., Назарова С. Бухоро тупроқларининг агрокимёвий хоссалари.//Агрономия журнали, №3, 2012 йил, 54-55 б.
5. Тошқўзиев М., Муҳаммадрасулов Ш. Заҳқаш (зовурлар) мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш омиллари. Марғилон-2017 йил, 35-39 б.
6. Рамазонов О. Шўрланган тупроқлар мелиорацияси ва улардан самарали фойдаланиш долзарб муаммо.//Агрономия журнали, №2, 2021 йил, 48-50 б.

УЎК:631.481:452

БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХОССА ХУСУСИЯТЛАРИ ЎРГАНИШ

(Бухоро тумани мисолида)

О.Б. Шарипов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро
С.С. Шадиева, магистрант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Худуднинг ўзига хос табиий-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда тупроқларнинг морфологик, агрокимёвий, физик-кимёвий ва кимёвий хоссаларини ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

Калим сўзлар: морфологик, агроирригацион қатлам, аллювиал, фракциялар, профиль, горизонт, ҳаракатчан фосфор, сингдирилган асослар, катионлар, шўрланиш типи, аккумуляция

Аннотация. Изучение современного состояния морфологических, агрохимических, физико-химических и химических свойств почв с учетом специфических климатических условий региона.

Ключевые слова: морфологический, агроирригационный слой, аллювиальные, фракции, профиль, горизонт, подвижный фосфор, поглощенные основы, катионы, тип засоления, накопление

Abstract. Studying the current state of the morphological, agrochemical, physicochemical and chemical properties of soils, taking into account the specific climatic conditions of the region.

Keywords: morphological, agroirrigation layer, alluvial, fractions, profile, horizon, mobile phosphorus, absorbed bases, cations, type of salinization, accumulation

Кириш. Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини ва ўз навбатида, экинлар ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йиларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси замонавий сув– ва ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни кенг жорий қилиш ва мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда самарали услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги амалиётига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг асосий хосса хусусиятлари ўрганиш (Бухоро тумани мисолида).

Тадқиқотнинг вазифалари: Бухоро воҳаси худудининг табиий- иқлим шароитларини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб тупроқларнинг морфологик, агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти Бухоро туманида тарқалган суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал ва чўл-қумли тупроқлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятлари ва тупроқ унумдорлиги.

Танланган тадқиқот объекти худуди Бухоро воҳасида жойлашган. Бухоро воҳаси Навоий вилояти худудидаги “Конимех”-“Ҳазара” тор дараси билан чегарадош, бу дара “Автобачи” ва

“Қизилтепа” платосининг учламчи давр ётқизиқларидан ташкил топган. Бу ҳудуд Зарафшон дарёсининг бирламчи субаэреал дельтаси ҳисобланиб, кенг қўламдаги аллювиал текисликлари ва дельта ўртасидаги ўтиш соҳаси сифатида қаралган [2]. Бу воҳанинг узунлиги 80 км, максимал кенглиги эса 50 км ни ташкил этади [1-3].

Д.М.Кац (1957) томонидан воҳа бўйича 5 та ҳудуд (туман) ажратиб кўрсатилган, жумладан, шу муаллиф томонидан қуйидаги фикрлар ёзиб қолдирилган: «Биринчи ҳудуд дельтанинг юқори қисмини ўз ичига олади. Бу ҳудуд кумоқли сочилмалар билан биргаликда майда тошларнинг қалинлиги ўртача 30 метргача етувчи қатламларидан ташкил топган. Бу қатлам кумоқ линзалар қаватлари билан биргаликда лойли қатламлар билан қопланган. Қоплама қатламларнинг қалинлиги 3-5 метргача етади, 1-қайир усти терасса соҳасида бу қалинлик қиймати 0,5-1 метрни ташкил қилади. [2,5,6]

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг морфологик кўрсаткичлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, уларда агроирригацион қатлам мавжуд бўлиб, ранги, механик таркиби, зичлигига кўра бир текис, гумусли қатлам суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан яққол ажралиб турмайди, аммо қалинлиги кўпроқ бўлиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга тупроқ профилида антропоген қўшилмалар (сопол, кўмир ва бошқалар) ни учратиш мумкин. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар учун гумусли қатлам нисбатан қалин эмас, ранги тўқроқлиги, агроирригацион қатлами кескин ажралиб турмаслиги хосдир. Тупроқ кесмасида ҳашаротлар излари ва ўсимлик майда илдизлари учрайди, қуйи қисмида эса оксидланиш ва қайтарилиш жараёнлари натижасида оч ҳаво ранг, қорамтир ва занг доғлари мавжуд [3,4].

Суғорма деҳқончилик табиий тупроқларнинг шаклланиши жараёнини тубдан ўзгартириб, янги тупроқ ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Маълумки, табиий тупроққа катта миқдорда суғориш суви, турли минерал ва органик ўғитларнинг берилиши, агротехник тадбирларнинг ўтказилиши тупроқларнинг морфологик қиёфасини ўзгартиради. Тупроқ профилида 20-30 см қалинликда ҳайдалма қатлам ҳосил бўлади.

Деҳқончиликнинг дастлабки бошланган даврида ушбу горизонт, табиий тупроқларнинг А₁, А₂, В қатламлари ҳисобига ҳосил бўлганлиги сабабли бир хил рангга эга бўлмаслиги Р.К.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмоновнинг ишларида ҳам айтиб ўтилган [8-10]. Демак, суғориладиган тупроқларнинг морфологик тузилиши табиий тупроқлардан, суғориш ва ишлов беришнинг дастлабки даврдан бошлаб кескин фарқ қилади.

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумус миқдори кесма бўйича аста секинлик билан камайиб бориб, ҳайдалма қатламда гумус миқдори 1,079 дан 1,489% гача, ҳайдалма ости қатламида 0,808 дан 1,026% ни, пастки қатламларда (71-80 см) - 0,557-0,777% гача бўлиши аниқланди (1-жадвал). Кесманинг қуйи қисми (100-110 см) да гумус миқдори 0,304-0,380% ни ташкил қилади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли профиль агроирригацион қатлам билан коррелятив боғлиқлиги кузатилди.

1-жадвал

Суғориладиган тупроқларнинг таркибидаги гумус ва озуқа элементлар миқдори

Чуқурлиги (см)	Гумус (%)	Умумий азот (%)	Фосфор		Калий		СО ₂ (%)
			%	мг/кг	%	мг/кг	
Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар							
0-25	1,19	0,098	0,205	21,2	1,843	176,7	8,54
25-50	0,98	0,082	0,185	11,5	1,723	120,5	9,55
50-76	0,78	0,069	0,115	9,1	1,602	144,6	10,23
76-112	0,62	0,058	0,091	5,2	1,482	122,3	10,76
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар							
0-24	1,31	0,096	0,182	19,2	1,244	173,1	9,05
24-50	0,46	0,049	0,131	14,1	0,843	128,2	9,13
50-85	0,34	0,041	0,089	8,6	0,682	114	11,18
85-114	0,22	0,028	0,066	3,9	0,602	98,8	9,91
Суғориладиган чўл-қумли тупроқлар							
0-15	0,42	0,042	0,114	15,8	1,102	168,1	6,92
15-40	0,27	0,029	0,091	12,3	0,814	144,3	7,02
40-80	0,22	0,027	0,062	2,1	0,761	106,2	7,16
80-115	0,16	0,021	0,036	1,1	0,661	96,3	6,75

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари ҳайдалма қатламида гумус миқдори воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига нисбатан бирмунча кўп бўлиб (1,215-1,560%) пастки қатламларига воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларини фарқли, унинг кўрсаткичлари кескин-(0,155-0,216%) камайиб боради. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумус захираси 0-25 см қатламида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларидан бир оз камроқ кўрсаткичга эга бўлиб, 45,30 т/гани, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда эса 50,01 т/гани ташкил этади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли

профиль агроирригацион қатлам чуқурлиги билан боғлиқликда учрайди ва 0-100 см қатламда воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида 64,90 т/гани, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида эса 34,60 т/гани ташкил этади. Суғориладиган чўл-қумли тупроқларида гумус захираси 0-25 смда-16,08 т/га, 0-100 смда-18,40 т/гани ташкил этади. Ўрганилган ҳудуд тупроқлари чўл зонасида тарқалганлиги ва экстраарид иқлим шароитларига эга бўлганлиги сабабли органик моддалар интенсив минерализацияга учрайди ва унинг натижасида шаклланган азотнинг минерал формаси кўп йиллик суғориш жараёнилари таъсирида пастки қатламларига ювилиб кетади ва C:N нисбати кесма бўйича юқори горизонтларидан қуйи горизонтларига кўра камайиб боради, лекин воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кўп йиллик намланиш натижасида минерализация жараёни сустлашган бўлиб C:N нисбати пофиль бўйича кескин камаймайди. Воҳа ўтлоқи тупроқлари ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида азот миқдори- 0,058-0,082% ни, пастки қатламларида 0,028-0,041% ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг юқори қатламларида азот миқдори-0,066-0,096%, пастки қатламларига қараб ушбу кўрсаткич кескин камаяди ва 0,009-0,028% ни, чул қум тупроқларда азот кам миқдорда учрайди ва -0,016-0,038% дан қуйи қатламларига кескин камайиб 0,005-0,011% ни ташкил этади.

Воҳа ўтлоқи тупроқларида ялпи фосфор миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 0,185-0,205% ва пастки қатламларида 0,091-0,115% ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич тупроқнинг устки қатламларида юқорироқ бўлиб, бунга сабаб биоген аккумуляция ва кўп йиллик ўғит қўллаш тизими деб ҳисоблаш мумкин. Ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида 11,5-21,2 мг/кг, пастки қатламларида эса карбонатлар, ишқор муҳит ва R₂O₃ ларнинг таъсирида кескин камайиб 5,2-9,1 мг/кг ни ташкил этади. Суғориладиган ўтлоқи -аллювиал тупроқларида ялпи фосфор мутаносиб равишда 0,131-0,182 ва 0,066-0,089% ни, ҳаракатчан фосфор 14,1-19,2 ва 3,9-8,6 мг/кг ни ташкил этади; суғориладиган чўл-қумли тупроқларда юқори қатламларда ялпи фосфор мутаносиб равишда 0,091-0,114 ва 0,036-0,062% ни, ҳаракатчан фосфор 12,3-15,8 ва 1,1-2,1 мг/кг ни ташкил этади.

Ҳудуднинг воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлари гумус билан таъминланиши бўйича-“кам” ва “ўртача”, фосфор-“кам” ва “жуда кам”, калий – “кам”; суғорилдадиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари гумус бўйича-“кам” ва “жуда кам”, фосфор-“жуда кам” ва “кам”, калий-“кам”; чўл-қумли тупроқларда гумус-“жуда кам”, фосфор-“жуда кам”, калий-“кам” деб тавсифланади.

Шўрланиш даражаси бўйича воҳа ўтлоқи -аллювиал тупроқлар, кўп йиллар давомида суғориш ва тузларни ювиш жараёни натижасида, асосан шўрланмаган ва кучсиз шўрланган, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар кучсиз ва ўрта шўрланган, суғориладиган чўл-қумли тупроқлар шўрланмаган, кучсиз ва ўрта шўрланган. Тупроқлар шўрланиш типи бўйича асосан сульфатли ўрта шўрланган ерларда хлорид-сульфатли, катионлар бўйича магний- натрийли.

Хулосалар. Бухоро воҳасининг ҳудуди Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади: жумладан, қурғоқчил иқлим шароитлари, кам ўсимликлар қолдигига эгалиги, минераллашган ер ости сувининг ер юзасига яқин жойлашганлиги, алоҳида ўзига хос геоморфологик, литологик шароитлари ва инсон фаолияти ҳудудда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг йўналишида ва тупроқнинг хоссалари (морфогенетик, агрокимёвий, физик-кимёвий, кимёвий хусусиятлари)да ўз ифодасини топди.

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфологик кўрсаткичлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, уларда агроирригацион қатлам мавжуд бўлиб, ранги, механик таркиби, зичлигига кўра бир текис, гумусли қатлам суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларга нисбатан яққол ажралиб турмайди, лекин қалинлиги кўпроқ бўлиши билан тавсифланади. Агроирригацион қатлам бўйича воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-“қалин”, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-“ўртача қалин” гуруҳларига ажратилди.

Ҳудуд тупроқлари чўл зонасида тарқалганлиги ва экстраарид иқлим шароитларига эга бўлганлиги сабабли органик моддалар интенсив минерализацияга учрайди ва унинг натижасида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ва айниқса чўл-қумли тупроқларда азотнинг минераллашган ҳолати тупроқ кесмаси бўйича юқори қатламдан пастки қатламларга кескин камайиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Х.А., Гафуров К.Г. Почвы Каракульского оазиса Бухарской области (естественно-исторические и почвенно-мелиоративные условия) // Материалы научной конференции профес. препода. состава ТашГУ. – Ташкент, 1966. – С.74-78.
2. Абдуллаев Х.А. Краткая характеристика некоторых почв правобережья Бухарского оазиса // Труды САГУ. – Вып. 1. – Ташкент, 1954. – С.8-88.
3. Гафуров К.Г., Абдуллаев Х.А. Характеристика почвенного покрова орошаемой зоны Бухарской области // Ташкент. – Изд-во «Фан». – 1982. – С.12-140.
4. Курьлева Н.И. Водно-солевой режим и его регулирование в условиях Бухарской области // Автореферат к.сель.-хоз.н. – Ашхабад, 1963. – С.5-17.
5. Фелициант И.Н., Конобеева Г.М., Горбунов Б.В., Абдуллаев М.А. Почвы Узбекистана (Бухарская и Навоийская области). – Ташкент: Фан, 1984. – С.3-60.

6. Гафурова Л.А., Абдрахмонов Т.А., Жабборов З.А., Саидова М.Э. Тупроклар деградацияси (ўқув кўлланма). – Тошкент, 2012. – 10-218-б
7. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие // Дисс. ... д.б.н. – Ташкент, 1995. – С.331–351.
8. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана // Ташкент: Extremum Press, 2009. – С.45–350.
9. Кузиев Р.К., Ташкузиев М.М. Плодородие почв. Проблемы рационального использования земельных ресурсов, сохранения и повышения плодородия орошаемых почв в Узбекистане // Ташкент, 2008. – С.64–68.
10. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупрокларнинг эволюцияси ва унумдорлиги. –Тошкент, 2015.– Б.136-139

УДК: 633.511:575

КОРРЕЛЯЦИОННЫЕ СВЯЗИ МЕЖДУ ДЛИНОЙ ВЕГЕТАЦИОННОГО ПЕРИОДА И ОСНОВНЫМИ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫМИ ПРИЗНАКАМИ У ЛИНИЙ ХЛОПЧАТНИКА В РАЗЛИЧНЫХ РЕГИОНАХ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ

С.А. Эгамбердиева, д.с/х.н., с.н.с., НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

С.Т. Жураев, к.с/х.н., с.н.с., НИИ селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкент

Аннотация. 2018-2020 yillarda genetik kelib chiqishi har xil bo'lgan paxta tizmalarining O'zbekistonning uchta mintaqasida o'tkazilgan ekologik sinovlar natijasida, shuningdek takrorlanish bilan ikki tomonlama dispersiyani tahlil qilish yordamida ushbu belgining yuqori genetik determinizmi va uning naslga o'tish darajasi aniqlandi. 705, 782, 956 va 998 qatorlar aniqlandi, bu uchta mintaqada ham kasallikka nisbatan qarshilik ko'rsatdi.

Калит со'злар: paxta, korrelyatsiya, erta pishib etish, hosildorlik, tolaning hosildorligi, tolaning uzunligi

Аннотация. В 2018-2020 гг. изучена устойчивость к увяданию линий хлопчатника различного генетического происхождения. В результате экологических тестов в трех регионах Узбекистана, а также с помощью двухфакторного дисперсионного анализа с повторами выявлен высокий генетический детерминизм данного признака и высокая степень его наследственности. Были идентифицированы линии 705, 782, 956 и 998, которые показали относительную устойчивость к заболеванию во всех трех регионах.

Ключевые слова: хлопок, корреляция, скороспелость, урожайность, выход волокна, длина волокна

Abstract. In 2018-2020. the wilt resistance of cotton lines of different genetic origin was studied. As a result of environmental tests in three regions of Uzbekistan, as well as using a two-way analysis of variance with repetitions, a high genetic determinism of this trait and a high degree of its heritability were revealed. Lines 705, 782, 956 and 998 were identified, which showed relative resistance to the disease in all three regions.

Key words: cotton, correlation, early maturity, yield, fiber yield, fiber length

Известно, что для целенаправленного селекционного процесса необходимо изучение корреляций между различными признаками. Так, на хлопчатнике исследователями выявлена тесная связь между урожайностью и количеством коробочек от 0,84 до 0,91, средняя корреляционная связь установлена между крупностью коробочек и урожайностью ($r =$ от 0,32 до 0,61). Между продуктивностью и массой семян наблюдалась положительная корреляция в слабой и средней степени (от 0,28 до 0,39). Между продуктивностью и выходом волокна определена слабая отрицательная корреляция [3].

Высокая степень соответствия была отмечена между урожайностью и массой 1000 семян. Между крупностью коробочек и высотой растения - средняя положительная связь; с массой семян и длиной волокна - слабая положительная. Масса семян и выход волокна как правило коррелируют отрицательно [3]. Выявление форм с различными сочетаниями взаимосвязей исследователи обуславливают влиянием рекомбиногенеза происходящего у гибридов [2].

Цель исследования: изучить взаимосвязи между длиной вегетационного периода с основными хозяйственно-ценными признаками хлопчатника, выращенными в трех регионах Узбекистана.

Материал и методика. Исследования проводили в 2018-2020 гг. на полях Института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Ташкентская область п.Салар), а также в филиалах института в Ферганской области (Кува) и Кашкадарьинской области (Касби), различающихся по почвенно-климатическим условиям. Посевы семян осуществляли в оптимальные сроки. Схема посева 60 см x 20 см x 1 растение.

Использовались 10 линий хлопчатника вида *G.hirsutum* L., полученные на основе интрогрессивных форм с участием дикого вида *G. trilobum* Skovsted, а также сортов зарубежной селекции из коллекции НИИССАВХ. Наиболее продуктивные индивидуальные отборы этих линий

делили на три части и их семена высевались в трех разных экологических зонах - Ташкентской, Ферганской и Кашкадарьинской областях республики. Изучали скороспелость, массу хлопка-сырца одной коробочки, массу 1000 шт. семян, выход волокна, длину, удельную разрывную нагрузку, микронейр волокна, а также продуктивность и урожайность. Статистическую обработку данных проводили по Доспехову В.А.

Результаты. Между длиной вегетационного периода и массой хлопка сырца одной коробочки в течении 2019-2020 гг. наблюдалась слабая прямая взаимосвязь ($r = +0.21 - +0.48$) (табл.). В 2018 году между указанными признаками у испытанных линий проявилась различная степень прямой взаимосвязи от 0.19 в Ташкентской области до 0.94 в Ферганской. Тесная взаимосвязь наблюдалась и в Кашкадарьинской области $r = 0.54$. То есть с увеличением вегетационного периода росла масса коробочки. Необходимо отметить, что селекционера интересуют отрицательные связи между скороспелостью и каким-либо признаком.

В большинстве случаев между длиной вегетационного периода и массой 1000 штук семян взаимосвязь отсутствовала ($r = -0.07 - +0.03$), либо она была слабая как прямая, так и обратная ($r = -0.21 - +0.28$). Исключение составила группа линий, испытанных в Ферганском регионе в 2018 г. проявившая высокую корреляцию $r = 0.50$.

Средняя и высокая положительная взаимосвязь проявилась между длиной вегетационного периода и выходом волокна во всех регионах в течении трех лет испытаний от 0.28 до 0.60.

Очень слабая степень взаимосвязей отмечена между длиной вегетационного периода и длиной волокна: от отсутствия связи $r = -0.05$, $r = -0.07$ до слабой прямой $r = 0.35$. Более тесные связи наблюдались между скороспелостью и удельной разрывной нагрузкой волокна от 0.12 до 0.59. Корреляционные связи между скороспелостью и микронейром волокна в различные годы испытаний проявлялись по-разному – от слабой обратной $r = -0.24$, отсутствия связи $r = -0.02$, до сильной прямой $r = 0.74$ (группа линий испытанных в Ташкентской области в 2018 г.). Высокая корреляция между длиной вегетационного периода и микронейром волокна в 2018 и 2019 гг. проявилась также у групп линий, испытанных в Кашкадарьинской области $r = 0.48$ и $r = 0.54$ соответственно.

Таблица

Корреляции у линий хлопчатника между длиной вегетационного периода и основными хозяйственно-ценными признаками

Признак	Регион	Годы	Масса 1 кор.	Масса 1000 шт. семян	Выход волокна	Длина волокна	Удел.разрывная нагрузка	Микронейр	Продуктивность	Урожайность
Дл. вегет. периода	Ташкент	2018	0.19	0.20	0.56	-0.09	0.28	0.74	0.15	-0.75
		2019	0.38	0.28	0.36	-0.05	0.12	-0.12	0.39	-0.33
		2020	0.31	-0.17	0.48	0.24	0.15	-0.24	0.31	-0.46
Дл. вегет. периода	Фергана	2018	0.94	0.50	0.35	0.32	0.50	0.20	0.91	0.08
		2019	0.32	0.03	0.49	0.29	0.59	0.33	0.32	0.19
		2020	0.48	0.04	0.49	-0.10	0.33	-0.02	0.47	0.35
Дл. вегет. периода	Кашкадарья	2018	0.54	0.13	0.60	-0.15	0.39	0.54	0.38	-0.73
		2019	0.21	-0.07	0.28	-0.11	0.38	0.48	0.26	0.42
		2020	0.31	-0.21	0.40	0.35	0.22	-0.11	0.03	-0.07

В большинстве случаев между длиной вегетационного периода и продуктивностью наблюдалась слабая прямая взаимосвязь (от 0.15 до 0.38). Сильные связи между ними наблюдались у групп линий в Ферганском регионе $r = 0.54$ в 2020 г. и $r = 0.91$ в 2018 г. В опытах 2020 г. в Кашкадарьинском регионе взаимосвязь между этими признаками отсутствовала $r = 0.03$.

Сильная обратная взаимосвязь между длиной вегетационного периода и урожайностью выявлена в Ташкентской и Кашкадарьинской областях в 2018 г ($r = -0.75$ и $r = -0.73$ соответственно). То есть скороспелые формы проявили высокую урожайность. За три года испытаний в Ферганской области корреляции между указанными признаками оказались слабыми $r = 0.19$ и $r = 0.35$, либо отсутствовали $r = 0.08$.

Трехлетние экспериментальные данные показали, что вне зависимости от региона возделывания рост показателей выхода волокна, продуктивности, удельной разрывной нагрузки волокна, массы хлопка-сырца одной коробочки сильно связан с увеличением длины вегетационного периода. В наших опытах скороспелость была тесно связана с урожайностью, это подтверждается отрицательными корреляциями, выявленными между этими признаками – чем короче длина вегетационного периода у линий, тем выше была их урожайность.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Доспехов В.А. Методика полевого опыта.- М.: Колос, 1979.- 416 с.
2. Сейтназарова Т.Е. Эгамбердиева С.А. Корреляционные связи выхода и основных качественных параметров волокна у географически отдаленных гибридов хлопчатника LXXI International correspondence scientific and practical conference "International scientific review of the problems and prospects of modern science and education" (Boston. USA. June 22-23, 2020). 28-31 с.
3. Фан Тхань Кiem Наследование и корреляция хозяйственно-ценных признаков хлопчатника при внутривидовой и межвидовой гибридизации. Автореф. дис.канд.с/х наук.- Ташкент, 1996.- Ташкент. 1990. 24 с.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

УЎК 621.74.043

БОСИМ ОСТИДА ҚУЙИШ УСУЛИ БИЛАН АВТОМОБИЛЛАР УЧУН СОВУТИШ ТРУБКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

М.Й. Асроров, магистрант, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро
Г.Т. Сатторова, магистрант, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро
М.Ш. Тешаева, магистрант, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро

Аннотация. Полимерларнинг иссиқлик таъсирида деструкцияланиш жараёни ҳам эркин радикал механизм асосида боради ва занжир реакциялар турига киради. Масалан, азо ва диазобирикмалар каучукларнинг иссиқлик таъсирида деструкцияланишини тезлатади. Каучукларнинг суюлтирилган эритмалари бундай моддалар иштирокида қиздирилса, фақат деструкция ҳодисаси бўлади. Агар эритмада каучукнинг концентрацияси ошса, макромолекулар тўрсимон ҳолатга келиб, эритма гель ҳолатига ўтади.

Калит сўзлар: полимер, олигомер, деформацияланиш, мустаҳкамлик, триботехник, теплофизик тавсифлар, саноат, нанокөмпозитлар, оптимал структураси, стратегия, замонавий, янги, маҳсулот, ишлаб чиқариш, юқори сифат, қайта ишлаш, материаллар, илгор технология, сифат кўрсаткичлар, политирол

Аннотация. Процесс термического разрушения полимеров также протекает по свободнорадикальному механизму и относится к типу цепных реакций. Например, азо- и диазосоединения ускоряют разрушение каучуков при нагревании. При нагревании сжиженных растворов каучуков в присутствии таких веществ происходит только деструктивное событие. Если концентрация каучука в растворе увеличивается, макромолекулы становятся решетчатыми, а раствор превращается в гель.

Ключевые слова: полимер, олигомер, деформация, прочность, триботехнические, теплофизические характеристики, промышленность, нанокөмпозиты, оптимальная структура, стратегия, современный, новый, продукт, производство, высокое качество, переработка, материалы, передовые технологии, показатели качества, политирол

Abstract. The process of thermal destruction of polymers also follows a free radical mechanism and belongs to the type of chain reactions. For example, azo and diazo compounds accelerate the destruction of rubbers by heat. When liquefied solutions of rubbers are heated in the presence of such substances, only a destructive event occurs. If the concentration of rubber in the solution increases, the macromolecules become lattice and the solution turns into a gel.

Keywords: Polymer, oligomer, deformation, strength, tribotechnical, thermophysical characteristics, industry, nanocomposites, optimal structure, strategy, modern, new, product, production, high quality, processing, materials, advanced technology, quality indicators, polytyrol

Ўзбекистон инновацион ривожланишнинг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий ютуқларни, чуқур илмий талаб қилинадиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу – мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ҳозир Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган илмий асосга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

Босим остида қуйиш, экструзиялаш усуллари кенг тарқалган ва унумли усуллар бўлиб, уларда полимерларнинг оқимини кузатиш мумкин, яъни бунда уларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари ўзгармайди. Терморектив материалларни пресслашда, полимер плёнка юзасига газ алангаси ёки разряд таъсир қилиши натижасида материалда кимёвий ўзгаришлар содир бўлади. Кристалланиш даражаси орқали макромолекуларнинг ориентацияланишини ростлаш, текстил толалари ва плёнкалар ишлаб чиқаришда механик хоссаларини яхшилаш мумкин. Бундай ҳолда материалларда физик хоссаларнинг қайтмас тарзда ўзгариши содир бўлади ва оқиш жараёнида кимёвий реакциялар содир бўлмайди. Полимерни қайта ишлашда реология фани катта роль ўйнайди, чунки полимерларни қайта ишлаш жараёнида деформацияланиш ва оқувчанлик алоҳида ўрин олган. Полимерларни қайта ишлашда кристалланишни, полимерларнинг диэлектриклигини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, полимер юзасида содир бўладиган кимёвий реакцияларни, иссиқлик ўтказиш хоссаларини ҳам эътиборга олиш керак.

Ундан ташқари, ёнұвчи аралашма қисман тўмчига айлаңиб, цилиндрлар деворидаги мойни ювиб туширади, натижада цилиндр-поршень гуруҳига кирувчи деталларнинг ейилиш ортади. Двигателнинг жуда қизиб кетиши ёки хаддан ташқари совиб қолиши унинг фойдали қувватини камайтириб, тежамкорлигини ёмонлаштиради. Совитиш тармоғи эса двигателнинг ишлаши учун қулай бўлган иссиқлик маромини белгиланган ҳолда сақлаб туради.

Юқори молекуляр боғловчилар асосидаги композитларнинг шаклланишини акс эттирувчи назарий моделларни системали таҳлил қилиб, компонентларнинг таркибини илмий асосда танлаш, ҳосил қилиш технологияси ва бирлаштириш, буюмларни тайёрлаш ва уларни саноатда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин. Ҳозирги кунларгача мамлакатимизнинг кимё саноатида полимер (бирлашган, олигомер) матрицалар асосидаги наноконпозицион материаллар технологияларидан фойдаланилган эмас. Бу масалалар қўйилган муаммо миқёсида илгари ўз ечимини топмаган ва жуда долзарб ҳисобланади.

Кичик ўлчамли зарралар шаклланишининг физик-кимёвий ва структуравий жиҳатлари ва уларнинг термопластик полимерлар, боғловчи смолаларнинг олигомерлари ва уларнинг аралашмалари асосидаги юқори молекуляр матрицалар билан ўзаро таъсири.

Полимерлардан фойдаланиш жараёнида улар кўпгина қайтар деформацияларга учрайди. Бу вақтда деструкция ҳодисаси ҳам механик-кимёвий жараённинг бир туридир. Механик куч таъсирида макромолекулалар парчаланиб, радикаллар ҳосил бўлади. Бундай макрорадикаллар занжир реакциянинг бошланишига сабаб бўлади. Улар бошқа макромолекулалар билан реакцияга киришади. Энди полимерларнинг иссиқлик таъсирида бўладиган деструкциясини кўриб чиқамиз. Барча полимерлар маълум температурагача ўз хоссаларини ўзгартирмайди. Лекин жуда юқори температурада полимерлар барқарорлигини йўқотиб, яъни парчаланиб, макрорадикалларга ва паст молекуляр моддаларга айланади.

Баъзи полимерлар иссиқлик таъсирида парчаланиб, бошланғич мономер моддаларга айланади. Полимерларнинг бу хоссаси макромолекуланинг структураси ва табиатига боғлиқдир.

Суоқликнинг ҳаракатланиш усули бўйича термосифон, аралаш ва мажбурий тармоқлар мавжуд.

-Термосифон усулида суоқликнинг ҳаракати иссиқ ва совуқ суоқликлар зичлигининг фарқи туфайли табиий равишда ўтади.

-Аралаш усулда эса радиатордаги совитилган сув насос ёрдамида цилиндрларнинг юқори қисмига юборилади, пастки қисмига эса сув ўз табиий оқими билан оқиб тушади.

-Мажбурий усулда тармоқдаги суоқлик насос ёрдамида узлуксиз ҳаракат қилади. Замонавий автомобил двигателларида аралаш (бир қаторли двигателларда) ёки мажбурий (В-симон двигателларда) усул билан ишлайдиган совитиш тармоқлари қўлланилади.

Антифриз киши организми учун заҳарли. Унинг иссиқлик сиғими сувникига нисбатан анча кам. Шунинг учун совитувчи суоқлик сифатида антифриз қўлланилганда тармоқнинг иссиқлик тарқатиш қобилияти сув билан совитилгандагига нисбатан паст, натижада цилиндрлар деворининг ҳарорати 15...20°C га ортиқроқ қизийди. Шу сабабли антифризнинг иссиқ кунда қўлланилиши баъзан двигателни хаддан ташқари қиздириб юборади. Юқорида айтилган сабабларга кўра совитувчи суоқлик сифатида киш даврида антифриз ва ёз кунларида тоза юмшоқ сув ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Демак, юқори молекуляр бирикмалар кимёсидаги макромолекула тушунчаси, оддий — классик молекула тушунчасидан ўзининг якка молекулага юзлаб ва минглаб атомларни кимёвий боғлар ёрдамида бириктириб олганлиги билан фарқ қилади. Юқори молекуляр бирикмаларнинг молекуляр масса кўрсаткичи муайян бирикмани характерловчи доимий константа бўлмай, балки *ўрта статистик* катталиқдир. Шунинг учун ҳам юқори молекуляр бирикмалар кимёсига *ўртача молекуляр масса* деган тушунча киритилади.

Трение в значительной степени связано с износом, поэтому факторы, определяющие коэффициент трения наполненных композиций, также влияют на их износостойкость. Три фактора, в основном, определяют сопротивление износу наполненных полимерных композиций: твердость наполнителя, адгезионная прочность и относительная объемная доля частиц.

Ультразвуковыми колебаниями в акустике принято считать такие механические колебания, частота которых лежит за 15 кГц, и это является нижним пределом ультразвуковых колебаний. Верхние пределы ультразвуковых колебаний высокой частоты ограничиваются тем, что они поглощаются при распространении; причем чем выше высота, тем больше поглощение [1].

Ультразвуковые колебания отличаются особой формой распространения упругих волн, они могут распространяться в любой материальной среде: газе, жидкости, твердом теле. Как и световые лучи, они подчиняются законом геометрической оптики: могут отражаться, преломляться и фокусироваться. Ультразвуковые волны с частотой, близкой к 20 кГц, ведут себя как звуковые волны, а с большими частотами как световые волны [2]. Скорость распространения ультразвуковых волн зависит от среды, в которой они распространяются, а в твердых телах скорость наибольшая. Ультразвуковые волны могут быть продольные, поперечные и поверхностные. В твердых телах, а следовательно и в металлах, распространяются все типы волн, тогда как в жидкостях и газах распространяются только продольные волны.

Основными параметрами ультразвуковых волн являются ее интенсивность, амплитуда и давление. Под интенсивностью понимают энергию, проходящую в единицу времени через единичную площадь, ориентированную перпендикулярно к направлению распространения волны. Интенсивность ультразвука, применяемого в промышленности, достигает до 100 Вт/см² [1].

Распространение ультразвуковых колебаний в жидкостях связано, с так называемыми ультразвуковыми эффектами второго порядка [3]. К их числу относятся: радиационное давление, звуковой ветер и явление кавитации. Явление звукового ветра заключается в том, что кроме основного колебательного движения частиц, в направлении распространения волны в жидкостях происходит постоянно действующее смещение частиц среды. Поток энергии, под влиянием которого происходит это смещение, носит название звукового ветра.

Под влиянием ультразвуковых волн жидкость, чувствительная к растягивающим усилиям в момент фазы раздражения, разрывается в тех местах, где прочность ее наименьшая и образуются так называемые кавитационные пузырьки. Эти пузырьки расширяются и сжимаются с частотой, соответствующей частоте ультразвуковой волны. Во время фазы сжатия пузырьки захлопываются, в результате чего в жидкости возникает большое давление, достигающее сотен атмосфер

(гидравлические удары). Процесс образования и захлопывания пузырька сопровождается локальной электризацией и очевидно, в связи с этим происходит структурное изменение в веществах (химическое действие ультразвука).

Поглощение ультразвуковых колебаний является следствием того, что часть энергии поглощается веществом и превращается в тепловую энергию, другая часть расходуется на изменение структуры вещества. Следовательно, поглощение ультразвука зависит от свойств и агрегатного состояния материала, подвергаемого обработке.

Радиационное давление возникает обычно на границе двух тел с различным волновым сопротивлением и скоростями звука. При падении звуковой волны происходит изменение плотности энергии, от которого зависит величина радиационного давления.

Поверхностное трение возникает вследствие движения частиц у пограничной поверхности, и в ряде случаев может привести к образованию тангенциальных сдвигов, являющихся причиной сильного локального нагрева. В ультразвуковом поле мелкие частицы плоской формы стремятся расположиться перпендикулярно направлению распространения колебаний.

Ультразвуковые колебания увеличивают самодиффузию веществ и в ряде случаев способствуют сближению частиц друг с другом так, что они входят в сферу притяжения другого. При этом между частицами возникают гидродинамические силы притяжения (силы Бернулли), на котором основано явление коагуляции. Эти процессы осуществляются при низких ультразвуковых частотах. При высоких частотах ультразвука происходит диспергирование частиц, т.е. крупные частицы не успевают колебаться в этом диапазоне частоты, на частицу действует сила, пропорциональная ее массе и не выдерживающие интенсивное колебание частицы разделяются на мелкие. Большое значение при диспергировании имеет поверхностное трение и кавитация. Диспергирование с помощью ультразвуковых колебаний широко применяют в производстве, в частности, для получения устойчивых эмульсий.

Под воздействием ультразвуковых колебаний происходит дегазация жидкостей и расплавов, т.е. ультразвук приводит в движение взвешенные пузырьки воздуха или растворенных газов, объединяет их в один пузырек с повышенным давлением, и они всплывают на поверхность и лопаются.

Тепловые эффекты, вызываемые поверхностным трением, имеют локальный характер и проявляются на граничной поверхности. Нагревание среды в результате поглощения и интенсивности ультразвуковых колебаний, вызываемое кавитационными процессами механического воздействия ультразвука, приводит к интенсификации процессов полимеризации, окисления, восстановления и поликонденсации. Для проведения этих технологических процессов используется частотный диапазон 200-1000 кГц. Химическое действие ультразвука зависит от интенсивности, чем больше интенсивность ультразвука, тем больше его химическое воздействие [4].

Отмечено, что эффективность ультразвуковой обработки полимерных композиций увеличивается, если ее проводить при сравнительно высокой частоте и мощности.

Следовательно, механическое и химическое действие ультразвука проявляется особенно при высоких частотах колебания и мощности, что способствует диспергированию и перемещению дисперсных систем, дегазации жидкостей и расплавов, интенсификации процесса полимеризации и других технологических процессов [5].

Из вышеизложенного следует, что ультразвуковая обработка растворов полимеров приводит к существенным изменениям их структуры, способствует гомогенизации наполненных эмульсий и дисперсий, диспергированию ингредиентов, снижает расход растворителей и в широких пределах изменяет свойства полимерных растворов, лаков и красок. Следует ожидать, что при обработке ультразвуком термореактивных полимерных композиций, образующиеся активные радикалы приводят к ускорению процесса и увеличению степени отверждения. Кроме того, при обработке ультразвуком наполненных полимерных композиций происходит их дегазация и гомогенизация, улучшение однородности состава, что должно отражаться в свойствах получаемых покрытий.

Для применения композиционных полимерных материалов в рабочих органах хлопкоочистительных машин к ним предъявляются следующие требования: низкий коэффициент трения с хлопком-сырцом, высокий класс чистоты поверхности, низкая интенсивность изнашивания и электризуемость, высокая адгезия к металлу, технологичность, недефицитность и невысокая стоимость. Покрытия колосников, кроме того, должно иметь высокую ударную прочность и твердость.

Анализ литературных данных и проведенных исследований, сравнение исследованных КПП показало, что высокими триботехническими и физикомеханическими свойствами обладают эпоксидная смола, пентапласт и поликапромид [2-6].

Разработан научно-обоснованный подход создания модифицированных антифрикционно-износостойких композиционных термореактивных полимеров и покрытий на их основе с высокими

физико-механическими и триботехническими свойствами путем введения в их состав тонкоизмельченных органоминеральных наполнителей с одновременной обработкой получаемых композиций ультразвуком.

Разработан способ получения полимерного композиционного покрытия из наполненных эпоксидных композиций, который в отличие от ненаполненного производится в два этапа. В первой стадии готовится смесь связующего, пластификатора и наполнителя и подвергается ультразвуковой обработке в течение 900-1200 с, после чего смесь охлаждается до комнатной температуры. Затем в нее вводится отверждающий агент и готовая композиция подвергается ультразвуковой обработке в течение 300-1200 с в зависимости от вида и содержания наполнителей. Установлено, что ультразвуковая модификация композиций позволяет получить высоконаполненные полимерные покрытия из трудносмешиваемых наполнителей с более высокой прочностью и эксплуатационными свойствами.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Мирошниченко Г.И. Оборудование и технология производства первичной обработки хлопка. Т., Укитувчи, 1980, 323 с.
2. Маткаримов С.Х. Исследование трения композиционных полимерных покрытий с хлопком-сырцом. Автореф. канд. дисс. - Р. на Д. 1978. - 20 с.
3. Негматов С.С. Основы создания неорганических композиционных материалов. - Ташкент, УзРНТК «Фан ва тараққийт», 1994. - 242 с.
4. Негматов С.С. Технология получения полимерных покрытий. - Ташкент: Узбекистан, 1975. - 231 с.
5. Негматов С.С.; Евдокимов Ю.М, Содиков Х.У. Адгезионные и прочностные свойства полимерных материалов и покрытий на их основе - Ташкент: Фан 1979. - 270 с.
6. Негматов С.С. Условия эксплуатации основных рабочих органов машин и механизмов для уборки и переработки хлопка-сырца. - Ташкент: Узбекистан, 1980. - 60 с.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

UO'K 378

DISPERS SISTEMALAR MAVZUSINI O'QITISH ORQALI TALABALARDA REFLEKTIV QOBILIYATNI RIVOJLANTIRISH*M.M. Karimov, o'qituvchi, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Buxoro**Z.M. Karimova, o'qituvchi, Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Buxoro*

Annotatsiya. Jamiyatimizda yangi ijtimoiy munosabatlarning shakllanishi, ta'limning dunyo ta'lim tizimiga integratsiyalashuvi, demokratiyalash va taraqqiy ettirish jarayonlarining rivojlanishi ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarga yangicha yondashuv zarurligini taqozo etmoqda. «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy qilish va o'zlashtirish zarurligi ko'p marta takrorlanib, ularni o'quv muassasalariga olib kirish zarurligi uqtirilgan. Ta'lim-tarbiya tizimini tubdan isloh qilish, uni zamon talablari darajasiga ko'tarish, kelajak uchun barkamol avlodni tarbiyalash ishlari Davlat siyosatining ustivor yo'nalishiga aylandi.

Kalit so'zlar: ta'lim, tarbiya, texnologiyalar, zamonaviy usul, vositalar, samarali, reflektiv qobiliyat, dispers faza, eritmalar, fizikaviy, kimyoviy, kimyo fani, o'qitish jarayoni, innovatsiyalar, ilg'or xorijiy tajribala, dag'al dispers sistema, metod, chorak, semestr, tafakkur, o'stirish, pedagogik, xomashyo, mahsulotlar sifatini nazorati, mexanizm

Аннотация. Формирование новых социальных отношений в нашем обществе, интеграция образования в мировую систему образования, развитие процессов демократизации и развития требуют нового подхода к современным педагогическим технологиям в образовании. Необходимость внедрения и освоения современных педагогических технологий неоднократно подчеркивалась в «Национальной программе обучения» и необходимость их внедрения в образовательные учреждения. Радикальное реформирование системы образования, доведение ее до уровня современных требований, воспитание гармонично развитого поколения на перспективу стало приоритетом государственной политики.

Ключевые слова: образование, обучение, технологии, современные методы, инструменты, эффективный, рефлексивная способность, дисперсная фаза, растворы, физическая, химическая, химическая наука, учебный процесс, инновации, передовой зарубежный опыт, гора. ручная дисперсная система, метод, квартал, семестр, мышление, выращивание, педагогический, сырье, контроль качества продукции, механизм

Abstract. The formation of new social relations in our society, the integration of education into the world education system, the development of democratization and development processes require a new approach to modern pedagogical technologies in education. The need to introduce and master modern pedagogical technologies has been repeatedly emphasized in the "National Curriculum" and the need for their implementation in educational institutions. Radical reform of the education system, bringing it to the level of modern requirements, bringing up a harmoniously developed generation for the future has become a priority of state policy.

Key words: education, training, technology, modern methods, tools, effective, reflexive ability, dispersed phase, solutions, physical, chemical, chemical science, educational process, innovation, advanced foreign experience, mountain. manual dispersed system, method, quarter, semester, thinking, cultivation, pedagogical, raw materials, product quality control, mechanism

Mamlakatimizning ta'lim sohasidagi innovatsion islohotlari tizimida bo'lajak pedagog shaxsini shakllantirishning asosi bo'lgan kasbiy tayyorgarlik sifatini oshirish muammosi alohida o'rin tutadi. Jamiyatimizda ta'lim sifatini oshirish talabalarning mustaqil ijodiy tafakkurini o'stirish, pedagogik jarayonda innovatsion texnologiyalardan keng va samarali foydalanishnigina emas, balki, mazkur jarayonni rejalashtiruvchisi, amalga oshiruvchisi va boshqaruvchisi bo'lgan o'qituvchining kasbiy kompetentligi, kasbiy tayyorgarligini shakllantirish masalasiga chuqurroq yondashuvni talab etadi.

Hozirgi kunda Mustaqil Respublikamizda barkamol, har tomonlama rivojlangan mutaxassislarni tayyorlash va ularga ta'lim berish jarayoniga o'qitishning yangi, zamonaviy usul va vositalaridan samarali foydalanilmoqda. O'qituvchi bilim olishning yagona manbai bo'lib qolishi kerak emas, balki talabalar mustaqil ishlash jarayonining tashkilotchisi, maslahatchisi, o'quv jarayonining boshqaruvchisi bo'lishi lozim.

Fikrimizning tasdig'i sifatida kimyo fanini o'qitish jarayonida zamonaviy ta'lim talablariga javob beraoladigan, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg'or tajribasini ta'lim jarayoniga olib kirish va qo'llash bugungi ta'lim sohasining dolzarb muammolaridan biridir.

Bu kabi muammolarning yechimi sifatida, kimyo kursidagi "Dispers sistemalar" mavzusini o'rganish jarayonida talabalarning reflektiv qobiliyatini o'rganish maqsadida innovatsion texnologiyalarni qo'llash, o'qitish va samarali natijaga erishish mumkinligini isbotlashga jazm qildik.

Kimyo fani barcha texnika talim yo'nalishlarida o'tilishini inobatga olib shu mavzu asosida talabalarning reflektiv qobiliyatini rivojlanishini o'rganib bordik. Ko'pchilik moddalar bir-birida (gaz - suyuqlik, suyuqlik-suyuqlik, qattiq modda - gaz, qattiq modda - suyuqlik) tarqaladi. Tarqalish natijasida geterogen yoki gomogen sistemalar hosil bo'ladi.

Bir modda ichida (muhitida) ikkinchi moddaning juda kichik zarrachalar holida tarqalishi (disperslanishi) dan hosil bo'lgan mikrogeterogen sistemalar *dispers sistemalar* deyiladi. Har qanday dispers sistema dispers muhitdan va unda tarqalgan modda zarrachalari - dispers fazadan iborat bo'ladi. Dispers sistemalar bir-biridan dispers muhit va dispers fazaning agregat holati, zarrachalarning o'lchami (katta-kichikligi), ya'ni disperslik darajasi bilan farq qiladi.

Disperslik darajasiga ko'ra: dagal dispers sistemalar ($r = 100 - 10000 \text{ nm} \leftrightarrow 10 \text{ mkm}$) mavjud. Bunday sistemalar suspenziyalar (dispers muhit - suyuqlik, dispers faza - qattiq modda zarrachalari) - loyqa suv; uning suvdagi aralashmasi, emulsiyalar (dispers faza va dispers muhit - suyuqlik) - bo'yoqlar, sut kabi aralashmalar kiradi. Bu dispers sistemalar noturgun sistemalar bo'lib vaqt o'tishi bilan buziladi. Masalan, loyqa suv ma'lum vaqt tinch tursa tiniydi, ya'ni tuproq zarrachalari cho'kadi. Bu sistemalarga chang (qattiq modda - dispers faza, havo - dispers muhit); tutun - dispers faza va dispers muhit gazsimon moddalar; ko'piklar - (dispers muhit - suyuqlik, dispers faza - gaz); tuman (dispers faza - suyuqlik -(suv), dispers muhit - havo) ham kiradi.

Nozik dispers sistemalar yoki kolloid eritmalar. ($r = 1-100 \text{ nm}$, yoki $0,1 - 10,0 \text{ mkm}$) kolloid eritmalar boshqacha "zollar" ham deyiladi. Kolloid eritmalar dagal dispers sistemalarga nisbatan barqarordir. Ularga qogoz yelimi (K_2SiO_3 yoki Na_2SiO_3 ning suvli aralashmasi - "suyuq shisha"), AgI, $\text{Fe}(\text{OH})_3$, As_2S_3 - zollari misol bo'ladi.

Chin eritmalar

Ko'pchilik kimyoviy o'zgarishlar, shu jumladan texnologik jarayonlar eritmalarda kechadi. Xomashyo va mahsulotlar sifatini nazorat qilish, kimyoviy jarayonlar mexanizmini to'liq o'rganish, moddalarni sintez qilish, ularning xossa va tuzilishlarini aniqlash uchun eng ko'p qo'llaniladigan sistemalar - eritmalaridir.

Eritma - ikki yoki undan ortiqcha komponent (tarkibiy qism) dan iborat bo'lgan gomogen sistemadir.

Eritmalarning hosil bo'lishi

Eritmalarning hosil bo'lishini fizikaviy va kimyoviy (gidratlar) nazariyalar quyidagicha tushuntiradi.

Eritma erituvchilarda turli modda molekularini tarqalib ketishi, ya'ni erishi natijasida hosil bo'ladi. Qattiq moddalar erishida uning sirtidagi molekular erituvchi molekulari ta'sirida sirtidan "uzilib" eritmaga o'tadi. Diffuziya hodisasi va molekularalarga ta'sir tufayli molekular eritma "ichiga" singib ketadi. Shu tariqa kristall panjarani tashkil etgan barcha molekular (eritma erigan moddaga to'yinmaguncha) eritmaga o'tadi va eritma hosil bo'ladi. Bu jarayon natijasida bir jinsli sistema hosil bo'ladi va bunda erituvchining tabiati va qattiq moddaning tuzilishi, kimyoviy xossasi asosiy rol ni o'ynaydi.

Moddalarning eruvchanligi

Moddalarning eruvchanligi deb, ayni temperaturada 100 g erituvchida to'yingan eritma hosil qilib erigan moddaning gramm miqdoriga aytiladi. Odatda buni moddalarning "eruvchanlik koeffitsienti" deyiladi. Kengroq ma'noda moddalarning eruvchanligi sifatida ayni sharoitda to'yingan eritmaning konsentratsiyasini qabul qilsa ham bo'ladi. Shunga muvofiq, eruvchanlik miqdoran erigan modda massasining to'yingan eritma massasiga nisbatini ifodalovchi foiz qiymatga tengdir. Ba'zan 1 litr to'yingan eritmadagi erigan moddaning "mol" lar soni ham moddaning eruvchanligi deyiladi.

Dietil efiri ($\text{C}_2\text{H}_5 - \text{O} - \text{C}_2\text{H}_5$) xona temperaturasida suvda cheklangan miqdorda eriydi, ya'ni suv va efir aralashmasi ikki qavatdan iborat bo'ladi. Yuqori qatlam - suvning efirdagi to'yingan eritmasi bo'lsa, pastki qatlam efining suvdagi to'yingan eritmasidir. Temperaturaning ortishi bu moddalarni bir-biridan eruvchanligini oshiradi va ma'lum temperaturada ikkala modda o'zaro xohlagan nisbatda aralashadi.

Ba'zi gazlarning suvda eruvchanligi "ml/100 ml H₂O"

Gaz	Eruvchanligi		Gaz	Eruvchanligi	
	0°	20°C		20°C	0°
Vodorod	2,15	1,8	SO ₂	171	87,8
Kislorod	4,9	3,1	Cl ₂	461	236
Azot	2,35	1,5	N ₂	5,5	3,3
Ammiak	--	700	NH ₃	--	--

Moddalarning eruvchanlik koeffitsientiga ko'ra to'yinmagan, to'yingan va o'ta to'yingan eritmalariga ajratiladi.

To'yinmagan eritma. Ayni temperaturada ma'lum miqdor erituvchida erish koeffitsientidan kam miqdordagi modda erishidan hosil bo'lgan eritma - to'yinmagan eritma deyiladi. 20°C da 100 g suvda 36 g NaCl eriydi. Agar shu sharoitda 15 g NaCl erisa, to'yinmagan eritma hosil bo'ladi. Bu eritmada yana qo'shimcha 21 g modda eritib to'yingan eritma hosil qilinadi.

To'yingan eritma - ayni temperaturada ma'lum miqdordagi erituvchida erish koeffitsientiga teng yoki undan ko'proq miqdordagi modda erishidan hosil bo'lgan eritmadir. To'yingan eritmada doimo erigan modda miqdori kristall (erimay qolgan) modda miqdori bilan muvozanatda bo'ladi, ya'ni eritmaga o'tayotgan zarrachalar soni eritmadan kristalga o'tayotgan molekular soniga teng bo'ladi.

O`ta to`yingan eritma. Agar to`yingan eritmada erigan modda ustiga yana shu moddadan qo`shib temperatura oshirilib boraverilsa ortiqcha qo`shilgan modda erib ketadi. Yana modda qo`shilib temperatura oshirilsa modda yana erib ketadi va natijada o`ta to`yingan eritma hosil bo`ladi. O`ta to`yingan eritmalar azaldan (T.E.Lovis, 1794 y) ma`lum bo`lib, ular oddiy sharoitda noturg`un sistemadir.

“Dispers sistemalar” mavzusini o`qitishda innovatsion texnologiyalarni qo`llash

Ma`lumki mamlakatimiz ta`lim muassasalarida kimyo fanini o`qitish jarayonida innovatsiyalar va ilg`or xorijiy tajribalarni qo`llash bugungi kunning dolzarb masalaridan biri hisoblanadi. “Avvalo fandagi yangilik nima?”, “Fandagi innovatsiya nima?” savollarga javob berish lozim. Yangilik bu fandagi eng so`nggi yutuqlar, bilimlar, usullar hisoblanadi. Ushbu yutuqlar, bilimlar, usullar amalda qo`llanilishi bilan innovatsiyaga aylanadi. Kimyo fanini o`qitishda bugungi kunda quyidagi innovatsiyalar va ta`lim texnologiyalari qo`llanilmoqda.

Insert jadvali

Mavzuning asosiy tushunchalari va tayanch iboralari mazmuni	Bilaman	Men uchun yangi ma`lumot	Men bilgan ma`lumotni inkor qildi	Meni o`ylantirib qo`ydi (tushunmadim)
	V	+	-	?
1				
2				
3				
4				

Innovatsion texnologiyalar talabalarning faol hayotiy munosabatlarini shakllantirishga qaratilgan. Ularga o`quv jarayonidagi yangi shakldagi interaktiv usullar kiradi.

2.2. Interfaol metodlar



2.4. Grafikli organayzerlar

a) konseptual jadval

Dispers sistemalar nomi	O`lchami	Xossalari
Chin dispers sistema	1nm kichik	Tiniq, filtrlanadigan, gomogen, optic jihatdan bo`sh, barqaror, eskirmaydigan xossaga ega.
Colloid dispers sistema	1-100 nm	Tiniq filtr qog`ozdan o`tadigan, gomogen yorug`lik o`tganda tindal komusini hosil qiladigan, nisbatan barqaror, vaqt

		o'tishi bilan o'zgaradigan xususiyatga ega.
Dag'al dispers sistema	100 nm katta	Tiniq emas, filtr qog'ozda qoladigan, beqaror geterogen, yorug'likni qaytarish va sindirish xususiyatiga ega.

b) B.B.B jadvali

Bilaman	Bilishni xoblayman	Bildim
Elektrolitlar elektr tokini o'tkazadi. Bunga sabab nima?	+	Elektrolitlar eritmada ionlarga ajraladi (dissotsilanadi) va aynan mana shu ionlar elektr tokini o'tkazadi.

Venn diagrammasi usuli

Ushbu usul o'quvchi-talabalarda mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiy mohiyatini o'zlashtirish (sintezlash) ko'nikmalarini hosil qilishga yo'naltiriladi. "Venn diagrammasi" metodi kichik guruhlarni shakllantirish asosida sxema bo'yicha amalga oshiriladi.

Bu usul o'quvchi-talabalar tomonidan o'zlashtirilgan o'zaro yaqin nazariy bilimlar, ma'lumotlar yoki dalillarni qiyosiy tahlil etishga yordam beradi. Ushbu metoddan muayyan bo'lim yoki boblar bo'yicha yakuniy darslarni tashkil etishda foydalanish yanada samaralidir.

Usulni qo'llash bosqichlari quyidagilardan iborat:

- o'quvchi-talabalar to'rt guruhga bo'linadi;
- yozuv taxtasiga topshiriqni bajarish mohiyatini aks ettiruvchi sxema chiziladi;
- har bir guruhga o'zlashtirilayotgan mavzu (bo'lim, bob) yuzasidan alohida topshiriqlar beriladi;
- topshiriqlar bajarilgach, guruh a'zolari orasidan liderlar tanlanadi;
- liderlar guruh a'zolari tomonidan bildirilgan fikrlarni umumlashtirib, yozuv taxtasida aks etgan diagrammani to'ldiradilar.

Chin dispers sistema Klaster metodi



"TUSHUNCHALAR TAHLILI" METODI

Metodning mohiyati. Ushbu metod o'tilgan (chorak, semestr yoki yilida tugagan) predmeti yoki bo'lim barcha mavzularini o'quvchilar tomonidan yodga olish, biron-bir mavzu bo'yicha o'qituvchi tomonidan berilgan tushunchalarga mustaqil ravishda o'z izohlarini berish, shu orqali o'z bilimlarini tekshirib baholashga imkoniyat yaratish va o'qituvchi tomonidan qisqa vaqt ichida barcha o'quvchilarni baholay olishga yo'naltirilgan.

Metodning maqsadi. O'quvchilarni mashg'ulotda o'tilgan mavzuni egallaganlik va mavzu bo'yicha tayanch tushunchalarni o'zlashtirib olinganlik darajalarini aniqlash, o'z bilimlarini mustaqil ravishda erkin bayon eta olish, o'zlarining bilim darajalarini baholayo olish, yakka va guruhlarda ishlay olish, safdoshlarining fikriga hurmat bilan qarash, shuningdek, o'z bilimlarini bir tizimga solishga o'rgatish.

Metodning qo'llanishi: o'quv mashg'ulotlarining barcha turlarida (dars boshlanishi yoki dars oxirida, yoki predmetning biron-bir bo'limi tugallanganda) o'tilgan mavzuni o'zlashtirilganlik darajasini baholash, takrorlash, mustahkamlash yoki oraliq va yakuniy nazorat o'tkazish uchun, shuningdek, yangi mavzuni boshlashdan oldin o'quvchilarning bilimlarini tekshirib olish uchun mo'ljallangan. Ushbu metodni mashg'ulot

jarayonida yoki mashg'ulotning bir qismida yakka, kichik hamda jamoa shaklida tashkil etish mumkin. Metoddan uyga vazifa berishda ham foydalansa bo'ladi.

Mashg'ulotda foydalaniladigan vositalar: tarqatma materiallar, tayanch tushunchalar ro'yxati, qalam (yoki ruchka), slayd.

Mashg'ulotni o'tkazish tartibi:

- o'quvchilar guruhlariga (sharoitga qarab) ajratiladi;
- o'quvchilar mashg'ulotni o'tkazishga qo'yilgan talab va qoidalar bilan tanishtiriladi;
- tarqatma materiallar guruh a'zolariga tarqatiladi;
- o'quvchilar yakka tartibda o'tilgan mavzu yoki yangi mavzu bo'yicha tarqatma materialda berilgan tushunchalar bilan tanishadilar;

- o'quvchilar tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalar yoniga egallagan (yoki o'zlarining) bilimlari asosida (berilgan tushunchalarni qanday tushungan bo'lsalar shunday) izoh yozadilar (yakka tartibda);

- o'qituvchi tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalarni o'qiydi va jamoa bilan birgalikda har bir tushunchaga to'g'ri izohni belgilaydi yoki ekranda har bir tushunchaning izohi berilgan slayd orqali (imkoni bo'lsa) tanishtiriladi;

- har bir o'quvchi to'g'ri javob bilan belgilangan javoblarning farqlarni aniqlaydilar, kerakli tushunchaga ega bo'ladilar, o'z-o'zlarini tekshiradilar, baholaydilar, shuningdek bilimlarini yana bir bor mustahkamlaydilar.

Izoh: «Tushunchalar tahlili» metodini «Chaynvord», «Uzluksiz zanjir», «Klaster», «Blis-zanjir» shaklida ham tashkil etish mumkin.

«Tushunchalar tahlili» metodidan bir darsning o'zida dars boshlanishida o'tgan mavzuni takrorlash, mustahkamlash yoki yangi mavzu bo'yicha o'quvchilarning dastlabki bilimlari, qanday tushunchalarni egallaganliklari va shu darsning oxirida bugungi mavzudan nimalarni bilib olganliklarini aniqlash uchun ham foydalanish mumkin.

Tushinchalar	Mazmuni
Dispers sistema-	Bir modda zarrachalarini ikkinchi modda zarrachalari orasida bir tekisda tarqalishiga aytiladi.
Dispers faza –	Eritma tarkibida kam tarqalgan qism
Dispers muhit–	Eritma tarkibida ko'p tarqalgan qismga aytiladi.
Chin dispers sistema –	O'lchami 1 nanometrdan kichik. Tiniq, filtrlanadigan, gomogen, optik jihatdan bo'sh.
Foiz konsentratsiya-	100 gr erituvchida erigan modda miqdori.
Dag'al dispers sistema–	O'lchami 100 nanometrdan katta, tiniq emas, filtrda qoladigan, beqaror geterogen sistema.
Kolloid dispers sistema –	O'lchami 1 nanometrdan 100 nanometrgacha bo'ladi, tiniq, filtr qog'ozdan o'tadigan, Tindal konusini hosil qiladigan, nisbatan barqaror.
Molyar konsentratsiya –	1000 ml erituvchida erigan moddaning mollar soni

Mutanosiblik testi

№	Xarakteristika	№	Bo'lim taksanomiyasi bosqichlari	
1	O'lchami 1 nanometrdan kichik. Tiniq, filtrlanadigan, gomogen, optik jihatdan bo'sh.	A	Dispers sistema-	
2	O'lchami 100 nanometrdan katta, tiniq emas, filtrda qoladigan, beqaror geterogen sistema.	B	Dag'al dispers sistema	
3	O'lchami 1 nanometrdan 100 nanometrgacha bo'ladi, tiniq, filtr qog'ozdan o'tadigan, Tindal konusini hosil qiladigan, nisbatan barqaror.	C	Kolloid dispers sistema	
4	Bir modda zarrachalarini ikkinchi modda zarrachalari orasida bir tekisda tarqalishiga aytiladi.	D	Chin dispers sistema	
Javob	1-	2-	3-	4-

№	Xarakteristika	№	Bo'lim taksanomiyasi bosqichlari	
1	Aralashma	A	Adulterant	
2	Cho'kma	B	Deliquesce	
3	Erimoq	C	Diluents	
4	Erituvchi	D	Faeces	
Javob	1-	2-	3-	4-

Xulosa

- Kimyo fanini o'qitish jarayonida innovatsion ta'lim texnologiyalarini keng joriy etish uchun ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan professor-o'qituvchilarga innovatsion ta'lim texnologiyalarini optimal qo'llash;

- masalalari bo'yicha o'z sohasining yetuk mutaxassislarini jalb etgan holda maxsus seminar treninglar tashkil etish lozim;

• Taklif qilinayotgan ushbu metodik tavsiyalarning samarali natijasi ijobiy tahlili, amaliy ahamiyati juda katta bo'lib, undan uzluksiz ta'limning barcha sohalarida ishlayotgan kimyo fani o'qituvchilari o'z faoliyatida foydalanishlari mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Silberberg Martin S. Principles of general chemistry/ Martin S. Silberberg 3-ed. Published McGraw Hill, New York, 2013. P.792.
2. Shriver and Atkins, Inorganic Chemistry, Fifth Edition, 2010/ P.W. Atkins, T.L. Overton, J.P. Rourke, M.T. Weller and F.A. Armstrong, W.H. Freeman and Company, New York. 2010. P. 825.
3. Д. Шрайвер, П. Эткинс. Неорганическая химия. В 2-х т. Т 1/ Перевод с англ. М.Г. Розовой, С.Я. Истомина, М.Е. Тамма –Мир, 2004.-679 с.
4. Д. Шрайвер, П. Эткинс. Неорганическая химия. В 2-х т. Т 2/ Перевод с англ. А.И. Жирова, Д.О. Чаркина, С.Я. Истомина, М.Е. Тамма –Мир, 2004.-с.
5. Н.А.Парпиев, Х.Р.Рахимов, А.Г.Муфтахов, Анаорганик кимёнинг назарий асослари, Тошкент, 2000.
6. Н.А.Парпиев, А.Г.Муфтахов, Х.Р.Рахимов, Анаорганик кимё. Тошкент 2003.
7. М. Камолитдинов, Б. Вахобжонов, Инновацион педагогик технологиялари асослари, Тошкент, 2010.
8. G.A.Irgasheva, T.S.Sirliboev Anorganik kimyodan laboratoriya va mustaqil ish mashg'ulotlari. O'zMU Toshkent 2005.
9. Д.А. Князев, С.Н. Смартыгин. Неорганическая химия. М.: Высшая школа, 1990.
10. Б. Ходиев, Л.В. Голишев, Д. Хошимова Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари, Тошкент, 2011.
11. M.V. Sobolevsky, O.A. Muzovskaya, and G.S. Popeleva Properties and applications of organosilicon products. Under the general ed. prof. M.V. Sobolevsky. – Moscow: Chemistry, 1975. – 358 p.
12. David Harvey. Modern Analytical Chemistry. Boston, USA, Me Graw Hill. 2000. 817 p.

UO'K 372.879.6

O'RTA TA'LIM MAKTABIDA JISMONIY TARBIYA DARSLARINING SAMARADORLIGINI OSHIRISH

S.R. Kubayev, katta o'qituvchi, Guliston davlat universiteti, Guliston

A. Shukurov, o'qituvchi, Guliston davlat universiteti, Guliston

Annotatsiya. *Jismoniy madaniyat fani ta'lim tizimining uzviy bir qismi sifatida bugun ta'lim maskanlarida qizg'in olib borilmoqda. Uning bir bosqichdan ikkinchi bosqichga o'tishi, uning bevosita foydalanuvchilari bo'lgan o'quvchilarni va o'qituvchilarni uzluksiz ravishda ta'lim bilan aloqada bo'lishligini ta'minlaydi. Ya'ni boshlang'ich, o'rta, oliy va xususan oliy ta'limdan keying davrda ham. Bu esa o'z navbatida dars ishtirokchilarining bu sohadagi bilim ko'nikmalarining yuksalishiga xizmat qiladi. Qachonki inson o'z hatt harakatlarini nazorat qila olsa, harakatlarining salomatlik uchun ahamiyati muhimligini bilsa u sog'lom turmush tarzini o'z hayotiga tatbiq qilishga urinadi. Sog'lom turmush tarzi shakllangan har bir xonadon bu jamiyat va davlatning yengilmas kuchidir. Shu munosabat bilan ta'lim dargohida olib borilayotgan dars jarayonlari samaradorligini isloh qilishga ehtiyoj seziladi. Ushbu maqolada aynan shu masalaning mumkin bo'lgan yechimlari bayon qilingan. Maktabdagi jismoniy madaniyat darslari misol tariqasida taqdim etiladi.*

Kalit so'zlar: *maktab, jismoniy, madaniyat, tarbiya, 5-6 sinf, salomatlik, harakat, faollik, daraja*

Аннотация. *Физическое воспитание как неотъемлемая часть системы образования сегодня активно практикуется в образовательных учреждениях. Его переход от одного этапа к другому гарантирует, что его непосредственные пользователи, студенты и учителя, находятся в постоянном контакте с образованием. То есть в начальном, среднем, высшем и особенно послевузовском образовании. Это, в свою очередь, поможет улучшить знания и навыки участников в этой области. Когда человек может контролировать свое поведение, зная, что его действия важны для здоровья, он или она попытается внедрить здоровый образ жизни в свою жизнь. Каждый дом со здоровым образом жизни - непобедимая сила общества и государства. В связи с этим возникает необходимость реформирования эффективности учебного процесса в школе. В этой статье объясняются возможные решения этой проблемы. В качестве примера приведены уроки физкультуры в школе.*

Ключевые слова: *школа, физическая, культура, образование, 5-6 классы, здоровье, движение, активность, степень*

Abstract. *Physical education as an integral part of the education system is actively practiced today in educational institutions. Its transition from one stage to the next ensures that its direct users, students and teachers, are in constant contact with education. That is, in primary, secondary, higher and especially postgraduate education. This, in turn, will help to improve the participants' knowledge and skills in this area. When a person is able to control his behavior, knowing that his actions are important to health, he or she will try to incorporate a healthy lifestyle into his life. Every home with a healthy lifestyle is an invincible power of society and the state. In this regard, there is a need to reform the effectiveness of the educational process at*

school. This article explains possible solutions to this problem. As an example, physical education lessons at school are given.

Key words: school, physical, culture, education, 5-6 grades, health, movement, activity, degree

Sifat - zamonaviy ta'limning eng muhim omillaridan biridir. Buning sababi bugungi kunda ta'lim muassasalarida o'quv-tarbiyaviy ishlar darajasini pasayishida barqaror tendensiya mavjud. Bu maktab jismoniy tarbiya ta'limiga to'laqonli bog'liq bo'lgan hodisadir; [1] ushbu holatning eng muhim sabablari quyidagilardan iborat: ta'lim sohasidagi innovatsiyalarga nisbatan haddan ziyod ehtiros; jarayonda o'qituvchi korpusida kasbiy mahoratning kamligi; ba'zi hollarda moddiy-texnik ta'minotning past darajasi; ishtirokchilar tomonidan tushunmovchilik; jismoniy madaniyatning ahamiyati bo'yicha ta'lim jarayoni targ'ibot ishlari yo'qligi, jismoniy tarbiya jarayoniga yangi axborot va pedagogik texnologiyalarni joriy etish kabi masalalar hali hanuz kun tartibidan mustahkam o'rin egallab kelmoqda.

Ko'pgina zamonaviy maktablarda o'quv faoliyatining jadalligini oshirish, odatda, o'quvchilarning ishlash darajasi va sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatadi [2]. Bolalar va o'smirlar salbiy rivojlanishining asosiy sabablari aqliy va ruhiy stresslarni sezilarli darajada oshishida, jismoniy tarbiya samaradorligi pastligida, o'quvchilarning ishlash zaxiralari haqida ma'lumot yo'qligiga bo'g'liqdir.

Zamonaviy maktab o'quvchilarida harakat faolligining yetishmasligi ularning normal jismoniy rivojlanishi, tayyorgarligi, sog'lig'i uchun xavf tug'diradi [3]. Maktab jismoniy tarbiya va sport hayotining turli jihatlari o'quvchilarning sinflarga bo'lgan qiziqishini kuchaytirish, shaxsiy madaniyatni shakllantirish, jismoniy va aqliy qobiliyatni oshirish imkonini beradigan ijobiy o'zgarishlarga muhtoj. Ushbu muammolarni hal qilish, ayniqsa, 5-6 sinf o'quvchilari uchun juda muhimdir, chunki bu yoshda ular tananing biologik kamolotiga ega va kattalarga xos bo'lgan quvvat individualligi mavjud bo'ladi. Ruhiyat sohasida xarakterni shakllantirishning murakkab jarayoni mavjud [4]. Talabalarning jismoniy tarbiyasi samaradorligini oshirish texnologiyalarini rivojlantirishning mumkin bo'lgan yo'nalishlari orasida, ta'lim samarasi uchun an'anaviy yondashuvlarga qaraganda aniqroq ta'lim olish uchun turli xil ta'lim shakllarining bolalar tanasiga ta'siri, imkoniyatlarini asoslash istiqbollari e'tiborga olinishi kerak [5].

Yuqorida aytib o'tilgan vazifalar amaliyotga tatbiq etiladigan bo'lsa quyidagi natijalarni qo'lga kiritish mumkin:

1. O'quv yilining ikkinchi yarmida 5-6 sinf o'quvchilarining jismoniy va aqliy qobiliyati, shuningdek, tana salomatligi darajasining pasayishi o'rta umumta'lim maktabida jismoniy tarbiya jarayonining samarasizligi haqida gapirishga imkon beradi.

2. O'g'il-qizlarni jismoniy tarbiya jarayonining samaradorligi uchun ajratilgan omillarni hisobga olish, turli sinflarni rejalashtirish, tashkil etish va o'tkazish, shuningdek, bolalarning harakat faolligini mustaqil shakllarini nazorat qilish imkonini beradi.

3. 5-6 sinf o'quvchilarining jismoniy tarbiya samaradorligini oshirish uchun ishlab chiqilgan texnologiya, jumladan, jismoniy tarbiya o'qituvchisining uch bosqichli maqsadli faoliyati, darslarning yomon, noto'g'ri va maktabdan tashqari shakllarining samaradorligini oshirish uchun zaxiralardan foydalanish, bolalarda harakat faoliyatining turli qismlarida doimiy qiziqish hosil qilish, ta'lim orqali muhim rivojlanish va sog'lomlashtirish samarasini olish imkonini beradi.

4. Umumiy o'rta ta'lim maktabining 5-6-sinf o'quvchilari bilan jismoniy tarbiya-sog'lomlashtirish va sport-ommaviy ishlarni rejalashtirish, tashkil etish va o'tkazishda ishlab chiqilgan texnologiyadan foydalanish jismoniy tarbiya darslarini o'tkazib yubormaydigan o'quvchilar guruhini 75-80 foizga oshirish imkonini beradi, maktab ichida va tashqarisida o'tkaziladigan turli musobaqalarda qatnashmaydigan o'g'il-qizlar soni 3-4 marta qisqartiriladi.

5. Ishlab chiqilgan jismoniy tarbiya texnologiyasi rivojlanayotgan sog'lom turmush tarzi orqali bolalarga: a) yil davomida o'quv yuklarini muvaffaqiyatli yengib chiqish va hatto to'rtinchi chorakning oxirida 50% o'lchovlarda jismoniy va aqliy qobiliyatni sinab ko'rish natijalarining ishonchli o'sishini ko'rsatish; b) uchinchi chorakning boshida bolalarning jismoniy salomatligi darajasini o'rtadan yuqori darajaga ko'tarish va undan keyin o'quv yilining oxirigacha kamaytirmaslik imkonini beradi

6. O'quvchilarning jismoniy tarbiya jarayoni sinergetik xususiyatga ega bo'lib, bu bolalarning jismoniy tayyorgarlik parametrlarining o'sishi qizlarda 9-14 foizga va 19-40 foizga bolalarning eksperimental uslubdagi natijasida ularning harakat faoliyatining ikki miqdordagi an'anaviy shaklidan o'sishi kuzatildi.

7. Jismoniy tarbiya jarayonida aniqlangan sinergetik ta'sir miqdori fizika, biologiya va boshqa sohalarda 2,5-4 marta kam.

8. Bolalar bilan maktabdan tashqari sinflarni kompleks ravishda faollashtirish uchun ishlab chiqilgan uch bosqichli texnologiya - umumta'lim maktabining 5-6 sinf o'quvchilarining jismoniy tarbiyasi samaradorligini oshirish uchun yangi imkoniyatlar ochib beradi, uni yanada qiziqarli va samarali qilish imkonini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Avramenko V. A., Kuchkin Sn, Chernikov YU. T. Jismoniy madaniyat darsi biz shunday quramiz. // Jismoniy madaniyat nazariyasi va amaliyoti. -1990.-№ 1. O'tish: saytda harakatlanish, qidiruv

2. Aganyants E. K., Berdichevskaya E. M., Trembach A. B. Sport fiziologiyasi bo'yicha maqolalar: jismoniy tarbiya oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. Krasnodar, 2001. - 203 bilan.
3. Akchurin N. A. Maktab o'quvchilarining 11-13 yil davomidagi sport soatlari tizimida motor qobiliyatini rivojlantirish: Avtoreferat. dis. sham. ped. fanlar Sankt-Peterburg., 1998. 22S.
4. Aleksandrov S. G. Genezis, kadet korpusi o'quvchilarining jismoniy tayyorgarligida Kuban kazaklarining xalq o'yinlaridan foydalanishning sistematikasi va texnologiyasi. Muallif. dis. sham. ped. fanlar. - Krasnodar, 1999. 24 bilan.
5. Alferov A. D. Maktab o'quvchilarini rivojlantirish psixologiyasi: psixologiya bo'yicha o'quv qo'llanma.

УЎК 37.018.2

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.С. Азгамходжаева, доц., Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада бугунги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланган ёшлар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришига ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, ҳар қандай тарбия жараёни охири-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра гоявий тарбия эканлиги ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Калим сўзлар: тарбия, миллий, таълим, оила, ёшлар, ватанпарварлик

Аннотация. В статье рассмотрен научный анализ специфики воспитания молодежи, что является одной из самых актуальных проблем современности. Педагоги во все времена пытались формировать мораль и этику, веру и совесть, знания и навыки молодых людей в соответствии с требованиями и потребностями времени. Соответственно, сама жизнь доказывает, что любой процесс воспитания есть, в конце концов, идеологическое воспитание по своей цели и сути.

Ключевые слова: воспитание, национальность, образование, семья, молодежь, патриотизм

Abstract. The article deals with the scientific analysis of the specifics of the upbringing of young people, which is one of the most pressing problems of our time. Teachers at all times have tried to form morality and ethics, faith and conscience, knowledge and skills of young people in accordance with the requirements and needs of the time. Accordingly, life itself proves that any process of upbringing is, after all, ideological upbringing in its purpose and essence.

Keywords: upbringing, nationality, education, family, youth, patriotism

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотлар, энг аввало, аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, шунинг баробарида, уларда том маънода юксак маънавиятли инсонларни тарбиялаш мақсади билан уйғунлашган. Давлат ижтимоий сиёсатининг жадал ривожланишида маънавий-ахлоқий институтлар роли ва аҳамияти муҳим ўрин тутишини «жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган миллий ғоя ва мафкуравий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш» [2] га қўйилаётган талаблар исботлаб турибди. Шу боис, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари концепциясини ҳаётимизга тўлақонли жорий этилаётган мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамиятда маърифатли ёшларни тарбиялаш зарурлигини намоён этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!» – дея таъкидлайди [3].

Соғлом гоявий тарбия эса – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини ҳам англатади. Шу ўринда тарбия ҳамда таълим берувчининг шахсий сифати ҳамда ўз ишига фидойилиги бу масалада ғоят муҳим эканлигини унутмаслик керак. Бу хусусда Ғазолий шундай ёзади. «Шайхнинг (тарбиячининг) муриддини тарбиялаш калити - ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун дехқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалагани каби бир ҳол» [6].

Ёшлар-бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида жисмоний соғлом, маънан етук, замонавий билимлар ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлодга ғамхўрлик қилишдек эзу мақсад мужассам. Зеро, жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари замирида, инсон ва унинг манфаатлари, юртимиз тараққиётининг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар масаласи устувор масалалар қаторида туради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди,- “Фарзанларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга

қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазирамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [4].

Бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида фойдаланаётганлар бўлсалар, қайси бир ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали қатор онги ўзига хос шаклланган, ўзининг мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга бўлмаган ёшларни тўрға тушириш ва ўзининг салбий ниятларини, мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Хусусан, биргина одноклассники сайтига кунига мамлакатимиздан икки миллионга яқин киши кирмоқда. Уларнинг аксарияти қисми эса ёшлар ҳисобланади. Бундай ўхшаш тармоқларнинг асосий мақсади эса ўқувчи ёшларимиз онгини, қалбини эгаллаш, маълум бир мамлакат ёки минтақадаги миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-тўғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш десак муболаға бўлмайди. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Оиладаги мавжуд муносабатлар таъсирида илк болалиқдан ўз бурчига содиқлик, ватанпарварлик, қатъийлик, инсон кадр-қимматини англаш каби юксак инсоний хислатлар шакллана бори. Турмушдаги самимийлик, оқилона муносабатлар, илиқ психологик муҳит таъсири натижасида оила аъзолари камтарлик, самимийлик, илтифотлилик, яхшилик, эзгулик, сабрлик, тўғрилиқ, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, виждонлилик, маъсулиятлилик, озодалик, иззат-нафсли хислатлар ахлоқий тарбия асосида таркиб топади. Агар оиладаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизида қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида писмиқлик, ўжарлик, қайсарлик каби иллатлар шаклланади. Бу оилада ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалтиришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим объектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни сеувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий кадриятларига ҳурмат кўзи билан қарайдиган ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи ватандошларимизни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг, айниқса, педагогика соҳасида фаолият кўрсатувчи фуқароларимизнинг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир.

Мамлакатимиз ёшларининг дунёқараши ҳам маънавий-мафкуравий таъсир объектига айланиб бормоқда. “Ёш авлод тарбияси,- деб таъкидлаган эди давлат раҳбари, –ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” [5]. Чунки “ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмақда” [5]. Шу боисдан йигит ва қизлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоя қилиш масаласи умумжамият аҳамиятига молик вазифа сифатида талқин қилинмоқда, бу борадаги ишлар маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида йўналишига айлантирилган. Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик ёшлар онги ва дунёқарашини ҳимоялашнинг янги ва янада самарали йўларини излаб топишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсагина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади” [5], деб ҳисоблайдилар.

Биз ёшларимизда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз учун уларга миллий-маданий тарихимиз ҳақида етарлича билим, тасаввурлар беришимиз лозим. Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суғоришнинг йўли шахсни маънавият, маърифатга ошно қилишдир. Инсонни ва жамиятни турли бало-қазолардан асрашнинг ягона йўли эса қалбни даволаш, уни соғломлаштиришдир. Албатта, бунинг учун ёшлар қалбида юксак маънавиятни шакллантириш лозим бўлади. Чунки, инсонлардаги маънавий бойликни, ахлоқий покликни ривожлантиришга хизмат қилиш – гўзалликнинг олий вазифаси ҳисобланади [8]. “Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, - деган эди буюк мутафаккирларимиздан бири Аристотель, –ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди” [8].

Кайковуснинг "Қобуснома" асари, Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ", Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», А.Жомийнинг «Баҳористон», А.Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари ахлоқий дидактик ва фалсафий характерга эга бўлиб, барчасида инсоний фазилатлар тараннум этилган. Педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси А.Авлоний ахлоқни шундай

таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур» [6]. Бу ўринда Абдулла Авлоний ота-оналарга болаларнинг тарбияси билан бирга уларнинг саломатлигига ҳам катта эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Ключевые слова: инвестиции, реальные инвестиции, реальные инвестиции в материальной форме, реальные инвестиции в нематериальной форме, производство

Abstract: The article is devoted to highlighting the essence of real investments. The article expresses the author's theoretical approaches to the development of real investments. Also, developments have been made by type and application of real investments.

Key words: investments, real investments, real investments in tangible form, real investments in intangible form, production

Маълумки, иктисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. Шу мақсадда Республика Президентининг сўнгги мурожаатномасида 2021 йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарурлиги қайд этилган бўлиб, бунинг натижасида 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши кўзланган [3].

Реал инвестициялар – бу турли хил шаклдаги асосий воситаларга сармоялар киритишдир. Реал инвестициялар компанияларнинг реал активларини яратиш, кенгайтириш ёки ишлашини таъминлашга сармоя киритишни англатиб, агар бу иборани чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагича изохлаш мумкин:

- ишлаб чиқариш капитали шаклида – корхоналарнинг асосий ва айланма маблағлари, қурилиш ва капитал таъминот;


- ер ва бошқа табиий ресурслар – фойдали қазилмаларни қазиб олиш мақсадида конларни ўзлаштириш ёки сотиб олиш;

- номоддий активлар – патентлар, савдо белгилари, лицензияларни олиш;

- илмий тадқиқотлар ёки таълимга сармоялар киритиш;

- янги бизнесни ўзлаштириш учун сармоялар киритиш.

Ушбу таҳлилларимиздан реал инвестициялар моддий ва номоддий кўринишда бўлишини яққол қайд этиш мумкин (1-расм).



1-расм. Реал инвестициялар турлари

Расм муаллиф томонидан ишланган

Моддий кўринишдаги реал инвестицияларга қуйидагилар киради:

- яхлит мулк мажмуаларини, янги корхоналарни ва бошқаларни яратиш;

- мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- айланма маблағларни тўлдириш ва жорий ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш.

Номоддий (потенциал) инвестицияларга ходимларни ривожлантириш, товар белгиларини расмийлаштириш, брендни билиш имкониятларининг ошиб бориши, тадқиқот ва ривожлантириш кабилар киради.

Ўзбек иқтисодчиларидан Н.Ф.Каримов ва Р.Х.Хожиматов фикрига кўра, «реал инвестициялар физик объектларга киритиладиган инвестициялар мажмуасини билдириб, улар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш объектларига киритиладиган инвестицияларни англатади, балки бошқа турдаги ноишлаб чиқариш объектларига ва тижорат мақсадлари кўзланмайдиган соҳаларга, хусусан ижтимоий самара олиб келувчи соҳаларга ҳам киритиладиган инвестициялардан иборат бўлади» [4].

Ҳозирги даврга келиб, жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган ҳаражатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир [4].

Реал инвестициялар ишлаб чиқариш капиталини ошириш ва товар-моддий захираларни ҳамда номоддий активларни кўпайтиришга йўналтирилади. Реал инвестиция атамаси иқтисодий таҳлилнинг халқаро амалиётида қўлланилади ва БМТнинг миллий ҳисоблар тизимида ишлатилади.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Реал инвестицияларни моддий ва номоддий жиҳатдан қўлланилишини фарқлаш учун 1-жадвалда берилганидек, мисоллар келтирамиз.

1-жадвал

Реал инвестицияларни қўлланилишига доир мисоллар*

№	Моддий	№	Номоддий
1.	Биз заводни кенгайтириш учун янги бино қурмоқдамиз.	1.	Кадр (персонал) тайёрлаш учун мураббий таклиф қилинди.
2.	Компания тарелка ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқариш линиясига қайта сармоя киритилиб, стакан ишлаб чиқариш бошлади – қайта ишлаб чиқариш.	2.	Реклама агентлигида (креатив соҳа ишчиларини касбий маҳоратларини ошириш масалаларига доир) топ-менежмент билан ишлаш учун психолог таклиф қилинди.
3.	Янги композит материаллар бўйича тадқиқотларга сармоя киритилди.	3.	Гўзаллик салонининг номланишига ишлов бериш учун коперайтер ёлланди.
4.	Ишлаб чиқариш мажмуаси учун янги дастурий таъминот ишлаб чиқилди.	4.	Бухгалтерлар учун малака ошириш курслари учун тўлов амалга оширилди.
5.	Ишчилар учун ётоқхона қурилди.	5.	Компаниянинг асосий брендини SMM тарғиботи учун сармоя киритилди.
6.	Кўшни минтақада янги филиал очилди.	6.	Катта ишлаб чиқариш корхонасида ишда субординацияга риоя қилиш бўйича семинар ўтказилди (ходимларнинг шикоятни туфайли).
7.	Гулчи гул дўкони очмоқда.		
8.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун омбор қурилди.		
9.	Халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Уни узлуксиз мониторинги учун сифат назорати бўйича менежер ёлланди.		

* Жадвал муаллиф томонидан турли манбалар асосида ишланган.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, реал инвестиция бозорининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

- корхоналарга тўғридан-тўғри инвестиция киритиш;
- хусусийлаштириладиган объектларга инвестиция киритиш;
- кўчмас мулкка сармоя киритиш;
- реал инвестициялар учун бошқа объектлар (қимматбаҳо металллар ва тошлар, коллекцияланадиган буюмлар).

Шундай қилиб, реал инвестициялар реал капиталнинг ўсишини, яъни ишлаб чиқариш маблағлари, моддий бойликларнинг ўсишини таъминлайди. Бошқача айтганда, қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар портфель инвестициялари, физик активларига қилинадиган инвестициялар – реал инвестициялар бўлиб, моддий бойликларнинг ривожига хисса қўшади.

Реал инвестицияларни бошқариш ўзига хос тажрибали ёндашувни талаб қилади. Чунки реал инвестициялар жуда юқори даражадаги таваккалчилик билан тавсифланади. Шунга кўра, реал инвестицияларни бошқариш маҳоратли тарзда амалга оширилиши зарур.

Дарҳақиқат, реал инвестицияларни бошқариш сифати корхонанинг молиявий кўрсаткичлари билан белгиланади. Корхона фаолиятига чинакамига таъсир кўрсата олиш учун, инвестицияларни амалга оширишдан олдин, унинг назорат пакети устидан тўлиқ назорат ўрнатиш ёки олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Кўпинча корхона раҳбарияти ва реал инвесторнинг инвестиция фондлари йўналишидаги манфаатлари бир-бирига тўғри келмайди ва реал инвестицияларни тўғри бошқариш доимий таҳлил қилиш, фаолият натижаларини прогноз қилиш учун инвестор ва корхона раҳбари ўртасида консенсусни топиш зарурияти юзага келади.



2-расм. Реал инвестициялар самарадорлигини аниқлаш усуллари

Расм муаллиф томонидан ишланган


Реал инвестицияларни бошқаришдаги маҳоратли ёндашувлар реал инвестицияларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Реал инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлаш учун 2-расмда келтирилганидек динамик, статистик каби турли усуллардан фойдаланилади.

Энг кўп қўлланиладиган ва аниқ усул – инвестиция объекти асосида фойда меъёрини аниқлаш ва бошқа шу каби капитал қўйилмалар турлари билан таққослашни амалга оширишдир. Агар ўрганилаётган объектнинг қайтим даражаси юқори бўлса, бундай инвестицион лойиҳа самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда реал инвестицияларнинг катта қисми янги қурилишга киритилмоқда. Масалан, Наманган вилоятида 2021 йилнинг январь-март ҳолатига кўра янги қурилишга киритилган реал инвестицияларнинг ҳажми 1254,9 млрд. сўмни ташкил этиб, асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 57,6 фоизини ташкил этган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 23,8 фоизи кенгайтирилган реконструкция ва қайта қуроллантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг ҳажми 518,5 млрд. сўмни ташкил этади (3-расм).

Фикримизча, реал инвестициялардан кенг фойдаланишга ўтиш учун мамлакатда инвестицион муҳит, яъни қулай инвестицион шароитнинг аҳамияти жуда катта. Бунда асосан қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

1. Сиёсий барқарорлик. Давлат ўзининг сиёсий барқарорлигини нақадар мустаҳкамлаб борса, унинг заминида тинчлик барқарор бўлиб боради. Бундай мамлакатда инвестициялар оқими тобора ортиб боради. Чунки сиёсий барқарорлик макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Натижада ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги кузатилади. Аини пайтда Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон инвестицияларни жорий этишдаги асосий ҳамкор мамлакатлар қаторига киритилмоқда.



3-расм. Наманган вилоятида 2021 йилнинг январь-март ҳолатига кўра асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ва улуши (млрд.сўм ва % да)

Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишланган

2. Мамлакат иқтисодиётида макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарор суръатларда ўсиб бориши. Ҳар бир давлат ўзининг макроиктисодий кўрсаткичларини таҳлил этиб борар экан, унда ўсиб боровчи тенденциялар шаклланган бўлса, бу ҳолат инвесторларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Хусусан, Ўзбекистон дунёда ўзбек модели асосида тан олинган ўзига хос йўлни танлади. Натижасида МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) таркибидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ўз иқтисодиётини юксалтириб борди. Бугунги кунда ҳам глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтиб бормоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар деярли барча соҳаларни чуқур қамраб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатга реал инвестицияларнинг кириб келишига катта имкониятлар яратади.

3. Худуднинг географик жойлашуви ва геосиёсат. Ҳар қандай давлатнинг географик жойлашуви инвестор учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон худуди Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакат ҳисобланади [8]. Шундай экан, инвесторлар учун логистика соҳасида ўзига хос устувор қулайликларга эга.

4. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг эркин кириб келишида бозор инфратузилмасининг мавжудлиги ва уни ривожланганлик даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда бозор инфратузилмасини «...ҳалқаро талаблар асосида шаклланишини таъминлаш мақсадида институционал ўзгаришлар, яъни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, стандартлар ва талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Хусусан, 2017 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этилди. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,2 баробарга кўпайиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдори деярли 3 баробар ўсди» [5].

5. Қулай солиқ ва божхона сиёсати. Инвесторлар учун ҳар қачон ҳам солиқ ва божхона тизимидаги қулай шарт-шароитлар ва олиб борилаётган сиёсат ўзига хос долзарб бўлиб келган. Қатор имтиёз ва преференцияларни яратиш йўлида Ўзбекистонда жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

6. Меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва уларни салоҳияти. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 20 млн.га яқин бўлиб, уларнинг таркибида алоҳиятли мутахассислар ҳам мавжуд. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100% ни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Реал инвестицияларни ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, пандемия ва ундан кейинги даврларда иқтисодий ўсишда юзага келиши мумкин бўлган турғунликларни бартараф қилиш мақсадида вилоятлар кесимида реал инвестициялар жалб қилиш бўйича кескин рақобат кураши юзага келган. Шу боис, Республика худудларида хомашё базаларини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори кўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига реал инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қуйидаги имкониятларга эришишга ва қулайликларни қўлга киритишга катта шарт-шароит яратади.

Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига реал инвестицияларни жалб қилишни янада кенгайтириш учун қуйидаги йўналишларда кўшимча тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- миллий иқтисодиётда инновацион-ишлаб чиқариш тармоқларига реал инвестицияларни устувор рағбатлантириш;
- фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар таркибида реал инвестицияларнинг улушини ошириш;
- инновацияларга йўналтирилган иқтисодиётни инвестициялашда давлат-хусусий шериклиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш асосида аралаш мулкни жадал суръатларда ўстириш;

- иқтисодий модернизацياлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга инвестицияларни жалб қилишда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бозор интеграциясини кучайтириш;
- иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда инвестициялашнинг инновацион омилларининг ролини ошириш;
- минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлаштиришга инвестицияларни кўпроқ йўналтириш;
- минтақаларда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга инвестицияларни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш;
- таркибий ўзгаришлар шароитида инвестицияларни бошқариш бўйича интеллектуал малакали ва маънавий жиҳатдан етук кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, реал инвестициялар турли хил шаклдаги асосий воситаларга сармоялар киритиш бўлиб, компанияларнинг реал активларини яратиш, кенгайтириш ёки ишлашини таъминлашга олиб келади. Бундай инвестицияларни миллий иқтисодийнинг деярли барча тармоқларига жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг таркибини мувофиқлаштириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”. ЎРҚ-598-сонли. 25 декабрь, 2019 йил.
2. Ўзбекистон Республика Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4937-сонли. 28 декабрь, 2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
4. Каримов Н.Ф., Хожиматов Р.Х. Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. – 801 б.
5. Мустафақулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқт. фан. доктори (DSc) диссертация автореферати. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. 2017. – 73 б.
6. Мустафақулов О.А. Минтақанинг инвестицион муҳити ва иқтисодий жозибadorлигини ошириш масалалари. // “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил
7. <https://president.uz/uz/lists/view/4057> // Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29 декабрь, 2020 йил.
8. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодий, 2009. – 93 с.

УЎК 316.4

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ

С.С. Зокиров, и.ф.н., Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада муаллиф урбанизация жараёнларини ривожлантиришнинг миллий ҳуқуқий-меъорий жиҳатларини тадқиқ этган. Тадқиқотлар жараёнида урбанизацияни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ҳамда уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тақлиф этган.

Калим сўзлар: урбанизация, тартибга солиш, институционал жиҳатлар, инновация, давлат, сиёсат, давлат-хусусий шерикчилик

Аннотация. В статье автор исследует национальные правовые и нормативные аспекты развития процессов урбанизации. В ходе исследования он предложил механизмы государственного регулирования развития урбанизации и приоритеты их совершенствования.

Ключевые слова: урбанизация, регулирование, институциональные аспекты, инновации, штат, политика, государственно-частное партнерство

Abstract. In the article, the author examines the national legal and regulatory aspects of the development of urbanization processes. In the course of the study, he proposed mechanisms of state regulation of urbanization development and priorities for their improvement.

Key words: urbanization, regulation, institutional aspects, innovation, state, politics, public private partnership

Шаҳар манзилгоҳлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш анча мураккаб ва кўп омилли тизим бўлиб, унда кўплаб давлат бошқарув органлари ўз фаолият йўналишлари ва ваколатлари доирасида иш олиб борадилар. Бу жараёнда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг турли поғонадаги идоралари иштирок этадилар.

Конун чиқарувчи ҳокимият органи – Олий Мажлис палаталарининг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида қонунчилик ҳужжатларини қабул қилади ва улар ижросини назорат қилади. Жумладан, Олий Мажлис Сенати аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча ва шаҳар мақомларини бериш, шаҳар манзилгоҳлари мақомларини ўзгартириш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганади, агар улар асосли бўлса тасдиқлайди. Қонунчилик палатаси эса урбанизация жараёнларини тартибга солишга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Аҳоли пунктлари ривожланишини тартибга солишда иерархик тузилиши бўйича энг юқори ижроия органи Президент Администрацияси бўлиб, у урбанизацияни ривожлантиришга оид Президент Фармонлари ва Қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқади, улар тасдиқлангач, ижро назоратини амалга оширади.

Урбанизация жараёнларини тартибга солиш масалалари билан Вазирлар Маҳкамасининг икки таркибий бўлими, яъни Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва муҳофаа саноати масалалари котибияти ҳамда Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими шуғулланади. Бунда Котибият шаҳарларни ривожлантириш юзасидан вазифаларни адо этади, жумладан, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати топшириқлари ижросини назорат қилиш билан шуғулланади. Бўлим эса Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларини, Сирдарё вилоятининг Ширин, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини ва Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё тумани Шарғун шаҳарчасини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Шаҳарларни ривожлантиришда марказий давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида турли йўналишлар бўйича вазифаларни бажарадилар.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги шаҳарларни ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, турар жойларни муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма билан уйғун ҳолда қуришни инobatга олган ҳолда урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш, шунингдек, ер участкаларига оид замонавий бозор механизмларини жорий этиш ишларига масъул бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида, жумладан урбанизация сиёсатини олиб боришда ҳам “хатолардан хулоса чиқариш” усули қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 10 январда қабул қилинган “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Урбанизация агентлиги ташкил этилди. Бир йил мобайнида агентлик томонидан муайян ишлар бажарилди. Хусусан, Прогнозлаштириш ва макроеқтисодий тадқиқотлар институти билан биргаликда 2030 йилгача Урбанизацияни ривожлантириш Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди, йўлдош-шаҳар мақоми талабларига мос келадиган аҳоли манзилгоҳларини танлаб олиш мақсадида шаҳарчалар, кичик ва ўрта шаҳарлар хатловдан ўтказилди. Шу билан бирга, агентлик Шаҳарсозлик, Уй-жой ва Ер Кодексларининг янги тахрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этди.

Шу билан бирга, бу вазифаларни бажариш учун махсус давлат органи ташкил қилиш шарт эмас. Шу боис, 2020 йилда агентлик тугатилиб, унинг ўрнида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида Урбанизация сиёсатини юритиш департаменти ташкил этилди ва куйидагилар унинг асосий вазифалари қилиб белгиланди:

- мавжуд шаҳарларни кенгайтириш ёки йўлдош шаҳарчаларни яратиш юзасидан ҳудудлар кесимида таклифлар тайёрлайди;
- шаҳарларнинг бош режаларини ишлаб чиқишни молиялаштириш манбаларини аниқлайди ва мувофиқлаштиради;
- йўлдош шаҳарлар бунёд этилишини ҳисобга олиб, агломерацияларни шакллантиришни бошқаришга оид таклифлар тайёрлайди;
- уй-жой қурилиш бозорини ипотека кредитлари орқали ривожлантириш ҳамда мавжуд уй-жойлар фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда реновация тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Қурилиш ва меъморлик соҳасидаги асосий ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги бўлиб, у шаҳарсозлик соҳасида ягона давлат илмий-техник сиёсатини олиб бориш, республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, шаҳарсозлик

фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва бошқа шу каби вазифаларни адо этиш билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини тайёрлаш вазирлик томонидан ханузгача бошланмаган бўлиб, бу бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари сифатига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги (УЖКХ) вазирлиги уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади. УЖКХ соҳасида мавжуд муаммолар таҳлили ва бу муаммоларни ҳал этишда вазирлик ролини баҳолаш шуни кўрсатадики, ижтимоий уй-жой ва давлат муассасаларини қуриш учун бозор шароитида фаолият юритадиган инновацион иерархик назорат тизими шакллантирилиши керак. Уй-жой хўжалигидан ташқари, коммунал соҳадаги асосий корхоналар давлат мулки ҳисобланади. Кичик бир қисми АО шаклига эга бўлиб, бу ерда давлат улуши 95% гача етади.

Қонунчиликка кўра, коммунал хизматлар (канализация, сув, иссиқлик ва газ таъминоти) тармоқлари табиий монополия объектларига тегишли. Бизнинг фикримизча, уй-жой хизматлари кўрсатишда рақобат муҳитини яратиш учун *давлат-хусусий шериклик асосида* фаолият юритадиган корхона ташкил этиш зарур. Бунда кўрсатиладиган хизматлар шартнома асосида амалга оширилади, УЖКХ тизимида уй-жой мулкдорларининг янги қатлами шакллантирилади.

Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини тартибга солувчи ташкилий-институционал базаси субъектлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

макро -, мезо- ва мини- даражадаги ҳокимият институтлари;

уй-жой-коммунал хизматларининг бевосита фойдаланувчилари (аҳоли, турли шаклдаги корхоналар ва бошқ.);

барча даражадаги бозор институтлари.

Уй-жой коммунал хўжалигини инновацион тизимини шакллантиришда, узоқ муддатли истиқболда миллий иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш имкониятини таъминлашда бошқарувнинг тўрт даражасини кўрсатиш мумкин: республика, вилоят, ҳудуд (туман, шаҳар, маҳалла) ва бевосита фойдаланувчилар. УЖКХнинг институционал доирасидаги яна бир бўшлиқ маҳаллий ҳокимият органлари инфратузилмани сақлаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун етарли молиявий ресурсларга эга эмаслигидир. Бюджет муаммоларидан ташқари, иқтисодий ва маъмурий-ҳуқуқий чекловлар ҳам мавжуд, зеро бу объектларнинг деярли барчаси хўжалик ҳисобидаги мустақил корхоналардир (одатда, дебитор ва кредитор қарзлар билан). Маҳаллий ҳокимият органлари инфратузилма объектларини ривожлантириш учун заём маблағларини жалб этиш ҳуқуқи ва имкониятига эга эмас. Улар, одатда, етарли ваколатга эга бўлмаганликлари боис, бу корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашмайди.

Ўзбекистонда ер муносабатлари соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, ердан фойдаланишни тартибга солиш жараёнига давлат аралашуви ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан тугамаслиги керак. Аслида тартибга солиш ерни бошқариш орқали амалга оширилади. Давлат ер бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ер бозорини давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан ер ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш, ер кадастрини рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш, ердан оқилона фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ер ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

- давлат ва маҳаллий ҳокимият ихтиёридаги ер участкаларини тасарруф этиш.

Вилоят ва шаҳар миқёсида қурилиш саноати ҳамда меъморликни ривожлантиришга ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари ва қурилиш бошқармаси (бўлими) бошлиғи масъул ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда урбанизация сиёсати ўзининг тадрижий ривожланиш жараёнларини бошдан кечирди. Бунда баъзан муайян даврдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, муаммони ҳал этишга ҳаракат қилинди. Айрим ҳолларда эса субъектив омилар таъсирида хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилди.

Ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш ва марказий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини аста-секин маҳаллий бошқарув органларига бериш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида республика ҳукуматининг 1997 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, республика бўйича вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар сони 54 тадан 28 тага камайтирилди. Қолган 26 таси тегишли қишлоқ туманлари ҳокимлик аппаратлари билан бирлаштирилиб, туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва шаҳарчалар даражасига туширилди. Шу туфайли маълум даражада маҳаллий бюджет маблағлари

тежамкорлигига эришилди. Шу билан бирга, ҳолатни баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

- бу соҳада эришилган самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили ҳеч бир давлат идораси томонидан амалга оширилмади;
- мазкур тадбирни амалга оширишда бу соҳадаги қонун ҳужжатларига етарли даражада амал қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда урбанизация даражасининг статистик ўсишига ижобий таъсир кўрсатди [1]. Қарорга мувофиқ, мамлакатимиздаги 965 та қишлоқ аҳоли пункти шаҳарча мақомига эришди ва шу туфайли урбанизация даражаси бир йил ичида 35,8 дан 51,7 фоизга ўсди.

Бироқ, мазкур Қарорни қабул қилишда “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг аҳоли пунктларини шаҳарчалар туркумига киритишга оид бандига етарлича амал қилинмади. Хусусан, Қонуннинг 12-бандида “Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин” – дейилган. Гарчи 965 та аҳоли пунктларининг барчаси Қонуннинг аҳоли сони бўйича қўйган талабига мос келсада, лекин улар орасида “саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган”лари анча кам. Бунинг устига, уларда истиқомат қилувчи аҳоли орасида ноқишлоқ хўжалик соҳаларида банд бўлган кишилар ва уларнинг оила аъзолари салмоғи жуда паст. Мазкур аҳоли пунктлари маиший қулайликлар билан жиҳозланганлик даражаси, меъморий қиёфаси билан ҳам шаҳарча мақомига “даъвогар” бўлишдан анча йироқ. Ҳукумат қарори қабул қилинганига 12 йилдан кўп вақт ўтган бўлишига қарамастан, уларни ҳақиқатда шаҳарча даражасига кўтариш юзасидан жиддий ишлар амалга оширилгани йўқ.

Ҳозирги пайтда аксарият туманга бўйсунувчи шаҳарлар, туман марказлари, шаҳарчалар ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг маъмурий-бошқарув тузилмаси мавжуд эмас. 81 та туманга бўйсунувчи шаҳардан фақат 6 тасида – Қўрғонтепа, Асака, Ромитан, Сирдарё, Янги Нишон (Нишон тумани) ва Питнакда (Хазорасп тумани), 1067 та шаҳарчанинг фақат 2 тасида – Даштобод (Зомин тумани) ва Сариосиёда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари - шаҳар (шаҳарча) ҳокими лавозими жорий этилган. Бироқ, бу тартиб жорий этилган меъёрий ҳужжатда нима учун айнан мазкур аҳоли пунктлари учун бошқарув органи ташкил этилганлиги асослаб берилмаган. Бу эса соҳани давлат томонидан тартибга солиш бўйича муайян бўшлиқлар борлигини кўрсатади.

Туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва шаҳарчаларни ривожлантириш учун масъул орган – ҳокимликлар вазифаси шаҳар/шаҳарча худудида жойлашган маҳалла кўмиталари зиммасига юклатилган бўлиб, улар бевосита туман ҳокимликларига бўйсундилар. Бизнинг фикримизча, маҳаллий ўз ўзини бошқариш институти бўлмиш – маҳаллаларнинг Ўзбекистон маъмурий-худудий бошқарув иерархиясидаги ўрнини аниқлаштириш зарурати мавжуд.

Тадқиқот натижалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзига хос бўлмаган бир қатор вазифа ва функциялар юклатилганлигини, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмлари етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Охириги йилларда бу масалага энг олий даражада эътибор қаратилиб, камчиликлар жиддий танқид остига олинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий” [2].

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппарати таркибида Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими ташкил этилди ва унга Тошкент вилояти Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларини, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрини, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини ва Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани Шарғун шаҳарчасини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлаш вазифаси юклатилган [3]. Бироқ, Фармонда нима учун юқорида номлари зикр қилинган 6 та шаҳар ва 1 та шаҳарча учун ҳукумат аппарати қошида алоҳида бўлим ташкил этилганлиги ва унинг зарурати асосланмаган, улар қандай мезонларга кўра ажратиб олинганига, келгусида ушбу ваколатли тузилма ёрдамида мазкур шаҳар манзилгоҳлари ривожланишида қандай истиқболли режалар кутилаётганига изоҳ берилмаган. Бизнинг фикримизча,

юқорида номлари қайд этилган шаҳар манзилгоҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун ҳукумат таркибида алоҳида бўлим ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Урбанизация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишда институционал жиҳатдан қуйидагиларга эътибор қаратилиши зарур:

1. Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида:

ҳозирги пайтда коммунал соҳадаги асосий корхоналар давлат мулки ҳисобланади. Шу асосда, уй-жой хизматлари кўрсатишда рақобат муҳитини яратиш мақсадида соҳага хусусий секторни жалб этиш ва *ДХШ асосида* фаолият юритиш имкониятларини кенгайтириш. Бунда хизматлар шартнома асосида бажарилади, уй-жой мулкдорларининг янги қатлами вужудга келади;

маҳаллий ҳокимият органлари инфратузилмани сақлаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун етарли молиявий ресурсларга эга эмаслиги туфайли уларга ушбу инфратузилма объектларини ривожлантириш учун заём маблағларини жалб этиш ҳуқуқи ва имконияти берилиши лозим.

2. Ердан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида давлат ер бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ер бозорини давлат томонидан тартибга солиш, шу жумладан, ер ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш, ер кадастрини рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш, ердан оқилона фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ер ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат ва маҳаллий ҳокимият ихтиёридаги ер участкаларини тасарруф этиш;

мулк шаклидан қатъий назар ердан фойдаланиш ва ер бозорини тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар учун масъул бўлган ижроия органини тузиш.

3. Бошқарув соҳасида:

туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва шаҳарчаларда бошқарув тузилмалари ташкил этиш;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти бўлмиш – маҳаллаларнинг маъмурий-худудий бошқарув иерархиясидаги ўрнини аниқлаштириш;

ҳукумат аппарати таркибида Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими фаолиятида такрорланиш мавжудлиги сабабли, унинг фаолиятини тўхтатиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/1486944>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги “Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5738-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4372271>.

УЎК 33

**«FARM OPTIMIZATION MODEL» ТИЗИМИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ
ЛОЙИҲАЛАШ**

С.М. Мырзатаев, катта ўқитувчи, ҚКДУ, Нукус

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиши самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳалаштирилган «Farm optimization model» номли ахборот тизими ресурслари ва тизим томонидан олинadиган натижаларни сақлаш учун ишлаб чиқилган маълумотлар базасини шакллантириш жараёни, уни ишлаш тартиби тушуинтириб ўтилган.

Калим сўзлар: Farm optimization model, ахборот тизими, маълумотлар базасини лойиҳалаш, МББТ, MySQL, oil, plants, users, user_plants, user_posibility, id, оптималлаштириши, реляцион модель, инфологик модель, веб интерфейс

Аннотация. Данное исследование описывает процесс формирования базы данных, спроектированное для повышения эффективности землепользования фермерскими хозяйствами, предназначенное для хранения ресурсов информационной системы «Farm optimization model» и результатов полученные системой, а также порядок его работы.

Ключевые слова: Farm optimization model, информационная система, проектирование базы данных, СУБД, MySQL, oil, plants, users, user_plants, user_posibility, id, оптимизация, реляционная модель, инфологическая модель, веб интерфейс

Annotation. This article deals with the database building process designed to improve the efficiency of farm land use and how it works. Also, it considers the database which is designed to store the resources of the information system “Farm Optimization Model”, the results obtained by the system and the stages of its operation.

Keywords: *Farm optimization model, information system, database design, database management system, MySQL, oil, plants, users, user_plants, user_posibility, id, optimization, relation model, infological model, web interface*

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни бошқариш катта миқдордаги маълумотлар базасини тўплаш, қайта ишлаш ва уларни қарор қабул қилиш учун зарурий ҳолатга келтириш талаб қилинади. Маълумотлар базасини шакллантириш, қайта ишлаш ва бошқариш назарияси иқтисодиёт ва информатиканинг ўзаро ҳамкорлигидаги алоҳида йўналиш сифатида XX асрнинг 50-йилларидан ривожлана бошлагани ҳолда бугунги кунга келиб, мазкур назария замонавий фанда муносиб ўринга эга бўлди.

Ҳозирги ахборотлашган даврда менежер ва иқтисодчилар кишлок хўжалиги, молиявий ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, қарор қабул қилиш жараёнида турли манбалардан олинган катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишлашига тўғри келади. Маълумотларнинг бундай мураккаб тўпламини маълумотлар базаси деб аташ қабул қилинган [2].

Кишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштириш ва бошқариш жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жалб қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мавжуд имкониятлардан оптимал фойдаланиш, рақобат курашида устунликни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, даромадни максималлаштириш каби масалаларни ечиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш жараёнларини тезлаштиради, таваккалчилик даражасини пасайтиради. Ахборот технологияларидан фойдаланиш, маълумотлар базаси билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш ҳар қандай мутахассис ва кўплаб ташкилотларнинг иш фаолиятида ажралмас қисм бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳар қандай мутахассис бугунги кунда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, маълумотлар базаси билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши ва дастурий воситалардан самарали фойдаланиши долзарблик касб этади.

Ахборот технологияларнинг ривожланиши ўз навбатида мутахассислар томонидан махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ қилишни талаб қилмоқда. Натижада, маълумотлар базасини яратиш – ахборот тизимини яратиш билан боғлиқ масъулиятли ва мураккаб масалалардан бири сифатида шаклланди. Мазкур масалани ечиш натижасида маълумотлар базаси мазмунини тушуниш, уни ташкил қилишнинг самарали усуллари, яратилаётган тизимда маълумотларни бошқаришнинг инструментал воситалари аниқланиши зарур.

Маълумотлар базаси ахборот тизимларининг функционалигини таъминлайдиган асосий ташкил этувчилардан бири бўлиб, тизимнинг тўғри ишлашида муҳим ўрин тутаяди. Шунинг учун ҳам ахборот тизимларини яратишда маълумотлар базасини лойиҳалаш муҳим босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тизим ишлаши учун керак бўладиган барча маълумотлар, шунингдек тизим ишлашининг натижалари маълумотлар базасида сақланади.

Бугунги кунда веб технологиялар асосидаги ахборот тизимларида маълумотлар базасининг реляцион модели кенг фойдаланилади. Бунда маълумотлар ўзаро боғланган жадвалларда сақланади. Бу каби маълумотлар базасини яратишда маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан фойдаланилади [3].

Мазкур тадқиқот иши доирасида фермер хўжалиқларининг ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Farm optimization model» номли ахборот тизими учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилди. Ишни бажариш учун маълумотлар базасининг реляцион шакли танланди. Маълумотлар базасини бошқариш тизими сифатида эса MySQL танланди. MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими бепул бўлиб, веб технологиялар асосида яратилган тизимларда кенг қўлланилади [3]. Бундан ташқари унинг ишлаш тезлиги юқори кўрсаткичларга эга. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот иши доирасида мазкур маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланиш белгилаб олинди ва шу асосда тизим учун махсус маълумотлар базаси яратилди.

«Farm optimization model» тизими маълумотлар базаси вазифаси ушбу тизим фойдаланувчисининг мавжуд ресурслари ҳақида киритган маълумотлари, ҳар бир экин тури учун сафрланадиган ресурслар меъёри ҳақидаги маълумотлар, ёқилғи нархи ва тизим томонидан олинган натижаларни фойдаланувчи идентификаторига мос равишда сақлашдан иборат.

Маълумотлар базаси ўзаро боғланган **oil, plants, users, user_plants, user_posibility** деб номланган 5 та жадвалдан иборат. Қуйида жадвалларнинг структураси ва уларда сақланадиган маълумотлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

“oil” деб номланган жадвалда ёқилғи нархи ҳақидаги маълумот сақланади. Жадвал оддий бўлиб иккита устундан иборат (1-жадвал).

1-жадвал.

“oil” деб номланган жадвал тузилиши

id	уникал id рақам
oil_price	ёқилги нархи

“plants” деб номланган жадвалда фойдаланувчи томонидан танланиши мумкин бўлган экин турлари ҳамда уларни етиштириш учун зарурий ресурсларнинг меъёрлари ва уларга сарфланадиган харажатлар ҳақидаги маълумотлар сақланади. Мазкур жадвал муҳим ва асосий жадваллардан бири бўлиб 6 та устундан иборат, уникал рақам, экин номи, маълум бирлик маҳсулотни етиштириш учун зарур бўлган ёқилги, сув, ишчи кучи каби омиллар сарфи ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган. Бундан ташқари мазкур маълумотлар асосида бир гектар танланган экин турларини етиштириш сарфланиши лозим бўлган харажат миқдорини ифодаловчи устундан иборат (2-жадвал).

2-жадвал.

“plants” деб номланган жадвал тузилиши

id	уникал id рақам
plant_name	экин номи
oil	сарфланадиган ёқилги миқдори (1 тонна учун)
water	сарфланадиган сув миқдори (1 гектар учун)
worker	сарфланадиган ишчи кучи (1 центнер ҳосилни олиш учун)
consumption	сарфланадиган харажат (1 га учун харажат суммаси)

“users” жадвалида рўйхатдан ўтган фойдаланувчининг уникал id рақами, логини ва пароли сақланади. Жадвал 3 та устундан иборат қуйидаги кўринишга эга (3-жадвал). Мазкур жадвал ҳар бир фойдаланувчи ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш ва сақлашга хизмат қилади.

Дастурнинг маълумотлар базасини шакллантиришда кейинги ўринда “user_plants” деб номланган жадвал келади. Мазкур жадвал 9 та устундан иборат бўлиб унда фойдаланувчи экиш учун танлаган экин турлари ҳақида маълумотлар сақланади. Жадвал фойдаланувчига users жадвалидаги user_id устуни ёрдамида боғланган (4-жадвал).

3-жадвал.

“users” деб номланган жадвал тузилиши

user_id	уникал id рақам
user_login	Фойдаланувчи логини
user_pass	Фойдаланувчи пароли

4-жадвал.

“user_plants” жадвалининг структураси

Id	уникал id рақам
plant_id	экин id рақами
plant_price	экин нархи (1 кг учун)
plant_sentr	экин ҳосилдорлиги (центнерда)
plant_result_gektar	тизимдан олинган натижа (ушбу экин туридан экиш керак бўлган гектар)
plant_income	олинадиган фойда
session_id	амал бажарилганда бериладиган махсус id рақам
user_id	фойдаланувчи id рақами
work_date	тизимдан фойдаланилган вақт


“user_posibility” жадвали 10 та устундан иборат бўлиб жадвалда фойдаланувчида бор бўлган ресурслар ҳақидаги маълумотлар сақланади. Бундан ташқари фойдаланувчи томонидан олинган натижалар ҳам мазкур жадвалда сақланади ва статистикаси юритилади. Жадвал фойдаланувчига users жадвалидаги user_id устуни ёрдамида боғланган (5-жадвал).

5-жадвал.

“user_posibility” деб номланган жадвал тузилиши

id	уникал id рақам
place	мавжуд бўлган ер майдони
cotton_gektar	экилиши керак бўлган пахта миқдори (гектарда)
wheat_gektarss	экилиши керак бўлган буғдой миқдори (гектарда)
oil_litr	мавжуд бўлган ёқилги миқдори (гектарда)
water_tonna	мавжуд бўлган сув миқдори (тоннада)
human_son	бор бўлган ишчилар сони
session_id	амал бажарилганда бериладиган махсус id рақам
user_id	фойдаланувчи id рақами
work_date	тизимдан фойдаланилган вақт

Реляцион маълумотлар базасида жадваллар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади ва бу алоқа орқали маълумотларнинг сақлаш структурасини оптималлаштиришга эришилади [4]. Тадқиқот давомида яратилган маълумотлар базаси жадваллари орасида ўзаро боғланишлар қуйидаги расмда келтирилган. Мазкур расмда жадваллар орасидаги боғлиқлик схематик тарзда тасвирланган (1-расм).



1-расм. «Farm optimization model» тизими маълумотлар базасининг инфологик модели

Маълумотлар базасига фойдаланувчи томонидан маълумотларни киритиш ва чиқариш махсус яратилган веб интерфейс ёрдамида амалга оширилади. 2а-расмда веб интерфейс ёрдамида маълумотларни киритиш кўрсатилган бўлиб, 6 та майдонга фойдаланувчининг мавжуд ер майдони, пахта ва буғдой экиш учун тузилган шартнома бўйича экилиши керак бўлган майдон, фойдаланувчида мавжуд ёқилғи, сув ва доимий ишчи кучи ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Farm Optimization Model Kirish *

Imkoniyatlaringizni kiriting

Jami yer maydonini kiriting (gektarda):

Pahta shartnoma bo'yicha (gektarda):

Bug'doy shartnoma bo'yicha (gektarda):

Yonilg'i miqdorini kiriting (litrlar):

Suv miqdorini kiriting (tonnalarda):

Doimiy ishchilar sonini kiriting:

[Keyingi qadam](#)

2а-расм. Тизим орқали маълумотлар базасига маълумотлар киритиш ойнаси

Farm Optimization Model Kirish *

Natijalar

№	Ekin nomi	Ekiladigan yer maydoni (gektarda)	Olinadigan daromad
1	Pahta (shartnoma bo'yicha 30 gektar)	30.00	257 336 109.00
2	Bug'doy (shartnoma bo'yicha 20 gektar)	20.00	146 706 736.00
3	Sholi	0.00	0.00
4	Po'lat	50.00	862 811 400.00
5	Sabzi	0.00	0.00
Jami		100.00	1 268 854 239.00

Harajatlar

Resurslar	Mavjud	Sarflanadi
Jami yer maydoni:	100.00	100.00
Yonilg'i miqdori:	45 000.00	30 634.00
Suv miqdori:	1 100 000.00	837 750.00
Doimiy ishchilar soni:	21.00	19.56

2б-расм. Тизим орқали маълумотлар базасидан маълумотлар чиқариш ойнаси

26-расмда маълумотларни чиқариш ойнаси кўрсатилган бўлиб, фойдаланувчи томонидан киритилган маълумотлар асосида унинг оптимал даромад олиш имкониятини берувчи маҳсулот турлари ва уларни қанча майдонга экиш бўйича маълумотлар чиқарилади. Шунингдек, мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳам “Harajatlar” номли жадвалда келтириб ўтилади.

Тадқиқот доирасида яратилган экин турлари ва уларни етиштириш учун сарфланадиган ресурс ва харажатлар ҳақида маълумотлар сақланадиган “plants” деб номланган асосий жадвалга ҳар бир экин турига мос маълумотларни киритишда Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг 2016-2020 йиллар учун ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар” номли жамланмасидан фойдаланилди [1].

Вақт ўтиши билан мазкур маълумотлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўзгарган маълумотларни киритиш учун махсус интерфейс яратилди [7]. Интерфейс «Тизим администратори интерфейси» деб номланган бўлиб, бунда маълумотларни ўзгартириш ҳуқуқи фақатгина администраторга берилган. Маълумотларни ўзгартириш учун тизимда аутентификациядан ўтиш, махсус майдонларга логин ва паролни киритиш талаб этилади ва аутентификация муваффақиятли ўтганидан сўнг янги саҳифада маълумотларни ўзгатириш ҳуқуқи тақдим этилади. Бу орқали базадаги маълумотлар янгиланиб борилади ва базадаги маълумотларнинг долзарблигини таъминлашга эришилади.

Мазкур маълумотлар базаси асосида фермер хўжаликлари учун уларда мавжуд бўлган ер ва бошқа ресурсларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда, ердан фойдаланишни оптималлаштириш ва максимал фойда олиш имконини берадиган тизим ишлаб чиқилди. Бу ҳақида кейинги тадқиқот ишларимизда келтириб ўтаемиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун. I-II-қисм. Муаллифлар жамоаси. ҚХИИТИ (ЎЗР ҚСХВ, ЎЗҚХИИЧМ). Тошкент 2016 й.
2. Коннолли Т., Бегг К. Базы данных. Проектирование, реализация и сопровождение. Теория и практика. 3-е издание. Пер. с англ.-М.: Издательский дом “Вильямс”, 2003. -1440 с.
3. Кузнецов С.Д. Введение в модель данных SQL–ИНТУИТ, БИНОМ, 2005, 203 стр.
4. Крэнке Д. Теория и практика построения баз данных. 8-е издание: Пер.с англ.-М, С-П., Минск: Издательский дом “Питер”, 2003. -800с.
5. Julie C. Meloni. Sams Teach Yourself PHP, MySQL & JavaScript All in One. Copyright © 2018 by Pearson Education, Inc.
6. Richard Blum. PHP, MySQL & JavaScript All-in-One For Dummies. John Wiley & Sons, Inc, 2018.
7. Mirzataev S.M. Using the capabilities of web technologies in creating the interface of the system "Farm optimization model". Multidiscipline proceedings of “Digital fashion conference”. Korea Republic of 30.08.2021. pp.19-22. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5307147>

УЎК 33

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ОЁҚОҒИТМА КўЛИ АТРОФИДА ТИББИЁТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро
Ч.Б. Рузимуродова, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро
Ф.Х. Хамидова, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро
Н.Д. Шодиев, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Бухоро вилоятидаги Оёқоғитма кўли атрофида тиббиёт туризмни ривожлантиришнинг янги имкониятлари ишлаб чиқилган. Бунда Қайноқ булоқ суви, эчки ва туя сутларидан фойдаланиш орқали айрим касалликларни даволашни ташиқил қилиш келтирилган. Худуднинг туристик салоҳияти юқорилиги ҳамда бунинг учун қулай бўлган жойларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бу ерда тиббиёт туризмни йўлга қўйиш имкониятларининг кенглиги аниқланган.

Калит сузлар: чўл, бир ўркакчи туя, икки ўркакчи туя, тиббиёт, туризм, қандли диабет, жисгар циррози, регенерация, пневмания, фауна, флора

Аннотация. На берегу озера Аякагитма в Бухарской области открылись новые возможности для развития медицинского туризма. В нем предусмотрена организация лечения ряда заболеваний гейзерами, козым и верблюжьим молоком. Учитывая высокий туристический потенциал региона, а также наличие для него удобных мест, выявлена широта возможностей для медицинского туризма.

Ключевые слова: пустыня, одnogорбый верблюд, двугорбый верблюд, медицина, туризм, диабетик, цирроз печени, регенерация, пневмония, фауна, флора

Abstract. New opportunities for the development of medical tourism have been developed on the shores of Lake Ayakagima in Bukhara region. This includes the organization of treatment of some diseases using

boiling spring water, goat's and camel's milk. Given the high tourist potential of the region, as well as the availability of convenient places for it, the breadth of opportunities for medical tourism has been identified.

Keywords: *Desert, one-humped camel, two-humped camel, medicine, tourism, diabetic, liver cirrhosis, regeneration, pneumonia, fauna, flora*

Тадқиқот объекти: Бухоро вилоятидаги кўллар тизимидаги имкониятларидан самарали фойдаланиш. Жумладан Оёқоғитма, кўли атрофида тиббиёт туризмини ривожлантиришни янги имкониятларини яратиш.

Тадқиқот предмети: Бухоро вилояти Оёқоғитма кўли атрофида тиббиёт туризмини ривожлантиришда, иссиқ булоқ сувидан фойдаланиш билан бир қаторда, маҳаллий имкониятлардан эчки, бир ўркачли туя, икки ўркачли туя сугидан фойдаланган ҳолда тиббиёт туризмини ривожлантириш ҳисобланади.

Туризм дунё иқтисодиётида, жумладан, кўпгина давлатлар ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида етакчи ўринни эгалайди. Бугунги кунда биздаги анъанавий туризм ва кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас. Бу ҳолат туризм бозорида истеъмолчининг талабларига мос туризм шакллари, жумладан, тиббиёт туризмини жорий этишни ҳам талаб этади.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида жойлашган Оёқоғитма кўли оғитма ташлама зовуридан сув олади. Сув сифими 7300 млн м³. Ҳозирги кунда 310 млн м³. Майдони 870 км². Энг чуқур жойи 40 м. Эни 30 км. Майдони 14,5 минг гектар. Макрофитлардан кўпроқ лух, қамиш, четларида, литорал қисмларида юлғун ўсади. Юқори сувўтларидан урут, рдест, роғолистик учрайди. Кўлнинг қуйи қисми суви саёз. Шофиркон ва Гиждувон туманларидаги суғориладиган ерлардан тўпланган ер ости ва оқова коллектор сувлари йиғилиб, кўлнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Кўлнинг шўрланиш даражаси, ўсимликлар қоплами сувнинг сатҳи билан бевосита боғлиқ.

Табобат илми султони Абу Али ибн Сино ҳам «Тиб қонунлари» номли илмий асарида туя сутининг шифобахшлиги хусусида ёзиб қолдирган. Илмий адабиётларда келтирилишича, эрамиздан икки минг йил аввал Арабистонда туялар кўлга ўргатилиб, хонакилаштирилган. Шундан бери узоқ вақт сувсизликка чидамли, беминнат юк ташувчи, гўшти ва сути, жуни билан кадрланадиган икки ёки бир ўркачли туялар инсониятнинг энг яқин ҳамроҳига айланди. Чўлу биёбонда савдогарлар карвонини беталофат қум бўронлари ва қишнинг изғирини, ёзнинг жазирамасидан беписанд манзилга етказгани учун туяни одамзод «сахро кемаси» ҳам деб атай бошлади. Саҳрода асосан туялар янтоқ билан озикланишади. Бу чўл ўсимлиги ҳам шифобахш хусусиятга эга. Унинг таркибида жуда кўп миқдорда минерал ва биологик фаол моддалар мавжуд. Янтоқдан тайёрланган қайнатма микробларга қарши курашувчи антибактериал хусусиятга эга. Шу сабабли ҳам янтоқ билан озикланган туя сутининг шифобахшлиги янада ортади. Чўл ва ярим чўл ҳудудларида туя ягона сут берувчи жонивор ҳисобланади. Бундан ташқари ноқулай шароитга чидамли ва овқат танламайди.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида жойлашган Оёқоғитма кўли оғитма яқинида қозоқлар яшайдиган қишлоқ мавжуд. Бу ерда улар чорвачилик билан ҳам шуғулланишади. Олиб борилган илмий изланишларимиз бу жойларда туризмнинг бир нечта йўналишини ривожлантириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Азалдан кўчманчи қозоқ чорвадорлари туя сугидан қимиз тайёрлашади. Бунинг учун улар теридан тайёрланган мешга озгина қатикқа ўхшаш ачитқи солишади. Сўнгра янги соғиб, доқадан сузиб олинган туя сутини меш ичидаги ачитқига аралаштиришади. Бир кеча-кундуздан кейин мешни яхшилаб чайқатишади. Қарабсизки, от сугидан тайёрланган қимизга нисбатан 8 фоиз ёғлироқ, сал шўр таъмли, қуюқ ичимлик тайёр бўлади. Туя сути нафақат мазали, балки озуқаларга бой бўлган Шарқ мамлакатларининг анъанавий ичимлиги. Таъми ширин, бироқ бу тўғридан-тўғри туяга берилган сув ва емишнинг сифатига боғлиқ. Шунингдек, унинг характерли хусусиятларидан бири, сут қуйилганда осон кўпириши ва бошқа ҳайвон сутларига қараганда қуюқроқ эканлигини ажратиб кўрсатиш мумкин. Туянинг сути ўз сифатини узоқ вақт давомида сақлаши мумкин, бу уни узоқ масофаларга ташиш имконини беради. Умуман олганда, туя сути жуда ёғли эмас (5 фоиздан ошмайди). Кўпинча икки ўркачли туялар боқилади, чунки уларнинг сути бир ўркачли туяникига қараганда ёғлироқдир. Шунингдек, туя сути сугир сугидан кўра фойдалироқ ҳисобланади. Бундан ташқари, ёғ кислоталари туфайли, бу маҳсулотни музлатиш мумкин. Эритилганидан кейин унинг зардоби ажралиб қолмайди. Туя сути таркибида аминокислоталар, кўп миқдорда темир моддаси тутганлиги сабабли жуда фойдали саналади. Сут таркибидаги фосфор ва кальций эса регенерация жараёнини тезлаштиради, суякларга қаттиқлик бағишлайди. Шунингдек, сут таркибида С, Д, В гуруҳ витаминлари, натрий ва калий тузлари бўлади. Туя сути таркибида В₁, В₂ витаминлари, темир, фосфор, олтингугурт, кальций моддалари, айниқса, С ва Д витаминлари туя сугида сугир сугига нисбатан уч баробар кўп бўлади. Шунинг учун иммунитет паст бўлганда, ҳар куни оч қоринга ярим литр янги соғилган туя сути ичиш лозим.

Шофиркон туманида жойлашган Оёқоғитма кўли оғитмада қозоқлар аҳолисига тегишли 100 бошдан ортиқ бир ўрқачли ва икки ўрқачли туялар мавжуд. Икки ўрқачли туялар сони камроқ 20 бош атрофида. 50 бошга яқин отлар ва 300 бошдан ортиқ эчкилар боқилади. Чорвачиликни ривожлантириш табиий тоза озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бориш орқали ҳам тиббиёт, зиёрат ва экотуризмни ривожлантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишдаги имкониятлардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади.

Бугунги кунда дунё миқёсида тиббиёт туризмини жорий этиш кенг оммалашиб бормоқда. Тиббиёт туризмини жорий этиш ва туризмни ривожлантириш нафақат ҳудудларининг иқтисодий аҳолини яхшилашга, балки кўшимча ишчи ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этиши билан долзарбдир. Тиббиёт туризми соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш ва соҳани халқаро илғор тажрибалар асосида шакллантириш ҳудудларининг ривожланишига, жумладан мавжуд имкониятлардан барқарор фойдаланишга олиб келади.

Ўрганишлар натижасида Бухоро вилоятида тиббиёт туризмининг туристик салоҳияти юқорилигини ҳамда бунинг учун қулай бўлган Оёқоғитма кўли сингари жойларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бу ерда тиббиёт туризмини йўлга қўйиш имкониятларининг кенглиги аниқланди.

Биологик ресурслардан, жумладан, маҳаллий турлардан барқарор фойдаланишни таъминлашда тадбиркорлик субъектларига шартнома асосида бириктирилган яйловлар ва сув ҳавзаларида турларни, уларнинг яшаш муҳитларини муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга оширишнинг ва уни назорат қилишнинг қонуний асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли бундай ерлардан чорвачилик ёки балиқчилик соҳасида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган тадбиркорлар ўта муҳим бўлган биоценознинг барқарорлигини таъминлаш масаласига етарли эътибор қаратмайди. Келгусида тадбиркорларга беркитилган яйлов ва сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган нормаларни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаш юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175 б.
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-68>
4. Rayimov A.R., Rustamova M.A., Analysis of Summer Nutrient Content In The South- West Kyzylkum Region of Acridotheres Tristis // Solid State Technology 2020. – № 5 . – P. 6145-6151. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST/article/view/5946>
5. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. - The role of Acridotheres Tristis in Biotic Connection // International Journal of Virology and Molecular Biology -2019. – № 8 (1). P 1-3. <http://doi:105923/j.ivmb.20190801.01>
6. Rayimov A.R., Rakhmonov R.R. The distribution and number of Acridotheres tristis in different habitats in the Kyzylkum // Nature of inner asia , 2019. – № 2 (11). – P. 60-64. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-60-64>
7. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256. © 2020 International Journals of Sciences and High Technologies. <http://ijpsat.ijsh-journals.org>

УЎК: 333.338.2

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА МУҚОБИЛ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

М.С. Саидов, и.ф.н., доцент, Тошкент Давлат иқтисодий университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада республикада электр энергияси соҳасида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, дунё энергетикаси соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тенденциялари, қуёш энергетикаси, шамол энергетикаси ва сувдан олинган энергия манбаларидан фойдаланиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: электр энергетика, электр энергиясини ишлаб чиқариш, қуёш энергетикаси, шамол энергетикаси, гидроэлектрстанцияси, ёқилги энергетика баланси, кўмир, мазут, табиий газ, нефть-кимё sanoати, энергия сарфи, энергия тежамкорлик

Аннотация. В данной статье представлены предложения и рекомендации по проводимым реформам в использовании альтернативных и возобновляемых источников энергии в стране, тенденциям использования возобновляемых источников энергии в мировом энергетическом секторе, солнечной энергии, энергии ветра и гидроэнергетики.

Ключевые слова: электроэнергия, выработка электроэнергии, солнечная энергия, энергия ветра, гидроэнергетика, топливно-энергетический баланс, уголь, мазут, природный газ, нефтехимическая промышленность, потребление энергии, энергосбережение

Abstract. This article presents proposals and recommendations on the ongoing reforms in the use of alternative and renewable energy sources in the country, trends in the use of renewable energy sources in the world energy sector, solar energy, wind energy and hydropower.

Key words: electricity, electricity generation, solar energy, wind energy, hydropower, fuel energy balance, coal, fuel oil, natural gas, petrochemical industry, energy consumption energy saving

Кирриш. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши унинг табиий бойликлари ва хом-ашё ресурслар базасининг миқдорига боғлиқ. Табиий бойликлар ва хом-ашё сифатида газ, нефть ва кўмирни оладиган бўлсак, буларнинг барчаси қайта тикланмайдиган манбалар таркибига киради. Иқтисодиётнинг ривожланишида электр энергия манбанинг ўрни муҳим ҳисобланади. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда айнан бугунги кунда асосан газ, нефть ва кўмрдан фойдаланиб келинмоқда. Лекин ишлаб чиқарилаётган электр энергия қуввати иқтисодиёт тармоқларини тўлиқ таъминлаб бера олмаяпти. Электр энергияга бўлган талабни тўлиқ таъминлаш учун муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбалардан фойдаланишга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ер ости бойликлари ва захираларини тежаш баробарида экологияга чиқарилаётган зарарли газларнинг миқдорини камайтириш имконини беради. Шу боисдан ривожланган мамлакатларда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиб, иқтисодиётининг барча тармоқларида иқтисодий ўсишга эришилмоқда.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш энергетика тармоғини ривожлантириш бўйича умумий стратегиянинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг энергия салоҳиятидир - қайта тикланадиган энергия манбаларининг тегишли турига хос бўлган энергия миқдорини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Шу сабабли, қайта тикланадиган энергетиканинг мавжуд техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг жорий ва истикболдаги энергетика балансида қайта тикланадиган энергия манбаларининг роли ҳамда ўрнини аниқлаб олиш керак. Ҳозиргача ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисида етарлича назарий-илмий ва амалий маълумотлар етишмайди, жумладан қуёш, шамол ва органик чиқиндилар энергиясидан фойдаланишга доир тажрибалар етишмайди.

Республикамиз энергетика тармоғига ўзига хос улкан тажрибага эга бўлган давлат ҳисобланади. Мамлакатимиз табиий газ қазиб олиш ҳажми бўйича жаҳонда ўнта йирик ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан жой эгаллаган. Марказий Осиё давлатлари ва Жанубий Қозоғистон бирлашган энергетика тизимининг электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қувватларининг 50 фоизи шу ерда жойлашган.

Электр энергияга бўлган талаб юқорилиги, қондирилмаётган эҳтиёжларни мавжудлиги ҳамда йилдан-йилга электр энергиясига бўлган талабнинг ошиб бораётганини ҳисобга олиб давлатимиз томонидан бу борада бир қанча ислохотлар олиб бормоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат[1]:

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

-мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёқилғи-энергетика балансининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр, иссиқлик энергияси ва биогаз ишлаб чиқаришга доир қисмини диверсификациялаш;

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни, илмий-техникавий ишланмаларни жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг энергия жиҳатдан самарадорлигини оширишни, уларнинг ишлаб чиқарилишини кенгайтиришни ва маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш;

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг синаб қўрилган технологиялари асосида энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратишга тадбиркорлик субъектларини жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

-қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни

кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган халқаро энерготежамкор илғор технологиялар тадқиқотларини амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўйбга чиқариш мақсадида [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор орқали, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг (куёш, шамол ва биогаз энергияси, кичик табиий ва сунъий сув оқимларининг гидроэнергияси) мавжуд юқори имкониятларидан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар яратилди.

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш нафақат бугунги куннинг, балки келгуси даврлар учун ҳам долзарб мавзулардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар шарҳи. Бутун дунёда электр энергетика тармоғининг фаолияти натижасида мамлакатларнинг кўплаб худудларида жуда юқори даражада ҳаво, сув ва тупроқнинг зарарланишига олиб келмоқда. Бу эса дунё бўйича атроф-муҳитнинг одамлар саломатлиги ва биологик хилма-хилликка зарар етказадиган экологик мувозанатининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлатишдан асосий мақсад қимматли ресурслар захирасини камайтирмаслик, атроф-муҳитнинг иссиқхона газлари билан ифлосланиши ва тузларнинг дунё бўйлаб кўчиб юришини чеклаш, ер юзасининг емирилишига салбий таъсир кўрсатмаслик ҳамда энергияни беҳуда ишлаб чиқармасликдир [3].

Энергия ресурсларининг барча турлари куёш энергиясини табиий ўзгартириш натижасидир. Кўмир, нефть, табиий газ, торф, ёнувчи тоғ жинслари ва ўтинлар – бу ўсимликлар томонидан олинган ва ўзгартирилган куёшнинг нурли энергияси захираларидир [4].

Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи энергетик ресурслар ҳамда электростанциялар бўйича дунё мамлакатларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин [5]:

- кўмир, мазут ва табиий газ ёрдамида ишловчи иссиқлик электростанциялари билан кўп миқдорда электр энергияси ишлаб чиқарувчи **биринчи гуруҳ** мамлакатларига АҚШ, Фарбий Европа ва Россия киради;

- мамлакатда фойдаланиладиган барча электр энергиясини иссиқлик электр станцияларидан ишлаб чиқарувчи **иккинчи гуруҳга** Хитой, Польша, Австралия, Мексика, Голландия ва Руминия мамлакатлари киради;

- жуда кўплаб миқдорда ГЭС (гидроэлектр станциялар)лар билан электр энергиясини ишлаб чиқарувчи **учинчи гуруҳга** Норвегия (99,5 фоиз), Бразилия, Парагвай, Гондурас, Перу, Колумбия, Швеция, Албания, Австрия, Эфиопия, Кения, Мадагаскар, Янги Зеландия киради. Аммо гидроэнергетикадан фойдаланиш бўйича Канада, АҚШ, Россия ва Бразилия мамлакатлари дунёда етакчи ўринни эгаллайдилар;

- атом энергетикасидан кўп фойдаланадиган **тўртинчи гуруҳга** Франция, Бельгия ва Япония мамлакатлари киради.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб қайта тикланувчи энергия манбаларидан сув энергиясидан фойдаланиш 1926 йилда қурилган Бўзсув гидроэлектр станцияси ишга туширилган [6]. 1987 йилда 3 000°C дан ортиқ иссиқлик тўплайдиган дунёдаги энг катта куёш печи ишга туширилган [7]. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг Самарқанд вилоятида 400 гектар майдонга қуввати 100 000 MW га тенг куёш электростанцияси учун Осиё тараққиёт банкининг инвестициялари киритилди ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган [8]. Кичик қувватли куёш энергетик қурилмаларидан республикамизнинг барча худудларида фойдаланиб келинмоқда [9].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иссиқлик электр станциялари орқали табиий газ ва нефть маҳсулотларидан фойдаланиб 85%, қолган 15% асосан кўмир ва сувдан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Ҳар бир энергия манбаини қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар бор. Бугун дунёда энергетик хавфсизлик муаммоси турган пайтда, жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши, қоида бўйича, айрим бир регионларда, давлатларда энергетик хавфсизликка таҳдид солиши мумкин [10].

Саноатлашиш жараёнида глобал энергияга талабнинг ошиб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларисиз барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. АҚШ Энергия департаменти маълумотларига кўра, дунёда энергия истеъмоли 2012 йилда 13,8 млрд. т.н.э. га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2040 йилларда ўртача йиллик 1,4% га ўсиб, 2040 йилда 20,5 млрд. т.н.э. га етиши прогноз қилинмоқда [11].

Электр истеъмол қилишнинг кўрсатилган даражаси самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан ишлаб чиқилган саноат ривожланиши стратегиясига мос келади. ЯИМ суръатларининг

ўсиши фақат саноатнинг илгарилаб бориш тараққиёти шароитида юз бериши мумкин. Етакчи мамлакатлар тажрибасига кўра, Ўзбекистонда саноат улушининг 20% дан 35-45% гача ортиши мўлжалланган [12].

Энергия истеъмоли таркибида қайта тикланувчи энергия манбалари жадал суръатларда ошиб боради. Дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларининг истеъмоли 2012-2040 йилларда энг тез ўсиб, йиллик ўртача 2,6% ни ташкил қилади [13].

Чет эл тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, амалга оширилаётган энергия тежаш потенциалининг 50% дан 70% гача биринчи навбатда ташкилий тадбирларга тўғри келади [14].

Нефть, табиий газ, кўмир ва уран каби қазиб олинадиган ёқилғи турлари айни пайтда жаҳон энергетика балансининг негизини ташкил этади ва яқин келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ваҳоланки, ушбу ёқилғиларнинг ресурслари уларга ишлов бериш ҳамда фойдаланилиши сабабли тобора камайиб бормоқда. Энергия ресурсларидан ҳозирги фойдаланиш миқдори даражасида жаҳонда нефть захираси 45-50, табиий газ 70-75, тошкўмир 165-170, кўнғир кўмир 450-500 йилга ва ядро ёқилғиси эса нисбатан кўпроқ йилларга етади [15].


Олим ва мутахассисларнинг фикр ва тадқиқот натижаларидан шуни айтиш мумкинки, электр энергиясини ишлаб чиқаришда амалда фойдаланиб келинаётган газ, нефть ва кўмир захираларимизни асрашимиз, уларни ўрнига муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун эса қисқа, ўрта ва узоқ муддатли стратегиялар ишлаб чиқишимиз керак.

Тадқиқот методологияси. Мақолада электр энергиясини ишлаб чиқаришда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича олиб борилган ислохотлар, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Дунё тажрибасида муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланиш зарурати электр энергиясига бўлган талабнинг тез ўсиши билан белгиланади, бу 2030 йилга нисбатан 2010 йил билан солиштирганда 1,5 баробар, яъни 2050 йилга бориб 3 марта кўпаяди.

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбаларининг устунлик томони, улардан углеводород ресурсларининг юзага келиши, яъни бира тўла ёқиб қўя қолмасдан, уларни нефть-кимё саноатида хомашё сифатида фойдаланиш имкониянинг мавжудлиги. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, республиканинг олис ва узоқ ҳудудларида жойлашган аҳоли яшаш жойларида фойдаланиб иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланмайдиган ҳамда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбалари қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган энергия манбалари
Манба: муаллий томонидан тузилди

Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланилганда унинг айрим камчиликлари мавжуд бўлиб, яъни қайта тикланадиган энергия манбаларининг аксарият турлари учун энергия оқимининг зич эмаслиги ва ўзгарувчанлиги ҳамда ишлаб чиқаришдаги технологик хусусиятларида солиштирма қийматининг юқорилиги. Лекин келажакда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда замонавий инновацион технологияларни қўллаш орқали юқори иқтисодий самара келтирувчи имкониятларга эга бўлиш мумкин.

1-жадвал.

Республикамизда 2015-2019 йиллар давомида муқобил энергия манбаларидан электр энергиясини ишлаб чиқариш (млн.кВт.соат)

Номи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси	0,003	0,3	0,7	0,2	0,1
Шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси	-	-	-	-	15,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари


Жадвалдаги маълумотларга кўра, қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси 2015 йилда 0,003 млн.кВт.соатни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 0,3 млн.кВт.соат, 2017 йилда 0,7 млн.кВт.соат, 2018 йил 0,2 млн.кВт.соат, 2019 йилга келиб 0,1 млн.кВт.соатни ташкил қилмоқда, энг яхши кўрсаткич 2017 йилда қайд этилмоқда. Шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси 2019 йилдан бошлаб йўлга қўйилди ҳамда 15,5 млн.кВт.соатни ташкил қилмоқда. Бу албатта республикамиз учун қувонарли ҳолат деб айта оламиз.

Хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Данияда шамол энергияси ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан сўнг, электр энергиясининг чакана баҳоси 85% гача арзонлашишига эришилди. Бу эса шамол энергетикаси ҳажмининг сезиларли равишда ошишига олиб келди ва Данияни дунёда шамол электр станцияларида замонавий инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш бўйича йирик саноат марказига айланди.

Республикамизда электр энергиясини ишлаб чиқаришда табиий газнинг асосий захиралари Шўртан, Кўкдумалак, Алан, Адамтош конларида ўрганилади. Газдаги водород сульфидининг юқори миқдори Ўртабулоқ (5%), Денгизкўл-Хаузак (4,25%), Қандим (1,89%), Оққум (1,92%) конларида кузатилади. Ишлаб чиқарилган газнинг тахминан 80% ички эҳтиёжлар учун сарфланади. Аҳоли жон бошига газ истеъмоли бўйича Ўзбекистон Россиядан бир оз орқада (1600 м³/киши/йил), бу дунё бўйича ўртача 3,5 бараварни ташкил этади.

Нефть маҳсулотлари асосан Фарғона водийси ва Бухоро вилоятида ишлаб чиқарилади. Қорақалпоғистон ва 6 та минтақада нефть конлари ўрганилган: Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Андижон ва Фарғона. Нефть захираларининг 75% га яқини Қашқадарё вилоятида, шу жумладан 70% Кўкдумалак конида тўпланган.

Ангрен, Бойсун ва Шарғун конларида 4,4 миллиард тоннагача кўмир захиралари тўпланган. Кўмир казиб олиш йилига қарийб 3 миллион тоннани ташкил этади.



2-расм. 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси, МВт

Манба: 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси маълумотлари

2-расмда келтирилган маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2020 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 68,7 млрд.кВт.соатни ташкил қиладиган бўлса, иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича электр энергиясининг истеъмоли 42,7 млрд.кВт.соатни, аҳоли томонидан электр энергия истеъмоли 14,4 млрд.кВт.соатни ташкил қилаётган бўлса, 2030 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш 120,8


млрд.кВт.соатга етказилиш режалаштирилмоқда, шунга мос равишда 2030 йилга бориб иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича электр энергиясининг истеъмоли 85 млрд.кВт.соатга ва аҳоли томонидан электр энергия истеъмоли 21,9 млрд.кВт.соат прогноз қилинмоқда. Шунинг учун 2030 йилгача электр энергиясини ишлаб чиқаришда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни такомиллаштириб боришимиз лозим.

2-жадвал

Республикада электр энергиясини 2019-2030 йилларда ишлаб чиқаришдаги ёқилғи истеъмоли прогнози

№	Ёқилғи номлари	2019 йил	2025 йил	2030 йил
1	Табиий газ (млн. м ³)	15,8	12,7	12,1
2	Кўмир (млн. тонна)	3,6	8,5	8,5
3	Мазут (минг. тонна)	204	50	50

Манба: 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясида келтирилган маълумотлар



3-расм. 2030 йилга қадар қайта тикланадиган энергия манбалари асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси, МВт

Манба: 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси маълумотлари

3-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабни қўшимча равишда 2030 йилгача бўлган даврда гидроэлектр станциялари, фотоэлектр станциялари ва шамол электр станциялари орқали электр энергиясини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, табиий газ 2019 йилда 15,8 млн. м³ ташкил қилган бўлса, 2025 йилда 12,7 млн. м³ ва 2030 йилда эса 12,1 млн. м³ ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Кўмир ишлаб чиқариш 2019 йилда 3,6 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 2025 йилда 8,5 млн. тонна, 2030 йилда ҳам 8,5 млн. тонна ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Мазут ишлаб чиқариш 2019 йилда 204 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2025 йил ва 2030 йилларда 50 минг тонна ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Чунки мазут ишлаб чиқариш қиммат бўлганлиги учун камроқ ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Хориж тажрибасига эътибор қиладиган бўлсак, кўпгина ривожланган давлатларда анъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбалари учун потенциал имкониятларни тахминий ҳисоблари юритилади. Бунда қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

- Қуёш энергияси - 2300 миллиард тонна шартли ёқилғи;
- шамолдан олинадиган энергия - 26,7 миллиард тонна шартли ёқилғи;
- кичик дарё сувларидан олинадиган энергия - 360 миллиард тонна шартли ёқилғи;
- иккиламчи паст салоҳиятли иссиқлик манбаларининг энергияси - 530 миллиард тонна шартли ёқилғи;

-ернинг иссиқлиги ҳисобидан - 40,000 миллиард тонна шартли ёқилғи;

- денгиз ва океанларнинг энергияси - 30 миллиард тонна шартли ёқилғи;
- биомассадан олинадиган энергия -10 миллиард тонна шартли ёқилғи олиш имкониятлари мавжуд.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш учун энергетика мустақиллиги таъминланиши керак. Бунинг учун электр энергетика соҳасига хориж давлатларидан капитал маблағларни жалб қилиш базасини ташкил этиш ва соҳада солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги қонунларни қайтадан ишлаб чиқиш керак.

Энергиянинг қайта тикланадиган ноанъанавий манбаларини кенроқ татиқ қилиш. Республика аҳолиси ва халқ хўжалигини электр иссиқлик энергияси билан таъминлаш ва энергия ишлаб чиқаришнинг экологик омиллари, энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш янги

технологияларни татбиқ қилиш. Бунинг учун биринчи навбатда, куёш энергияси ва гидроэнергетика салоҳиятидан кенгрок фойдаланиш зарур.

Энергетика тизимида фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдаланиш. Бу орқали ишончли, хавфсиз, экологик тоза электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, атмосферага захарли чиқиндиларни чиқишини камайитириш ҳамда босқичма-босқич ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш тизимига олиб келиш.

Мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқишда ички имкониятларимиздан самарали фойдаланиб куйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- табиий газ казиб чиқаришни маълум даражада кўпайтириш;
- кўнғир кўмирни очик усулда казиб чиқаришни ривожлантириш;
- кўмирни ер остида газлаштириш орқали энергия олишни ташкил қилиш;
- суюқ углеводлар казиб чиқариш даражасини ошириш;
- ишлаб чиқарилаётган энергия маҳсулотлари сифатини жаҳон стандартлари даражасига

кўтариш;

- энергия ресурслари тежамкорлигига эришиш;
- энергетика соҳасида ўзаро манфаатли хусусий шерикчилик муносабатларини шакллантириш ва ишончли ҳамкорликда хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги №ЎРҚ-539-сонли “Қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни <https://lex.uz/docs/4346831>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли “2017-2021 йилларда қайта тиклатувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги Қарори. <https://lex.uz/docs/3221894>
3. О.Салимов ва бошқалар. Қайта тикланувчи энергия манбалари. Ўқув қўлланма.Т.: ТИҚХММИ. -2019. 450 бет
4. А.Анорбоев, Д.Қодиров. Энергия тежамкорлик асослари. Ўқув услубий қўлланма. Т.: ТИҚХММИ. 2020 й. 147 бет
5. Т.Мажидов. Ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик.Т.:Ворис-Нашриёти. 2014 й. 167 б.
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 2-том, Тошкент 2001 й. 704 (340) бет.
7. <http://photo-day.ru/ogromnaya-solnechnaya-pech-v-uzbekistane/> hamda news.olam.uz/nauka/7258.html
8. <http://farishta.uz/society/novosti-obshchestvo/2370-v-uzbekistane-stroitelstvo-solnechnoj-elektrostantsii-otseneno-v-207-mln-dollarov>
9. <http://www.intellekt-dialog.ru>
10. Ҳ.Абулқосимов. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Т.: Академия 2012 й. 351 бет
11. Ш.Зокиров. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги хориж тажрибаси. Иқтисодиёт ва таълим №4. 2017 йил. 7-12 бетлар
12. Г.Хонкелдиева Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2018 й.
13. U.S. Energy Information Administration. International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. –P. 1.
14. [https://www.eia.gov/outlooks/ieo/pdf/0484\(2016\).pdf](https://www.eia.gov/outlooks/ieo/pdf/0484(2016).pdf)
15. Б.Н.Зиборов ва бошқалар. Отраслевые программы энергосбережения и роль энергетических обследований в их формировании. //Энергетическая политика, – М.: 2003, № 10, 17-21 бетлар.
16. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истикболлари. БТМ, тараққиёт дастури, 2007 й. Ўзбекистон.

УЎК: 330.338.467.5

ТЕЗ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

С.Санъатбеков, стажер тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада тез овқатланиш (fast food)нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусиятлари ҳамда ривожланган мамлакатларда тез овқатланиш корхоналарини жойлаштириши тажрибалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: тез овқатланиш (fast food), тез овқатланиш корхоналари, тез овқатланиш тамойиллари, тезкор хизмат, истеъмолчилар фаолияти, тез овқатланиш пунктлари

Аннотация. В статье рассматриваются особенности возникновения и развития фаст-фуда, а также опыт размещения предприятий быстрого питания в развитых странах.

Ключевые слова: быстрое питание (fast food), предприятия быстрого питания, принципы быстрого питания, быстрое обслуживание, потребительская активность, точки быстрого питания

Abstract. In this article discusses the characteristics of the emergence and development of fast food, as well as the experience of locating fast food businesses in developed countries.

Key words: fast-food, fast-food businesses, principles of fast food, fast service, consumer activity, fast food outlets

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорига кириб келган тез овқатланиш корхоналари республикаимиз аҳолисини тез тайёрланадиган озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Республикаимизда тез овқатланиш соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги 5611- сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон [1] ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 майдаги “Чорвок эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори [2] тез овқатланиш корхоналарини республикаимизда янада ривожланишига катта замин яратди.

Тез овқатланиш соҳасининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ривожланган мамлакатларда ХХ асрнинг иккинчи ярмида аҳоли бандлиги ва турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар туфайли юзага кела бошлаган. Ушбу ўзгаришлар, аҳолининг асосий қисми моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланган саноат жамиятидан, хизмат кўрсатиш соҳасида тобора кўпроқ концентрация қила бошлаган постиндустриал жамиятга, яъни иқтисодийнинг номоддий секторига ўтиши каби сифат ўзгаришлари билан боғлиқ.

Вужудга келган ўзгаришларнинг фарқи шундаки, аҳолининг аксарияти кўплаб моддий тармоқлар бўлган ва одатда ўз ошхоналари бўлган йирик корхоналарда эмас, балки кичик корхоналарда ва яқка тартибда фаолият кўрсатувчи умумовқатланиш фирмаларида, яқка тадбиркорлик субъектларида бошладилар. Бу иш ва дам олиш режимларининг ўзгариши, иш кунининг эгилувчанлиги, шаҳар ичкарасида аҳоли ҳаракатининг динамикаси ҳамда натижада ушбу ҳаракатлар сабабли инсонларни озиқ-овқатга, овқатланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқ.

Шу билан бирга, аҳоли ўзи истеъмол қиладиган озиқ-овқат сифатига эътиборлари сезиларли даражада ошди. Аҳолининг аксарият қисми ўз соғлиғини кузатишда, ортиқча вазн ортиб кетишининг олдини олишда, озиқ-овқатнинг калория миқдори, идишларни танлашда ва парҳезда кўпроқ бепарво бўлишдан эҳтиёт бўла бошладилар.

Шаҳар аҳолисининг озиқланиши билан боғлиқ ўзгарган шароитлар, таъкидланганидек, тез овқатланишнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди. Тез овқатланишни ташкил этиш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш ушбу иқтисодий сектор барпо этилган бир қатор услубий тамойилларни ажратиш кўрсатишга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, тез овқатланишни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари тежамкорлиги.
2. Ташриф учун қулайлик.
3. Тезкор хизмат.
4. Тез овқат истеъмол қилишни ташкил этиш.
5. Лаззатланиш ва қониқиш.

Юқорида номланган тамойилларнинг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Озиқ-овқат маҳсулотларини тежаш тамойили қолган тамойилларни белгилайдиган биринчи ва асосийси ҳисобланади. Ушбу тамойил ХХ-асрнинг иккинчи ярмида уйдан ташқаридаги озиқ-овқат бозорининг сифат хусусиятларининг энг муҳим ўзгаришини акс эттиради, бу таъкидланганидек, аҳолининг турмуш тарзи ва унда юз берган ўзгаришлардан келиб чиқади. Ижтимоий сўровлар шуни кўрсатдики, тез овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг “йўл-йўлакай” харид ва истеъмол қилиш шакли биринчи ўринга чиқди, чунки одамларни алоҳида овқатланиш корхоналарига ташриф буюришга вақтлари чекланган.

“Йўл-йўлакай овқатланиш” бу ташриф буюрувчининг овқатланиш корхонасида сарфланадиган вақтни минималлаштиришга интилишини англатади. Овқатланиш корхонасига ташриф буюриш вақти чекланган хўррандалар учун овқатланиш жараёни ўзи сарфланган вақтга нисбатан иккинчи даражали роль ўйнай бошлади. Қоида тариқасида, чекланган вақтга эга бўлган хўррандаларнинг имкони борича максимал соатига тўртдан бир қисмини, яъни 15 дақиқага овқатланиш корхонасига ташриф буюришини ифодалайди. Табиийки, тушлик танаффуси 30 минутни ташкил қилса ва овқатланиш жойига етиб бориш ва иш жойига қайтиш учун маълум вақт керак бўлади.

Овқатланиш корхонасига ташриф буюриш учун вақтни тежаш, шунингдек, иккинчи тамойилни - **ташриф буюришнинг қулайлиги** белгилайди.

Бу ерда вақтни тежаш жараёни нафақат умумий овқатланиш соҳасини, балки умуман савдо-сотиқни ҳам эгаллаб олганлигини таъкидлаш лозим. Ҳозирда харидорларнинг талабларига мувофиқ савдо бўлимларини диверсификация қилиш жараёни мавжуд. Диверсификацияга бўлган эҳтиёж, мавжуд савдо корхоналари харидорлар харидларини амалга оширишга етарлича рағбатлантирмаслиги, харидорларнинг ўзгарувчан талабларига етарлича мослаштирилмаганлиги,

уларнинг манфаатлари, афзал кўрган объектлари ва турмуш тарзини инобатга олмаганлиги билан боғлиқ. Айниқса, ривожланган ғарб давлатларида жамиятнинг кексайиши, оилавий муносабатларнинг ўзгариши, ишчилар ва талабалар сонининг кўпайиши туфайли харидорларнинг таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Бўш вақтнинг етишмаслиги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш таъсир кўрсатмоқда.

Энг кенг тарқалган тенденция - ошхонада кам вақт сарфлаш, шунингдек, мувозанатли овқатланиш талабларини ҳисобга олишдир. Уйда овқат тайёрлашга сарфланадиган оилавий бюджетнинг улуши доимий равишда пасайиб боради. Овқат ёки ширинликлар, нон ва булка маҳсулотларини тайёрлаш бўлимларининг деярли барча дўконларида пайдо бўлиши, тез тайёрланадиган маҳсулотларини сотиш шохобчаларининг кўпайиши, дўконларда новвойхоналарнинг ташкил этилиши бунда алоҳида ўрин тутди. Супермаркетлар ёки озиқ-овқат дўконларидаги гўшт бўлимлари харидорларга тобора юқори даражада тайёр бўлган ярим тайёр маҳсулотларни таклиф қилмоқда. Сотилаётган тайёр ва ярим тайёр овқат турлари тобора кенгайиб, бу эса ўз навбатида тез овқатланишни рағбатлантирмоқда. Кўпгина супермаркетлар уйда пишириш учун маҳсулот етказиб берувчилар сифатида эмас, балки унинг кенгайтмаси сифатида ишлай бошлайдилар. Дўконлар озиқ-овқат тайёрлаш бўйича уй ишларини тобора кўпайтира бошладилар (*ювиш, саралаш, қадоқлаш, порциялаш ва бошқалар, совутилган ёки иссиқ овқатларни сотишгача*). Супермаркетлар харидорларнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш вазифаларини тобора кўпайтирмоқда. Шу мақсадда катта дўконларда дорихона (рецепт бўйича) бўлимлар, банк филиаллари, фото (кино) фильмларни ишлаб чиқиш бўлимлари, видео кассеталарни, турли воситаларни ижарага бериш, китоблар, газета, журналлар ва бошқаларни сотиш бўлимлари очилмоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, овқатланиш корхонасига, эҳтимол у ташриф буюрувчиларнинг яшаш жойидан 300 - 400 м дан ортиқ бўлмаган масофада жойлашган бўлса, фаолроқ ташриф буюриши аниқланди. Шу сабабли, ушбу контингентнинг талабини фақат тез овқатланиш корхоналари қондириши мумкин: ҳар қандай автоматик кафе, тезюрар ресторанлар, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари истеъмол қилинадиган жойида сотиладиган ёки олиб кетадиган ва бошқа турлари ривожлана бошлади.

Агар ташриф буюрувчилар овқатланишда 30 дақиқадан 45 дақиқача вақтга эга бўлсалар, одатда, официантлар хизмат қиладиган столда ўтириши мумкин.

Чекланган вақт билан ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатадиган овқатланиш корхоналарининг энг мақбул тури бу бир нечта турли хил озиқ-овқат шохобчаларидан ташкил топган ва умумий овқатланиш хонасига эга бўлган *кафетерия ёки фастфуд* ресторанлари [3]. Ушбу турдаги корхона озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш тизимига эга ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган буфетларда навбатлардан келиб чиқадиган салбий психологик таъсирни бартараф этишга имкон беради.

Шундай қилиб, ташриф буюриш қулайлиги тамойилига риоя қилишнинг *биринчи шарт* - овқатланиш корхонасининг жойлашиши мумкин бўлган меҳмонларга нисбатан яқинлиги. Бунга тез овқатланиш корхонаси учун тегишли жойни танлаш орқали эришилади.

Ташриф буюришнинг қулайлиги тамойилига риоя қилишнинг *иккинчи шарт* бу овқатланиш корхонасининг ўзида хизмат кўрсатиш вақти. Бу ҳолат тез овқатланишнинг *учинчи тамойили* - тез овқатланиш тамойилининг моҳиятидир.

Тезкор тамадди қилишга хизмат кўрсатадиган корхоналар ўртасидаги фарқ бу ташриф буюрувчиларга тезкор хизмат кўрсатиш тамойилидир. Шу мақсадда корхоналар битта асосий ошхона маҳсулотини тайёрлашга ва тарқатишга ихтисослашган, масалан, майдаланган бифштекс, пицца, қовурилган балиқ ёки товук гўшти, пирог ва бошқалар. Ушбу турдаги кичик корхоналар (масалан, “быстро”) асосан *снаск бар*, йириклари эса ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган ресторанлардир.

Тезкор тамадди қилиш шохобчаларида хизмат кўрсатишни тезлаштириш учун нафақат ошпазлик маҳсулотларининг жуда тор доирасидан фойдаланилади, балки маҳсулотларнинг ўзи тайёрланади ва тарқатиш линияларига етказиб берилади, улар порциялаш бўйича кўшимча ишларни талаб қилмайдилар, орқага қайтариладиган дастурхонга ўтказиш, кўкат қўшиш, соуслар ёки сметана қўшиш, нонни майдалаш ва тарқатиш, ошхона анжомлари ва идиш-товоқ буюмлари билан таъминлаш, одатда анъанавий ошхоналар ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кафеларида бўлгани каби бу хусусият тез овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятидир.

Тез овқатланиш корхоналарининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг таркибида алкоғолли ичимликлар, шу жумладан кам алкоғолли ичимликлар, сигареталар, мусиқа автоматлари мавжуд эмас. Шу тарзда, ушбу корхоналар даромадни ошириш мақсадида пиво, шароб, сигареталар ва бошқа “тегишли” маҳсулотлар сотиш кенг тарқалган оддий овқатланиш жойлари ва кафеларга ўхшамайди.

Шундай қилиб, тезкор овқатланиш шохобчаларининг асосий йўналиши хизматни тезлаштиришга қаратилган бўлиб, бу уларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишни ишлатадиган чакана сотувчилар билан рақобатдош қилади.

Ва ниҳоят, *тезкор хизмат кўрсатиши тамойили* савдо-сотик учун умумий овқатланиш корхоналарига қараганда кўпроқ характерлидир, чунки савдо-сотик муассасасига ташриф бу товарларни сотиб олиш ва шунинг учун хизматни тезлаштириш мақсадида амалга оширилади. Овқатланиш корхонасига ташриф бошқа мақсадда амалга оширилади. Истеъмолчи нафақат маҳсулотни (озик-овқат) сотиб олади, балки уни бевосита шу ерда истеъмол қилади ва маҳсулотларни олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно.

Аммо, хизмат кўрсатиш тезлиги тез овқатланиш корхонасининг ўзига хос хусусияти эмас, чунки тез овқатланишнинг асосий элементлари бошқа турдаги овқатланиш корхоналарида ҳам мавжуд. Шундай қилиб, олдиндан ўрнатилган столлари бўлган ошхоналарда истеъмолчи озиқ-овқат олиш учун вақтни сарфламайди. Туристлар ёки экскурсия гуруҳлари, конгресслар, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларнинг иштирокчилари учун овқатланишни ташкил қилишда столларнинг зиёфат залларида олдиндан хизмат кўрсатилади. Вақтнинг минимал сарф-харажатлари билан сиз автомат машинадан озиқ-овқат олишингиз мумкин. Америка Қўшма Штатларидаги баъзи автомобиль йўлларида автоуловчилар учун овқатланиш автоматлашган тизимга келтирилган, бу ерда машинага озиқ-овқат етказиб бериш кенг тарқалган.

Бундан келиб чиқадики, “тезкор хизмат” тамойилига биноан овқатланиш корхонасини таърифи одатий кўринишга эга эмас, ушбу корхоналар мақсади якуний мақсад хусусиятларини акс эттирмайди, улар сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни ташкил этишни ифодалайди. Шунинг учун, кўриб чиқиладиган корхоналарни тезкор овқатланиш шохобчалари сифатида тавсифлаш янада тўғри бўлар эди, чунки таклиф қилинадиган маҳсулотларнинг тор доираси ва уларни тарқатишга тайёрланиши нафақат мижозларга тезкор хизмат кўрсатишни, улар томонидан тез овқатланишни қабул қилишни белгилайди, шунингдек, анъанавий ошхона, ресторан, кафе, бар ва бошқа овқатланиш корхоналарига нисбатан тез истеъмол қилиш, бу ерда турли хил идиш-товоқ ва маҳсулотлар таклиф қилинадиган ва истеъмол учун махсус вилкалар, пичоқлар ва идишлар, махсус мебель ва бошқа мосламалар талаб этилади.

Шунинг учун тез овқатланиш шохобчаларида *тезкор хизмат кўрсатиши тамойили тўртинчи тамойил* билан чамбарчас боғлиқ - тез овқат истеъмол қилишни ташкил этиш, унга ҳеч қандай идиш-товоқ ва маиший техника воситасиз таклиф қилинадиган тор идишлар ёрдам беради (*масалан, МсДоналдъсда ёки Хоразм гамбургда гамбургер ёки чизбургерни, хотдогни қозоғга ўралган ҳолда хизмат тақдим қилиниши*). Буларнинг барчаси корхонага ташриф буюриш учун сарфланадиган вақтни минимал даражада қисқартиради, бу тушлик танаффусларини 30 дақиқагача қисқартириш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Бунда овқатланиш корхонасига ташриф буюриш учун минимал вақт керак бўлади. Турар-жой биносига овқатланиш компаниясини жойлаштириш унга ташриф буюришни қулай қилади, чунки бу ҳолда ташқарига чиқиш учун махсус кийинишга ҳожат қолмайди. Бир қатор ривожланган мамлакатларда (масалан, Швецияда) улар аллақачон аҳолига хизмат кўрсатадиган баъзи корхоналарнинг кўп қаватли турар-жой биноларини пастига жойлаштиришни муваффақиятли удалашган. Ушбу корхоналарга болалар боғчалари, спорт заллари, сауналар ва бошқалар қиради. Катта шаҳарларда, одатда, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши билан, уларда яшовчи аҳоли кўплаб корхоналарни самарали равишда шу бинога жойлаштириши кишиларнинг вақтини тежайди ва инсонлар учун комфортни оширади.

Ушбу таклифни амалда амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ягона нарса - бу уй ошхонаси ёрдамида умумий овқатланишни имтиёзли ривожлантиришга йўналтирилган йўналишидир, шу муносабат билан барча турар-жой бинолари ҳар бир хонадонда ошхона бўлиши керак деган умидда қурилган. Агар илгари бу мақсад учун 5-7 м² ажратилган бўлса, энди турар-жой бинолари 10-15 м² ошхоналар билан барпо этилмоқда. Бу турар-жой биносининг яхшиланган режаси деб ҳисобланади. Ушбу уйларнинг аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, умумий овқатланиш корхоналари билан жиҳозланган турар-жой биноларини қуриш ҳали ҳам чекланган ҳажмда амалга оширилмоқда.

Бирок, баъзи тадқиқотчилар, хусусан, МДХлик олим А.И.Радченко юқоридаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш шохобчаларини жойлаштиришни ёқлайди. Бирок, йирик шаҳарларда овқатланиш корхоналарини жойлаштириш муаммосининг таниқли мутахассиси В.И.Карсекин А.И.Радченконинг таклифини инкор қилиб, кўп қаватли уйларда овқатланиш корхоналарини яратиш уларни майдалашга, иқтисодий нуқтаи назардан самарасиз фойдаланишга олиб келади деб таъкидлайди ва "иқтисодий нуқтаи назар"дан корхоналар норентабель бўлади деб ҳисоблайди [4].

В.И.Карсекин кўриб чиқиладиган таклифда иккинчи камчилик сифатида А.И.Радченко оиланинг овқатланиш корхонасига боришга сарфлаган вақтига нотўғри эътибор қаратган деб ҳисоблайди. В.И.Карсекиннинг фикрига кўра, бу вақтни турар-жой биносидан ҳамда пиёда юриш билан эмас, балки жамоат транспорти хизматларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш керак. Бундан келиб чиқадики, умумий овқатланиш корхонаси жойлашган жойга яқинлашиш атрофдаги аҳоли ва йўл бўйлаб ушбу зонада бўлган шаҳар аҳолиси учун алоҳида кўриб чиқилиши керак. Шу сабабли, ҳар

бир овқатланиш корхонаси, В.И.Карсекиннинг сўзларига кўра, пиёдалар ва транспорт йўллари кесишган жойда жойлашган бўлиши керак ва унга маҳаллий аҳоли ҳам, шаҳарнинг бошқа худудларидан вақтинча ташриф буюрувчилар ҳам ташриф буюриш имкониятларини ҳисобга олишлари керак. Шунингдек, у умумий овқатланиш корхонаси истеъмолчиларнинг фаоллиги билан ҳаракатланадиган аҳолининг кўп қисми яшайдиган манзилда жойлашган бўлиши кераклигини аниқлади [5].

Фикримизча, жуда муҳим эслатма - бу самарали талабга, маблағ мавжудлигига, одам озик-овқат шохобчасига кирадими ёки ёнидан ўтиб кетадими, шунга боғлиқ. Афсуски, В.И. Карсекин баъзи сабабларга кўра “истеъмолчилар фаолияти” ни талаб билан белгилайди ва истеъмолчилар фаолияти деганда, ушбу атрофда яшовчи ҳар 1000 кишига нисбатан умумий овқатланиш корхоналарига ташриф буюрувчилар сонини тушунади. Бошқача қилиб айтганда, шу атрофда яшовчи умумий аҳоли сонидан умумий овқатланиш корхонасига овқатланиш учун киришига молиявий имконияти бор бўлган одамларни ҳамда уларни овқатланишга эҳтиёжлари, зарурати борларини олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар бир бундай меҳмон ўз ҳаракатланиш радиусига эга, унга минимал вақт билан овқатланиш корхонасига ташриф буюришга имкон бериш, кейин бундай потенциал ташриф буюрувчиларнинг бутун мажмуаси учун ушбу радиуснинг оптимал қийматини топиш талаб этилади. Шу мақсадда мураккаб ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Биз тез овқатланиш тизимлари тадбиркор фойдаланиши мумкин бўлган бизнесга жой танлаш учун янада қулайроқ методологияга муҳтож деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, тез овқатланиш корхоналарининг жойлашиши, авваламбор, уларнинг ҳажмига боғлиқ. Кичик тез овқатланиш пунктлари (модуллари) дўконларда ва аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа муассасаларда жойлаштирилиши (қурилиши) керак.

Каттароқ корхоналар метро станциялари, кўчалар ўтиш жойлари ва жамоат транспорти бекатлари яқинида жойлашган бўлиши керак.

Мураккаб тез овқатланиш корхоналари савдо марказларида, бозорларда, вокзалларда ёки вокзал олди ва бошқаларда жойлашган бўлиши керак.

Корхона жойлашган жойни тўғри танлаш учун янги тижорат қурилишининг режаларини ишлаб чиқишда консалтинг фирмалари томонидан кенг қўлланиладиган ва аҳолининг батафсил ижтимоий-демографик хусусиятларини таъминлашда ва савдо сиёсатининг бошқа кўплаб масалаларини ҳал қилишда АҚШ тажрибасидан фойдаланиш жоиздир. Масалан: “Доннелл Маркетинг Информатион Сервисес” консалтинг компанияси ўз мижозларига бозорни “гуруҳ таҳлили” деб номланган тартибини таклиф қилади: ҳар қандай маълум бир хизмат соҳасида яшовчи потенциал истеъмолчиларнинг бутун массаси “кластерлар” деб номланган 47 та таснифлаш гуруҳига бўлинган ёки “буталар” деб номлангандир. Ушбу таҳлилда ҳар бир гуруҳ учун (фирма уни "кластер-жой" деб атайди), унинг ҳажми, улуши (фоизда) умумий аҳоли, даромад даражаси, турмуш қурмаганлар ва оилалар сони ва фоизи, маълумот даражаси, сони ва уй-жой мулкдорлари улуши, аҳолининг ёш таркиби ва бошқалар берилган [6].

“Кпэритакс” консалтинг компанияси АҚШ Статистика хизмати томонидан ишлатиладиган, мамлакатнинг почта индекслари тизимига мувофиқ 35,6 минг шаҳар, туман, пунктлар аҳолисини тавсифловчи 1000 дан ортиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларни ўз ичига олган “Призм” таҳлил тизимини таклиф этади. Бундай маълумотлар маҳаллий бозорларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот беради. Бизнинг республикамызда ҳам марказий шаҳарларимизда шундай хизматлар пайдо бўла бошлади.

Умуман олганда, тез овқатланиш корхоналари қуйидаги умумий талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак:

- истеъмолчига имкон қадар яқинроқ бўлиш ва аҳолининг оммавий оқимлари йўналишларига жойлаштириш учун ташриф буюриш учун минимал вақтни таъминлаш учун ташкил этиш;
- умумий овқатланиш корхоналарини кўчада (майдонда) жойлашган бошқа корхоналар орасидан осон топиладиган, илғаб, кўриб оладиган бўлишини таъминлаш.

Овқатланиш корхонасининг жойлашиши, қуввати ва рентабеллиги хизмат кўрсатиш радиусида (ўртача 360 м) яшайдиган ва ушбу корхоналар хизматларидан фойдаланадиган ташриф буюрувчилар сонига, шунингдек, тасодифан ёки доимий равишда фойдаланадиган ташриф буюрувчилар сонига боғлиқ.

Тез овқатланиш пунктларига пиёдалар кириш имкониятлари қуйидагича ҳисобланади:

Дастлабки стандарт - бу тушлик танаффуси учун зарур бўлган вақт, у 30 минут миқдориди қабул қилинади, шундан корхонага ташриф буюриш учун 50% дан кўп бўлмаган (корхона томон йўл ва орқага), яъни 15 дақиқадан ошмаслиги керак. Агар табиий эҳтиёжларни қондириш вақтини ҳисобга олсак, ўтиришлар тахминан 12 дақиқа давом этади. Шаҳарда пиёдалар ҳаракатининг ўртача 3600 м/соат тезлиги билан корхонага масофа 360 м дан ошмаслиги керак, бу 360 сония ёки 6 минут давом этади.

Кўшни тез овқатланиш корхоналари орасидаги масофа, одатда 700 м дан ошмаслиги керак.

Муайян корхонани жойлашган жойига ташриф буюрмоқчи бўлган ташриф буюрувчиларнинг тахминий сони хизмат кўрсатиш ҳудудида яшовчи аҳоли, шунингдек, ушбу ҳудудга боғлиқ равишда ҳудудга ташриф буюрадиган аҳоли сони ва таркибини иш, харид қилиш, бўш вақт ва бошқа сабабларни ўрганиш асосида аниқланади. Бу махсус маркетинг тадқиқотлари асосида амалга оширилади.

Тез овқатланиш шохобчасини асосий кўчада, майдонда, савдо марказида ва бошқаларда очиш учун жойлар, ташриф буюрувчиларнинг умумий сони камида 3000 киши бўлиши керак (уларнинг баъзилари корхонага мунтазам равишда ташриф буюрмасликларини инобатга олган ҳолда).

Ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатдики, аҳоли яшаш пунктида тез овқатланиш корхонасини очиш учун камида 400 киши ёки 800 порция бўлиши мумкин бўлган ташриф буюрувчилар сони талаб этилади (ўртача сотиб олиш нархи 15-20 000 минг сўмни ташкил қилади), бу кунлик айланмаси 8-16 млн.сўмгача кичик корхонанинг нормал самарадорлигини таъминлайди.

Тез овқатланиш корхонасини бошқа корхона таркибида ташкил этиш учун унинг потенциал ташриф буюрувчилар сони камида 500-1000 кишини ташкил қилиши керак.

Овқатланиш корхонаси учун маълум бир жойни танлаш турар-жой ва нотурар жой биноларида (камида 100-150 м² майдонда) маълум бир зонада бепул хоналар мавжудлиги билан белгиланади, турар-жой биносига ёки умумий овқатланиш корхонаси биносига кенгайтма, шунингдек ушбу зонада унга жойлаштирилиши керак бўлган ривожланмаган майдоннинг мавжудлиги овқатланиш корхонаси учун бинолардир. Бунга мисол сифатида Хоразм вилояти Урганч шаҳри мисолида, Мафтуна, Карамел, Хоразм оши, Қамиш, Чашма каби умумовқатланиш ва тез овқатланиш шохобчаларини айтиш мумкин.

Катта тезюрар савдо шохобчаларини алоҳида биноларда - ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган ресторанларда, тез овқатланиш марказларида, шунингдек, катта қувватли тезкор овқатланиш пунктларида (100 ва ундан ортиқ ўриндик учун) жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Турар-жой ва нотурар жой биноларининг пастки қаватларида ўрта ўлчамдаги (асосий кўчалар ва майдонларда) ва кичик (аҳоли турар жойларида) тез овқатланиш корхоналарини жойлаштириш тавсия этилади. Бунга мисол сифатида эса, Урганч шаҳрида Гавҳар миллий таомлари, Сарой, Боулинг, Хоразм балиқ таомлари, Али бобо, Шаршара, Олимп ва бошқа ресторанларни айтиш мумкин.

Тез озиқ-овқатнинг кичик корхоналари (модуллари), юқорида айтиб ўтилганидек, бошқа корхоналар (ресторанлар, ошхоналар, дўконлар ва бошқалар) ичида жойлашган бўлиши мумкин.

Тез овқатланиш пункти учун жой танлашда, ёзги ўриндиқларни жойлаштиришга имкон берадиган, шунингдек товарларни етказиб беришни осонлаштирадиган ва содалаштирадиган пунктларга устулик бериш керак.

Савдо марказларида тез овқатланиш пунктларини жойлаштиришда харидорлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун кўчадан ҳам, марказнинг ички қисmlаридан ҳам корхонага қулай кириш имкониятини таъминлаш керак.

Магистрал йўлларда (ҳалқа йўлларида) тез овқатланиш корхоналари бирлаштирилган хизмат кўрсатиш станциясининг бир қисми (ёнилғи қуйиш, ювиш, автоуловларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисmlарни сотиб олиш) ёки бирлаштирилган овқатланиш корхоналари (ресторанлар, кафелар ва бошқалар) таркибида жойлашган бўлиши керак.

Шаҳар аҳолисининг оммавий дам олиш жойлари (боғлар, пляжлар ва бошқалар) билан туташган жойларда тез овқатланиш корхоналари аҳолининг дам олиш жойларига кўчиши йўлида, шунингдек оммавий дам олиш жойларида жойлашган бўлиши мумкин. Куз-қиш ва баҳор даврларида тезкор овқатланиш пунктларини бино чуқурлигида жойлаштириш периметри бўйлаб ёки бурчак участкаларига қараганда анча фойдалидир. Ёзги даврда биноларнинг периметри бўйлаб, бурчак участкаларида ва бинолардан озод бўлган участкаларда жойлашган корхоналар янада фойдали ҳолатга эга.

Умумовқатланиш корхонаси жойлашган жойи учун танланган нукта (нуқталар) унга келадиганлар тахминий ташрифини аниқлаш учун батафсил ўрганилади. Бунинг учун сўровномалар орқали сайтда жойлашган корхона ва ташкилотларда ишчилар сони, шунингдек доимий яшовчилар сони ва кирувчи ва чиқувчи оқимлар сони аниқланади. Кейинчалик энг самарали нуқтани танлаш учун шаҳар туманининг айрим ҳудудларида корхонани жойлаштириш бўйича ўрганилган вариантлар таққосланади.

Тавсия этилган вариант - бу ташриф буюрувчиларнинг энг кўп сонини таъминлайдиган, шунингдек қулай жойлашадиган нуқта, яъни қулай кириш жойлари, автоуловларни тўхташ имконияти, транспорт тўхташ жойларининг яқинлиги, яқин атрофдаги меҳмонларни жалб қиладиган объектларнинг мавжудлиги, рақобатчиларнинг йўқлиги ва бошқалар каби омиллар ҳисобга олинган энг мақбул вариант саналади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги 5611- сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони/lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 майдаги 365-сонли “Чорвок эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори//lex.uz
3. А.Ю. Александрова. Международный туризм. М., 2004.
4. Карсекин В.И. Основы проектирования и интерьер предприятий общественного питания, Украина 1983.
5. <https://www.wodonnell.com>

УЎК 338.24:340(470)

СОЛИҚ ЮКИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ВА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИГА ТАЪСИРИ

Ш.Ш. Тўраев, мустақил изланувчи

Аннотация. Ушбу мақолада солиқ юкининг макроиқтисодий барқарорликка ва инвестиция муҳитига таъсири илмий тадқиқ этилган бўлиб, унда макроиқтисодий барқарорликка солиқ юкининг таъсири, мамлакат инвестиция муҳитига солиқларнинг таъсири каби масалалар кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: солиқ тизими, солиқ юки, макроиқтисодий барқарорлик, ялпи ички маҳсулот, инвестиция

Аннотация. В данной статье исследуется влияние налоговой нагрузки на макроэкономическую стабильность и инвестиционный климат, а также обсуждаются такие вопросы, как влияние налоговой нагрузки на макроэкономическую стабильность и влияние налогов на инвестиционный климат страны.

Ключевые слова: налоговая система, налоговое бремя, макроэкономическая стабильность, валовой внутренний продукт, инвестиции

Abstract. This article examines the impact of the tax burden on macroeconomic stability and the investment climate, and discusses issues such as the impact of the tax burden on macroeconomic stability and the impact of taxes on the country's investment climate.

Key words: tax system, tax burden, macroeconomic stability, gross domestic product, investment

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш жараёнида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириб бориш, бир қатор анча мураккаб иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда. Булар ичида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Солиқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади макроиқтисодий самардорликка эришиш ҳисобланиб, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хизмат қиладиган бир қатор солиқ имтиёзлари, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин, булар иқтисодий ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан, яъни иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этиш муаммоларини ҳал этиш билан ёндошмоқ лозим.

Солиқ юкининг ва солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири жуда катта бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқдир. Солиқ юкининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, иқтисодий барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин.

Солиқлар ҳар бир давлат учун муҳим молиявий манба бўлиб, бюджетни шакллантиришда ва иқтисодиётни тартибга солишда муҳим вазифаларни бажаради. Дунёнинг барча мамлакатларида солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Солиқ юки ва мамлакатнинг бюджет-солиқ сиёсати макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан саналади. Иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва инвестиция муҳитини яхшилашда мамлакатдаги солиқ юки ва солиқ сиёсати алоҳида ўрин тутади.

Иқтисодий назария курсидан маълумки, барча макроиқтисодий жараёнлар микродаражадан, куйидан бошланади. Яъни, хўжалик субъектларининг молия-солиқ муносабатлари қанчалик такомиллашса, улардаги давлат билан бўладиган иқтисодий муаммолар ечилса, яъни солиқ юки камайтирилса, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади ва мамлакатдаги инвестиция муҳити яхшиланади. Чунки, хўжалик субъектларида солиқ юки қанча енгиллашса, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ривожланади, инвестицион жамғариши ошиб боради. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортади, пул муомаласи яхшиланади, инфляция даражаси пасаяди ва бюджет даромадлари барқарорлиги таъминланади.

Солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши, яъни солиқ юкининг ўзгариши бевосита талаблар йиғиндисига таъсир қилади. Истеъмолнинг ҳам, инвестицияларнинг ҳам ҳажми солиқларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади. Масалан, бюджетга солиқ тушуми камайиб, давлат харажатлари

аввалгича қолган пайтда истеъмол ва инвестиция харажатларининг ўсиши рағбатлантирилади.

Солиқ тушумларининг даражаси нафақат ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида юзага келади, балки солиқ тизимидан самарали фойдаланишга ва унинг ўз вазифаларини қандай бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу функцияларнинг таъсири ҳақида мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки орқали мулоҳаза қилиш мумкин.

Давлат миқёсида солиқ тушумидан йиғилган маблағдан фойдаланиш ва маблағни давлат миқёсида қайта тақсимлаш, давлатни бошқаришга, такрор ишлаб чиқаришга ресурс сифатида сарфлаш жараёни солиқларнинг макроиқтисодий ҳаракатини ифодалаб беради. Бу макроиқтисодий ҳаракат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида солиқдан тушган маблағларнинг ҳаракатини ифодалайди.

Маълумки, солиқларнинг макроиқтисодий ҳаракати ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорда сотишни, оила хўжалигининг даромадларини ва пировард натижада давлат бюджетининг харажатларини қоплашда фаол иштирок этади. Солиқлар ушбу ҳаракат жараёнида уй хўжалиқларини ижтимоий ҳимоялашда иштирок этади ҳамда давлатнинг бир қанча макроиқтисодий муаммоларини ҳал этишда, яъни, пул муомаласини яхшилашда, давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашда, давлат бюджети камомadini қоплашда ва инфляция даражасини ушлаб туришда катта амалий ёрдам беради. Агарда, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда кичкина бир хатоликка йўл қўйса, ёки солиқ юкини озгина оширса, макроиқтисодий мувозанат йўқолади ва иқтисодиёт издан чиқади. Бунинг энг оддий кўринишларидан бири яширин иқтисодиётнинг юзага келишидир. Яширин иқтисодиёт ўз-ўзидан давлатга ҳам, фуқароларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун маълум даврдаги солиқ сиёсатини пухта ва аниқ ишлаб чиқиш лозим.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётидаги солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, ҳар қандай солиқ тизимининг сифат тавсифини кўрсатади. Шу билан бирга олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, бошқа томондан эса, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли, солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш билан боғлиқдир.

Давлат ЯИМнинг бир қисмини мажбурий тўлов сифатида олиб қўйиши солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда солиқ юки ЯИМга нисбатан 1991 йилда 49,1% дан 2020 йилда 22,5% гача тушди.

Ҳукуматимиз томонидан солиқ юкининг 26,6 пунктга камайтирилиши мамлакатимиз молиявий ва макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу нарсани эътиборга олиш лозимки, солиқ юки ЯИМга нисбатан камайиши бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайди, деб тушуниш нотўғри. Бу бир томонлама қараш. Чунки, давлат миқёсида бир қанча солиқлар ҳисобланиб, ундирилмасдан қолиб кетади, яъни боқимандалик суръати ҳам ўсган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткични ҳисобга олмасдан солиқ юкини аниқлаш, мамлакат миллий солиқ тизими тўғрисида нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади.

Солиқ юки 1991 йилда ЯИМга нисбатан 49,1% ни ташкил этган. 1992 йилда эса бу кўрсаткич 31,6% гача тушган. 1993 йилда бу кўрсаткичда бироз ўсиш суръати кузатилган. 1998 йилдан бери солиқ юки мамлакат миқёсида мунтазам пасайиш тенденциясига эга. Бу сиёсат натижасида мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда ва биз буни бевосита оқилона солиқ сиёсатининг натижаси дейишга ҳақлимиз.

2020 йилда ЯИМга нисбатан солиқ юки кўрсаткичи мамлакатимизда 22,5% ни ташкил этган бўлса, бу ривожланган давлатлар кўрсаткичларига яқин келади ва улардан паст даражада ҳам дейишимиз мумкин.

ЯИМнинг ўсиши 2019 йилда 5,8% ни ташкил этди. Бу олдинги йилларга нисбатан энг юқори кўрсаткичдир. Йиллик инфляция даражаси эса 11,1% бўлди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 14% ни ташкил этди. Бу олдинги йилларга қараганда ижобий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Албатта, кейинги йиллардаги макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилган бу ижобий натижалар жамиятимиз иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, авваламбор, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, янгича жараёнлар ва сифат ўзгаришларни ҳисобга олиб чуқур таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқариб боришни тақозо этади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида ЯИМга нисбатан солиқ юки 30% атрофида тебранади. Яъни, ривожланган давлатлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг учдан бир қисмини солиқлар қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширади. Бизнинг республикамизда солиқлар (давлат бюджетининг мақсадли жамғармаларисиз) ЯИМнинг бешдан бир қисмини қайта тақсимлаб давлат бюджетига туширмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1991 йилда ЯИМнинг иккидан бир қисмини ташкил этар эди.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг ЯИМни қайта тақсимлашдаги ролини характерловчи маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, солиқлар алоҳида турларининг ўзгариш суръати жуда нотекис

бўлиб, охириги йилларда солиқлар ва солиқсиз тушумлар ўсиш тамойилига эга бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, мол-мулк солиғи ва ресурс тўловлари солиқларининг ЯИМни қайта тақсимлашдаги улушининг ўсиши, бож тўловлари ва экспортга солиқлар улуши эса пасайиши кузатилади. Республикада солиқларнинг бошқа турларининг улуши эса, пасайиш характерига эга. Албатта, айрим солиқ тури бўйича солиқ юкининг пасайиши республикада иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижасидир. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда солиқлар алоҳида турлари бўйича улушининг ўзгариши, биринчидан, республика бозор иқтисодиётига ўтиб бориш жараёнида давлат бюджети орқали қайта тақсимлаш жараёнларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириб бориш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу республика ЯИМни қайта тақсимлашда бюджетдан ташқари фондлар ролининг ортиб бораётганлигини характерлайди.

Республика давлат бюджети харажатлар қисми қараб чиқилганда, кейинги йилларда ЯИМда кўпга ижтимоий сарфларнинг фоизда ифодаланган салмоғи ошиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Масалан, ижтимоий-маданий соҳаларга сарфларнинг республика ЯИМдаги улуши ошиб бормоқда.

Макроиктисодий барқарорликка эришиш учун давлат бюджети даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини таъминлаш лозим. Лекин, кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатлари даромадларидан ортиқчилиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги юзага келади. Бунинг сабаблари кўп бўлиб, улар ичида, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўрнининг узлуксиз ошиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутади.

Келажакда республикада давлат бюджети тақчиллигининг кўзда тутилган даражасини ушлаб туриш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- солиқ имтиёзларини қисқартириш;
- харажатларнинг самарадорлик даражасини ошириш;
- бошқарув харажатларини имконият даражасида камайтириш.

Солиқ механизмидаги ўзгаришлар ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзгаришига таъсир қилиши билан биргаликда, инвестициялар ўзгаришига ҳам таъсир қилади.

Барча давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришда ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида турли сармояларни жалб этади ва маҳсулотлар (товарлар, ишлар) ҳажми ўсишини таъминлайди. Бу ўз навбатида давлат бюджетига кўпроқ солиқ тушишини таъминлайди. Маълумки, иқтисодиётга инвестициялар ҳажми оширилмаса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам давлат бюджетига солиқ тушуми ҳам ошмайди. Умумий инвестицияларнинг ҳажми ортиши давлат бюджетига солиқ тушумини ўсишини таъминлайди. Чунки инвестиция ҳажми талабга нисбатан пасайса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, солиқ тушуми ҳам барқарор ўсмайди. Солиқ тушумлари мутаносиб равишда юксалишда давом этиб, инвестициялар ҳажми камайса ҳам солиқ тушумлари кўпайиши ҳисобига ошиб боради.

Аслида солиқлар, солиқ юки ва инвестициялар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Солиқлар воситасида янгидан яратилган қийматнинг давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланиши солиқ юки ва инвестициялар ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Солиқ юкининг енгиллашиши кўп жиҳатдан солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиради, уларда ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни кучайтиради. Ўз навбатида солиқлар воситасида инвестицияларнинг рағбатлантирилиши келажакда давлат бюджетига тушадиган солиқ суммасини кўпайтиради. Биргина 2005 йилнинг 11 апрелидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги [1] Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон Фармони [2] мувофиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкил этилган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодий тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналарга қуйидаги тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестиция ҳажмларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда алоҳида солиқлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиқ ва 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

Бу ўз навбатида инвестицияларнинг жалб қилинишига ва уларнинг миқдорининг ошишига ўзининг катта таъсирини кўрсатди.

Шунингдек, 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги [3] Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бобида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар келтирилган. Унда


белгиланишича, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидагича имтиёз ҳамда преференциялар бериш назарда тутилган:

- давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкый ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш;
- солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинadиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш.

Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади:

- инвестициялар ҳажмига;
- инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;
- қутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил этилган ва қонун ҳужжатлари билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича иқтисодий тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослашган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда алоҳида солиқлар юзасидан имтиёзлар қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади.



1-расм. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМ даги улуши, фоизда[4]

Шунингдек, Қонунда келтирилишича, инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга инвестицияга оид солиқ кредити берилиши мумкин ва ушбу кредит солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ кейинчалик босқичма-босқич тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилиши назарда тутилган.

Солиқлар орқали қўшилган қиймат кўпроқ миқдорда давлат томонидан ўзлаштирилса, яъни солиқ юки кўпайса, ҳўжалик субъектларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини шунчалик чеклайди.

Ҳукумат томонидан иқтисодийнинг айрим оқсаб қолаётган соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш сиёсати олиб борилмоқда. Инвестицияларни жалб қилишнинг энг оптимал усули бу имтиёзлар беришдир. Давлат томонидан солиқ соҳасидаги берилган қатор имтиёзлар айнан мазкур соҳада инвестициялар кўламини оширади. Бу келажакда давлат бюджетига янги солиққа тортиладиган базани шакллантиради. Ўз навбатида ишсизлик камаяди, аҳолининг пул даромадлари ортади, ишлаб чиқариш сурьатлари ўсади ва бошқа қатор макроиқтисодий муаммолар ечилади. Ана шунинг учун ҳам шундай соҳаларга инвестицияларнинг киритилишини қайсидир маънода солиқлар, солиқ юки, инвестициялар ва макроиқтисодий барқарорлик ўртасидаги алоқадорликнинг бир кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Республикада оқилона бюджет-солиқ сиёсати орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

- фискал сиёсатни амалга ошириш мақсадида солиқ тизимини шакллантириш, солиқ ставкасининг оптимал чегарасини аниқлаш ва табақалаштириш;
- солиқ имтиёзларини белгилаш иқтисодий фаолликни рағбатлантириши орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Халқ сўзи», 2005 йил, 12 апрель, № 69 (3614).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й., 06/20/6011/0780-сон.
3. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019 й., 03.19.598.4221-сон.

4. Налоги /Под редакцией Д.Г.Черника – М. Финансы и статистика, 1997. с. 16
5. История экономического учения / под редакцией В. Автономова, О. Ананьина, Н.Макашовой. – М.: ИНФРА – М, 2002. с.560
6. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.2. – М.: Соцэкгиз, 1935. – с.341
7. А.Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.2. – М.: Соцэкгиз, 1935. – с.343
8. Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: Прогресс, 1993. – Ч. 3. с.300

УЎТ 330.322

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲОЛАТИНИ ГРАВИТАЦИОН МОДЕЛЬ АСОСИДА БАҲОЛАШ Р.Б. Утемуратов, мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислохотлар, инвестицион фаолиятни ҳозирги кун ҳолатининг таҳлили ва ташқи иқтисодий алоқалар олиб бораётган мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати билан боғлиқ бўлган гравитацион моделни муаллиф томонидан амалиётга татбиқи ҳамда натижалар бўйича хулоса ва тақлифлар баён этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, ялти ички маҳсулот, гравитацион модель, транзакцион харажатлар, ташқи савдо айланмаси

Аннотация. В статье описаны реформы, проводимые государством для привлечения инвестиций в Республику Узбекистан, анализ текущего состояния инвестиционной деятельности и внедрение гравитационной модели экономической ситуации в странах с внешнеэкономическими связями.

Ключевые слова: инвестиции, валовой внутренний продукт, гравитационная модель, транзакционные издержки, внешнеторговый оборот

Abstract. The article describes the reforms carried out by the government to attract investment to the Republic of Uzbekistan, the analysis of the current state of investment activity and the implementation of the gravitational model of economic situations in countries with foreign economic relations.

Keywords: investment, gross domestic product, gravitational model, transaction costs, foreign trade turnover

Кириш. Бугунги кунда инвестициялар иқтисодий ўсишининг асосий омили сифатида қаралиб, бу борада айниқса, хорижий инвестициялар замонавий ривожланиш технологиялари, энг сўнгги ишлаб чиқариш жараёнлари, ишлаб чиқариш усуллари, воситалари ва бошқарув кўникмаларини таъминловчи иқтисодий ривожланишнинг двигатели вазифасини бажаради. Шу боис, инвестицияларнинг ўсиш модели давлат иқтисодиётининг ўсиш модели сифатида қаралмоқда. Бундан кўринадики, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги иш ўринларини очиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи долзарб муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқдаки, бу ўз навбатида мамлакат табиий хомашё ресурслари, арзон ишчи кучи, инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, ҳуқуқий норматив ҳужжатлар, бир сўз билан айтганда инвестицион жозибадорлик омилларига боғлиқлиги, бу соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари тақомиллаштириш учун инвестициялар жалб қилишда гравитация моделларини фойдаланишни тадқиқот мақсади сифатида белгилаб олинди. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, гравитация моделини оптимал ечимни аниқлаш учун эмпирик усул сифатида ишлатиш мумкин. Шунингдек, гравитация модели хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уни хорижий инвестицияларнинг оқимлари, масофанинг хорижий инвестицияларини жалб қилишдаги таъсири ва хорижий инвестициялари билан савдо ўртасидаги ўзаро таъсир шароити билан боғлиқ тадқиқотларда қўллаш мумкин. Хорижий инвестицияларни тавсифлаш учун бир неча назарий моделлар мавжуд бўлгани каби, гравитация моделига асосланган хорижий инвестициялар моделлари учун ҳам турли хил таснифлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори билан Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишга, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳалари маълумотларининг ахборот базасини шакллантиришга, Республиканинг иқтисодий, ресурс ва инвестицион салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ва бошқа бир қатор вазибаларни бажариш учун агентлик ташкил қилинган [1]. Демак, бугунги кунда бу

вазифаларни давомли бажаришда янада кенгроқ илмий асосланган тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон амалиётида гравитация модели асосида халқаро савдо салоҳиятини баҳолашнинг кенг йўналиши мавжуд. Гравитацион тенгламага асосланган эмпирик тадқиқотларни Ян Тинбергендан кейин бир қатор олимлар ўз меҳнатларида ёритганлар, жумладан, Х. Линнеманн модели савдо-сотик, шунингдек, сиёсий ва маданий омилларга, мамлакатларнинг қўшни эканлигига, ресурсларнинг мавжудлигига ва бошқаларга боғлиқ деб тахмин қилиб, ушбу усул потенциал узок муддатли савдо оқимларини башорат қилишга имкон беришини келтирган [3]. Шунингдек, Бергстранд гравитация тенгламалари оддий монополистик рақобат моделлари билан боғланган икки томонлама савдонинг назарий асосларини ўрганиб чиққан [4]. 1990-йилларнинг охирида бир қатор муаллифлар гравитация моделининг мавжуд назарий хулосаларини тизимлаштирган. Деардорф (1998) ушбу мавзу бўйича адабиётларнинг энг кенг қамровли шарҳини тақдим этади. Эвенетт ва Келлер (1998) турли муаллифларнинг гравитация моделларини таққослашади ва синовдан ўтказадилар. Кейинчалик, географик ўзгарувчиларни аниқроқ моделлаштириш учун бир неча йил олдин кенгайтирилган гравитация модели тақдим этилди. Янги иқтисодий география ва гравитация модели ўртасидаги боғлиқлик Итон Кортум (2002) меҳнатларида кўрсатилган ва бу соҳада энг машҳурлари Реддинг ва Венабл (2000) томонидан ишлаб чиқилган гравитация модели ҳисобланади. Кейинги вақтларда Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи инвестицияларни жалб қилиш модели Hattari, Rajan (2009) ишларида мезбон мамлакат импортининг ўсишига барқарор ижобий таъсир кўрсатганлиги қараб чиқилган [5].

Тадқиқот усуллари. Гравитацион тенгламага асосланган эмпирик тадқиқотлар 1960-йилларнинг биринчи ярмига тўғри келади. Гравитацион тенглама тушунчаси биринчи бўлиб таникли Ньютоннинг гравитация қонунига асосланиб Принстон университети физиклари гуруҳи томонидан қўлланилган. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Ян Тинберген 1962 йилда халқаро савдо оқимларини таҳлил қилиш учун универсал гравитация қонунининг худди шу функционал формуласидан фойдаланишни таклиф қилган. Ян Тинберген томонидан ўзаро савдо оқимларини баҳолаш учун икки томонлама савдонинг гравитация тенгламасининг энг оддий шаклидан фойдаланган ҳолда эконометрик модели яратилган ва модель энг кичик квадратлар усули ёрдамида синаб кўрилган. Тинберген турли хил жуфт давлатлар ўртасидаги умумий ялпи товар айирбошлаш оқимларини, иккала савдо шерикларининг ялпи ички маҳсулотини, улар орасидаги масофани тушунарли, аниқ ўзгарувчилар сифатида ва мамлакатлар яқинлиги, умумий чегара ҳамда жамоаларга тегишлилиги каби фиктив ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда тушунтирган [2].

Иқтисодиётда гравитацион тенглама сифатида мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси миқдори, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи томонларнинг иқтисодий ўлчовлари кўрсаткичлари ва масофанинг боғлиқлигини таъминловчи ифода олинади ва у куйидаги умумий кўринишга эга бўлади:

$$Y_{ij} = k \cdot \frac{x_i \cdot x_j}{d_{ij}^2}, \quad (1)$$

бу ерда, Y_{ij} -мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми миқдори;

x_i, x_j -экспорт қилувчи ва импорт қилувчи томонларнинг иқтисодий ўлчовлари кўрсаткичлари;

d_{ij} -мамлакатлар ўртасидаги масофа;

k - ўзаро таъсир омили коэффициентини.

Агар бу гравитацион тенгламада иқтисодий кўрсаткичлар сифатида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми олинандиган бўлса, у ҳолда (1)-тенглама куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_{ij} = k \cdot \frac{GDP_i \cdot GDP_j}{D_{ij}^2}, \quad (2)$$

бу ерда, GDP - мамлакатларнинг мос ялпи ички маҳсулоти ҳажми.

Бундан ташқари, гравитацион тенгламада иқтисодий кўрсаткичлар сифатида мамлакат аҳоли сони, ер майдони, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулоти ҳажми қийматлари олинини мумкин. Шунингдек, тенгламада масофа ўзгарувчиси ташқи савдо харажатларини қоплаш харажатлари ўлчови сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин. Бу жараён мамлакатлар ўртасидаги савдо фаолиятининг транзакцион харажатлари ошиб бориши, уларнинг географик масофасини ошиши ва уларга салбий таъсир қилиши каби изоҳланади. У ҳолда (2) формула куйидаги кўринишга эга бўлади [6]:

$$Y_{ij} = k \cdot GDP_i \cdot GDP_j \cdot PS_i \cdot PS_j \cdot A_{ij} \cdot PR_{ij} / D_{ij}^2 + \varepsilon, \quad (3)$$

бу ерда, PS_i ва PS_j – мамлакатларнинг мос аҳоли сони; A_{ij} - мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини қўлловчи бошқа ҳар қандай фактор; PR_{ij} - мамлакатлар ўртасидаги савдо преференциялари; ε - тасодиқий хатолик.

Гравитацион тенгламада иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи фиктив параметрларни ҳисобга олган ҳолда (2) ва (3) формулаларни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$Y_{ij} = k \cdot \frac{GDP_i^{\alpha_1} \cdot GDP_j^{\alpha_2}}{D_{ij}^{\alpha_3}}, \tag{4}$$

$$Y_{ij} = k \cdot GDP_i^{\alpha_1} \cdot GDP_j^{\alpha_2} \cdot PS_i^{\alpha_3} \cdot PS_j^{\alpha_4} \cdot A_{ij}^{\alpha_5} \cdot PR_{ij}^{\alpha_6} / D_{ij}^{\alpha_7} + \varepsilon, \tag{5}$$

бу ерда, α_i - эмпирик баҳолашларга тааллуқли бўлган параметрлар бўлиб, улар ўзгарувчиларнинг таъсири кўламига мос равишда ўлчанади.

Мамлакатлар ўртасидаги сиртки савдо айланмасининг (4)-(5) формулалар билан берилган гравитацион моделини статистик таҳлил учун қўлай кўринишга олиб келиш мақсадида тенгламани чизиқли логарифмлик шаклда ёзамиз:

$$\ln Y_{ij} = \ln k + \alpha_1 \ln(GDP_i) + \alpha_2 \ln(GDP_j) - \alpha_3 \ln(D_{ij}), \tag{6}$$

$$\ln Y_{ij} = \ln k + \alpha_1 \ln(GDP_i) + \alpha_2 \ln(GDP_j) + \alpha_3 \ln(PS_i) + \alpha_4 \ln(PS_j) + \alpha_5 \ln(A_{ij}) + \alpha_6 \ln(PR_{ij}) - \alpha_7 \ln(D_{ij}) + \varepsilon. \tag{7}$$

Гравитацион моделнинг параметрларини баҳолаш учун кузатувларнинг таркибида ҳам вақт, ҳам структурали компонентлар мавжуд бўлган панель маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Бу ўз навбатида тадқиқ қилаётган муаммони ахборот жиҳатидан тўлиқроқ қамраб олиш имконини беради. Ушбу тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, ушбу тузилган гравитация моделдан Ўзбекистон Республикаси билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги экспорт-импорт оқимларини, жумладан, инвестиция оқимларини таҳлил қилиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлари ўртасида тўғридан-тўғри инвестиция оқимлари гравитацион моделларига киритилган стандарт ўзгарувчиларни аниқлашга эътибор қаратамиз. Бу ўзгарувчилар сифатида давлатнинг ялпи ички маҳсулоти, иқтисодий кўрсаткичлари ва улар орасидаги масофалар қаралади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича гравитацион моделimizга нафақат гравитацион ўзгарувчилари, балки Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестицияларига таъсир кўрсатадиган омилларини аниқлаш мумкин бўлган бошқа ўзгарувчилар ҳам киради. Булар сиёсий хавф, маданий яқинлик, халқаро савдога очкилик даражаси ва табиий ресурслар учун муносабатлар кабиларни ташкил қилади.

Давлатнинг ялпи ички маҳсулоти бозор ҳажми ёки унинг қутилаётган ўсиши каби баъзи хусусиятлари хорижий инвестицияларининг оқимларини аниқлайдиган муҳим омил сифатида қаралиши мумкин. Бозорлар ҳажми ошгани сайин, ресурслардан самарали фойдаланиш ва миқёсли иқтисодиётни эксплуатация қилиш имкониятлари кенгаяди. Хорижий инвестицияларнинг ва ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари боғлиқлигини аниқлаш орқали ўзгариш динамикасини кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ва ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми

№	Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2020 йилнинг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
1.	Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми (минг сўм)	132,1	608,5	2763,7	7072,2	17601,9	17469,8
2.	Асосий капиталга инвестициялар (млрд. сўм)	744,5	3165,2	16463,7	44810,4	202000,1	201255,6
3.	Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (минг сўм)	30,2	121,0	583,2	1431,7	5900,9	5870,7
4.	Аҳоли жон бошига умумий даромадлари (минг сўм)	96,4	371,8	1765,8	5070,5	11728,8	11632,4

Жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 17469,8 минг сўмга ошиб, 17601,9 минг сўмга етди. Шунингдек, асосий капиталга инвестиция ҳажми 201255,6 млрд. сўмга ошиб, 202000,1 млрд. сўмга етди. Ўз навбатида, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 5870,7 сўмга ошиб, 5900,9 минг сўмга етди. Аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўсиш суръати 2000 йилга нисбатан 11632,4 сўмга ошиб, 11728,8 минг сўмга етди. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсишида ижобий натижалар қайд этилган бўлса ҳам Ўзбекистон Республикаси билан бошқа хорижий давлатларнинг гравитация қонуниятлари бўйича иқтисодий алоқаларида етарлича даражада бўлмаслиги мумкин. Бу ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасига хорижий савдо шерикларини, жумладан инвестицияларни жалб қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Жаҳон банки маълумотларига кўра дунё давлатларининг аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўртача кўрсаткичи 10926 АҚШ долларини ташкил

қилади. Демак, Ўзбекистон Республикаси (1686 АҚШ доллари) бўйича бу кўрсаткичдаги фарқ 9240 АҚШ долларини ташкил қилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси учун асосий инвестор мамлакатлар ҳақида маълумотлар*

№	Мамлакатлар	Аҳоли сони, киши	Ер майдони (кв.км.)	ЯИМ (US\$)	Аҳоли жон бошига даромадлари (US\$)	ТСА** (млн. US\$)	Масофа (км)
1.	Ўзбекистон	34 232 050	448 924	57 707 189 945,4	1670		
2.	Россия	144 104 080	17 098 250	1 483 497 784 867,6	10690	5640,7	3394
3.	Хитой	1 402 112 000	9 600 012,9	14 722 730 697 890,1	10610	6432,2	3933
4.	Қозоғистон	18 754 440	2 724 902	169 835 426 427,2	8680	3018,5	1617
5.	Туркия	84 339 067	785 350	720 101 212 394,1	9050	2101,7	4647
6.	Жанубий Корея	51 780 579	100 370	1 630 525 005 469,1	32860	2142,4	4887

*-жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

**- ташқи савдо айланмаси

Ўзбекистон Республикасининг ташқи инвестицияларининг детерминантлари бўйича олиб борилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айниқса, Россия, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Қозоғистон каби мамлакатлар билан инвестициялар рағбатлантирилади. Бунда асосан бирламчи ресурсларга ўсиб бораётган талабни қондириш ва ички иқтисодий ўсишни кучайтириш зарурати билан изоҳланади.

Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси юқори бўлган ва асосий инвестор мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолияти кўрсаткичини гравитацион тенглама ёрдамида ҳисоблаймиз. Ҳисоблашларга кўра қуйидаги 3-жадвалдаги натижаларга эга бўламиз:

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичини гравитацион тенглама ёрдамида ҳисоблаш натижалари

№	Мамлакатлар	Аҳоли сони, млн. киши	ЯИМ, млн. АҚШ доллари	Масофа, минг км	LnY1	lnY2	Y1	Y2
1.	Россия	144,1	1 483 497,8	3,4	-0,70	7,80	0,50	2446,85
2.	Хитой	1 402,1	14 722 730,7	3,9	1,30	12,08	3,67	175951,00
3.	Қозоғистон	18,85	169 835,4	1,6	-1,39	5,08	0,25	160,61
4.	Туркия	84,3	720 101,2	4,6	-2,05	5,92	0,13	370,80
5.	Жанубий Корея	51,8	1 630 525,0	4,9	-1,34	6,14	0,26	466,10

Демак, гравитация тенгласидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва баъзи мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичи иккита вариант бўйича ҳисобланди. Биринчи вариантда мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми кўрсаткичи ва мамлакатлар ўртасидаги масофа кўрсаткичи олинди, иккинчи вариантда эса, буларга қўшимча равишда мамлакат аҳоли сони олинди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, биринчи вариантда 5 та мамлакат ичидан Хитой энг юқори 3,67 кўрсаткичга эга бўлди, кейинги ўринларда мос равишда Россия, Жанубий Корея, Қозоғистон давлатлари эгаллади ва энг паст кўрсаткич Туркия давлатига тегишли бўлди. Бундан хулоса шуки, Хитой давлати билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларни янада ошириш, жумладан, инвестициялар жалб қилишда юқори босқичларга олиб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилаётган бошқа давлатларга нисбатан катта. Бундан ташқари, шуни айтиш мумкинки, агар давлатнинг иқтисодий кўрсаткичлари жуда юқори ва мамлакатлар орасидаги масофа эса қисқарган сари, гравитация тенгласи натижалари шундан далolat берадики, шу мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий савдо кўрсаткичлари имкониятлари ошади.

Хулоса. Ҳозирги вақтда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳар қандай ривожланаётган мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан биридир. Гравитация тенгласини мамлакатлар жуфтлиги ўртасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тушунтириш учун қўллаш мумкин. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий кўрсаткичларининг ошиши катта аҳамият касб этади. Иқтисодиётда гравитацион тенглама сифатида мамлакатлар ўртасидаги савдо айланмаси миқдори, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи томонларнинг иқтисодий ўлчовлари кўрсаткичлари ва масофанинг боғлиқлигини таъминловчи ифода олинади. Бундан ташқари, гравитацион тенгламада иқтисодий кўрсаткичлар сифатида мамлакат аҳоли сони, ер майдони, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулоти ҳажми қийматлари олинishi мумкин. Шунингдек, тенгламада масофа ўзгарувчиси ташқи савдо харажатларини қоплаш харажатлари ўлчови сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларни янада ошириш, жумладан, инвестициялар жалб қилишда юқори босқичларга олиб чиқишда имкониятлари юқори бўлган

давлатлар аниқланган. Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг оқимларини таъминлаш мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган ва мамлакатнинг ривожланишининг етук босқичига ўтишини яхшироқ белгилаб берадиган йўналишларни белгилаб олишга имконият яратди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 621-сон Қарори/ <https://lex.uz/docs/4438435>
2. Tinbergen J. An Analysis of World Trade Flows. New York.-1962.-P.1002-1010
3. Linnemann H. An econometric study of international trade flows. The American economic review.- Nashville, Tenn.- 1966.-Vol.57, №1.-P.283-285
4. Bergstrand, J.H. The Gravity Equation in International Trade: Some Microeconomic Foundations and Empirical Evidence. The Review of Economics and Statistics.- 1985.-Vol. 67, №3.-P.474-481
5. Hattari R., Rajan R. Sources of FDI Flows to Developing Asia: The Roles of Distance and Time Zones. https://www.researchgate.net/publication/46476489_Sources_of_FDI_Flows_to_Developing_Asia_The_Roles_of_Distance_and_Time_Zones.
6. Ускова Т. В., Дедков С. М., Смирнова Т. Г., Селименков Р. Ю., Асанович В. Я. Межрегиональное сотрудничество как фактор интеграционных процессов России и Республики Беларусь Вологда: РАН, 2011.-176с
7. <https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&country>

УЎК 33

ЧАКАНА САВДОНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

А.Ф. Якубов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада чакана савдони ташкил этишининг илмий назарий жиҳатлари ўрганилган. Чакана савдони бошқаришида шаклланган концепцияларнинг ривожланиш эволюцияси тизимлаштирилган. Чакана савдони ташкил этиш ва бошқаришининг замонавий бўлган “Юқори ўрта (Big Middle)” концепцияси таснифланган.

Калим сўзлар: чакана савдо, глобаллашув, интеграция, циклик назария, мослашувчан назария, ҳаётийлик даврига асосланган назария, аккордеон, “Юқори ўрта (Big Middle)” назариялари

Аннотация. В статье исследуются научно-теоретические аспекты организации розничной торговли. Систематизирована эволюция концепций, сформированных в управлении розничной торговлей. Классифицирована современная концепция организации и управления розничной торговлей «Big Middle».

Ключевые слова: розничная торговля, глобализация, интеграция, циклическая теория, гибкая теория, теория жизненного цикла, аккордеон, теории большого среднего.

Annotation. The article examines the scientific and theoretical aspects of the organization of retail trade. The developmental evolution of concepts formed in retail trade management is systematized. The modern concept of organization and management of retail trade is classified as "Big Middle".

Keywords: retail, globalization, integration, cyclical theory, flexible theory, life cycle theory, accordion, Big Middle theories

Миллий ва жаҳон иқтисодиётининг инновацион ривожланиш тенденциялари, глобаллашув ва интеграция жараёнларининг таъсири, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги рақобатни кескинлашuvi, чакана савдо корхоналари рақобатбардошлигини самарали бошқариш заруриятини юзага чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда савдо соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши эса ушбу соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Савдо соҳасини ривожлантириш, савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор самарали ишлар олиб борилди.

Маълумки, чакана савдо мамлакатда аҳолини истеъмол товарларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, макроиқтисодий ривожланиш, аҳолининг фаровон турмушини шакллантириш, маънавий савиясини ошириш каби ижтимоий жиҳатдан ҳам энг муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Республикада чакана савдо корхоналари фаолияти учун зарур ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, замонавий ахборот технологиялари жорий этилган ҳолда чакана савдо тармоқларини ривожлантириш, умуман олганда рақобатбардошлигини бошқаришда ривожланган

бошқарув усулларини қўллаш орқали самарадорлигини ошириб бориш аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археология – этнография экспедицияси ходимларининг ярим асрдан зиёд тарихий даврида Ўзбой, Сарикамиш ва Куйи Амударё сарҳадларида аҳоли томонидан қондирилган ҳудуд жойларда олиб борилган археологик изланишлар натижасини асос қилиб олган нашрлар мазмунини намоён қилган тарихий маълумотлар аждодларимизнинг бронза жамиятининг ижтимоий-номоддий ва маданий муносабатларининг вужудга келиши, ривожланишига имкон берган тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Питнақдан Орол денгизи жанубий соҳили этагига уланган пасттексислик Қизилқум ва Қорақум орқали Ўрта Осиё асосий тарихий-маданий вилоятларидан ажралиб қолган бўлса, ижтимоий-иқтисодий, маданий-этниқ муносабатлардан чеккада қолган эмас.

Хоразм – Тошҳовуз пасттексислигининг географик жойлашиши, табиий иқлим шароити ҳамда антропоген ландшафти жиҳатидан бошқа ҳудудлардан фарқланиши турар жой қурилишларида, кундалиқ турмуш тарзида, этниқ киёфасида ва моддий – маънавий маданиятда маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Жанубий Оролбўйида олиб борилган геологик ва археологик тадқиқотлар натижасига кўра, бундан 4-3 миллион йиллар илгари Сарикамиш- Орол оралиғи тексислик бўлган [1]. Оролбўйи жанубий сарҳадларининг вужудга келиши ва шаклланиши жараёни Амударё ва Сирдарёнинг минг-минглаб йиллар мобайнида сув таркибида минерал моддаларга бой бўлган лой қатламлари етказилиши билан боғлиқ бўлган. Тадқиқотларда қайд қилинишича, 22 минг йил аввал Амударёнинг шимол томон йўналиб оқиши даврида сув сатҳи кўтарилиши муносабати билан Шўраҳон қишлоғи яқинида Қизилқум томон Оқчадарё ирмоғи йўналиб, Ёнбошқалъа баландлигига тўсиқ бўлганлиги сабабли шимолга қумтепалиқлар оралиғидаги йўлак орқали Орол ботиғига оқиб келган. Натижада Шўраҳон-Султон Увайс оралиғи жанубий Оқчадарё, Орол денгизи жанубий соҳили Султон Увайсгача ҳудуд атамаси адабиётларда қайд қилиниб, Шимолий Оқчадарё ажралиб чиққанлиги сабабли уларнинг географик хусусияти бир-биридан фарқ қилган [2].

Тарихий маълумотларга кўра, Устюрт пасттексислигида сўнгги палеолит даври овчиларининг бир гуруҳ вакиллари экологик вазиятнинг оғирлашганлигини инобатга олиб, янги табиий манба ва сув таъминоти етарли бўлган ҳудудлар сари кўчиш сиёсатини олиб бориши муносабати билан Султон-Увайс сўл соҳили этақларини ўзлаштирганлар [3]. Демак, шимолий Хоразмда тош даври охири босқичида дастлаб этниқ маконнинг вужудга келиши унинг жойлашиш ҳудуди ва географик ҳолатини белгилаб берган. Милоддан аввалги VI-V минг йилликларда Жанубий Оролбўйи сарҳадлари палеогеографиясини ҳосил қилган Қорақум ва Қизилқум тексисликлари ўртасидаги йўлаклар Амударё ўнг соҳилида Оқчадарё, сўл соҳилида эса Давдон ирмоғи соҳили этақларига уланиб кетган ҳудудларда кўпсонли сув ҳавзалари, уларнинг соҳили атрофлари турли-туман ўсимлик, ранг-баранг қушлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар мавжудлиги аждодларимиз манфаатларига хизмат қилишга тайёр турган эди.

V минг йиллик биринчи ярми – IV минг йиллик бошларида Султон-Увайс тоғи овчиларининг янги вакиллари Қизилқум палеогеографиясини тасвир қилган Ёнбошқалъа атрофларини ўзлаштириб, овчилик касбини давом эттириш билан бирга янги касбларни ихтиро қилиб (лой кулолчилиги, тўқимачилик, балиқчилик) этниқ жараён ҳудудий географиясини ҳосил қилганлар [4]. Шу тариқа, Султон Увайс ва Ёнбошқалъа баландлигида қон-қариндошлар ягона ҳудудий географиясини ҳосил қилиб, улар ўртасида иқтисодий-маданий муносабатлар олиб борганлар. Тарихий маълумотларга кўра, Амударё ўнг соҳилида жойлашган Ёнбошқалъа шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий атрофларига неолит даври уруғ жамоалари жойлашиб этниқ муносабатлар олиб бориб кенг ҳудудларни қамраб олган.

Энеолит даврида Оқчадарё ҳавзасида бир-бирига уланган ёйилма сув ҳавзалари ўзанлари соҳили этагига уланиб кетган тексислик баландлиги ён қисми сатҳига қурилган ёғоч устунли чайлаларда истиқомат қилган, уруғ жамоаси уюшмалари фаолиятлари ўрганилган, лекин, Оқчадарё ҳавзасидаги аҳолининг бир гуруҳ вакиллари аҳоли зичлиги муносабати билан Ўзбой ва Туямўйин сарҳадларига ўз касби-корини яна давом эттириш илинжида келиб жойлашиб, янги географик шароитга мослашиб, этниқ жараёнлар географиясини ҳосил қилган [5].

Бронза жамияти (III минг йиллик ўрталари ҳамда II минг йиллик охири) нинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланиш жараёнида бир қатор ўзгаришлар содир бўлган. Жамиятни қамраб олган ўзгаришлар мазмунидан келиб чиқиб, бу даврни тарихий босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1-босқич: III минг йиллик ўрталари биринчи ярми

2-босқич: III минг йиллик II-ярми ва II минг йилликлар иккинчи ярми ва охири.

Давдон оралиғи сув таъминоти кескин қисқарганлиги натижасида, Сарикамишбўйи ҳавзаси ва Ўзбой атрофлари бепоён қум сарҳадларининг энеолит даври географияси манзараси ўзгарган. Энеолит даврида овчилик ва уй чорвачилиги олиб борган аҳоли Шўраҳон атрофига бориб жойлашишга мажбур булганлар. Шу тариқа, этниқ жараён тўхтаган. Бронза даври милоддан аввалги III-II минг йилликлар охирида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва этниқ-маданий муносабатлари, турар-жой қурилиши, зироатчиликнинг янги услублари, чорвачилик йўналишининг ажралиб чиқиши ҳамда қўшни ҳудудлардаги қабилаларнинг миграцион жараёнлари орқали алоҳида ажралиб туриши билан

изоҳланган. Оқчадарё ҳавзаси ўрта қисмлари ва Туямўйин ҳудудларида энеолит даври аҳолисининг янги авлодлари этник муносабатлар географияси ҳўжалик шаклини давом эттирганлар. Мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан Уралбўйи жанубий-ғарбидан Ёғочбанд, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий томонидан Андронова чорвадорлари Ўрта Осиё марказигача бўлган ҳудудга жойлашганлар, бу жараён жанубий Оқчадарёни қамраб олганлиги маълум [6].



Тадқиқотчи М. А. Итина Жанубий Оқчадарёга келиб жойлашган Андронова қабилаларнинг маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетиши натижасида вужудга келган янги ҳўжалик “Тозабөгёб” маданияти атамасини илмий жамоатчиликка ҳавола қилган [7]. Демак, Оролбўйи марказий - жанубий ва Туямўйин ҳудудларида аҳоли жойлашишининг чегараланган этногеографик ҳудудининг картографияси вужудга келган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлардан қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин:

- Неолит даври сўнги босқичга келганда Оқчадарё ҳавзасида уруғ жамоаси аҳолиси вакиллари энеолит даврида кўчиш сиёсатини олиб бориши натижасида Туямўйин ва Узбой ҳудудларини ўзлаштирганликлари боис, янги ҳудудларнинг этногеографик чегаралари аниқланган;

- Миллоддан аввалги III-II минг йилликларда Оқчадарё ўрта қисми ҳудудий чегараси сақланган бўлса, мазкур тарихий давр ўрталаридан келгинди қабилаларнинг жанубий Оқчадарёга келиб жойлашиши туфайли ҳудудий чегараси Шўраҳон атрофларини қамраб олган;

- Миллоддан аввалги II минг йилликлар ўрталаридан Узбой ҳудудини сув танқислиги сабаб, аҳоли ташлаб кетган, энеолит даврида шакланган ҳудудлар этногеографияси қисқарган, Оқчадарё ҳудуди этногеография манзараси сақланиб қолган;

- Хоразмнинг бронза даврига мансуб аҳоли турар-жойларининг жойлашиши географияси картографиясини яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятининг истиқболини белгилаб берган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виноградов А.В., Итина М.А., Кесь А.С., Мамедов Э.Д. Палеогеографическая обусловленность расселения древнего человека в пустынях Средней Азии// Первобытный человек, его материальная культура и природная среда в плейстоцене и голоцене. М. “Наука”: 1974

2. Низовья Амударьи Сарыкамьш Узбой. История формирования и заселения// МХЭ, -М. «Наука»1960

3. Виноградова Е. А. Первые палеолитические находки в Султануиз даге/ Приаралье в древности и средневековье –М “Наука”, 1958

4. Толстов С. П. Древний Хорезм М. “Наука”, 1948

5. Виноградов А. В. Древние охотники среднеазиатского междуречья М. “Наука”, 1981

6. Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта М. “Наука”, 1962

7. Древности Южного Хорезма /Тр ХАЭМЭ. “Наука”, Т. XVI, 1991

8. Итина М. А. История степных племен Южного Приаралья/ II-начало I тыс.я до н.э./ Из-ва “Наука”, М-1977

9. Итина М. А. К истории изучения бронзового века Южного Приаралья// Приаралье в древности и средневековье. М, ИВЛРАН 1998

МИНГТЕПА ШАҲАР ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Х.Ў. Раҳмонов, ЎзР ФА Миллий археология маркази, Самарқанд

С.С. Суюнов, Ғуломов номли Археология институти, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада, Суғднинг шимолий ҳудудида жойлашган Мингтепа шаҳар ёдгорлиги тўғрисида янги маълумотлар келтирилган. Мингтепа шаҳар ёдгорлиги ҳақида дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида қайд қилинган. XX асрнинг 80-йиллари ва сўнгги 2014-2017 йиллардаги қазув тадқиқотлар давомида қўлга киритилган моддий ашёлар асосида хулосалар қилинди. Ўзбек-Француз қўшма археологик экспедицияси томонидан Ўрта Зарафшон воҳасининг шимолий ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ишларининг натижалари ҳам келтирилган. Ёзма манбалар ва янги археологик материаллар асосида шаҳар локализацияси тўғрисида фикрлар баён этилган. Археологик қазув тадқиқотлари асосида сополларнинг таснифи ва уларнинг қўшни ҳудудлар маданияти билан ўзаро алоқадорлиги таҳлил қилинган. Зарафшоннинг шимолий қисмидаги Суғд рустоқи Кабуданжакент ва унинг куллик идишларида Чоч, Уструшона, Жанубий ва Ғарбий Суғд илк ўрта аср сопол идишларининг ўхшашлиги ва Қовунчи маданиятининг таъсири тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Суғд, Мингтепа, Панжикент, Уструшона, Чоч, Бузмажон, Маймурғ, Кабуданжакент, Зарафшон, Афросиёб, Рустоқ, ёзма манбалар, археологик тадқиқотлар, Бузмажон, Маймурғ, Булунгур, сополлар

Аннотация. В данной статье представлена новая информация о городском памятнике Мингтепа, расположенном в северной части Согда. Первые сведения о городском памятнике Мингтепа были зафиксированы в 70-80-х годах прошлого века. Выводы сделаны на основе материальных артефактов, полученных при раскопках в 1980-х и последних 2014-2017 гг. Также представлены результаты совместной узбекско-французской археологической экспедиции по своду археологических памятников в северной части Центрального Зарафшанского оазиса. Мнения о локализации города высказываются на основании письменных источников и новых археологических материалов. На основе археологических раскопок проанализированы классификация керамических изделий и их взаимодействие с культурой соседних территорий. Кабуданджакент, Согдийский рустак расположенной в северной части Зарафшана, и его гончарные изделия демонстрируют сходство с раннесредневековой керамикой Чача, Уструшоны, Южного и Западного Согда, а также влияние "Каунчинской" культуры.

Ключевые слова: Согд, Мингтепа, Панджикент, Уструшана, Чач, Бузмаджон, Маймурғ, Кабуданджакент, Зарафшан, Афросиаб, Рустак, письменные источники, археологические исследования, Бузмаджон, Маймурғ, Булунгур, керамика

Abstract. This article provides new information about the city monument of Mingtepa, located in the northern part of the Sogd region. The first information about the city monument of Mingtepa was recorded in the 70-80s of the last century. The conclusions are made on the basis of material artifacts obtained during excavations in the 1980s and last 2014-2017. Also presented the results of a joint Uzbek-French archaeological expedition on the survey of archaeological sites in the northern part of the Central Zarafshan oasis. Opinions about the localization of the city are expressed on the basis of written sources and new archaeological materials. On the basis of archaeological excavations, the classification of ceramic products and their interaction with the culture of neighboring territories are analyzed. Kabudanjakent, the Sogdian rustak located in the northern part of Zarafshan, and its pottery show similarities with the early medieval ceramics of Chach, Ustrushona, South and West Sughd regions, as well as the influence of the "Kaunchi" culture.

Key words: Sogd, Mingtepa, Panjikent, Ustrushana, Chach, Buzmajon, Maimurg, Kabudanjakent, Zarafshan, Afrosiab, Rustak, written sources, archaeological research, Buzmajon, Maimurg, Bulungur, ceramics

Марказий Осиёнинг икки йирик дарёси Аму ва Сир оралиғида қадим ва ўрта асрлар шаҳарларининг пайдо бўлиши, ривожланиш сабаблари ва содир бўлган урбанизация қонунияти, мазкур жараёнларнинг ўша давр ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги жараёнлари хусусиятларини холис, илмий асосда ўрганиш ҳозирги замон ижтимоий гуманитар фанининг, хусусан, Ўзбекистон тарихи, археологиясининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мингтепа шаҳрининг тарихий топографияси, шаҳарсозлиги ва мудофаа масалаларини ўрганиш, шаҳар қурилиш маданиятини ўзига хос хусусиятлари, турар жой масканларининг жойлашуви, тузилиши ва ободончилиги даражасини ўрганиш ғоятда муҳим бўлганлиги боис бу ёдгорликда кейинги йилларда археологик қазув тадқиқотлари олиб борилмоқда.

Ўрта Зарафшоннинг шимолий ҳудудларида жойлашган археологик ёдгорликларида дастлабки археологик изланишлар, ўтган асрнинг 70-80 йиллар оралиғида, археологлар О.М. Ростовцев, Ҳ.Ғ. Ахунбобоев, Ғ.В. Вафоев ва М.Ҳ. Исомиддиновлар томонидан олиб борилган. Изланишлар давомида воҳада, қадим ва ўрта асрларга оид 200 дан ортиқ археологик ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг даврий саналарига аниқлик киритилган. Ўрганилган ёдгорликлар ичида Мингтепа шаҳар харобаси ва унинг атрофида жойлашган бир неча ёдгорликлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган [12,13,2].

Мингтепада 2005-2008 йилларда Ўзбек-Француз қўшма археологик экспедицияси томонидан, янги лойиҳа асосида яна археологик тадқиқотлар давом эттирилган. Археологик қидирув тадқиқотлари натижасида Зарафшон дарёсининг шимолий ҳудудларида 358 та археологик ёдгорлик рўйхатга олинган ва харитага туширилган. Изланишлар натижасига кўра воҳадан, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликларга оид 13 та археологик ёдгорлик, шулардан 8 таси Аҳамонийлар даврига оид эканлиги аниқланган. Шулар қаторида 151 та антик даврига оид, 130 дан ортиқ илк ва ўрта ҳамда сўнги ўрта асрларга оид ёдгорликлар қайд қилинган. Ўрганилган ёдгорликларнинг асосий қисми Зарафшон дарёсидан бош олган сунъий суғориш тармоқларига яқин жойлашганлиги эътироф этилган. Зарафшон дарёсидан бош олган, Булунғур каналининг йирик ўзани атрофида жойлашган ёдгорлик Мингтепа шаҳар харобаси тўғрисида ҳам маълумот берилган [8].

Ўрта асрларга оид ёзма манбаларда, Самарқанд воҳасининг шимолий ҳудудларини эгаллаган олтита русток тилга олинади. Улар Ёркет, Бурнамад, Бузмажон, Кабуданжакет, Ведар ва Марзбон ибн Туркаш рустокларидир. Бу рустоклар марказларидан фақат учтасида –Бузмажон рустокидаги Баркет, Кабуданжакет ва Ведар рустокларида жоъме масжидлари бўлганлиги айтилади. Шу сабабли ҳам учаласи, араб сайёҳлари томонидан шаҳарлар сифатида тилга олинади [4].

Самарқанд воҳасининг шимолий ҳудудларида жойлашган олтита русток тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Ўрта аср рустоклари ва уларнинг локализацияси масалалари ҳусусида тадқиқотлар олиб борган. Ҳ.Ғ. Ахунбобоевнинг тадқиқотлар натижасига кўра, Баркат шаҳри ҳозирги Булунғур туманидаги Октепа-Метан қишлоғидаги йирик археологик ёдгорлик, Октепанинг ўрнида бўлганлиги айтилади [3].

Араб сайёҳи ва жуғрофий олим Ибн Ҳавқалнинг маълумотида, Бузмажон ва Маймуғр рустокларининг ўрни ҳозирги Самарқанд шаҳрининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Тайлоқ ва Ургут туманларининг ўрнида бўлганлиги айтилади. Улар ҳаттоки, Қашқадарё воҳасида жойлашган Кеш вилоятининг рустокларидан бири сифатида ҳам тилга олинади. Бузмажон ва Маймуғр рустоклари X асрда маълум муддат Кешга қараган бўлиши мумкинлиги тўғрисида Раимкулов тадқиқотларида ҳам кўрсатиб ўтилади [11].

Ҳ.Ғ. Ахунбобоев, Кабуданжакет (ҳозирги Мингтепа ўрнида) рустокини Жомбой ва Булунғур туманлари чегарасидаги Ғазира қишлоғидан жанубий–шарқда жойлашган, илк ва ўрта аср ёдгорликларининг улкан мажмуасини ташкил этган Мингтепа ҳудудидаги Кўрғонтепа ўрнида бўлганлигини айтади [3].



1-расм. Мингтепа ёдгорлигининг топографик плани [Ахунбабаев, 1983].


Мингтепа шаҳар ёдгорлиги, Самарқанд шаҳридан 30 км шимол томонда, Жомбой ва Булунғур туманларининг чегараси туташган жойда, Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан бош олган Булунғур каналининг ўрта ҳавзасида жойлашган. Ёдгорликнинг географик жойлашган координатлари, шимолий кенглик/ 39°47'31.22, шарқий узунлик 67°10'11.77 га тенг. Мингтепа шаҳар харобасининг ҳозирда сақланиб қолган умумий майдони 40 га яқин [6], (2- расм).

Эътиборли томони шундаки, Мингтепа ёдгорликлар мажмуаси яқин-яқингача, шу атрофдаги қишлоқларда яшайдиган маҳаллий аҳоли томонидан ҳам Мингтепа, ҳам Афросиёб номлари билан аталиб келган.

1979-1980 йилларда Ҳ.Ғ. Ахунбобоев, Булунгур туманининг археологик ёдгорликлар мажмуасини тузиш мақсадида изланишлар олиб борган. Изланишлар давомида, туманда 71 та археологик ёдгорлик аниқланиб харитага туширилган. Улар орасида Мингтепа шаҳар харобаси ва унинг атрофида жойлашган бир қанча ёдгорликлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Ҳ.Ғ. Ахунбобоев томонидан Мингтепа шаҳар ёдгорлигининг топографик плани ҳам чизилган (1-расм), [2].


2014 йил ёз ойларида ЎзР ФА археология институти илмий ходимлари А.Х. Атаходжаев, С.Ш. Кубаевлар томонидан Мингтепа шаҳар ёдгорлигида кичик ўлчамда қазув тадқиқотлари амалга оширилган. Тадқиқотлар натижасига кўра шаҳар уч қисмдан иборат эканлиги, шаҳарнинг арки, мажмуанинг жануби-ғарбий томонида жойлашганлиги айтилади. Аркнинг кўриниши квадрат шаклда бўлиб, баландлиги 12 м га, майдони эса таг асосидан 1,2 га яқинлиги қайд қилинади. Шаҳристоннинг умумий майдони тахминан 10 га яқин бўлиб, қазув тадқиқотлари аркнинг ғарбий томонида, алоҳида жойлашган тепаликда амалга оширилган. Қазушма ишлари иккита жойда амалга оширилган [1].

1-қазушма; Қазув ишлари 5x10 м ўлчамдаги майдонда олиб борилган. Қазушмадан бир неча қабрлар уларнинг атрофидан бир қанча археологик ашёлар йиғиб олинган. Топилмаларнинг таҳлил натижаси ўрта асрларга (X-XI) оид эканлиги айtilган. Шундан сўнг 2-участкада қазув ишларини давом эттирган. Бу ердан олинган археологик ашёлар VI-VII асрларга оид эканлиги қайд этилган [1].



2-расм. Мингтепа ёдгорлигининг аэрофотосъёмкаси

Юқорида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг таҳлили, ёдгорликнинг географик жойлашган ўрни, ҳозирда сақланиб қолган умумий майдони ҳамда даврий чегарасига аниқлик киритиш мақсадида 2017 йил август-сентябрь ойларида институти илмий ходимлари С. Суёнов, Б. Болиев, Ҳ. Раҳмоновлар томонидан, Мингтепа шаҳар ёдгорлигида археологик қазув тадқиқотлари олиб борилди.



3-расм. Қазушма плани

Қазув тадқиқотлари ёдгорликнинг жанубий-ғарбий томонида, ўлчами 10x8 м бўлган жойда,

амалга оширилди (3-расм). Қазув ишлари давомида, қазишманинг шарқ томонида хонанинг бир томони, ўрта қисмида кенг ўқ девор ва шимол-жануб йўналишида иккита йўлаксимон коридорнинг жойлашган ўрни аниқланди. Қазишма ишлари давомида бир қанча археологик ашёлар ҳам қўлга киритилди.

Очилган биринчи коридор йўлагининг эни 0,8 м га тенг ярим аркали бўлиб, бу иншоот тўғри мудофаа деворига бориб туташган. Ярим арканинг тепа қисмига уч қатор қилиб, ўлчами 52x26x10 см бўлган хом ғишлар горизонтал ҳолатда терилган. Узунлиги 3,04 м бўлган коридор йўлагининг жануб томони девор билан ёпилган. Коридордан чиқиш жойи эса аниқ эмас. Эҳтимол кейинги қурилиш даврида ёпиб юборилган бўлиши мумкин. Иккала коридорсимон йўлакнинг ўртасидан, кенг ўқ девор ўтган бўлиб, унинг эни 2 м га тенг. Шу йўналишда икки коридор ҳам мудофаа деворига бориб туташган. Белгиланган майдонни очиш жараёнида юмшоқ қатлам пастга давом этаётгани кузатилди. Қазув ишлари пастга, полгача етиб борган эмас (4, 5, 6, 7, 8 -расм).

Қазув тадқиқотлари давомида жуда бежирим ва нафис оч сариқ кўринишда бўлган ошхона идишлари, кўза, коса, пиёла, паймона, қозон ва хурмачадан иборат кулоллик буюмлари йиғиб олинди. Топилмалар ичида кичик ҳажмдаги идишлар тури ҳисобланган, миниатюра кўринишдаги хурмача (бутун) ва ярим сферик шаклдаги кўринишга эга пиёла ҳам қайд қилинди (9,10, 11-расм).



4-расм. Қазишманинг жануб томондан кўриниши



5-расм. Қазишманинг шимол томондан кўриниши

Кулолчилик буюмлар таҳлилига кўра;
Косалар; 3 тоифадан иборат;

а) танасининг ўрта қисми ёйсимон ташқарига туртиб чиққан, гардиши тик бўлиб, гардиш қисми тўмтоқ косалар (12-расм, 1).

б) айрим косаларнинг гардиш боши бир оз ичкарига қайрилган, баъзилари камроқ ташқарига қайрилган, чуқур товоқлар ва косалар (13-расм, 1-5).

в) юпқа, ён девори конуссимон шаклда, гардиши тик, гардиш учи текис паймонасимон косалар (12-13 -расм, 3-1).

Кўзалар; 3 тоифадан иборат;

а) узун, тик бўйинли, тор бўғизли, гардиши бир оз ичкарига қайрилган, гардиш учи тўмтоқ кўзалар (13-расм, 3).

б) сув сақлаш учун фойдаланилган кенг бўғизли, калта бўйинли, танаси ноксимон, гардиш учи бир оз ташқарига қайрилган кўзалар (12-расм).

в) кенг бўғизли, бўйни тик узун, гардиши ташқарига қайрилган, танаси чўзинчок, овалсимон думалоқ бўлган сув кўзалар (12-13 -расм, 2, 4).



6-расм. Қазилмада очилган биринчи коридорсимон йўлак



7-расм. Қазилмада очилган биринчи коридорсимон йўлакнинг жануб томондан кўриниши
Қозонлар; Кейинги давр (VII–VIII асрлар), 4 тоифадан иборат.

а) кулоллик чархида ясалган, уларнинг гардиш учи думалоқ ташқарига қайрилган, қорин қисми шишгандек кескин катталашган қозонлар (12-13-14-расм, 4, 3, 2, 2).

б) кулоллик чархида ясалган, гардиш боши куш тумшук кўринишида, ичкарига қайрилган. Бу турдаги қозонлар қопқоқни оғзига ёпиш учун мослаштирилган. Бу турдаги идишлар шарсимон юмалоқ кўринишга эга (12-13 -расм, 5, 7, 1).

в) бу идишнинг гардиши капча илон боши мисоли ташқарига қайрилган, тана кўриниши думалоқ, ён девори юпқа. Ён томонида иккита кулоқ дастаги бор. Бу идишлар кулоллик чархида тайёрланган (12-13-14 -расм, 6, 4, 3, 4).

г) бу идишнинг гардиши деярли горизонтал ҳолатда ташқарига кескин қайрилган, гардишининг учи ўткир учли, бўйни бир бармоқ сиқарли кўринишда калта бўлган, танаси думалоқ қозонлардан иборат (13-14-расм, 1, 2, 3, 4).

Бутун ҳолда сақланган хурмача, кўриниши жиҳатдан хурмаларнинг айнан ўзи бўлсада, ҳажм жиҳатдан улардан анча кичик. Одатда хурмачалар сарғиш тупроқ лойдан қўлда ясалади. Кўп ҳолларда тўқ малла ангоб билан ҳам бўялади. Гардиши бир оз илмоқсимон бўлиб, ташқарига қайрилган. Бўйни калта, танаси шарсимон кўринишда (12-расм, 4). Ҳудди шу топилмага ўхшаш хурмача идишлар қўшни бўлган шимоли-ғарбий Уструшона ҳудудида жойлашган Қалиятёпа, Пардакултепа ва Расулбойкултепа ёдгорликларида ҳам қайд қилинган. Ёдгорликлардан топилган хурмачалар ҳам айнан Мингтепа ёдгорлигидан чиққан хурмачага ўхшаш бўлиб, уларнинг ҳам гардиши илмоқсимон кўринишда ташқарига қайрилганлиги, гардани калта, танаси шарсимон думалоқ кўринишда эканлиги айtilган [10].

Бундан ташқари Мингтепа ёдгорлигидан олинган хурмачага ўхшаш топилмалар ва уларнинг киёсий таҳлили, Мингтепа ёдгорлигидан 30-35 км жануб томонда жойлашган йирик шаҳар ёдгорлиги Афросиёб топилмаларга ҳам ўхшаш. Масалан Л.Ф. Соколовская қазилма ишларида топилган хурмачанинг гардиш шакли айлана, қорин қисми доирасимон, оғиз қисмининг ўлчамлари 5,5 см га, остки (донса) қисми 5 см га тенг эканлиги, лойнинг таркибига пиширилган сопол майдаланиб қўшилганлиги, таг қисми айланасига кесилганлиги, кўриниш жиҳатидан ўхшашлиги, бир даврга оид эканлиги (санаси VI аср охири, VIII аср бошларига тўғри келиши) айtilган [14].

Топилмалар ичида ярим сферик шаклда ясалган пиёла алоҳида эътиборлидир. Аслида пиёлаларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши бевосита косалар билан узвий боғлиқ. Чунки пиёлаларнинг шакли кўпгина ҳолларда косаларнинг айнан ўзи ёки уларнинг мўъжаз нусхаси бўлиб такрорланади. М.Х. Исомиддинов таъкидлаганидек, юнон косаси “фиала” дан кейинчалик ўзбекча “пиёла” номи келиб чиққан ва бу кўринишдаги идишларни ишлаб чиқариш юнон кулолчилик маҳсулотлари таъсирида вужудга келганлиги айtilган [7].

Қазилма ишлари давомида ярим сферик шаклда пиёла қайд этилди. У ўртача сифатли лойдан қўлда ясалган, ён девори қия ҳолда кескин юқорига кўтарилган, гардиши тўғри, тагдони текис япалоқ, идишнинг ичи ва сирти қизғиш малла рангда бўлиб илк ўрта асрларга оиддир. Ҳудди шундай тагдони текис пиёла Қарши воҳасидаги Ерқўрғон (ЕК-18) ёдгорлигидан ҳам топилган [15].



8-расм. Қазилмада очилган биринчи коридорсимон йўлакнинг тепадан кўриниши

Бундан ташқари ярим сферик шаклда, ён девори қия ҳолда кескин юқорига чиққан, тагдони текис, сирти қизғиш малла ранг, гардиши тўғри пиёлалар Пойкенд ёдгорлигининг шахристонидан, иккинчи горизонт стратиграфик шурфидан топилган. Кўриниши, ўлчами деярли бир хил [9].

Ёдгорликдан, илк ўрта аср кулоллик идишлари орасида қўш кулоқли идишлар (мўнди), ёғлоғилар ҳам топилган. Ҳудди шунга ўхшаш кулоллик идишлари Тошкент воҳасининг Кугаиттепа, Хонобод, Юнусобод Оқтепаси ёдгорликларидан олинган топилмаларга ўхшаш бўлиб, эталон ёдгорлик ҳисобланган Шоштепаннинг, Шош VI қатлами топилмалари билан бирга саналанади [16].



9-расм. Миниатюра хурмача.




10-расм. Ярим сферик шаклда сақланган пиёла.



11-расм. Қазишмада очилган биринчи ва иккинчи коридорсимон йўлакнинг тепасидан олинган кулолчилик идишлари


Шунингдек Суғднинг Панжикент шаҳри юқори қатламларидан чиққан қозонлар, хурма, хурмачалар [5], тор бўғизли, катта ҳажмли, дастасиз кўзалар, косалар, чуқур товоқларнинг барча турлари [5]. Мингтепа ёдгорлигидан топилган илк ўрта аср идишлари билан муқоясавий таҳлилга киришади. Солиштириш учун келтирилган муқоясавий, ашёвий манбалар эрамизнинг VI-VII; VII-VIII асрлари билан саналанади.



12-расм. Қазишмада очилган биринчи ва иккинчи коридорсимон йўлакдан топилган кулоллик идишлари


Демак, Мингтепа ёдгорлигидан топилган кулоллик идишлари комплекси Суғд, Уструшона, Шош (Тошкент) воҳаларининг илк ўрта аср ёдгорликларида қайд этилган кенг миқёсдаги муқоясавий

тахлиллар орқали VI-VIII асрлар билан даврланади. Айниқса, хўжалик ашёлари ҳисобланган қозон, коса, пиёла ва ош товоқлар нафақат Марказий Осиёда, қолаверса қўшни мамлакатларда ҳам илк ўрта асрларда жуда кенг тарқалган бўлиши мумкин деган фикрга келиш мумкин.



13-расм. Қазишмада очилган биринчи коридорсимон йўлакдан топилган кулоллик идишлари

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра Мингтепа шаҳар ёдгорлигининг мавжуд VI-VIII асрларга оид сопол идишлари, аввало, бу даврда кулоллик хунармандчилигининг Марказий Суғд маҳаллий (IV-VI асрлардаги) анъаналарини давом этгани ҳолда ривожланганлигини кўрсатади. Қолаверса илк ўрта асрларда Уструшонага “Қовунчи маданияти” нинг III даври ҳамда Марказий ва Жанубий Суғд кулолчилигининг кўпроқ хусусиятлари, Мингтепа аҳолисининг ушбу соҳа хунармандчилигига маълум маънода ўз таъсирини ўтказганлигини кўрсатади. Биз биринчи марта Мингтепа шаҳар ёдгорлигида қазув тадқиқотларини олиб бордик. Келгуси йилларда Буюк Ипак йўлининг стратегик муҳим тармоғида жойлашган Мингтепа ёдгорлиги, бизга Зарафшон воҳаси тарихининг кўп сир-синаотларни очиб беради.



14-расм. Қазишмада очилган иккинчи коридорсимон йўлакдан топилган кулоллик идишлари
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Атаходжаев А.Х., Кубаев С. Ш. Отчёт о проведении археологических раскопок на памятнике Мингтепа в Джамском районе Самаркандской области в 2014 году // Архив ИА АН РУз. Ф.4. О.1. Д.335. Самарканд, 2014. 4-18 с.
2. Ахунбабаев Х.Г. Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг. // ИМКУ. Вып.18. Ташкент, 1983. 154-165 с.
3. Ахунбабаев Х.Г. Древний Кебуданжакет (к вопросу локализации, генезиса и этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустаксов Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии, Тезисы докладов, Ташкент, 1990г. 26-28 с.
4. Бартольд В.В. Работы по исторической географии, Издательство «Наука», М., 1965. -193 с.
5. Бентович И.Б. Керамика верхнего слоя Пенджикента (VII-VIII) // МИА.№124, Москва, 1964. 278-293 с.
6. Болиев Б., Рахмонов Х.Ў., Бадирдинов Д. Мингтепа ёдгорлигида 2017 йилда олиб борилган археологик қазув тадқиқотларининг илмий ҳисоботи // ЎзР ФА АИ архиви. Ф.4. О.1. Д.359. Самарканд, 2018. -2-16 б.

7. Исомиддинов М.Х. Сополга битилган тарих // “Фан” нашриёти, Тошкент, 1993. -29 б.
8. Исамиддинов М.Х., Рапен К., Макробородов В., Раевская Ю., Сарымсакова О. Отчет об археологических работах узбекско-французской экспедиции в северной части Самаркандской области 2010 г. Архив ИА АН УзР. Самарканд, Ф.4. О.1. Д. 315, Самарканд 2011. -2-6 с.
9. Мухамеджанов А.Р., Адьлов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд к проблеме изучения средневекового города Средней Азии, Издательство «Фан», Ташкент. 1988. 162-163 с.
10. Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ЎММТ. 29-нашри, Самарканд, 1998. 58-69 б.
11. Раимкулов А.А., Асланов А.П., Самарканд воҳасининг ўрта аср рустоклари ва уларнинг локализацияси масалалари хусусида // ЎММТ. 37-сон, Самарканд 2012. 152-153 б.
12. Ростовцев О.М. Изучение сельских поселений Самаркандского Согда // ИМКУ. Вып. 12. Ташкент, 1975. 98-103 с.
13. Ростовцев О.М. Работы в Самаркандской области // Археологические открытия 1979 года. Москва, 1980. -455 с.
14. Соколовская Л.Ф. Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII- начала XIII в). // Археология Центральной Азии: архивные материалы. I том. Самарканд: МИЦАИ, 2015. -62 с.
15. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб //Издательство «Фан», Т. 2000. -186 с.
16. Филонович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983.59-61 с.

УДК: 902.2

АРХЕОЛОГИЧЕСКО-ИЗЫСКАТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ В ВОСТОЧНОЙ ЧАСТИ ДИШАН-КАЛЫ

Б.П.Садуллаев, с.н.с., Хорезмская академия Маъмуна, Хива

Э.А.Салаев, с.н.с., Хорезмская академия Маъмуна, Хива

Ш.Б.Рахимов, базовый докторант, Хорезмская академия Маъмуна, Хива

А.Р.Якубов, исследователь, Хорезмская академия Маъмуна, Хива

Аннотация. Мазкур мақолада Дешон-қалъа худудининг шарқий қисмида Оллоқулихон саройи ва Саиднийез Шоликорбой мажмуаси рўпарасидаги эски бозор майдони ва Ичон-қалъанинг шимоли-шарқий девори яқинидаги Мевастон маҳалласи худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Хива, Дешон-қалъа, Оллоқулихон карвонсаройи, Эски бозор майдони, Раҳимкулихон мадрасаси, Полван ҳовуз, Мевастон, “Дили гаройиб”, Худайберди ибн Қўшмуҳаммад

Аннотация. В статье представлены результаты археологических раскопок в восточной части района Дишан-кала, в районе старой рыночной площади перед каравансараем Аллакулихана и комплексом Саиднийаз Шаликарбая, а также в махалле Мевастон у северо-восточной стены Ичон-Кала.

Ключевые слова: Хива, Дишан-кала, каравансарай Аллакулихана, старый рыночный площадь, медресе Рахимкулихана, Палван хауз, Мевастан, “Дили гарайиб”, Худайберди ибн Кошмухаммед

Abstract. This article presents the results of archaeological excavations in the area of the old market square in front of the Allakulikhan caravanserai and Saidniyaz Sholikorboy complex in the eastern part of the Deshon-qala, and in the Mevaston mahalla near the north-eastern wall of the Ichon-qala.

Key words: Khiva, Dishan-kala, Allakulikhan caravanserai, old market square, Rakhimkulikhan madrasah, Palvan hauz, Mevastan, “Dili garayib”, Khudayberdi ibn Koshmukammed

Введение. Хива как и Хазарасп относится к тем современным городам, история которых насчитывает немало столетий. Хива расположена в 25 км к югу от Ургенча. Время возникновения города в пределах Ичан-калы относится к V веку до н.э. Ичан-кала имеет в плане прямоугольную форму с площадью 26 га.

Город Хива в пределах стен Дишан-Калы (внешнего города) представляет собой в плане вытянутое с запада на восток поселение неправильного очертания, расширенное на восточном конце. Расстояние между наружными крайними точками контура стен наружного города Дишан-Кала составляет около 2,5 км по длине и 1,5 км по ширине, с юга на север. Конфигурация жилых кварталов и улиц не получила явно выраженной системы, они соподчинены стенам Ичан-Калы, магистралям дорог и водным артериям, проецирующим город. Жилые кварталы сосредоточены у подножия северного, восточного и западного фасадов Ичан-Калы, причем в начале века западная часть больше была занята садами знати.

В 2019 году в связи с благоустройством территории города и строительных работ археологическо-изыскательные работы в восточной части Дишан-калы были проведены в двух местах: на территории старого рынка возле караван-сарая Аллакулихана и комплекса Саиднийаз Шаликарбая, а также на территории махалли «Мевастан» около северо-восточной стены Ичан-калы.

Исследовательские работы выполнялись в два этапа. В первом этапе работы проводились на территории старого рынка от 20 февраля до 10 марта, второй этап выполнялось от 20 апреля до 20 июня 2019 года на территории махалли «Мевастан».

Целью исследования является определение толщины культурных пластов, сохранения объектов культурного наследия, в случае выявления археологических или архитектурных сооружений. В процессе реализации работ выполнено ряд задач. В том числе, выявлены культурные слои и внесены дополнения истории города Хивы, связанные с территорией старой рыночной площади и махалли «Мевастан» в восточной части Дишан-калы, также определены хронологические рамки культурных пластов, кроме того установлены координаты расположения исследованных объектов.

Археологические исследования в районе старой рыночной площади перед каравансараем Аллакулихана и комплексом Саиднияз Шаликарбая. Изыскательные работы в этом районе проводились на 6 объектах в виде шурфов и траншей (рис.1). Первоначально для выяснения канализационной системы, были проведены обследования в 70 м к востоку от каравансарая Аллакулихана, в 2 траншеях (объект № 1, 0,8x4 м) и № 3, 0,8x6 м) и в одном шурфе (объект № 2, 3,5 x 2 м)¹.



Рис. 1. Расположение археологических объектов на старой рыночной площади

Во всех трех случаях верхняя часть водосточной системы оказалась на 1,3-1,5 м ниже поверхности. От поверхности до уровня канализационной системы слои толщиной 1,3-1,4 м имеет перемещенные строительные отходы, асфальтовые и мраморные покрытия второй половины XX и начала XXI вв. Под этим слоем обнаружена канализационная система, в разрезе выглядит в форме арки, выложенной из жженных кирпичей, и очевидно, что она ориентирована с юго-запада на северо-восток (рис.1). Жжённые кирпичи имеют размеры 26x26x5 см, 27x27x5 см, 28x28x5 см. Кладка кирпичей составляет 15 рядов, две боковые косые кладки сверху объединяются покрытым кирпичом. Высота конструкции 95-100 см, ширина внутренней части на основании 40 см. Внутренняя часть была заполнена темно-серой глинистой почвой, который почти перекрыл поток воды. Определение того, что где эта система начиналась и в каком направлении она продолжалась, можно выявить только путем обширных исследований.

Представители местного населения неоднократно упоминали об остатках такой системы и сообщали, что они наблюдали за наличием таких систем сточных вод по всей Ичан-Кале во время ремонтных работ. Но вряд ли оно выглядело везде именно, в таком виде. Потому что, с древнейших времен, использовали и керамические кубуры, и прямоугольные каналы для такой системы. Такие находки имелись в большинстве археологических памятниках исследованных на территории Хорезма. Возможно, такой системой заполняли водоёмы-хаузы, которые вовсе могло использоваться как для обеспечения питьевой водой городское население и для полива их огородов.

Керамическая посуда, найденная в этих объектах, датируется концом XIX и началом XX вв., что позволяет предположить, что в этот период в городской среде широко использовались такие системы канализации (или водоснабжения?). Обнаруженная система канализации (или водоснабжения?) находится в хорошем состоянии. Это свидетельствует о том, что в Хорезме в период Хивинского ханства уделялось большое внимание санитарии и гигиене.

Кроме того, обследования проводились также как к востоку, так и к югу от мест, указанных выше. Основываясь на анализе фотографий, сделанных в начале 20-го века, в этом районе перед комплексом Саиднияз Шаликарбая был расположен медресе Рахимкулихана, а за ним к северу от него находился водоём-хауз (рис.2). Эти сооружения были снесены в советское время. Информация об этом медресе и водоёме также содержится в книге Камилджана Худайберганава «Хива самая старая

¹ Название «канализационная система» приводится условно. В действительности была ли она канализацией или выполняла другую функцию, решение этого вопроса зависит от последующих исследований.

крепость в мире» [2]. Последующие исследования проводились в основном для определения местоположения этого медресе и водоёма. Были выложены траншеи для определения фундамента стен медресе Рахимкулихана в передней и задней части, которые находились в 16-17 м (объект № 4) и в 55-56 м к северу от комплекса Саиднияз Шаликарбая (рис.1).




Рис. 2. Карта 1920 года составленной Иматулло Маткаримовым. Фото Х.Диванова, портал медресе Рахимкулихана, а за ним водоем-хауз

Поверхность объекта №4 по рельефу находится ниже чем объект №5, и в обоих случаях слои до основания раскопанной траншеи сформировались в течение последних 70-80 лет. Исследования показывают, что фундаменты стен медресе Рахимкулихана в какой-то мере сохранились частично. Размеры жженных кирпичей, использованных для фундамента, составляли 26x26x5 см, 27 x 27 x 5 см, 28 x 28 x 5 см, а также использовались полуформатные кирпичи. Фундаменты медресе ещё в советское время были сильно повреждены строительными работами.

В объекте №6 на глубине 2,2 м ниже от уровня современной дневной поверхности, в самом нижнем, зеленовато-сером слое были обнаружены обломки невыразительных керамик, жженных кирпичей, каменные глыбы, а также фрагмент ракушки. Это означает, что в этом районе был какой-то водоём-хауз. Вероятно, это место того водоёма-хауза запечатленного в старой фотографии Худайбергана Диванова (рис.2).

Что касается старого базара в восточной части Дешан-Калы, мы находим следующую информацию о медресе Рахимкулихана и истории его окрестностей в книге К. Худойбергана «Хива самая старая крепость в мире» («Хива дунёдаги энг кўхна калъа»): медресе Рахимкулихана было решено построить в махалле Ур (Ўр) в 1263 г. х. (1847 г.). В то время прошел год со дня смерти Рахимкулихана, и его брат Мухаммед Амин был воздвигнут на престол. Мухаммед Аминхан поручил строительные работы своему доверенному лицу Ваис Ниязу. Благодаря его стараниям было завершено строительство медресе из 38 комнат с двухэтажной, одной летней и зимней мечетями (размеры: восточная часть 37 газ, северная 28 газ, западная 32 газ, южная 28 газ. Размеры дополнительных комнат составляют длиной 20 газ, шириной 8 газ. Были даны и другие измерения медресе). Его высочество Хан (Мохаммед Амин) пожертвовал вакуфные надельные более 1000 акров земли, а также было выделено для вакуфа здания длиной 75 газ, шириной 4 газа и мясную лавку в Хазораспском базаре [2]. Медресе Рахимкулихана было разрушено в советское время [2].

Существует также информация, связанная с водоёмом-хаузом. Ворота Палвана - самые старые ворота к востоку от города, насчитывающие три тысячи лет. В древние времена это были главные ворота города, охраняемые семью нукерами, во главе с миршабом (главный стражник). Поскольку канал, заполненный водой из реки Амударья, окружал крепость, ночью у ворот стоял мост. Причиной

наименования “Палван дарваза” (Богатырские ворота) связывают из-за выхода его к Пахлаван хаузу (водоём) и к кладбище Пахлавана Ахмада Замджи [2].

Археологические исследования на территории махалли «Мевастон». Археологическо-изыскательные и наблюдательные работы в пределах Дишан-калы также были проведены на месте снесенных домов в восточной части (к востоку от стен Ичан-калы, на территории махалли «Мевастон», рис.3). В общей сложности было произведено 10 шурфов.




Рис. 3. Схема участка изыскательных работ махалли «Мевастон» из космоса. Месторасположение озеро начала XIX в. на территории махалли «Мевастон» по сведениям Худойберди Кошмухаммеда Хиваки

Исследования проведенные в разных частях махалли (квартала) «Мевастон», вскрыли культурные слои до материка кроме шурфов №3 и №4. Слои накладываются один на другой или же лежат на одной плоскости. Изучения последовательности залегания слоев на каждом шурфе и последующая синхронизация их в рамках махалли в целом позволяет построить систему относительной хронологии всей свиты культурных напластований.

Шурфы позволили проследить этапы формирования жилых построек в этом участке. В первом этапе вдоль восточной стены существовала озеро, приблизительно 5-6 танабов (около 2-2,5 га.), которое выражено в самых нижних ярусах слоями темно-зеленой болотно-глинистой земли с рогозами и ветками тамариска. В этих слоях были найдены перемещенные разбросанные кости домашних животных и керамика XIX века. Видимо эти находки разбросаны во время заполнения озера вместе с привезенной землей. Скорее всего это озеро является остатками рва, окружавшего городские стены и дополнявшего оборонительные функции, так и служившие местом выборки глины для изготовления строительных средств (пахсы, сырцовых кирпичей), при возведении стены, и других построек, достаточно хорошо распространенных в практике среднеазиатского градостроительства [4]. Видимо, как часть оборонительной системы этот ров существовал ещё с древнейших времен. Обнаруженные выразительные фрагменты глазурованных сосудов от чаш, бадиа и мисок были распространены в Хорезме в конце XIX – начале XX вв [3].

Во втором этапе по распоряжению Аллакулихана в 1247 г.х. (1831-1832) озеро засыпано землей в течении 45 дней и там разбит базар [1,2]. После этого постепенно эта территория базара сужалась в сторону крепости с постройками жилых домов и вероятнее всего начиная с последней трети XIX в.

В третьем этапе к началу XX в. жилые дома приближаются вплотную к крепостной стене и вплоть до наших дней здесь сформировался густонаселенный квартал Дишан-калы, так называемая махалла «Мевастон».

Заключение. Таким образом, по предварительным результатам археологических наблюдений, в XIX – начале XX вв. на территории старого рынка возле комплекса Саиднияз Шаликарбая располагался медресе Рахимкулихана. Между комплексами Саиднияз Шаликарбая и медресе Рахимкулихана находились торговые лавки, мастерские ремесленников, велся активный образ городской жизни. За медресе к северу находился Пахлаван хауз (водоём), который изображен на фотографиях начала XX века (рис.2).

Консервация и реконструкция подземной (канализационной?) системы является примером всему миру о владении наших предков высокой экологической культурой. А также можно считать целесообразным, выяснение всего контура фундамента медресе Рахимкулихана и проведение его консервации. К этим объектам непременно проявляют большой интерес иностранные гости. Поэтому сохранение этих объектов очень важно не только для нашей истории, но и в развитии туристической сферы нашей страны.

Археологические изыскания в махалле «Мевастон» позволили установить дату выявленных культурных пластов. На основе детальных стратиграфических изысканий разрабатывается схема археологической периодизации. Получено значительное количество вещественных доказательств, особенно предметов массового керамического производства. Основания стен из жженных кирпичей в верхних слоях и керамические находки характерные к XIX веку в шурфах, указывает на наличие в этих местах плотно расположенных жилых домов в конце XIX и в начале XX века. Вероятно в изучаемых участках махалли «Мевастон» жилые постройки стали складываться именно в это время.

Вдоль крепостной стены на расстоянии 50-90 м, до второй трети XIX века просуществовало углубление или озеро. Приводимое в письменном источнике «Дили гараиб» («Сердце редкостей») написанном 1831 году сведения дворцового историка Худайберди ибн Кошмухаммеда Хиваки на наличия здесь озера, занимавшего (площадь) примерно в пять-шесть танабов² подтверждается произведёнными шурфами №1, №2 и №7 около 70-80 м к востоку от крепостных стен (рис.3). В нижних слоях этих шурфов обнаружено темно-серые зеленоватые болотно-глинистые слои с останками прослоек рогозы и веток от тамариска. Темно-серые зеленоватые болотно-глинистые слои также выявлены в шурфах №6, №8 и №9, но в отличие от шурфов №1, №2 и №7 там не встречаются рогозы и ветки тамариска.

На карте 1920 года составленной Иматулло Маткаримовым на территории махалли «Мевастон» в середине обследуемой территории указывается неизвестное сооружение (рис.2), видимо указывающий на место нынешнего обнаруженного останков старого мавзолея «Олов ходжа пира» (шурф №4). К северу от этого мавзолея в карте ещё отмечается медресе Хорезмшахлар [5, планшет №2.02].

Сведения Худайберди ибн Кошмухаммеда Хиваки о том, что рядом с базаром была еще местность, где в прошлом раскинулся огромный чарбаг, в котором были великолепные, облицованные изразцовыми плитами дворцы — местопребывание царей — и различные фруктовые и декоративные деревья, пока не подтверждаются этими исследованиями. Но название «Мевастон», которая означает «фруктовый сад», указывает на то, что здесь некогда было множество садов. Возможно, эти сады находились восточнее от исследованных мест.

Проведенные исследования доказывают, об отсутствии в этих участках культурных напластований, относящихся к древней истории города, раннему и развитому периоду средневековья.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Дили гаройиб. Варақ. 200 а. // Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994.
2. Худойбергенов К. Хива-дунёдаги энг кўхна қалъа. Тошкент, 2012.
3. Екимов В.В. Гончарное производство в Хивинском районе. // ТХАЭЭ, т.4, М., 1959.
4. Воронина В.Л. Из истории Среднеазиатской фортификации. // СА., 1964, №2.
5. Обследование историко-архитектурной застройки территории «Дишан-кала» в г.Хиве. Том II. Отчет. Ташкент, 1987. // Архив «УЗНИПИ реставрации».
6. Шифр: Х 9648/К-12.

УЎК 93/94

ЗИРАБУЛОҚ ТОПИЛМАЖОЙИ СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ КОМПЛЕКСИ ПЛАСТИНАЛАРИ

Б.Сайфуллаев, етакчи илмий ходим, ЎзР ФА Миллий археология маркази, Самарқанд
О.Турсунов, доцент, Самарқанд давлат университети, Самарқанд
М.Бердиқулов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Зирабулоқ топилмажойи Зиёвуддин тоғлари этакларидаги шу номли чашма атрофида, Қўтирбулоқ маконидан 1,5 км шарқроқда жойлашган. Ёдгорлик 1971 йилда Ю.Ф. Буряков раҳбарлигидаги Самарқанд археологик гуруҳи томонидан аниқланган ва даставвал Н.Х. Тошкенбоев томонидан қазиб ўрганилган (1972, 1978 ва 1984 йй.). Ёдгорлик 1977-1978 йилларда Самарқанд Давлат университети олимлари томонидан ўрганилган ва минглаб тош буюмлар йиғиб олинган. XX асрнинг 90-йилларида Зирабулоқ топилмажойи ЎзР ФА Археология институтининг Т.Ю. Гречкина раҳбарлигидаги палеолитчилар гуруҳи томонидан тадқиқ қилинди ва олинган натижалар ҳисоботларда ҳамда айрим илмий мақолаларда ўз аксини топган. Қуйида биз Зирабулоқнинг турли

² 2,5 танабов – 1 гектар.

даврларда қазиб ёки йиғиб олинган тош буюмларини бир жойга жамладик. Маданий-даврий хусусиятларига кўра, мақолада тадқиқ қилинган пластиналар Самарқанд сўнги палеолит маданияти комплексларига ўхшашлиги аниқланди.

Калит сўзлар: пластина, леваллуа, тиг, зарб майдонча, ретуш, дорсал, вентрал, латерал, зарб майдонча ўйиғи, лабча, зарб тўлқини, диффузив

Аннотация. Местонахождение Зирабулак находится вокруг одноименного родника у подножьях Зиявиддинских гор, в 1,5 км к востоку от местонахождения Кутурбулак. Памятник был открыт в 1971 г. Самаркандским археологическим отрядом во главе Ю.Ф. Буряковым и первоначальные исследования были проведены Н.Х. Ташкенбаевым (1972, 1978 ва 1984 йй.). В 1977-1978 гг. памятник изучался кафедрой археологии СамГУ, где были произведены широкомасштабные сборы археологического материала. В 90-годы XX столетия местонахождение Зирабулак исследовался палеологическим отрядом ИА АН РУз, во главе Т.Ю. Гречкиной, результаты которых отражены в годичных научных отчетах и в некоторых статьях. По культурно-хронологическим особенностям исследованных пластин в статье выявлено аналогичность к комплексам Самаркандской позднелеолитической культуры.

Ключевые слова: пластина, леваллуа, острие, ударная площадка, ретушь, дорсаль, вентраль, латераль, выщербина ударной площадки, зубка, ударная волна, диффузивный

Тери ошлаш жараёни давлат томонидан назорат қилинганлиги унга масъул шахслар тайинланганлигидан ҳам далолат беради. Масалан, 'w'zypt – аавазипат, суғориш билан боғлиқ барча ишларнинг (арик тозалаш, ҳашар...) бошқарувчиси бўлган. Унинг вазифаси кейинги даврдаги «мироб» вазифасига тўғри келади. А.А.Фрейман wzypt сўзини “токи, ҳалигача” деб нотўғри таржима қилган. Бу ҳақда Nov. 6. ҳужжатида сўз боради [4]. Аавазипат – сўзидаги ўзакни ташкил этган «авиз» – ўзбек тилидаги «ҳовуз» сўзига тўғри келади. Аавазипат – тери ошлаш жараёнидаги ҳовузлар бошқарувчисининг унвони ва суғориш ишлари мутасаддиси бўлган [4].

Тери ошлашда ҳарбий мақсадда ҳам фойдаланилган. Айтиш мумкинки, қилич Суғд жангчисининг доимий ҳамроҳи бўлиб, ҳатто зиёфатда ҳам ушбу қуролнинг тақилганлиги деворий суратлардаги лавҳалардан маълум бўлади. Деворий суратларга кўра қиличдан калтарок ханжарларни нафақат жангчилар, балки аслзодалар ва савдогарлар ҳам тақишган. Ушбу турдаги қиличлар ҳам кўп ясалган. Ханжарлар ва қиличларнинг сопи бир хил бўлган. Ханжар ва қилич дастасини ясашдаги ўзига хос хусусият унинг дастасини безашда бўлиб, суратларда уларга тери билан ишлов берилганлиги тасвирланган. Тери дастани ушлашда қулай бўлган.

Бир сўз билан айтганда терини ошлаш ва унга ишлов бериш илк ўрта асрлар Суғд жамияти учун муҳим хунармандчилик тармоғи бўлиб, юқорида таъкидланганидек, бу масалада асосий манбалар Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган маълумотлар ва ушбу ҳужжатлар ҳисобланади.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орасида ўнлаб (А-10, А-8, В-3, А-7, А-5, Б-1, В-19, В-5) ҳужжатларда тери ошлаш ва бу билан боғлиқ жараёнлар, ошланган териларнинг олди-сотдиси, тери ошлаш жараёнига масъуллар ва унвонлар келтирилганки, ушбу маълумотларни таҳлил қилиш мазкур хунармандчилик соҳасининг Суғддаги ҳолатини очиқ беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади [4].

Ушбу ҳужжатларда келтирилган ошланган ва ярим ошланган тери маҳсулотларини халқдан олган (ҳужжатда 280 дона тери олганлик ҳақида гап боради) Вгашмарик исмлик шахс ҳақида маълумот келтирилади [5]. Ҳужжатни таҳлил қилган Ю.Ёкубовнинг фикрларига кўра, Вгашмарик унвонсиз келтирилган ва у тери сотиб олувчи ҳолос дея хулоса қилган. Бу фикрни рад этган ҳолда Б.Бобоқулова (Мамарахимова), Вгашмарик Панч ҳукмдори Деваштичининг Мартушкат қишлоғида тери ошлаш жараёнига масъул бўлган шахс эканлиги ва хунармандчилик соҳасининг назоратчиси бўлганлиги тўғрисида фикрни илгари суради [2]. Бизнингча ҳам иккинчи фикр асосли ҳисобланади. Чунки, Муғ архивида мавжуд тери ошлаш билан боғлиқ маълумотлар акс этган барча ҳужжатлар Вгашмарикнинг ушбу соҳага масъуллигига доир ишоралар беради.

Nov.6 хужжатида аавазипат унвони эгаси Вгашмарикдан 8 драхм олганлиги келтирилади. 'w'zupt – аавазипат, Панжикент қасридаги барча сув ҳавзалари устидан назорат ўрнатувчи шахс ҳам бўлган. Суғдий-будда матнларидаги 'w'z'p – “сув, сув ҳавзаси” ва моний матнларидаги 'w'zuu – “сув ҳавзаси, кўл” маъноларини англлатувчи сўзларга ўхшаш [4]. Ушбу маълумот тери ошлаш хунармандчилигининг алоҳида соҳа сифатида яхши ташкиллаштирилганлиги, соҳа доир хужжатларнинг яхши сақланганлиги ва ҳисобли эканлигини тасдиқлайди.

Б.Бобоқулова (Мамарахимова)нинг этнографик маълумотларга суяниб келтиришича, эчки ва қўйнинг терисини ошлаш учун 13-14 вақт кетган. Тери 10 кун давомида махсус ишкорлар солинган сув тўла ҳовузларда ивигилган ва бир кун қуритилган. Қуритилгач, жун теридан ажратилган. Қолган 3-4 кун давомида теридаги қўш ва ёғ қолдиқлари тозаланган ва тери тайёр ҳолатга келтирилган. От, эшак ва сигир терисини ошлаш учун эса 20-25 кун вақт кетган. Тери ошлаш устахоналарида 10-15 кишигача усталар банд бўлган. Мавжуд манбалар бу соҳа бўйича фақатгина Панчнинг Мартушкат қишлоғидаги тери ошлаш жараёни билан боғлиқ жараёнлар тўғрисида хулосалар чиқариш имконини беради [2].

Ўрта Осиё аҳолисининг катта қисми илк ўрта асрларда асосан туркий ва суғдий этнос вакилларидан иборат бўлиб, туркийлар кўчманчи ва суғдийлар эса ўтроқ турмуш тарзини олиб боришган. Шундай экан бутун жамиятда ошланган терига нисбатан эҳтиёжнинг юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кўчманчи аҳоли ўтроқ аҳолига тери етказиб берган. Баъзи минтақалар марказга ошланган терида солиқ тўлаган бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Таъкидлаш лозимки, ошланган тери Вгашмарик томонидан тўплангач, давлат ғазнасига топширилган. Бу ҳақда тузилган далолатномалар Веваштич ва Фармондор Ўтгга икки нусхада тузилган. Жойларда тўпланган ошланган терилар Вгашмарик томонидан Фармондорга жўнатилган ҳамда ошланган терилар сарой орқали тақсимланган [4].

Хужжатлардан маълум бўладики, ёзув материали ва оёқ кийимидан ташқари ошланган теридан (асосан кийик териси) кийим-кечак, баланд пошнапи этиклар, ун, бугдой ва мевалар сақлаш учун турли хажмдаги қоплар, хумларнинг қопқоғи, қиличларнинг қинига безак каби маҳсулотлар тайёрланган [2].

Суғда рангли ошланган тери тайёрланганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолмаган. Лекин бу борада баъзи мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, тадқиқотчи Б.Бобоқулованинг Ю.Ёкубовга суяниб келтиришича, тери табиий ўсимлик маҳсулотлар билан рангланган. Терини қизил ва қора рангда бўйаш учун ўрик ва ёнғоқ пўсти қайнатилиб, тери ивигилган ва шу асосда рангланган. Бу жараён 5 кундан 10 кунгача вақт талаб қилган [6].

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, қўлимизда мавжуд хужжатлар фақат Муғ тоғи архиви хужжатлари ҳисобланиб, ушбу хужжатлар илк ўрта асрларда Суғдадаги тери ошлаш хунармандчилигининг барча қирраларини очиб бериши анчайин мушкул. Хужжатларда келтирилган кўпроқ тери ошлашнинг назорати, бу соҳага масъул бўлган амалдорларга боғлиқ маълумотлар келтирилади.

Суғднинг шарқий қисмида жойлашган Мартушкат қишлоғида тери ошлаш учун қурилган махсус ҳовузларда дастлабки жараён амалга оширилган ва тайёр бўлган маҳсулот шаҳар устахоналарида қайта ишланган. Ошланган теридан жамият эҳтиёжи учун керак бўлган турли маҳсулотлар тайёрланган бўлиб, Муғ тоғи суғдий хужжатларидаги маълумотлар, деворий суратларнинг сақланиб қолган намуналари ва Панч ҳукмдори Деваштич саройида тузилган хужжатлар бунга асос бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Анарбаев А. Благоустройство средневекового города (V-начало XIII вв.). – Ташкент: Фан, 1981. – С. 5.
2. Бобоқулова Б.И. Документы связанные с коженным делом в Согде / *Ўзбекистон тарихи*. – Тошкент: 1999. – №2. – Б. 42-45.
3. Ставиский Б.В. В стране Роксаны и Тимура. – Москва: Изобразительное искусство, 1970. – С.86.
4. Согдийские документы с горы Муг. Выпуск II / *Юридические документы и письма // чтения, преревод и комментарии В.А.Лившица*. – Москва: ИВЛ, 1962. – С. 72.
5. Согдийские документы с горы Муг. Выпуск III / *Хозяйственные документы с горы Муг // Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой*. – Москва: ИВЛ, 1963. – С. 12-18.
6. Якубов Ю. Паргар в VII – VIII вв. н.э. – Душанбе: 1979. – С. 45.

УДК 93/94

ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ ОБЩЕСТВ В ТУРКЕСТАНСКОМ КРАЕ

*Г.А.Туреева, доцент, Каракалпакский государственный университет, Нукус
У. Зарипбаев, магистрант, Астраханский государственный университет, Россия*

Аннотация. Мақолада Туркистон улқасида вужудга келган маданият-маърифий жамиятлари ва уларнинг фаолияти ҳақида, асосан шарқшунос, археолог олимларнинг қўйган хиссаси ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: тарих, этнография, маданий бойлик, илмий жамолар, шарқиунослар, қўл ёзма, маданий ёдгорликлар

Аннотация. В статье рассматриваются культурные и образовательные общества Туркестана и их деятельность, главным образом вклад востоковедов, археологов.

Ключевые слова: история, этнография, культурная ценность, научные общества, востоковеды, рукопись, памятники культуры

Abstract. The article discusses the cultural and educational societies of Turkestan and their activities, mainly the contribution of Orientalists, archaeologists.

Keywords: history, ethnography, cultural value, scientific societies, orientalists, manuscript, cultural monuments

Во второй половине XIX века в России и ряде европейских стран возрос интерес к истории и культуре народов Средней Азии, в особенности к рукописным изданиям по этнографии и истории, к антикварным изделиям, изготовленным умелыми среднеазиатскими мастерами. Это обстоятельство способствовало созданию организаций для централизованного сбора культурных ценностей края, их изучения, описания и публикации.

В 60 - 90 - е гг. XIX века в Туркестане возникли и развернули свою деятельность около 15 научных обществ. Среди них особенно выделялись: Среднеазиатское ученое общество, Туркестанский отдел императорского русского технического общества, Туркестанский кружок любителей археологии, Туркестанский отдел императорского русского географического общества, Общество востоковедения, Туркестанское общество сельского хозяйства, Туркестанское медицинское общество и др. К организации научных обществ администрация Туркестанского края не имела прямого отношения, так как они были созданы по инициативе центральных отделений имперских научных обществ и открывались по инициативе русских ученых и сосланных в край представителей русской интеллигенции. Все научные общества вынуждены были существовать на свои членские взносы, почти не получая средств от администрации края и города, где они были образованы. Естественно, за деятельностью всех научных обществ, любительских кружков, собраний следила жесткая государственная цензура. Поэтому основная цель этих научных обществ заключалась в более глубоком и всестороннем изучении Туркестанского края в политических и экономических интересах Российской империи.

Уже во время походов царских войск вглубь Средней Азии выяснилось недостаточное знание завоевателями географии страны, не говоря уже о её экономике. Именно поэтому к участию в завоевательных походах привлекались отдельные ученые. Подобного рода явление было характерно не для одной России. Укажем хотя бы на египетскую «экспедицию» Наполеона I, в которой ему сопутствовали французские ученые. По пятам британских колонизаторов в Индии шли английские ученые и т.д.

Они не могли не интересоваться изучением Средней Азии — колоссальной территории, форпоста царского владычества на Востоке, народы которой имели многовековую историю, свои традиции и обычаи, свои особенности, древнейшую культуру, особый уклад жизни. Во время участия в военных походах усилиями группы ученых были накоплены значительные материалы о природе и истории, культуре и быте обширнейшего края. Но то, что было сделано, являлось не более чем началом, первыми шагами на малоизведанном поприще изучения Средней Азии, в частности Туркестана.

Важно подчеркнуть заслуги русских ученых - востоковедов и любителей в собирании и сохранении восточных рукописей. В 1865 - 1917 гг. на территории Средней Азии было собрано и поступило в местные и центральные книгохранилища и музеи около 3000 восточных рукописей (в т.ч. уникальных). Некоторые из них были изданы в оригинальном тексте или в переводах на русский язык, например: «История Бухары» Наршахи (пер. Н.С.Лыкошина, под ред. В.В.Бартольда), «Друг жизнеописаний Хондемира» (частичный перевод В.В.Григорьева), «Шейбани - намэ» (пер. И.Н.Березина, Л.М.Мелиоранского), «Записки Бабура» (Н.И.Ильминский, В.Л.Вяткин и др.), «Тарих - и Мукимхани» Мухаммеда Юсуфа Мунши (в переводе О.И.Сенковского, А.А. Семенова и др.), «Шеджере - и турк» Абул - Гази (в переводе Т.С.Саблукова, П.И.Демезона), «Самарина» (в переводе В.Л.Вяткина, Н.И.Веселовского) и многие другие [1].

Над переводами рукописей трудились В.В.Вельяминов - Зернов, В.А.Жуковский, К.Г.Залеман, В.П.Наливкин, Н.П.Остроумов, А.Н.Самойлов, В.В.Радлов, В.Р.Розен, В.Г.Тизенгаузен и другие.

Несмотря на то, что циркуляром генерал - губернатора от 28 марта 1879 г. в крае «не дозволялось проводить раскопки ни русским, ни туземным жителям без особого на то разрешения, раскопки производились и иногда наносили вред памятникам старины, как например раскопки на Афрасиабе Борзенкова и В.В.Крестовского» (1883).

Среди археологических работ этого времени необходимо отметить работы В.В.Верещагина и

П.И.Лерха (1867); осмотр самаркандских древностей А.Хорошхиным; данные Кушакевича о памяти древности Ходжикендского уезда; открытие развалин Местериан - и - Мешед в Туркестанской степи (1876); развалин Ахсыкента в Ферганской области; работы Н.И.Веселовского в Ахсы, Самарканде и др. местах (1885); описание некоторых туркестанских древностей Д.Л.Иванова (1885); раскопки Н.П.Остроумова в Ташкенте (1887, 1893); раскопки А.И.Симонова в Шох - тюбе - одного из городищ Джиты - асар (1893) [2].

В строго научном отношении больше всего в это время было сделано в области нумизматики. Сюда можно отнести специальные исследования А. Г.Тизенгаузена «О саманидских монетах», «Монеты Восточного халифата» и незаконченную работу П.И. Лерха — «Монеты бухар - худатов».

В 1871 году А.Л.Кун выслал в Петербург 15 ящиков с археологическими находками, а в 1870 - 1872 гг. он составил «Туркестанский альбом», позволивший сохранить для потомков изображения многих исчезнувших памятников старины.

Одной из первых и наиболее примечательных публикаций о памятниках древности края была напечатанная в 1879 году в «Туркестанских ведомостях» статья Д.М.Граменицкого «Заметка о древних урочищах Туркестанского края [3]. В 80 - х годах первым на городище старого Мерва - Гяур - Калы осуществил небольшие раскопки А.В.Комаров.

Огромный фактический материал о Мерве, крупнейшем торговом пункте на Великом Шелковом пути, из первоисточников с древнейших времен до XIX в. собрал В.А. Жуковский. Его книга «Древности Закаспийского края. Развалины старого Мерва» была одним из лучших исследований того времени, при этом нужно отметить, что ни на один вопрос об историческом развитии Мерва - одного из центральных городов Средней Азии - В.А.Жуковский не ответил.

В 1868 году Среднюю Азию посетил В.В.Радлов, уделивший особое внимание археологическим памятникам Самарканда.

Множество ценных для археологов сведений содержали труды знаменитого русского географа и геолога И.В.Мушкетова.

Существенную страницу в истории изучения древностей Средней Азии составили работы Н.И.Веселовского. Он был автором проекта программы собирания сведений о древних городах Туркестанского края, вел археологические наблюдения и раскопки в Афрасиабе, Сырдарье, в Фергане, в бассейне Зерафшана, посещал Бухару. По инициативе Н.И. Веселовского был составлен первый подробный топографический план развалин древних городов Средней Азии в крупном масштабе. Н.И.Веселовский говорил: «Европейцы теперь свысока смотрят на Азию, преимущество их перед азиатами так велико во всех отношениях, что установилось убеждение, будто Европе нечему учиться у Азии. На нее преимущественно смотрят с практической стороны, со стороны торговых выгод.

Но если мы углубимся в изучении прошлого различных государств Азии... то увидим, что культурное влияние Востока на Запад и очень сильно, и очень продолжительно».

Ученый, проводя раскопки в Афрасиабе, определил, что там имелись кроме мусульманской, следы и других культур, в т.ч. древнегреческой.

Во второй половине XIX — начале XX вв. в Туркестанском крае было много собирателей древностей - коллекционеров.

Их можно разделить на две группы. Первые собирали коллекции и передавали их в дар научным и культурным учреждениям. Вторые использовали ценность коллекций в корыстных целях, зачастую продавая редчайшие экспонаты. Среди коллекционеров, имевших наибольшие коллекции среднеазиатских древностей, можно выделить генералов Абрамова, Головачева, Г.А.Колпаковского, А.С.Галкина, а также военного инженера Т.И.Пославского, Е.Ф.Каля, Л.С.Борщевского, В.Л.Вяткина и др.

Многие из коллекционеров (В.Л.Вяткин, М.С.Андреев, А.А.Диваев, Б.Н.Кастальский, Н.С.Лыкошин, Н.Г.Маллицкий, Н.П.Остроумов) были местными исследователями края. Большую помощь им оказывали представители коренных национальностей - любители - краеведы, собиратели восточных рукописей, коллекционеры древностей: Абу Саид Махзум, Мирза Абдар ар - Рахман, Мирза Бухари (Самарканд), Акрам Палван Аскарар (Ташкент) и другие.

Так, например, самаркандец Мирза Бухари Мирза Абдулмумин собрал большую археологическую коллекцию, часть которой впоследствии вошла в собрание Эрмитажа. Он часто посещал Н.И.Веселовского и помогал ему в научных изысканиях.

Мирза Барат Мулла Касымов — художник - каллиграф зарисовал многочисленные памятники древности Самарканда и окрестностей, изготовил чертежи медресе Улугбека и перевел с таджикского на узбекский язык «Самарийа» Абу Тахира Ходжи.

Археологические находки коллекционировал также любитель старины Гафиз. Самаркандский таджик Мирза Мулла Абд - ал - Рахман, участник искандеркульской экспедиции А.Л.Куна, оставил науке замечательный дневник, в котором зафиксированы наскальные и надгробные надписи, обнаруженные в основном в районах Фальгар и Матча.

Житель Ташкента Акрам - Палван Аскарлов являлся незаменимым спутником и помощником профессора Н.И.Веселовского. Он собрал коллекцию древностей, в которой было свыше 15 тысяч монет и многое другое. Акрам - Палван Аскарлов был избран членом одного из зарубежных обществ, награжден серебряной медалью Русского археологического общества. В Бухаре широкой известностью пользовался коллекционер Мухаммед Вефа, собиравший старинные ковры, рукописи, керамику [4].

Помощь местных энтузиастов русским ученым в некоторых случаях была столь существенной, что некоторые научные открытия просто не состоялись бы без нее.

Изучали памятники старины Хивы, Бухары, Афганистана, Персии, составляли археологические карты края, вели археологические раскопки и члены Закаспийского кружка любителей археологии и истории Востока. Так, например, один из членов кружка Э.Э.Рейле составил список развалин, пещер, курганов и других памятников древности, находящихся в Закаспийской области, среди них христианские и манихейские святилища, предметы культа.

Запас научно проверенных и обобщенных данных, накопленных русскими учеными, еще не был достаточен для истолкования далекого прошлого Средней Азии.

Несомненно одно, что уже первые серьезные и фундаментальные исследования ученых - востоковедов второй половины XIX в. в значительной мере базировались на данных богатейшей местной историографии, представляющей в своей совокупности весомый историко - культурный вклад народов Средней Азии в сокровищницу мировой культуры.

Усилиями местных деятелей и при поддержке и участии В.В.Бартольда 11 декабря 1895 года в Ташкенте был открыт Туркестанский кружок любителей археологии (ТКЛА), просуществовавший до 1917 года и внесший значительный вклад в изучение многих сторон древней и средневековой истории Средней Азии.

В сферу интересов кружка входили вопросы истории, археологии, нумизматики, этнографии, эпиграфики, а также собирание, изучение и публикация восточных рукописей. Устав кружка гласил, что деятельность его должна была заключаться в следующем: а) ознакомлении с памятниками старины, находящимися в Туркестанском крае; б) описании их и нанесении на археологическую карту края; в) сохранении археологических памятников; г) производстве археологических раскопок; д) обработке местных археологических материалов для печати.

Членами кружка были также известные деятели Туркестанского края Н.Г.Маллицкий, Н.П.Остроумов, Н.С.Лькошин, В.П.Наливкин, А.А.Семенов и многие другие.

Среди разнообразных находок и исследований наиболее интересны: изучение Е.Т.Смирновым развалин Бинкента, Шахрухии, Канга; находка В.А.Каллауром древнего знамени с тибетскими и санскритскими молитвенными надписями; обследование И.В.Аничковым и М. Каллауром близ Аулие - аты несторианского храма; обнаружение в 12 верстах от Токмака несторианского кладбища с изображениями креста и надписями; доклады М.Каллаура о «Древних местностях Аулиеатинского уезда на старом караванном пути из Тараза (Таласа) в Восточный Туркестан, обсуждение на заседании кружка вопроса о влиянии Средней Азии и Индии на русское зодчество; опубликование статьи священника А.Корчагина «Историческая судьба несторианства в Средней Азии»; выступление на заседании кружка В.В.Бартольда с докладом о существовании в Средней Азии памятников уйгурской, сирийской и орхонской письменностей; доклады А.Д.Калмыкова «Об Амударьинском кладе в Британском музее», «Амударьинский клад и греко-бактрийское искусство» [5] и сообщения Б.Н.Кастальского о греко - бактрийских монетах; археологические раскопки в 1914 г. древнего торгового города Пайкенда и многое другое. ТКЛА прилагал все возможные усилия для сохранения, консервации и реконструкции памятников старины, для предотвращения вывоза древностей за пределы Российской империи.

Выступая с докладом на одном из заседаний Туркестанского отдела Русского географического общества в 1916 году, А.А.Семенов говорил: «Хотя русские находят в Туркестане более полувека, обширный край, в котором издавна процветала высокая культура, до сих пор остается во многих отношениях не изученным; особенно темное историческое прошлое края» [6].

Анализ самых разнообразных источников по истории деятельности культурно - просветительских обществ в Туркестанском крае даёт возможность сделать следующие выводы:

В целях освоения природно - экономических ресурсов края Туркестанская администрация организовала всестороннее научное изучение края русскими учеными, направляя их в регион с обещаниями больших льгот и условий. Было создано туркестанское отделение Русского географического, археологического, востоковедческого научных обществ Российской империи; Среднеазиатское научное общество и др. В ходе деятельности этих обществ русскими учеными было собрано немало ценных сведений по истории, географии и этнографии. Была создана научно - популярная литература по различным аспектам социально - экономической жизни и природы Туркестана. Анализ деятельности русских научных обществ свидетельствует о том, что их изыскания

были направлены, прежде всего, на выявление и определение природно - экономических ресурсов и потенциала Туркестанского края. Широкий размах приобрела практика вывоза в метрополию национальных богатств Туркестана в виде культурных ценностей: древних золотых и серебряных монет, восточных рукописей, ценного оружия, женских украшений и других памятников старины.

Делая выводы, с полной уверенностью можно сказать, что за вторую половину XIX - начало XX вв. русские ученые, в том числе историки - востоковеды, накопили значительное количество фактического материала по памятникам древней материальной и духовной культуры Средней Азии. Накопленный материал нередко был отрывочный и случайным, изыскания археологов - краеведов зачастую дилетантскими, отсутствовали широкие научные обобщения, налицо был разрыв между осуществлением археологических изысканий и изучением данных письменных источников, однако находки, сделанные во второй половине XIX — начале XX вв., свидетельствовали о глубокой древности материальной культуры на территории Средней Азии; о мощном взаимовлиянии здесь культур Запада и Востока.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ахунова М. А., Лунин Б.В. Истории исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. — Ташкент: Фан, 1970. -С. 22-23.
2. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895 - 1917 гг.). —Ташкент: АН УзССР, 1958. —С. 23.
3. Туркестанские ведомости. - 1879.-№ 11.
4. Историография общественных наук в Узбекистане. Биографические очерки / Составитель Б.В. Лунин. — Ташкент, 1974.—С. 129.
5. Калмыков А.Д. Об Амударьинском кладе в Британском музее // ГТГКЛА. Год XII. 1908; Его же. Амударьинский клад и греко - бактрийское искусство // ПТКА. Год XIII. 1909. - С, 49 - 54.
6. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. — Ташкент: Изд - во АНУз ССР, 1962.-С. 25.

УЎК 903

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА БИЙЛИК СУДЛАРИ: СУД ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ СУД ТИЗИМИГА ТАЪСИРИ Ш.Б. Холиқулов, тадқиқотчи, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мақолада чор маъмуриятининг суд ислохотларини амалга ошириш жараёнидаги асосий ўзгаришларнинг кўчманчи аҳоли орасида амал қилган бийлик судлари мисолидаги ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: суд, бийлик судлари, суд ислохоти, қозилик судлари, анъанавий суд тизими, одат, шариат нормалари, халқ судлари, суд палатаси

Аннотация. В статье анализируются основные изменения в процессе судебной реформы царской администрации на примере бийских судов, действовавших среди кочевого населения.

Ключевые слова: суд, бийские суды, судебная реформа, суды, традиционная судебная система, привычка, нормы шариата, народные суды, судебная палата

Abstract. The article analyzes the situation of the main changes in the process of judicial reform of tsarist administration in the example of the "biy" courts, which operated among the nomadic population.

Keywords: court, "biy" courts, judicial reform, courts of justice, traditional judicial system, custom, Sharia norms, people's courts, judiciary

Кириш. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг босиб олинishi ҳамда ўлкада ўзига хос бошқарув тизимининг ўрнатилиши турли соҳалардаги ислохотларни амалга оширилиши билан боғлиқ эди. Жумладан, 1864 йилда Россия империясида амалга оширилган суд ислохоти Туркистон ўлкасига ҳам босқичма босқич жорий қилиб борилди.

XIX аср иккинчи ярмида Россия империясининг судлов тизимида амалга оширилган ислохотлари нафақат империянинг ички ҳудудларида, балки, империя томонидан босиб олинган бошқа ҳудудларга бўлган таъсири ҳам тарихчи олимларнинг диққат-марказидаги асосий масалалардан бири бўлиб келди.

Асосий қисм. Россия босқинига қадар ўлкада асрлар давомида яшаб келган ўтроқ ва кўчманчи аҳоли учун амал қилган қозилик ва бийлар судлари 1864 йилги судлов ислохотлари натижасида амалга оширилган ўзгаришлардан четда қолмади. Хусусан, 1867 йилда Етгисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси устида иш олиб бориш жараёнларида туб ерли аҳолини рус судлов тизимига буйсундиришнинг имкони йўқлигини тушуниб етган ҳукумат амалдорлари халқ судларини тубдан қайта ўзгартиришга журъат қилолмадилар, балки бу ишни босқичма-босқич амалга оширишни лозим деб топдилар. Шу боисдан 1865 йилда Туркистон вилоятини тузиш ҳақидаги фармон айрим ишларни кўриб чиқувчи алоҳида халқ судлари институтини ўзида сақлаб қолди. Қирғиз-қайсақ ва тоғли қирғизлар истиқомат қиладиган кўчманчи ҳудудлар учун бий судлари

сақланиб қолинаверди. Анъанавий суд тизими фаолияти 1867 йилдаги низом лойиҳасида ҳам бирмунча кенг ёритиб берилди [1]. Низомнинг 206-моддасига мувофиқ бий судларининг очиқ ва ошкоралиги эълон қилинди. Жиноий ва бошқа кўринишдаги ишларни кўриб чиқиш учун ҳар бир волостда ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган тўрттадан саккизтагача бий сайлаб олинган. Сайлов волость бошқарувчиларини тайинлаш билан бир вақтда 3 йил муддатга ўтказилган. Худди қозилик судларидаги сингари бийлик судларига сайланувчиларнинг ёши ҳам 25 ёшдан кичик бўлмаслиги лозим эди. Волость бошқарувчилари каби бийларни ҳам ҳарбий губернатор тасдиқлаши қонун билан белгилаб қўйилган эди. Бийларга ойлик тўланмаган, лекин уларга мурожаат қилувчилардан алоҳида йиғим ундирилган. Бу йиғим миқдори фуқаролик ҳолати билан боғлиқ йиғимларнинг 10 фоизидан ошмаслиги, жиноий ишларни кўриб чиқишда эса бийлар томонидан тасдиқланган ҳажмда ундирилиши белгилаб берилган [2]. Қозилик судларида бўлгани сингари бийлар ҳам 100 рублгача бўлган ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар. 1000 рублгача бўлган ишлар юзасидан қарорни волостнинг барча бийлари иштирок этадиган бийлар даврий съезди чиқарган. Ушбу съездда волост бошқарувчисининг иштирокини таъминлаш зарур бўлган, аммо унинг жараёнга тўғридан-тўғри аралашшига руҳсат берилмаган. Охири қарор чиқарилмаган, шунингдек, жиноий ишларни уезд бошлиғининг фармойишига кўра чақирилган фавкулдда съезд иши ҳал қилиб берган. Бундай ишлар бир нечта уездларга тегишли бўлса, шунга мувофиқ уездлардан комиссия тузиш лозим бўлган. Низомнинг 192-197 моддаларига кўра волост ва фавкулдда съездлар жараёнида одат нормаларига амал қилинган [3].

Маҳаллий бийларнинг шахсий бойишига йўл қўймаслик, улар устидан назоратни кучайтириш учун бийлар судига мурожаат қилувчилар ўртасида бўлган баҳсли мол-мулкнинг ўндан бирини эмас, балки суд қарорига кўра чиқарилган ва томонлардан бирига тегишли бўладиган мол-мулкнинг умумий миқдорининг ўндан бирини бийлар судига бериш тўғрисида қарор чиқарилди. Низомнинг 157-моддаси бийлар мажбурияти билан боғлиқ бўлиб, унда ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараган ҳамда мансабини суистеъмол қилиш ҳолатларида бийларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги янги модда киритилди [4].

Бийлар суди халққа ҳам, ҳукумат манфаатларига ҳам зид келмайдиган одат нормаларига асосланган. Суд ислоҳотларига муносабат билдирган айрим рус маъмурлари фикрича, бийлар суди учун жорий қилиниши мумкин бўлган рус судига яқинлаштирадиган суд тизимини яратиш мантисизлик бўларди [5]. Жумладан, 1908-1909 йилларда Туркистон ўлкасини тафтиш қилган граф Пален “Янги тарихий босқичда рус цивилизацияси билан ўзаро алоқадорликда уларнинг (ўлка аҳолиси) анъанавий турмуш тарзи эскириб борганини кўрсатмоқда”, “халқ судлари ҳам ўз фаолияти ва тузилмасидаги барча камчиликларни бартараф қилиш имкони бўлган тақдирда ҳам маҳаллий аҳоли замонавий турмуш тарзи талабларига жавоб бера олмайди, унинг қониқарсиз эканлигини халқ оmmasи ҳам тушуниб етмоқда” деб ёзган эди [6].

Хулоса. XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкасида амалга оширган суд ислоҳотлари рус маъмурлари кутган натижаларни бермади. Бийлар суди халққа ҳам, ҳукумат манфаатларига ҳам зид келмайдиган одат нормаларига асосланган эди. Бийлар судини умумимперия қонун - қоидаларига йўналтириш ёки ўз ҳолича қолдириш тўғри бўларди. Қози ва бийлик судларини тубдан ислоҳ қилиш ва уни рус судларига яқинлаштириш аҳолини бу янги судларга ишончини оширмади. Улар янги судларга мурожаат қилишдан қочиб совет тартиботи ўрнатилгунига қадар ўзлари асрлар давомида амал қилиб келган норма ва одатларига асосланган судловни давом эттиравердилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Трегубов С.Н. Прокурорский надзор в народном суде Туркестанского края // Журнал Министерства юстиции. № 11-12. Спб., 1903.
2. Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. Т., 1910.
3. Анисимова И.В. Проблема реформирования традиционной судебно-правовой системы Туркестана и Степных областей в конце XIX - начале XX вв. // Вестник Томского государственного университета, 2018. № 428.
4. Салиев А. Попытки инкорпорации традиционных судов Туркестана в систему судопроизводства Российской империи // Право и управление. XXI век. 2015. № 2 (35).
5. Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Народные суды Туркестанского края. СПб.: «Санкт-Петербург», 1910.
6. Mathew J. Trasher. How to Make a Colony: Reform and Resistance in Russian Turkestan, 1865-1917. Matthew Thrasher Advisor Jim von Geldern, Russian Studies Department Macalester College April 26, 2010.

УЎК 93/94

ЎЗБЕКИСТОН-ОЗАРБАЙЖОН: ТУРКИЙ ТИЛЛИ ХАЛҚЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Р.Ш. Ҳолиқулов, доцент, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсатининг амалга оширилишида ҳамкор қардош халқлар билан ўзаро муносабатларига тўхталиб

ўтилган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги босқичида Озарбайжон Республикаси билан иқтисодий, илмий-техникавий, фан ва маданият соҳаларида олиб борилаётган дўстлик алоқалари тарихи илмий адабиётлар, интернет нашрлари маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: ташқи сиёсат, ҳамкорлик, туркий тил, қардош халқ, “Йил одами”, таълим соҳаси, энергетика, заргарлик, корхона

Аннотация. В статье рассматриваются отношения Республики Узбекистан с братскими народами в реализации миролюбивой внешней политики. На новом этапе внешней политики Узбекистана дружественные отношения с Азербайджанской Республикой в экономической, научно-технической, научной и культурной сферах проанализированы на основе исторических, научных и интернет-публикаций.

Ключевые слова: внешняя политика, сотрудничество, турецкий язык, братский народ, «Человек года», образование, энергетика, ювелирные изделия, промышленность

Abstract. The article examines the relations of the Republic of Uzbekistan with the fraternal peoples in the implementation of a peaceful foreign policy. At the new stage of Uzbekistan's foreign policy, friendly relations with the Republic of Azerbaijan in the economic, scientific, technical, scientific and cultural spheres are analyzed on the basis of historical, scientific and Internet publications.

Keywords: foreign policy, cooperation, Turkish language, brotherly people, "Man of the Year", education, energy, jewelry, industry

Бугун Ўзбекистон Буюк Ипак йўли марказида жойлашган, қадимий тарих ва бой маданиятга эга, буюк алломалар етишиб чиққан диёр сифатида жаҳонга бўй чўзди. Сўнгги бир йил ичида мамлакатимизда кечаётган туб янгиланишлар, изчил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшничилик муҳити тобора мустаҳкамланаётгани юртимизнинг халқаро нуфузини ошириб, Ўзбекистоннинг ўзига ҳос “ташриф қоғози”ни мазмунан бойитди. Мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг изчиллик, пухта ва аниқ ечимларга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ўзининг ҳаётийлиги, оддий одамлар узоқ кутган эзгу ислохотлар сифатида ҳам халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Маълумки, юртимизни яқин истиқболда тараққий эттиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш устувор вазифалар қаторида белгиланган [1].

Шу боис ҳозирги кунга келиб Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат олиб бораётган алоқалари натижасида кўпгина мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тарихида янги босқич бошланди. Ўзбекистон ва Озарбайжон — тарихий қадриятлари, дунёқараши, маданияти ўхшаш, қардош эллар. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида тўпланган тажрибани янада бойитиш, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳалар ва келишувларни изчил ҳаётга татбиқ этишда муҳим саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Зеро, бугунги юртимизда 100 мингга яқин озарбайжонлик яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги муносабатлар Озарбайжоннинг Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1991 йил 19 октябрда тан олган даврдан бошлаб ривожланиб келмоқда. 1995 йил 2 октябрда дастлабки дипломатик муносабатлар ўрнатилган [2]. Ҳар икки мамлакат ўртасида 1996 йил 27 май куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Озарбайжонга ташрифи давомида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. 1997 йилда Тошкентда Озарбайжон элчихонаси фаолияти йўлга қўйилди.

2004 йил март ойида Озарбайжон Президенти И.Алиевнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида Тошкент шаҳрида Озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий ҳайкали очилди. 2007 йил май ойида Озарбайжонда Алишер Навоий қаламига мансуб “Мезон ул-авзон” асарининг озар тилидаги таржимаси тақдимоти бўлиб, 2008 йил сентябрь ойида Боку шаҳрида буюк ўзбек шоирига ҳайкал қўйилди. 2010 йилнинг сентябрида 2011-2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланган эди [3].

2016 йилдан сўнг ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. 2019 йилнинг 15 октябрида Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга ташрифи давомида Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, бу борада биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олдилар. Мамлакатларимиз етакчи компаниялари ва тадбиркорлари даражасида ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш, шунингдек, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки томонлама ҳукуматлараро комиссия фаолиятини жонлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди. Илҳом Алиев Шавкат Мирзиёевни мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар кенгашига қўшилгани билан табриклаб, бу, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларни, савдо-иқтисодий ва маданий-

гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорликни янада мустақкамлашга янги суръат бағишлашни қайд этди [4].

Ўзбекистон ва Озарбайжон алоқалари туркий тилли давлатлар ичида алоҳида аҳамиятга эга. Икки халқнинг қардошлик ришталари кундан кун юксалиб бораётганининг юксак намунаси сифатида 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мамлакатда “Йил одами” деб эълон қилингани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бакуда нашр этиладиган “Тарихий шахсиятлар” халқаро ижтимоий-сиёсий журнали озар ва рус тилларида чоп этилиб, унинг 2019 йил сўнгида нашр этилган сониди Ўзбекистоннинг тарихи, сиёсий-иқтисодий, маданий олами кенг ёритилган. “Тарихий шахслар” халқаро журналининг Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ҳамда элчихона ҳузуридаги Гейдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданий маркази кўмагида чоп этилган рус тилидаги махсус сониди, жумладан, шундай сўзлар келтирилган: “Тарихий анъаналарни тиклаш йўлидаги сермахсул фаолияти, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий нуфузини жаҳон миқёсида оширишдаги мислсиз саъй-ҳаракатлари, шунингдек Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Озарбайжоннинг “Тарихий шахслар” халқаро журнали Таҳрир ҳайъати аъзоларининг яқдил қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда “Йил одами” деб эътироф этилди” [5].

Ҳар икки мамлакатнинг ҳамкорлик алоқалари бугун турли соҳаларда ривожланиб бормоқда. 2019 йил якунларига кўра Озарбайжон билан икки томонлама савдо ҳажми эса 55,7 фоизга ошди. Инвестициявий ҳамкорлик мустақкамланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Озарбайжон капитали иштирокида ташкил этилган 178 та корхона фаолият юритмоқда. Озарбайжонлик ҳамкорлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш доирасида умумий қиймати 355 миллион доллардан зиёд лойиҳалар ишлаб чиқиладигани таъкидланди. Жумладан, енгил автомобиль ва автобуслар йиғишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Нефть-газ соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда. Шунингдек, Озарбайжон билан аграр саноат, узумчилик ва виночилик, заргарлик, нефть ва газ, транспорт ва логистика, таълим соҳаларида қўшимча янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда [6].

2021 йилнинг 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, унинг ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ҳамда Озарбайжон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Озарбайжон Экспорт ва инвестицияларни рағбатлантириш жамғармаси (ОзЭИРЖ) билан ҳамкорликда видеоконференция шаклида Ўзбекистон-Озарбайжон бизнес-форуми ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон томонидан инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Л.Кудратов, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ва Экспортни рағбатлантириш агентлиги раҳбарияти, Озарбайжон томонидан иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ровшан Наджаф, ОзЭИРЖ раҳбарияти ва мутахассислари иштирок этди. Тадбирда икки мамлакат дипломатик миссиялари раҳбарлари қатнашди. Бизнес-форумда жами 100 дан ортиқ Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига дахлдор йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. Анжуманни Озарбайжон томони раҳбари очиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатлар юқори даражада ривожланаётгани 2020 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 12% га ошгани маълум қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тизимли ҳамкорлик қилиш натижасида ҳозирги вақтда “Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида саноат ҳамкорлиги тўғрисидаги битим”ни келишиш ишлари якунланди. Унинг асосий мақсади металлургия, кимё ва нефть-газ саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, заргарлик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустақкамлашдан иборат.

Шунингдек, “Озарбайжон Республикаси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим” устида бугунги кунда биргаликда иш олиб борилмоқда. Ўз навбатида, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар учун очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, шаффоф ишбилармонлик муҳитини яратиш, коррупцияга қарши курашиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг иқтисодиётдаги ролини босқичма-босқич камайитириш борасида кўриладиган чоратадбирлар қайд этилди. Бизнес-форум дастури доирасида ишбилармонлик ҳамкорлигини ривожлантиришни муҳокама қилиш учун “B2B” шаклидаги панел сессиялари ўтказилди. Музокараларда “Azersun Holding”, “Lu-Mun Holding”, “Cahan Holding”, “Neqsol Holding”, “Evrason”, “Azermash” каби Озарбайжон компаниялари, “Uzkabel”, “Artel”, “Silk Road International”, “Agroexport Gold Fruits” каби Ўзбекистон компаниялари, шунингдек, икки мамлакат бизнес ҳамжамиятларининг бошқа вакиллари иштирок этди [7].

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон-Озарбайжон давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг мустақамланишида “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти ҳам муҳим аҳамият касб этиб келади. “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти 1998 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиб, унга №339 рақамли гувоҳнома берилган.

Жамият Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўйича фаолият олиб бормоқда. Охирги пайтларда ҳамжамият томонидан қуйидаги тадбирлар ўтказилди. 2017 йил февраль ойида “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлик жамияти Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 534 йиллигига бағишлаб “Бори элга яхшилик қилгилки” мавзусида бадиий-маърифий тадбир ўтказилди. 2017 йил 23 май куни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Ватан тинчлиги ва равнақи – улугъ неъмат” мавзуида давра суҳбати ташкиллаштирилди. 2017 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Кўмитаси, “Ўзбекистон-Озарбайжон” ва “Ўзбекистон-Грузия” дўстлик жамиятлари ҳамкорлигида “Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик – барқарорлик омили” мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди [8].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017, – 112 б.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент, 2003. – 691 б.
3. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррирлар. Саидбобоев З.А., Раҳматуллаев Ш.М. – Тошкент, 2016. – 254 б.;
4. Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. president.uz/uz/. 2019. 15 октябрь.
5. Тошкентда “Тарихий шахслар” журналининг Ўзбекистонга бағишланган сони тақдими бўлиб ўтди. xs.uz/uzkr/post/. 2020 йил, 12 март.
6. Россия ва Озарбайжон билан иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. president.uz/uz/lists. 2020 йил, 9 март.
7. Ўзбекистон-Озарбайжон бизнес форуми бўлиб ўтди. mift.uz/uz/news. 2021 йил, 19 январь.
8. Дўстлик жамиятлари фаолияти тараккий этмоқда. Interkomitet.uz.

УЎК 93/94

ХІХ АСРДА БУХОРОГА ТАШРИФ БУЮРГАН РУС ЭЛЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

У. Шавкатов, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада XIX асрда чет эллик сайёҳлар ва олимлар томонидан Бухоро воҳаси маданиятига доир берилган маълумотлар илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро, сайёҳлик, элчилик, савдо, П.И.Демезон

Аннотация. В данной статье проведен научный анализ сведений о культуре Бухарского оазиса, предоставленных в XIX веке иностранными туристами и учеными.

Ключевые слова: Бухара, туризм, посольство, торговля, П.И.Демезон

Annotation. In this article, information about the culture of Bukhara oasis by foreign tourists and scientists was scientifically analyzed in the XIX century.

Keywords: Bukhara, tourism, embassy, trade, P.I.Demезon

XIX аср Бухоро амирлигининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туб бурилишлар асри бўлди. XIX асрнинг бошларида Бухоро савдогарлари Шарқ давлатлари ва Россияга жуда кўп маҳсулотларни экспорт қилган. Россия империяси Туркистонни шу жумладан Бухоро амирлигини ўзининг хомашё базасига айлантириш йўллариини излаб келаётган эди. Бунда албатта савдогар ва элчиларнинг ўрни бошқача эди.

XIX асрнинг бошларида Бухородан Россияга олиб кетиладиган молларнинг 75% ни пахта ип газлама буюмлари ташкил қилар эди. Амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлиги даврида 1825 йили Бухородан Бекназар Абдукарим бошчилигида Петербургга махсус элчилар юборилади. Бу даврда император Александр вафот этганлиги сабабли элчилар амирнинг ёрлигини унинг укасига берадилар. Элчилар хиваликлар ва кўчманчилар томонидан карвонларнинг таланиши натижасида савдогарларнинг кўп зарар кўраётганликлариини подшо саройига хабар қилдилар ва карвон йўллариининг хавфсизлигини таъминлашни сўрадилар [1].

Рус ҳукумати бу гал ҳам элчига эътибор беришликни давом эттириб хонлик билан алоқадан манфаатдорлиги ва унинг самарасини оширилиши тарафдорлигини баён этди. Бунинг исботи учун хон, элчи ва хамроҳларини қимматли совғалар билан тақдирлади: Бухоро хонига энг қимматли савсар мўйнаси билан тикилган ва енгини учи зар билан безатилган пустин, 12 газ каштан рангли мовут, 12 газ кўнғир рангли мовут, 284 газ зарли атлас, 20 газ кумуш билан безатилган шолча, 22 газ зарли духоба, 20 газ кизгиш атлас ва пустиннинг устидан киядиган шойи гилат, вазирга бриллиант кўзли узук, 10 газ сарғиш мовут, 15 газ зарли атлас ва 10 газ хаворангли атлас ҳадя қилинди.

Олиб борилган элчиликлар орқали икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари яхшилана борди. Россиянинг ҳудудларида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан борган савдогарлар савдо ишлари билан шуғулланганишган. 1833 йилда Семипалатинскда яшовчи тошкентлик, қўқонлик, марғилонлик ва бухороликлар Россия ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги алоқалар ҳақида «Тошкент, Қўқон ва Бухородан моллар келтириб, Макарьев Ирбит ярмаркаларида савдо қиламиз, шунингдек ... Кашкар, Тибет, Гулжа Чугунак ва Оқ сув каби шаҳарларга бориб савдо қиламиз. Бу ерларга Семипалатинскдан карвон йўли очдик ва бу йўл орқали рус савдогарлари юрмоқда...» шундай ёзган эдилар. Рус императорига хат йўллаб «Сибир линиясига келиб, уй-жой қилганликларини ва савдо билан шуғулланиб, рус давлатига фойда келтираётганликларини» маълум қилишган [2].

Бухорога махфий кўрсатма билан 1833-1834 йилларда П.И. Демезон элчи бўлиб келади. Элчи Бухоронинг Россияга муносабати масаласини ва Ўрта Осиёнинг бошқа давлатлар билан савдо алоқаларини ўрганиши керак эди [3]. П.И. Демезон элчилиги даврида эсдалик ёзиб қолдирган бўлиб, унинг эсдаликларида Бухоронинг кўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари, хусусан Эрон, Хиндистон, Афғонистон билан савдо алоқалари ва савдодаги товарларни номлари ҳам келтирилган. Элчи ўз эсдалигида Бухорога борадиган савдо йўлларидаги ҳолати фақат қароқчилар туфайлигина эмас, балки маҳаллий ҳокимларнинг ўзлари туфайли ҳам хавfli эканлигини ҳам таъкидлайди. Элчи Бухоро ҳақида қўллаб маълумотлар келтирган. Масалан, П.И. Демезон Бухоро шаҳари атрофини 26-30 метр баландликдаги девор билан ўралгани ва 11 та дарвозаси борлигини таъкидлайди. Хазрати Имом дарвозаси орқасида сешанба ва пайшанба кунлари от бозори бўлишини ёзган. У Бухоро регистони ҳақида ҳам сўз юритиб, регистон ортида куллар бозори бўлиб, бозор душанба ва пайшанба кунлари очилиши ва бозор тонгда очилиб одатда 3 соат давом қилганини айтади. Кул савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар Пой-остона карвон саройида истиқомат қилишган [4]. Савдо битимлари ҳам карвон саройларда тузилган.

I. F. Masanovning "Rus yozuvchi, olim va jamoat arboblarning taxalluslar lug'ati" kitobida adiba haqida ozgina ma'lumot beriladi. Unga ko'ra yozuvchining asl ismi Noskova Yelena Sergeyevna bo'lib, "Zart" uning adabiy taxallusidir. Yozuvchining 1926-yili "Sharq hikoyalari" nomli to'plami nashr etilgan. To'plamga o'nta hikoya kiritilgan. Ular "Mirob", "Devona", Ko'pkari", "Timofey", "Tog'larda" kabi nomlangan.

Eng qiziq fakt shuki, Cho'lponning "Mirob" tarjimasini 1927-yil chiqqan bo'lsa, aynan shu hikoyaning Boyish (Ahmad Boyishev) tomonidan qilingan tarjimasini 1926-yilda "Maorif va o'qituvchi" jurnalida bosilgan. Ikkita tarjimani yonma-yon qo'yib kuzatsak, ular orasida unchalik farqlanish sezmaymiz. Cho'lpon Boyishning tarjimasini ko'chirganmi, degan haqli savol tug'iladi. Lekin bu masalaga boshqa tomondan yondashsak, fikrimiz o'zgaradi. Chunki ikki muallif tarjimasining deyarli o'xshashligiga sabab ko'chirmakashlik emas, balki Zart asarlarining so'z qurilishidadir. Fikrimizcha, har ikki muallif bir-biridan xabarsiz bir xil paytda bu asarni tarjima qilgan, ammo jurnalda biron asar chop ettirish kitob chop ettirishdan osonroq kechgani uchun Boyishning tarjimasini o'quvchilarga oldinroq havola etilgan.

Yelena Zart "Ko'hi malak". Adabiyotda ayol yozuvchilar yozgan asarlar ko'p hollarda ajralib turadi. Buning boisi bu asarlarda qandaydir nafosat va faqat ayollarga xos bo'lgan fazilatlar sezilib turadi. Lekin yozilgan asarning muallifi fenomenini aniqlash mushkul bo'lsa, demak, o'sha asar juda mahorat bilan yaratilgan, degan xulosa kelib chiqadi. Yelena Zartning asarlari mana shu jihat bilan boshqalarnikidan farqlanadi. Ya'ni asardagi voqealarni kuzatish jarayonida ularni ayol kishi yozganiga ishonish qiyin. "Ko'hi malak" asarining sujeti bir qaraganda oddiy tuyulishi mumkin. Oddiy qishloqda kechgan va hammaning hayotida bo'lishi ehtimoli bo'lgan hodisalar. "Ko'hi malak"-tog' nomi. Unda erta-yu kech ishlaydigan odamlar orasida o'z uylariga oxirgi marta qachon borganlarini eslay olmaydiganlari ham topiladi.

Asarda yozuvchi qahramonlar portretini chizishga alohida ahamiyat bergan. Portret, aslida, personajning so'z vositasida tasvirlangan tashqi ko'rinishi (qiyofasi, jussasi, kiyimi, yuz-ko'z ifodalari, tana holati va harakatlari, qiliqlari), o'quvchi tasavvurida jonlanadigan to'laqonli inson obrazini yaratish va uning xarakterini ochish vositalaridan biri sanaladi. Asarda Abdunabi cholning qiyofasi: "Ustida uzun oppoq ko'ylak-lozim, boshida oq salla, egnida yengil shohi to'ni bo'ladi, tishsiz og'zini keng ochib bo'g'ilib va bo'ynida

kemirchagini qabartib, lekin to'xtamasdan yurib keladi. Uning yurish-turishlari dadil, qo'llari mahkam, ko'zlari zaif bo'lsa ham, u o'zi har narsani ko'rib, har narsani bilib turg'oniday, eng mayda narsalar ham uning nazaridan qochib qutulmag'onday tuyuladi..." [1] tarzida beriladi. Adabiyotshunoslik tarafidan tahlil qilsak, "Ko'hi malak" hikoyasining bosh qahramonlaridan biri-Abdunabi cholning portretini statik portretga kiritamiz. Statik deyilishiga sabab shuki, portretning bu turida personajning tashqi qiyofasi syujet voqeasi to'xtatilgan holda ancha mufassal, detallashtirib chiziladi. Odatda, bunday portretlar personaj asar voqeligiga ilk bor kirib kelgan pallada beriladi. Lekin davr nuqtayi nazaridan olganda uni mufassal, detallashtirib berilgan, deyish to'g'ri emas. Eng qizig'i, asarda boshqa biron qahramonning portreti tugal berilmaydi. Shu jihatdan ular na dinamik, na statik portretga misol bo'ladi. Ishchilarga shunchaki tavsif beriladi, xolos.

Yelena Zartning "Devona" hikoyasida "Ko'hi malak"dagi kabi milliy turmushimizning ayrim dardli nuqtalari qalamga olinadi. Syujetga berilgan ta'riflardan birida syujet "u yoki bu xarakterning, tipning tarixiy rivojlanishi, tashkil topib borishidir" (Maksim Gorkiy) deb ta'kidlangan edi [2]. Lekin bu ta'rif aynan biz tadqiq qilmoqchi bo'lgan hikoyaga mos kelmaydi. Chunki bu asarda xarakterlar tayyor holda beriladi, voqea davomida rivojlanmaydi. Asar boshidayoq devonaning kim ekanligi ochiq-oydin aytiladi: "Uning laqabi "Devona" edi. Hamma bilgan- tanig'anlari ham uni "Iso devona" der edilar". Bu bilan yozuvchi asarning o'qishligini yo'qotmagan, aksincha, o'quvchilar bu devonaning atrofidagi voqealar qanday kechar ekan, deb qiziqishadi. Asar syujeti davomida aytganimizdek, xarakter rivojlanib bormaydi, balki mana shu xarakterning "ichki harakat" dinamikasiga qanday ta'sir o'tkazishi tasvir etiladi. Oddiy yollanma ishchi bo'lib ishlaydigan, xotini va qizini shu mehnati bilan boqadigan sodda qahramonning bunday "yuk"ni olishiga nima turtki bo'lgani endi boshqa masala.

Bir bechora bor-yo'g'i uch tangadan haq to'laydigan odamga yollanib sholipoyada ishlaydi, ishda o'zidan ortib qoladigan nonni uyiga olib qaytadi va uni eshikda kutib turadigan qizi Muazzamga beradi, uylari kichik og'ixonoga o'xshab tursa ham, ko'ngillari keng bu insonlarni fojeaga yetaklaydigan kunlar aynan ro'zadan keyin keladi. Ha, aynan ro'zadan keyin...

Bu balki e'tibor qaratish joiz bo'lmagan nuqtadir, lekin hamma ro'zadorlar intiq kutgan oy chiqishini aynan bizning devona birinchi bo'lib ko'rgan, keyin ro'za Ollahning rahmati yog'iladigan oy bo'lsa ham, u o'tishi bilan Isoning tanazzuli boshlanadi.

Asar voqealarini quyidagi bo'laklarga bo'lib tahlil qilish maqsadga muvofiq bo'ladi: Isoning devonaligi-> Samarqandga borish-> Pulning boy berilishi-> Yo'ldagi voqealar-> Isoning "qul" bo'lib qolishi.

Bu harakatlar ketma-ketligini tahlil qilish bilan shuni anglash mumkinki, insonni fojeaga voqelik emas, uning ayni o'zi yetaklab boradi. Chunki Iso devonaligi uchun emas, sodda va go'lligi uchun hech kim ko'nmaydigan narxga tobe holda kun kechirar, bu ham yetmagandek, ishda issiqda ishlashining ustiga yaxshiroq ovqatlanib ham olmas edi: "Iso devona shuning uchun ro'zani ham boshqalarga o'xshab bo'sh tutmaydi, qattiq tutadi; hatto ish vaqtida ham ertadan kechgacha hech narsa yemaydi, ichmaydi...."[7]. Yelena Zart "Devona" hikoyasi orqali shaxs fojeasining qirralarini mahorat bilan syujet chizig'iga voqealar hamohangligida tera olgan.

Boshqa hikoyalardan farqli "**Mirob**"da Zart folklorizmga murojaat etadi. Qaynarning paydo bo'lishini muallif bir rivoyatga bog'laydi: "Odamlarning aytishiga qarag'onda, qachondir bir zamon Muhammadning avlodidan bo'lg'on bir kishi kelgan. U juda chanqag'on ekanda, xudodan suv tilab, qo'lini toshg'a qo'yg'onda tosh ostidan suv pirqirab chiqib boshlag'on emish" [7]. Xalq afsona va rivoyatlarini tadqiq qiladigan bo'lsak, bu ko'rinishdagi asarlarni turli manbalarda uchratishimiz mumkin. Masalan, "Ipak yo'li afsonalari" kitobiga jamlangan joy nomlari bilan bog'liq afsonalar orasida shu mazmundagi afsona berilgan.

"**Qimmat**" hikoyasining bosh qahramoni sifatida faqat bir insonni ajratib ko'rsatish mumkin emas. Sababi yozuvchi hamma qahramonga alohida talabchanlik bilan yondashadi. Asarning yana bir tarafi unda xuddi "Ko'hi malak"dagi kabi yangi turmush haqida, uning targ'ibi bilan mashg'ul kishilar qanchalar siquvga olingani-yu xotin-qizlarning ezgin hayotlari hikoya qilinadi.

Cho'lpon mutarjimligida o'zbek kitobxoniga yetkazilgan ushbu asarlar yurtimizga yangi hayotning epkinlari kirib kelayotganligini, bu yo'lda endi faqat ziyoli "mullacha"lar emas, balki xotin-qizlar ham o'z so'zini aytishga jur'at topa boshlagani haqida xabar berdi. Yelena Zart ismli bir yozuvchining to'rt hikoyasida bayon etilgan o'lkamiz hayoti o'quvchilarni befarq qoldirmadi. Bu keyinchalik yozilgan ko'p asarlarning syujetiga poydevor vazifasini o'tab berdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Ipak yo'li afsonalari (Joy nomlari bilan bog'liq afsonalari).-Toshkent:Fan, 1993.
2. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари.- Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
3. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Toshkent: Akademya, 2010.
4. Степанов Н.Л. – М.: Художественная литература, 1974.
5. Якобсон Р. О лингвистических аспектах перевода // Избранные работы. М., 1985.
6. Zart Y. Ko'hi malak.- Toshkent:O'zdamnashr, 1927.
7. Zart Y. Devona.- Toshkent:O'zdamnashr, 1927.
8. Zart Y. Qimmat.- Toshkent:O'zdamnashr, 1927.
9. Zart Y.Mirob.- Toshkent:O'zdamnashr, 1927.

MORFEMIK SATHDA KVANTITATIVLIKNING NAMOYON BO'LISHI

B.N. Kimsanboyeva, assistent, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona

Annotatsiya. Ushbu maqolada kvantitativ birliklarning morfemik sathda ifodalanishi va o'ziga xos xususiyatlari haqida nazariy fikrlar beriladi va ularning matnda qo'llanilishiga to'xtalib o'tiladi.

Kalit so'zlar: so'z tarkibi, morfema, morfemik sath, morfematik tahlil, so'z, eng kichik ma'noli qism, yasalma, o'zak, negiz, yasovchi affiks, morfologik ifodalanish

Аннотация. В данной статье даются теоретические представления о представлении и специфике количественных единиц на морфемном уровне и делается акцент на их применении в тексте.

Ключевые слова: словосочетание, морфема, морфемный уровень, морфематический разбор, слово, наименьшая по значению часть, корень, основа, производящий аффикс, морфологическое выражение

Abstract. In this article, theoretical views are given on the morphemic representation and specific features of quantitative units and their application in the text.

Keywords: word composition, morpheme, morphemic level, morphemic analysis, word, the smallest meaningful part, declension, core, predicate, conjugate, morphological expression

O'zbek ilmiy tilshunosligi shakllangandan buyon so'z tarkibi masalasiga alohida e'tibor berib kelinadi. So'z tarkibi va unga bog'liq masalalarning shakllanishida tilshunos olim A.G'ulomovning xizmatlari alohida ahamiyatga ega. Olim o'zbek tilshunosligiga ilk bor morfema atamasini olib kirdi va morfemani so'zning eng kichik ma'noli qismi sifatida izohladi. A.G'ulomovning bir qator ilmiy qarashlaridan morfemalarni o'rganuvchi tilshunoslikning alohida bo'limi ajralib chiqishini sezgan deyishimiz mumkin. Shu bilan birga A.G'ulomov so'zning yasash tuzilishi bilan morfemik tuzilishini bir-biridan farqladi. Uning ta'kidlashicha, so'zning morfematik tahlilida uning morfemalari aniqlansa, so'z yasash tahlilida so'z yasalma sifatida doimo ikki qismga – yasovchi o'zak yoki negiz, yasovchi affiksga ajraladi. Olimning so'zning yasash va morfemik tarkibi haqidagi fikrlari "O'zbek tili morfem lug'ati"[1] ning kirish qismida izchil yoritib berilgan. Haqiqatdan ham, deskriptiv lingvistikada til tizimiga sathli yondashuvning paydo bo'lishi, tilning ichki tuzilishini fonologik, morfologik, leksik, sintaktik sathlarga ajratilishi va har qaysi til sathining o'ziga xos birliklari mavjudligining e'tirof etilishi til tuzilishini o'rganuvchi alohida bo'limlarning ajralishiga olib keldi. Natijada XX asrning 70-yillaridan boshlab morfemika tilshunoslikning alohida bo'limi sifatida ajratila boshlandi. Tilshunos olim A.G'ulomov o'zbek tilida ot va fe'llarda ishlatiladigan ayrim qo'shimchalarni, ya'ni morfemalarni miqdor ma'nosini ifodalash uchun xizmat qilishini aytib o'tgan [2].

O'zbek tilshunosligida "morfema" tushunchasi va termini paydo bo'lgunga qadar o'zbek tili grammatikasiga oid ishlarda so'z tarkibi morfologik hodisa sifatida qaralib, uning o'zak va affiksdan tashkil topishi e'tirof etilgan, "so'z tarkibi" sarlavhasi ostida o'zak, negiz va affikslarning xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Masalan, O.Usmon va B.Avizovlarning "Grammatika"sida yasama so'zning "asosiy ma'noli bo'linmas qismi" o'zak ekani qayd etilgan. So'zdan shakl yasovchilar olib tashlangan qismi esa "negiz" deb ta'riflangan.

Morfemani so'zning tarkibiy qismi sifatida tushunish, shunday birlik sifatida morfemani belgilash va har birining xususiyatlarini yoritish tamoyili o'zbek tilshunosligida hozirgi kungacha davom etyapti. Yuqoridagi fikrlardan ko'rinib turibdiki, morfemika bo'limi alohida ajratilmagani, qo'shimchalar morfologiya bo'limi tarkibida o'rganilganligi uchun miqdor ma'nosining bunday ifodalanishini A.G'ulomov morfologik ifodalanish deb atadi. Shu bilan birga olim qo'shimchalar orqali ifodalangan ko'plik haqida alohida to'xtalgan. Masalan, "gullar"dagi predmet sonining ortiqligi, "gulimiz"dagi qaratuvchi shaxs ortiqligi, "gullatdik"dagi bajaruvchi shaxs ortiqligi anglashilib turishini aytadi. Xuddi shuningdek, "gul"da predmet miqdorining kamligini, "gulim" dagi qaratuvchi shaxsning kamligini, bittaligini, "gullatdim" dagi ham bajaruvchi shaxsning kamligini olim ta'kidlagan ko'plikni hosil qiluvchi –lar, -imiz, -k qo'shimchalariga zid ravishda birlikni hosil qiladi, deyishimiz mumkin. O'zbek tilida mavjud tadqiqotlarda miqdoriy munosabatlarning ifodalanishi uch konstant – universal ma'nolar asosida shakllanishini aytib o'tgan edik, ularni quyidagicha tavsiflash mumkin bo'ladi:

1. Aniq (ob'yektiv) miqdor ma'nosi, bunda miqdor son yoki birlik, ikkilik ma'nolarini bildiruvchi substantiv vositalar yordamida ifodalanadi: ikki, olti, (bir) kitob;

2. Aniqlashtirilgan (sub'yektiv) miqdor ma'nosi, bunda kvantifikatorlar yordamga keladi: ko'plab, bir qancha, bir nechta;

3. Mavhum miqdor ma'nosi morfemalar yordamida ifodalanadi: o'zbek tilida –lar, ingliz tilida –s, rus tilida –ы.

Demak, miqdor ma'nosini hosil qiluvchi morfemalarga fe'llardagi tuslovchi qo'shimchalarni, otlarda –lar ko'plik shaklini va egalik qo'shimchalarni kiritishimiz mumkin.

Albatta, tuslovchi morfemalarning qanday shaklda kelishi, qaysi shaxs, qaysi sonni ko'rsatishi egaga qarab belgilanadi. Bu hodisalar fe'lining sonidagi xususiyatlarni ochib ko'rsatadi. Demak, fe'llardagi son shaxs bilan bog'liq, shu bilan birga fe'llardagi shaxs, son ko'rsatuvchi shakllar uning ega bilan bo'lgan munosabatini ko'rsatishga xizmat qiladi. Tuslovchi qo'shimchalarning hammasini miqdor ifodalovchi morfemalarga kiritishimiz mumkin.

Shaxs (tilshunoslikda) – ish-harakatning so'zlovchi nuqtai nazaridan uning bajaruvchisiga aloqadorligini ifodalovchi, o'zaro qarama-qarshi shakllar tizimidan iborat grammatik kategoriya. Shaxs shakllari so'zlovchiga [1-sh], tinglovchiga [2-sh] suhbatda ishtirok etmoqchi o'zga shaxsga [3-sh] qarashlilikini bildiradi. Harakat obyektining shaxsi ko'p tillarda, jumladan, turkiy tillarda asosan, fe'l orqali ifodalanadi. Masalan, o'zbek tilida:

Birlik: o'qidim, o'qiding, o'qidi

Ko'plik: o'qidik, o'qidingiz, o'qidilar

Shaxs kategoriyasi fe'ning boshqa kategoriyalari (mayl, zamon, nisbat kabilar) bilan paradigmatic va funksional munosabatlar orqali bog'lanadi. Ayniqsa, shaxs kategoriyasini son kategoriyasiz tasavvur etib bo'lmaydi. Shuning uchun ularni birgalikda nomlab, shaxs-son kategoriyasi, ushbu ma'noni ifodalovchi ko'rsatkichlar esa shaxs-son morfemalari deb ataladi.

Shaxs tushunchasi muayyan leksemalar bilan kishilik olmoshlari tizimida, maxsus affiksial morfemalar (egalik qo'shimchalari) yordamida ham ifodalanishi mumkin. Harakatda sub'yekt ishtirokining kvantitativ ifodalanishi, ayniqsa, fe'llarda nisbat kategoriyasida yaqqol namoyon bo'ladi. O'zbek tili misolida boshqa tillarga qaraganda nisbat kategoriyasining keng rivojlanganligi va uni yuzaga chiqaruvchi grammatik shakllarga boyligi fe'l tizimida kvantitativlikning namoyon bo'lishini ko'rsatadi.

O'zbek tilidagi fe'ning besh nisbati ish-harakat sub'yekti va ob'yektining kvantitativ belgi asosida zidlanishini belgilaydi:

1. Aniq nisbatda sub'yekt va ob'yekt miqdori teng bo'ladi: Nargiza uy ishlarini bajaryapti.
2. O'zlik nisbatida sub'yekt ham, ob'yekt ham yagona bo'ladi: Azimjon to'garakka yozildi.
3. Majhul nisbatda sub'yekt qatnashmaydi, ob'yekt ifodalanadi, bunda sub'yekt va ob'yekt kvantifikatsiyasi noteng bo'ladi. Ishlar bajarildi.
4. Birgalik nisbatida sub'yektlar ko'payadi, lekin miqdor noaniq, mavhum bo'ladi: Bolalar qorbo'ron o'ynashyapti.

5. Orttirma nisbatda sub'yektlar miqdori eng kamida bittaga ortadi: U bu ishni birovga qildirdi.

Tilshunos olim A. G'ulomov fe'llarda ko'plikni ifodalovchi shakllar haqida keng va atroflicha ma'lumot beradi [3]. Olimning bu izlanishida o'zbek tilidagi ko'plik kategoriyasi haqidagi qarashlari bayon qilinganligi uchun, tuslovchi qo'shimchalarning birlik shakli haqida munosabat bildirilmagan. Lekin o'sha ko'plikning ziddi sifatida biz tuslovchilar morfemalarning birlik shakllarini miqdor ifodalovchi birlik sifatida olishimiz mumkin.

Leksik, morfologik, sintaktik sathda miqdorning me'yordan ortiqqligini yoki kamligini ifodalovchi birliklar bo'lgani kabi morfemik sathda ham xuddi shunday morfemalarning bir-biriga zidlanishi, qiyoslanishi tabiiy.

Jamlovchi otning o'zak, negizi ko'plikni bildiradi, shuning ucnun bunday otga qo'shilgan –lar shu ko'plik (jamlik, yaxlitlik) ning birdan ortig'ini ifodalaydi: xalqlar, guruhlar, uyurlar. Juft a'zo va narsani bildiruvchi otga –lar qo'shilganda ikkilik ma'nosi ta'kidlangan holda namoyon bo'ladi.

A.G'ulomov –lar qo'shimchasining sintaktik hodisami yoki morfologik hodisami ekanligi haqidagi fikrlarga e'tibor qaratib, uning so'z yasovchi emasligini, shuningdek, tilshunoslikda nazarda tutilgan turlovchilar qatorida ham bo'la olmasligini aniqlashga harakat qiladi. Olim –lar qo'shimchasini so'z yasovchilar qatoriga ham, so'z o'zgartiruvchilar qatoriga ham kiritmaydi. Qo'shimchalar tasnifi so'z yasovchilar so'z o'zgartiruvchilar sifatida qayd etilgan o'rinlarda, –lar affiksini so'z o'zgartiruvchilar qatorida keltirib, so'z o'zgartiruvchilarning o'zini sintaktik vazifa bajaruvchi shakllar va sintaktik vazifa bajarmaydigan shakllarga ajratadi. Bu holatda –lar affiksi sintaktik vazifa bajarmaydigan affikslar qatoriga kiritiladi. Affikslar tasnifi so'z yasovchilar, shakl yasovchilar, so'z o'zgartiruvchilar tarzida qayd qilingan keyingi grammatikada A.G'ulomovning o'zi –lar affiksini shakl yasovchi affikslar qatoriga kiritadi. Har ikki holatda ham –lar affiksining maqomi to'g'ri belgilangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Фуломов А. Ўзбек тили морфем луғати. - Тошкент, 1977.
2. Фуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. Тошкент, Ўздавнашр.1944.
3. Фуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. Тошкент, Ўздавнашр.1944. 46-50 б.
4. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975.

THE INTEGRAL CONNECTION OF TOPONYMS WITH SCIENCE OF GEOGRAPHY

B.R. Mamatkulova, teacher, Chirchik higher tank commanding Engineering school, Chirchik

Annotatsiya. Toponimika ayniqsa, geografiya uchun katta ahamiyatga ega. Toponim-geografik obyektning aniq manzilidir. Nomlar joyning geografik o'rnini aniqlash uchun ham, geografik tushunchalarni ifoda etish uchun ham zarur. Geografik xaritada keltirilgan boy va xilma-xil axborotlar orasida nomlar alohida o'rin tutadi. Geografik ob'ektlar shu qadar ko'p va xilma-xilki, ularni ifoda etish uchun maxsus so'zlar, ya'ni nomlar bo'lishi kerak. Ushbu maqolada geografik nomlarning, ya'ni geografiyaning o'ziga xos tili haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: mikrotoponimlar, yaylovlar, botqoq yerlar, cho'pon, ayritosh, qoratosh, oqtosh

Аннотация. Топонимы имеют большое значение, особенно для географии. Топоним — это точное местонахождение географического объекта. Имена необходимы как для определения географического положения места, так и для выражения географической концепции. Среди богатой и разнообразной информации, представленной на карте, имена занимают особое место. Географические объекты настолько многочисленны и разнообразны, что для их описания необходимо использовать специальные слова. В данной статье рассказывается о географических названиях - уникальном языке географии.

Ключевые слова: микротопонимы, пастбища, болота, пастухи, айриташи, караташи, акташи

Abstract. Toponyms is of great importance, especially for geography. Toponym is the exact location of a geographical object. Names are needed both to identify the geographical location of a place and to express a geographical concept. Among the rich and varied information presented on the map, the names have a special place. Geographical objects are so numerous and diverse that special words must be used to describe them. This article is about geographical names are a unique language of geography.

Key words: microtoponyms, pastures, wetlands, shepherd, ayritash, karatash, aktash

1. Introduction. Toponyms refer to a geographical concept, so studying place names without knowing geography can often lead to major scientific errors. The names of places reflect the features of the geographical environment - relief forms, plant and animal names. However, naming places has its own peculiarities. For example, in forested areas there are not so many place names consisting of the word "oltyup", and in togii oikas there are not so many toponyms consisting of the word "tog"[1].

The main reason for this law, which is called relative negativity in toponymy, is that not everyone pays attention to drowning in rich places. People are different when it comes to naming they are looking for a natural geographic object. That is why the names of wells and some hills are more common in the deserts. Because, these wells and hills served as pastures, pastures, and wetlands for shepherds and shepherds.

The same can be said of mountains. People who live in the mountains use the word rock more than the word mountain. For example, in the mountains, to say, "He climbed to the top of the mountain," is to say, "He climbed to the rock." When we say Ayritash, Karatash, Aktash, we often mean some kind of mountains. In the Urals and Siberia, people also call the peaks kamen (rock). This is probably the reason why mountain onions are often called stone onions, mountain spruce and watermelon kamennaya kuropatka, kamennaya kunitsa [2].

2. The purpose of the article. The purpose of the article- the geographical laws of geographical names there are many examples of this. So, place names do not appear by chance, on the contrary, Eshakhangraganqir, Random names like slang are rare. Therefore, most of the toponyms are spiritual in nature reflects the events. People express any natural phenomenon in geographical terms and therefore, geographical names contain many geographical terms occurs. Such terms are the basis of toponymy, that is, complex is an integral part of your geographical name. Popular geographical terms unknowingly correctly identifying the etymology of place names will not the geographical term (mountain, desert, lake, village, etc.) is still geographical is a relative noun, not a noun, and is a general or specific noun denotes a geographical concept. But any geographical term can become a nickname, i.e. a geographical name [3].

Geographical terms as well as plant and animal names without a suffix or identifier. For example, there are tens of thousands of wells in Uzbekistan, each with its own name. Next to the word well is someone's name or identifier (deep, large, three, four, etc.) or - like cha, -li There will be attachments. If you go to Kuduk, Chokki, Arik, Yantak, A term like an asshole, or a plant or animal If I come across a toponym consisting of www.ziyouz.com library you have to be very careful in interpreting. Because no speculation a toponym consisting of a single word without a part is completely pronounced over a long period of time change to another meaning or toponym may be an abbreviated version.

This is the name of the city of Damascus it has not been three thousand years since Han was named. He is the oldest name in the world leeb does not paint. Toponyms such as Bukhara, Samarkand, Khorezm uda from ancient names. Hence the origin of the link namon was not a definitive solution. How many names are

there? Remains from prehistoric times. The nations are gone, the language may be forgotten, but the names of geographical places will be preserved. 0 'if the wire or animal is missing even the name lives on.

Professor of Tomsk State Pedagogical Institute AP Dulzon Siberia by analyzing the hydronyms, the area inhabited by the ancient Ket people is very found to be wide. And now in Siberia, especially the Ob River In all, about 500 people were left stranded. Toponymic the data show that there were once a large number of people showed. The main reason for the permanent existence of the toponym is the word people often talk about what it meant before it became a toponym they don't even think about it. So the word is just the name of an object will be If you look closely at this toponym, even microtoponyms the name of the small object called is also most important as a "macro witness" that embodies a historical event can come out. Private ownership of land is a socio-economic process between people relations, a significant trace in the toponymy of small land ownership left let's look at examples. 1909 Skobelev (now Fergana) in Kokand and Margilan districts, according to the list published in as well as the word check in Andijan and O'sh districts from 50 we see more in the name of the village. In Andijan region and in particular In Fergana region, place names consisting of the word check are now available is also quite common. There is a village called Obtobachichek in Andijan district. This is the name it dates back to the time of Khudoyorkhan. A boy named Abdurahman (of a Muslim slave son) was a water-carrier in the hands of the khan [6].

Khudoyorkhon Abdurahmon gave a few hundred tanob bait to the waterman gave a check. Abdurahmon obtobachinin yen Chek Obtobachi later became Obtobachichek. Besides, Alibekchek, Bobochek, Isoavliyochek, Muhammad in the Fergana Valley There were places like Aminchek and Nasriddinbekchek. Then it is villages were built on the land. Well, these are the people who got the check who were These are all historical figures. For example Muhammad Amin and Nasriddinbek were the sons of Khudoyom. Isoavliyo was considered a trustee and adviser to the khoim. What is a check? By the way, the khan and his family members, officials, priests, and celebrities, wnuman the private lands of any people are understood. However in the Fergana Valley, the word check is also a measure of land. In these names, the term check is a toponym-forming formant feudalism is a sign of land tenure. Toponyms are important events of different periods, your historical personality names, the names of the migrating tribes. There is a hill called Abumuslim in Bukhara region. Abumuslim 747- In 749, in the eastern part of the Arab Caliphate - Movarounnahr and rebelled against the rule of the Umayyads in Khorasan led the uprising. His real name is Abdurrahman ibn Asad Abu Muslim is his nickname. This hill is in the middle of the VIII century It was built by Abumuslim near the present-day village of Kizihopa in Bukhara the ruins of the fort. The ruins are at the head of the Abumuslim canal. The people of Bukhara call this channel Joy i Abumuslim. Channel It started in Zarafshan. Socio-political terms from different periods also trace in topography left It was consumed during the reign of the Emir of Bukhara and the Khiva Khanate kutfal or katovul (commandant), paternity (senior official - minister), naqib (military officer), toqsoba (ofry military rank), chandovul (rear of the army), like shigoml (leading the ambassador) not everyone knows the terms now, but they are toponyms preserved in the form of. According to Taponymph, where did the Uzbeks live? can learn. For example, in our republic it is called Jaloyir there are many villages. Ahangaron basin and Khojand around it from the beginning of the XIII century to 1375 year lived [6].

Amir Temur for his fierce resistance in the year executes the commander of the Alayirs and the Jalayirs in different directions will download. From that time onwards, in addition to the real jalais, they were Many of the ethnic groups under its control are also called Jalayirs begins. This is the history of the present-day villages of Jaloyir. This means that toponyms are always born out of some historical context.

3. Conclusion. In this article, toponyms of countries with a long history will also be ancient. The names of cities and villages such as Bukhara, Samarkand, Romitan, Chach, Termez, Khiva, Zaamin, Ishtikhon, Shopurkan are measured by millennia. The meaning of these names, no matter how many opinions have been expressed as to which language they belong to, cannot be said to have been definitively determined by their origin. There is a view that the number of opinions expressed about the etymologies of toponyms is not directly proportional to their degree of accuracy. This means that as the number of observations increases, the degree of accuracy of the etymology also increases.

REFERENCES:

1. Karimov I. A. Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development //On the path to security and sustainable development. 6 - vol. - T: Uzbekistan, 1997.- 326 p.
2. Karimov I.A High spirituality is an invincible force. - Tashkent: Manaviyat, 2008. - 176 p.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. - T, 1960.
4. "Avesto" and its role in human development. - T: Fan, 2001.
5. Sogdiyskie dokumenti s gori Mug, yuridicheskie dokumenti i pis'ma. Livshitsa. Vipusk II. - M., 1962.
6. Qoraev S. Toponymy. - T., 2006. - 12,13,14 p.
7. Виноградов В. С. Лингвистические аспекты обучения языка. - Москва: Высшая школа, 1972. – стр. 69
8. Гуревич В. В., Дозорец Ж. А., Фразеологический русско- английский словарь. - Москва: Высшая школа, 1995. – стр. 67
9. Казакова Т. А. Практические основы перевода. - Санкт-Петербург: Союз, 2000. – стр. 90
10. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. - Москва: Высшая школа, 2001. – стр. 123

MAHMUDXO'JA BEHBUDIY VA DAVR ADABIY TILI
M.Masharipov, mustaqil tadqiqotchi, Nizomiy nomidagi TDPU, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada XIX asrning oxiri XX asrning 20 – 30-yillarida yangi o'zbek adabiy tilining shakllanish jarayoni o'rganilgan, bu borada turli mafkuraviy-lisoniy oqimlar tomonidan ilgari surilgan g'oya va qarashlar tahlil qilingan. Davr adabiy tilining lingvistik tadqiqiga bag'ishlangan ilmiy tadqiqot ishlariga munosabat bildirilgan. Shuningdek, ma'rifatparvar jadid adibi Mahmudxo'ja Behbudiyning davr adabiy tilini yaratish ishlaridagi lingvistik faoliyatiga ilmiy baho berilgan.

Kalit so'zlar: umumturkiy til, panturkizm, purizm, publitsistik uslub, leksik-semantik me'yor, lug'aviy unsur, leksik fond, grammatik qurilish, tayanch dialekt, singlarmonizm

Аннотация. В статье изучен процесс формирования нового узбекского литературного языка в конце XIX и 20-30 годах XX века, также анализированы идеи и взгляды, выдвинутые различными идеологическими и языковыми течениями. Высказано отношение к научно-исследовательским работам, посвященным лингвистическому анализу литературного языка эпохи. Также дается научная оценка лингвистической деятельности джадидского просветителя Махмудходжа Бехбуди в деле создания литературного языка эпохи.

Ключевые слова: общетюркский язык, пантюркизм, пуризм, публицистический стиль, лексико-семантическая норма, лексикографический элемент, лексический фонд, грамматический строй, опорный диалект, сингармонизм

Abstract. The article studies the process of formation of a new Uzbek literary language in the late XIX and 20-30 years of the XX century, in this place, the ideas and views put forward by various ideological and linguistic currents are analyzed. The attitude to the scientific research works devoted to the linguistic study of the literary language of the period is expressed. Furthermore, there is also a scientific assessment of the linguistic activity of the enlightened jadid writer Makhmudkhoja Bekhbudi in the creation of the literary language of the period.

Key words: common Turkic language, pan Turkism, purism, journalistic style, lexical-semantic norm, lexical element, lexical fund, grammatical structure, basic dialect, singlarmonism

Ma'rifatparvar, pedagog, dramaturg, publitsist va noshir Mahmudxo'ja Behbudiy XX asr boshlarida o'zbek adabiyoti, ta'limi va tilining rivojiga munosib hissa qo'shgan yorqin hamda betakror ijodkordir. Zamonasining ilg'or fikrli ziyolilari qatorida bo'lgan Mahmudxo'ja Behbudiy – jamoat, madaniyat va maorif arbobi, birinchi o'zbek dramaturgi, milliy teatr tashkilotchisi, ulug' matbuotchi, publitsist sifatida o'zbek xalqining XX asrdagi buyuk mutaffakkir adibi hisoblanadi. Uning badiiy ijodi, ma'rifatparvarlik va jurnalistik faoliyati, ta'lim-tarbiya sohasidagi ishlari yuzasidan bir qator tadqiqotlar olib borilgan [1].

Mahmudxo'ja Behbudiyning tilshunoslik faoliyati va u yaratgan badiiy, xususan, publitsistik asarlarning lingvistik xususiyatlari o'zbek tilshunosligidagi ba'zi ishlar [2] istisno qilinsa, mukammal darajada tadqiq etilgani yo'q. Biz adibning publitsistik merosini lingvistik nuqtayi nazardan o'rganar ekanmiz, akademik V.V.Vinogradovning "Adabiy tilning o'ziga xos xususiyatlarini o'sha xalqning konkret tarixiy hayotidan ajratgan holda o'rganish mumkin emas" [3], degan fikrlarini keltirishni lozim topdik. Mana shu ma'noda Mahmudxo'ja Behbudiyning tilshunoslikka oid qarashlarini ham, yaratgan publitsistik asarlarining lisoniy xususiyatlarini ham u yashagan, ijod qilgan davrning xususiyatlarini hisobga olmagan holda o'rganish o'rinli bo'lmaydi. XIX asr oxiri XX asr boshlarida Turkistonda ijtimoiy hodisa sifatida shakllangan jadidchilik harakati va uning negizida yuzaga kelgan jadid adabiyoti – "zamonaviy adabiyot" sifatida yangi adabiy tur va janrlarni o'zbek adabiyotiga olib kirishi, an'anaviy adabiy shakl hisoblangan aruz vazni bilan birga barmoq vaznining shakllanishini ta'minlagan bo'lsa, o'zbek milliy ongi, ijtimoiy-estetik tafakkuri, madaniyati, milliy adabiy tilining taraqqiyotida ham alohida ahamiyat kasb etdi. Mazkur davr adabiy tili yuzasidan birinchi bo'lib ilmiy kuzatishlar olib borgan olim professor A.K.Borovkovdir.

U 1905 – 1917-yillar oralig'idagi o'zbek adabiy tilining xususiyatlarini o'sha davrda o'zbek tilida nashr qilingan matbuot tili asosida tahlil qilar ekan [4], til sohasida hukmron bo'lgan turli qarashlarga ham izoh beradi. Tadqiqotchi o'z kuzatishlarida o'sha davrda turli siyosiy, lingvistik, milliy-ma'rifiy oqimlar tomonidan yagona turkiy til yaratishga oid qarashlar kuchli bo'lganligini, ularda: a) usmonli turk, tatar, ozarbayjon tillaridan biri umumturkiy adabiy til bo'lishi kerak, degan fikrlar; b) usmonli turk tili turkiy xalqlar uchun umumadabiy til bo'la oladi, degan fikrlar; d) chig'atoy tili turkiy xalqlarning yagona adabiy tili bo'lsin, degan fikr; e) yangi tatar adabiy tili usmonli turk tili bilan boyitilsa, umumadabiy til bo'la oladi, degan g'oya; f) tatar va o'zbek tillarini birlashtirish lozim, degan qarashlar ilgari surilganligini ta'kidlaydi.

Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Fitrat, Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Elbek, Ashurali Zohiriy kabi adiblar ijod etgan davrdagi sotsiolingvistik sharoit ular yaratgan badiiy, ilmiy, publitsistik asarlar tilidagi lisoniy xususiyatlarning sabab va ildizlarini topish va anglashga imkon beradi. Bu jihatdan XX asrning 20-30-yillaridagi lisoniy jarayon haqida mustaqillik yillarida yaratilgan monografik tadqiqotlar ahamiyatlidir.

Quyida mazkur yo'nalishda amalga oshirilgan tadqiqotlarda bildirilgan ilmiy fikrlarga qisqacha to'xtalamiz. Davr adabiy tili holati publitsistik uslub shakllanishiga ham o'z ta'sirini o'tkazayotgan edi. Xususan, shakllanayotgan adabiy tilda puristik harakatlar ta'siri natijasida tilda sun'iylik vujudga kelayotgan edi. Bu davrda yuzaga kelgan "purizm hodisasi" haqida M.Qurbonova shunday fikrlarni bildiradi: "... Purizm muayyan tarixiy sharoitda har bir tilda vujudga kelishi mumkin. Aniqroq qilib aytganda, biror tilning tovushlar tizimida, leksik tarkibida, sintaktik qurilishida begona tillarning unsurlari ko'payib ketishi, ya'ni boshqa tillarning tazyiqi paydo bo'lishi mumkin. Ana shunday vaziyatda til tozaligini, milliyligini saqlash uchun harakat, ya'ni purizm vujudga keladi. XX asr boshlarida o'zbek tilida ana shunday hodisa – holat yuz berdi. Bu davrdagi o'zbek tilida arabcha, forscha so'zlar bilan birga, usmonli turk va tatar tillarining unsurlari katta foizni tashkil qilardi" [5].

Tilshunos olim D.Ne'matova Cho'lpon publitsistik asarlari tili va uslubini o'rganar ekan, 20-yillarda o'zbek adabiy tilida yuz bergan o'zgarishlar dastlab vaqtli matbuot tilida o'z ifodasini topganini ta'kidlaydi. Cho'lpon publitsistik asarlari tilidagi me'yoriy murakkabliklarning sababini D.Ne'matova o'sha davr tili leksik-semantik xususiyatlarini belgilovchi bir qator omillar bilan bog'liq deb biladi va quyidagilarni yozadi:

1) "... adabiy tilimizda an'anaviy ravishda arab-fors tillari ta'siri kuchli bo'lganligi, aksariyat ziyolilarning "eskicha" tahsil ko'rganligi;

2) Turkiston hududida turk-tatar nashrlarining keng tarqalganligi;

3) mustamlaka Turkiston ijtimoiy-madaniy hayotida Chor Rossiyasi, keyinroq sho'ro ta'sirida yangi o'zgarishlar paydo bo'lganligi;

4) adabiy tilni hali chinakamiga me'yorlashtirib ulgurilmaganligi [6].

Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanining lingvistik tadqiqi bo'yicha izlanishlar olib borgan L.Jalolovning qayd etishicha, XX asrning 20 – 30-yillari o'zbek milliy adabiy tilining shakllanishi va takomili uchun uchta manba mavjud edi: 1) arabiy va forsiy so'zlar, izofalar keng qo'llanilgan holda rivojlanib kelayotgan klassik o'zbek tili; 2) usmonli turk, tatar tillari ta'sirida shakllanayotgan o'sha zamonning rasmiy, badiiy-publitsistik tili; 3) asrlar davomida shakllanib, o'z takomilini topgan, sodda va tushunarli bo'lgan xalq jonli tili. Xalq bilan birga bo'lgan, uning dardini tushunib yetgan o'zbek ziyolilari uchinchi – eng to'g'ri yo'lni tanladilar [7]. L.Jalolova 20 – 30-yillar o'zbek tilining xususiyatlarini, lisoniy belgilarini o'tkinchi hollar deb baholaydi va quyidagi xulosaga keladi: "Har qanday statika dinamikaning uzviy bir halqasidir. Dinamika jarayonida bir holatdan ikkinchi holatga o'tishda oraliq holatlarga yo'l qo'yiladi. Ana shu oraliq holat ikki rivojlanish nuqtasini birlashtirish vazifasini bajaradi va har ikki nuqtaning belgilarini o'zida namoyon qiladi. Bunday holatlar sintetik hodisalarni o'z ichiga oladi va har qanday fanning rivojlanish nuqtasi sanaladi. O'zbek tili tarixiy taraqqiyotida ham 20-30- yillar holati eski o'zbek tilidan hozirgi o'zbek tiliga o'tish davridagi oraliq holatni ifodalaydi. Bu davr tilida eski o'zbek tiliga xos belgilarning saqlanishi bilan birga, hozirgi o'zbek adabiy tili me'yorlarining shakllanish jarayoni ham namoyon bo'lgan. Xuddi ana shu jarayon Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanida o'z ifodasini topgan [7].

Davr adabiy tili tavsifi masalasida Y.Sayidovning quyidagi fikrlari ham e'tiborga molik: "XIX asr oxiri XX asr boshlarida Chor Rossiyasi hukumatining umumruslashtirish madaniy tadbirlari Turkistondagi mavjud ijtimoiy-estetik va badiiy tafakkurni tubdan o'zgartirib yubordi. Nazarda tutilgan davrda o'zbek adabiy tilining lug'at tarkibi rus tili va u orqali yevropa tillaridan o'zlashtirilgan so'zlar hisobiga ancha boyidi. Ruscha-yevropacha o'zlashma so'zlar, asosan, barmoq vaznida yozilgan she'rlarda mavjud bo'lib, aruz vaznidagi ijod namunalarida bunday so'zlar deyarli uchramaydi" [8].

Bu davrda o'zbek adabiy tili va uning tayanch dialektini belgilash borasidagi qarashlar N.Yangiboyeva [9] tadqiqotida keltirilgan. Muallif mazkur davrda adabiy tilning tayanch dialektini belgilashda ikki xil qarash mavjud bo'lganligini, adabiy tilni singarmonizmli shevalar yoki singarmonizmni yo'qotgan shevalar asosida yaratish taklifi matbuotda ilgari surilganligini, shu bilan birga, har ikki holatni ham hisobga olgan holda adabiy tilni yaratish g'oyasi ham taklif qilinganligini ta'kidlaydi. N.Yangiboyeva "Maorif va o'qitg'uvchi" jurnali nashrlaridagi maqolalar orqali davr tili va tilshunosligini o'rganar ekan, jadid adiblarining lotin alifbosiga o'tishning ilmiy va amaliy asoslarini hal etishdagi, o'zbek tilining fonologik tizimini yaratishdagi, o'zbek orfografiyasining tamoyillari va qoidalarini ishlab chiqishdagi faoliyati va tashabbuslarini yuksak baholaydi. Chunonchi, o'zbek dialektologiyasida o'zbek tilining uch lahja asosida tashkil topganligi g'oyasi rus turkolog olimi Ye.D.Polivanov tomonidan emas, balki ma'rifatparvar jadid adibi G'ozzi Olimga tegishli ekanligini jurnal maqolalaridagi dalillar orqali aniq isbotlaydi.

Mazkur davr adabiy tiliga baho berar ekanmiz, kuzatishlar asosida XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi o'zbek milliy tilining quyidagi ijtimoiy tarmoq va ko'rinishlari mavjudligini ta'kidlash o'rinni bo'ladi: 1) XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi o'zbek badiiy adabiyoti tili; 2) XX asr boshlaridagi yangi shakllanib kelayotgan o'zbek matbuoti tili; 3) o'sha davr o'zbek ilmiy va ma'rifiy adabiyot tili; 4) o'zbek folklori asarlari tili; 5) o'zbek xalq lahja va shevalari tili. XX asr boshlaridagi o'zbek adabiy tiliga baho berganda o'zbek tilining keltirilgan til hodisalarining xususiyatlari va o'zaro munosabatini hisobga olgan holda ish tutish maqsadga muvofiqdir.

O'zbek adabiy tilining mazkur davri, ya'ni jadid ma'rifatparvarlari ijod qilgan ilk davrlar ijtimoiy-siyosiy va lisoniy jihatdan juda murakkab edi. Ijtimoiy-siyosiy muammolar, ta'lim-tarbiya, maorif masalalari kun tartibida turgan ushbu davrda milliy til, adabiy tilga munosabat, tilni davr talablariga moslash, uning umummilliy adabiy til sifatidagi rivojlanish yo'llarini belgilash kabi murakkab nazariy va amaliy, milliy va ma'rifiy muammolar ham ustuvorlik kasb etardi.

Mahmudxo'ja Behbudiy yuqorida tahlil qilingan murakkab davrda ijod qildi. Davr adabiy tili va uning ravnaqi masalasiga befarq bo'lmagan adib "...Turkiston o'lkasidagi xalqning ko'bragi o'zbek, qirg'iz-qozoq ham turkman xalqlaridan iborat. Boshqalar bo'lsa-da oz, binoan alayh, o'zbek (sartiya) uchun o'zbek tili (ba'zi shevalari) rasmiy til sanalg'ay teyish..." – deya o'zbek tilini milliy adabiy til darajasiga ko'tarish tashabbuskori sifatida matbuotda bong uradi [10].

O'tgan asrning 20 – 30-yillarida shakllanayotgan yangi o'zbek adabiy tilining me'yorlarini belgilash, uning ilmiy-nazariy qonun-qoidalarini ishlab chiqish ishlarida zamonasining ilg'or ziyolisi sifatida Mahmudxo'ja Behbudiy ham faol ishtirok etadi. Fikr yuritilayotgan muammo yuzasidan matbuot nashrlaridagi maqolalarida tutgan nuqtayi nazarini quyidagicha tahlil qilish mumkin: 1) Mahmudxo'ja Behbudiy dastlab panturkizm ta'sirida bo'lgan bo'lsa-da, yangi o'zbek adabiy tilini mazkur davrda zamonaviy rivojlanish bosqichida bo'lgan usmonli turk, tatar, ozarbayjon tillari asosida emas, balki asrlar davomida shakllanib, o'z takomilini topgan, sodda va tushunarli bo'lgan xalq jonli tili asosida yaratish tarafdori bo'ladi; 2) Biroq o'z fikrlarida jonli xalq tili adabiy tildan farqlanishi kerakligini, "fanniy, adab, ta'lim, tarbiya va diniy kitoblarni sof avom tilida yozmoq mumkin emasligini", "mavjud ilm-u fan va tarixni bilmoq va alardan foydalanmoq uchun avom tilidan farqli" adabiy tilni yaratish zarurligini ta'kidlaydi; 3) U adabiy tilning tamoyillarini belgilashga harakat qilib, birinchi galdagi vazifani adabiy tilning leksik fondini o'zlashmalardan "tozalash"da deb biladi. Uningcha, "muqobil va murodifi xalq tilidan va adabiyotidan yo'qolgan" arabcha, forscha so'zlarni saqlash kerak. Masalan, *dushanba, seshanba, maktab, madrasa, kitob, qasd, tark, insof* kabi so'zlarni tildan chiqarib tashlashga hojat yo'q; 4) Muqobillariga qaraganda arabcha, forscha so'zlar qulay bo'lsa, ularni saqlab qolish kerak, ya'ni arabcha, forscha so'zlarning o'zbekchadagi muqobillari o'zlari qadar ma'lum bo'lmasa. Chunonchi, "*vohidi qiyosiy* ma'nosini *solishtirish o'lchovi* ado etmaydur. Bo'lsa-bo'lmasa, bu bir istiloh bo'lib, "*solishtirish o'lchovi*, ya'ni *vohidi qiyosiy*" deyilmaguncha fahmlanmas" [10]. 5) O'zbek tiliga "muqim o'rnashgon" arabcha, forscha o'zlashmalarni o'zbek tilining leksik, grammatik qoidalariga moslashtirish lozim. Masalan, "*ulum, funun, ulamo, quzzot* demoq yerinda *fanlar, ilmlar, olimlar, qozilar* deb yozingiz" [10]; 6) Ta'limiy adabiyotlarni sheva va lahjalar tilida emas, garchi, arabcha, forscha o'zlashmalar ta'sirida bo'lsa-da, adabiy tilda yaratish kerakligiga urg'u beradi; 7) Behbudiy o'z kuzatishlari asosida o'zbek tili arabcha va forscha so'zlardan butunlay qutula olmasligini tushunadi va "yolg'uz turkcha so'ylashmak va yozmoq abadan mumkin emas, baqadri imkon arabiy, forsiyni oz yozayluk" [10] degan xulosaga keladi.

Olib borilgan kuzatishlar asosida aytish mumkinki, jadid adiblarining barchasi ham XX asr 20 – 30-yillarida yangi o'zbek adabiy tilini eski o'zbek tili asosida shakllantirish, eski o'zbek tilini soddalashtirish va soflashtirish, mumtoz adabiy tilni jonli so'zlashuv tiliga yaqinlashtirish harakatida faol bo'lganliklarini tasdiqlaydi. Shular qatorida Mahmudxo'ja Behbudiyning ham XX asr boshlarida o'zbek milliy tilining shakllanishi va ravnaq topishidagi xizmatlarini alohida ta'kidlash lozim bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Qosimov B. Maslakdoshlar. – Toshkent: Sharq, 1995. -160 b.; Aliev A. Mahmudxo'ja Behbudiy. – Toshkent: Xazina, 1994. -32b.; Rizaev Sh. Jadid dramasi. – Toshkent: Sharq, 1997. -315 b.; Avazov N. Mahmudxo'ja Behbudiyning ijodiy merosi (manbalar): Filol. fanlari nomzodi... diss. –Toshkent: 1995. -217 b.; Saidov H. Mahmudxo'ja Behbudiyning publitsistik va muharrirlik faoliyati: Filol. fanlari nomzodi... diss. –Toshkent: 1998. -138 b.
2. Babajanov F. O'zbek jadid dramalarining lisoniy xususiyatlari (Behbudiy va Avloniy dramalari misolida): Filol. fanlari nomzodi... diss. –Toshkent: 2002. -118 b.; Sayidov Yo. Jadid badiiy asarlari leksikasi: Filol. fan. d-ri (DSc). ... diss. avtoref. – Toshkent, 2018. -68 b.; Normamatov S. O'zbek lug'atchiligining shakllanishi va rivojlanishida jadid ma'rifatparvarlarining o'rni: Filol. fan. d-ri (DSc). ... diss. avtoref. – Toshkent, 2020. - 68 b.
3. Виноградов В.В. Проблемы литературных языков и закономерности их образования и развития. – М.: Наука, 1967. – с. 44.
4. Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1905 - 1917 гг. – Т.: Учпедгиздат УзССР,1940.–с. 104.
5. Qurbonova M. Fitrat tilshunos. – Toshkent: Universitet, 1996. – B. 26.
6. Ne'matova D. Cho'lpon publitsistik asarlarining lingvistik tahlili: Filol. fanlari nomzodi... diss. avtoref. – T., 2004. – B. 8.
7. Jalolova L. Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanining lingvistik tadqiqi: Filol. fan. nomz. ... diss. avtoref. – Toshkent, 2007. – B. 3.
8. Sayidov Y. Jadid badiiy asarlari leksikasi: Filol. fan. d-ri (DS). dissertatsiyasi. – Toshkent, 2018. – B. 274.
9. Yangiboyeva N. XX asrning 20-yillarida o'zbek tilshunosligi jarayoni ("Maorif va o'qitg'uchi" jurnali materiallari asosida): Filol. fan. bo'yicha falsafa doktori (PhD) diss. avtoref. – Qarshi, 2019.
10. Mahmudxo'ja Behbudiy. Tanlangan asarlar 2-jildlik. 1-jild. (nashrga tayyorlovchi Sirojiddin Ahmad). –Toshkent: Akademnashr, 2018.

A.QODIRIYNING «O'TKAN KUNLAR» ROMANINING INGLIZCHA TARJIMASIDA PORTRET TASVIRI VA UNDA AKS ETGAN MILLIY XARAKTERNING BERILISHI

F.T. Qobilova, o'qituvchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro
R.I.Zaripova, PhD, dots, Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada «O'tgan kunlar» asarining inglizcha tarjimasidagi qahramonlari va tabiat tasviri tahlili berilgan. Bundan tashqari, asarning asl mazmuni haqidagi qarashlar berilgan. Muayyan milliy adabiyotning yuksak namunasi sifatida har qanday badiiy asar, avvalambor keng va teran ko'lamdagi milliylik xususiyatiga ega bo'ladi. Binobarin, mazkur xususiyat o'z teranligini, kengligini tarjimada ham saqlab qolishi kerak. Buning uchun tarjimondan aslyatga monand to'g'ri tasavvur hosil qiladigan matn yaratish talab qilinadi. Adabiyot turli-tuman xarakterlarni gavdalandirish orqali insonning ichki dunyosini, uning ijtimoiy muhit bilan munosabatlarini aks ettiradi.

Kalit so'zlar: tarjimon, tarjimada, milliy xarakter, qayta aks ettirish, asar qahramonlari, o'ziga xosligi, portret – tavsifi, yorqin xarakteriga xos, xatti-harakatlar, holatlar

Аннотация. В статье представлен анализ героев «Минувших дней». Кроме того, даны мнения авторов по поводу первоначального смысла произведения. В то же время были события, очень характерные для того периода и непосредственно связанные с общественным развитием. Изображение природных ландшафтов в произведениях искусства – один из факторов проявления творческого художественного мастерства. Потому что в изображении природных пейзажей отношение художника к запечатленному пространству настолько он знает это место, насколько глубоко он чувствует мир героев и среду, в которой они живут.

Ключевые слова: переводчик, в переводе, национальный характер, отголосок, герои произведения, своеобразие, портретное описание, имеет яркий характер, движения, сюжет

Abstract. The article provides an analysis of the heroes of "Days Gone by". In addition, the views of the authors on the original meaning of the work are given. Abdullah Qadiri pays special attention to the reliable and vivid portrayal of the characters. In the depiction of the characters, the writer seeks to show their diversity, their differences, in accordance with the realities of life, and thus to give an idea of the diversity of life.

Key words: provides, analysis, heroes, the views of the authors, on the original meaning of the work, vivid portrayal of the characters, characters, depiction of the characters, the writer seeks to show their diversity

Kirish. Tarjimonga tarixiy mavzudagi asarlarni tarjima qilish zamonaviy mavzudagi asarlarni tarjima qilishga nisbatan murakkab mashg'ulot hisoblanadi. Tarixiy mavzudagi asarlarda tarixiylik va milliylik biri-biri bilan chambarchas bog'liqdir. Bu tushunchalarning birini tarjimada noto'g'ri aks ettirilishi, o'z navbatida, ikkinchisining ham buzilishiga olib keladi. Demak, tarjimon oldidagi murakkab masalalardan yana biri tarjimada milliy xarakterni qayta aks ettirishdir.

Bu uyg'unlik esa o'z navbatida asarning umumiy mavzusi hamda g'oyasi tahlili bilan birgalikda kechadi. "Yozuvchi uchun asosiy va eng qiyin masala xarakter yaratishdir, qolgan hamma narsa ana shunga bog'liq-deb yozadi K.Chukovskiy. – Xarakter yaratishga muyassar bo'ldimi, demak, roman, povest va shu kabilar yaratishga muvaffaq bo'ladi. Agar xarakter yo'q bo'lsa, roman ham yo'q. Til, peyzaj, kompozitsiya, stilning butun hiyla – nayranglari haqiqiy yozuvchi qo'lida faqatgina kishi shaxsini, xarakterini yaratish vositasidir".

Tarjimon tarixiy muhit va milliy xarakter xususiyatlarini diqqat bilan o'rganishiga bo'lgan talablar chindan ham tabiiy bo'lib, ularni badiiy tarjima masalalariga bag'ishlangan deyarli barcha maqolalar va tadqiqotlarda uchratish mumkin. Biroq bu masala o'z mohiyati bilan o'ta murakkab bo'lib, agar tarjimon o'zining "g'arb" va "sharq" xarakterlarini sub'yektiv idrok etishidan kelib chiqib, tor doirada ish olib borsam, bu masala yanada mushkullashadi.

Chindan ham asar qaysi tilga tarjima qilinayotgan bo'lsa, o'sha tilda ravon yangrashi, o'sha tilga xos bo'lgan vositalar yordamida yoritilishi kerak. Tarjimoni o'qiganda kitobxon uni xuddi aslyatdek his eta olsa, bu tarjimonning yutug'idir. "Katta yoki kichik bo'lishidan qat'iy nazar har bir millatning o'ziga xos xususiyatlari bor, u o'z xarakteriga, o'zining tili hamda adabiy qoida va uslubiga egadir. Adabiy asarlarni ularning milliy xususiyati bo'yicha yengil ajrata bilish mumkin. Mana shuning uchun milliy xususiyatini tarjima qilinayotgan tilda bera bilish katta ahamiyatga egadir. Ijodkor tarjimonning san'ati – mahorati xuddi ana shunda bilinadi".

Mavzuning dolzarbligi va hozirgi holati. Badiiy asarda obrazni xarakterlovchi asosiy vositalardan biri portret tasviridir. Portret tasviriy san'atda va badiiy adabiyotda hayot voqeligini bevosita ko'rsatishning eng muhim omillaridan biri hisoblanadi. Portretga ajratilgan o'rin, yuklangan vazifa – hammasi bir mantiqqa, ma'lum bir qonunga bo'ysundirilgan bo'lishi shart. Portret o'z-o'zicha, o'z holicha hamma narsadan ustun turishi, umuman, asar yo'nalishi bilan bog'lanmasligi mumkin emas. Uning o'rnini ham, vazifasini ham asosan

yozuvchi belgilaydi. U istasa, qahramonning xarakterini ochishda portretga yetakchi o‘rin ajratadi, istasa butunlay e‘tibor bermaydi. Bu yozuvchining u yoki bu portret usuliga moyilligi bilan izohlanadi. Lekin, muallif ixtiyori ham ma‘lum darajada nisbiy: hech vaqt asarda portret o‘z-o‘zicha, vazifasiz bo‘lmaydi.

Binobarin, yozuvchi tasvirlagan qahramoni xarakterini o‘ziga xos tomonlarini mujassamlashtiruvchi unsurlardan asosiysi bo‘lgan portret tasvirini tarjimada berish oson ish emas. Negaki “tarixiy shaxs, yoki tarixiy voqealarni qanday bo‘lsa shundayligicha, bo‘yamasdan, xolis ko‘rsatish kerak. Xolis munosabatda bo‘lish lozim”.

Yozuvchi o‘zi yaratayotgan obraz vositasida hayotga, uni o‘rab turgan muhitga, insonlarga munosabatini namoyon etadi. Yaratilgan obrazda yozuvchining dunyoqarashi, hayotni tushunishi, fikrlashdagi o‘ziga xosligi aks etadi. Tarjimon obrazni to‘g‘ri aks ettirsa, asar g‘oyasi va ko‘tarilgan hayotiy muammolarni benuqson ifodalashga erishadi. Zotan, qahramonning tashqi qiyofasi, portreti tasviri obraz, xarakter mohiyatini yoritishning muhim unsuri hisoblanadi. Portret tasviridagi o‘xshatishlar, sifatlashlarda milliy o‘ziga xoslik yorqin aks etadi. Zero, yozuvchi bu o‘xshatish, sifatlashlarni o‘zi mansub bo‘lgan millat moddiy- ma‘naviy olamiga xos unsurlardan oladi. Ma‘lum bir asar qahramonining obrazini tarjimada to‘laqonli aks ettirish uchun uning portretini, nutqini, xatti-harakatini to‘g‘ri tasvirlab berish lozim. Tasvirlashning boshqa vositalari bilan bir qatorda portret tipik obraz yaratishning ta‘sirchan vositasi hisoblanadi. Portret qahramonning ichki dunyosini ochib berishga, xarakterini individuallashtirishga, uning o‘zgachaliklarini ajratib turuvchi xususiyatlarni ko‘rsatishga xizmat qiladi. “O‘tkan kunlar” romanida yozuvchi qahramonlarning ham ichki dunyosini, ham tashqi ko‘rinishini, shuningdek, xarakterini ochib berishda qahramon portretini o‘ziga xos yo‘sinda aks ettirgan.

Tajriba qismi (tadqiqotni amalga oshirish). Muallif birinchilardan bo‘lib qahramonning tashqi ko‘rinishi orqali uning psixologiyasi, xakteri, ichki dunyosini ko‘rsatishga erishgan. Qahramon portretini tasvirlashda ko‘proq milliy bo‘yoqqa ahamiyat berilganligi, o‘z navbatida, tarjima jarayonida mutarjimga noqulayliklar tug‘dirishi mumkin. Ushbu asarning turk tiliga qilingan tarjimasini tahlil etar ekanmiz, qahramon portreti tarjima jarayonida qanday ifoda etilganligiga e‘tiborimizni qaratamiz. Asarning **“Otabek Yusufbek hoji o‘g‘li”** nomli birinchi bobida Otabekka berilgan ta‘rif: **Asliyat:**

“Og‘ir tabi‘atlik, ulug‘ g‘avdalik, ko‘rkam va oq yuzlik, kelishgan, qora ko‘zlik, mutanosib qora qoshliq va endigina murti sabz urgan bir yigit” [1].

Muallif Otabekning “og‘ir vazmin”, “salobatli”, yuzining esa “ko‘rkam va oqligiga”, qaddi-qomati raso, ya‘ni “kelishgan”, ko‘z va qoshlari bir-biriga mutanosib ravishda qoraligi va qahramonimizning yoshini bildirish uchun “endigina murti sabz urgan” ligiga ishora qiladi. Muallif Otabekning portretini o‘zbekona ruh bilan mohirona tasvirlab bergan. Bu satrlarni o‘qigan kitobxon ko‘z oldiga beixtiyor yosh, navqiron, ayni kuch-quvvatga to‘lgan viqorli ko‘rkam, shu bilan bir qatorda, bu ko‘rkamlikni yanada boyitgan og‘ir vazmin bir yigit siymosi gavdalanadi. Endi aynan shu parchani ingliz tiliga tarjimasini bilan solishtiramiz: *“Calm and reserved, of stately build, with a handsome, alabaster face, ebony eyes under equally ebony brows, and a light fuzz of moustache just showing through—such was a yong man...” [2].* Tarjimadan ko‘rinadiki, qahramon portretini mutarjim asl nusxaga monand bera olgan. Otabek portretiga xos detallarni ingliz tiliga berish uchun kerakli ifodalarni topgan. Masalan, “og‘ir ta‘biatlik” uchun “calm and reserved”, “qora ko‘zlik, mutanosib qora qoshliq” o‘rnida “ebony eyes, under equally ebony brows” shaklidagi birikmalarni qo‘llagan. Tarjimon muallifning “ulug‘ g‘avdalik” birikmasining o‘rniga “stately build” so‘zini qo‘llagan va to‘g‘ri yo‘l tutgan. Aslida “stately build” so‘zi ko‘proq “katta g‘avdalik”, “ulug‘ g‘avdalik” ma‘nolarini anglatrsa ham, uning ikkinchi bir ma‘nosi “mag‘runona va ulug‘vor ko‘rinish”, ya‘ni “viqorli” degan mazmunda keladi.

Lekin tarjimada Otabek tasviridagi “kelishgan” so‘zi o‘rniga kelishgan oq yuzli so‘zi ishlatilgan. Bu yerda “handsome man” iborasidan foydalanilsa, maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Yana shuni ham aytib o‘tish kerakki, Otabek portretidagi “endigina murti sabz urgan bir yigit” birikmasini tarjimon “, and a light fuzz of moustache just showing through...” tarzida tarjima qilgan. Yozuvchi bu yerda Otabekning endigina murti, ya‘ni mo‘ylovi ko‘rina boshlaganiga va bu bilan Otabekning endigina yigitlik chog‘iga kirganiga urg‘u beradi. Ingliz tilida esa buning “a light fuzz of moustache” deb tarjima qilinganligi ma‘noni to‘liq ochib bergan.

Yozuvchi Kumushbibining qiyofasini quyidagicha chizadi: *“...Uning qora zulfi par yostiqling turlik tomonig‘a tartibsiz suratda to‘zg‘ib, quyug‘ jingila kiprak ostidag‘i tim qora ko‘zlari bir nuqtag‘a tikilgan-da, nimadir bir narsani ko‘rgan kabi... qop-qora kamon, o‘tib ketgan nafis, qiyig‘ qoshlari chimirilgan-da, nimadir bir narsadan cho‘chigan kabi...to‘lg‘an oydek g‘uborsiz oq yuzi biroz qizilliqg‘a aylangan-da, kimdandir uyalg‘an kabi...Shu vaqt ko‘rpani qayirib ushlagan oq nozik qo‘llari bilan latif burnining o‘ng tomonida, tabiatning nihoyatda usta qo‘l bilan qo‘ndirilg‘an qora xolini qashidi va boshini yostiqlardan olib o‘lturdu...” [1].*

Tarjimasi: *“... Her black braids lie tangled among the pillows, her jet-black eyes gaze out from under her long, thick eyelashes, staring into space as though she had glimpsed something... Her fine, blue-black arched brows are knitted into a frown as though something troubles her... A bashful blush lightly flushes her clear, carefree face, round and luminescent as the full moon... Tossing off the corner of the blanket, she runs her delicate white hand over a black beauty spot, most tastefully placed by mother nature herself to the left of*

the girl's dainty nose.." [2,31-32]. Abdulla Qodiriy so'zlarni tanlab ishlatadi. Portret tasvirida ham Kumushbibining go'zalligini, uning sochlarini, kipriklarini va shu kiprik ostidagi tim qora xumor ko'zlarini, ko'zlariga mutanosib ravishda chizilgan qora va qiyiq qoshlarini, to'lin oydek sof, oppoq yuzini va qizil yanoqlarini, shuningdek, har qanday san'at asari bilan raqobatlasha oladigan, go'zallikni tom ma'noda mukammal holga keltirgan, tabiatning usta qo'li bilan qo'ndirilgan qora xolini so'z vositasida mohir rassomdek chizadi. Ushbu unsurlarning tarjimada qayta aks ettirilishi obrazni to'laqonli chiqishini ta'minlaydi.

Olingan natijalar tahlili va xulosa. Berilgan portret tarjimasini tahlil etadigan bo'lsak, tarjima muvaffaqiyatli chiqqan. Tarjimon ham muallif tilini tushungan va matnni mahorat bilan tarjima qila olgan. Bularni quyidagi o'rinlarda ko'rishimiz mumkin: *quyuq jingila kiprak ostidag'i tim qora ko'zlari bir nuqtaga tikilgan-da, nimadir bir narsani ko'rgan kabi... ifodasi uchun her jet-black eyes gaze out from under her long, thick eyelashes, staring into space as though she had glimpsed something ... birikmasini, to'lg'an oydek g'uborsiz oq yuzi biroz qizilliq'ga aylangan-da, kimdandir uyalg'an kabi... ta'rifi uchun A bashful blush lightly flushes her clear, carefree face, round and luminescent as the full moon....ifodasini qo'llaydi. Tarjimonning mahorati Kumushbibining latif burnining o'ng tomonida, tabiatning nihoyatda usta qo'li bilan qo'ndirilgan qora xolini tarjimada qayta yaratishda ko'zga tashlanadi. Mutarjim bu ta'rifi she runs her delicate white hand over a black beauty spot, most tastefully placed by mother nature herself to the left of the girl's dainty nose..deb tarjima qilgan. Keyingi portret tasviri va tarjimasini qiyoslab ko'raylik:*

Birinchi shaxsga berilgan ta'rifning tarjimasini aynan aslyat bergan ma'noni bera olgan. Tarjimon "gavdaga kichik" ifodasi uchun "shortish" iborasini, "yuzga to'la" ta'rifi uchun "round-faced", "ozroqqina soqol-murtlik" tasviri uchun "with a sparse beard and moustache" birikmasini qo'llaydi va to'g'ri yo'l tutadi. Ikkinchi shaxsga to'xtaladigan bo'lsak, ikkinchisi ham aslyatga monand, biroq asl nusxada "chag'ir ko'zlik" birikmasi tarjimada "lanky" tarzida tarjima qilingan. Chag'ir ko'z deganda, o'zbek tilida porlab turuvchi, nigohi o'tkir ko'z nazarda tutiladi. Ingliz tilida lanky deganda "ko'k ko'z" li inson tushuniladi. Bu o'rinda, qahramon portretida muallif nazarda tutgan obraz, tarjimada asl ma'nodan biroz uzoqlashib ketgan holatini ko'rishimiz mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdulla Qadiri "Days gone by" Nouveau Monde editions, 2018 44, quai Henry-IV -75004 Paris ISBN:978-2-36942-7872
2. Qodiriy A., O'tkan kunlar, roman, Toshkent, 2013.
3. Karimov I.A. Bizdan ozod va obod vatan qolsin. 2-jild. T.: O'zbekiston, 1996.
4. Yozici Mine. Çeviribilme Giriş. – İstanbul yayınları, 2001.
5. Бар Л.Б. Анализ художественного произведения.-Т.: Ўқитувчи,1995.
6. Винокур Г.О. О языке художественной литературы.-М.,1991.
7. Адабиёт назарияси: 2 томлик.-Т.,1979.
8. Бадий таржиманинг актуал масалалари. –Т.: Фан нашриёти, 1977.
9. Жўраев К. Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982.
10. Исомиддинов З. Алдоқчи сўзлар билан баҳс. // Таржима санъати. 5-китоб. – Т., 1980.
11. Т. Malik. Tanlangan asarlar. 5-jid. T., 2007
12. Йўлдошев И., Т.Ўзтүрк, Ю.Ўзтүрк Ўзбек ва турк мақоллари ва иборалари. – Т.: Ўзбек – турк лицейлари, 1998.
13. Каримов М. Туркий тиллардан биридан иккинчисига таржима қилишининг айрим масалалари. Бадий таржима дўстлик қуроли. Т., - Ўқитувчи, 1990.
14. Комилов Н., Саломов Ф. Таржимон маҳорати. – Т.: Фан, 1979 .
15. Литературный энциклопедический словарь.-М.,1987.
16. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан нашриёти, 1966.
17. Qobilova F.T., Babayeva V. O'zbek tilidagi maqollarni, uning yondosh hodisalarini ingliz tili, nemis tili va rus tillariga qiyoslab o'rganish/Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, Buxoro 2019.

UDC 81-13

THE METHOD APTITUDE AND STORY DYNAMICS F.A. Radjapova, PhD, Urgench State University, Urgench

Аннотация. *Ҳозирги ўзбек адабиёти нунослигида насрий асарлар тадқиқи салмоғи тобора ошиб бормоқда. Хусусан, истиқлол даврида яратилган наср намуналарини янгича илмий тафаккур мезонлари асосида ўрганиш кенгайти. Бу фикр қиссаларга ҳам даҳлдор. Аммо, уларни атрофлича, яхлит ҳолда тадқиқ этишида баъзи муаммолар қамраб олинмаяпти. Мақолада назарий аспект устувор бўлган ўзбек қиссачилигининг кам ўрганилган услуб ва поэтик тил муаммоси талқин марказига қўйилган ва етарли асосланган.*

Калит сўзлар: *давр, инсон, ижодий метод, тафаккур, услуб, реализм, хусусият, истеъдод, қисса, саргузашт, наср*

Аннотация. *В современной узбекской литературе возрастает роль исследования прозаических произведений. В частности, расширяется изучение образцов прозы, созданных в годы независимости на основе новых критериев научного мышления. Эта идея также применима к рассказам. Однако*

некоторые проблемы не освещаются в их всестороннем целостном исследовании. Статья посвящена малоизученному стилю и поэтическому языку узбекского повествования, теоретический аспект которого является приоритетным и достаточно обоснованным.

Ключевые слова: период, человек, творческий метод, мышление, стиль, реализм, особенность, талант, повесть, приключение, проза

Abstract. In modern Uzbek literature, the role of the study of prose works is increasing. In particular, the study of prose samples created during the years of independence on the basis of new criteria of scientific thinking is expanding. This idea also applies to stories. However, some issues are not covered in their comprehensive holistic study. The article is devoted to the little-studied style and poetic language of the Uzbek narrative, the theoretical aspect of which is a priority and sufficiently substantiated.

Key words: period, mankind, creative method, thinking, style, realism, peculiarity, talent, narrative, adventure, prose

Introduction. The current renewal period and human spirituality require a deeper approach to some issues of artistic creation, a new understanding of today's process and a number of theoretical ideas. The creative method, style and genre relationship play a significant role in this series of issues. All in all none of this cannot develop without interaction. These concepts are among the core issues of artistic creation, and their historical and creative nature, their dependence on the evolution of time and aesthetic thinking, are of great scientific importance. Indeed, "in connection with the concept of style, various problems have arisen, such as style and method, style and form, style and genre relations, as well as methodological directions and comparison of styles, so that both the nature of literary science and the development of artistic perfection required entering [1].

Results obtained and their analysis. For, no matter how private and varied an individual style may be, it cannot be free from the influence of the laws of artistic creation, the ongoing change in the perfection of method and genre, and the leading features of it. Therefore, if the writer's style gives the work originality, the work itself serves to improve the genre to which it belongs, and the genre serves to enrich the method.

It is known that the essence of the concept of method reflects the artist's certain aesthetic attitude to reality, things and events, the image is real, realism or as an expression of desire, dream (romanticism) in an uplifting spirit. While objectivity is a priority in the first and subjectivity in the second, the truthfulness and artistic imagery of realism as the leading creative method of our national literature has always been its main criteria.

Nowadays, the possibilities of realism and its role in the development of genres are becoming more and more evident. This can also be seen in the relationship between the so-called traditional realism method and the story genre. Emerging and changing according to spiritual and aesthetic needs will happen as "the method is the general principle of the creative approach to the perceived reality, that is, the principle of re-creation of reality, and therefore it cannot live outside its concrete-individual performance" [2].

Common to the creative method of realism, this law applies to each national literature and literary genre. Consequently, the concepts of method, genre, and style have specific features, "the method first of all considers the commonalities of the writer with the other close writers, and in style the aspects that distinguish them: his personal experience, talent, speech tone and etc. will stand out" [3]

In this process, the level of personal desire, talent, ability to express their potential in literary genres and genres becomes clear, and as a result the work belongs to a particular method. The value of a work is determined by its ideological and artistic level. Literary critic O. Sharafiddinov's opinion on this issue is noteworthy: "Whether it follows another modernist style or not, a person should be at the center of it, so that the reader can get certain information about the destiny, nature and life of a person, as well as enjoy this work aesthetically." [4]

These ideas emphasize the need to describe the creative method in detail, realistically and effectively ("aesthetic pleasure") in the pursuit of higher goals, regardless of the name of the creative method or its time and place.

It should be noted that until the 1990s, socialist realism was recognized as the only method of literature in the former Soviet Union, and in the following period its crisis and the establishment of creative freedom proved to be a new phenomenon in the literary process. In the genre and style system of the method of socialist realism, the complications left behind have been detailed in studies created during the years of independence. In this regard, H. Boltaboev's *Nasr va uslub* (Prose and style), O. Sharafiddinov's *Ijodni anglash baxti* (The Happiness of understanding creativity), U. Normatov's *Ijod sehri* (The Magic of Creativity), A. Rasulov's *Tanqid, tahlil va baholash* (Criticism, Analysis, Evaluation), *Badiiylik-bezavol yangilik* (Literariness-eternal novelty) are characteristic in this matter. The stereotypes and other negatives were shown on the basis of concrete facts, in-depth considerations in these works as the literature has become a tool of politics, the creative individuality and freedom of the artist have been stifled, the artistic style has been largely monotonous, society has become the main criterion, and in general, literary and artistic thinking are forced to set into the same mold.

But even during the reign of individual ideology and method, the works, including short stories, became a mature work of art, truly illuminated man and life, and demonstrated the potential of true realism which broke the iron shells. These are *Shum bola*, *Yodgor* by G.Gulam, *Obid ketmon* by Qodiri, *Bolalik* by Oybek, *O'tmishdan ertaklar*, *Sinchalak* by A.Qahhor, *Muqaddas* by Yakubov, *Dunyoning ishlari* by U.Hashimov, short stories *Yoz yomghiri* by O. Umarbekov and others. Although the genre of realism was predominant in folk literature of the East, including the Uzbek classical literature it should be noted that it has retained its main essence in the twentieth century, and the current image is constantly improving due to new opportunities as a continuation of this creative process.

This is made possible by the following factors:

1. The need for new literary and artistic thinking and changes in the creative worldview to be justified due to the socio-economic changes in society and human life. Therefore, the real reality, the level of development of society in literary genres requires, first of all, realistic image trends, the principle of authenticity in the aesthetic views of the creator.

2. The role of traditionalism in the perfection of realism. There is a dialectical relationship between these two concepts, "just as no method can be formed without a solid stable tradition, there can be no question of stable traditions without certain creative methods." [5] The scope of these traditions is increasingly covering the components of artistic image, the creative style, plot, genres, poetic language and other components of literary works. Some elements of their oral creation or belonging to classical literature are re-polished with creative assimilation in realistic interpretation.

3. The role of literary relations and the influence of the experience accumulated in realism in the world, including Russian literature. However, this influence was accepted not in European standards, but in accordance with the Uzbek national literary thinking, and with a creative approach to them. This creativity is vividly manifested in the principles of image, in the attitude to new genres and stylistic forms. This process continues to this day and is reflected in the diversity of contemporary styles and genres of prose, including the internal types of the narratives.

Consequently, the basis of the possibilities of modern realism to rediscover reality is based on the literary experience of the twentieth century, which is constantly enriched in continuity, in the evolution of genres and styles.

Indeed, the traditional genres such as novel, short story, poem (modern epic), drama, ballad, new epic, story (narrative) and lyrical forms have a special place in the structure of each method in Uzbek literature.

The authors' artistic perception and realistic depiction of reality begins with an understanding of the method. The artist's worldview, figurative thinking, and the individual talent play an important role in it. This is also a feature of the method of Uzbek literature in the realist stage. The estimation of an academician I.Sultan is characteristic on this point "The period of realism in literature is associated with the widespread development of literary genres such as short stories, narratives and dramas, which are very close to life." [6]

Two important aspects related to the essence of the method are emphasized here. First, realism is primary prose in literature and while dramatic genres are related to perfection, the second is the recognition of the closeness of those genres to life.

The role of epic genres is significant in the manifestation of the vitality of the essence of realism, the uniqueness of its possibilities and the large-scale expression of creative artistic thinking. This is especially evident in epic genres - novels and narratives, which reflect reality in the context of different images and sharp conflicts on a larger scale than in lyrical and dramatic genres. Therefore, the new aspects of the possibilities of realism are emerging in such phenomena as the opening of a wide ways to traditional and non-traditional image principles, different methodological directions and individual approaches. But the main typological feature for all of them is the requirements of realism to be followed. The individual style peculiarities are components that enrich realism. The influence of the genre's imaginative possibilities and expressive diversity are particularly noticeable in the manifestation of the creative method. This feature is primarily a phenomenon that depends on the structure of the genre work and the scope and level of coverage of reality in it.

The following opinion of academician M. Khrapchenko further clarifies the issue. "The genre is characterized when the work is formed as an aesthetic whole and when the method of its formation is determined. Talking about the improvement of conflict in terms of expressive and visual means leads us to the realm of style. Thus, it can be observed in the structure of a work of art that the creative method, genre and style are interrelated." [7] From the above considerations, it is clear that the relationship between method, genre and style trinity plays a key role in views on a work of art. The nature and aspects of this relationship are reflected in the analysis of the overall text, and the compositional structure of the work. It requires that first of all, attention should be paid to the characteristics of the genre in determining the position of each genre and creative style in the expression of the creative method. Therefore, it is necessary to take into account the characteristics of the story, such as genre characteristics, evolution, and the process of renewal.

REFERENCES:

1. Болтабоев Х. Наср ва услуб. - Тошкент: Фан, 1992. - Б. 3.
2. Краткая литературная энциклопедия. Т. 4. - М., 1972. - С. 301.

3. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М: Просвещения, 1971. – С.411.
4. Шарафиддинов О. Иждодни англаш бахти. – Тошкент: Шарк, 2004. – Б. 245.
5. Саримсоков Б. Ўзбек фольклорининг иждодий методларини аниқлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1990. - №.1. - Б.50.
6. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - Б. 306.
7. Храпченко М. Типологическое изучение литературы и его принципы // Вопросы литературы.

UO'K 82-821

BOTU SHE'RIYATIDA GO'YAVIY ESTETIK IFODANING O'ZIGA XOSLIGI*L.F. Tajibayeva, assistant, Qoraqalpoq Davlat Universiteti, Nukus*

Annotatsiya. *Maqolada milliy uyg'onish davri millat madaniyatida munosib o'rin egallagan o'zbek shoiri Mahmud Hodiyeв ijodida yangicha g'oyaviy-estetik qarashlar tahlillanadi. Unda ijod va e'tiqod, maslak va muddao omuxtalashuvi, she'riyatda islohot va ma'rifat sintezi, adabiy talqin o'ziga xosligi va ijodni baholash mezonlari, mavzu problematikasi, davr ruhiyati va tahlil malakasi nisbati nazariy sathda umumlashtiriladi. Umuman, Botu ijodida ma'rifat, islohot va targ'ibot g'oyasi yaxlit lirik ifoda sub'yekti darajasiga ko'tariladi. Maqolada aynan shu jihatlarga e'tibor qaratilgan. Xulosalar tahlillar orqali yoritib berilgan.*

Kalit so'zlar: *Botu, ijod falsafasi, adabiy talqin, tasvir ruhiyati, badiiy mahorat, idrok sezgisi, poetik tafakkur, tahlil malakasi, g'oyaviy-estetik asos va baholash mezonlari*

Аннотация. *В статье анализируются новые идейно-эстетические взгляды в творчестве узбекского поэта Махмуда Ходиева, сыгравшего достойную роль в культуре нации в период национального возрождения. Он обобщает на теоретическом уровне сочетание творчества и веры, профессии и цели, синтез реформирования и просвещения в поэзии, специфику литературной интерпретации и критерии оценки творчества, предмета, духа периода и аналитических навыков. В целом в творчестве Боту идея просвещения, реформы и пропаганды поднимается до уровня предмета целостного лирического выражения. Это именно то, чему посвящена статья. Выводы освещаются посредством анализа.*

Ключевые слова: *Боту, философия творчества, литературная интерпретация, психика образа, художественное мастерство, восприятие, поэтическое мышление, аналитические способности, идейно-эстетическая основа и критерии оценки*

Abstract. *The article analyzes the new ideological and aesthetic views in the work of the Uzbek poet Mahmud Khodiyev, who played a worthy role in the culture of the nation during the national revival. It generalizes at the theoretical level the combination of creativity and faith, profession and purpose, the synthesis of reform and enlightenment in poetry, the specificity of literary interpretation and the criteria for evaluating creativity, subject matter, the spirit of the period and analytical skills. In general, in Botu's work, the idea of enlightenment, reform and propaganda rises to the level of a subject of holistic lyrical expression. This is exactly what the article focuses on. The findings are illuminated through analysis.*

Keywords: *Botu, philosophy of creation, literary interpretation, image psyche, artistic skill, perception, poetic thinking, analytical skills, ideological and aesthetic basis and evaluation criteria*

Madaniyatlar kesishgan chorrahada tamaddun belgilari qad rostlaydi. Ayniqsa, ijtimoiy-iqtisodiy tutum jadal o'rin almashinuvi yosh avlod dunyoqarashi ancha erta voyaga yetishi va mustahkamlanishiga zamin hozirlaydi. Islohotchilik, ma'rifatarparvarlik hamda tashviqotchilik omuxtalashgan XX asrning avvalida yangi hayot farovonligiga ishonch va umid bo'y ko'rsatgandi. Biroq hukmron mafkura bosimi qatag'on siyosatini kun tartibiga qo'ydi. Natija o'laroq millatni g'aflat uyqusidan uyg'otmoq istagida bo'lgan asl o'g'lonlar izchil davom etgan jarayon qurboniga aylanayozdi. Ana shunday fidoyi farzandlardan biri Botu taxallusi bilan ijod qilgan Mahmud Hodiyeв hisoblanadi. "Umid uchqunlari" (1925) va "To'lqin tovushlari" she'riy to'plamlari bilan shuhrat qozongan shoir ifoda uslubida yorqin istiqbolga ishonch, yangi davr ravnaqiga umid tuyg'usi ko'rinadi:

Ko'nglimda bo'lgan sevgi tamug'i
Dardli ruhinning sevgan ozug'i.
Bu tamug'dagi olovlar so'nsa,
Tirikligimning bitar yorug'i [2, 28].

Yaxlit to'rt misradan iborat "Parcha" (1920) she'ri sof turkona alfozda bitilgan. "Dardli ruh" hamisha ishq sezimidan oziqlanadi. Muallif "ey turonliklar" va "ey turkistonliklar" deya murojaat qilarkan, millat fojeasini yalqovlik hamda jaholatda ko'radi. Uning nazdida, "qo'rqinch, jonsiz, tip-tinch, ulkan, qayg'u-alam cho'lida" qolgan el "yo'qsil" holiga tushib qolgan! "Qiynoq bilan bita yozgan" millat qismatini tasavvur etish mushkul, inchunun, "ko'ngildagi eng muqaddas tilak" xalq ozodligiga payvandlanadi. Biroq muallif umidi armonga aylanadi, idrok sezgisi "dard ostida sap-sarg'ayib so'ladir". Ma'naviy daxlsizlik huquqi ham shaxs,

ham jamiyat, ham millat uchun g'oyat muhim, buni ilg'agan lirik qahramon hissiy parda yuksak ohangida mustaqillik sezimini markazlashtirishga harakat qiladi:

Keng cho'larda, dengizlarda yo'ldan chiqqan yo'lchilar,
Marhamatli sen yulduzga qarab yo'lni toparlar.
Tip-tinch tunda yo'lni bilmay qo'rqinch aro qolganlar
Sen go'zalning ko'maging-la qo'rqinchlardan qutular,
Ey ko'makchi, marhamatli Temir qoziq yulduzi [2, 29].

"Yo'ldan chiqqan yo'lchilar" tarix azmu-shijoatini o'zgartirishga bel bog'lagan kuchlar, shoir Temir qoziq yulduziga murojaat qilarkan, yorqin kelajak orzusini yashirmaydi. "Tip-tinch tunda yo'lni bilmay qo'rqinch aro qolganlar" poetik tavsif zulmatga o'qilgan aybnomadek yangraydi. Yo'lchi yulduz bajaradigan vazifa nurafshon so'qmoqlarni yoritishdan iborat! Muallif ramziy-majoziy talqin yordamida shafqatsiz voqelik ruhoni holatini manzaralashtiradi.

"Abdulla Qodiriy, Hamza, Fitrat, Cho'lpon, garchi asosiy asarlarini sho'ro davrida yaratganlari bilan, ruhan-ma'nan, e'tiqodan yangi tuzum yozuvchisi emas edilar. Ularning fikr-yodi, maqsadi xalqni qoloqlikdan olib chiqish, hurfikrlilik manzili tomon yo'naltirish edi. Ular mukammal, murakkab xarakterlar yaratish mahoratini chuqur o'zlashtirmagan bo'lsalar-da, adabiy xarakter ruh-ruhiga kira oldilar" [3,11]. Publitsistikada Abdulla Qodiriy va G'ozi Olim Yunusovdan, nazmda Cho'lpon va Abdurauf Fitratdan andoza olgan Botu aksar she'rlarida shaxs erki va jamiyat taraqqiyoti, inson ibtidosi hamda intihosi, "mavjudlik jumbog'i" mohiyatini idroklashga intiladi, hayotiy-maishiy muammo talqinini hissiy tafakkur idrokida baholashga intiladi. Muallif "ana so'ngra qop-qorong'u zindonda, yig'lab-siqtab o'limingni kutarsan" satrlari aslida o'zbek qiziga bag'ishlangan bo'lsa-da, o'z achchiq qismatini bashorat bilan barobar edi. Nuktadon shoir shunday yozadi:

Ko'ksingdagi erk chechagin boy berib,
Erta-indin motam gulin taqarsan.
Qo'lingdagi baxt cholg'usin sindirib,
Qayg'u-alam o'chog'ida yoqarsan [2, 29].

Murojaat zamirida ko'ngil sarzanishlaridan sizib chiqayotgan iztirob hajmi jilvalanadi. Aslida qalb istagi borliq imkoniyati tosig'iga uriladi, muntazam kenglik, musdaffolik hamda yuksaklik xayolotda qolib ketadi. Orzularga yo'ldosh tuyg'uda ajib bir ulug'vorlik mujassam: qabariq tasvir yo'sinida diyonat, ilinj, oqibat va umid yaxlitlashadi. Badiiy tamsillar mudomi ruhoni teranlik sari yo'l oladi, yurak nozik injasirlarini kashf etish uning muddaosini tayinlaydi. So'z hamda estetik idrok uyg'unlashgan ifoda ijodiy mustaqilligida harorat tafti seziladi:

O'ynoqi dengizdan
To'sqinlik kelsa,
To'lqinlarini
Yanchib o'taman.
Tog'lar ko'kragin
Bosib oshaman [2, 42].

"To'xtamayman hech" murojaati qatimida yoshlik shijoati jilolanadi. Bir qadar shakkokona ohang (bolalik chog'imda, qiblani menga, yanglish ko'rsatgan, ey azamatlar!) aslida yorqin istiqbolga ishonch hissidan rang oladi, lekin qattol siyosat uning o'zini mahv etadi! "Telba daryolar" oqimi eng sara millat farzandlari qatorida Botuni ham qatag'on qurboni darajasiga ko'taradi. "Munglanib, dardlanib, har yoqqa termulib, to'kilish onlarin" kutish uning ham qismatiga bitiladi. Fojea butun o'zbek millati tiynatini qamrab oladi. Muallif goh mahzun, goh umidbaxsh tuyg'ular suvrati qatimida "o'lim shamollari kutib" turganini asta-sekin anglaydi.

She'r shoir ruhiy-psixologik holati umumlashgan mohiyati. Ijodkor idrokida hosil bo'lgan tuyg'ular ohangi lirik qahramon holatida maromiga yetadi. Unda poetik xarakter shakllanish tarixi, shaxs tadrijiy takomili, jiddiy yangilanish sur'ati aks etadi. Shunga muvofiq ravishda inson bio-estetik-qadriyaviy qirralari uzluksiz kechadigan jarayonda uyg'unlashadi. Turfa harakat va holat chiziqlari so'z-obraz-ruhiyat parchalari atrofiga jipslashib, muallif borliqqa faol ijodiy munosabatini dalolatlaydi. Ayni paytda, quvvat-hofizada sayqal topgan, rivojlangan shaxsiy kechinma umumiylikka intiladi va muayyan shakl-shamoyil doirasida ko'lamga ega bo'ladi. Aslida, odamzod tabiati barqaror aniqlikdan umuminsoniy mohiyat sari rivojlanadi. To'g'rirog'i, har qanday alohidalik zamirida insoniyatga xos zarif xislatlar ibtidosi murakkablashib boradi. Aynan xususiyatlashgan belgilar o'zgachaligi barqarorlashgan mezonlar orqali namoyon bo'lishini e'tiborga olsak, alohidalikning shakllanish bosqichlari bashariyat tarixiy taraqqiyoti uzviy davomi ekanligi anglashiladi. Shu ma'noda, poetik til ma'no tadrijini muayyan tizimga solish, bir tomondan, shoir ijodi o'ziga xosligini tayinlash imkonini bersa, ikkinchi tomondan, lirika adabiy rivojlanish qonuniyatlarini belgilashga zamin hozirlaydi.

Umuman, Botu ijodida ma'rifat, islohot va targ'ibot g'oyasi yaxlit lirik ifoda sub'yekti darajasiga ko'tariladi. Shoir aksar she'rlari ijodiy biografiyaga hamohang, iztirob, dard va qayg'u qoyim bitiklarda sog'lom e'tiqod hamda barqaror maslak bo'rtib turadi. Erk, ozodlik va iroda yo'nalishiga qorishgan tasvir

yo'sinida ajib bir salobat mavjud! Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, Mahmud Hodiyeв turk, fors-tojik va rus tillarini mukammal bilgan, yosh bo'lishiga qaramay, quvvat-hofizasi ancha taraqqiy topgan. Shoir uslubiy-shakliy izlanishlarida an'ana hamda tajriba bir-biriga g'alati tarzda omuxtalashadi, tasavvur teranligi, manzara tarangligi va adabiy talqin o'ziga xosligi mumtoz she'riy merosni tadqiq qilishga ehtiyoj tug'diradi. Unda ma'naviyat hamda ma'rifat hayotni tadqiq qilish omiliga aylanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Botu. Tanlangan asarlar. –Toshkent: Sharq, 2004.
3. Rasulov A. Badiiylik – bezavol yangilik. - Toshkent: Sharq, 2007.
4. Qosimov B. Ma'rifat darg'alari. -Toshkent: O'qituvchi, 1979.
5. Nodira Afoqova. Jadid g'azalyoti.- Toshkent: Fan, 2005
6. Qosimov B. va boshqalar. Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti. – Toshkent: Ma'naviyat, 2005.
7. Qosimov B. O'zbek adabiyoti va adabiy aloqalari tarixi. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2008.
8. Fitrat. Adabiyot qoidalari.-Toshkent: Fan,1995
9. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti.-Toshkent: Sharq,2004.
10. Karimov N. XX asr adabiyot manzaralari.-Toshkent : O'zbekiston,2008.
11. Qahramonov Q. Adabiy tanqid:yangilanish jarayonlari.-Toshkent : O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2009.
12. Rasulov A. Talqin, tahlil, baho.-Toshkent: Fan,2006.
13. Hamdam U. Yangilanish ehtiyoji.-Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007.
14. Yo'ldoshev Q. Yoniq so'z.-Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006.
15. Hamdamov U. Badiiy tafakkur tadriji.-Toshkent:Yangi asr avlodi, 2002

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА «ТАЪЛИМ» МАЙДОНИНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЕРАРХИК ТАДҚИҚИ

Д.Х. Фаниева, ўқитувчи, Фаргона давлат университети, Фаргона

Аннотация. Мазкур ишимиз “таълим” семали луғавий бирликларни қиёсий тадқиқ қилиниши, “таълим” майдонининг ўхшашлик ва фарқларини аниқлаш, икки тилга таъсир этувчи миллий-маданий ва ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқишини, шунингдек, икки тил ўқув луғатларининг таржима муаммоларини ҳал қилиш жиҳатларини ўз ичига олади.

Калим сўзлар: семантик майдон, лакуна, иерархик структур таҳлил, реалиа, архилексема

Аннотация. Данная статья посвящена сравнительному изучению лексических единиц в сфере «образование», выявлению сходств и различий в сфере «образование», изучению национально-культурных и специфических особенностей, влияющих на два языка, а также приобретение двуязычного словарного запаса.

Ключевые слова: семантическое поле, лакуна, иерархический структурный анализ, реалии, архилексема

Abstract. The article is devoted to comparative study of lexical units in the field of "education", to identify the similarities and differences in the field of "education", the study of national-cultural and specific features that affect the two languages, as well as the acquisition of bilingual vocabulary.

Keywords: semantic field, lacunaes, hierarchical structural analysis, analogues, reciprocal equivalents, correlate pairs

Жамият тараққийотининг замонавий босқичи ва унинг босқичма-босқич "билимлар жамияти" га айланиши (асосий кадрият билим бўлган жамият) "таълим" концепцияси, таълим ва таълимни ўз ичига олган аниқ билимлар, кўникма ва тушунчаларни қамраб оладиган янги изланишлар, билимларни талаб қилмоқда. Тадқиқотимизда "таълим" терминологик тизимидаги фарқларни аниқлаш учун контраст таҳлил, компонент таҳлил ва луғатлардаги изоҳларни таҳлил қилиш методларидан фойдаланилди.

- Ўзбек ва инглиз тилларида “таълим” семантик майдонининг қиёсий иерархик структур таҳлили;

- “инглиз тили таълим” ЛСМ нинг ўзига хос хусусиятларидан бири реалиа терминларига эгаллиги ва контраст таҳлили;

- ўзбек ва инглиз тиллари учун универсал микромайдонларнинг архилексемалари таҳлили;

- ўзбек ва инглиз тилларида турлича таълим жараёнини ташкил этиш ва олий таълимга талабаларни қабул қилиш жараёни луғавий бирликларининг қиёсий таҳлили.

Ўзбек ва инглиз тилларида таълим соҳасининг фарқли хусусиятлари биринчи навбатда Ўзбекистон, Буюк Британия ва АҚШ маданиятларининг бир - бирдан турли хил тарихий асослари туфайли, яъни мамлакатларнинг географик узоқлиги, маъмурий бўлинишидаги фарқлар, турли этник таркиби билан тубдан фарқ қилишидир. Қуйида “таълим” семантик майдонининг иерархик структур таҳлилинини кўриб чиқамиз. 1. Умумий ўрта таълим:

Ўзбекистонда тўлиқ умумий таълим тузилиши қуйидагича:

а) Бошланғич таълим - давомийлиги 4 йил;

б) Умумий ўрта таълим 1-9-синфлар, (ихтиёрий 10-11-синфлар);

с) Умумий ўрта - махсус таълим: Касб -хунар таълими (умумий ўрта махсус таълим ва ўрта махсус таълим) - кундузги академик лицей ёки касб -хунар коллежлари, техникумлар 3 йил давомида).

Буюк Британияда умумий ўрта таълим мактабларнинг қуйидаги бўлиниш схемалари мавжуд:

а) Infant school or nursery school (3 йил) - junior school (4 йил) – grammar (comprehensive) school (5йил);

б) Primary school (7 йил) – secondary school (5йил) ;

с) First school – (4 йил) – middle school (4 йил) – junior high school (4 йил).

Умумий ўрта таълимнинг бундай таркиби Ўзбекистон таълим тизимида ва унга тегишли луғавий бирликларда учрамайди. Шунингдек, Б.Б. да *Sixth Form College* алоҳида автоном умумий ўрта таълим тизими сифатида мавжуд бўлиб, бунда ўқувчи ўрта таълимни тугатганидан сўнг (16-19 ёшларда) яна 3 йил давомида *Sixth Form College* да таҳсил олади ва ўқиш якунида *Халқаро бакалавр дипломи, А даража ёки General Certificate of Secondary Education (GCSE)* сертификати эга бўлади. Юртимиз таълим тизимида эса олий таълим ихтиёрийдир. Шунингдек, АҚШ ҳам ягона доимий умумий ўрта таълим схемасига эга эмас.

а) Elementary school (6years) – middle school (2 years) – 4-year high school (4years);

б) Elementary school (6 years) – junior high school (3years) – senior high school (3 years);

с) Elementary school (8years) – combined junior and high school (4 years).

Назарий жиҳатдан, АҚШ да умумий ўрта таълим 12 йил, Ўзбекистонда 11 йил, Буюк Британияда эса 13 йилни ташкил қилади.

2. Олий таълим. Юртимизда олий таълимда бакалавр даражасини олиш муддати АҚШ каби 4 йил, Буюк Британияда эса 3 йил. Ҳар икки давлатда ҳам Ўзбекистон каби бакалаврлик даражасидан сўнг 2 йиллик магистратура таълими мавжуд. Ўзбекистон олий ўқув юртларида талабалар бакалавр даражасини эгаллашлари биланок магистратурада ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Шунингдек, олий таълим тизимини ташкил этишда маълум фарқлар бор: Ўзбекистон таълим тизимида *олий ўқув юртдан кейинги таълим* алоҳида ажралиб туради ва *PhD* (Фалсафа фанлари доктори), *DSc* (фан доктори) илмий даражасини олиш учун илмий иш ҳимоя қилинади. АҚШ ва Буюк Британияда эса худди шундай таълим даражаси олий таълим таркибига киритилган ва *graduate school* (Амп.), *post-graduate school* (Б.Бр.) луғавий бирликлари қўлланилади. Яна бир фарқли жиҳати, АҚШ да *professional school* (касб-хунар мактаби)га ажратилган бўлиб, махсус соҳа мутахассисларини тайёрлайди (юрис, шифокор каби), таълим сўнггида диссертация ҳимоясидан сўнг бакалавр ёки магистрлик даражасини олиши мумкин. “Таълим” лексик семантик майдонининг таҳлил қилинган юқоридаги иерархик структураси жамиятдаги таълимнинг тузилишини ва уни ишлаш тизимини акс эттиради.

Ўзбекистон, АҚШ ва Буюк Британия мамлакатларининг олий таълимга талабаларни қабул қилиш жараёни ҳам турлича. “2020-2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. 2019-2020-ўқув йилларида 3 та бакалаврият йўналишини танлаш имкони бўлган бўлса, унганча абитуриентлар фақатгина битта таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган. Буюк Британияда эса олий ўқув юртларига киришни истаган талабалар тўғридан тўғри университет ёки коллежларнинг онлайн аризаларни қабул қилиш бўлими (UCAS) га мурожаат қилишади ва кирмоқчи бўлган 5 та таълим муассасасини танлайдилар ва UCAS ҳужжатларни керакли таълим муассасаларига юборади. Олий ўқув юртлари абитуриентнинг баҳоларига кўра уларни кириш имтиҳонлари учун танлаб олади. АҚШ да ҳам деярли худди шундай ариза топшириш жараёнини кўришимиз мумкин. Кириш имтиҳонлари тест шаклида (SAT (Scholastic Aptitude Test), Achievement Test ACT (American College Test)) олий таълим муассасаси ёки тижорат ташкилотлари томонидан ўтказилади. Тестлар ўқув йили бошида ўтказилиб, натижалари талаба ариза топширган ўқув юртига юборилади. Ўзбекистон, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар (АҚШ ва Буюк Британия мисолида) таълим тизимида жуда кўп фарқлар мавжуд бўлиб, биз фақат асосийларини айтиб ўтдик. Кўриб турганимиздек, “таълим” ЛСМ мураккаб иерархик структурага эга ва бу жамиятдаги таълимнинг ишлаш тизими ва тузилишини семантик майдон луғавий бирликларида акс эттиради.

Юқорида таъкидланганидек, “таълим” ЛСМ нинг инглиз тилига хос хусусиятларидан яна бири реалиа терминларига эгаллигидир. Масалан, *rolling admission* (амп.) – *исталган пайт рўйхатдан ўттиш*. Яъни абитуриентлардан олий таълим муассасасига ариза қабул қилиниши 6 ойдан ортиқ муддатда давом этади; *assistant professor* (амп.) – *камта ўқитувчи (бакалавр ёки магистр даражасига эга, йирик университетларда доктор); second class* (Б.Бр.) – *иккинчи тоифали диплом (инглиз*

университетларида); *sixth-former* (Б.БР.) – 6-синф ўқувчиси (ўрта мактабнинг сўнги синф ўқувчиси); *dinner lady* (Б.БР.) – мактабларда танаффусда тушилик етказиб берувчи аёл; *old school tie* (Б.БР.) – 1) эски мактаб галстуги (хусусий мактабларда битирувчилар уюшмаси аъзоси бўлган мактаб битирувчисининг галстуги), 2) бундай муассаса битирувчиларини боғлайдиган алоқа, ришта; *cow college* (амр.) – 1) (сўзлашувда) қишлоқ хўжалиги коллежи, 2) маданият ва ривожланишдан орқада қолган вилоят коллеж ёки университети; *All But Degree* (А. В. Д.) – (амр.сўзл.) “Ҳаммаси, даражадан ташқари”, докторлик диссертациясини ҳимоя қилишдан ташқари, докторлик даражасини олиш учун барча талабларни бажарган докторант ва шу қабила миллий ўзига хос “таълим” семали луғавий бирликлар ёки реалиалардир. Юқоридагилардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, турли миллатлар учун турли тиллардаги луғавий бирликларнинг иерархик структураси ҳам турлича.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган объектимида ўзбек тили ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар Америка ва Британия ҳар бир луғавий бирликларини битта умумий хусусияти билан бирлаштирувчи таркибий қисмга, унинг ташқарисидаги майдонга эгадир. Бундай микромайдонларнинг архилексемалари қуйидагилар:

Ўзбек тилида: *бошланғич таълим*, *умумий ўрта таълим*, *ўрта махсус таълим*, *олий таълим*; инглиз тилида (Б.БР.) *primary education*, *secondary education*, *further education*, *higher education*; инглиз тилида (Амр.) *elementary education*, *secondary education*, *post-secondary education* ва улар бир-бирига тизимли боғлангандир. Ўрганилган ҳар иккала тил ЛСМи ўз таркибида ўзбек ва инглиз тиллари учун ҳам умумий бўлган семантик хусусиятлар билан бирлаштирилган ЛСГ га эга: *таълим муассасалари* (*educational establishments*); *ўқув жараёни иштирокчилари* (*pupils, students, teaching staff* (амр.*faculty*)); *фанлар* (*subjects*); *баҳолаш ва баҳолаш тизими* (*evaluation and assessment system*); *таълим жараёнини ташкил этиш* (*organization of the process of education*); *моиға ёки даража олиш учун ҳужжатлар* (*credentials*); *малака ва илмий унвонлар* (*degrees and qualifications*); *артифакт* (*artefacts*). Ўрганилаётган ЛСМ нинг структур тузилиши иккала тил учун ҳам хосдир.

Ўзбек тилининг ЛСМ ўқида махсус таълим микромайдонлари мавжуд. *Бошланғич ва умумий ўрта таълим* умумий таълимни, *кечки ва сиртқи таълим* шакли эса ўрта-махсус касб-хунар ва олий таълимни кесиб ўтади. Масофавий ўқитиш билан боғлиқ бўлган микромайдон кичикроқ, чунки бу таълим шакли Ўзбекистонда энди пайдо бўлиб ривожланмоқда. Ўзбек тили ЛСМ даги бўшлиқ (лакуна) инглиз тили Британия варианты микромайдонида *sandwich learning* (*маишулотларнинг ўқиш ва корхонадаги ишлар билан бирлашган шакли*) нинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Ўзбек ва инглиз тилларидаги таълимга оид луғатларни, луғавий бирликларни қиёсий тадқиқ қилганимизда шуни гувоҳи бўлдики, Америка ва Британия инглиз тили вариантларида бугунги кунда таълимнинг ўзига хос миллий вариантлари мавжуддир. Уларнинг шаклланишига таълим тармоқларининг кўп йиллар давомида жамият ҳаётидаги барқарорлиги катта таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда эса таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳали ҳам давом этмоқда.

Ўзбек ва инглиз тилларида “таълим” семали луғавий бирликлар терминологияси ушбу терминлар тизимининг муҳим тарихий компонентлари (историзмлар) мавжудлиги билан характерланади: *opposer* – (*тарихий*) *илмий мунозарада рақиб*, *chamber-deacon* – (*тар.*) *ўрта асрларда Ирландия университетнинг камбағал олими*, *жадид мактаби* (*янги усул мактаби*)- *The Jadids' school*, *аллома* – (*hist.*) *great scholar*, *саркор* (*қайта истеъмолга кириб келаётган эскирган сўз*) – *group leader* ва ҳ.

Семаларнинг узуаллиги фақатгина инглиз тилига хос бўлиб, Америка ва Британия миллий тил вариантларида намоён бўлади: *Grades K through 12* - (амр.) тўлиқ умумий ўрта мактаб (K- kindergarten, болалар боғчасидан 12-синфгача), *Sixth Form* – Брит. тайёрлов коллежи (муस्ताқил ёки мактаб таркибида мавжуд бўлган 16 ёшдан юқори ўқувчиларни университетга тайёрлайдиган мактаб). Таълим лексикасининг кенг тарқалганлигига қарамай, умумий адабий тил ва касбий мулоқотдан ташқари ҳар бир атамадан оммавий фойданиш имконсиз. Ўзбек ва инглиз тилидаги “таълим” семали луғавий бирликларнинг икки томонлама мос тушувчи қўлланмага эга эмаслиги ўзбек тилида ундаги маъноларни етарли ифодалай олмасликни англатмайди. Сатҳлараро қиёсий тадқиқ қилиш таржима эквивалентлари, баъзи белгиларни ифодалайдиган тушунчалар мавжудлигини кўрсатади.

Шундай бўлсада, ўзбек ва инглиз тилларида ЛСМ компонентларини миллий вариантлар (инглиз тилида) мавжудлигини инобатга олиб тенг дея олмаймиз. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган таълим тизими, таълим маданияти, униг терминологияси ва лексикасида акс этади. Турли мамлакатлар маданияти учун ягона стандарт таълим тизими имконсиздир, шу сабабдан уларни ўрганиш, таққослаш, умумий хусусиятларини топиш, тадқиқ қилишимиз, таржима ва ўзаро тушуниш муаммоларини бартараф этишда ёрдам беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bright. W. International Encyclopedia of linguistics. Cambridge: Cambridge University Press. 1995.
2. Djuraev, B. Strukturno - semanticheskoe issledovanie mnogoznachnix slov sovremennogo uzbekskogo yazika. - A.K.D. Tashkent, 1985.

3. Encyclopedia of Modern Education/Ed.by H.Rivlin and R. Schueler .-N.Y.: Philosophical Library of New York,1943.-902p
4. Kempson M.R. Semantic Theory.- Cambridge University Press,-1995.-977p
5. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners. New Edition. – Macmillan Publishers Limited, 2007.556p
6. Macmillan Essential Dictionary. Midsomer Norton, Rasdstok, UnitedKingdom, London, 2007.

УЎК 81-13

НЕМИСЧА, РУСЧА ВА ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТЛАРДА “АНШЛАГ” СЎЗИНИНГ ИЗОҲЛАНИШИ ВА МАЪНО ФАРҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3.O. Жуманиёзов, ф.ф.н., доцент, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада немис, рус ва ўзбек тилларида фаол қўлланилаётган “анишлаг” сўзининг этимологияси, аслият тилидаги маънолари, ўзлашиши жараёнидаги маъно йўқотишлари ва ўзгаришлари таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: анишлаг, ўзлашма, этимология, луғат, маъно йўқотишлари, омоним, таржимоннинг сохта дўстлари

Аннотация. В статье анализируется этимология слова «анишлаг», активно употребляемого в немецком, русском и узбекском языках, его значение в языке оригинала, потеря смысла и изменения в процессе усвоения.

Ключевые слова: анишлаг, ассимиляция, этимология, словарь, потеря смысла, амоним, фальшивые друзья переводчика

Abstract. The article analyzes the etymology of the word "anshlag", which is actively used in German, Russian and Uzbek languages, its meaning in the original language, the loss of meaning and changes in the process of assimilation.

Key words: anshlag, assimilation, etymology, dictionary, loss of meaning, amonim, fake friends of the translator

Тарихга назар соладиган бўлсак, рус тили, қолаверса шу орқали ўзбек тилининг бойиб боришига лотин, грек тилларининг таъсири ниҳоятда катта бўлган. Бироқ кейинги даврларда халқаро мулоқот тили сифатида шаклланган ва рус саройларида кенг қўлланилган, музокаралар тили бўлган немис тилининг рус тилига таъсири сезиларли даражада кўзга ташланади. Русларнинг машҳур этимологик ҳамда чет сўзлар луғатлари бунга тўлақонли гувоҳлик бера олади. Зеро мазкур сўзлар рус тили орқали ўзбек тилига ҳам кириб келган. Сўзларнинг бир тилдан иккинчисига ўзлашиб келиши, воситачи тил орқали учинчи тилга ўзига хос семантик ўзгаришларга учраб ўзлашиши масаласини тадқиқ қилиш бугунги кунда тилшуносликда долзарб аҳамият касб этади. Ана шу нуқтаи назардан бугунги кунда рус тилида кенг қўлланиладиган ҳамда рус тили орқали ўзбек тилига кириб келган “Аншлаг” сўзининг этимологияси ҳамда ўрганилаётган тиллардаги семантик хусусиятлари билан қизиқадиган бўлинса, ушбу сўз немис тилига бориб тақалади. Немис тилида “Аншлаг” сўзининг 6 та маъноси мавжуд. Қўйида биз мазкур сўзнинг немисча изоҳли луғатдаги маъноларини келтирамыз.

Anschlag der 1. Ein Anschlag (auf jemanden/etwas) – ein krimineller Versuch, (meist aus politischen Gründen) jemanden zu töten oder etwas zustören (einen Anschlag auf einen Politiker, auf eine Botschaft verüben=Attentat Bombenanschlag, Mordanschlag, Sprengstoffanschlag, Terroranschlag-бирровни ўлдириш ёки бирор нарсани бузиш учун (асосан сиёсий сабабларга кўра) жиноий уриниш. Масалан, сиёсатчига, элчихонага тажовуз қилиш;

2. Ein Anschlag (an etwas (Dativ))Ein Papier oder Plakat, das zur Bekanntmachung öffentlich aushängt = Aushang | *die Anschläge am Schwarzen Brett beachten* – ‘Аншлаг. 1. Ёллон қилиш учун оммавий равишда осиб қўйиладиган қоғоз ёки плакат. Масалан: Қора тахтадаги аншлаг(ёллон)га эътибор беринг. Аншлаг(ёллонлар) тахтаси;

3. ‘Die Art, in der jemand die Tasten eines Instruments, eines Geräts niederdrückt|(einen harten, weichen Anschlag auf dem Klavier haben)’-‘ бирор асбоб ёки усқунанинг тугмачаларини босиш усули. (пианинани қаттиқ, юмшоқ босиш (чалиш))’;

4. ‘*Meist Plural* das Drücken einer Taste auf einer Tastatur | *250 Anschläge in der Minute schreiben*)’ – ‘кўпинча кўплик шаклида. Ёзиш машинаси тугмачасини босиш (бир дақиқада 250 марта босиш, териш)’;

5. ‘Die Stelle, bis zu der man etwas Bewegliches z.B. einen Regler oder Hebel drehen oder bewegen kann | *die Heizung bis zum Anschlag aufdrehen*’ – ‘Харакатландиган нарсани, масалан, узатма, ричаг ёки тутқични айлантириш ёки ҳаракатлантириш мумкин бўлган жой. Масалан: иситгични *ишлаш нуқтасигача айлантириш*;

6. ‘Die Haltung, in der man mit einer Schlusswaffe sofort schießen kann (*das Gewehr im Anschlag halten*)’-‘милтиқ билан тезкорликда отиш мумкин бўлган ҳолат. Масалан: *милтиқни тайёр ҳолда сақланг*’(3:98)

Мазкур “Аншлаг” рус тилига кириб келиши ва маъно ўзгаришларини кузатадиган бўлсак, рус лексикографи А.К.Шапочников ўзининг “Замонавий рус тилининг этимологик луғати”да қўйидагича таърифлайди:

Аншлаг – объявление в театре, кино и т.п. о том, что все билеты проданы; крупный газетный заголовок; большой успех в переполненном театре. ▲ Появилось в рус. языке в конце XIX в., отм. в словарях с 1891 г. с ударением на первом слоге и в знач. «объявление, вывешенное в присутственном месте, учебном заведении». Совр. знач. выросло на основе старшего с добавлением: «объявление о том, что все билеты проданы» (впервые отм. в 1899 г. о постановке чеховской «Чайки»). ▲ Из нем. Anschlag «объявление, афиша», производного от глаг. anschlagen «прибивать, приколачивать». - Аншлаг - театр, кино ва бошқаларда барча чипталар сотилганлиги тўғрисидаги эълон; газетанинг катта сарлавҳаси; одам тўлиб кетган театрдаги катта муваффақият. ▲ Рус тилида XIX аср охирида пайдо бўлган, 1891 йилдан биринчи бўлин урғуси билан луғатларда қайд қилинган ва “Жамоат жойида, таълим муассасасига осилган эълон” маъносини англатган. Замонавий маъноси эскиси қўшилиш асосида пайдо бўлди: “барча чипталар сотилганлиги тўғрисида эълон” (биринчи бўлиб 1899 йилда Чеховнинг “Чағалайлар” асари саҳналаштирилишида қайд қилинади). ▲ немис тилидаги Anschlag “эълон, афиша”, anschlagen коқмоқ, михламоқ феълидан келиб чиққан [1].

Гувоҳи бўлганингиздек ушбу этимологик луғатда “Аншлаг” сўзининг рус тилига кириб келиш тарихи, дастлабки англатган маъноси ва замонавий маъно билан уйғунлашган шакллари ҳақида гап боради. Луғатда ушбу сўзнинг аслиятдагидан фарқли равишда биттагина “эълон, афиша, театр, кино ва бошқаларда барча чипталар сотилганлиги тўғрисидаги эълон; газетанинг катта сарлавҳаси; одам тўлиб кетган театрдаги катта муваффақият” каби маъноларини кўрамиз ва булар аслиятнинг фақатгина иккинчи эълон маъноси билан ўзлашганлигини кўрамиз. Бироқ ушбу маъно ҳам театр ва кинодаги чипталар сотиб бўлинганлигини англатувчи эълонни англатади. Немис тилида шунчаки эълонлар доскасига илиб қўйиладиган эълон маъноси мавжуд. Демак ушбу маънонинг ҳам маъно тафовутлари мавжуд. Рус тилидаги қолган газетанинг катта сарлавҳаси; одам тўлиб кетган театрдаги катта муваффақият маънолари эса орттирилган, ушбу маънолар асосида уларни немис тилида қўллаб бўлмайдди. Зеро ушбу “Аншлаг” сўзи “таржимоннинг сохта дўстларига ёрқин мисол бўла олади. Ҳар қандай таржимон немисча матнни ўқиш жараёнида “Anschlag” сўзини русча версияси билан муқобил бўлса керак, деган фикр юритса, мутлақо хатоликка йўл қўйган бўлади. Зеро, юқоридаги маънолар бунинг яққол далилидир.

Таҳлилга тортилаётган “Аншлаг” сўзининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги изоҳини кўздан кечирадиган бўлсак. Ушбу сўз ўзбек тилига рус тили орқали кириб келганлигини англаб олиш мумкин. Чунки бу ерда биз “Аншлаг” рус тилига ўзлашиб ўзгаришларга учраган куйидаги “Аншлаг-нем. Anschlag-афиша оммавий эълон. Театр, кино ва б.нинг кассасида билетлар сотиб бўлинганлиги ҳақидаги махсус эълон” маъносини учратамиз [2]. Бу изоҳ айнан А.К.Шапочников луғатидаги мисол билан айнан бир хил маънони англатади. Бироқ мазкур сўз рус тилидаги немис тилидан фарқли равишда орттирилган кейинги 2 та крупный газетный заголовок - газетанинг катта сарлавҳаси; большой успех в переполненном театре - одам тўлиб кетган театрдаги катта муваффақият маъноларини ўзбек тилига олиб кира олмаган.

Хуллас, ушбу сўз немис тилидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида ўзига хос йўқотишлар ва янгича семантик ўзгаришларни ўз бошидан кечирганлигини луғатларда берилган қайдлар асосли равишда далиллай олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Шапошников А.К. Этимологический словарь современного русского языка. М.: Издательство «Флинта», Издательство «Наука» 2010. -С.30.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Мадвалиев таҳрири остида. 5-жилдлик. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006-2008. –Б.89.
3. Dieter Götz. Langenscheidt Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. -München-Wien: Langenscheidt, 2015. –S. 98/1344.

УЎК 81-13

НЕМИС ТИЛИДАГИ ДИПЛОМАТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ БОРАСИДА

З.О. Жуманиёзов, ф.ф.н., доцент, Урганч давлат университети, Урганч
Ф.Х. Халлиева, магистрант, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада фактик материаллар асосида баъзи бир немис тили дипломатик терминологик тизимининг қисқача тавсифи берилган, шунингдек, унинг лексик-семантик гуруҳлари тасвирланган.

Калит сўзлар: термин, терминология, дипломатик тил, терминологик тизим, сўз-терминлар, сўз бирикмасидан иборат атамалар

Аннотация. В статье даётся краткое описание некоторых немецких дипломатических терминологических систем на основе фактического материала, а также проанализированы её лексико-семантические группы.

Ключевые слова: термины, терминология, дипломатический язык, терминологическая система, слова-термины, термины, состоящие из словосочетаний

Abstract. The article gives a brief description of some German diplomatic terminological system based on factual materials, as well as describes its lexical-semantic groups.

Keywords: terms, terminology, diplomatic language, terminological system, word-terms, terms, consisting of phrases

Термин ва терминологияга бағишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлар чоп этилган бўлсада [2-7], бугунги кунда ушбу муаммо билан боғлиқ кўпгина масалалар ўз ечимини топмай келмоқда. Зеро, ушбу далил инсон ҳаётидаги турли соҳаларнинг доимий ривожланиши, янги технологиялар, ихтиролар ва илмий билимларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Шуни айтиш жоизки, ҳозиргача “термин” тушунчасининг ягона, умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас [7]. Баъзи бир манбаларда қайд этилишича, *термин* сўзи (лот. terminus – чек, чегара) “чегара ва чегараларни белгиловчи рим худосининг номига” бориб тақалади [6]. Ҳозирда “термин” тушунчаси ҳар қандай илм соҳаси ёки фаолият турини англатувчи сўз ёки ибора сифатида изоҳланади [10]. Рус олими В.П. Даниленконинг таъкидлашича, *термин* сўзи маълум бир соҳага оид лексик бирликларни англатувчи тушунча номи ҳисобланади [4].

Замонавий изоҳли луғатларда *термин* турли кўринишларда таърифланади. Масалан, немисча “Pons” изоҳли луғатда мазкур тушунчага жуда қисқа ва аниқ таъриф берилган: “Terminus der < –, Termini> (geh. ≈ Fachbegriff) eine festgelegte Bezeichnung aus einem Fachgebiet” – “(соҳавий тушунча) муайян фан соҳасига тегишли атама” [12].

Умуман олганда, кўпгина таърифлар *терминни* махсус тушунчани ифодалашга хизмат қиладиган маълум бир фаолият соҳасига хос бўлган сўз (ёки сўз бирикмаси) [6], *терминологияни* эса маълум бир фаолият, соҳа ёки билимга оид атамалар мажмуи (ўзига хос тартибга солинган атамалар тизими) сифатида тушунтиради [7].

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир соҳанинг, жумладан дипломатиканинг, ўзига хос терминлари мавжуд.

“Дипломатик тил” терминининг ўзи икки хил маънони англатади. Биринчидан, бу расмий дипломатик музокаралар олиб бориладиган ва халқаро шартномалар тузиладиган тил. Ҳеч кимга сир эмаски, дипломатиянинг дастлабки тили лотин тили бўлиб, кейинчалик унинг ўрнини француз тили эгаллаган. Замонавий дунёда тилларнинг тенглиги аънанаси мавжуд. Иккинчидан, бу дипломатия соҳасига оид терминлар тўпламидир. Дипломатик терминология – бу *дипломатик хизмат, дипломатик ҳуқуқ, дипломатик протокол, дипломатик одоб-ахлоқ* ва бошқалар каби дипломатия соҳалари терминларини ўз ичига олган мураккаб тизимдан иборатдир. Ҳаммадан олдинки, ўрганилаётган соҳа терминларининг муҳим қисми куйидаги терминологик гуруҳларга тегишли номлардир: *дипломатик вакиллар, дипломатик даражалар, дипломатик ҳужжатлар, дипломатик жараёнлар, дипломатик таширлар, дипломатик ваколатхоналар, дипломатик ҳуқуқлар ва имтиёзлар, дипломатик қабуллар* ва бошқалар [6].

Ҳар бир тил каби, немис тили ҳам ўзининг дипломатик терминларига эга ва улар бир неча лексик-семантик гуруҳларга бўлинади:

1. **Дипломатик лавозимлар ва даражалар** – *der Botschafter(in)* – ‘элчи’, *Ausserordentlicher Botschafter* – ‘фавкулдда элчи’, *Außerordentlicher und bevollmächtigter Botschafter* – ‘фавкулдда ва мухтор элчи’, *Attache* – ‘атташе’, *der Geschäftspartner* – ‘савдо ишлари бўйича ҳамкор’, *der Konsul* – ‘консул’, *der Generalkonsul* – ‘бош консул’, *der Berater(in)* – ‘маслаҳатчи’, *der Diplomat* – ‘дипломат’, *der Doyen* – ‘оқсоқол, дипломатик корпус бошлиғи’, *der Abgesandte* – элчи, *der Legat* – ‘легат, папа элчиси’, *Bevollmächtigter des Ministers* – ‘вазирнинг мухтор вакили’, *Nuntius* – ‘папа нунцияси; элчи’, *der Vizekonsul* – ‘вице-консул’ ва бошқалар.

2. **Дипломатик ҳужжатлар** – *die Übereinkommen* – ‘муҳим масалалар бўйича келишув, бирлашиш’; *Gedächtnisstütze* – ‘эслатма қайд, эслатма’; *das Konkordat* – ‘конкордат, алоҳида шахслар, ҳукуматлар ўртасидаги шартнома’; *der Vertrag* – ‘келишув, битим’; *die Konvention* – ‘конвенция, халқларнинг ҳуқуқлари бўйича келишув’; *Beglaubigungsschreiben* – ‘ишонч ёрлиғи (элчининг)’, *die Note* – ‘нота’ ва бошқалар.

3. **Дипломатик ваколатхоналарнинг номлари** – *das Kanzleramt* – ‘канцлер ва унинг бўйсунувчилари ишлайдиган идора’; *das Konsulat* – ‘консуллик’; *die Botschaft* – ‘элчихона’; *Generalkonsulat* – ‘бош консуллик’; *Hohe Kommission* – ‘юқори комиссар ваколатхонаси/ (Ҳамдўстлик бир мамлакатининг бошқа давлатдаги дипломатик ваколатхонаси) ва бошқалар.

4. **Дипломатик жараёнлар** – *der Beitritt* – ‘қўшилиш (келишувга, конвенцияга)’; *die Akkreditierung* – ‘аккредитация (дипломатик вакилларнинг)’, *diplomatisches Asyl* – ‘дипломатик бошпана’; *die Demarche* – ‘намойишкорона дипломатик ҳаракат’; *die Denunziation* – ‘денонсация, шартномани бекор қилиш; эълон, маълум қилиш’; *die Exequatur* – ‘экзекватура (чет эл консулининг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)’; *die Auslieferung* – ‘экстрадиция, жиноятчини чет давлатга топшириш’; *die Ratifizierung* – ‘ратификация’ ва бошқалар.

5. **Дипломатик ҳуқуқ ва имтиёзлар** – *die Exterritorialität* – ‘экстерриториал статус, экстерриториал характер’; *Unverletzlichkeit der Person* – ‘шахс дахлсизлиги’; *Unverletzlichkeit des Wohnsitzes* – ‘тузар жой дахлсизлиги’; *Befreiung von der örtlichen Besteuerung* – ‘маҳаллий солиқлардан озод қилиш’; *Befreiung (von der örtlichen Straf- und Zivilgerichtsbarkeit)* – ‘(жиноий ва фуқаролик юридикциясидан) озод қилиш ва бошқалар.

6. **Дипломатик қабуллар** (расмий/норасмий; кундузги/кечқурунги; бирон жойда ўтириб/ўтирмасдан) – *Ein Glas Wein* – ‘бир қадах шароб’; *ein Glas Champagner* – ‘бир қадах шампан’; *das Frühstück* – ‘нонушта’; *das Mittagessen* – ‘тушлик’; *das Abendessen* – ‘кечки овқат’; *der Cocktail* – ‘коктейл’; *der Tee* – ‘чай’, *der Kaffee* – ‘қаҳва’ ва бошқалар.

Дипломатия соҳаси терминологиясини ташкил этувчи юқорида тавсифланган гуруҳлардан ташқари, батафсил ўрганиш ва тавсифлашни талаб қиладиган бошқа гуруҳлар ва атамаларнинг кичик гуруҳлари ҳам мавжуд.

Ўрганилаётган дипломатик терминологиянинг таркибий таснифига кўра, икки хил дипломатик терминларни ажратиш мумкин: **сўз** – *die Akkreditierung* – ‘аккредитация’; *die Auslieferung* – ‘экстрадиция, жиноятчини чет давлатга топшириш’; *das Konsulat* – ‘консуллик’: **сўз бирикмаси** – *außerordentlicher Gesandter und bevollmächtigter Botschafter* – ‘фавқулодда ва мухтор элчи’; *Bevollmächtigter des Ministers* – ‘вазирнинг мухтор вакили’ ва бошқалар [1,11,13,14].

Тақдим этилган маълумотларни умумлаштириб, хулоса қилишимиз мумкинки, немис тилида дипломатик терминология бир қатор умумий ва ўзига хос хусусиятларга ҳамда катта ва кичик гуруҳларга эга бўлиб, уларнинг элементлари умумий маънода бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Л., Юлдашева Г. Русско-узбекский терминологический толковый словарь по дипломатическому и консульскому праву. – Тошкент: Тошкент давлат университети, 2005. – 111 с.
2. Гринёв-Гриневиц С. В. Терминоведение / Под ред. А. Б. Васильева. — Москва: Издательский центр «Академия», 2008. — С. 29—30.
3. Гринев С. В. Введение в терминоведение. — М., Изд-во МГУ, 1993, 309 с.
4. Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания / отв. ред. Ф.П. Филин. – М.: Наука, 1997. – 246 с.
5. Исмаилов Ф.М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Фил.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. –Тошкент, 2011.
6. Криворот В.В. О некоторых особенностях дипломатической терминологии в английском языке. – Минск, ЭБ БГУ: Общественные науки, Языкознание. 2017. / <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/186370/1/>
7. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура / В.М. Лейчик. – 4-изд. – М.: КомКнига, 2009. – 256 с.
8. Реформатский А.А. Введение в языкознание / А.А. Реформатский; под ред. V.A. Виноградова. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 536 с.
9. Словарь античности // Пер. с немецкого. Отв.ред. В.И. Кузицин. –М.: «Прогресс». 1989. – 704 с.,
10. Ярцева В.Н. Большой энциклопедический словарь «Языкознание» / гл. ред. В.Н. Ярцева. 2-е (репринтное) изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – 685 с.
11. ABC der Diplomatie. Eidgenössisches Department für auswärtige Angelegenheiten (EDA). – Bern, Cavelti AG, Gossau 2008. – S. 40.
12. Pons. Großwörterbuch. Deutsch als Fremdsprache. –Stuttgart, Ernst Klett Sprachen GmbH, 2006. – S. 2509.
13. <https://de.wiktionary.org/wiki/>
14. <https://www.duden.de/suchen/dudenonline/>

УЎК 811.512.122

ҚОЗОҚ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Б.И. Қодирова, PhD, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур илмий мақолада қозоқ тилшунослик терминларининг ўрганилиши тадқиқ қилинган бўлиб, бунда 1920 йилдан то ҳозиргача бўлган даврда нашир этилган лингвистик терминологияга оид илмий тўпламлар, монографиялар, илмий тадқиқотлар, терминологик лугатлар ва бошқа манбалардан материаллар ўрганилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар: термин, терминология, лингвистик терминология, терминологиянинг ўрганилиши, тилшунослик терминларининг тарихи

Аннотация. В данной научной статье рассматривается изучение казахских лингвистических терминов, включая научные сборники, монографии, исследовательские работы и другие

терминологические публикации по лингвистической терминологии, опубликованные в период с 1920 года по настоящее время.

Ключевые слова: *термин, терминология, лингвистическая терминология, изучение терминологии, история лингвистических терминов*

Abstract. *This scientific article examines the study of Kazakh linguistic terms, including scientific collections, monographs, research papers, and other terminological publications on linguistic terminology published in the period from 1920 to the present.*

Keywords: *term, terminology, linguistic terminology, the study of terminology, the history of linguistic terms*

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда давлат тили ҳамда бошқа миллий тилларни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан амалга ошириб борилаётган чора-тадбирлар бир тарафдан, ўзбек тилининг ижтимоий нуфузини оширишга, бошқа тарафдан мамлакатимиздаги миллий тилларнинг эркин нутқий истеъмолда бўлишини таъминламоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ҳамда халқлар дўстлигини ривожлантиришга қаратилган ушбу давлат сиёсатини тарғиб қилиш, унинг халқаро микёсидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро тарихий илдизларга эга бўлган қардош қозоқ тили терминларини ўзбек тили тилшунослик терминлари билан қиёсий ўрганиш, бизнинг назаримизда, биринчи галда ҳар икки дўст ва қардош давлатнинг ўзаро маданий ва фан соҳасидаги ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга, иккинчидан, бугун юртимизда ўрта таълим бўғинида ўзининг ўрнига эга бўлган юзлаб (жами 376 та[1]) таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларда она тилини ва тилшунослик терминларини ўқитишнинг мактаб ўқувчиларига тушунарли бўлган ягона тизимни шакллантиришга маълум маънода хизмат қилади.

Бугунги кунга қадар дунё тилшунослигида терминология масалалари умумий, хусусий ва соҳа терминологиялари доирасида ҳар бир тил учун хос бўлган кўпгина тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ўзбек ва қозоқ тилшунослик терминлари ўзаро қиёсий-типологик аспектда алоҳида тадқиқот объекти ва предмети сифатида ўрганилмаган. Ҳар икки қардош тилларнинг терминологияси масалаларини муайян бир ҳудуд (Ўзбекистон ва Қозоғистон)да алоҳида ва қиёсий таҳлил этиш ўзбек ва қозоқ тиллари терминологиясининг шаклланиши ва уни ўрганиш тарихи билан танишиш учун хизмат қилади. Шу маънода қозоқ тилшунослик терминларини ўрганиш мақсад қилинди.

Жаҳон тилшунослигида лингвистикада терминология масаласида катта муаммолар мавжудлиги, ҳар бир миллий тилшунослик фани, тилшунослик оқими ва мактаблари ўзига хос терминологик тизимга эга эканлиги, бу терминлар унификация қилинмагани ва шу туфайли, тилшуносликка доир тадқиқотлар терминларни талқин қилиш ва қўллашда турли қийинчиликларга дучор бўлаётгани қайд қилинади [2].

Қозоқ тилшунослигида терминология соҳасидаги муаммолар А.Байтўрсунұлы, Қ.Жўбанов, Ж.Аймауытұлы, Х.Досмұхамедұлы, Қ.Кемеңгерұлы, С.Жиенбаев, Н.Сауранбаев, С.Аманжолов, М.Балақаев, С.Талжанов, Ө.Сатыбалдиев, Ө.Қайдаров, С.Исаев, Ш.Сарыбаев, Б.Қалиев, Ө.Айтбайұлы, Ш.Қўрманбайұлы каби олимларнинг тадқиқотларида кўзга ташланади. Хусусан, қозоқ тили тилшунослик терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишида қозоқ халқи орасида “миллат устози” («ўлт ұстазы») номини олган Ахмет Байтурсинов (1872-1937)нинг роли алоҳида аҳамиятга эга. У қозоқ миллий илмий терминологиясининг асосчиси ҳисобланади. Олим қозоқ тилини рус ва ноғай тиллари билан қиёслар экан қуёнчақлик билан: “Биздің жасынан орысша я ноғайша оқыған бауырларымыз сөздің жүйесін, қисынын нағыз қазақша келтіріп жаза алмайды, я жазса да қиындықпен жазады. Себебі жасынан қазақша жазып дағдыланбағандық. Орысша оқығандар орыс сөзінің жүйесіне дағдыланып үйренген. Ноғайша оқығандар ноғай сөзінің жүйесіне дағдыланып үйренген. Қазақ сөздерін алып, орыс я ноғай сөзінің жүйесімен тізсе, әрине, ол нағыз қазақша болып шықпайды. Сондай кемшілік болмас үшін һәр жұрт баласын әуелі өз тілінде оқытып, өз тілінде жазу-сызу үйретіп, өз тілінің жүйесін білдіріп, жолын танытып, балалар әбден дағдыланғаннан кейін басқаша оқыта бастайды. Біз де тіліміз бұзылмай сақталуын тілесек, өзгелерше әуелі өз тілімізбен оқытып, сонан соң басқаша оқыту тиіс”[3], деган фикрларини билдирган ва қозоқ мактаблари учун қозоқ тилини фан сифатида ўқитадиган биринчи дарслик – “Тіл – құрал”ни ёзган. Ушбу китобида *сөз мүшелері, сөйлем, буын, дыбыс, жўрнақтар, атауыш сөздер, зат есім, сын есім, сан есім, есімдік, етістік, шылау сөздер, үстеу, демеу, жалғаулық, одағай сөз* каби тилшунослик терминлари ва уларнинг изоҳлари ҳақида қимматли фикрларини келтирган. А.Байтурсинов томонидан ишлатилган тилшунослик терминлари (фонология, лексикология, морфология, синтаксис, стилистика, қиёсий типологияга доир) қозоқ тилшунослигида терминлар яратишнинг мукамал намунасини кўрсатди ҳамда термин яратишнинг услубий ва назарий асосига айланди. Ўша даврда яратилган тилшунослик терминлари бугунги кунда қозоқ тилида фаол терминлар сифатида ишлатилиб келинмоқда.

Кейинги йилларда қозоқ тилшунослигида лингвистик терминлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида текширила бошланди. Жумладан, қозоқ тилшунослиги терминологиясининг шаклланиши

ва ривожланиши Ж.М.Молдажаров, тилшунослик терминларининг семантик алоқалари Е.Әбдірәсілов, дарсликлардаги синтаксисга доир терминлар Г.Е.Омарова, филологик терминларнинг ривожланиш ва шаклланиш тарихи А.Қоңырова, лингвистик терминология материаллари асосида туркий тиллар учун умумий терминологик фондни яратиш масаласи С.Қ.Әлісжановлар тадқиқотларида ўрганилган [4]. Шу билан бирга тилшунослик терминларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш Р.Баймұхамедова, Р.А.Казина, Г.Бекқожанова, М.Кахраман, Ж.Д.Байтелиевалар [5] томонидан олиб борилган.

Қозоқ тилшунослик терминларини ўрганиш жараёнида лингвистик терминология бўйича бир қанча луғатлар ҳам яратилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 3000 га яқин лингвистик атамаларни ўз ичига қамраб олган қозоқ тилидаги биринчи тилшунослик терминлари луғати І.Кеңесбаев ва Т.Жанұзақовлар томонидан яратилган ва биринчи нашри 1956 йилда, иккинчиси эса 1966 йилда чоп этилган [6]. Луғатда лингвистик терминларнинг этимологияси кўрсатилган бўлиб, хинд-европа тиллари, хусусан, рус тилшунослик терминлари билан қиёсланган. Тилшунослик терминлари тадқиқи академик А.Қайдар (Әбдуәли Туғанбайұлы Қайдар) томонидан ҳам олиб борилган ва 1961 йилда уйғурча-русча лингвистик (“Ўйғырша-орысша лингвистикалық сөздік”) луғати яратилган. Кейинги йилларда қозоқ тилшунослигида лингвистик терминология соҳаси тилшунослик, умумий тилшунослик, тил ривожланиш қонуниятлари, дунё тиллари, тилшуносликнинг янги соҳаларига оид бир тилли ва кўп тилли луғатлар билан бойиди [7].

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қозоқ терминологиясида терминшунослик масалаларига бағишланган илмий асарларнинг яратилганлигини кўришимиз мумкин [8]. Тадқиқот давомида олиб борилган кузатишлар натижасида маълум бўлдики, қозоқ терминологиясида турли фанларга [9], тиббиётга [10], техникага [11], балиқчилик [12], чорвачилик [13] ва бошқа соҳаларда [14] қўлланувчи терминологик тадқиқотлар асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, Қозоғистонда терминшуносликка бағишланган *termin.com* электрон сайти яратилганлигини бугунги кун қозоқ терминологиясининг ютуқлари сифатида баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қозоқ тилшунос олимларининг XX аср давомидаги ҳаракатлари ва изланишлари миллий терминология асосларини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган эди. Мазкур жараёнда терминшунослик мактаблари бир қатор муваффақиятларга эришган. Хусусан, бевосита терминология масалаларига бағишланган ўнлаб электрон базалар (www.termin.com.kz ...) ишлаб турганлигини кўрамыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистоннинг куч-қудрати миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликдадир // Халқ Сўзи, 2019 йил, 15 октябрь.
2. Akmajian, Adrian; Demers, Richard; Farmer, Ann; Harnish, Robert . Linguistics: An Introduction to Language and Communication. Cambridge, MA: The MIT Press, 2010. ISBN 978-0-262-51370-8; Aronoff, Mark; Rees-Miller, Janie, eds.. The handbook of linguistics. Oxford: Blackwell, 2000; Bloomfield, Leonard An Introduction to the Study of Language: New edition. Amsterdam: John Benjamins Publishing, 1983. ISBN 978-90-272-8047-34; Chomsky, Noam On Language. The New Press, New York, 1998. ISBN 978-1-56584-475-9; Derrida, Jacques. Of Grammatology. The Johns Hopkins University Press, 1967. ISBN 978-0-8018-5830-7; Hall, Christopher. An Introduction to Language and Linguistics. Breaking the Language Spell. Routledge, 2005. ISBN 978-0-8264-8734-6; Isac, Daniela; Charles Reiss. I-language: An Introduction to Linguistics as Cognitive Science, 2nd edition. Oxford University Press, 2013. ISBN 978-0-19-966017-9; Pinker, Steven The Language Instinct. William Morrow and Company, 1994. ISBN 978-0-14-017529-5; Crystal, David Linguistics. Penguin Books, 1990. ISBN 978-0-14-013531-2.
3. Ахмет Байтұрсынұлы. Тіл – құрал. Алматы, «Сардар» баспасы, 2009.
4. Молдажаров Ж.М. Становление и развитие казахской лингвистической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-ата, 1971. – 24 с; Әбдірәсілов Е. Лингвистикалық терминдердің семантикалық қатынастары. Канд. дисс. автореф. – Алматы, 1999. – 29 б; Қоңырова А.Т. Қазақ тіліндегі филологиялық терминдердің дамуы мен қалыптасу тарихы. Филолог.ғыл.канд.дис. автореф. – Алматы, 2003. – 32 б; Әлісжанов С.Қ. Түркі тілдеріне ортақ терминологиялық қор жасау мәселесіне (лингвистикалық терминология материалдары негізінде) // Еуразия университетінің Хабаршысы. № 1, 1999; Құрманбайұлы Ш. Қазақ лексикасының терминдену үрдісі. Фил. ғыл. док дисс. авторефераты. Алматы, 1999. – 56 б.
5. Баймұхамедова Р. Терминосочетания, индуцированные русским языком в тюркских языках кыпчакской группы. Автореферат на соискание уч. степени канд. филол. наук. – Алматы, 1993. – 22 с; Казина Р.А. Отбор и презентация терминов по лингвистическим дисциплинам на I курсе (специальность русский язык и литература в казахской школе): дисс. ... канд. пед. наук. – Алматы, 1994. – 284 с; Кахраман М. Түрік, қазақ тілдері терминологиясының даму жолдары және лингвистикалық терминдер: Филология ғылымдарының кандидаты ғылыми дәрежесін алу үшін дайындалған дисс. авторефераты. – Астана: 2010. – 24 б; Байтелиева Ж.Д. Лингвистикалық қазақ және түрік терминдерінің зерттелуі. URI: <http://nur.nu.edu.kz/handle/123456789/204>.
6. Кеңесбаев С., Жанұзақов Т. Тіл білімі терминдерінің орысша-қазақша сөздігі. Русско-казахский словарь лингвистических терминов. Алматы: Ғылым, 1966. – 207 б.
7. Аманжолов А.С. Қазақша-орысша лингвистикалық терминология сөздігі. – Алматы: Қазақ университеті, 1997. – 86 с; Салқынбай А. Абақан Е. Лингвистикалық түсіндірме сөздік. Алматы: Сөздік-Словарь, 1998. – 304 б; Сулейменова Э.Д., Шаймерденова Н.Ж. Словарь социолингвистических терминов. – Алматы: Қазақ университеті, 2002; Қалиев Ф. Тіл білімі терминдерінің түсіндірме сөздігі. Алматы: Сөздік-Словарь, 2005. – 440 б; Анар Салқынбай,

Ербол Абакан Тіл әлемі: лингвистикалық терминдердің анықтамалық сөздігі. 2009. – 348 б; Абасилов А. Әлеуметтік лингвистика сөздігі. – Алматы, 2016. – 168 б.

8. Айтбаев Ө. Термин және оның дәуірлік сипаты // Қазақ терминологиясының мәселелері. – Алматы: Ғылым. 1986; Ғабитханұлы Қ. Шетелдегі қазақтардың термин жасау үрдісі және қазіргі проблемалары // Қазақ терминологиясының өзекті мәселелері. – Астана, 2002, – Б 45-49; Айтбаев Ө. Қазақ терминологиясының дамуы мен қалыптасуы. – Алматы, 1988. – 205 с.; Қазақ тілі білімінің терминологиясы мәселелері. – Алматы: «Абзал-Ай» баспасы, 2013. I том. – 400 б; Айтбайұлы Ө. Основы казахской терминологии / Ө. Айтбайұлы. – Алматы: «Абзал-Ай», 2014. – 384 с.

9. Байтикова Ш.Б. Неологизмы в казахской советской литературе (на материале 20-30-х годов). Автореф. дисс. канд. филол. наук – Алматы, 1967. – 24 с; Елубаев С. Терминологические проблемы преподавания математики в казахской школе. Автореф. дисс. на соискание уч. степени канд. педагогических наук. – Алматы, 1974. – 33 с; Оспанова К.Т. Лексико-грамматические способы образования химических терминов в современном казахском языке. Автореф. на соискание уч. степени канд. филол. наук – Алматы, 1987. – 26 с; Сәрсенова С.Е. Қазақ тіліндегі физика және астрономия терминдерінің құрамы мен құрылымы. Филолог. ғыл. канд. дис.. автореф. – Алматы, 2002. – 28 б.

10. Иманбаева М. О формировании терминов при составлении русско-латинско-казахского медицинского терминологического словаря: Автореф. дисс. канд. мед. наук. – Алматы, 1961. – 14 с; Аяпбергенова К.Г. Истоки формирования и развития медицинской терминологии в казахском языке. Автореф. на соискание уч. степени канд. филол. наук – Алматы, 1987. – 24 с.

11. Тажмуратов А. Термины технических культур в казахском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук – Алматы, 1966. – 30 с; Тілембекова А.И. Ғылыми-техникалық мәтіндердің (ФТМ) лингво-прагматикалық құрылымы. филол. ғыл. канд. дисс. Авторефераты. – Алматы, 2004. – 32 б.

12. Айтазин К. Профессиональная лексика рыбного хозяйства Казахстана. Автореф. дисс. на соискание уч. степени канд. филолог. наук. – Алматы, 1973. – 20 с.

13. Джанабилов Ш. Скотоводческие термины в казахском языке. Автореф. на соискание уч. степени канд. филол. наук – Алматы, 1973. – 28 с; Жакипов А. Термины верблюдоводства в казахском языке. Автореф. дисс. на соискание уч. степени канд. филолог. наук. – Алматы, 1983. – 23 с.

14. Шамшатов А. Лексика злаковых культур в казахском языке. Автореферат дисс. на соискание уч. степени канд. филолог. наук. – Алматы, 1966. – 16 с; Насырова М.Р. Социально-экономическая терминология в современном казахском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Фрунзе, 1967. – 24 с; Джансейтова С.С. Терминология казахской музыки на материале казахского и русского языков. Автореферат на соискание уч. степени канд. филол. наук. – Алматы, 1989. – 23 с; Калиев Б. Названия растений в казахском языке. Автореф. дисс. на соискание уч. степени доктора. филолог. наук. – Алматы, 1991. – 47 с; Ақшалова Б. Макроэкономикалық терминдердің лексико-грамматикалық сипаты. Филология ғыл. канд. дисс. автореф. – Алматы, 1998. – 18 б; Дәулетов Е.Г. Қазақ тіліндегі мемлекеттік құрылыс терминологиясының қалыптасуы. Филолог. ғыл. канд. дисс ... автореф. – Алматы, 1999. – 30 б; Айсұлтанов Қ. Қазақ тіліндегі терминжасамның ішкі көздері. Филолог. ғыл. канд. дисс. автореф. – Алматы, 2003.

УДК 81-13

ОБЪЕКТ И ПРЕДМЕТ ИССЛЕДОВАНИЯ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ

М.А. Муминова, старший преподаватель, Ферганский филиал ТУИТ, Фергана

Annotatsiya. Tadqiqot predmeti - bu o'ziga xos xususiyatlar, jarayonlar va parametrlarga ega bo'lgan ob'ektning ma'lum qismi. Masalan, barcha gumanitar fanlar uchun umumiy ob'ekt - bu shaxs, bu fanlarning har birining o'rganish predmeti o'ziga xosdir - inson va uning faoliyatining ma'lum bir tomoni.

Kalit so'zlar: madaniy tilshunoslik, tilshunoslik, madaniyatshunoslik, etnografiya, psixolingvistika, lingvistik mintaqashunoslik

Аннотация. Предмет исследования – это некоторая часть объекта, имеющая специфические характеристики, процессы и параметры. Например, общим объектом для всех гуманитарных наук является человек, предмет исследования у каждой из этих наук свой – определенная сторона человека и его деятельности.

Ключевые слова: лингвокультурология, лингвистика, культурология, этнография, психоллингвистика, лингвострановедения, лингвострановедение

Abstract. The subject of research is a certain part of the object that has specific characteristics, processes and parameters. For example, a common object for all humanities is a person, the subject of study for each of these sciences is its own - a certain side of a person and his activities.

Keywords: cultural linguistics, linguistics, cultural studies, ethnography, psycholinguistics, linguistic and regional studies

Мы различаем объект и предмет исследования. Под объектом исследования мы понимаем некоторую область действительности, представляющую собой совокупность взаимосвязанных процессов, явлений. Предмет исследования – это некоторая часть объекта, имеющая специфические характеристики, процессы и параметры. Например, общим объектом для всех гуманитарных наук является человек, предмет исследования у каждой из этих наук свой – определенная сторона человека и его деятельности. Объектом лингвокультурологии является исследование взаимодействия языка, который есть транслятор культурной информации, культуры с ее установками и предпочтениями и человека, который создает эту культуру, пользуясь языком.

Предметом исследования этой науки являются единицы языка, которые приобрели символическое, эталонное, образно-метафорическое значение в культуре и которые обобщают результаты собственно человеческого сознания – архетипического и прототипического, зафиксированные в мифах, легендах, ритуалах, обрядах, фольклорных и религиозных дискурсах, поэтических и прозаических художественных текстах, фразеологизмах и метафорах, символах и поговорках (поговорах и поговорках) и т.д. При этом одна лингвокультурологическая единица может одновременно принадлежать нескольким семиотическим системам: стереотип ритуала может войти в поговорку, а потом превратиться во фразеологизм; например, было время, когда клятву ели, т.е. ели землю, изображая породнение с ней, как бы жертвуя собой при этом; данный обычай закрепился в языке во фразеологической единице (ФЕ) есть землю (ср. современное употребление в воровском жаргоне); песня «Лазарь бедный», которую пели нищие и обиженные, усиленная семантикой самого имени Лазарь – «бог помог», подкреплённая библейской легендой о Лазаре, который получил награду за свои мучения на том свете (Евангелие от Луки), трансформировалась во фразеологизм петь Лазаря в значении «пытаться разжалобить, вызвать сочувствие». Иногда одна и та же лингвокультурологическая единица воплощается и в мифах, и в поговорках и во фразеологизмах: волк содержит в себе представление древних славян о грабителе, убийце, резне, т.е. мифологему «волк-разбойник», которая накладывает отпечаток на метафору волк зарезал. На фоне объекта исследования можно выделить несколько его предметов, каждый из которых также состоит из отдельных лингвокультурологических единиц. Мы выделили много таких предметов, но их количество может быть ещё увеличено.

Рассмотрим подробнее каждый из названных предметов.

Предметом исследования в лингвокультурологии должны стать слова и выражения, служащие предметом описания в лингвострановедении [1]. Это слова и выражения типа баклуши (бить баклуши), щи, каша, баня (задавать баню), пропал как швед под Полтавой и т.д. Национально-культурное своеобразие номинативных единиц может проявляться не только в наличии без эквивалентных единиц, но и в отсутствии в данном языке слов и значений, выраженных в других языках, т.е. лакунах – белых пятнах на семантической карте языка [2]. Кроме этих единиц языка, в которых сама реалья национальна, и поэтому слово, ее называющее, содержит национально-культурный компонент, мы относим к предмету лингвокультурологии максимально широкий круг языковых явлений. Национально культурное «присвоение» мира происходит под воздействием родного языка, так как мы можем подумать о мире только в единицах своего языка, пользуясь его концептуальной сетью, т.е. оставаясь в круге, описанным вокруг нас языком [3]. Поэтому разные нации, пользуясь разными инструментами концептообразования, формируют различные картины мира, являющиеся по сути основанием национальных культур.

Таким образом, нужно различать случаи, когда языковые единицы сами играют роль культурных стереотипов, и случаи, когда они называют предметы культуры. Предметом лингвокультурологии являются мифологизированные языковые единицы: архетипы и мифологемы, обряды и поверья, ритуалы и обычаи, закреплённые в языке.

В каждом конкретном фразеологизме отражается не целостный миф, а мифологема. Мифологема – это важный для мифа персонаж или ситуация, это как бы «главный герой» мифа, который может переходить из мифа в миф. В основе мифа, как правило, лежит архетип. Архетип – это устойчивый образ, повсеместно возникающий в индивидуальных сознаниях и имеющий распространение в культуре. Понятие архетипа было введено К.Г. Юнгом в 1919 г. в статье «Инстинкт и бессознательное» [4]. К.Г. Юнг считал, что все люди обладают врожденной способностью подсознательно образовывать некоторые общие символы – архетипы, которые проявляются в сновидениях, мифах, сказках, легендах. Архетип – это «психический орган», вырастающий в душе человека «как цветок». Современная наука подтвердила, что архетип – это глубокий уровень бессознательного. Например, в основе фразеологизмов с компонентом хлеб – есть чужой хлеб, жить на хлебах у кого-либо, зарабатывать на хлеб, хлебом не корми – лежит архетип хлеба как символа жизни, благополучия, материального достатка. Хлеб обязательно должен быть «своим», т.е. заработанным собственным трудом (вспомните слова из Библии, обращенные к первым людям Адаму и Еве: «Хлеб будете добывать в поте лица своего»). Хлеб – символ солнечного Бога, он не просто дар Божий, а сам есть божественное существо. Таким образом, понятие архетипа – важнейшее в феноменологии культуры.

Обряд. А. Н. Веселовский в своей «Исторической поэтике» [5] отмечал ведущую роль обряда в развитии культуры, а между ритуалом и мифом не видел никакой связи. В современной науке наибольшее распространение получила точка зрения, принимающая семантическое единство мифа и ритуала как теоретической и практической сторон одного и того же явления.

По В.Тэрнеру, ритуал – важное средство поддержания общих норм и ценностей народа, поскольку сложная система ритуала связана с символом, подражанием и восприятием, т.е. опирается

на доминантные стороны человеческой психики. В.Тэрнер писал: «...ритуал и символика – не просто эпифеномены или маскировка более глубоких социальных или психологических процессов, ...они обладают онтологической ценностью, имеющей определенное отношение к состоянию человека... Расшифровка ритуальных форм и раскрытие происхождения символических действий, возможно, более полезны для нашего культурного роста, чем мы до сих пор предполагали» [6]. Ритуал магически связывал людей с живыми силами природы, с персонифицированными мифическими существами, богами; древние ритуалы – это своего рода обряд оберега от вреда. Например, сглаз – специфический вид вреда, нанесенного визуальным путем.

Бережет человека и смех, точнее, ритуальный смех.

Уже на самых ранних стадиях развития культуры рядом с серьезными культами существовали и смеховые, срамословящие и высмеивающие божество: его ругают, над ним издеваются, чтобы утвердить жизненное начало вслед «умирающему» божеству; смех, сопровождающий эти культы, и назывался ритуальным смехом.

Аннотация. В статье обсуждаются исследования структурных свойств сложных последующих полипредикативных единиц, последующих полипредикативных единиц, история их изучения, формальные и семантические особенности последующих составных предложений, способы формирования составных предложений и их семантика.

Ключевые слова: составное предложение, последующая полипредикативная единица, части ссылки, основная предикативная единица, последующая предикативная единица, грамматическое образование частей ссылки

Abstract. The article discusses studies of the structural properties of complex subsequent polypredicative units, subsequent polypredicative units, the history of their study, formal and semantic features of subsequent compound sentences, ways of forming compound sentences and their semantics.

Key words: compound sentence, subsequent polypredicative unit, parts of a link, basic predicative unit, subsequent predicative unit, grammatical formation of parts of a link

Мазмуний мундарижасининг кенглиги билан содда предикатив бирликлардан фарқланувчи синтактик бутунлик бўлган қўшма гаплар тил синтактик сатҳининг олий бирлигидир.

Анъанавий тилшуносликда яратилган синтаксисга оид қўшма гап ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Мазкур ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда қўшма гап табиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига доир янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ўзбек тилида, умуман, туркийшуносликда қўшма гап назарияларини ўрганишнинг дастлабки босқичи, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган [8]. Албатта, ҳар бир ҳодисанинг табиий моҳиятини тўғри талқин этишда киёслаш усули катта аҳамиятга молик. Бу йўл билан бирон бир тил ҳодисасининг миллий ўзига хослигини кўрсатиб беришда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўпчиликка маълум.

Жаҳон тилшунослиги тарихида ҳам, хусусан, қадимги лотин лингвистикасининг юнон тилшунослигидан нусха олиш асосида шаклланганлиги маълум. Бундай усул тил ҳодисаларининг ўзига хос хусусиятларини тўғри ва холис тушунишга имкон бермайди. Назаримизда, бошқа фанлар каби лингвистика фани ҳам андоза олиш усули ёрдамида бошқа тилшуносликлар эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиши керак.

Ўзбек тилидаги эргаши гапли қўшма гаплар таснифи бошқа тиллардаги эргаши гапларнинг таснифига ўхшаш ёки яқин турувчи бўлиб, “туркий тиллардаги, шунингдек, бошқа тиллардаги эргаши гап турлари содда гап назарияси билан узвий боғланган” [3]. Содда гаплардаги муайян бўлақлар билан эргаши гапларни нисбатлаш жуда узоқ анъанага эга [6, 10]. Масалан, испан тилшунослигида эргаши гапларнинг вазифаси сўз туркумларининг содда гаплардаги вазифаси билан тенглаштирилади [5].

Лисоний далиллар таҳлили шуни исботлайдики, мураккаб эргаши гапли полипредикатив бирликларнинг ҳоким қисми турли мазмундаги предикатив бирликдан ташкил топган бўлиши мумкин.

Бош предикатив бирликда келган ҳавола бўлак қандай мазмун ифодалашига кўра мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар куйидагича турларга бўлинади.

I. Фаолият-жараён мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: Қизиги шундаки, Донёр мўмин-қобил бўлса ҳам, биз у билан бемалол, ботиниб гапириша олмадик. (Ч.Айтматов)

II. Воқеа-ҳодиса мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: Дейилмоқчики, яхшилигинга вафо ила жавоб қайтармайдиган одамдан йироқ бўлишга интил, чунки улардан ҳеч қачон жабру жафодан бошқа нарса келмайди. (Навоий)

III. Субъект мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: Кийинишидаги орасталик, ўзини кибрли тутуши, айниқса, қарашидаги безовталикдан билдики, у милициядан эмас, жиддийроқ идорадан. ("Мурдалар гапирмайдилар" Т.Малик).

IV. Белги мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: Шундай одамлар ҳам бўладик, тугилганда ҳеч ким севинмаган бўлса ҳам, ўлганда бутун юрт аза тутуди. (А.Қаҳҳор).

V. Объект мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: 1. Аммо у шуни фаҳмадики, уй ичида нимаики бўлса, ҳаммаси кутаётибди (Ҳ.Ғулом). 2. Шуни айтишим мумкинки, башарти хотиним вафотидан кейин ҳаёлимни банд этган биров бўлса, у ҳам – сиз. (У.Назаров).

VI. Даража-микдор мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: Сауданинг таъби очилди, шу қадар очилдики, аъзойи-бадани келида туйилгандай қақшаётган бўлса ҳам, ўрнидан туриб ўтирди. (А.Қаҳҳор).

VII. Ҳолат (тарз) мазмуни ифодаланган мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар;
Масалан: 1. У Низомжонга шундай ўрганиб қолган эдики, овқатдан сал кечикса, товоқда овқатини кўтариб орқасидан қидириб юрар эди. ("Уфқ" С.Аҳмад). 2. Шундай қилиш керакки, илон кимни чақини аниқ билмай чалғисин", деган тўхтама келган "политбюро" чалғитиш йўлини излаб топишни Тенгизга юклаган эди. ("Мурдалар гапирмайдилар" Т.Малик).

Мисоллар таҳлилига таяниб шуни айтишимиз мумкинки, мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик ҳоким қисмидаги ҳавола бўлакнинг мазмунини изоҳловчи тобе қисмлар ҳам турли мазмун-муносабатни ифодаловчи кўшма гаплардан иборат бўлади. Шунга кўра мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликларни куйидагича турларга бўлишимиз мумкин.

I. Тобе қисми шарт мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:
1. Шубҳасизки, агар тўғридан-тўғри бу ҳақда гап боилсам, шугулланаётган юмушим учун узр сўрагандай бўлардим. ("Маъсума" Т.Малик). 2. Бор масалким, иш юришмас, Соҳиби гар бўлса кож. (Э.Воҳидов).

II. Тобе қисми тўсиқсизлик мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:

1. Кўнги севгини кўмсаган бир даврда шунақа пайтлар бўлар эканки, бундай чоғларда чиройлигина эмас, истараси иссиқ қиз бўлса ҳам, бир жылмайиб боқинидан, бир оғиз илиқ сўзиданоқ маст бўлиб қолар экансан киши. (О.Ёқубов). 2. Баъзи бир сўзлар борки, уни қўллаш бир дин ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва тилда бемаъни бўлмайди. (Беруний).

III. Тобе қисми шарт-тўсиқсизлик мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:

Шуни яхши билки, агар Аллоҳнинг назаргоҳи бўлган бир кўнгилини инжитсанг, кейин Каъбага борсанг ҳам, ундан олган савобинг ранжидида бўлган кўнгили гуноҳини юва олмайди. ("Энг кичик жиноят" Т.Малик).

IV. Тобе қисми сабаб мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:
Дейшладик: "Э фарзанд, ҳар қандай кишиникига меҳмон бўлиб бораверма, чунки ҳашамат ва шавкатинга зарар етказди". ("Ҳаловат" Т.Малик).

V. Тобе қисми пайт мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:
Шуниси ажабланарлики, Умматали кимдан ўглини сўраса, у ким деб ўтирмай, дарров қаердалигини айтади. ("Уфқ" С.Аҳмад).

VI. Тобе қисми қиёслаш мазмунини ифодаловчи мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирлик:
Яна муҳими шуки, Аллоҳнинг бу муҳаббати фақат шу икки зот ва уларга ўхшаши биродарларимиз учунгина эмас, балки бошқалар учун ҳам манфаатлидир. ("Одамийлик мулки" Т.Малик).

Юқоридаги фикрларга таяниб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, бирдан ортиқ содда гапларнинг ўзаро бирикиб, бир тобе қисм вазифасида келиши мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликларни ташкил қилади.

Мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликлар тузилиши жиҳатдан ҳам, ифодалаган мазмуни билан ҳам ажралиб турувчи алоҳида мураккаб синтактик бутунликдир.

Мураккаб эргаш гапли полипредикатив бирликларни илмий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаб қўшма гап синтаксиси масалаларининг тўғри ҳал қилинишига ёрдам беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1958.
2. Аскарлова М.А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке. АДД. Ташкент, 1963.
3. Баскаков А.Н. Предложение в современном турецком языке. М.: Наука, 1984, С.119.
4. Бердалиев А. Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик-сигнификатив парадигматика. Тошкент: Фан, 1989.
5. Васильева-Шведе О.К., Степанов Г.В. Теоретическая грамматика испанского языка. Синтаксис предложения. М.: Высшая школа, 1981, С.232.
6. Корнилов В.А. К проблеме изоморфизма сложно-подчиненного предложения и подчинительного словосочетания. – В кН.: Подчинение в полипредикативных конструкциях. Новосибирск: Наука, 1980, С. 13.
7. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент. 1990. 110 б.
8. Маҳмудов Н.М. Қайта қуриш ва ўзбек морфологиясининг айрим масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 3-сон, 16-20-бетлар.
9. Тешабоев Д. Ўзбек тилидаги ҳавола бўлакчи синтактик конструкциялар: Филол. ф.ф.док. (Phd) дисс. автореф. – Фарғона, 2019.
10. Щегулин В.В. О классификации сложноподчиненных предложений. Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1972, С. 3-12.
11. Шутова С.И. Вопросы теории синтаксиса, М.: Наука, 1984, С.55
12. Ғозиев Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги қўшма гапларнинг состави ҳақида // Ўзбек тили илмий грамматикасидан материаллар. Тошкент, 1941. 127-156 бетлар.
13. Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. 3-нашри, Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 187-6
14. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки по теории сложного предложения. Новосибирск: Наука, 187, С. 61.

УЎК 821.512.133'04.09

АЛИШЕР НАВОИЙ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМ АҲЛИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

(“Маҳбуб ул-қулуб” асари мисолида)

Б.Т. Турсунов, илмий ходим, ЎЗР ВМ хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Аннотация. *Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг маърифат аҳлининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги қарашлари “Маҳбуб ул-қулуб” асари мисолида синергетик таҳлил этилади.*

Калим сўзлар: *комил инсон, синергетика, бифуркация, аттракторлик, келажакни бугунга таъсири, мударрис, шайх ул-ислом*

Аннотация. *В статье представлен синергетический анализ взглядов Алишера Навои на роль и значение просвещенных в развитии общества на примере его произведения «Махбуб ул-кулуб».*

Ключевые слова: *совершенный человек, синергетика, бифуркация, аттрактор, влияние будущего на настоящее, мударрис, шейх ул-ислам*

Abstract. *The article presents a synergistic analysis of the views of Alisher Navoi on the role and significance of the enlightened in the development of society on the example of his work "Mahbub ul-kulub".*

Key words: *perfect person, synergetics, bifurcation, attractor, influence of the future on the present, mudarris, sheikh ul-islam*

Кириш. Бугунги глобаллашув жараёнида баркамол авлодни Ватанга муҳаббат, миллий кадрятларимизга, улуғ аждодларнинг бой илмий-маънавий меросига юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор вазифалардан саналади. Дарҳақиқат, “комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезондир” [1]. Шу нуқтаи назардан қараганда, йирик мутафаккир Алишер Навоийнинг теран маънавий меросининг мазмун-моҳиятини ёшлар онги ва қалбига сингдириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Алишер Навоийнинг илмий-маънавий меросини синергетика нуқтаи назаридан фалсафий тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини асослашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Миллий маънавиятимизнинг мўътабар сиймоларидан бўлган Алишер Навоийнинг илмий-маънавий мероси мазмун-моҳиятини жамиятда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришга йўналтирилганлиги ва бунда илм - маърифат аҳлининг тутган ўрни ва аҳамиятини улуғ шоирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” [2] асари мисолида тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг методикаси. Навоийнинг илму маърифат аҳлининг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги қарашлари синергетик методологиянинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, аттракторлик, келажакни бугунга таъсири тамойиллари асосида фалсафий таҳлил этилади.

Тадқиқотнинг натижалари. Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида турли ижтимоий тоифаларнинг феъл-атворига хос бўлган сифатларни қиёсий таҳлил этади. Асарда иллатлардан покланиш ва эзгу фазилатларни ўзлаштириш асосида инсонни мукамалликка чорловчи панду насиҳатлар илм олиш, таълим ва тарбия жараёнлари учун ҳам бирдек муҳимлиги илмий жиҳатдан асослаб берилади. Бинобарин, “инсоннинг баркамол қиёфа кашф этиши ундаги зоҳирий ёмон қилиқларни, хатти-ҳаракат ва амалларнинг нечоғлик сўниб бориш даражасига боғлиқдир” [3]. Зеро, инсонга билимнинг зарурлигини уқтириш, унга кўришнинг аҳамиятини уқтириш билан баравар бўлиб, инсон узлуксиз равишда илм ўрганиш ва ўз ўзини ташкиллаштириш орқали маънавий юксала боради.

Буни яхши тушунган ҳазрат Навоий: “Агар киши саодатманд олим бўлса, нодонлар сўзлари ҳам унинг учун аҳамиятли ва ибрат бўлади. Агар у бесаодат жоҳил бўлса, олимнинг сўзини эшитишдан ор қилади. Ҳақиқатан, жоҳилликдан ҳам бадбахтроқ нима бор дунёда? Ўзига бино қўйиш нақадар аҳмоқлик, ўз сўзига бино қўйиш нақадар бахтсизликдир. Оламдаги барча одамлар ўзларини ўзлари севадилар ва ўз сўзлари ўзларига жуда ёқимли туюлади. Ва башарият жинсида бўлган бу сифат – уларнинг жоҳиллигига далилдир ва нафслар эса беихтиёр шу даъво билан машғулдирлар” [2], - деб ёзади.

Аслида ҳар бир шахс ўз ақлий камолоти учун жамият олдида қарздор бўлиб, маънавий юксалган сари унинг бурч ва масъулияти ҳам ошиб бораверади. Шу боис, зиёли ҳаётининг маъносини халқ оммаси қатламлари орасида холисона илм тарқатмоқ учун узлуксиз равишда изланишдан, билимлар хазинасини тўлдиришдан иборат дейиш мумкин. Зеро, эртанги кун кишиларини зукко, етук ва баркамол этиб тарбиялашда илм аҳлининг, хусусан, жонқуяр фидойи устоз ва мураббийларнинг ўрни бекиёсдир.

Навоий илм ва бойлик ҳақида сўз юритиб: “Фосиқ олим, билгинки, ўзига золим донишманддир. Бахил бой эса нодондирки, у ўз зиёнини кўзловчи. Бу икки тоифа умрини бекорга ўтказди ва гўрга ҳасрату армон олиб кетади. Чунки буларнинг бири илм ўрганиш учун қанча машаққат тортса-да, лекин илмига амал қилмади. Иккинчиси мол-дунё йиғиш учун кўп овора бўлди-ю, уни нимага сарф қилишни билмади. Илм ўрганмоқ – динни мустаҳкам қилмоқ учун, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас. Саховатсиз бой бамисоли ёмғирсиз булутга ўхшайди. Илмига амал қилмаган олим эса устига китоб ортилган ҳайвонга ўхшайди” [2], -дея таъкидлайди.

Мутафаккир илм ва бойликни моҳиятан қиёслар экан, олинган илм ва тўпланган бойликнинг хайрли амалларга сарфланиши мақсадга мувофиқлигини қайд этади. Шунингдек, саводлилик билимларнинг кўп-озлигида ҳам эмаслигига, балки билганларини тўла англаш ва ҳаётга татбиқ эта билиш муҳимлигига далолат қилади. Баҳс ва тортишувлар учун, бошқаларни назарга илмаслик, манфаат чиқариш, шухрат, амал орттириш ва ўзга мақсадлар учун эмас, балки ҳаётга нимадир наф келтириш учун илмга интилмоқ лозимлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, инсон учун билим орттиришнинг ўзи кифоя эмаслиги, балки олинган билимни у тараққиёт йўлида сарфлаши ва билиминини бошқалар ҳам ундан ўз ақл шамчироқларини ёндириб олишлари учун бериши талаб этилади.

Навоий олимларга огоҳнома сифатида: “Олим киши жоҳилни рўпарасига ўтирғизиб олиб, мулзам (*мот*) қилишни истаса, бу иш олимнинг ўзини ўзи таҳқирлашидир. Олим киши ўз илмининг даража ва миқдорини билиб, ҳурматини сақлаши керак. Гавҳарни текшириб кўриш учун уни тошга урмаслиги лозим” [2], -дея таъкидлайди.

Ҳақиқий олим камтар бўлмай иложи йўқ албатта, чунки у қанчалар кўп иш қилгани сайин, ҳали бир дунё ишлар бажарилмай ётганини ҳам яққол кўра олади. Билим ўз соҳибига ҳар қандай мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, ўзини қўлга ола билиш, ноҳўя ҳатти-ҳаракатлардан, гуноҳлардан ва хатолардан тийилиш имконини беради. Яъни билим кишига ўзини англаш асосида табиатида зоҳир бўлган салбий иллатлардан покланиш, ўз ўзини ташкиллаштириш орқали маънавий камолотини таъминлаб беради. Зеро, ўзини саводли ва зиёли одамлигини йирик нарсаларда ҳам, майда нарсаларда ҳам ҳар доим ва бутун умр намоён эта оладиган кишини чинакам саводли ва зиёли деб ҳисоблаш мумкин” [4].

Навоий мударрислар зикрида: “Мударрисларнинг мақсади мансаб бўлмаслиги керак ва ўзи билмаган илмдан дарс бермаслиги ва ўзини мактаб, шовқин-сурон кўтармаслиги керак. Жоҳиллар каби мактанчоқлик учун мадраса (илм даргоҳи) айвонида ўтирмаслиги керак. Диний илмларни билса ва аниқ масалалардан элга таълим берса, бу создир. У ярамас қилиқлардан холи ва нопок ишлардан узоқ юрмоғи керак ва ўзини олим қилиб кўрсатиб, турли-туман ножоиз ишларни “қилса ҳам бўлади”, деб ҳаромни ҳалолга чиқармаслиги керак. Ножоиз ишлар билан машғул бўлиб, жоиз ишларни қилмайди. Бундай одам мударрис эмас, мубтадеъдур (*бидъатчидир*) ва бундай киши билан

сухбатлашиш ислом аҳлига ман қилинган. Мударрис олим ва тақволи ва хушёр ҳамда айтар сўзи Оллоҳнинг каломи ва расуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадиси бўлиши керак” [2], -дея келтиради.

Шунингдек, мутафаккир: “Шайх ул-ислом мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг фатвосига (*хукмига*) бўйсуниллари лозим. Бундай киши исломни ҳимоя қилувчи олим бўлмоғи ва даргоҳга (*азизлар, авлиёлар ва орифлар даргоҳига*) яқин бўлмоғи, ориф ва донишманд, шариат қонунига тобеъ, фақирликка рози, тасаввуф йўлини тутувчи бўлиши керак. Яхши – ёмонга шафқатли ва ёшу қарига фойдали йўл кўрсатувчи, рад этиб бўлмас даражада ҳақиқатни сўзловчи. Шариат қонунларини билишда комил бўлиши ва бидъатчилар бидъатини йўққа чиқарувчи обрўли киши бўлиши керак” [2], - дея баён қилади.

Навоий шайх ул-исломнинг жамиятда муҳим мавқега эгалиги боис ушбу лавозим соҳиби илми билан ахлоқий етукликка эришган, маърифатли ва донишманд, камтар, тасаввуф (“*хилофу ихтилофи бўлмаган, риё ва манманлик, даъво-ю таъмани инкор этадиган, инсон зийнати, тийнати покловчи таълимот*”)ни [3] ёқловчи, барчага шафқатли ва фойдали йўл кўрсатувчи, ҳақиқатгўй, шариат қонунларининг билимдони ва энг муҳими эл орасида обрў қозонган кишилардан бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Бошқаларга ижобий таъсир кўрсатиш орқали, уларни тўғри йўлга, эзгуликка йўналтириш учун барча муносабатларда киши ўз-ўзини ташкиллаштириш орқали шахсий намуна кўрсатиши кераклигига, акс ҳолда унинг барча оғзаки уринишлари бесамар кетишига далолат қилади.

Олиму фузалолар ва уламоларнинг жамият равнақидаги ўрни ҳақидаги ҳадис шарифни Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилдилар: “Расулulloҳ (сав): “Аллоҳ таоло бандаларига илм берган экан, уни бевосита ўзини тортиб олмайди, аммо уни уламоларни маҳв этиш йўли билан тортиб олади. Шунда ер юзида фақат жохилу нодонлар қолиб, улардан фатво сўрганларида ўз билганларича жавоб берадилар-да, ўзлари ҳам адашадилар, ўзгаларни ҳам адаштирадилар”, - дедилар” [5]. Бундан маълум бўладики, олиму фузалоларнинг жамият равнақида тутган ўрни бекиёс даражада катта бўлиб, буюк шоир ушбу жиҳатни ўз вақтида тўғри англаган, бошқаларни бундан огоҳ этганки, бу мутафаккирнинг узоқ келажакни олдиндан кўра билганлигининг далилидир.

Ҳазрат Навоий мактаб аҳли зикрида, мактабдор домла феълидаги бераҳимлик, қаттиқ кўнгиллик, кўполлик, дарғазаблик, кўрқитиш орқали кичкинтойларни тартибга солишга уринишларини ва таъмагирлик иллатини қаттиқ танқид қилади. Муаллифнинг таъкидлашича: “Ҳар қандай бақувват кишини болалар тарбияси чарчатади, бундай ишни дев ҳам қила олмайди. Мактабдор домла эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Бунга нима етсин? Лекин болалар ичида ақлу идроки пастлари ҳам бўлади. Бундай ҳолда муаллим кўп машаққат чекади. Шу сабабли, болаларда муаллимнинг ҳаққи кўп. Агарда шогирд келгусида подшоҳ бўлса ҳам, ўз муаллимига қуллук қилса арзийди. Агар шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даражасига етса ҳам, устози ундан рози бўлса, Тангри ҳам ундан рози бўлади” [2], - дея жамиятда муаллим мақомининг юксаклигига ишора қилади.

Навоий таълим ва тарбия жараёнининг оғир ва мураккаблигини, мураббийлик касбининг заҳматли ва шарафли эканлиги боис, ўқувчиларда муаллимнинг ҳаққи кўплигини алоҳида таъкидлайди. Мутафаккир устоз-мураббийларни улуғлаб, уларни тартибсизликдаги тартиб ўрнатувчи аттрактор сифатида намоён этади.

Навоийнинг бундан беш аср бурун ёзилган ушбу сатрларини бугунги жамиятимиз тўғрисида айтилган фикрлар дейишга тўла асос бор. Чунки мутафаккир ўткир тафаккур ила бугун фан, таълим ва тарбия соҳаларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг мақбул йўллариини ўз вақтида кўрсатиб беради. Айни бу ҳолат синергетиканинг “келажакнинг бугунга таъсири” тамойилининг Алишер Навоий фаолиятида намоён бўлишига яққол мисолдир.

Хулоса. Алишер Навоий маънавий меросининг мазмун-моҳиятини инсон камолотини юксалтириш, бағрикенглик, яхшилик, ҳалоллик, адолатлилик, саховатлилик каби эзгу тамойиллар ташкил этади ва у инсониятни эзгу амаллар қилишга даъват этиб, салбий сифатлардан етадиган ҳалоқатлардан огоҳ этади. Жамият маънавий ҳаёти учун масъул бўлган ислом пешволари, мударрислар, олимлар ва воизларни шариат қонунлари, Куръон ва ҳадисларни чуқур ўзлаштиришга, фаолиятда илмга, ҳақиқат мезонига қатъий амал қилишга, барчага шафқатли ва манфаатли йўл кўрсатувчи бўлишга чақиради. Бундай сифатларни ўзлаштирилиши охир-оқибатда уларни аттракторлик, яъни тартиб ясовчилик даражасига олиб чиқиши ҳаётий далиллар билан изоҳлаб кўрсатилади.

Мутафаккир ижодида, хусусан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида кишининг саодати унинг илмига, қилаётган амалига, феъл-атворида боғлиқлиги, ҳаётини эзгу амалларга бағишласа, яхши сифатлар соҳиби бўлса, у албатта бахтиёр бўлиши, ҳаёти гўзал мазмун касб этиши рад этиб бўлмас далиллар билан асослаб берилади. Буюк мутафаккир томонидан илгари сурилган комил инсон концепциясига кўра, инсон ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида узлуксиз равишда ўзини ўзи такомиллаштириб, феъл-атворидаги салбий кусурлардан покланиб, эзгу сифатларни ўзлаштириб борган сайин у комиллик сари юксалаверади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. Юсак маънавият – энгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. -108 б.
2. Алишер Навоий. Маъбуб ул-кулуб. (Қалба маъбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар). Ҳозирги ўзбек тилига таъдил. Т.: “Sano-standart”, 2018. -189 б.
3. Тилаб Маъмуд. Комиллик асрорлари. Ҳаётини ҳикматлар. Т.: “Адолат”, 2006. -96 б.
4. Тафаккур гулшани. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари (В.Воронцов композицияси: Ш.Абдураззокова таржимаси).-Т.: “Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1989. -464 б.
5. Саҳиҳи Бухорий. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.2 жуз.-580 б.

УЎК 81'373

ЛЕКСИК БИРЛИКНИНГ БАҲОЛОВЧИ КОМПОНЕНТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДООИР

(инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида)

М.Э. Турсунова, ўқитувчи, ТИҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро

Аннотация. *Maqolada leksik birliklarning baholovchi tarkibiy qismlarining semantik mohiyati ingliz, rus va o'zbek tillari materiallari bo'yicha qiyosiy jihatdan o'rganildi.*

Калим сўзлар: *семантик компонент, баҳоловчи компонент, денотатив ва коннотатив компонент, ижобий, салбий, нейтрал баҳоловчи муносабат, лисоний белги*

Аннотация. *В статье изучается семантическая сущность оценочных компонентов лексических единиц в сопоставительном аспекте на материале английского, русского и узбекских языков.*

Ключевые слова: *смысловой компонент, оценочный компонент, денотативный и коннотативный компонент, позитивное, негативное, нейтральное оценочное отношение, языковой характер*

Abstract. *Semantic essence of valuable components of lexical units on comparative aspect (on the material of English, Russian and English Languages) is studied in this article.*

Keywords: *semantic component, evaluative component, denotative and connotative component, positive, negative, neutral evaluative attitude, linguistic character*

Охирги йилларда сўзнинг лексик маъносининг структураси, айниқса унинг предмет-мантаний мазмунини ифодаловчи семантик компонентлари тилшуносларнинг алоҳида диққат-эътиборини тортмоқда. Шундай компонентлардан бири лексик бирликнинг баҳоловчи компонентларидир. Бу масала ўтган асрнинг 70-80 йилларидаёқ Е.М.Вольф (1979,1985), Д.Исмоилов (1979), С.М.Кривонос (1980), И.А.Стернин (1985) каби олимларнинг тадқиқотларида илк бора ўрганилган эди. Сўз ифодаловчи лексик маъносининг баҳоловчи компонентида бундай қизиқиш инсон фаолиятининг ўзига хос хусусияти сифатида биринчидан, лисоний белгиларни қўлланилишида муҳим роль ўйнаса, иккинчидан хорижий тилларда мулоқотга ўргатишда муҳим восита вазифасини бажаради.

Сўз лексик маъносининг баҳоловчи компонентларини ўрганиш қатор ечимини топмаган баҳс талай муаммолар билан боғлиқ. Масалан, баҳоловчи компонент деганда нима тушунилади? Бундай баҳоловчи компонентнинг асоси нима? Баҳоловчи компонент фикрда ўз аксини топадими ёки алоҳида лексик бирликдами? Агар, баҳоловчи компонентни сўз маъносининг структураси таркибида ўрганадиган бўлсак, у денотатив компонентми, коннотатив компонентми? Баҳоловчи компонент тил бирлигида ёки нутқ бирлигида ифодаланишининг ўзаро боғлиқ томонлари борми? Ёки қандай лингвистик ва ижтимоий-психологик факторлар баҳоловчи компонентнинг матнда ёки контекстда ўзгаришларга олиб келиши мумкин?

Шу нуқтаи назардан лексик бирликнинг баҳоловчи компонентининг хилларини, типларини аниқлаш, уларни семантик компонент сифатида лексик бирлик маъносида иштирокини ўрганиш тилшунослар, таржимонлар, методист ўқитувчилар учун ҳам ғоят муҳимдир.

Лексик бирликнинг баҳоловчи компоненти дейилганида одатда шу тилда гапирувчи кишиларнинг онгида шаклланган лисоний фактларга субъектив муносабати тушунилади. Бундай муносабат яхши, ёмон, ёки нейтрал муносабат бўлиши мумкин. Кишиларнинг реал борлиқ объектларига баҳоловчи муносабатлари тил системасида, жумладан шу тилнинг лексик бирликлари орқали ифодаланади. Бу масала рус тилшунослигининг отаси ҳисобланмиш В.В.Виноградов тадқиқотларида илк бора ўз аксини топган эди. Унинг асосли фикрича «Сўз нофактат грамматик, лексик, предметлик маъноларига эга, у айни бир пайтнинг ўзида субъектнинг баҳоловчи муносабатини ҳам ифодалайди» (Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове). М.-Л., 1947, с.18)

Сўзнинг лексик маъносининг баҳоловчи компоненти ёки лексик-семантик варианты одатда ижобий ва салбий маъно сифатида идрок қилинади. Масалан, инглизча: *home - хоту- уйча -уй – домшика – дом - домик*. Келтирилган мисоллардан бир негиздан ясалган лексик бирликлар ифодалаган ижобий салбий маъноларни аниқ ҳис қилишимиз мумкин. Айни пайтда бундай сўзларнинг салбий

баҳоловчи компонентлари улар ифодаладиган синонимик қаторларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Масалан, ўзбекча: *уй - кулба, бошпана*, инглизча: *shanty - shack*, русча: *хижина* ва ҳ. Тилшуносликда лексик бирликнинг ижобий маъноси **мелиоратив**, салбий маъноси **дерогатив** ёки **пейоратив** маъно деб аташ қабул қилинган. Гапирувчи шахснинг субъектга нисбатан баҳоловчи муносабати оддий нейтрал даражасидан ижобий ва салбий даражасигача ўзгариб бориши мумкин. Субъектнинг ижобий-салбий муносабати объектнинг белгиларига, сифатларига нисбатан маъқулловчи –маъқулловчи муносабатларидан фарқли уларок, нейтрал муносабат бефарқликни (индефферент) ифодалаб келади. Сўз лексик маъносининг бундай хусусиятини уч элементли система сифатида талқин қилиш мумкин: +, 0, - . Бу ҳолда О(нул) компонент ҳам баҳоловчи кўрсаткич вазифасини бажаради (Вольф 1979:273).

Демак, сўз лексик маъносининг нул компоненти - нейтрал компоненти ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Гапирувчи шахснинг объектга нисбатан бефарқ муносабатини ифодаловчи бу белги сўз маъносининг семантик компоненти ҳисобланиб, турли коммуникатив вазиятларда субъект учун ижобий ёки салбий муносабат билдиришда қўлланиладиган таянч белги вазифасини бажаради. И.А.Стерниннинг фикрича сўзнинг лексик маъносида нейтрал баҳоловчи компонентнинг мавжудлигини турли тиллар системасида айнан шундай нул белгилари баҳоловчи маънони ифодаловчи махсус сўзлар мавжудлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, инглизча *norm, normal, normative; ordinary; natural* – *норма, нормальный, нормативный, обычный, естественный- норма(меъёр), меъёрӣ, табиӣ* (Стернин 1985: 73).

Сўз семантикасидаги баҳоловчи компонентни аниқ, эксплицит ифодаловчи сўзлардан ташқари баҳолашни имплицит, яъни яширин ифодаловчи сўзлар ҳам мавжуд. Бундай имплицитлик шундай сўзларни ижобий- салбий баҳоловчи компонентли синонимлари билан қиёсланганида кўзга яққол ташланади. Масалан, инглизча *infant (O) - kid(+), offspring (-); ребёнок(0), детка(+), отродье(-); бола(0), болакай(+), чурвақа(-); face(0), image(+), юз(0), чеҳра(+), афт, башара(-)*. Сўз негизига қўшиладиган турли қўшимчалар ҳам унга ижобий, салбий, нейтрал баҳоловчи компонент хусусиятини бериши мумкин. Масалан, инглизча *child –laddie, бола(0) –болакай(+), home(0)- хоту (+,-), уй(0), уйча(+,-)*. Мисоллардан кўриниб турибдики турли системага оид тилларда баҳоловчи компонентлар турлича морфемалар ёрдамида ифодаланади. Нутқ жараёнида қўлланиладиган ҳар қандай лексик бирлик улар предикатив ёки предметни ифодаловчи сўз бўлишидан қатъий назар ижобий ёки салбий семантик маънога эгадирлар ва муайян баҳоловчи зарядга эгадирлар. Бу ўринда нул заряд окказионал равишда ижобий ёки салбий баҳолашга асос вазифасини бажаради. Шундай қилиб баҳолаш сўз ифодаладиган маънонинг махсус детерминациялашган компоненти сифатида уч хил кўринишда намоён бўлади:

- 1) нейтрал ёки нул қийматли баҳоловчи компонентли сўз;
- 2) ижобий (мелиоратив) компонентли маъно;

3) салбий (дерогатив, пейоратив) компонентли баҳоловчи маъно. Бундай баҳоловчи шкала турли хил лексик-семантик гуруҳларга мансуб бўлган сўзларни алоҳида лексик гуруҳларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради. Масалан, субъект томонидан объектни шахс сифатида баҳолашнинг уч шкаласини кўриб чиқайлик:

- 1.Шахсни нейтрал баҳоловчи лексик бирликларига қуйидагилар киради:

Peasant -деҳқон
Foreigner- хорижий
Man-эркак киши

2. Шахсни предикатив мелиоратив белгиларини ифодаловчи лексик бирликлар:

Beauty (beautiful person), гўзал
Charmer (pleasant or attractive person)-жозибали, дилбар
Peach (slang) (person of superlative merit) соҳибжамол

Humdinger (slang) = (excellent or remarkable person)-ёқимтой йигит

- 3.Шахсни предикатив дерогатив белгиларини ифодаловчи лексик бирликлар:

Shmew = scolding woman- жанжалкаш кампир
Waster(slang) = good-for-nothing person- ярамас, пулга ўч одам, қиммат
Thug= vicious or brutal ruffian- каллакесар,
Sneak (slang) = mean-spirited, cowardly underhand person- разил.

Баҳоловчи белгиларга эга бўлган предикативли шахс номлари асосида субъектнинг, лисоний коллективнинг, ижтимоий гуруҳнинг ижобий, салбий, нейтрал муносабатлари ётади.

Лексик бирлик маъносидаги ижобий ёки салбий баҳоловчи компонент моҳиятига кўра турли - туман бўлиши мумкин. Унинг семантик ўзига ҳослиги баҳоловчи квалификацияларнинг характерига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан шахснинг предикатив салбий хусусиятларини баҳоловчи лексик бирликларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий келиб чиқишга асосланган референтни интеллектуал – мантикий белгиларига кўра салбий баҳолашга доир лексик бирликлар:

Инглизча: thief; русча- вор; ўзбекча-ўзри;

Инглизча: traitor; русча- предатель; ўзбекча- сотқин, хиёнаткор;

инглизча- liar; русча – лгун; ўзбекча- алдамчи;

Инглизча:- criminal; русча- преступник; ўзбекча -жиноятчи.

2.Ҳис- ҳаяжон, руҳий кечинмалар туфайли субъектга хос бўлмаган сифатларни ошириб кўрсатишга йўналтирилган, кўпроқ сўзлашув нутқида қўлланиладиган салбий баҳоловчи лексик бирликлар:

Инглизча:- scoundrel; русча- негодяй; ўзбекча - разил, қабих, ярамас, аблах, нобакор;

Инглизча: - hangeron, stooge; русча- скряга; ўзбекча- қуримсоқ;

Инглизча :- twaddler; русча-пустомеля; ўзбекча- маҳмадона, вайсақи;

Инглизча: blockhead; русча- дубина; ўзбекча- калтафаҳм ;

Инглизча: – greedy-guts; русча-жадина; ўзбекча- зиқна, хасис;

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки лексик бирликларнинг уч турга доир баҳоловчи классификацияси умуммиллий, ижтимоий гуруҳларда шаклланган тил нормаларига асосланади ва шундай қилиб субъектнинг турли сиёсий, ижтимоий гуруҳларга мансублигини ифодалаб келади. Лексик бирликнинг баҳоловчи компоненти бирор ижтимоий гуруҳга мансублиги баҳоловчи шкаланинг турлича ўзгаришларга, вариацияли баҳоловчи маъноларда қўлланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Беляевская Е.Г. Семантика слова: Учебн. Пособие. – М.: Высшая школа, 1987. – 128с.
- 2.Вольф Е.М. Варьирование в оценочных структурах // Семантическое и формальное варьирование. – М., 1979. – с.273-294.
- 3.Вольф Е. М. Функциональная семантика оценки. – М.: Наука, 1985. – 228 с.
- 4.Кривонос С.М. Лингвостилистические средства выражения категории оценки (на материале публицистических произведений К.Цеткин). М. 1980.
- 5.Стернин И.А. Лексическое значение слова в речи. Воронеж, 1985.– с. 73.

УЎК 81-13

ТОНИ МОРРИСОН ИЖОДИДА ТАРИХИЙ РОМАН ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Г. Эшонқулова, ўқитувчи, ЎзДЖТУ, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақола афро-америкалик адиба, нобель мукофоти совриндори бўлган Тони Моррисон ижодидида тарихий роман элементлари мавзусини очиб беришга қаратилган.

Калим сўзлар: тарихий роман, хусусият, адабиёт, тарих, характер, адиба

Аннотация. Эта статья призвана пролить свет на тему исторических элементов романа в творчестве афроамериканского писателя, лауреата Нобелевской премии Тони Моррисона.

Ключевые слова: исторический роман, специфика, литература, история, характер, писательница

Abstract. This article aims to shed light on the theme of historical novel elements in the work of African-American writer, Nobel Laureate Tony Morrison.

Key words: historical novel, feature, literature, history, character, writer

1970 йилларда Америка прозасида Хлоя Арделия Уоффорд – Тони Моррисон (1931-2019) ўзининг асарлари билан танила бошлади. Англия адабиёти ва тили бўйича мутахассис бўлган адиба дастлаб ўз ишини нашриётда муҳаррир сифатида бошлади. Аста-секинлик билан дастлаб ҳикоялар, кейинчалик эса роман ёза бошлади. Ўз асарларида турли инсонлар ҳаётини американинг реал воқеалари асосида тасвирлашга ҳаракат қилди. Америка реализми унинг асарларида аспект мисолида яққол кўзга ташланиб туради. 1993 йили адиба адабиёт соҳасида Нобель мукофотини қўлга киритди. Унинг асарлари нафақат Америка, балки бутун дунёга машҳурдир.

Афро-америкалик ёзувчи Тони Моррисоннинг 1987 йилда яратган "Севимли - Beloved" романи тарихий роман элементларига бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур асарни Вальтер Скоттнинг тарихий романларининг "авлоди" деб ҳисоблаши мумкин.

"Севимли" асарида ёзувчи ҳақиқат ва бадий адабиёт ўртасидаги муносабатлар муаммосини очиб беришга ҳаракат қилади. Мазкур асарда фойдаланилган тарихий материаллар ва асарда уни тасвирлаш услуби қисман инглиз адиби Вальтер Скоттга ўхшаб кетади. Тони Моррисон романи тарихий роман жанр мисолида ўрганиш ҳам асар табиатини тушунишга, ҳам тарихий роман сифатида баҳолашга ёрдам беради.

Асар нашр этилганидан сўнг унга афро-америка маданиятини ўзида акс эттирган роман деб баҳоланди. Адабиётшунослар ва танқидчилар асарда тасвирланган куллик, ирқий камситиш қолаверса америка жамиятидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий масалаларга ҳам эътибор қаратишди. Адибанинг воқеаларни ёритиб бериш ҳикоя услубига яхши баҳо беришди.

"Севимли" ни тарихий романга хос белгиларни очиб беришда унда акс этган адабий анъаналарнинг ўзгарувчанлигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Тадқиқотчи И.Докторов тарих бу яшаб ўтган ва шу билан бирга давом этаётган ҳаётни тасвирловчи, қолаверса тарихда мавжуд бўлган маълумотларни ўрганишда унда хилма-хилликни ҳам кўришимиз мумкинлигин таъкидлаб ўтади [2].

Тарихий воқеаларни ўз асарида тасвирлар экан адиба постмодерн даврида кузатилган тарихшунослик ва тарихий насрни бўлинганига ҳам гувоҳ бўлади.

Америка тадқиқотчиси Хатчеон Л фикрига кўра ҳам тарихшунослик, ҳам тарихий наср ўз кучини ҳар қандай объектив ҳақиқатдан кўра кўпроқ ишонувчанликдан олишини таъкидлайди. Шу билан бирга Рожер Саймоннинг "Тарих ва бадиий адабиёт: ҳикоя қилиш услуги" асарига таяниб, тарих ва бадиий адабиётнинг ўзи тарихий атама эканлиги ва уларнинг алоқалари тарихий жиҳатдан ўзгариб боришига эътибор қаратади [3]. Тадқиқотчи постмодерн адабиёт ҳам тарих, ҳам бадиий адабиёт ўзаро туташадиган нутқларни ўргатади деган хулосага келади.

Тони Моррисон ижодини ўрганган Кимберли Д "Постмодернизмнинг қоронғилиги" мақоласида "Севимли" Тони Моррисон асарлари орасида энг сўнгги тарихни ўзида намоён қилишини айтиб ўтади [3].

Юқорида таъкидланган тадқиқотчилар фикрига таянган ҳолда айтиш мумкинки, постмодерн адабиётда тасвирланган тарих бу ўтмиш тасвирларини қайта ишланган варианты сифатида изоҳлаш мумкин.

Кимберли Д "Севимли" асари бизга постмодернизмда афро-америкаликлар ҳаётини ҳикоя қилувчи асар деб баҳолайди.

Тони Моррисон мазкур асарда тарихий ривоятни қайта жонлантириб афро-америкаликлар анъаналарини, қолаверса порлоқ келажак яратиш учун тирик ўтмишни сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Адиба сўзларига кўра "Севимли" асари ҳали ҳам ўз халқининг тарихини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган афро-америкаликлар курашаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, Барбара Кристиан сингари афро-америкалик танқидчилар ушбу роман афро-америкалик анъаналарнинг ифодаси сифатида тушунилиши керак деб ҳисоблашади.

Тони Моррисон 1988 йилда "Жонли хотира" номли интервьюсида шундай дейди: "Ўтмиш йўқолиши мумкинми? Ҳозирги маданият ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни акс эттиришни тўхтатади, ҳатто ҳақиқат билан мурасага келишни истамайди" [5]. Бадиий адабиёт ва тарих ўртасидаги сунъий фарқни рад этиб, у ёзувчиларни "энг ҳақиқат тарихчилар" деб ҳисоблайди [4].

Асарда ёритилган воқеа адиба "Қора китоб" учун материал устида ишлаётган вақтида дуч келган афро-америкаликлар тарихига оид ҳужжатли тўпламдан бошланади. Кейинчалик эса у жинойт қилган қул ҳақида ёзилган газеталарни топади. Йиғилган материаллар устида қайта ва қайта ишлаган адиба жуда кўп тарихий фактларни ўрганади ва таҳлил қилади. Бу ҳикоя тарихий фактларнинг ўрганилмаган майда қисмига асосланган роман ёзишга уринган адибани бевосита кўрсатади.

Романда воқеалар унутилиши мумкин бўлган нарсалар билан банд бўлган асосий характер орқали кўрсатилади. Роман охиридаги "бу айгиладиган воқеа эмас эди" деган ибора олдинга интилиш ва орқага қараш бир вақтнинг ўзида содир бўлишини англатади, шу билан бирга воқеани келажак авлодларга айтиб бериш ва ўтиб кетишни ва тарихга айланишни кўрсатади.

Тони Моррисон ўз асарида тарихий ўтмиш билан ишлаган бўлса-да, инсон олдинга интилиши учун ўтмишни таҳлил қилиш ва баъзан унутиш кераклигини таъкидлайди. Адиба томонидан берилган бир нечта интервьюларда айнан "Севимли" романидаги тарихий элементлар мавжудлиги очиб берилган. Ҳатто адибанинг ўзи ҳам америкада яшаётган афро-америкаликлар ҳаётини реалистик услубда ҳикоя қилганлигини таъкидлайди. Аммо романи таҳлил қилиш жараёнида ундаги айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Асарда ҳикоя қилинган Маргарет Гарнер ҳаёти ҳақидаги воқеа тарихий манбаларга асосланмаган. Тони Моррисон ушбу аёл ҳақида қолаверса унинг фарзандларининг фожеали тақдири мисолида Огайо штати Кентукки шаҳридаги афро-америкаликларга адолатсиз муносабатни кўрсатишга уринди.

Романда тасвирланган айрим сюжетлар бироз тарихий воқеаларга тўғри келмайди. Романда тасвирланган баъзи образлар тўқима бўлиб, Тони Моррисон томонидан қайта ишланган. Асарда тасвирланган Маргарет Гарнернинг биографияси асосида қурилган бош қаҳрамон Сатининг образи ҳам қайта ишлаш жараёнида жиддий ўзгаришларга дуч келди.

Асарда тасвирланган Маргарет Гарнер образи тарихий маълумотларга кўра, мулат бўлган, яъни унинг отаси экин экувчи Жон Поллард Гейнс ва онаси қул бўлган. Сати сингари, Маргаретнинг тўртта фарзанди бор эди, икки ўғил ва икки қиз, унинг тўрт фарзанди бор эди. Романда қизларнинг тўнғичи Мерининг фожеали ўлдирилиши тасвирланган. Маргарет Гарнернинг адвокати Жон Жоллиффнинг мағлубияти билан яқунланган суддан сўнг кема орқали иш жойига қайтариб юборилади. Қизининг вафоти онага жуда қаттиқ таъсир қилади. У жуда тушкун кайфиятда кемада уйига қайтар экан ўзини иккинчи қизи Прискилла билан денгизга ташлаб, ўз жонига қасд қилишга

уринади. Сувга сакраган Маргаретни кутқариб қолишди аммо. Унинг кизи сувда чўкиб кетади. Тони Моррисон асарларни ўрганган тадқиқотчи Вейсенберг ўз жонига қасд қилиш орқали фарзандининг ўлимига сабабчи она эканлигини ва у ҳам жазога маҳкумлигини айтиб ўтади [7].

Маргарет Гарнернинг прототиби бўлган Сати унинг характерини тўлиқ ўзида намоён этмайди. “Севимли” асарида тасвирланган Сати образида яшаш учун курашаётган ва яхши ҳаётга муносиб эканлигини кўрсатишга уринаётган кучли ирода соҳибасини кўриш мумкин.

Асарни тарихий роман контекстида ўрганишда бир нечта элементлар намоён бўлди. Бу хусусиятлар постмодерн даврида яшовчи афро-америкаликлар ҳаёти, уларнинг унутилаётган тарихи, урф-одатларнинг ўзгариб бориши ва ниҳоят унутулиши каби муаммолар адиба асарларида очиб берилди. Тарихий маълумотларга таянган ҳолда асар яратган Тони Моррисон ижоди яшаш ва унутиш, қолаверса кўп маданиятли жамиятда ўзлигини сақлаб қолиш учун курашни бевосита ўзида акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Doctorow E.L. False Documents. Simon & Schuster:1983. –P. 27.
2. Davis K. Postmodern Blackness: Toni Morrison's *Beloved* and the End of History. *Twentieth Century Literature* 44. 2:1998. –P. 242-260.
3. Hutcheon L. *Poetics of Postmodernism: History, Theory, Fiction*. New York: Routledge, 1988. –P. 105.
4. Morrison T. Behind the Making of the Black Book. *Black World* Feb: 1974.-P. 86-90. 88.
5. Morrison T. *Living Memory*. *City Limits*: 1988.-P. 10-11.
6. Morrison T. *The Site of Memory*. *Inventing the Truth: The Art and Craft of Memoir*. Boston: Houghton: 1987. -P. 110.
7. Weisenburger S. *Modern Medea: A Family Story of Slavery and Child Murder from the Old South*. New York: Hill and Wang: 1998.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№9 (80)
2021 й., сентябрь**

Ўзбекча матн муҳаррири:

Русча матн муҳаррири:

Инглизча матн муҳаррири:

Мусахҳиҳ:

Техник муҳаррир:

Рўзметов Дилшод

Ҳасанов Шодлик

Мадаминов Руслан, Ламерс Жон

Ўрозбоев Абдулла

Шомуродов Журъат

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 10.09.2021
Босишга рухсат этилди: 17.09.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 20 б.т. Буюртма: № 11-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими

220900, Хива, Марказ-1

Тел/факс: (0 362) 226-20-28

E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz

xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18